

Муқимжон  
ҚИРҒИЗБОЕВ

# СИЁСАТШУНОСЛИК



**POLITICS**


ПОЛИТОЛОГИЯ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУҚИМЖОН ҚИРҒИЗБОЕВ

# СИЁСАТШУНОСЛИК

ОЛИЙ ЎҚУВ ЙУРТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ УЧУН  
ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА



Тошкент  
“Янги аср авлоди”  
2013

УЎК: 32(075)

КБК: 66.0

Қ-46

Қирғизбоев, Муқимжон

Сиёсатшунослик: олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма / М.Қирғизбоев; Андижон давлат университети. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. -524 б.

ISBN 978-9943-27-052-7

Ўқув қўлланмада мамлакат олий ўқув юртларида ўқитиладиган сиёсатшунослик фанига доир билимлар ва масалалар мужассамлашган. Шунингдек, унда ривожланган мамлакатлардаги турли йўналишдаги сиёсий назариялар, жараёнлар ва муносабатлар таҳлил этилади, улар миллий тажрибалар билан қиёсланади, қўлланмада ифодаланган назарий қарашлар мамлакатда тобора чуқурлашиб бораётган фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш ислохотлари билан боғланади.

Қўлланма олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган.

УЎК: 32(075)

КБК: 66.0

**Тақризчилар:**

З.ДАВРОНОВ, фалсафа фанлари доктори, профессор  
Р.ЖУМАЕВ, сиёсий фанлар доктори, профессор

*Мазкур ўқув қўлланма Андижон давлат университети Илмий кенгашининг қарорига (2013 йил 28 март, 8-йигилиш баённомаси) биноан нашрга тавсия қилинди.*

ISBN 978-9943-27-052-7

© М.Қирғизбоев, «Сиёсатшунослик». «Янги аср авлоди», 2013 йил.

## МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ .....	4
I БЎЛИМ. СИЁСАТШУНОСЛИК ФАНИНИНГ МЕТОДОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ .....	7
1-мавзу. Сиёсатшунослик фан сифатида .....	7
2-мавзу. Сиёсий қарашларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ....	27
II БЎЛИМ. СИЁСАТ ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ ВА ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА .....	58
3-мавзу. Сиёсат – ижтимоий ҳодиса сифатида .....	58
4-мавзу. Сиёсий ҳокимият .....	82
III БЎЛИМ. СИЁСИЙ ТИЗИМ ВА СИЁСИЙ ИНСТИТУТЛАР .....	106
5-мавзу. Сиёсий тизим .....	106
6-мавзу. Давлат – асосий сиёсий институт .....	145
7-мавзу. Фуқаролик жамияти .....	183
8-мавзу. Сиёсий партиялар .....	213
9-мавзу. Сайловлар .....	254
IV БЎЛИМ. СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР .....	279
10-мавзу. Сиёсий элита ва сиёсий етакчилик .....	279
11-мавзу. Сиёсий жараён ва сиёсий иштирок .....	316
12-мавзу. Сиёсий ихтилофлар .....	359
13-мавзу. Сиёсий ривожланиш ва сиёсий модернизация .....	387
V БЎЛИМ. СИЁСИЙ КОММУНИКАЦИЯ, СИЁСИЙ МАДАНИЯТ ВА МАФКУРА .....	416
14-мавзу. Сиёсий коммуникация .....	416
15-мавзу. Сиёсий мафкуралар ва сиёсий маданият .....	451
VI БЎЛИМ. ЖАҲОН СИЁСАТИ .....	485
16-мавзу. Халқаро сиёсат .....	485
Глоссарий .....	511
Фойдаланилган адабиётлар .....	518



## СЎЗ БОШИ

Мазкур қўлланманинг асосий мақсади талабаларни замонавий сиёсатшунослик фанининг муҳим масалаларини ўрганишлари учун имконият яратишдан иборатдир. Талабаларнинг ҳозирги замонга хос бўлган дунёқарашга эга бўлиши, ўз атрофидаги ижтимоий-сиёсий воқеликларни мустақил равишда баҳолай олиши ва ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок эта олиш қобилиятини эгаллаш жараёнида уларнинг сиёсий фанларга нисбатан эҳтиёж сезиши табиий бир ҳолдир. Қолаверса, мамлакатда тобора чуқурлашиб бораётган ислохотлар жаҳондаги сиёсий воқеликлар ва ҳодисаларни чуқур англайдиган, ислохотлар жараёнида шахсан иштирок этадиган ёш авлодни шакллантиришни талаб қилмоқда.

Қўлланмани ёзишда талабаларнинг мамлакатимизда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш жараёнлари, бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантириш ислохотларига оид билимларни эгаллашларида билиш кўникмаларини ривожлантириш, шунингдек уларнинг сиёсий фанлар назариялари ва тушунчаларини ўзлаштириш фаолияти учун қулай имкониятлар яратишга муҳим эътибор берилди. Мамлакатда сиёсатшунослик мустақил фан сифатида мустақиллик давригача ҳукм сурган яккаҳоким мафкура ақидалари билан суғорилган ижтимоий-сиёсий фанларни ўқитишга барҳам берилганидан кейин – мустақилликнинг илк даврида янги миллий демократик давлат ва жамият руҳига монанд равишда шаклланди. У Шимолий Америка, Европа, Япония, Жанубий Корея мамлакатлари каби ривожланган мамлакатлар қаторида бизнинг Ватанимиз олий ўқув юртларида ҳам ўқитила бошланди. Ўтган 20 йилдан ортиқроқ давр ичида мазкур фанни ўқитишга доир ўзига хос миллий тажрибалар ва ўқитиш салоҳияти шаклланди. Сиёсат ва сиёсий муносабатлар бир жойда қотиб турмаганидек, сиёсатшунослик ҳам доимий равишда ривожланишга мойил фандир. Шунинг учун ҳам бу соҳага доир барча дарслик ва қўлланмаларни муттасил равишда янгилаб бориш – ҳозирги давр талабига айланди.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий фанларга доир ўқув қўлланмаларни яратишда Президент И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрларини эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир: “Бинобарин, биз давлатимиз келажагини ўз қобиғимизга ўралиб қолган ҳолда эмас, балки умумбашарий ва демократик кадриятларни чуқур ўзлаштирган ҳолда тасаввур этамиз. Биз истиқболимизни тараққий топган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, давлат ва жамият бошқарувини эркинлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, фикрлар ранг-баранглигини ўз ҳиссимиизга янада кенгроқ жорий қилишда кўрамиз”<sup>1</sup>. Зеро, мамлакатда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришнинг асосий стратегик пиروвард мақсад сифатида эълон қилиниши талаблар дунёқарашига замонавий гуманитар фанларга оид билимларни кенгроқ ва чуқурроқ сингдиришни тақозо этмоқда.

Қадимги даврда сиёсий фанлар асосчиси номини олишга эришган Аристотель қуйидаги сўзни бежиз айтмаган эди: “...Чамаси, тан олиш керакки, олий фаровонлик, асосан бошқарадиган муҳим фанлар ихтиёрига тегишлидир. Шундай фанни давлат тўғрисидаги (ёки сиёсий) фан ифодалайди. ...Бу, чамаси, бошда айтилган фикрга мувофиқ келади: биз давлат ҳақидаги фаннинг мақсади энг олий фаровонлик яратиш, деб фараз қилган эдик. Шунинг учун ҳам бу фан бошқаларидан кўра кўпроқ ўз диққат-эътиборини муайян сифатларга эга бўлган, яъни юксак маънавийати, гўзал хатти-ҳаракатларни бажара оладиган фуқароларни яратишга қаратади”<sup>2</sup>.

Албатта, қўлланма бутунлай янги назарий ишланмалардан иборат эмас. Унда ижтимоий-сиёсий фанларни шакллантиришга ҳисса қўшган классик олимларнинг асарларига нисбатан ҳозирги давр нуқтани назаридан мурожаат қилинди. Сиёсат тушунчаларини талқин этишга фуқаролик жамияти қуриш талабларидан бидирилди. Қўлланмага янги мавзулар киритилди. Ишнинг сезиларли қисмини ташкил этган масалалар муаллиф томонидан таҳлил этилди. Муҳими, қўлланмаларга нисбатан давлат стан-

<sup>1</sup>Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.—Тошкент: Маънавият, 2008. —Б. 114.

<sup>2</sup>Аристотель. Никомахова этика //Соч.: В 4-х т. Т.4/Пер. с древнегреч.; Общ. ред. А.И.Доватура.—Москва: Мысль, 1984. —С.55 и 69.

дартлари асосида қўйилган талаблар, ҳозирги давр талабаси эҳтиёжлари ва унинг фанни ўзлаштириш қобилияти даражаси доимо муаллифнинг диққати марказида турди. Мамлакатимиз олимлари томонидан мустақиллик даврида нашр этилган, ривожланган мамлакатлар сиёсатшунослари томонидан яратилган “Сиёсатшунослик” ўқув қўлланмалари ва дарсликлари синчиклаб ўрганилди, улардан тегишли хулосалар чиқарилди.

Умуман, қўлланмани ёзишда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2011 йил 17 сентябрдаги 392-сонли буйруқ билан тасдиқланган “Сиёсатшунослик” фанидан намунавий дастур асос қилиб олинди.

Мазкур қўлланманинг кейинги нашрларини янада мукамал ва самарали бўлишини таъминлаш мақсадида ижтимоий-сиёсий фанлар соҳасида фаолият юритаётган олимлар, профессор-ўқитувчилар, талабалар, шунингдек қўлланмани ўқиган барча китобхонлардан қўлланмага доир ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиришларини сўраймиз.

# I БЎЛИМ. СИЁСАТШУНОСЛИК ФАНИНИНГ МЕТОДОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

## I-МАВЗУ. СИЁСАТШУНОСЛИК ФАН СИФАТИДА

1. Сиёсатшunosлик фани предмети, объекти ва вазифалари.
2. Ижтимоий фанлар тизимида сиёсатшunosлик фанининг ўрни.
3. Сиёсатшunosлик фанининг бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлиги.
4. Сиёсатшunosлик ўқув фани сифатида.

Ўзбекистонда мустақиллик даврида жамият сиёсий тизими ва сиёсий муносабатларининг бутунлай янги шакли – демократик қадриятлар асосидаги институтлари шаклланди. Собиқ социализм давридаги давлатчилик ва жамият тизимига барҳам берилди, ягона яккахоким мафкурага амал қилиш тўхтатилди. Мустақилликнинг илк давридан бошлаб мамлакатда миллий демократик давлат ва жамият қуриш ислоҳотлари бошланди. Бу туб ўзгаришлар асосан ривожланган мамлакатлар ва миллий анъаналар асосида амалга оширила бошланди.

XXI асрнинг бошларига келиб Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришни асосий стратегик пировард мақсад сифатида эълон қилиниши муносабати билан сиёсатшunosлик фанини ўрганишга бўлган зарурият янада кучайди. Президент И.А.Каримов томонидан “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”ни илгари сурилиши, унда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, мамлакатда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантиришга доир ҳуқуқий асосларни ривожлантириш масалалари<sup>3</sup> сиёсий

---

<sup>3</sup>Қаранг: Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик

фанларга улкан вазифаларни юклайди. Шу билан бирга, истиқболда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга доир ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнлари сиёсий фанларни жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва миллий мерос асосида янада такомиллаштиришни долзарб вазифа сифатида ҳаёт кун тартибига қўймоқда. Шу муносабат билан сиёсий фанларни ҳам мамлакатдаги воқелик, ҳам замонавий сиёсий назарий қарашлардан келиб чиққан ҳолда ривожлантириш мамлакатда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш мақсадларининг таркибий қисмларидан бири сифатида намоён бўла бошлади. Сиёсатшунослик фанини аҳамиятини чуқур англаш, унинг амалий жиҳатларини эътироф этиш учун бу фанни бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлиги, гуманитар фанлар ўртасидаги ўрнини билишга зарурият туғилиши табиий бир ҳолдир.

Маълумки, жамият ҳаёти ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган кўплаб соҳалардан иборатдир. Уларнинг ичида энг йириклари — бу иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий соҳалардир. Бу соҳаларнинг ҳар бири ўзининг ривожланиш қонуниятлари ва анъаналари асосида такомиллашиб боради, улар ўзларига хос бўлган бетакрор ташкил этиш ва бошқариш усулларига эга бўлган алоҳида-алоҳида тизимларга эгадир. Шунингдек, бу соҳаларнинг ҳар бири ўзига тегишли бўлган фанлар томонидан ўрганилади ва тадқиқ этилади.

Жамиятнинг сиёсий соҳаси иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва бошқа соҳалардан фарқ қилади. У жамиятни бутун бир давлат миқёсидан то унинг энг кичик тузилмаларигача бўлган йўналишларини ташкил этади ва у давлат бошқарувини амалга оширишга доир турли даражалардан иборатдир. Агар жамиятнинг сиёсий тизими кашф этилмаганида эди, унда жамият тартибсиз ҳаракатлар гирдобидида ўзининг яшаш фаолиятини тўхтатган бўлар эди.

Сиёсий тизим жуда ҳам йирик ва энг мураккаб бўлган фаолият ва тузилмалардан иборатдир. Унинг доирасида жамият ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган сиёсий жараёнлар пайдо бўлади, кечади ва ривожланади, жамиятнинг яшовчанлигини таъминлай-

---

палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. —Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

диган муҳим қарорлар қабул қилинади. Шунинг учун ҳам сиёсий фанлар турли ижтимоий ва бошқа жамиятга доир фанлар билан мустақкам ўзаро алоқалар асосида ривожланиб боради. Лекин жамиятнинг сиёсий тизимини фан сифатида фақат сиёсий фанлар ўрганади.

Сиёсатшунослик ёки политология (юнонча “politika” – “давлат ва жамият (ижтимоий) ишлари” ва “logos” – “таълимот” сўзларини ифодалайди) – кенг маънода давлат бошқарувига доир фан, яъни жамият сиёсий тизимига оид фан сифатида эфироф этилади.

Ўз даврида Аристотель сиёсат олами ҳақида фикр юритар экан, уни мазмуни ҳақида қуйидаги аниқликни киритган эди: “1. Уй хўжалиги ҳақидаги фан ҳокимиятнинг уч унсури бўлишини шарт қилиб қўяди: биринчидан, қулларга нисбатан хўжайин ҳокимияти (биз бу ҳақда юқорида гапирган эдик) ; иккинчидан, отанинг болаларга муносабати; учинчидан, эрнинг хотинга муносабати. Дарҳақиқат, хотин устидан, болалар устидан ҳокимият эркин мавжудотлар сифатида юритилиб, бу ҳокимият бир хил тарзда амалга оширилмайди. 2. Хотин устидан эр ҳокимиятини сиёсий арбоб ҳокимияти билан, отанинг болалар устидан ҳокимиятини эса подшоҳ ҳокимияти билан тенглаш мумкин. Эркак ўз табиатига кўра, унинг фақат у ёки бу расо бўлмаган четга чиқишларини мустасно қилганда, хотинларга нисбатан кўпроқ раҳбарлик қилишга мойилдир. Ахир, катта ва етук инсон ёш ва етук бўлмаган одамга нисбатан яхши раҳбарлик қила олади-ку”<sup>4</sup>. Мазкур таърифда Аристотель сиёсий муносабатларни фақат тенг ва эркин одамлар ўртасида бўлиши мумкинлигини қайд этар экан, давлатнинг моҳияти тўғрисида қуйидаги фикрни илгари суради: “...давлат эркин одамларнинг муносабатидир”<sup>5</sup>. Шу билан бирга, мутафаккир “...инсон ўз табиатига биноан сиёсий мавжудот эканлигини” очиб беради. Албатта, Аристотелнинг бу фикрларидан хулоса чиқарадиган бўлсак, кўз олдимизда сиёсатшунослик фанининг аҳамияти янада кенгроқ ва чуқурроқ намоён бўлади.

<sup>4</sup> Аристотель. Соч.: В 4-х т. Т. 4/Пер. с древнегреч.; Общ. ред. А. И. Доватурова. – Москва: Мысль, 1984. – С. 398.

<sup>5</sup> Ўша жойда. – Б. 456.

Аристотель сиёсат мавзусини ниҳоятда чуқур таҳлил этиш асносида қуйидаги фикрни илгари суради: “Агар барча фанлар ва санъатларнинг охирги мақсади фаровонлик бўлса, барча фанлар ва санъатларнинг, айниқса, сиёсатнинг энг бош ва устувор мақсади олий фаровонликдир”<sup>6</sup>. Мутафаккир бу фикри билан сиёсатни жамият фаровонлигини оширишдаги аҳамиятини очиб бериш баробарида, унинг бошқа фанлар ва санъат билан ўзаро уйғун ҳолдаги мақсадини ҳам аниқлаштириб берди. Шу билан бирга, Аристотель сиёсатни фан сифатида барча фанлар қаторида қайд этиш баробарида унинг асосий бош мақсадига алоҳида урғу беради. Бу ҳолат сиёсатга оид фанларни қадимги даврда ҳам юқори мақомга эга эканлигини англатади.

Сиёсатшунослик энг қадимги даврда шаклланган фан бўлиши билан бирга ёш фандир. Чунки бу фанга бир бутун ҳолда, тизимли таълимот сифатида қарашлар фақат бундан юз йилдан олдинроқ давр ичида пайдо бўлди. Кейинги 1-1,5 аср ичида жамиятда сиёсатшуносликни ўрганишга зарурат жуда ҳам кучайди. Илгариги пайтларда “бу фан билан фақат юқори элита қатламлари шуғулланишлари лозим” деган қарашлар ҳукмрон бўлса, кейинги даврга келиб инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳокимиятни учга бўлиниш принципини амалга ошириш, кўппартиявийликни ривожлантириш, муқобил сайловларни ташкил этиш, фуқароларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокларини таъминлаш каби заруриятлар ҳар бир фуқарони сиёсатшунослик фани асосларини чуқур билишини тақозо эта бошлади.

Шу билан бирга, ўтиш даврини ўз бошидан кечираётган мамлакатларда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш ислохотларини бошланиши ҳам бу фанни ўрганишни долзарб вазифа сифатидаги аҳамиятини ошира бошлади. Зеро, сиёсатшунослик фани асосан демократик сиёсий тизимлар, давлат ва жамиятни ривожлантириш қонуниятларини ўрганадиган ва бу соҳада таълим берадиган бирдан-бир фан ҳисобланади. Шу сабабли ҳам сиёсатшунослик яхлит ва мустақил академик фан сифатида ривожланди.

---

<sup>6</sup> Ўша жойда. —Б. 455 ва 467.

## 1. Сиёсатшунослик фанн предмети, объекти ва вазифалари

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, сиёсатшунослик асосан жамиятнинг сиёсий тизими ҳақидаги фандир. Аммо бу этимологик талқин мазкур фаннинг тўлиқ мазмун-моҳиятини очиб бера олмайди, балки у фақат бу фанни тадқиқот объектини ва унинг ўзига хос хусусиятларини ифодалаб бериши мумкин. Шу сабабли ҳам сиёсатшунослик фанининг объекти ва предметини билишга зарурият туғилади. Маълумки, ҳар бир фаннинг объекти сифатида доимо аниқ воқеликнинг маълум бир соҳасини мавжуд бўлиши шарт қилиб қўйилган. Шу билан бирга, ҳар қандай фан предмети маълум тадқиқот натижаларига асосланади, бу жараёнда олимлар маълум бир фан учун тегишли бўлган ўзига хос хусусиятларни ифода этувчи қирраларни ажратиб кўрсатиши, ўрганилаётган объектнинг ривожланиш ва амал қилиш қонуниятларини белгилаб бериши талаб этилади. Аксарият сиёсатшунос олимларнинг бир тўхтама келган фикрича, сиёсатшунослик фанининг объекти (сиёсий деб номланган) ижтимоий ҳаётнинг хусусиятлари, алоқалари ва муносабатларининг бир бутун жамулжамидан иборатдир. Бошқача айтганда, *сиёсатшунослик фанининг объекти ижтимоий ҳаётнинг сиёсий соҳаси ҳисобланади*. Бу соҳа асосан қуйидагилардан иборатдир:

-жамият ҳаётининг сиёсий соҳаси – бу асосан давлатга оид ўзаро ташкилий алоқалар, хатти-ҳаракатлар ва муносабатлар соҳасидир. Аксарият олимлар сиёсат – инсоннинг давлат ишларида бевосита фаол иштирок этиши, деб қарайди. Албатта, қадимги давлатлар ташкил топганидан буён давлатга “ижтимоий уюшиш шакли”, деб қараш анъанавий русумга кириб, бу соҳага сиёсий ҳаётнинг асоси деб қарала бошланди. Шунинг учун ҳам дастлабки сиёсий фан предмети – бу давлатни ўрганишдир, деган тасаввурлар ривожланди. Қадимги даврда “сиёсат” (“*politika*”) сўзи юнонча “полис” – шаҳар-давлат маъносини англатганлиги ҳам бежиз эмас эди. Шунинг учун ҳам сиёсий фан отаси – Аристотелнинг “*La politika*» номли трактатининг номи “давлатга нима тегишли бўлса, шу ҳақда”, деган тушунча маъносини англатиши ҳам табиий бир ҳолдир. Шу билан бирга, Аристотель полисга фақат жуғрофий ва миллий-давлат тузилмаси си-



фатида эмас, балки фуқаролар фаоллигининг кенг майдони сифатида қараганлиги ҳам бу фикрнинг тўғрилигини исботлайди;

-қадимдан бошлаб давлатни ўрганишдаги асосий йўналишлар — бу давлат тузумини энг яхши шаклини (деспотия, демократия, олигархия ва бошқа) яратиш масаласини ҳал этишга қаратилган эди. Демак, қадимги даврлардаёқ сиёсий ҳаётнинг муҳим соҳаси сиёсат оламининг ўзагини ташкил этувчи ва алоҳида таснифларга эга бўлган ҳокимият ҳақидаги масала эканлиги аниқланиб бўлган эди. Шунинг учун ҳам сиёсатшуносларнинг асосий вазифаси — нафақат ҳуқуқий фанлар предмети бўлган давлатнинг ҳуқуқий жиҳатларини таҳлил этиш, балки умумий манфаатларни амалга оширишни бош мақсад қилиб олган давлат ва ҳокимиятга оид муносабатларни жамият сиёсий институтлари сифатида тадқиқ этишдан иборатдир. Шу муносабат билан сиёсатшунослик фанининг ўрганиш *предмети* — бу сиёсий ҳокимият, унинг моҳияти ва тузилмалари, бу ҳокимиятни амалга ошириш ва унинг тақсимланиш механизмлари, ҳокимиятнинг ўзини жамият аъзоларининг кўпчилик қисми томонидан қўллаб-қувватлашига эришишини таъминлаш қобилияти, сиёсий ҳокимиятнинг жамият фаолиятини назорат қила олиш қобилияти кабилардир;

-XIX асрга келиб узоқ даврлар мобайнида шаклланган сиёсий қарашлар тубдан ўзгарди: сиёсий ҳаётга нисбатан ўз шахсий ёки тор гуруҳий манфаатлари йўлида сиёсий муносабатлар ва жараёнларда иштирок этаётган алоҳида индивиднинг эмас, балки ижтимоий бирликларга (ижтимоий гуруҳлар, табақалар, синфлар, миллатлар ва ҳ.к.) уюшган индивидларнинг ўзаро хатти-ҳаракати сифатида қарала бошланди. Ҳар бир ижтимоий бирлик ўзининг ижтимоий манфаатларига эгадир, деган қарашлар русумга кирди. *Ижтимоий манфаатлар* — бу инсонларнинг ва ижтимоий бирликларнинг анланган ёки анланмаган ҳолатдаги ўз хатти-ҳаракатларида амал қиладиган, шу билан бирга, аниқ рўй берадиган ҳаётий интилишлари бўлиб, улар бу билан жамиятдаги ўз объектив ўрнини аниқлаштириб олади. Мазкур жараёнларда манфаатларнинг ўзаро келишуви рўй беради, шу асосда жамиятда ҳокимиятларнинг бўлинишини амалга ошириш учун шарт-шароитлар етилади;

-жамиятдаги ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар ўз ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ўзларининг сиёсий ва ижтимоий ташкилотлари — партиялар, касаба уюшмалари, ҳара-

катлар, нодавлат ташкилотлар кабиларни тузади. Бу ташкилотлар ва бирлашмалар ўзларининг мафкуравий тизимларини ишлаб чиқади, уларни тарғибот воситасида ўзига тегишли бўлган ижтимоий қатламлар ва гуруҳларга тегишли бўлган кишилар ижтимоий фикрларини шакллантиради. Мафкура ўз ўрнида институционал муносабатларда (турли жамият институтлари вакиллари ўзаро муносабатларида) аҳамият касб эта бошлайди, муайян ижтимоий-тарихий шарт-шароитларда яшаётган одамлар ўртасида сиёсий воқеликни далиллайди, асослайди, оқлайди ёки рад этади. Амалда сиёсат турли мафкуралар ва ғоявий-сиёсий оқимлар илгари сураётган кучлар ўзаро тўқнашувлари майдонига айланади. Шунинг учун ҳам сиёсий ташкилотлар, манфаатлар гуруҳлари, мафкуравий таълимотлар фаолиятини ўрганиш сиёсатшуносликнинг асосий вазифалари сирасига киради.

Умуман, хулоса қилиб айтганда, сиёсатшунослик фанининг предметини қуйидагича таърифлаш мумкин: *сиёсатшунослик* – бу сиёсий субъектлар, сиёсий институтлар ва сиёсий онг кабилар таркибини ташкил этган сиёсий тизимда амал қилаётган ва ривожланаётган давлат билан ҳамжиҳатликдаги уюшган жамият ҳақидаги фандир.

Сиёсатшунослик фанининг жамият сиёсий тизими тузилмаларини ва уларнинг амал қилишини ўрганиш мақсадидан келиб чиқиб қуйидаги асосий *вазифалари* шаклланди:

-жамият сиёсий тизимини шаклланиш ва ривожланишининг умумий ва ўзига хос хусусиятларини яхлит ҳолда, шунингдек, унинг таркибини ташкил этувчи сиёсий институтлар (сиёсий ҳокимият, сиёсий партиялар, сиёсий етакчилик, сиёсий элита, сайлов тизимлари ва ҳ.к), сиёсий муносабатлар ва жараёнларни тадқиқ этиш;

-сиёсий тизимни яхлит ҳолда ва унинг асосий унсурларини ўзгартириб ва тўғрилаб боришга имкониятлар яратувчи механизмларни яратиш ва уларни такомиллаштириш;

-сиёсий тизимни ривожлантиришда пайдо бўлиши мумкин бўлган инқироз вазиятлари сабабларини аниқлаш ва уларни мувофиқлаштириш тавсияларини ишлаб чиқиш;

-ҳаётда рўй бераётган сиёсий жараёнлар, уларнинг пайдо бўлиш сабаблари, жамиятни ривожлантиришдаги ролини турли далиллар воситасида тушунтириш;

жамият сиёсий тизимини барқарор ривожлантириш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратишга доир назарий ва амалий таъсишлар ишлаб чиқиш.

Сиёсатшунослик фанининг *функциялари*:

-*дискриптив* функция (сиёсий ҳодисалар ва уларнинг характерли белгиларини ички ва ташқи алоқаларини тўлиқ тасвирлаш учун мўлжалланган функцияси) асосан сиёсий ҳодисаларни ташқи ва ички алоқаларини ва уларнинг характерли белгиларини ҳар томонлама ва тўлиқ равишда тасвирлаш мақсадидаги заруриятдир. Бу функцияни бажариш объектнинг ҳолати билан белгиланувчи, шунингдек сиёсий ўзгаришлар ҳақида аниқ ва ҳақиқий билимлар олишга бўлган жамият эҳтиёжларига, профессионал ижрочилар ва бошқа шароитлар мавжудлигига боғлиқ равишдаги талаблар асосида воқеликларни қабул қилишни англаш жараёнини бойитиш ва ўзгартиришни назарда тутати;

-сиёсатшунослик фани *баҳолаш функциясини* ҳам бажариб, унда у ёки бу ижтимоий субъектнинг сиёсий объектлар тўғрисидаги нуқтаи назаридан ҳукмлар чиқаришини қабул қилиш ёки қабул қилмаслик тўғрисидаги қарор қабул қилиш жараёни амалга оширилади. Бошқача айтганда, сиёсий ҳодисалар олимлар томонидан амал қилиш шарт бўлган ва илмий таҳлилнинг таркибини ташкил этадиган қадриятли баҳолашларга учрайди. Албатта, бунда “тараккашлик”ка йўл қўйилмайди, балки бу жараён англашнинг ўзига хос йўли сифатида намоён бўлиб, ҳодисаларни сиёсий фактларга айлантирувчи субъектив аҳамиятга молик воқеликларга нисбатлар беришдан иборат ҳолда амалга оширилади;

-сиёсатшунослик *қиёслаш функциясини* бажаради. Унда турли тенденциялар ва уларни ривожланиши, таснифлашлар, қонуниятлар кабиларга оид хулосалар ва баҳолашларни шакллантиришдан олдин турли сиёсий ҳодисалар (ҳокимиятлар тизимлари, идора этиш режимлари, сиёсий маданият турлари ва бошқалар) ўзаро қиёсланади;

-сиёсатшуносликнинг *қайта ўзгартириш функцияси* ҳам муҳим аҳамиятга молик жараёндир. У жамият эҳтиёжлари асосида ҳокимият соҳасининг амалий фаолиятига киритиладиган, давлат бошқарувидаги “чиқим ва харажатларни” камайтирадиган, эришадиган натижаларни мақсадларга мувофиқ келишини таъминлайдиган билимларни шакллантиришни назарда тутати. Шу тариқа, сиёсий фан у ёки бу даражада ҳокимият соҳасида амалий

Ўзгаришлар қилиш билан боғлиқ бўлиб, у турли сиёсий кучларни мақсадлар сари хатти-ҳаракатларига таъсир этиб туради;

-сиёсий фан *башорат қилиш функциясини* ҳам бажаради. Унга мувофиқ, мақсадларни амалга оширишни қўллаб-қувватлайдиган, гипотетик тарзда бўлажак ўзгаришларни аниқлашга уринувчи, амалга оширилган хатти-ҳаракатларни эътироф этувчи билимларни ишлаб чиқиш зарурияти асосида истиқболда рўй бериши мумкин бўлган оқибатлар тўғрисида тахминий тасаввурлар шаклланади. Мазкур функцияни амалга ошириш натижасида ҳокимият учун интилаётган кучларнинг долзарб хатти-ҳаракатларини тўғрилаб туриш имконини берувчи сиёсатнинг келажақдаги дастлабки қиёфаси шаклланади;

-сиёсатшунослик фанининг *ижтимоийлаштириш функцияси* ҳокимият муносабатларида иштирок этадиган кишиларнинг сиёсий онгини шакллантиришга қаратилган. Бу функцияда сиёсий фан у ёки бу даражада сиёсий жараёнларга тортилган индивидларнинг ҳаётий фаолиятларини кузата бориб, уларнинг ҳокимият соҳасида турли ролларни бажаришида, ўз манфаатларини ҳимоялаш учун сиёсий ҳокимиятдан фойдаланиш имкониятларини аниқлашда уларнинг тасаввурларини рационал тарзда шаклланиши учун шарт-шароитлар яратиб беради.<sup>7</sup> Бу функция индивидлар сиёсий маданиятини шакллантириш омили сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Сиёсатшунослик фанининг юқорида қайд этилган мақсад ва вазифаларидан кўриниб турибдики, унинг жамият сиёсий тизимини ўрганишдаги тадқиқ этиш, башорат қилиш ва амалий роли бениҳоя каттадир.

## 2. Ижтимоий фанлар тизимида сиёсатшунослик фанининг ўрни

Сиёсатшунослик фани ўзининг мақсад ва вазифаларини бошқа ижтимоий фанлар билан ўзаро алоқадорликда ва ўзаро ҳамкорликда, шунингдек бошқа фанлар ютуқларидан фойдаланган ва унга таянган ҳолда амалга оширади. Бошқа ижтимоий фан-

<sup>7</sup> Қаранг: Соловьев А.И. Политология: Политическая теория, политические технологии: Учебник для студентов вузов. –Москва: Аспект Пресс, 2004. –С.12-13.

лар билан ўзаро алоқадорлик асосида жамият ҳаётини ижтимоий тараққиёт жараёни билан чамбарчаслиги ва умумий чатишиб кетиши (иқтисодий, сиёсий, психологик, маданий ва бошқа жиҳатлардан) ётади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай сиёсий, ижтимоий ёки иқтисодий назария бу каби ўзаро алоқадорликларга асосланмай иложи йўқ. Жамиятда доимий тарзда муҳим ижтимоий қадриятлар билан боғлиқ бўлган муаммолар пайдо бўлиб турадики, уларни фақат барча ижтимоий фанлар ўзаро бирлигида ўрганиш ва ечимини топиш мумкин. Бу каби қадриятларнинг энг асосийлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: жамиятнинг моддий фаровонлиги ва унинг барқарорлиги; миллий хавфсизлик; фуқаролар эркинлиги, конституциявий тартибот ва бошқалар.

Ижтимоий фанларнинг ўзаро алоқадорлиги ва ҳамкорлиги яна шунинг учун ҳам зарурки, жамиятдаги ижтимоий ривожланиш муаммолари сабабларини ўзига хос томонларини ўрганиш ва уларнинг ечимларини топиш учун уларнинг турли муҳим (иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий, этикавий, психологик) жиҳатларини ҳар бир фан ўзига тегишли бўлган объектлар ва усуллар воситасида тадқиқ этиб, сўнгра барча ижтимоий фанларнинг тадқиқот натижалари умумлаштирилганида жамиятда пайдо бўлган муаммоларни бартараф этишга имконият туғилади. Шунингдек, аксарият ҳолатларда жамиятдаги муаммоларни тадқиқ этиш сиёсий характер касб этади. Масалан, *иқтисодий назария* нафақат бозор муносабатлари қонунлари, қонуниятлари, бозорни ўзини ўзи ташкил этиши, ўзини ўзи мувофиқлаштириши, ўзини ўзи тўғрилаб туриши, балки давлат сиёсатининг бутун бир жамият иқтисодий тизими амал қилиши учун қўллайдиган усулларини ҳам ўрганади. Яна иқтисодиёт иқтисодий назарияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш принциплари ва иқтисодий жараёнларни, иқтисодий стратегия ва тактикани давлат томонидан мувофиқлаштириб туриш масалаларини ҳам ўрганади. Бу ҳолат иқтисодий назариялар хулосаларини сиёсий фанлар учун ҳам муҳим аҳамият касб этадиган жиҳатларини юзага чиқаради, иқтисодий масалаларни ҳал этиш учун сиёсий муаммоларни ўрганишга зарурият пайдо бўлади. Масалан, улардан бири – иқтисодий жараёнлардаги муҳим йўналишлардан бири – жамиятнинг маълум ижтимоий қатламлари сиёсий манфаатларини мувофиқлаштириш масалаларини таҳлил этишдан иборатдир. Ёки мам-

такатлар президентлигига ва ҳукуматига бўлган сайловлар кампаниясида номзодларнинг пухта ишлаб чиққан ва фуқаролар учун истиқболга эга бўлган иқтисодий дастурлари уларни сиёсий ҳокимиятни эгаллашлари учун шарт-шароитлар яратади. Шу билан бирга, сиёсатшунослик фани иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, иқтисодий жараёнларни давлат томонидан мувофиқлаштириш принципларини илмий асослаб беришда муҳим рол ўйнайди.

### 3. Сиёсатшунослик фанининг бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлиги

Жамият сиёсий тизимини ривожлантириш масалаларини нафақат сиёсий фанлар, балки сиёсий тарих, социология, ҳуқуқ каби бошқа ижтимоий фанлар томонидан ҳам тадқиқ этиш тақозо этилади. Лекин, шуни эсда тутиш лозимки, мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлган жамият сиёсий тизимини ўрганишдаги бош рол сиёсатшунослик фанига тегишлидир. Яна шуни қайд этиш зарурки, барча ижтимоий фанлар ҳам ўз соҳалари бўйича асосий ролни бажаради.

Таниқли АҚШ сиёсатшуноси Ч. Мерриам сиёсатшунослик фанининг бошқа ижтимоий ва табиий фанлар билан ўзаро алоқадорлигини қуйидагича ифодалаган эди: “Сиёсат тадқиқотчиси учун ижтимоий фанларни табиий фанлар ютуқлари билан интеграциялаш (табиий ва “нотабиий” фанларни бирлаштириш) янада муҳимроқ аҳамият касб этиб бормоқда. Шу нарса янада аниқлашиб бормоқдаки, инсон хулқида рўй берадиган ҳодисаларнинг ижтимоий ва сиёсий оқибатлари тўғрисида сўнги сўзни айтишда табиий билимларни қўллаш ниҳоятда муҳимдир. Вақтлар ўтиб, инсон хулқини илмий ижтимоий назорат қилиш эҳтимоли жуда ҳам кам эканлигини жамиятшуносларга нисбатан табиий фанлар олимлари яхшироқ ўзлаштиргани маълум бўлмоқда. Биология, психология, антропология, психопатология, тиббиёт, ер ҳақидаги фанлар ўз тадқиқотлари натижаларини ижтимоий вазиятларда фойдаланиш йўлида илгарилаб бормоқда. Уларнинг вакиллари ҳамма ёқда – Конгрессда, марказларда, судларда, бошқарув таркибида учратиш мумкин. Бу янги йўналишларга ўзининг барча даъволари билан сиёсатшунослик фани қандай муносабатда бўлиши мумкин?.. Бошқарув тизимлари ва психо-

ТЕНДУРАНИМ  
№ 389/170

логик ҳамда биологик фарқлар ўртасида қандайдир алоқалар мавжудлиги тўғрисидаги масалалардан ҳам қочиб бўлмайди. Табиат ва инсонлар тенглигининг тақсимланиши ҳозирги даврда психологлар томонидан тадқиқ этилмоқда ва шу нарса аниқки, сиёсатшунослик психологиянинг бу каби ривожланиш имкониятларини ўрганишдан ўзини четга торта олмайди”<sup>8</sup>.

Шу тариқа, сиёсий фанларни бошқа фанлар билан ўзаро алоқалари шунда намоён бўладики, аксарият сиёсий жараёнларни нафақат сиёсий фанлар, балки бошқа фанлар томонидан ҳам ўрганишга зарурият сезилади. Сиёсатшунослик фанининг бошқа ижтимоий фанлар билан туташуви унинг илмий ишланмалар ишлаб чиқишда фаол таянч вазифасини бажаришидир. Масалан, сиёсатшунослик фани назариялари ва қонуниятлари ҳуқуқий фанларнинг қуйидаги соҳаларидан фойдаланади: сиёсий институтлар, сиёсий жараёнлар, сиёсий муносабатларни ҳуқуқий асослаш, расмийлаштириш ва баҳолаш, уларни бир меъёрда ривожланиши ва амал қилиш кафолатини таъминлаш ва ҳоказо. Сиёсатшуносликнинг объекти ва тадқиқот усулларига давлат-ҳуқуқ фани жуда ҳам яқин келиб, бу соҳада сиёсатшунослик фани сиёсий қарорларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини ҳам ўрганади. Шунингдек, сиёсий ва ҳуқуқий фанларнинг бир-бирлари билан ўзаро чамбарчас алоқалари сиёсий ҳокимиятнинг жамиятда ижтимоий меъёрларни амалий жиҳатдан қўллаш роли билан боғлиқлигидадир. Шу билан бирга, сиёсий ҳокимият ҳуқуқий расмийлаштиришсиз фаолият юрита олмайди.

Сиёсатшунослик фанининг сиёсатнинг ижтимоий муҳит билан ўзаро хатти-ҳаракатини ўрганадиган *сиёсий социология* фани билан ҳам алоқалари мустаҳкамдир. Олимлар – Р.Бендикс ва С.М.Липсетларнинг фикрича, “давлатдан келиб чиқадиган ва уни жамиятга таъсирини ўрганадиган сиёсатшуносликдан фарқ қилиб, сиёсий социология жамиятдан келиб чиқади ва унинг давлатга таъсирини, яъни ҳокимиятни бўлиниш ва амалга ошириш хизматчилари бўлган расмий институтларни ўрганади”. Сиёсий социология жамият ижтимоий тузилмаларини таҳлил этади, онг

---

<sup>8</sup> Батафсилроқ қаранг: Мерриам Ч. Новые аспекты политики // Антология мировой политической мысли: В 5 т. – Москва: 1997. Т. II. – С.176-184.

сиёсатнинг иқтисодий-жуғрофий, иқлим ва бошқа табиий омиллар миқёси билан (океанларга яқинлиги, тоғлик ёки текисликка қўйлашганлиги, табиий бойликларга эгаллиги ёки уларнинг мавжуд эмаслиги кабиларга) боғлиқ эканлигини ўрганади.

Шу билан бирга, сиёсатшунослик кибернетикадан ҳам кенг фойдаланиб, унинг ёрдамида сиёсий тизимни моделлаштиради, давлат тузумининг нисбатан мақсадга мувофиқ муқобилларини аниқлайди, марказий ва маҳаллий ҳокимиятлар ўзаро нисбатларини ўрганади.

Умуман, хулоса қилиб айтганда, сиёсатшунослик фақат бошқа фанлар билан алоқадорликда ва ҳамкорликдагина давлат сиёсатни ишлаб чиқишга ўзининг самарали ҳиссасини қўша олиши мумкин. Сиёсий фанлар тадқиқотлари асосида сиёсий аҳамият касб этадиган ижтимоий муаммоларни аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилади, давлат сиёсатини ишлаб чиқиш жараёни зарурий ахборотлар билан таъминланади, давлатнинг ижтимоий, миллий ва бошқа сиёсатлари ишлаб чиқилади, ижтимоий ихтилофларнинг олди олинади, уларнинг қутблашган манфаатлари ўзаро келиштирилади.

#### 4. Сиёсатшунослик ўқув фани сифатида

XIX–XX асрлар тарихга ҳозирги замонавий сиёсий қарашларнинг шаклланиш ва ривожланиш даври бўлиб кирди. Замонавий сиёсий қарашлар илк бор АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларида ривожланди. АҚШда сиёсий фанларнинг ривожланиши, сиёсатшунослик фанининг жамият ҳаётидаги ўрнини ошириши бу мамлакатда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятига хос бўлган тарихий тараққиётга боғлиқ ҳолда кечди.

АҚШ сиёсатшунослари Америкада сиёсатшунослик фанини ривожланиш жараёнини тўртта босқичга ажратиб кўрсатади:

- 1) XIX асрнинг охиридан биринчи жаҳон урушигача бўлган давр;
- 2) Биринчи ва иккинчи жаҳон уруши ўртасидаги давр;
- 3) Иккинчи жаҳон урушидан кейинги давр;
- 4) 1960 йилдан ҳозирги давргача.

Биринчи давр замонавий сиёсатшуносликнинг қарор топган даври сифатида талқин этилади. Бу даврни немис мухожири Ф.Либер (у 1857 йилда Колумбия университетида АҚШда би-



ринчи марта очилган сиёсий фанлар кафедрасига биринчи му- дир бўлиб тайинланган эди) бошлаб берди. 1830 йилдан бош- лаб сиёсатшунослик фани олий таълим жараёнига киритила бошланди. Бу даврда АҚШнинг йирик университетларида (Ко- лумбия, Йель, Гарвард, Принстон ва бошқа) сиёсий фанлар олий мактаблари ва сиёсий фанлар бўлимлари ташкил этилди. Шу каби мактаблардан бири 1880 йилда Колумбия Универси- тетида ташкил этилган сиёсий фанлар мактабидир. АҚШда бу санани сиёсатшунослик фанининг махсус фан сифатида пайдо бўлган вақти сифатида нишонлаш анъанага айланган. Бу давр- да АҚШда сиёсий фанлар анъанавий давлат ва ҳуқуққа оид фанлардан фарқли ўлароқ, давлат билан жамиятнинг ўзаро ало- қадорлиги, давлат, ҳуқумат, сиёсий ва нодавлат институтлар фаолиятини умумий жиҳатлари таҳлилларига эмпирик ёндашув асосида алоҳида аҳамият бериш анъанаси билан боғлиқ ҳолда шаклланди. Бу даврда Жон Берджес, Теодор Дуайт Вулси, Вуд- ро Вильсон каби олимлар сиёсатшунослик фанини фуқаролар сиёсий қарашларини оширишга кучли таъсир кўрсата олади- ган даражага олиб чиқди.

АҚШда 1906 йилга келиб маҳаллий даражада, 1914 йилдан эса федерал даражада сиёсий жараёнларга доир эмпирик тадқи- қотлар ўтказишга ихтисослашган янги марказлар ташкил этила- ди. Бу ўзгаришлар Европа давлатлари ва мамлакат сиёсий ҳаёти- даги кескин ўзгаришлар, айниқса, фашистик ва авторитар ре- жимларнинг ўрнатилиши билан боғлиқ ҳолда кечди. Бу даврга келиб, Америка сиёсий фанлари гуманитар ва табиий фанлар билан алоқадорликдаги тадқиқотларни ўтказиш бошлади. Бу ҳолат социология фани билан ҳамкорликда яққол сезилди. Шунингдек, АҚШ сиёсатшунослик фани психология фани билан ҳам ўзаро алоқадорликда такомиллашиб борди.

Сиёсатшунослик фани ўзининг иккинчи ривожланиш босқи- чида (айниқса, 1920–1940 йй.) ўзининг концептуал мазмунига эга бўлди. Сиёсий фанларнинг ривожланишида Чикаго универси- тети катта рол ўйнади. Кейинроқ бу фан Мичиган университетида ривожланиб, унинг қошида “Ижтимоий тадқиқотлар институти”, Мичиган шаҳрида эса “Тадқиқот маркази” очилди. Шунингдек, Колумбия университети қошида “Амалий ижтимоий тадқиқот- лар бюроси” ишга тушди. Сиёсий фанлар сиёсий ислоҳотлар во- ситаларидан бирига айланди.

Биринчи жаҳон урушидан кейинги йилларда (учинчи босқичда) АҚШ сиёсий фанларида туб ўзгаришлар рўй берди. Сиёсий тизим ва сиёсий муносабатларни тадқиқ этиш усули - бихевиоризм – психология, социология ва сиёсатшунослик фанларининг бирлашган усули сифатида қарор топди. Унинг асосий муаллифи А. Бентли ўзининг «Бошқариш жараёнлари» (1908 й.) асарида сиёсий жараёнларда манфаатдор гуруҳлар хулқ-атворини ўрганишни илгари суриб, биринчи навбатда, бу соҳада сиёсий фанларга муҳим аҳамият бериш лозим, деган ташаббусни илгари сурди. Кейинчалик бу йўналиш Ч. Мерриам, В.Манроу ва Г. Лассвелл кабилар томонидан ривожлантирилди.

Сиёсий фанлар ривожининг тўртинчи босқичида бихевиоризм шқирозга учраб, сиёсий фанларнинг тизимли ва тузилмавий-функционал таҳлил этиш усулларини ривожлантиришга доир навириялар кашф этилди. Бу соҳани ривожланишига Д. Истон, Г. Алмонд, С. Хантингтон, Ж. Фарр, Ж. Пауэли, Ж. Колеман каби олимлар катта ҳисса қўшди. Сиёсий фанлар бир неча йўналишларга бўлинди: сиёсий фалсафа (Жон Роулс, Ион Элстер, Брайэн Барри, Жон Ганнелл; сиёсатшуносликнинг рационал-фаолиятли (rational-actor) ёндашуви, сиёсий иқтисод, сиёсий назария, когнитив сиёсий фан (Рикер, Ордешук, Тейлор) . Бу пайтда ҳам бихевиоризмнинг асосий мафкурачилари - Д. Истон («Political system») ва Г. Алмонд кабилар ўз тадқиқотларини янада чуқурлаштирди.

Ҳозирги даврга келиб АҚШда сиёсатшунослик турли ривожланиш босқичларини ўз бошидан кечираётган билимларни уйғунлаштириб турувчи фанга айланди. Америка сиёсий фанлар уюшмаси томонидан тасдиқланган ва эътироф этилган қуйидаги сиёсий фанлар янада ривожланиб бормоқда: 1) сиёсий назария ва сиёсий фалсафа (сиёсий фикрлар тарихини ҳам ўз ичига олади); 2) Америка бошқаруви ва сиёсати; 3) Қиёсий сиёсатшунослик; 4) Халқаро муносабатлар ва халқаро сиёсат; 5) Ижтимоий бошқаруви ва сиёсат.

Шунингдек, сиёсатшунослик фани Европада ҳам тезлик билан ривожланиб борди. Францияда сиёсатшунослик фан сифатида XIX асрнинг охириларидан бошлаб шакллана бошлади. Бу жараён конституциявий ҳуқуқнинг сиёсийлашуви, шунингдек, унинг таркибига сиёсий масалаларнинг аста-секин кириб келиши, конституциявий ҳуқуқнинг социология билан яқинлашиши

ва баъзи олимларнинг конституциявий ҳуқуқ доирасини кенгайтиришга интилиши кабилар сиёсий фанларнинг қарор топишига сабаб бўлди. Бу жараённинг авж олишига рус мухожир ҳуқуқшуноси, проф. М. Я. Острогорскийнинг илмий фаолияти («Демократия ва сиёсий партияларнинг ташкил топиши» номли асари 1903 йилда Францияда нашр этилган) кучли таъсир қилди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин сиёсий фанларни жаҳон миқёсида ривожланиши учун шарт-шароитлар етилди. Бу даврда ЮНЕСКО сиёсий фанларни демократик жараёнларда муҳим аҳамият касб этишини эътиборга олиб, уларни ривожлантиришга доир чора-тадбирларни кўра бошлади. 1948 йилда ЮНЕСКО ташаббуси билан Парижда сиёсий фанлар масалалари бўйича халқаро коллоквиум ташкил этилди. Коллоквиумда махсус ҳужжат қабул қилиниб, унга биноан сиёсий фанларнинг таркибий унсурлари тизимлаштирилди. Бу унсурлар тўртта блокка бўлинди:

1. Сиёсий назария: сиёсий назария ва ғоялар тарихи.

2. Сиёсий институтлар: а) конституция; б) марказий бошқарув; в) минтақавий ва маҳаллий бошқарув; г) ижтимоий маъмурият; д) бошқарувнинг иқтисодий ва ижтимоий функциялари; е) сиёсий институтларнинг қиёсий таҳлили.

3. Партиялар, гуруҳлар ва жамоатчилик фикри: а) сиёсий партиялар; б) гуруҳлар ва уюшмалар; в) фуқароларнинг бошқарув ва маъмуриятдаги иштироки; г) жамоатчилик фикри.

4. Халқаро муносабатлар: а) халқаро сиёсат; б) сиёсат ва халқаро ташкилотлар; в) халқаро ҳуқуқ.

1949 йилда ЮНЕСКО доирасида Парижда Сиёсий фанларнинг халқаро уюшмаси ташкил этилди. Унинг ҳар йилда ўтказиб туриладиган конференцияси сиёсий тадқиқотларни ривожланишида муҳим рол ўйнади. Лекин бу даврга келиб ҳам жаҳонда сиёсий фанларни ривожлантиришда АҚШ етакчилик қила бошлади. Сиёсий фанларнинг халқаро уюшмасини ташкил этишда ҳам АҚШ олимлари ўзларининг фаол ташаббускорликларини намойиш қилган эди. Кейинчалик АҚШ ҳудудида бир ярим мингдан ортиқ сиёсатшунослик кафедралари фаолият кўрсата бошлади. АҚШ сиёсий фанлар уюшмасининг ўзи 16 минг аъзоларга эга бўлиб, улар АҚШ сиёсий тизимидаги ҳокимият тузилмалари ва фуқаролик жамияти институтларига хизмат кўрсатади.

XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб Францияда ҳам сиёсий фанлар тезлик билан ривожлана бошлади. Сиёсий фанлар мар-

вази сифатида Миллий маъмурий мактаб, Париж университети ҳуқуқида Сиёсий тадқиқотлар институти, Сиёсий фанларнинг Минский жамғармаси тузилди, кейинроқ Сиёсий фанларнинг Франция уюшмаси ташкил этилди. 1951 йилдан бошлаб «Сиёсий фанларнинг француз журнали»ни нашр этиш йўлга қўйилди. Шунингдек, Францияда 1956 йилдан бошлаб сиёсий фанлар доктори номий даражаси таъсис этилди. Ҳукумат декрети билан сиёсий фанлар кафедраларидан ташқари яна мамлакатдаги барча университетларда ўқитиш учун «Конституциявий ҳуқуқ ва сиёсий институтлар» курси жорий қилинди.

1950 йилдан бошлаб Буюк Британияда ҳам сиёсатшунослик фан сифатида ривожлана бошлади. Шу йилда «Қўшма Қироллик сиёсий тадқиқотлар уюшмаси» ташкил этилиб, унинг нашри сифатида «Сиёсий тадқиқотлар» журнали чиқа бошлади. Яна «Британ сиёсий фанлар журнали», «Ҳукумат ва муҳолифат», «Сиёсий чораклик» каби журналларни нашр этиш йўлга қўйилди. Шу даврда Буюк Британиянинг 40 та университетида сиёсатшунослик фан сифатида ўқитила бошланди.

XX асрнинг 60-70-йилларида француз Р. Арон ва М. Дюверже асарларида сиёсий назариялар янада ривожлантирилди, улар Франциянинг ўзига хос хусусиятлари билан бойитилди. Бу ҳолат сиёсий институтлар ва муносабатлар, сиёсий партиялар, сайлов тизими ва сайловлар, ижтимоий бошқарув ва сиёсатга бағишланган тадқиқотларда аниқ сезилди. Француз сиёсатшунослари сиёсий институтларнинг фаолияти у ёки бу даражада сайлов тизимига боғлиқлигига, шунингдек, сайловларнинг сиёсий институтларни демократлаштиришдаги ролини беқиёс эканлигига муҳим эътибор қаратди. Шунингдек, ижтимоий бошқарув, муниципал бошқарув жараёнидаги сиёсий муносабатларга доир қатор асарлар эълон қилинди.

Албатта, сиёсатшунослик фани бошқа Европа мамлакатларида ҳам замонавий талаблар асосида ривожланди. Айниқса, Германия, Буюк Британия, Италия ва яна бошқа ғарб мамлакатларида сиёсатшунослик фани ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти шароитидаги сиёсий жараёнлар ва сиёсий тизимни демократлаштириш назарияларини ривожлантиришда пешқадамлик қилмоқда.

Ўзбекистонда давлат мустақиллигини эълон қилиниши билан сиёсий фанларни ривожлантиришга зарурат пайдо бўлди. Мус-

тақилликнинг дастлабки давридан бошлаб мамлакатдаги барча олий ўқув юртларида сиёсатшунослик фани ўқитилмоқда. Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент Шарқшунослик институтида сиёсатшунослар тайёрлайдиган алоҳида мутахассисликлар жорий этилди. Сиёсатшунослик фани бўйича бакалаврлик иши, магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш русумга кирди.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш ислоҳотлари янада чуқурлашиб бориши билан сиёсий фанларни ривожлантиришга нисбатан эҳтиёжлар янада кучайди. Сиёсий фанлар ўтиш давридаги сиёсий муносабатларни тадқиқ этиш баробарида Америка, Европа ва Шарқдаги ривожланган мамлакатларда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш, либерал ислоҳотларни амалга ошириш тажрибаларига оид қатор илмий тадқиқотларни олиб боришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўша бошлади.

#### Такрорлаш учун саволлар:

1. Сиёсатшунослик фанининг предмети нималардан иборат?
2. Сиёсатшуносликнинг ижтимоий фанлар тизимида туганган ўрни қандай?
3. Сиёсатшунослик билан сиёсий тарих фани ўртасида қандай узвий алоқадорлик мавжуд?
4. Сиёсатшунослик ва социология фанлари ўртасида қандай алоқадорлик ўрнатилган?
5. Сиёсатшунослик билан табиий фанлар ўртасида ҳам алоқадорлик борми?
6. Сиёсатшунослик ўқув фани сифатида қандай ривожланди?

## МАВЗУ. СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

1. Шарқда шаклланган дастлабки сиёсий таълимотлар.
2. Қадимги Юнонистон ва Римда шаклланган антик сиёсий қарашлар.
3. Сиёсат ва сиёсий муносабатларни христианлик нуқтаи назаридан талқин қилишга уринишлар.
4. Сиёсий фикрларни ривожлантиришда Шарқ мутафаккирларининг роли.
5. Янги ва ҳозирги даврдаги сиёсий қарашлар эволюцияси.

### 1. Шарқда шаклланган дастлабки сиёсий таълимотлар

Сиёсий қарашларнинг шаклланиши ва қарор топишида ўзинга хос миллий ва умумбашарий анъаналар бир неча минг йиллар давомида ривожланиб борди. Дастлабки минг йилликларда жамиятдаги сиёсий ҳодисаларга нисбатан турли хил қарашлар шаклланди. Энг қадимги халқлар ҳисобланган - мисрликлар, хитойликлар, ҳиндлар, бобилликлар, яҳудийлар, форслар, юнонлар ва римликлар ўз сиёсий қарашларида жамиятдаги яшаш тартиботларини таъминлаб туришни илоҳий кучларга боғлаганлар. Улар Худони инсон ҳаёти ва жамият фаолиятининг асосий сабаби ва манбаи деб тушунган. Албатта, бу халқларнинг динлари турлича бўлсада, уларнинг сиёсий қарашларга доир умумий қарашлари ҳам учрайди.

Қадимги даврларда Шарқ мамлакатлари ўртасида маданий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларда ўзаро муносабатлар ривожланди. Буюк Ипак йўли ва бошқа иқтисодий-маданий алоқалар шакллариининг пайдо бўлиши натижасида қадимги Хитойда адолатли давлат ва жамият бошқарувини барпо этиш, фуқаролар учун инсоний шарт-шароитларни яратиш тажрибаси нафақат Марказий Осиё, балки Европадаги сиёсий қарашлар тарихига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди.

Қадимги Хитойда император ер юзидаги тартибларни илоҳий тартиблар билан боғлаб турувчи ягона шахс деб қараш русумга кирди. Давлат ҳокимиятининг турли даражаларида фаолият юри-таётган мансабдорлар эса император ҳокимиятининг тартибот-

тарини амалга оширувчилар ҳисобланди. Хитой императори нафақат осмон ўғли, балки у ўз халқининг отаси ҳам ҳисобланган. Хитой мутафаккирлари император ҳокимиятини ота-онанинг оилада болаларга нисбатан мавжуд бўлган ҳокимиятига ўхшашдир, деб талқин этганлар.

Хитойда сиёсий тизим ва сиёсий бошқарув маънавий қадриятлар ва адолат принциплари асосида бўлиши шарт эканлигини илк бор мутафаккир Лао-Цзи (эр.ол. VI аср) илгари сурган эди. У фалсафий ва ижтимоий-сиёсий оқим – даосизм асосчиси бўлиб, унга биноан анъанага айланиб кетган – дао “осмоний (илоҳий) ирода”ни намоён бўлишидир, деган қарашларга зид равишда дао осмоний иродадан ҳоли бўлган мустақил ва табиий қонуният сифатида талқин этилади. Барча нотабиийликлар (маданият, бошқарув соҳасидаги сунъий-инсоний кўрсатмалар, қонунчилик ва бошқалар) даосизмга биноан – бу даосизмдан оғиш ва янглиш йўлдир. Улардан воз кечиш эса табиийликка қайтишдир. Табиийликнинг (жумладан, табиий ҳуқуқни) ижтимоий ва сиёсий-ҳуқуқий ҳаётга таъсири даосизм оқимининг асосий ғояси сифатида илгари сурила бошланди. Лао-Цзининг қуйидаги пурҳикмат сўзлари унинг сиёсий қарашларининг айрим жиҳатларини ифодалайди: “Энг яхши ҳукмдор шуки, халқ уни фақат мавжудлигини билади, холос. Бир оз ёмонроқ ҳукмдорлар халқдан ўзларини яхши кўришини ва улуғлашни талаб қилади. Янада ёмонроқ ҳукмдорлардан халқ кўрқади, барчасидан ҳам баттар ёмон ҳукмдорлардан халқ нафратланади. Шунинг учун ҳам агар кимда-ким ишончга сазовар бўлмаса, (кишилар) ишончидан фойдалана олмайди. Агар кимда-ким ўз сўзида мулоҳазали ва вазмин бўлса, ўз ишини муваффақиятли бажаради ва халқ уни табиийликка риоя қилаётганлигини айтади”<sup>9</sup>.

Хитойда инсоний адолатли жамият ҳақидаги дастлабки изланишлар мутафаккир Конфуций (Кун-цзи, эр. ил. 551–479 йй.) томонидан амалга оширилди. Ўша пайтда Конфуций замондош бўлган жамият ўз инқирозини бошидан кечирмоқда эди. Шу билан бирга, бу даврда кенг ёйилаётган ўзаро урушлар, ҳокимият учун курашлар илгари шаклланган ахлоқий ва маънавий қадри-

---

<sup>9</sup>Ян Хин-шун. Древнекитайская философия. Лао Цзы. Дао дэ Цзин. Перевод с древнекитайского. – Москва: Мысль, 1972. – С. 17.

тарин ҳам қўпормоқда эди. Шунинг учун ҳам Конфуций инсоний қадриятлар меъёрларини излаш учун ўзидан олдинги тарихга мурожаат қилган эди.

Конфуций жамиятда ҳамма нарса мустаҳкам ва барқарор бўлиши учун ижтимоий тартиботларни амалга оширишга қобил бўлган ахлоқий намуна бўла оладиган, ўз ҳуқуқлари ва бурчларини англаган, сиёсийлашган ва маънавийли инсон образини яратишга интилди. Бу билан у инқирозга юз тутган жамиятни ҳалокатдан сақлаб қолишга уринган эди. У «Хукмдор ҳукмдор бўлиши лозим, фуқаро-фуқаро, ота-ота, ўғил эса ўғил бўлиб қолиши лозим» тезисини илгари суради. Конфуций жамиятни аниқ ижтимоий чегараланишлар воситасида барқарорлаштириш мақсадини қўйган эди. Унинг дунёқараши сиёсий қисми марказида халқ фаровонлиги ётади.

Конфуций асарларининг руҳияти ҳукмдорлар ва сиёсатчиларни халқ ва жамият ривожини учун фидойи бўлишга даъват этиш билан сугорилган. Унинг учун «дао» (ҳақ йўл) инсонлар ва уларнинг фаровонлиги учун ғамхўрлик қилиш, улар меҳнатидан фойдаланишда адолатга амал қилишдир. Мутафаккир фикрича, мансабдор учун сийбат, бу – «одамлар олдида юриш, улар учун меҳнат қилиш». Донишманд мансабдор «кишиларни нимани яхши кўришини (бойлик ва обрў), нимани ёмон кўришини (қашшоқлик ва назар-писанд қилмаслик) билиши лозим; у доимо яхшилик ва эзгу ишлар учун интилиши лозим – ана шунда одамлар унинг орқасидан эргашади: нимол қайси томонга эсса, майсалар ўша томонга эгилади».

Конфуций жамият сиёсий тизимини барқарор ишлашини ташкил этишда, давлат бошқарувида маънавий ва ахлоқнинг ўрнини юксакликка кўтаради. У шундай деб ёзган эди: «Агар қонунлар ёрдамида бошқарилса ва тартибот жазолашлар воситасида таъминланса, одамлар жазолашлардан ўзларини олиб қочишга интилади, лекин улар ор-номусни ўзларида ҳис қилмайдилар; агар эъ (маънавий-ахлоқий воситалар) ёрдамида бошқарилса, тартибот қадриятлар ёрдамида таъминланса, одамлар ор-номусни ҳис қиладилар, ҳалол ва софдил бўладилар»<sup>10</sup>. Албатта, қадимги Хитой жамияти билан давлат ўртасида чегара ўтказиш қийин

---

<sup>10</sup> История политических и правовых учений. Древний мир. – Москва: Наука, 1985. – С. 170.



бўлса ҳам, Конфуций таълимоти асосан инсоният учун идеал давлат ва жамиятни шакллантириш руҳияти билан суғорилган эди. Шунинг учун ҳам ҳозирга қадар фуқаролик жамиятини шакллантириш билан боғлиқ тадқиқотларда олимлар қайта-қайти Конфуций ижодий меросига мурожаат қилишлари бежиз эмас.

Қадимги Ҳиндистонда жамият ва давлатнинг келиб чиқиши илоҳий кучларга боғлиқ эканлиги эътироф этилади. Масалан, қадимги санскрит матнлар – эр.ил. 1200–800 йилларда яратилган Ведаларда (диний мадҳиялар), шунингдек, эр.ил.800–300 йилларда амал қилинган Упанишадларда (далиллар) дунёвий тартибот илоҳий қонунларнинг ҳукмронлигига ва инсонлар ўртасидаги муносабатларнинг уруғ-кастачилилигига асосланган ягона ғоя ривожлантирилди. Бу тартиботлар жамиятда асосан маънавий (брахма) ва дунёвий (кшатра) кучлар томонидан (гарчи, улар турли вазифаларни бажарса-да) ўзаро бир-бирлари билан уйғун муносабатларда амалга оширилиши лозимлиги кўрсатилган. Шунингдек, бу даврдаги сиёсий таълимотларга биноан, ердаги тартиблар илоҳий тартиботларнинг бир қисми бўлиб, уларга илоҳий кучлар доимо таъсир этиб туради.

Кейинчалик, яъни, эр.ил.VI аср мобайнида бу ғояларга танқидий муносабатда Будда (Сиддхартха) таълимоти ривожланиб, у Худони маънавий ҳукмдорлиги ва барча қонунлар манбаи эканлигини, шунингдек унинг олий шахслигини инкор этиб, инсоний ишлар одамларнинг шахсий ҳаракати ва тиришқоқлигига боғлиқ, деган ғояларни илгари сурди.

Эр.ил. IV–III асрларга келиб брахманийлик ғояларидан узоқлашиш, шунингдек, рационал дунёвий давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги тасаввурлар муаллифи Каутилья (Чанакья) деб тахмин қилинган “Артхашастра” трактатида ривожланди. Бу трактатнинг номи “Сиёсат фани” (“Давлат тузилиши тўғрисидаги фан”) маъносини бериб, унда қадимги Ҳиндистон жамияти ва давлатининг сиёсий ва ҳўжалик тузумига доир қимматли маълумотлар мужассамлашган.

“Артхашастра”даги қуйидаги давлат бошқаруви қоидалари унинг ҳозирги даврда ҳам ўз қадр-қимматини йўқотмаганлигини кўрсатади: “Сиёсат инсоннинг ўз ҳис-туйғулари устидан галаба қилишидан бошланади; қониққан одамларни ҳукмдор моддий совғалар ва ўз эътибори билан хурсанд қилсин; норизоларни хуш

тўғонлар, совғалар ёки баҳслар ва жазолашлар билан бўйсун-  
дорлини донишманд ҳукмдор ўз мамлакатида садоқатли одам-  
ларни на сотқинликка мойил одамларни қўриқласин”<sup>11</sup>.

Шунингдек, мазкур трактатда сиёсий муносабатларда ва бош-  
қарув жараёнида бошқарувчилар (сиёсатчилар) учун энг муҳим  
сифат на фазилат сифатида ҳис-туйғуларсиз фаолият кўрсатиш  
кўрсатиши илгари сурилади. Албатта, бу ҳолат Платон ва Аристо-  
тел асарларида ҳам учрайди. Лекин уларнинг асарларида “ҳис-  
туйғулар ёрдамида бошқариш” мамлакатни қонун асосида бош-  
қаришга нисбатан қарама-қарши қўйилган эди. Бу ғоялар “Арт-  
хашастра”да қуйидаги шаклда берилади: “Илм ва тарбия нати-  
жасида шаклланган ҳис-туйғулар устидан ғалабага эришиш ҳирс-  
хитросларни, ғазабни, таъмагирликни, кибру ҳавони, ақлсиз-  
лиқни, такаббурликни жиловлаш воситасида эришилади. Қулоқ,  
тери, кўз, тил, бурун ва овоз, ҳис этиш, шакл, таъм ва ҳидни  
ўзро бир-бирларига уйғун келиши – бу ҳис-туйғулар устидан  
ғалабадир ёки йўл-йўриқ моҳиятини бажаришдир. Ахир бу йўл-  
йўриқ – ҳис-туйғулар устидан ғалабадир. Бу йўл-йўриққа (сиё-  
сатга) қарама-қарши бўлган, ўз ҳис-туйғуларини жиловлай ол-  
маган подшоҳ дунёни тўрт томонини эгаллаган бўлса ҳам кўп  
ўтмасдан ҳалок бўлади”<sup>12</sup>.

## 2. Қадимги Юнонистон ва Римда шаклланган антик сиёсий қарашлар

Сиёсий қарашларнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган  
энг машҳур юнон мутафаккири Сократдир (эр.ил.469–399 йй.).  
Сократнинг фикрича, қонунларсиз полис (шаҳар-давлат) ҳаёти-  
ни ахлоқий ташкил этиш мумкин эмас. Шунингдек, полисдан  
ташқарида қонунлар бўлмайди; қонунларнинг ўзи полиснинг  
пойдевори. Сократ ўз табиатида биноан адолатли бўлган қонун-

---

<sup>11</sup>Қаранг: Артхашастра (фрагменты) //История политических и  
правовых учений: Электронная хрестоматия. Составитель: М.Н. Гра-  
чев //http://gachev62.narod.ru/hrest/chapt07.htm.

<sup>12</sup>Қаранг: Артхашастра (фрагменты) //История политических и  
правовых учений: Электронная хрестоматия. Составитель: М.Н. Гра-  
чев //http://gachev62.narod.ru/hrest/chapt07.htm.

лар ва ҳукмрон бўлган давлат-полисининг ашаддий тарафдорни сифатида танилди.

Сократ ахлоқий фалсафасининг асосий принципига биноан билимли одамларгина қонун чиқариш ва бошқарув билан шуғулланишлари лозим. Унинг фикрича, «халқ иродаси ва давлат қонунларига асосланувчи ҳокимият подшоликдир, халқ иродасига қарши, қонунларга эмас, балки ҳукмдорнинг ўзбошимчалигига асосланган ҳокимият тираниядир. Агар идора этиш қонунлар ижросини таъминловчилар томонидан амалга оширилса, бу аристократиядир; агар идора этиш бойликдан келиб чиқса, унда плутократия, халқ оммаси иродасидан келиб чиқса, демократия дейилади».

Платоннинг «Критон» асаридан келиб чиқилса, Сократ Европа сиёсий-ҳуқуқий фикрлари тарихида биринчи марта давлат билан унинг аъзолари (фуқаролари) ўртасида шартномавий муносабатлар бўлиши лозимлиги масаласини кўтарган мутафаккирдир. Сократнинг ўзига хос ривожланиб борган патерналистик қарашларига мувофиқ фуқаро ва давлатнинг шартномавий алоқалари, Ватан ва Қонунлар ота ва онадан-да юксакликка қўйилган; худди ана шулар фуқаролар учун олий мақомли ота-она, тарбиячи ва ҳокимдир<sup>13</sup>. Унинг фикрича, давлат фуқаросига қуйидагилардан бирини танлаш ҳуқуқи берилади: қонуний полис органлари ва мансабдор шахсларнинг адолатсиз қарорлари ва тадбирларини ишонтириш ва бошқа ҳуқуқий куч ишлатилмайдиган воситалар билан бажармаслиги ёки уларни бажариши мумкин. Сократ оқилона ва адолатли қонунлар ҳукмронлиги билан сиёсий эркинлик имкониятини бир-бирига боғлайди. У полис оламидаги индивиднинг бурчлари ҳақида сўзлар экан, бунда оқилона ва адолатли тарзда тартибга солинган полисдаги эркин ва ўзаро тенг фуқароларнинг қонунлаштирилган бурчларини назарда тутди. Унинг фикрича, мана шу йўлдаги эркинлик — «инсон учун ҳам, давлат учун ҳам ажойиб ва улуғвор бойликдир»<sup>14</sup>. Албатта, Сократ томонидан илгари сурилган ғоялар ва

---

<sup>13</sup> Қаранг: Платон. Собр.соч. в 4-х т. Т.І.—Москва: Мысль, 1990. —С.107.

<sup>14</sup> Қаранг: История политических и правовых учений. Древный мир. —Москва: Наука, 1985. —С.237.

унинг таълимоти сиёсий фанлар ривожланишида муҳим ўрин тутиди.

Сиёсий таълимотларни ривожланишига катта ҳисса қўшган мутафаккирлардан яна бири, Сократнинг энг яқин шогирди — Платондир (эр.ил.427—347 йй.). Платоннинг давлат қурилиши, сиёсий муносабатларга доир изланишлари ва таълимоти унинг «Давлат», «Критий» ва «Қонунлар» номли асарларида мукамал равишда ифодаланган. Лекин антик даврда жамият билан давлат ўртасидаги фарқланишлар ҳали унчалик кескинлашмаганиги учун бу асарларда асосан сиёсий, қисман жамият ва фуқароларга доир илмий изланишларни кузатиш мумкин. Масалан, у «Давлат» асарида полисни умумий эҳтиёжларга мослашган биргаликдаги яшаш бирлиги сифатида аниқлаб, бу эҳтиёжларни қондиришни энг яхши йўли сифатида давлат фуқаролари ўртасида меҳнат тақсиротини амалга ошириш ғоясини илгари суради.

Платон ўз «Қонунлар» асарида икки хил давлат тузумини бир-бирига қиёслайди: «Мен ҳалокатга яқин давлатни шундай кўраманки, қайсики у ерда қонун кучга эга бўлмайди ва у кимнингдир ҳокимияти остида бўлади. Агар қайси ерда қонун ҳукмдорлар устидан ҳукмрон бўлса, улар эса унинг қуллари бўлса, мен давлатни қутқаришни, барча фаровонликларни кўраман. Бу каби давлатни фақат худолар тортиқ қилиши мумкин»<sup>15</sup>.

Баъзи адабиётларда Платонни демократияга мутлақо қарши олим сифатида талқин этилади. Лекин унинг асарларини синчиклаб ўрганилса, у ўз давридаги объектив реалликдан келиб чиқиб ижод этганлигининг гувоҳи бўламиз. Шу билан бирга, у демократияни ҳам ўзига муносиб равишда таҳлил этганлигини тан олиш лозим. Жумладан, Платон «Қонунлар» асарида шундай деб ёзган эди: «Давлат қурилишининг гўё онадек икки тури бор, ҳуқуқан айтиш мумкинки, қолганлари улардан туғилганлар. Улардан биринчиси деб мутлақ ҳукмдорликни ва демократияни иккинчиси деб кўрсатса тўғри бўлади. Мутлақ ҳукмдорлик (монархия) форсларда олий ривожга етиб борди, демократия бизда. Давлат қурилишининг барча қолган турлари, айтиб ўтганимдек, шу иккисининг рангин, омукта бирлашишидан иборатдир. Озодлик ва

<sup>15</sup> Ўша жойда. —Б. 122.

дўстлик онглилик билан қўшилган ҳолда (биргаликда) мавжуд бўлмоғи (яшаши) учун албатта ҳам у ҳамда бу турга тааллуқли бўлиши зарур. Уларга тааллуқли бўлмаган давлат яхши тартибот (қурилиш) га эга бўлмайди, деб тасдиқ этувчи бизнинг мулоҳазаларимиз шуни талаб этади»<sup>16</sup>.

Албатта, Платоннинг асл мақсади давлат ва ҳукмдорларни қонунларга бўйсундириш ва шу йўл билан давлатни жамиятга ҳамда фуқароларга хизмат қилдириш бўлганлигини тушуниш унча қийин эмас. Шунингдек, Платон фикрича, фақат қонунларга амал қилган давлат ва жамият барқарор бўлиши мумкин, шу жамиятда фаровонликка ва тинчликка эришиш имкониятлари туғилади. Платоннинг бу таклифлари давлатни қонунга бўйсундириш воситасида фуқаролар жамиятини шакллантириш сари интилиш эди.

Платон давлатнинг адолатли жамиятнинг яшаши учун таҳдид туғдирадиган муаммолари ечимини топишга ҳам муҳим аҳамият берди. У давлат мансабдорлари юрагидан иккита худбинлик илдизларини юлиб ташлашни таклиф этган эди: мулкка бўлган муҳаббат, оилага муҳаббат. Шунинг учун ҳам у давлатни ота-она ва оиладан-да юқори туришини тарғиб қилган эди<sup>17</sup>. Давлат ҳокимияти фаолиятини кенг халқ оммаси томонидан назорат қилиш учун имкон бўлмаган ўша замонларда бу каби муносабат ҳаётий зарурият эди.

Фуқаролик жамияти тўғрисидаги илк тасаввурларни шакллантиришда Аристотель (э. ил. 384–322 йй.) асарлари муҳим ўрин тутди. У ўзининг «Сиёсат», «Афина политияси», «Этика», «Риторика» каби асарларида жамиятни янада такомиллаштириш ғояларини илгари сурди. Сиёсат ва ҳуқуқ соҳалари учун Аристотелнинг тенглик ва адолатни бараварлаштириш принципларини ривожлантиришга доир тадқиқотлари ҳозирга қадар ўз аҳамиятини йўқотмай келаётир. Мутафаккирнинг фикрича, сиёсий адолат ўзини ўзи қондириш мақсадларидаги ягона бирликка мансуб бўлган эркин ва ўзаро тенг одамлар ўртасидагина яшаши мумкин. Шу тариқа сиёсий адолат ҳокимиятни юритишнинг сиёсий шакли принципи сифатида (жанобнинг қул, отанинг фарзандла-

---

<sup>16</sup> Ўша жойда. – Б. 95.

<sup>17</sup> Қаранг: Платон. Соч., ч. III. – С. 265–266.

ри устидан юритадиган ҳокимиятидан фарқли ўлароқ) намоён бўлади.

Аристотель таълимотига биноан, давлат ҳаётий эҳтиёжларни қондириш учун табиий йўл билан пайдо бўлади, аммо унинг яшашининг мақсади – инсонларга фаровонлик келтириш. Давлат (оила ва қишлоқ кабиларга таққослаганда) ўзаро муносабатларнинг олий шакли бўлиб, у туфайли бошқа барча инсоний муносабатлар шакллари ўз мақсадларига ва ўз ниҳоясига эришади. Мутафаккирнинг фикрича, «давлат ўз табиатига биноан, индивиднинг ўзинингдоши» бўлиб, оила ва индивид табиати олдида туради: «бир бутунлик қисмларнинг издоши бўлиши заруратдир»<sup>18</sup>.

Аристотель фикрича, давлат мураккаб тушунчадир. У ўз шаклига биноан маълум бир ташкилот тасаввурини бериб, фуқароларнинг маълум бир қисмини бирлаштиради. Бу ерда сўз давлатнинг бошланғич унсурлари бўлган индивид, оила кабилар тўғрисида эмас, балки фуқаролар тўғрисида кетмоқда. Давлат шаклини аниқлаш кимни фуқаро деб ҳисоблашга боғлиқдир. Бошқача айтганда «фуқаро» тушунчасига боғлиқ. Аристотелнинг қарашича, агар кимда ким мазкур давлатнинг қонунчилик мажлиси ёки суд ҳокимиятида иштирок этса, ўша фуқародир. Давлат фуқаролар йиғиндисини ўз эҳтиёжларини етарли даражада қондириш қобилиятига эга бўлиб яшашидир.

Мутафаккир энг тўғри давлат шакли сифатида политияни кўрсатади. Бу билан у умуман давлат тузумини белгилаш тушунчасидан фойдаланади. Политияда кўпчилик умумий фойда манфаатларидан келиб чиқиб идора этади. Полития олигархия билан демократиянинг аралашмаси бўлиб, у ўзида олигархия ва демократиянинг энг яхши томонларини уйғунлаштиради, уларнинг камчиликлари ва заиф томонларидан воз кечади.

Аристотелнинг демократияга доир қуйидаги қарашлари унинг моҳиятини очиб беради: «Демократиянинг биринчи кўринишининг характерли белгиси бўлиб тенглик хизмат қилади. Бу демократиянинг асосий қонунига мувофиқ тенглик шундан иборатки, мулксизлар ҳам, мулкдорлар ҳам ҳеч нарсада бирон-бир имтиёзларга эга эмаслар; олий ҳокимият униси ёки буниси-

---

<sup>18</sup> Аристотель. Политика// Соч. в 4-х томах. Т.4. –Москва:Мысль, 1984. –С.379.

нинг қўлида тўпланмаган, шу билан бирга, улар ҳам ва бошқалари ҳам ўзаро тенгдирлар. Агар баъзилар эркинлик ва тенглик демократиянинг муҳим белгилари деб билсалар, бу ҳолат, албатта, ўз амалиётини асосан ҳамманинг давлат бошқарувида иштирок этишида ифодаланади. Халқ демократияда кўпчиликни ташкил этиши сабабли кўпчиликнинг қарори ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бу каби давлат тузилиши демократик деб аталади»<sup>19</sup>.

Шунингдек, мутафаккир демократиянинг олий ҳокимият қонунга эмас, балки оддий халққа тегишли бўлган шаклини қуйидагича таърифлайди: «Бу шундай пайтда рўй берадики, қачонки бунда қонун эмас, балки халқ мажлиси қарорлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Бунга демагоглар воситаси орқали эришилади. Қонун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган демократик давлатларда демагоглар учун ўрин йўқ, бунда яхши фуқаролар биринчи ўринда туради»<sup>20</sup>. Кўриниб турибдики, Аристотель бундан 23 асрдан кўпроқ давр илгари тоталитар социалистик жамият билан фуқаролик жамияти учун характерли бўлган унсурларни аниқ ва равшан ҳолда башорат қилган эди.

Демократиянинг барча шакллари ичидан Аристотель бойлар ва камбағаллар тотувлиги ва қонун устунлигига асосланган мўътадил цензли демократияни юқори баҳолайди. Барча норозиликлар ва давлат тўнтаришларининг асосий сабабини Аристотель тенгликнинг йўқлигидан истайди<sup>21</sup>.

Мутафаккир фикрича, қонунчилик – сиёсатнинг бир қисмидир, шунинг учун қонун чиқарувчининг санъати мазкур давлат тузумининг ўзига хослигини ва шу йўл билан мавжуд муносабатлар тизимини барқарорлигини моҳирона ва ҳаётга мос тарзда қонунларда ифодалашни лозим, «зеро, тартибот – бу қонундир»<sup>22</sup>. Аристотелнинг кўрсатишича, сиёсий бошқарув – одамларнинг эмас, балки бу қонунларнинг бошқарувидир. «Шундай қилиб, агарда кимда-ким қонун ҳокимият юритсин, деб талаб қилса,

---

<sup>19</sup> Ўша жойда. –Б. 496.

<sup>20</sup> Ўша жойда. –Б. 496.

<sup>21</sup> Ўша жойда. –Б. 528-529.

<sup>22</sup> Ўша жойда. –Б. 481.

тўски бу фақат тафаккур ва илоҳиёт бошқаришини талаб қилган бўлади. Агар кимда-ким инсон ҳокимият юритсин деб талаб қилса, бунга у ўз талаби билан ҳайвоний унсурни олиб киришга уринган бўлади. Чунки ҳис-туйғуларга берилиш ҳайвонийликдан бошқа нарса эмас, шунингдек, ҳукмдорларни (агар улар энг яхши одамлардан бўлса ҳам) ғазаб тўғри йўлдан оздиради; аксинча, қонун – вазмин идрокдир»<sup>23</sup>. Мутафаккирнинг фикрича, инсонни ҳукмронлиги (идрок ва қонун ўрнига) ҳокимиятни суиистеъмол қилишга, тиранликка олиб келади.

Шу билан бирга, «фуқаролик жамияти» тушунчасининг илдизлари асосан Аристотель изланишларига бориб тақалади. Бу жамиятни Аристотель «*politike koinonia*», яъни, «сиёсий бирлик/ҳамжамият», деб атаган эди. Бу тушунчанинг латин тилидаги ифодаси «*societas civilis*» (фуқаролик жамияти) қабилида қабул қилинди. Бу тушунча *polis*ни аниқлаш учун хизмат қилиб, унинг амирада *zoon politikon* – «сиёсий мавжудот» сифатидаги инсон «тело»си, яъни мақсади (юнонча) маъноси тушунилган. «*Politike koinonia*» – бу Аристотель даврида «фуқаролик жамияти» тушунчаси – «сиёсий жамият»нинг муқобили (синоними) сифатида ишлатилган. Зеро, қадим юнон ўлкасида оила, эътиқод, маърифат, маданият, санъат, умуман ҳаётнинг барча-барча қирралари сиёсатлаштирилган эди. Бунинг устига, алоҳида олинган шахс ўзини жамиятдан айрим ҳолда ҳис қила олмас эди»<sup>24</sup>.

Қадимги Римнинг машҳур мутафаккири Цицерон (эр.ил. 106–43 йй.) қадимги юнон сиёсий фикрлари таъсирида ўзининг давлат ва жамият ривожланишига доир таълимотини яратди. Цицерон фикрича, давлат (*respublica*) халқнинг (*res populi*) бойлигидир. Шунингдек, у «халқ» тушунчаси тўғрисида қуйидаги фикрларни билдиради: «халқ қандайдир тарзда биргаликда тўпланган ҳар қандай одамларнинг бирлашмаси эмас, балки ҳуқуқ ва манфаатлар умумийлиги масалаларида ўзаро бир-бирлари билан келишишга боғлиқ бўлган кўпчилик одамларнинг қўшилмасидир»<sup>25</sup>. Мутафаккир барқарор ва адолатли жамият қуришни

<sup>23</sup> Ўша жойда. –Б. 481.

<sup>24</sup> Қаранг: Коэн Л.Ж., Арато Э. Гражданское общество и политическая теория. –Москва:Весь Мир, 2003. –С.134.

<sup>25</sup> Цицерон. Диалоги о государстве, о законах. –Москва: 1966. –С.39.



орзу қилар экан, унинг марказини идеал фуқаро ташкил этишини чуқур англаб етади.

Идеал фуқаро бурчлари сифатида Цицерен ҳақиқатни, адолатни англаган, руҳияти улғувор ва одоб-ахлоқ доирасида бўлган, ўз интилишларини фақат эзгуликларга қаратган инсонни тушунади. Фуқаро нафақат бошқаларга зарар келтирмаслиги, бошқалар мулкига қўз олайтирмаслиги лозим, балки, ундан ташқари, адолатсизликка учраган инсонларга қўмаклашиши, умумий фаровонлик йўлида меҳнат қилиши зарур. Фуқаролар фаоллигини доимо қўллаб-қувватлаб келган Цицеронга биноан «фуқаролар эркинлигини ҳимоя қилишда хусусий шахслар бўлмайди»<sup>26</sup>. Шунингдек, мутафаккир фуқароларнинг яна бир муҳим бурчи – уларнинг давлат олдидаги, жумладан, аскар сифатида Ватанни ҳимоя қилиш мажбуриятларини бажариш муҳимлигини илгари суради.

Қадимги Хитой, юнон ва Рим мутафаккирлари Конфуций, Сократ, Платон, Аристотель, Цицерон кабиларнинг давлат ва жамият, сиёсий муносабатларга доир таълимотлари фуқаролик жамиятига доир илк тасаввурларни шакллантирди, шунингдек, улар фуқаролик жамиятининг асосий унсурларини чуқур тадқиқ этдилар. Шу билан бирга, мазкур мутафаккирларнинг илмий мероси ўрта асрлардаги араб-мусулмон фалсафасини шаклланиши ва ривожланишида муҳим ўрин тутди ва у ўз ўрнида Европа фалсафий ва сиёсий қарашларини ривожланишига катта ҳисса қўшди.

### **3. Сиёсат ва сиёсий муносабатларни христианлик нуқтаи назаридан талқин қилишга уринишлар**

Рим империясида 313 йилга келиб христианлик империядаги динлар билан тенг ҳуқуқли дин сифатида расман эълон қилинади. 324 йилда эса у давлат дини мақомига эришди. Шу даврдан бошлаб христианлик динининг сиёсат ва сиёсий муносабатларга доир қарашлари ривожлана бошлади. Бу пайтда энг кўзга кўринган олим Аврелий Августиндир (354–430 йй.). У дастлаб манихей диний оқимиغا берилади. Унда интеллектуалликни то-

---

<sup>26</sup> Ўша жойда. –Б. 46.

полмаган Августин скептицизм билан шуғуллана бошлайди. Лекин, у ўзини қизиқтирган муаммоларга неоплатонизмдан жавоблар топади. У охир-оқибатда христианлик неоплатонизмдан назарий жиҳатдан қуйида бўлса ҳам, лекин маънавий жиҳатдан ундан анча баланд эканлиги учун христианлик таълимоти билан шуғуллана бошлайди. Миланда машҳур епископ Амброзия даъватлари асосида ўз умрини черковга бағишлайди. Кейинчалик шимолий Африкага қайтиб, умрини охиригача епископ мансабида ишлайди<sup>27</sup>.

Сиёсий фикрлар тарихида христиан диний анъанасининг энг классик кўриниши А. Августин ишлаб чиққан сиёсий назарияларда ўз ифодасини топди. Унинг асарларида христиан черкови давлатдан ҳам устун туришига муҳим аҳамият берилди. Унинг фикрича, “Черковга бўйсунмаган давлат қасоскорлар тўдасидан фарқ қилмайди”. Шунингдек, у одамларни “илоҳий одам” ва “ердаги одам” тоифаларига ажратади. У христианлик билан неоплатонизмни бир-бирига уйғунлаштиради.

Августин асарларида маънавият (дин) ва сиёсат ўртасидаги фарқланишлар яхши очиб берилмаган. Лекин, унинг фикрича, “давлат бевосита маънавий функцияларни бажариши лозим. Давлат ёвузлик устидан авторитар назоратни амалга оширади. Давлат одамларни тўғри йўлдан озишдан сақлайди. Ерга ҳали гуноҳ етиб келмасдан туриб барча одамлар ўзаро тенг бўлиб, улар ўз табиатига кўра ижтимоий мавжудот эди. Лекин одамларни гуноҳ қилишга мойиллиги уюшган давлат тизимини зарурат қилиб қўйди, жазолаш ва мажбурлашни ҳимоялаш ва ҳукмдор билан раиятни ўзаро ҳуқуқларини тақсимлаш унинг асосий вазифасига айланди. Ахир дунёвий давлат одамлардаги гуноҳларни қандай тўғрилаши мумкин? Бунда унга яхши (черков) подшолиги ёрдам беради! Черков ташкилот сифатида руҳни қутқаради, одамларни маънавий ва диний жиҳатлардан тарбиялайди, шунингдек, дунёвий подшолик устидан назорат қилиш ёрдамида гуноҳларни йўқотиб боради”<sup>28</sup>. Албатта, бу каби қарашлар ду-

<sup>27</sup> Қаранг: История политических и правовых учений. –Москва: Издательство НОРМА, 2003. –С.59-62.

<sup>28</sup> Қаранг: Скирбекк Г., Гилье Н. История философии. Учеб. пособие. Пер.с англ.В.И.Кузнецова; под.ред.С.Б.Крымского. –Москва:Гуманит.изд.центр ВЛАДОС, 2003. –С.185-186.

нэвий давлат, диний христианлик давлати, папа ва раиятдан иборат империяни асослашга қаратилган эди.

Фома Аквинскийнинг (1225–1274 йй.) сиёсий қарашлари ўрта асрлар диний анъаналардаги сиёсий қарашларнинг энг ривожланган даври сифатида эътироф этилади. Ф.Аквинский ҳаётлиги давридаёқ Рим католик черковининг “доктори” фахрий унвони олишга муяссар бўлган. Унинг ижтимоий-сиёсий ва диний қарашлари XIX асрга келиб Рим папаси Лев XIII томонидан “католицизмнинг ягона ва ҳақиқий фалсафаси”, деб эълон қилинди. Ф. Аквинский ҳокимиятни талқин этишнинг илоҳий назариясини кашф этиб, у давлат ҳокимиятининг уч унсурларини бир-биридан фарқини очиб беради: моҳият, шакл (эга бўлиш ва тузилиш) ва фойдаланиш. Ҳокимият ўз моҳиятига кўра илоҳийликнинг ўрнатилишидир. Шунинг учун у инсонларга яхшиликлар ва эзгуликларни олиб келиши лозим. У фақат ҳокимиятнинг аниқ шакли, ҳокимиятга эга бўлиш усуллари, тузилиши ва ундан фойдаланиш жараёнида худонинг ғояларига зид ва адолатсиз бўлиши мумкин, деб ҳисоблаган.

Ф.Аквинский ўз асарларида Аристотель қарашларини католик черков ақидаларига мослаштиришга ҳаракат қилди. Унинг давлат тўғрисидаги тасаввурлари – давлатнинг христианлик доктринаси – Аристотелнинг “Сиёсат” асари асосида ривожланди. Ф.Аквинский Аристотелдан инсон ўз табиатига кўра “махлуқотга мансуб ва сиёсий” дир, деган фикрни қабул қилади. Унинг фикрича, “одамларга азалдан давлатга бирлашиш ва давлат бўлиб яшаш интилишлари инъом қилинган, зеро, индивид ёлғиз ўзи эҳтиёжларини қондира олмайди. Ана шу табиий сабабга кўра сиёсий бирлик (давлат) пайдо бўлади. Давлатчиликни яратиш худони дунёни яратиш жараёнининг бир қисмидир. Яратиш даврида дастлаб буюмлар қандай бўлса, шундай яратилади, кейинчалик уларга дунё тартиботини ички бўлиниши чегарасидаги функциялар тақсимланади. Монархнинг фаолияти худонинг фаоллашувига ўхшаб кетади. Худо дунёга раҳбарлик қилишдан олдин унга қадди-қомат ва ташкиллашишни инъом этади. Монарх ҳам шу каби дастлаб давлатни тузади ва уюштиради, шундан кейин уни бошқаришга киришади. Давлатчиликнинг мақсади – “умумий фаровонлик”, муносиб ва оқилона ҳаётни шарт-шароитлар билан таъминлашдир. Ҳокимиятнинг моҳияти – инсоний иерархия тепасида турган шахс иродасини ҳукмронлик қилиш ва аҳоли

қуий қатламларини ҳаракатга келтириш учун бўйсунтириш муносабатларини тартибга солишдир. Бу тартибот худо томонидан киргизилган”<sup>29</sup>.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, христианлик дунёси олимлари томонидан жамиятнинг сиёсий тизими, сиёсий муносабатлар ва давлатчиликка доир таълимотлар яратишга ҳаракат қилинган. Албатта, бу каби сиёсий қарашлар антик даврдаги қарашларга нисбатан анча орқага чекиниш бўлсада, сиёсий қарашларнинг кейинги ривожини учун муҳим аҳамият касб этди.

#### 4. Сиёсий фикрларни ривожлантиришда Шарқ мутафаккирларининг роли

Шарқ мутафаккирлари – Абу Наср Форобий, Низомулмулк, Амир Темур, Хусайн Воиз Кошифий каби мутафаккирлар томонидан сиёсий муносабатларга ва адолатли жамият қуришга доир илмий тадқиқотларни чуқур ўрганиш, уларнинг натижаларини ва хулосаларини ҳозирги кучли жамият қуриш ислоҳотларига таъбиқ этишга муҳим аҳамият бериш – биз қурмоқчи бўлган фуқаролик жамиятида миллий руҳиятимизни кенг ифодаланишини ва унинг ўзига хос миллийлик асосида ривожланишини белгилаб беради.

Адолатли жамият барпо этиш, жамиятнинг сиёсий тизимини халқчиллаштиришга доир улкан илмий мерос қолдирган мутафаккир Абу Наср Форобийдир (873–950 йй.). Абу Наср Форобийдан бизга жуда бой ва ранг-баранг илмий мерос қолган. У ўрта аср доври табиий-илмий ва ижтимоий-сиёсий билимларнинг қарийб барча соҳаларини ўз ичига олувчи 160 дан ортиқ асарлар яратган. Форобийнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёт, фозил жамият қуриш, давлатни бошқариш, ахлоқ ва маънавият масалалари «Бахт-саодатга эришиш йўллари ҳақида рисола», «Уруш ва тинч турмуш ҳақида», «Шаҳарни бошқариш», «Фозил шаҳар одамлари қарашлари», «Фазилатли хулқлар» каби асарларида тадқиқ этилган.

Абу Наср Форобий илк бор фозил жамоани вужудга келтиришга доир ўз илмий изланишларини олиб борган эди. Унинг

<sup>29</sup>Қаранг: История политических и правовых учений. –Москва: Издательство НОРМА, 2003. –С.63-64.

фикрича, мукаммал жамиятда ҳар бир табақа яхлит ижтимоий организмнинг ажралмас қисми сифатида, ўзининг муайян функцияларига эга бўлиб, гўёки шу вазифаларни бажариш учун ихтисослашганлар<sup>30</sup>. Фозиллар жамиятининг адолатли бўлиши ва табақалар ўртасида тафовутларнинг сақланишида адолатли ҳуқуқий категория вазифасини бажаради. Ана шу жиҳатлардан ёндашганда, Форобийнинг адолат ғоясига нисбатан ишлатилган таърифи Платон талқинларига яқиндир.

Форобий маърифат тан олинмаган, ҳукмдори халқпарвар, бошқаруви адолатли бўлмаган, маънавият эътироф этилмаган юртни қуйидагича тасвирлайди: «Аммо баъзи шаҳар (ёки мамлакатлар) лар бўладикки, уларда бутун халқнинг фикри-зикри, ақл-идроки бойлик тўплаш, мол-дунё орттиришга қаратилган бўлади. Улардан чиққан раҳбарлар ҳам раҳбарликни мол-дунёни кўпайтиришда деб биладилар. Шунинг учун ҳам улар эрта-кеч мол-дунё тўплаш ҳаракатида бўладилар. Бундай раҳбарларнинг қўл остида ишлаган шаҳар халқларида турли бузуқ одатлар, шаҳвоний нафс, бир-бирларини кўролмаслик, бир-бирини талаш, душманлик, низо-жанжаллар пайдо бўлади. Ана шундай шаҳар халқларидан хислатлари, майллари турлича бўлган авлод туғналади».

Форобий Х асрнинг бошларидаёқ адолатли фуқаролик жамиятининг содда ва оддий модели лойиҳасини қуйидагича таърифлайди: «Маданий жамият ва маданий шаҳар (ёки мамлакат) шундай бўладикки, шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлган ҳар бир одам касб-ҳунарда озод, ҳамма баб-баробар бўлади, ҳар ким ўзи истаган ёки танлаган касб-ҳунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод бўладилар. Бири иккинчисига хўжайин бўлмайди. Одамларнинг тинчлик ва эркинликларига халақит берувчи султон (яъни подшоҳ) бўлмайди. Улар орасида турли яхши одатлар, завқ-лаззатлар пайдо бўлади»<sup>31</sup>. Кўриниб турибдикки, мутафаккир илгари сурган «маданий жамият»нинг асосий белгиси фуқаролик жамиятининг энг асосий унсурларидан бири – инсон эркинлиги бўлганлиги билан ҳам аҳамиятлидир

<sup>30</sup> Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. –Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти.1993. –Б.189.

<sup>31</sup> Ўша жойда. –Б.190.

III. билан бирга, «маданий жамият» ва «маданий шаҳар» халқининг эркин равишда ўзлари хоҳлаган касб-ҳунар билан шуғулланишлари гоёси ҳам фуқаролик жамиятининг энг муҳим белгиларидан биридир.

Маълумки, фуқаролик жамияти шароитида сиёсий тизимни демократиялашнинг энг муҳим тамойили сифатида фуқароларнинг эркин сайлов ҳуқуқи билан таъминланиши тушунилади. Улар ва хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рўёбга келтириш ва муҳофаза қилиш, ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, ҳуқуқий заминга эга бўладилар. Бу каби жамиятда инсон ҳуқуқлари ва эркинлари ҳар томонлама ҳимоя қилинади. Ҳозирги давр вакиллик демократиясининг ана шу муҳим унсурини ҳам Форобий эътиборидан четда қолмаган: «Уларнинг ўзларидан («фуқаролардан», демоқчи) сайланган раҳбар ёки бошқарувчилар ҳокими мутлақ бўлмайди. Улар одамлар ичидан кўтарилган, синалган, энг олижаноб, раҳбарликка лойиқ кишилар бўладилар. Шунинг учун бундай раҳбарлар ўз сайловчиларини тўлиқ озодликка чиқарадилар, уларни ташқи душмандан муҳофаза қиладилар. Бундай раҳбарлар ҳаммага баробар муносабатда бўладилар, ҳатто ҳаммининг манфаатини ўзларининг манфаатларидан ортиқ кўрадилар, умумнинг манфаати учун ўзларининг шахсий манфаатларидан кечадилар, халқ манфаати учун ўзларидан куч-ғайрат ва бойликларни аямайдилар»<sup>32</sup>.

Мутафаккир фозил жамият ва шаҳар (давлат) уюшмаси шаклланиши ҳамда қарор топишининг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва маълум даражада иқтисодий масалалари ҳақида фикр юритар экан, бу борада объектив хулосага келиш учун ўз замонасидаги мавжуд жамият ва шаҳарларнинг ташкилий жиҳатларини ҳамда амал қилиш муаммоларини атрофлича тадқиқ қилади. Ушбу шаҳар-давлатлар (полислар) ҳаётини фаоллигига, уларни бошқарув усулларига баҳо берар экан, Форобий ўз тасаввуридаги мукамал жамият ва давлатнинг олий мақсади — инсонларни том маънода бахт-саодатга эришуви йўлидаги вазифаларидан келиб чиқади.

Жамият сиёсий тизими унсурларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган Шарқ мутафаккирларидан бири Абу Али Ҳасан

<sup>32</sup> Ўша жойда. —Б.190.

ибн Али Тусий – Низомулмулкдир (1018–1092 йй.). У ўзининг “Сиёсатнома” асарида давлат ҳокимиятини адолатли жамият қуришдаги ўрнини атрофлича очиб берди. Албатта, Низомулмулк яшаган даврда давлат билан жамият ўртасида чегара ўтказиш мушкул иш бўлса ҳам донишманд мутафаккир жамиятни салтанатдан айри ҳолда тасаввурлай билди. Лекин, у шунга қарамай, жамиятни адолатли бўлишини сиёсий элитага – ҳукмдорга, сарой мансабдорларига, ҳокимларга боғлиқдир, деб билди. Албатта, ўрта асрлардаги феодал муносабатларга асосланган монархия тузумида жамият фаолиятини ташкил этиш вазифаси асосан давлат ҳокимиятининг қўлида эди.

Низомулмулк адолатли жамият қуришни ўз давридан келиб чиқиб давлат ҳокимиятининг вазифаси деб билади. Шунинг учун ҳам у ўзининг “Сиёсатнома” асарида ҳукмдор ва унинг мансабдорларида қуйидаги умуминсоний фазилатлар бўлиши лозимлигини илгари суради: подшоҳ адолат ўрнатишда собитқадам бўлиши керак, камбағал ва бева-бечораларга ёрдам бериш, муҳтожларга давлат хазинасидан нафақалар ажратиш, хайр-эҳсон ҳаракатини қўллаб-қувватлаши лозим. Шунингдек, мансабдорлар фуқароларнинг ҳуқуқларини сақлашлари ва уларни ҳурмат этишлари жоиз. Шунингдек, Низомулмулк шоҳ ва унинг мансабдорлари амалий ҳаёт тажрибасини орттирган, жаҳонгашта ва мўътабар оқсоқоллар, олим у фозил инсонлар билан кенгашган ва улардан маслаҳат олган ҳолда халқни бошқариш талабларини илгари суради. Мутафаккирнинг фикрича, мансабдорлардан зулм ва адолатсизлик кўрган ҳар бир фуқаро ҳокимдан то вазир ва шахсан шоҳга шикоят билан тўғридан-тўғри арз қилиш имкониятига эга бўлиши лозим<sup>33</sup>.

Низомулмулк “Сиёсатнома” асарида давлатнинг келиб чиқиши, давлат қуришдан кўзда тутилган мақсадлар масаласига кенг тўхталади. Аввало, у давлатнинг келиб чиқишини илоҳий томонларини очиб бериш билан бир қаторда, унинг асосий вазифаларидан бири адолатли жамиятни ташкил этиш эканлигини турли ақоидлар билан исботлашга уринади: «Аллоҳ одамлардан бир кишига қудратини кўрсатиб, давлат ва иқбол бера-

---

<sup>33</sup> Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк. –Тошкент: Адолат, 1997. –Б. 16.

ли. Ҳақ таолодан билим ва ақл топиб, шу билим билан қўл остидаги ишлардан ҳар бирини ўзига тенг билади, ҳар бирига мартабасига мос қадр қилиб, мансаб беради, хизматкорларини халқ ўртасидан ажратиб олади, ҳар бирига бир мартаба ва манзала беради, дин ва дунё заруратию муҳимоти билан уларни таъминлайди, раиятни муҳофазат қилади, токи унинг адли соясида ҳаёбийиқ роҳат ила яшаб кун кўрсин. Агарда хизматкор ва ё маҳрамлардан бирортаси нолайиқ иш тутсаю, яхшиликдан тушуниб олса, ишга қайта қўйиш керак, агарда ҳушёр бўлмаса-ю (бундан қайтмаса), вафо қилмаса, уни бошқа бир лойиқ кишига алмаштириш лозим. Раиятдан бирортаси неъмат ҳақини, ғамонлик ва тинчлик қадрини билмаса, хиёнат этишни андиша қилса, номардлик кўрсатса, ҳаддидан ошиб кетса, гуноҳга тенг ҳисоблаб, гуноҳига яраша жазо бериб, азл этиб, улардан воз кечиш керак»<sup>34</sup>.

Низомулмулк жамият барқарорлиги учун адолатли сиёсий бошқарув заруриятини, бунинг учун подшоҳларнинг маслаҳат ва кенгашлар асосида сиёсат олиб бориши масаласига муҳим аҳамият берди: «Барча ишларни маслаҳат билан амалга ошириши кишининг мустаҳкам иродасидан, оқиллиги ва дунёқарашидан далолат беради. Ҳар бир киши маълум бир нарса ҳақида ўнроқ ё камроқ билади. Бир кишининг назарий билими бўлади-ю, аммо тажрибада уни қўлламаган, бошқа кишининг эса тажриба-синими ва билимига ўтган бўлади... Шундан келиб чиқиб: «ҳар бир ишнинг тадбирини донолару қариялар ва дунё кўрган кишилар билан ҳал қилиш керак», деб айтганлар. Ва яна бир киши фаҳм-фаросати жиҳатидан ўткир, тадбиркор, бошқа бири эса калтафаҳм бўлиши мумкин. Донолар айтганларки, «Бир кишининг тадбири бир кишичалик кучга эга, ўн кишининг қилган тадбири ўнга мард кучига тенгдир ва қанча кўп бўлса, шунча яхшидир». Бир кишининг кучи икки кишининг кучидан кам, ўн киши иложини топган иш ҳам уч киши тадбиридан кучли бўлар»<sup>35</sup>.

Низомулмулкнинг жамият сиёсий тизими фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ давлат бошқаруви тўғрисидаги фикрларидан шундай хулосалар чиқариш мумкин: сиёсат ва давлат

<sup>34</sup> Ўша жойда. –Б.16- 17.

<sup>35</sup> Ўша жойда. –Б.97-98.



бошқарувидаги, шунингдек, инсон ҳаётидаги барча икир-чирларни билиш ва улардаги ўзаро муносабатларни англаш фақат амалдор ёки ҳукмдоргагина тегишли эмас. Улар барча инсонийлик зотига (яъни, бутун жамият аъзоларига) тааллуқлидир. Шунинг учун ҳам тажрибали, оқил, фозил кишилар билан кенгашлар ва маслаҳатлар асосида сиёсий ва бошқарув қарорлари қабул қилиш воситасидагина бутун бир жамият барқарорлигини таъминлаш ва адолатни ўрнатиш, фаровон ҳаёт қуриш мумкин»<sup>36</sup>.

Соҳибқирон Амир Темурнинг (1336–1405 йй.) “Темур тузуклари”да сиёсат, сиёсий тизим ва сиёсий бошқарувга доир қарашлар янада ривожлантирилди. “Тузуклар” давлат бошқаруви ва сиёсий муносабатлар меъёрлари, сиёсий институтларни ўзаро мувофиқлаштириш масалаларини такомиллаштиришга доир принциплар ва қоидалар мажмуасидан иборатдир. Амир Темур унда салтанатнинг марказий органи, ҳарбий қўшин ва маҳаллий ҳокимиятни бошқаришда жамиятдаги ижтимоий қатламлар манфаатларини, уларнинг жамиятдаги ўрнини эътиборга олиб, бошқариш масалаларини мукамал тарзда очиб берган. Агар “Тузуклар”ни сиёсий ва иқтисодий фанлар нуқтаи назаридан чуқур таҳлил этадиган бўлсак, унда давлатнинг (сиёсий тизимнинг) куч-қудрати ва унинг яшовчанлиги жамиятдаги раиятнинг турли манфаатларини ижтимоий қатламлар ва турли жамият институтлари воситасида қанчалик эътиборга олиниши билан узвий равишда боғлиқ эканлигини кузатамиз. Унда жамиятдаги ижтимоий қатламларнинг қандай манфаатлари мавжудлиги, уларнинг хоҳиш-иродалари билан давлат ҳокимияти ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий муносабатлар яхлит birlikда қаралади.

Амир Темур “Тузуклар”ида давлат ҳокимияти қанчалик кенг ижтимоий қатламлар манфаатларига таянса, қанчалик жамият вакиллари билан кенгашиб, улар фикр-мулоҳазалари асосида давлат сиёсати ишлаб чиқилса, давлат шу даражада кучли ва салоҳиятли бўлиши исботлаб берилган. Жумладан, унда жамиятни 12 та тоифага бўлиб, уларнинг ҳар бирини жамиятдаги ўрни, сиёсий ресурсларининг ҳажми, ўзига хос таснифи, давлат сиёса-

---

<sup>36</sup> Ўша жойда. –Б.98.

тга қай даражада таъсир қила олиши ҳар томонлама характер-  
таб берилган. У тоифаларни қуйидагича таърифлаган: 1) сайй-  
идлар, уламо ва шайхлар; 2) билимдон кишилар; 3) дуоғўй тақ-  
водорлар; 4) амирлар, сарҳанглар, сипоҳсолорлар; 5) сипоҳ би-  
лан раият; 6) доно ва ишончли кишилар; 7) вазирлар, саркотиб  
ва девон битикчилари; 8) ҳақимлар, табиблар, мунажжимлар ва  
муҳаддислар; 9) муҳаддислар (ҳадис олимлари ва ровийлар) ;  
10) сўфийлар ва орифлар; 11) ҳунар ва санъат аҳли; 12) сайёҳ ва  
ғижорат аҳллари.

Шунингдек, у сиёсий ҳоқимиятни бошқаришда вазирлар,  
амирлар ва ноибларнинг ролига алоҳида эътибор беради. Со-  
ҳибқирон Амир Темур бу каби давлат мансабларига ўзига яқин,  
қон-қариндош, ўзига ёққан одамларни қўйиш тўғрисида умум-  
ман фикр билдирмайди, балки бу жиҳатдан давлат ва жамият  
манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашади: бу каби мансаблар-  
га садоқатли, ахлоқий пок, адолатнеша, тинчликсевар ва та-  
наббускор инсонларни қўйиш лозимлигини уқтиради. У ҳуку-  
мат аъзолигига муносиб бўлиш учун вазирларга камида тўрт  
фазилатга эга бўлишини шарт қилиб қўяди: 1) аслик – тоза  
насла мансублик ва улугворлик; 2) ақлу фаросатга эга экан-  
лиги; 3) сипоҳ билан раият аҳволидан доимо бохабар бўлиб  
туриши ва уларга ғамхўрлик кўрсата олиши, улар билан инсо-  
ний муомалада бўлиш қобилиятига эга эканлиги; 4) давлат  
инида сабру бардошли бўлиши, ўз мулозимларига мулойим-  
лик билан муносабатда бўлиши.

Амир Темур ўз тузукларида илгари сурган қудратли давлат  
қуриш, миллатни бирлаштириш ва халқ фаровонлигини таъмин-  
лаб бориш учун ўзининг давлат қуришга доир тамойилларини  
ишлаб чиқиб, уларни ҳаётда амалга ошира олган буюк зот эди.  
Фикримизнинг далили сифатида “Темур тузукларида”ги бу та-  
мойилларнинг баъзиларини келтириб ўтамыз.

-салтанатим ишларини мурсою мадора, мурувват ва сабр-  
тоқат билан юргиздим. Кўп нарсани билиб турсам ҳам ўзимни  
билмасликка олардим. Дўсту душман билан мурсою мадора  
қилдим;

-давлат ишларини салтанат қонун-қоидаларига асосланган  
ҳолда бошқардим. Тўра ва тузукка таяниб, салтанатда ўз марта-  
ба ва мақомимни мустаҳкам сақлаб турдим. Амирлар, вазир-  
лар, сипоҳ, раият ҳар бири ўз лавозим ва мартабасидан мамнун

ҳолда хизматимда бўлиб, ундан ортиғига даъвогарлик қила олмади<sup>37</sup>;

-адолат ва инсоф билан тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эҳсон ишларим билан одамлар кўнглидан жой олдим. ...Золимлардан мазлумлар ҳаққини олдим. Золимлар етказган ашёвий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин уларни шариятга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўтказмадим. Менга ёмонликлар қилиб, бошим узра шамшир кўтариб, ишимга кўп зиён етказганларни ҳам илтижо билан тавба-тазарру қилиб келгач, ҳурматлаб ёмон қилмишларини хотирамдан ўчирдим. Мартабаларини оширдим;

-райят аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим. Ҳар ернинг табиати, ҳар эл ва шаҳарнинг расму одатлари, мизожидан воқиф бўлиб турдим. ...Ҳар бир диёр аҳолисининг аҳволидан огоҳ бўлиб турдим. Ҳар бир мамлакатнинг аҳволини, сипоҳу райят кайфиятини, туриш-турмушларини, қилиш-қилмишларини, булар ўрталаридаги алоқаларни ёзиб, менга билдириб туриши учун диёнатли, тўғри қаламли кишилардан воқеанавислар (ахборнавис-хабарчилар) белгиладим;<sup>38</sup>

-яна тажрибамда кўриб билдимки, давлат агар дину ойин (қоида) асосида қурилмас экан, тўра-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшарким, уни кўрган ҳар кимса назарини олиб қочади<sup>39</sup>.

Кўриниб турибдики, Амир Темур ўз давридан анча илгарилаб кетган ҳолда сиёсий бошқарув, сиёсий тизим ва давлатчиликка доир сиёсий қарашларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Шунингдек, у ўзининг сиёсий қарашларини мустаҳкам ва марказлашган давлат қуриш тажрибаси билан уйғунлаштир-

---

<sup>37</sup>Темур тузуклари /Форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж.; Б.Аҳмедов таҳрири остида. Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1996. –Б.69.

<sup>38</sup>Ўша жойда. –Б.70-71.

<sup>39</sup>Ўша жойда. –Б.72.

тин ҳолда ўрта асрларда бутун бир дунё давлатларига намуна бўла оладиган ўз меросини қолдирди.

Ҳиротда яшаган машҳур олим Ҳусайн Воиз Кошифий (1440–1505 йй.) ўзининг «Ахлоқи муҳсиний» номли асарида флоренциялик Никколо Макиавеллидан деярли чорак аср олдин сиёсат тушунчасининг таърифини ишлаб чиқди. У мазкур асарининг бир бобини махсус сиёсат таърифига бағишлайди. Шунингдек, у Н.Макиавелли таърифи бўлган «мақсад воситани оқлайди», деган қоидага бутунлай қарши бўлган – адолатли, ахлоқ ва маънавиятга таянган сиёсатни қўллашни илгари суради. Мутафаккирнинг фикрича, “сиёсат сўзининг асл маъноси кишини ғамга солишдир, Истилоҳ маъноси эса мамлакатни қўлда тутиш ва ҳар кимни ўзига муносиб ўринга қўйишдир. Сиёсат икки хил бўлади: бири ўз нафсига нисбатан сиёсат қилиш, иккинчиси ўзга кишига сиёсат қилиш. Ўз нафсига нисбатан бўлган сиёсат шуки, ёмон сифатларни ўзидан йўқотиш ва яхши хулқларни эгаллашдир. Бошқага нисбатан сиёсат эса яна иккига бўлинади. Биринчиси, ўз аъёнлари ва яқинлари сиёсати ва уларни тартибга солиш. Иккинчиси, умумхалқ сиёсати”<sup>40</sup>. Шунингдек, Кошифий Европа олимларидан деярли икки аср олдин сиёсат ва давлат ҳокимиятини келиб чиқиш сабабларини хусусий мулкка боғлаб талқин этади: “Гарчи “ла мулка илла бил-адли” маҳваши дилпазир бўлса-да, аммо “ла адла илло бис-сиёсати” зийнати билан оройиш топмаса, ҳамон ҳусни камолга етмаган бўлади. Биринчи жумланинг маъноси мулк адолатсиз барқарор бўлмайди, демакдир. Иккинчиси эса адолат сиёсатсиз бўлмайди, дейишдир”<sup>41</sup>.

Кошифийнинг фикрича, “мамлакатни бошқаришдаги, ушлаб туришдаги асосий восита бу – сиёсат. Агар сиёсат бўлмаса, мамлакатда ҳеч қандай фойдали иш қилинмайди. Халқни хунрезлик тиғи билан эмас, балки одилона, оқилона сиёсат – тинчлик, яхши сўзлилиқ билан бошқариб, «зулм рангин» йўқотиш лозим. «Адл сиёсатсиз мавжуд бўлмас. Сиёсат йўқ бўлса, сардорлик заиф

<sup>40</sup>Кошифий Ҳусайн Воиз. Футувватномаи султоний; Ахлоқий муҳсиний. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2011. –Б. 261.

<sup>41</sup> Ўша жойда. –Б. 262.

бўлур демак бўлур. На учунким мулку миллат зийнати, дину давлат мусаллаҳи сиёсатдир”<sup>42</sup>.

Кўриниб турибдики, Хусайн Воиз Кошифий ўз давридаги жамият ва давлат тизимини таҳлил қилар экан, жамият барқарорлигини, унинг аъзолари ўртасида адолат ва инсонийлик қадриятларини юксалишяни ҳукмдор ва давлат мансабдорларининг маънавий бойлиги билан боғлайди. Шу билан бирга, жамиятни кучли бўлиши давлатни кучли бўлишини таъминлашнинг чуқур аниқлайди. Бу қарашлар ҳозирги давр учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

## 5. Янги даврдаги сиёсий қарашлар эволюцияси

Янги даврга келиб турли сиёсий қарашларда давлатнинг пайдо бўлиши, қарор топиши ва жамият сиёсий тизимидаги ўрнига доир назариялар янада ривожлана бошлади. “Давлат – жамият – шахс” ўзаро муносабатлари тизимида индивидга, яъни фуқарога алоҳида эътибор бериш русумга кира бошлади. Шунинг учун бу даврда шаклланган сиёсий қарашлар “фуқаролик тўғрисидаги қарашлар” номи билан тарихга кирди. Уйғониш давридаги сиёсий соҳадаги ривожланишларнинг ўзига хос жиҳатидан бири шуки, энди инсон сиёсий муносабатлар марказида талқин этила бошланди. Бу соҳада илк бор Никколо Макиавелли (1469–1527 йй.) тадқиқотлар олиб борди.

У ўзининг “Ҳукмдор”, “Тит Ливийнинг биринчи декадаси тўғрисида мулоҳазалар” ва “Флоренция тарихи” асарларида сиёсий қарашларнинг ўзига хос жиҳатларини чуқур тадқиқ этди. Макиавеллининг асарларида илк бор сиёсат ҳокимиятни ушлаб туриш воситаси сифатида талқин этилади, ҳокимиятнинг сиёсатдаги муваффақиятлари ва мағлубиятлари таҳлил этилади. У “Ҳукмдор асарида абсолют монархиянинг ҳимоячиси, “Тит Ливийнинг биринчи декадаси тўғрисида мулоҳазалар” асарида эса – давлатнинг республика шакли ҳимоячиси сифатида намоён бўлади. Унинг “мақсад ҳокимиятни эгаллаш”, сўнгра эса “уни ушлаб туриш”дан иборат ғоялари ахлоқ ва динга зид равишда

---

<sup>42</sup> Қаранг: Маҳмудов Р. Дегонимни улусқа марғуб эт... –Тошкент: Ўзбекистон, 1992. –Б. 18-20.

талқин этила бошланди. Айниқса, унинг “мақсад ҳар қандай во-сита ни оқлайди”, деган қондаси кейинчалик макиавеллизм оқими-нинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Макиавеллининг сиёсий назарияси асосан «бошқарув меха-никаси» (ёки “бошқарув технологияси”) ҳақидаги таълимот-дан иборатдир. Шунингдек, унинг сиёсий қарашларини ташқи кўриниши абсолют ҳукмдорларнинг «дипломатик ўйинлари на-зарияси» сифатида ҳам танилди. Шунинг учун унинг асарлари Италияда бўлиниб кетган кичик давлатлар ўртасидаги сиёсий можароларни сабаблари ва улар ўртасидаги манфаатлар кура-ши ҳосиласи ўлароқ дунёга келган эди. Макиавелли сиёсий му-носабатларда инсоннинг худбинлигини бўрттириб кўрсатади. Унинг фикрича, одамнинг нарсалар ва ҳокимиятга интилиши чексиздир. Бироқ, инсоннинг интилишлари ресурсларининг чек-ланганлиги сабабли одамлар ўртасида низолар келиб чиқади. Шунинг учун ҳам давлатнинг асосий вазифаларидан бири – бу бир индивидга бошқа индивидлар томонидан тажовузкорлик қилишидан ҳимояга муҳтожлигига асосланади. Чунки қонун-ларни ҳимоя қилиб турадиган куч бўлмаса, жамиятда анархия вужудга келади. Бинобарин, одамларнинг хавфсизлигини таъ-минлаш учун кучли ҳукмдорга зарурият туғилади. Макиавел-лининг фикрича, ҳукмдор “ҳамма одамлар ҳам зolim одамлар-дир”, деган қоидага асосланиши керак. Агар ҳукмдор ҳокими-ятни сақлаб қолишни хоҳласа ва, бинобарин, одамларнинг ҳаёти ни мол-мулкини ҳимоя қилишни истаса, у ҳолда бераҳм ва сур-бет бўлиши мумкин.

Жамиятда одамлар ҳамиша ўзларининг худбинликларини намоён қилиб турсаларда, турли одамларда ахлоқсизлик ҳар хил даражаларда учрайди. Макиавелли ўзининг далиллари ва асос-нашларида яхши ва ёмон давлат, шунингдек, яхши ва ёмон фу-қаролар тушунчаларини қўллайди. У айнан яхши давлат ва яхши фуқароларни ҳосил қилиши мумкин бўлган шарт-шароитларни яратишга қизиқади. Агар давлат ҳар хил худбинликка асослан-ган қизиқишлар ўртасидаги ўзаро мувозанатни ушлаб тура олса, шу билан бирга, у барқарор бўлса, у ҳолда у яхши давлат сира-сига киради. Ёмон давлатда эса турли худбинона манфаатлар очикчасига ўзаро низоларга киришади. Яхши фуқаро ватанпар-варлик ва жанговарлик субъектидир. Бошқача айтганда, яхши давлат – бу барқарор давлатдир. Сиёсатнинг мақсади, антик

Юнонистонда ва ўрта асрлардаги қарашлар каби яхши ҳаёт қуриш учун эмас, балки шунчаки ҳокимиятни ушлаб туришдир (ва, бинобарин, барқарорликни ҳам тутиб туришдир).

Макиавелли ҳокимиятни эгаллашга уринувчилар билан ҳокимиятни тутиб турганлар ўртасига тафовут қўяди. Муайян маънода, ҳукмдор билан фуқаролар ўртасидаги фарқ – барқарор давлатни барпо этиш муаммоси билан ҳокимиятни ушлаб туриш муаммоси ўртасидаги тафовутнинг оксидир. Макиавелли қадимги Рим республикаси ва ўзи замондош бўлган Швейцария барқарор давлат ва нисбатан бузилмаган жамиятлар учун мисол бўла олади, деб фараз қилган эди. Унинг фикрича, бу давлатларда халқ муайян маънода ўзини ўзи бошқаришга қодир. Бу ерда мустабидликка эҳтиёж йўқ. Лекин бу даврда Италияда марказлашган давлатни барпо этилиши вазифаси кўндаланг бўлиб турарди. Италия учун қудратли ва бераҳм ҳукмдор зарур эди. Албатта, Макиавелли ахлоқсиз жамиятда сиёсатчининг ҳокимият учун курашларда қандай ютиб чиқишига доир назарияларнинг муаллифи сифатида кўпроқ машҳур бўлди.

Назариётчилар Макиавеллини иккиюзламачиликда айблашади. Ҳукмдор халқдан ахлоқли бўлишни ва саховатпешаликни талаб қилади, аини бир пайтда, унинг фаолияти ҳокимиятни муваффақиятли тарзда эгаллаш йўлида ахлоққа таянадими ёки таянмайдими, деган савол қўйилганида унга жавоб топиб бўлмайди. Фуқаролар учун бир ахлоқ, ҳукмдор учун эса бошқача ахлоқ. Бошқача айтганда, Макиавелли ахлоқни сиёсатга бўйсундиради. Макиавелли сиёсатда қўлланиладиган сиёсий воситаларни уларнинг ахлоқий жиҳатдан қўлланишга маъқул ёки маъқул эмаслигидан қатъи назар уларни таҳлил этишга ҳаракат қилади<sup>43</sup>.

Бу даврда мақсадлар билан воситаларнинг бир-бирига кескин қарама-қарши қўйилиши нисбатан янги бир ҳолат эди. Юнон файласуфлари ва христиан теологлари айрим амалларни («воситаларни») уларнинг керакли мақсадларга олиб бориши ёки бормаслигидан қатъи назар номақбул деб қарашган эди. Ўғирлик ва қотиллик бунга мисол бўлади. Макиавелли мақсад ва восита-

---

<sup>43</sup>Қаранг: История политических и правовых учений.—Москва: Издательство НОРМА, 2003. — С.79-82.

ларнинг бир-бирига кескин қарама-қарши қўйилиши асосида интижа воситаларни оқлайди, деган фикрга келган эди<sup>44</sup>.

Макиавелли кучли давлат ҳокимиятининг аҳамиятини тушунади. Лекин аввало уни соф сиёсий ўйин кўпроқ қизиқтиради. Шунингдек, у ҳокимиятни амалга оширишнинг иқтисодий шарт-шароитларини нисбатан яхши англамайди. Макиавелли фикрича, инсон табиати ўзгармасдир; бинобарин, бундан олдинги даврлардаги сиёсий воқеа ва ҳодисаларни ўрганиш ёрдамида ҳам ҳозирги сиёсий вазиятни бошқариш тўғрисида хулосалар чиқариш мумкин. Албатта, Макиавелли қарашлари муайян маънода сиёсатнинг «моҳияти»ни тушунишга эмас, балки қандай қилиб бўлсада ҳокимиятни қўлга киритиш «технологияларига» мувофиқ келади. Лекин Макиавеллининг қарашлари ўзига хос бўлган бошқача муҳитда шаклланган эди. Қолаверса, Макиавелли ўзининг «Хукмдор» асарини сиёсий тутқинлик шароитида ёзган бўлиб, бу пайтда унинг ягона мақсади яна сиёсатга қайтиш эди. Албатта, бунинг учун Рим папасига ёқадиган асар ёзиши лозим эди. Лекин унинг бахтига қарши папа унинг «Хукмдор» асарини варақлаб ҳам кўрмайди. Бу асар деярли 70 йилдан ортиқроқ даврдан кейингина оммага танилади. Аслида, Макиавеллининг энг юксак орзуси – қадимги Рим республикасига айнан тўғри келадиган давлат тузумини қарор топтиришдан иборат эди.

Никколо Макиавеллининг ижтимоий-сиёсий қарашларининг муҳим томони шундаки, у ўз замонаси учун ўта дадил, ғоят мардонавор фикрни – давлат ишларини черков ишлари билан аралаштириб, қўшиб олиб боришга қарши кураш зарурлиги, черковни давлатдан ажратиш зарурлиги тўғрисидаги ғояни дадиллик билан илгари сурган эди.

Европада жамият сиёсий тизими ва сиёсий муносабатларга доир ғоялар XVII аср ўрталарида Томас Гоббснинг (1588–1679 йй.) «Табиий ва сиёсий қонунлар унсурлари», «Фуқаро ҳақида», шунингдек «Левиафан ёки Материя, черков ва фуқаролик давлати шакли ва ҳокимияти» номли асарларида ўз ифодасини топди. Т. Гоббс даставвал инсондаги табиийликни унинг ижтимоий

---

<sup>44</sup>Қаранг: Скирбекк Г., Гилъе Н. История философии. Учеб. пособие. Пер. с англ. В. И. Кузнецова; под. ред. С. Б. Крымского. – Москва: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2003. – С. 287–290.



сифатларига қарама-қарши қўяди. Бу пайтдаги қарашларда бошқарилиб бўлмайдиган, носисёсий, шу сабабли ҳам ижтимоийлашмаган, яъни жамият ва давлат қонунларига ёки ҳокимият, шунингдек сиёсатга бўйсунувчи ижтимоий борлиқдан айрим кенгликлар ҳам борлиги жой олган эди<sup>45</sup>.

Т.Гоббс давлатнинг моҳиятини инсон табиатига узвий равишдаги боғлиқлик асосида таҳлил этади. У инсонларнинг табиатан худбин, шуҳратпараст, ҳасадгўй ва қўрқоқ бўлишини таъкидлаш баробарида инсонни фақат ҳасадгўйлар ва душманлари қуршовида яшашини алоҳида далил сифатида илгари суради. Шунинг учун ҳам Гоббс инсониятнинг табиий ҳолатини «ҳамма ҳаммага қарши уруш эълон қилган даври», деб атайди. Шу билан бирга, ўлимдан қўрқиш ва ўзини ўзи ҳимоялаш инстинкти инсоннинг барча ҳис-туйғуларидан устун бўлиб чиқади. Айнан, инсонни ана шу ўзини ўзи асраш ҳис-туйғуси уни табиий ҳолатдан чиқишга ундайди. Шу тариқа инсон тинчликка интилади. Гоббс инсонлар яшашини таъминлаш учун зарур бўлган 19 та табиий қонунларни таклиф этади. Уларнинг мазмун-моҳияти битта умумий қоидада ўз ифодасини топади: «ўзингга раво кўрмаган нарсани бировга ҳам раво кўрма».

Шунингдек, Т.Гоббснинг фикрича, монархия шаклидаги ва ижтимоий шартномага таянадиган давлатдаги мутлақ ҳокимият инсонлар ўртасидаги тинчлик ва келишувлар учун кафил бўла олади. Қирол ҳокимияти барча одамларни табиий ва фуқаролик қонунларига итоат этишга мажбур қилади. Мутафаккир ҳайвоний ҳис-туйғуларни жиловлаб туриш мақсадида диндан фойдаланиш лозимлигини, шу билан бирга, черковни давлатга бўйсундиришни таклиф этади. Шунингдек, у халқ фаровонлиги - давлатнинг олий қонуни бўлиши лозим, дейди. Гоббс давлат манфаатлари ҳам ахлоқнинг олий мезони асосида амалга оширилиши лозим, деган ғояни илгари суради.

Фуқаролик жамияти қуришга доир илмий изланишлар олиб борган Франциядаги маърифатпарварлар “катта авлоди”нинг йирик намояндаси Шарль Луи Монтескьедир (1689–1755). Унинг “Форсларнинг мактублари” номли китоби биринчи марта 1721

---

<sup>45</sup> Гоббс Т. Избр. произведения: В 2 т. Т. I. – Москва: 1965. – С. 59; Т. 2 – С. 114–115.

йилда нашрдан чиқди. Монтескье Францияга келиб кетган иккита форснинг ёзишмалари ниқоби остида абсолют монархия режимини жуда усталик билан қаттиқ танқид қилди. Орадан 27 йил ўтгач, 1748 йилда унинг асосий асари— “Қонунлар руҳи” номли китоби ёзилди. Бу асар “Форсларнинг мактублари”га нисбатан анча муътадил оҳангда ёзилди: феодал тартиблар билан муросага келиш ғояси бу даврдаги Монтескье учун ёт эмас эди<sup>46</sup>. Монтескьенинг идеали— Англиядаги сиёсий тузум, яъни конституциявий монархия бўлиб, бу монархия Монтескье назариясига кўра француз миллатининг руҳига жуда мос тушар эди. Монтескьенинг фикрича, ҳар бир миллатнинг руҳи мамлакатнинг географик шароитлари билан белгиланади. Монтескье фикрича, сиёсий хиёнатларнинг бўлмаслигини таъминлайдиган восита, бу— уқ ҳокимиятнинг: қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг ўзаро тўла тақсимланиши ва бир-бирларини чеклашидир<sup>47</sup>. Давлат ва жамиятни халқчиллаштиришга доир бу ғоялар француз буржуа инқилоби даврида қабул қилинган қонунларга катта таъсир кўрсатди.

Жамият сиёсий тизимини демократлаштиришга салмоқли назарий ҳисса қўшган Франция мутафаккирларидан бири— Алексис де Токвилдир (1805—1859 йй.). Токвиль асосан демократиянинг назарий ва амалий жиҳатларига кўпроқ қизиқди. Бу соҳани у ўз даврининг энг аҳамиятли воқелиги, деб қаради. Шунингдек, Токвиль демократияни кенг талқин қилди. У феодал тузумга қарам-қарши бўлган, шунингдек, олий ҳамда қуйи табақалар ўртасидаги (табақавий ёки анъаналар асосида шаклланган) чегарани тан олмайдиган ижтимоий тузумга ўтиш ғояси билан яшади. Бу ғоя мазкур ижтимоий тузумни ифодалайдиган сиёсий шахс билан ҳам боғлиқ эди. Демократиянинг негизи— тарихда қарор топиши кутилган тенглик принципларидир. «Тенгликнинг аста-секинлик билан қарор топиши юқоридан ҳукм этилган ва четлаб ўтиб бўлмайдиган заруриятдир. Бу жараён қуйидаги асосий белгилар билан аниқланади: у бутун дунёвий ва узоқ муддатли характер касб этади ва ҳар бир кун оз-оздан ривожланиб борсада,

<sup>46</sup> Қаранг: История политических и правовых учений XVII-XVIII вв.—Москва:Наука, 1989.—С.106.

<sup>47</sup> Монтескье Ш. Избр. произведения.—Москва: 1955.—С.289.

унга эришиш кишилар иродасига боғлиқдир... Шундай узоқ давом этган ижтимоий жараёнларни бир авлоднинг хатти-ҳаракати билан тўхтатиб қолиш ақлга сиғадими? Наҳотки, кимдир феодализм тизимини йўқотган, қироллар устидан ғалаба қозонган демократия энди буржуазия ва бойлар олдида орқага чекинади, деб ўйлайди? Демократия шунчалик қудратга эга бўла туриб, унинг душманлари эса кучсиз бўлгани ҳолда, у тўхтаб қолиши мумкинми?»<sup>48</sup>.

Жамият сиёсий тизимини демократлаштиришга доир муаммоларни таҳлил этишда Токвиль Франция ва АҚШ тарихий тажрибаларига таяниб иш олиб борди. У шу нарсани аниқладики, демократия ва эркинликни таъминлашга ҳалал берувчи ҳолат — бу давлат ҳокимиятининг ҳаддан ортиқ марказлашувидир<sup>49</sup>. Франция ана шундай марказлашувларни синаб кўрган эди. Токвилнинг фикрича, демократик қадриятлар асосидаги қатор сиёсий-ҳуқуқий усуллар жамият ва индивид фойдасига ишлайди, уларни мустаҳкамлайди. Ана шундай усуллар тоифасига ҳокимиятнинг бўлиниши, шунингдек, маҳаллий (жамоавий) ўзини ўзи бошқариш органлари кириб, улар халқ суверенитетининг манбаидир. Лекин Токвилга биноан, бу суверенитет ҳам чегарасиз эмас, халқнинг устуворлиги ҳам ҳаддан ошиб кетмаслиги лозим. Агар бу чегаралар бузилса, тирания пайдо бўлади, кўпчилик тиранияси ҳам ҳукмдор тиранлигидан ҳеч бир кам эмас.

Ҳозирги даврда Шарқий Европа, Лотин Америкаси, Осиё ва МДҲ мамлакатларида давлатларнинг фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатга ўтиш даврига доир сиёсий қарашлар ва назариялар ҳам шаклланди. Уларнинг ичида Президент И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва илгари сурилган Ўзбекистон давлатининг собиқ социалистик жамиятдан фуқаролик жамиятига ўтишга доир назариялари ўзининг амалий натижаси ва замонавийлиги билан ажралиб туради. Айниқса, унинг янги жамиятга тинч ва босқичма-босқич равишда ўтишга доир қарашлари турли мамлакатлар етакчилари ва назарийчиларини қизиқтирмоқда. Чунки янги жамият ва давлат қуришнинг “Ўзбек модели”

---

<sup>48</sup> Токвиль А. Демократия в Америке. — Москва, 1992. — С. 133-134.

<sup>49</sup> Қаранг: де Токвиль А. Демократия в Америке. // Антология мировой политической мысли. В 5 т. Т. I. — Москва: Мысль 1997. — С. 716

қисқа давр ичида Ўзининг жаҳондаги бошқа мамлакатлар учун номуна бўла олиш жиҳатларини кўрсатди. Айниқса, жамиятни ижтимоий портлашларсиз ва турли кескин сиёсий тўқнашувларсиз ривожланишини таъминлаш тарихда камдан-кам мамлакатларга насиб этилган.

Тоқоридагиларни эътиборга олиб, қўлланманинг 6-16-мавзуларида Президент И.А.Каримов томонидан илгари сурилган янги назарий қарашлар ва амалий ислохотлар эволюцияси сиёсий муносабатлар ва жараёнларнинг алоҳида йўналишлари бўйича мавзуларнинг махсус қисмлари тариқасида берилди. Чунки сиёсий ривожланишнинг “Ўзбек модели” ҳозирги даврда шакллантирилиги учун ҳам унга доир материаллар замонавий мавзулар билан уйғун ҳолда таҳлил этилди.

#### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Дастлаб Шарқда давлат ва жамиятга доир қандай сиёсий қарашлар шаклланди?
2. Қадимги Юнонистон ва Римда қайси олимлар сиёсий фанларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшдилар?
3. Сиёсий қарашларнинг христианча талқинларига кимлар асос солди?
4. Сиёсий қарашлар тарихида Шарқ мутафаккирлари қандай ўрин тутди?
5. Янги даврда сиёсий фанлар ривожига ҳисса қўшган олимлар тадқиқотларини таҳлил қилиб беринг.
6. Ҳозирги даврда сиёсатшунослик фани қандай ютуқларга эришди?

## II БЎЛИМ. СИЁСАТ ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ ВА ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

### 3-МАВЗУ. СИЁСАТ – ИЖТИМОИЙ ҲОДИСА СИФАТИДА

1. Сиёсатнинг келиб чиқиши ва табиати.
2. Сиёсатнинг тузилиши.
3. Сиёсатнинг функциялари.
4. Сиёсатнинг ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари билан ўзаро муносабатлари.

#### 1. Сиёсатнинг келиб чиқиши ва табиати

“Сиёсат“ тушунчаси биринчи мавзуда келтирилганидек, қадимги Юнонистонда (юнонча polis – шаҳар) пайдо бўлиб, у давлат бошқарувининг турли шакллари аниқлашган. Сиёсатга доир илк назарий қарашлар ҳам қадимги Юнонистонда Аристотелнинг “La Politika” (“Давлатга нима тегишли бўлса – у ҳақда”) асарида яратилган. “Сиёсат” тушунчасини аниқлаштириш, уни мазмун-моҳиятини очиб бериш ва тадқиқ этиш узоқ даврлар мобайнида монархия, республика ва давлатнинг бошқа шакллари тадқиқ этиш, жамият ва давлатни бир-биридан ажратиш (Н.Макиавелли), черков институтлари (христианлик анъаналари) ва фуқаролик жамияти (Ж.Локк), давлатни иқтисодий ва ижтимоий тузум билан ўзаро алоқадорлигини аниқлашга доир (А.Смит) илмий изланишлар жараёнида ўз тақомилга етди.

Қадимги даврлардан бошлаб шаклланган анъаналарга мувофиқ сиёсат мазмунини давлат қудратининг манбаи – ҳокимият билан узвий равишда боғлаб келинди. Умуман, у даврлардаги давлатларда сиёсатнинг мазмуни ҳокимиятнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа ресурсларини аниқлаш билан боғлиқ ҳолда талқин этилди. Шунингдек, сиёсат акторларининг ҳокимиятга доир хулқини ўрганиш, бошқаришнинг легитимлиги ва қонунийлиги мезонларини ўрнатиш, ҳукмдорлар ва уларга бўйсунувчилар ролларини ижро этиш хусусиятларини аниқлаш (Парсонс), ҳокимиятнинг гуруҳий асосларини ёритиш (Бентли) асносида сиёсатнинг моҳияти янада ойдинлаша бошлади.

Сиёсатни ўрганишнинг турли-туман усуллари ва ёндашувлари ичида функционал – мақсадли усул кенг тарқалди. Бу усул жамиятдаги ижтимоий ҳаётда яшашнинг у ёки бу маъноларини илоҳлаб беришга асосланди. Бу жараёнда сиёсат тушунчаси қандайдир этикавий мақсадларни амалга оширишнинг шакли сифатида таърифлана бошланди (масалан, “англаб етилган адолатга мувофиқ бошқариш ёки фаровонликни ривожлантириш” (Платон); ёки “рационал тафаккурлашни амалга ошириш” (Гегель); жамиятдаги кучларнинг ижтимоий мувозанатини ўрнатиш ва жамиятнинг бир бутунлигини ушлаб туриш ёки айрим кишиларнинг бошқалар устидан ўз ҳукмронлигини сақлаш воситаси” (Дебре); “қадриятларни тақсимлаш шакли” (Ласвелл) ёки “умумий продаларни амалга ошириш” (Руссо) ва ҳоказо<sup>50</sup>.

Сиёсат ҳақида немис олими М.Вебер ҳам ўзига хос талқинларни амалга оширган. Унинг қуйидаги фикри сиёсатнинг моҳиятини очиб беришга ёрдам беради: “Шу тариқа, сиёсат атрофлича муҳокама қилганда, давлатлар ўртасида, давлат ичида, одамлар гуруҳлари ўртасида, ҳокимиятда иштирок этишга интилиш ёки ҳокимиятни тақсимлашга таъсир кўрсатишга интишни демакдир<sup>51</sup>.

Инсониятнинг дастлабки ривожланиш даврида, яъни ҳали жамиятдаги турли манфаатларни кескин бир-бирига қарама-қарши қўйиш, ишлаб чиқаришда ўзини ўзи ташкил этиш, маҳсулотларни тақсимлаш механизмлари пайдо бўлмаган, диний ақидапарастлик, урф-одатлар ва хулқий муносабатлар ҳукмрон бўлган даврда кишилар ўз манфаатларини қондириш жараёнларини табиий ҳолатдан келиб чиқиб мувофиқлаштирган эди. Лекин моддий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, ижтимоий ва демографик сафарбарликнинг кучайиши, жамиятда ижтимоий, этник ва диний дифференциациянинг ўсиши натижасида бу табиий мувофиқлаштириш ўз қобилиятини йўқотиб қўйди. Турли-туман инсоний алоқалар ва муносабатлар натижасида жамиятни бу-

<sup>50</sup> Основы политической науки. Учебное пособие. Под ред. В. П. Пугачева. Часть I. – Москва: МГУ, 1996. – С. 79-80.

<sup>51</sup> Вебер М. Политика как призвание и профессия // Политология: эрестоматия / Сост. проф. М. А. Василик, доц. М. С. Вершинин. – Москва: Гардарики, 2000. – С. 7-8.

зиш хавфини келтириб чиқарувчи ўзига хос ихтилофлар, ўзаро келиша олмайдиган манфаатлар мажмуалари пайдо бўлди. Шу билан бирга, бу даврда гуруҳий манфаатларни қондиришга интилишлар шароитида жамиятнинг бутунлигини сақлаш энг катта ва хавфли муаммолардан бирига айланди.

Ана шу тарихий заруратлар оқибатида жамиятда ўзига хос ижтимоий институтлар шаклланиб борди. Бу институтлар аҳоли барча табақалари ижтимоий ҳуқуқлари шаклларини пайдо бўлган заруратлар даражасига кўтарилган умуммажбурий асосдаги итоатда туриб тутиш воситалари функцияларини бажара бошлади. Давлатга хос ошқора ҳокимият тартиботларининг пайдо бўлиши билан гуруҳлараро муносабатларни мувофиқлаштиришнинг сифат жиҳатдан юқори поғонаси - ижтимоий ҳокимият шаклланди. Шу тарзда идора қилувчи гуруҳлар ва уларнинг ижтимоий уюшмалари таркиб топди. Бу жараёнлар ўз ўрнида ижтимоий муносабатларнинг сиёсий даражасини яратди. Натижада, жамиятнинг бир бутунлигини уруғчилик асосида ташкил этишга уринишларга чек қўйилди.

Сиёсатнинг жамиятда намоён бўлиши учун алоҳида шахсларнинг манфаатлари бир бутун гуруҳда ифодаланиб, бу манфаатлар бошқа гуруҳлар манфаатлари билан зиддиятга киришиш лозим эди. Ана шунда бу икки гуруҳлар ўртасидаги муносабатларга учинчи гуруҳ – давлат ҳам тортилади. Давлат воситасида ижтимоий муносабатлар мувофиқлаштирилади, шу туфайли жамиятда сиёсий муносабатлар намоён бўлади. Ана шу тарзда сиёсат гуруҳий муносабатларнинг бир тури сифатида пайдо бўлади. Агар қайси ерда ижтимоий табақалар, миллатлар ёки бошқа ижтимоий гуруҳлар ўз манфаатларини амалга ошира бориб, аҳолининг бошқа табақалари ижтимоий имкониятларини ўзгартиришга таъсир қилса, ўша ерда давлат ҳокимияти ижтимоий муносабатларни мувофиқлаштиришга тортилади, беихтиёр сиёсий муносабатлар жараёни рўй бера бошлайди.

Ижтимоий табақалар ва гуруҳлар давлатдан ташқари бўлган ҳолатида ўзларининг мувофиқлаштириш ресурсларини тугатган бир пайтда давлатга воситачилик қилиш учун “ижтимоий буюртма”лар беришга эҳтиёж сезади (масалан, иқтисодий ўз-ўзини бошқариш, инсоний кооперациялар, ахлоқ меъёрларига таъсир ва ҳ.к.). Шунинг учун ҳам ижтимоий гуруҳларнинг доимо ҳам сиёсий фаолият кўрсатиши шарт эмас. Кўпинча, бундай ҳолат ижтимоий

моний хулқ-атворнинг ўзига хос, кутилмаган шакли сифатида рўй бериши мумкин. Бу ўз ўрнида гуруҳлараро муносабатларнинг сиёсий даражаси ҳар қандай ижтимоий тизим учун ҳам шарт эмаслигини англатади.

Ижтимоий муносабатларнинг сиёсий характери гуруҳлар ва ижтимоий бирликларни ҳокимиятга тааллуқли манфаатларини баҳолаб боришни тақозо этади. Бошқача айтганда, хатти-ҳаракатнинг сиёсий мотивацияси фақат гуруҳ томонидан умуман (сиёсий дастурлар, мақсадлар, мафкуралар даражасида), ёки унинг ҳар бир вакиллари билан алоҳида (маълум бир гуруҳга тааллуқли эканлигини англаш йўли билан, яъни сиёсий ўз-ўзини айнаштиришни аниқлаш) амалга оширилаётган манфаатларни унга хос тарзда англаб етиш жараёнида шаклланади.

Ижтимоий эҳтиёжларни сиёсий англаб етиш моҳияти манфаатларни гуруҳий характерини тушунишдан, уни бошқа гуруҳий субъектлар сўровлари билан қиёслашдан, шунингдек, бу бирликлар даъволарини татбиқ қилиш ва келишиш жараёнларига давлат аралашувининг даражалари ва воситаларини аниқлашдан иборатдир. Бошқача сўзлар билан ифодалаганда, манфаатларни сиёсий англаб етиш – унга давлат ҳокимияти аралашувини амалга ошириб бўлмайдиган мазмунларни ажрата олиш қобилиятини шаклланганлиги деганидир.

Шу тарзда сиёсий онг гуруҳларнинг бошқа субъектлар ва ҳокимият институтлари билан мулоқотларда иштирок этиши учун уларнинг ижтимоий эҳтиёжларини расмийлаштиради ва бир тизимга солади. Сиёсий ҳаёт субъектларининг бундай онгли равишнинг тайёргарлиги зарурияти принципиал характерга эгадир. Танқидли АҚШ сиёсатшуноси Роберт Даль “сиёсий” ва “носиёний” қатламларни бир-биридан ажратиб кўрсатиб, бу билан субъектларнинг ҳокимият институтлари билан ўзаро характери даражаларини ўзаро фарқланишларини ҳам аниқлаган эди<sup>52</sup>.

Сиёсатнинг замонавий талқинлари Р.Арон асарларида янада такомиллашди. У сиёсат тушунчасини жамиятнинг барча жабдалари билан алоқадорликда таҳлил қилишга ҳаракат қилди. У “сиёсат” тушунчасини бир-биридан фарқланишини чуқур тадқиқ

<sup>52</sup> Қаранг: Основы политической науки. Учебное пособие. Под ред. П. Пугачева. Часть I. – Москва: МГУ, 1996. – С.82-83.



этиб, қуйидаги фикрларни билдирган эди: “Биринчи фарқланиш шу билан боғлиқки, “сиёсат” сўзи инглиз тилига ҳар бири ўз мазмунига эга бўлган иккита сўзга таржима қилинади. Инглизлар амалда сиёсатни “policy” ва “politics” сўзлари билан ифодалайди – французлар унисини ҳам, бунисини ҳам “сиёсат” деб атайдди. Policy – концепция, ҳаракат дастури, бу ҳолда у ҳаракатда, бир одамнинг, одамлар гуруҳининг, ҳукуматнинг хатти-ҳаракати... Шу тариқа, “сиёсат” сўзи ўзининг биринчи аҳамиятига биноан – бу дастур, хатти-ҳаракат усуллари ёки одам ёки одамлар гуруҳи томонидан бирон-бир муаммо, ҳамжамият олдида турган муаммолар йиғиндисига нисбатан амалга ошаётган хатти-ҳаракатнинг ўзидир. Сиёсат иккинчи маънода (инглизча “politics”) турли сиёсий йўналишларда қарама-қарши курашаётган ёки рақобатлашаётган (policy аҳамиятига молик равишда) ижтимоий ҳаёт соҳасига тааллуқлидир. Сиёсат соҳаси – бу шахсий “policy”га эга бўлган, яъни ўз мақсади, манфаатлари ва ўз дунёқарашига эга бўлган, ичида шахслар ва гуруҳлар ўзаро курашаётган жамулжамликдан иборатдир”.

Шу билан бирга, Р. Арон сиёсатни инсонга, инсонлараро муносабатлар мавжуд бўлишига, инсонларни ҳамжамиятга уюшиб яшашига боғлиқ ҳолда талқин этади: “Инсонлар ўртасидаги ҳар қандай ўзаро хатти-ҳаракат ҳокимият мавжуд бўлишини тақозо этади; шу тарзда, сиёсатнинг моҳияти ҳокимиятни амалга ошириш ва идора этувчиларни танлаш йўлидан иборатдир. Сиёсат – ҳамжамиятнинг бош характерли белгисидир, зеро, у инсонлар ўртасидаги ҳар қандай ўзаро хатти-ҳаракатлар шарт-шароитларини белгилаб беради. Сиёсат – авваламбор, юнонча “politeia” сўзининг таржимасидир. Бу сўз юнон тилида полис режими, деб аталиб, у бутун бир ҳамжамиятни уюштиришнинг ажралиб турадиган белгиси, раҳбарликнинг ташкил этиш йўли мазмунини англатадиган тушунчадир. Агар сиёсат ўз моҳиятига кўра ҳамжамият тузуми ёки уни уюштириш йўли бўлса, унинг тор ва кенг маънолардаги характерли белгилари намоён бўлади. Сиёсат тор маънода – бу идора этувчиларни ва ҳокимиятни амалга оширишни белгилаб берадиган ўзига хос тизимдир; лекин, шу билан бир вақтда, у ҳар бир ҳамжамият ичидаги шахсларнинг ўзаро хатти-ҳаракатларининг рўй бериш тарзидир. Сиёсатнинг иккинчи белгиси биринчисидан келиб чиқади. Ҳар бир жамиятнинг ўз режими мавжуд, лекин жамият режимларнинг турли-туманлиги-

ши, шунга мутаносиб равишда турли-туман муаммоларнинг пайдо бўлишини тан олмаса, ўзини ўзи англай олмайди. Энди сиёсат – хатти-ҳаракат дастури ва сиёсат – соҳа ўртасидаги фарқлар оидинлашади. Сиёсат ўзининг биринчи аҳамиятига биноан ўзини турли йўллар билан намоён этади: ўз қўлида ҳокимиятни тўплаган ва уни амалга ошираётган Р сиёсати; ҳокимиятга эга бўлмаган, лекин унга эга бўлишдан умудвор бўлганлар сиёсати; ўз сиёсий мақсадларини амалга оширишга интилаётган ва ўз шахсий усулларини қўллашга мойил бўлган шахслар ёки гуруҳлар; ва ниҳоят, тузумни ўзини ўзгартиришга интилаётганлар сиёсати. Буларнинг барчаси – гап режимнинг ички вазифалари тўғрисида ёки унинг ўзини яшаши билан боғлиқ мақсадлари тўғрисида кетишига боғлиқ ҳолдаги тор ёки глобал хатти-ҳаракатлар дастуридан бошқа нарса эмас. Мен юқорида қайд этиб ўтганимдек, сиёсат нафақат ижтимоий жамулжамликнинг бир қисмини, билик ҳамжамиятнинг бутун қиёфасини характерлайди”<sup>53</sup>.

Ҳозирги даврга келиб сиёсатшунослик фанида сиёсат тушунчасига турли нуқтаи назарларни ўрганиш асосида аниқлик киритиш назарияси шаклланди. Бу каби турлича талқинлар Буюк Британиянинг Уэбст луғатида “Сиёсат нима?” деган савол асосида қўйидаги таърифлар келтирилган:

Сиёсат – ахлоқнинг давлат ва жамиятга дахлдор қисми бўлиб, ҳукуматнинг шахс олдидаги ахлоқий-маънавий мажбуриятларини ўз ичига қамраб олади.

Сиёсат – сиёсий хатти-ҳаракатлар йиғиндиси ва сиёсий амалнинг диди.

Сиёсат – бир-бири билан рақобатдаги манфаатлар гуруҳлари ўртасидаги мусобақадир.

Сиёсат – нодавлат ташкилотларнинг ҳукумат устидан назоратни кенгайтириш мақсадидаги хатти-ҳаракатларидир.

Сиёсат – жамиятни бошқариш билан боғлиқ фаолиятдир.

Сиёсат – алоҳида шахснинг сиёсий тамойиллари, маслакларини, мулоҳазалари ёки майллари мажмуасидир.

Сиёсат – жамиятдаги инсонлараро ўзаро таъсир қилиш ва ниюли муносабатлар йиғиндисидир.

---

<sup>53</sup> Арон Р. Демократия и тоталитаризм // Политология: хрестоматия / Сост. проф. М.А. Василик, доц. М.С. Вершинин. – Москва: Гардарики, 2000. –С. 54-55.

Сиёсат – етакчилар ва уларга эргашувчилар ўртасидаги муносабатдир.

Ўзларининг сиёсий ҳокимият воситасида қондирадиган манфаатларини англаб етиш учун қобилияти бўлмаган кишилик бирликлари ўз хусусий элиталарининг мутеларига ёки бошқа сиёсий субъектлар манфаатларини қондириш воситасига айланади ва уларнинг устомонлиги қурбони бўлади. Собиқ иттифоқ даврида ишчилар синфи ана шундай қурбонлардан бирига айланган эди.

Манфаатларни сиёсий англашнинг мазмунли муносабатлари давлат ҳокимиятидан фойдаланиш воситалари ва мақсадларини ишлаб чиқишда (ёки ҳокимиятга таъсир этишда), иттифоқчилар ва мухолифат билан ўзаро муносабатлар меъёрларида ёки, қисқача айтганда, гуруҳлар ижтимоий эҳтиёжларини татбиқ қилишга қаратилган сиёсий йродани шакллантиришда ифодаланади.

Сиёсий ҳатти-ҳаракатнинг шаклланиши босқичида манфаатларни баҳолаш жараёнлари рўй бериб, унда субъектнинг ўзбошимчалик қилиши имкониятларининг пайдо бўлиши хавфли ҳолатдир. Ижтимоий имкониятларни ошириб ёки камайтириб кўрсатиш, гуруҳий иродаларни шакллантиришдаги хатолар, мухолифат имкониятларини тўғри баҳоламаслик кабилар инсон эҳтиёжлари сиёсий қиёфасини жиддий бузиб кўрсатиши мумкин. Агар гуруҳий манфаатларни баҳолашда давлат хатоликларга йўл қўйса, бу ҳолат сиёсий мувофиқлаштириш объектларини ўзбошимчалик билан танлашда ёки бошқаришнинг тўғри келмайдиган воситалари ва усулларини қўллашда кўринади. Эҳтиёжлар ва уларни сиёсий баҳолашлар ўртасидаги фарқланишлар қанча катта бўлса, сиёсий мувофиқлаштиришдаги сунъийлик шунча юқори бўлади, сиёсий мақсадларни идеаллаштиришга ҳам кенг йўл очилади.

Сиёсий аҳамиятга эга манфаатларни англаш характери бевоСИТА сиёсий соҳа чегаралари билан боғлиқдир ёки, бошқача айтганда, сиёсат онгли равишда давлат-ҳокимият мувофиқлаштирадиган объектлар сонини кўпайтириш ёки озайтириш имкониятларига эгадир. Шунинг учун ҳам француз олими Г.Эрме шундай деб ёзган эди: “... энг яхши ҳукмдор – бу давлатнинг ўзича жамият манфаати деб фуқаролар иродасига зид равишда амалга

оширадиган ниятларидан фуқароларни ҳимоя қиладиган ҳукмдордир”<sup>54</sup>.

Шу тарзда сиёсатни ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларига кириб бориши (яъни, инклюзивлик хусусияти) сиёсий онг характери ва сифатига боғлиқдир. Бошқача айтганда, сиёсат уларга боғлиқ ҳолда инсоний муносабатларнинг бошқа ижтимоий мувофиқлашувчи соҳаларига ҳам ўз ўрнини бўшатиб бериши мумкин. Шунинг учун ҳам демократик жамиятлар доимо сиёсатнинг ижтимоий ҳаётга сунъий равишда кириб келишига йўл қўймаслиги, сиёсий ироданинг манфаатлар ва соғлом фикрлашдан устувор бўлишидан сақланиш муаммоларини ҳал қилишга мажбурдир.

Гуруҳлар ўзаро сиёсий ҳаракатларининг онгли тарзда рўй бериш табиати, мураккаб иродаларни тизимларга солишнинг объектив эҳтиёжлари ўз функцияларини амалга оширишда кўпроқ сиёсий элиталар билан боғлиқ бўлган сиёсатнинг ўзига хос субъектлари бўлишини тақозо этади. Функционал нуқтаи назардан қараганда элита профессионал фаолият эвазига ижтимоий жараёнларни мувофиқлаштирувчи бошқарувчилар қатламидир (стратасидир).

Кўпчилик назарийчилар элитанинг сиёсий курсни шакллантириш, гуруҳлар ўзаро ҳаракатларини, кишиларни давлат билан алоқаларини ташкил этиш соҳасидаги ўрнини тан олган ҳолда сиёсатни жамиятга раҳбарлик қилиш ва бошқариш “санъатти” соҳасига мансуб деб биладилар. Лекин сиёсат табиатини ҳолисона тушуниш учун элита томонидан амалга оширилаётган функциялар қанчалик муҳим бўлмасин, унинг фаолияти бу соҳадаги барча зарурий ролларни ўйнашни қамраб ололмайди.

Элитар концепциялар тарафдорлари, “вакиллик тизими”, шунингдек бошқа назарияларнинг идора этувчи гуруҳларни ноёблигини даъво қилувчи фикрларига қарама-қарши ҳолда шуни айтиш лозимки, сиёсий жараён учун электоратнинг функциялари ҳам элитаникидан қолишмайдиган муҳим заруриятдир.

Аҳоли гуруҳларидан бири жамиятни бошқаришга доир махсус функцияларни амалга ошириши (элита ёки лидерлар), бошқаруларининг функцияси эса нафақат бўйсунитдан иборат бўли-

<sup>54</sup> Hermet G. Le peuple contre la democratie. - P., 1989. -P.20.

ши, балки уларнинг элита доираларини танлашига ва бу элитани амалга ошираётган фаолияти мазмунига катта таъсир қилиши (омма, электорат) сиёсатни фақат бошқарувчилар ва бошқарилувчилар ўзаро ҳаракати ва ўзаро иштироки уйғунлиги шаклида рўй беришини характерлайди<sup>55</sup>.

Сиёсат нафақат онгли, балки стихияли ҳаракатлар, нафақат рационал, балки иррационал ҳодиса ва сиёсий хатти-ҳаракат шаклларида ҳам рўй бериши мумкин. Сиёсатни ташкил этувчи бу “моддиётлар”нинг ўзаро муносабатлари ва мувофиқ келиши омманинг ўзгарувчан омилларга эгаллиги сабабли ҳам кўплаб шарт-шароитларга узвий равишда боғлиқдир.

Ҳозирги даврга келиб фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат шароитида сиёсий тизимларнинг тубдан демократиялашуви ва глобаллашувининг авж олиши, давлат ҳокимияти органларини номарказлаштириш, сиёсий муносабатларни либераллаштириш натижасида сиёсатнинг мазмун-моҳияти ва унга амал қилишга доир қатор янги назарий қарашлар шаклланди. Ривожланган мамлакатларда сиёсатнинг асосий мақсади ва вазифаси шахсга, унинг манфаатлари ва фаровонлигини таъминлаш асносида белгилана бошланди. Бу янгилик асосига фуқароларнинг сиёсий жараёнлар ва сиёсий қарорлар қабул қилишдаги кенг иштирокини таъминлаш эҳтиёжларини пайдо бўлиши ҳам сабаб бўлди.

Таниқли инглиз сиёсатшуноси Эндрю Хейвуднинг фикрича, умуман “сиёсат шундай бир жараён бўлиб, унинг доирасида одамларнинг ўз хусусий ҳаётлари меъёрларини ташкил этиш, сақлаш ва бойитиш амалга оширилади. Сиёсат конфликт (conflict) ва ҳамкорлик (cooperation) каби ҳодисалар билан узвий равишда боғлиқдир. Шунинг учун ҳам, бир томондан, жамиятда мавжуд бўлган фикрлар, эҳтиёжлар ва манфаатларнинг бир-бирига тўғри келмаслиги ўзаро келишмовчиликларга айланади, бошқа томондан, ҳаммага маълумки, бу ҳолатни ўзгартириш учун ёки жуда бўлмаса, уни сақлаб туриш учун ҳамкорликка зарурият туғилади. Бундан Жанна Арентт таклиф этган сиёсий ҳокимиятнинг “ҳам-фаолият” қабилидаги таърифи келиб чиқади. Бу каби барча сабаблар туфайли сиёсатнинг моҳиятига аксарият ҳолатлар-

---

<sup>55</sup> Основы политической науки. Учебное пособие. Под.ред.В.П. Пугачева. Часть I. –Москва: МГУ, 1996. –С.82-85.

да конфликтларни ҳал этиш жараёни – манфаатлар ва фикрлашлардаги келишмовчиликларни яраштириш жараёни сифатида қаралади. Шунингдек, сиёсатга нисбатан кенг ёндашувда уни фақат конфликтларни ҳал этиш, деб эмас, балки уларни ҳал этиш йўллариини излаш деб ҳам қараш керак. Чунки жамиятдаги барча конфликтлар ҳал этилади ёки ҳал этилмайди. Шундай экан, муқаррар равишда бир томондан, ижтимоий турли-туманлик (одамлар бир-бирларига ўхшамайди), иккинчи томондан, ижтимоий ресурсларнинг тақчиллиги (ҳеч қачон барча нарсалар барчага етмайди) туфайли ҳам сиёсат инсоний жамиятнинг ажралмас таркибий қисмидир.

...Ҳозирги кунга қадар энг обрўли арбоблар ҳам сиёсий фан предмети нима эканлигига доир ўзаро келиша олмай яшаб келатганлиги мураккаб муаммога айланди. Сиёсат турлича йўллар орқали талқин этилмоқда – ҳокимиятни юбориш, жамоавий қарорлар қабул қилиш, тақчил ресурсларни тақсимлаш, манипуляция тизими ва ҳоказо. Бизнинг ишимизда эса сиёсатнинг, хусусан, ҳаётнинг умумий тарзини яратиш, сақлаш ва бойитиш сифатидаги таърифига устуворлик берилади<sup>56</sup>.

Э.Хейвуд ўз нуқтаи назаридан келиб чиқиб, сиёсатга нисбатан қуйидаги йўналишларнинг ҳар бирини атрофлича талқин этади:

- сиёсат давлат бошқаруви санъати сифатида;
- сиёсат ижтимоий жараён сифатида;
- сиёсат келишув ва консенсус сифатида;
- сиёсат ҳокимият ва ресурсларни тақсимлаш сифатида.

Кейинги мавзуларда бу йўналишларнинг моҳияти ва аҳамиятига доир турли назарий қарашлар таҳлил қилинади.

## 2. Сиёсатнинг тузилиши

Жамият ҳаётининг сиёсий соҳаси жамиятнинг бир бутунлигини сақлаш, унда пайдо бўлиб турадиган зиддиятларни ўзаро мувофиқлаштириш мақсадидан келиб чиққан ҳолда мажбурлаш воситасида ижтимоий куч ишлатиш қобилиятига эга бўлган, шу билан бирга, давлат ҳокимиятининг бошқа институтлари арала-

<sup>56</sup> Хейвуд Э. Политология: учебник для студентов вузов / Пер. с англ. под ред. Г.Г.Водолазова, В.Ю.Бельского. – Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. –С.3-4.

шувини тақозо этадиган ижтимоий ва миллий бирликлар ижтимоий аҳволи ва ҳолатига дахл қиладиган гуруҳлар манфаатларини амалга ошириш билан боғлиқ жараёнларда пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам *сиёсат* – асосан гуруҳлар ўртасидаги ижтимоий аҳамият касб этадиган талаблар ва эҳтиёжларни амалга ошириш учун ҳокимият институтларидан фойдаланишга доир мақсадларга йўналган муносабатлар соҳасидир.

Сиёсат маълум тузилишга эга бўлиб, у қуйидаги таркибий қисмлардан иборатдир:

1) *Сиёсий муносабатлар*. У жамиятдаги ижтимоий гуруҳлар ва ҳокимият институтлари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг барқарорлиги характерини ифодалайди. У ўз мазмунига биноан элиталар ва электорат, элиталар ва аксилэлиталар, етакчилар ва турли қўллаб-қувватлаш гуруҳлари, ижтимоий ва миллий бирликлар, турли манфаатлар гуруҳлари ва сиёсий институтларнинг турли-туман шакллардаги ўзаро ҳаракатларини характерлайди. Сиёсий ҳаётнинг муҳим кўрсаткичларини ифодалашда давлат ҳокимияти соҳасида устунлик қилишни ифодаловчи қуйидаги сиёсий муносабатлар характерлидир: сиёсий ҳукмронлик учун муросасиз кураш ёки давлат авторитети ва итоат эттиришдан оптимал фойдаланиш мақсадларидаги барча ижтимоий табақалар интилишларининг онгли равишдаги ҳамкорлик учун ўзаро уюшуви, фуқаролар тинчлиги ёки уруш, барқарорлик ёки инқирозлик ҳолати;

2) *Сиёсий онг*. У кишиларнинг ҳокимият аҳамиятига молик бўлган манфаатларини англаб етган ҳолатидаги муносабатларини сиёсий ҳаёт билан узвий боғлиқлигини ифодалайди. У ҳокимиятнинг мувофиқлаштирувчилик самарадорлиги ва кучини аниқлаб борувчи барча асосий ва аҳамият касб этадиган сиёсий муносабатларни ифодаловчиларни, шунингдек, субъектларнинг ҳокимият масаласидаги ўзаро боғлиқлигини характерлайди. Сиёсий онгнинг ўрни ва роли нуқтаи назаридан қараганда, ҳар қандай сиёсат сиёсий қарашлар ва идеаллар, дастурлар ва мақсадлар, кишилар хулқидаги меъёрлар ва кўрсатмалар, ҳокимият ва ўзини ўзи бошқариш органлари, элитани рекрутлаштириш механизмларини муттасил равишда мужассамлашуви ва институтлашувидан бошқа нарса эмасдир;

3) *Сиёсий ташиқлот*. У ҳокимият институтларининг ижтимоий жараёнларни мувофиқлаштириш ва бошқариш марказлари

сифатида характерланадиган ролидир. Турли ижтимоий табақалар ва жамият сиёсий манфаатларини ифодаловчи қонун чиқарувчи, ижроия, суд ҳокимиятлари органлари мажмуи, партиявий ва ижтимоий-сиёсий институтлар, турли таъсир кўрсатиш гуруҳлари ва бошқа бўғинлар сиёсатнинг ташкилий қобирғаси ҳисобланади. Сиёсий ташкилотлар аҳолининг ҳокимиятга доир иродаларини мужассамлаштиради, уни бошқарув қарорларида ифода этади, шу тариқа, барча сиёсий жараёнлар учун маълум бир йўналишлар бахш этади<sup>57</sup>.

Сиёсатда бундай тузилмавий унсурларнинг ўзаро хатти-ҳаракати ва уларнинг мавжудлиги уларнинг ички бир бутунлигини таъминлайди, шу билан бирга, сиёсатни жамиятда маълум функцияларни бажариши учун шарт-шароитлар яратади.

### 3. Сиёсатнинг функциялари

Сиёсий фанларга мувофиқ сиёсатнинг турли-туман функциялари мавжуддир. Олимлар бу функцияларни турлича таърифлайдилар. Ҳозирги давр сиёсатшунослигида шаклланган характерли нуқтаи назарларни умумлаштириганда, сиёсатнинг функциялари қуйидагилардан иборатдир:

-жамиятнинг барча ижтимоий табақалари ва гуруҳларининг ҳокимиятга боғлиқ манфаатларини ифода этади. Бу маънода сиёсат кишиларга ўз эҳтиёжларини қондиришлари ва ижтимоий мақомларини ўзгартиришлари учун қўшимча имкониятлар бериш воситасидир;

-сиёсат фуқаролар манфаатларини фаоллаштириш, зиддиятларни очиб бериш, мақсадларни қўлга киритиш жараёнини кузатиб бориш натижасида жамиятда пайдо бўлган зиддиятларни ўзаро мувофиқлаштиради ва келиштиради, уларни давлат ва фуқаролар ўртасидаги маърифий ва маданий мулоқотлар оқими сари йўналтиради. Шунинг учун ҳам Платон сиёсатни “биргаликда яшаш санъати” деб бежиз айтмаган;

-сиёсат ижтимоий мажбурлаш воситасидан фойдаланиш имкониятини назарда тутган у ёки бу аҳоли табақалари ёки барча

<sup>57</sup> Основы политической науки. Учебное пособие. Под. ред. В. П. Пугачева. Часть I. – Москва: МГУ, 1996. – С. 84-87.



социумнинг бир бутун манфаатларидан келиб чиқадиган ижтимоий ва сиёсий жараёнларга раҳбарлик қилиш ва бошқариш, яъни зиддиятларни мувофиқлаштириш ва келиштиришга доир ўзига хос функцияни бажаради;

-сиёсий ва ижтимоий жараёнларни мувофиқлаштириш ва бошқариш асносида аҳоли турли табақаларининг манфаатларини бир бутун манфаатлар тизимига келтиришнинг устуворлигига муҳим аҳамият бериш асосида уларни интеграция қилишни мўлжаллайди. Сиёсат ижтимоий тизим бир бутунлигини, ижтимоий тартибни (ҳаттоки идора этиш режимлари ўзгарганида ҳам) таъминлайди;

-сиёсат шахсни ижтимоийлаштиришнинг муҳим воситаси, уни ижтимоий муносабатларнинг мураккаб оламига олиб кирувчи омилдир. Сиёсат соҳасида шахснинг ижтимоий фаоллигининг устувор мотиви – бу унинг муҳитга мослашуви эмас, балки шахснинг ўзгариш ва такомиллашиш эҳтиёжларидир. Шу тариқа, инсон сиёсат воситасида ўзининг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш, ҳозирги замон дунёсини реал тасаввурлаш қобилиятига эга бўла олади. Ана шу сабабли ҳам сиёсат ўзига хос бўлган инсонни камолотга етказиш функциясини ҳам бажаради. У шахсга ўзини мустақил ижтимоий фаол мавжудот сифатида ривожланиш имкониятларини яратиб беради;

-сиёсат фуқароларнинг индивидуал мақсадлари ва гуруҳий манфаатларини амалга оширишга имкониятлар яратиб, жамият ва шахснинг ижтимоий ривожланишини янгиланиб туришини (инновациясини) таъминлайди. Бошқача айтганда, жамият сиёсий мувофиқлаштириш усулларидан фойдаланган ҳолда ҳаётни ижтимоий ташкил этишнинг янги шакллари барпо этади, инсон ва табиат, халқлар ўртасидаги муносабатларни кенгайтириш учун шарт-шароитларни яратади.

Албатта, юқорида келтирилган фикрлар сиёсатнинг энг асосий функцияларига доирдир. Чунки сиёсат нафақат аниқ кўзга ташланиб турган, очиқ ифодалаган функцияларни, шунингдек, латент (яширин) функцияларни ҳам бажариши мумкинлигини АҚШ олими Р.Мертон қайд этган эди. Тирик организмларда бўлгани каби у ёки бу жамиятларда сиёсатнинг маълум функциялари ривожланмаган характер касб этиши мумкин. Масалан, жамиятнинг у ёки бу соҳаларига давлат аралашувининг ижобий натижаларини тасаввур қила олмаслик ҳолати сиёсатни ижтимо-

ий жараёнларни бошқариш имкониятларидан бутунлай ёки тўла маҳрум қилиб, уни юз бераётган ҳодисаларга нисбатан доимо кечикиб муносабат билдирадиган ҳолатга солиб қўйиши мумкин<sup>88</sup>. Шунинг учун ҳам сиёсатнинг асосий функцияларини амалга ошириш (ёки амалга ошмаслик) характерининг етуклиги ва ривожланганлиги тўғрисидаги тасаввурга эга бўлишга зарурият туғилади.

#### 4. Сиёсатнинг ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари билан ўзаро муносабатлари

Сиёсат табиатини тушуниш уни жамият ҳаётининг бошқа соҳалари билан алоқаларини ўрганишни тақозо этади. Сиёсат иқтисод, ахлоқ, ҳуқуқ, руҳшунослик, бадий маданият кабилар таъсирини ҳис этади, шунингдек, унинг ўзи ҳам ана шу ва бошқа инсон фаолиятига доир соҳаларга таъсир қилади. Сиёсат ўзининг тузилмаси ва моҳиятини тўла очиб берадиган маълум белгилар ва хусусиятларга эгадир.

Маълумки, сиёсий фикрлашлар жараёнида сиёсатни жамият ҳаётининг бошқа соҳалари билан боғлаш секинлик билан англаб етилган. Қадимги Грециядан то янги давргача сиёсатни ижтимоий организм бир бутунлигини таъминловчи ўзига хос социум ва инсон ўзаро муносабатларининг барча шакллари қамраб олувчи, инсон фаоллигининг умумий универсал шакли сифатидаги қарашлар ва шарҳлашлар ҳукмрон бўлиб келди. Фақат Н.Макиавелли, Ж.Локк ва Т.Гоббс асарлари билан боғлиқ ҳолдагина сиёсатни фуқаролик жамиятидан ажратган ҳолда ва уни ҳаётнинг бошқа соҳалари билан боғлиқ тарзда тушуниш даври бошланди.

Сиёсий фикрлашнинг турли йўналишлари ва мактаблари сиёсатнинг бошқа ижтимоий соҳалар билан муносабатлардаги ролини турлича талқин этиб келди. Баъзи мутафаккирлар сиёсатнинг етакчи соҳасини “инсоний ҳаёт фаолияти” билан (Моска) боғлайди; бошқалари уни “иқтисодга боғлиқ бўлган иккинчи даражали ҳодиса”, деб билади (Маркс) ёки уни “ҳуқуқ” (Гоббс),

<sup>88</sup> Основы политической науки. Учебное пособие. Под ред. В.П. Пугачева. Часть I. —Москва: МГУ, 1996. —С.87-89.

“ахлоқ” (Аристотель) ёки “дин” (диний-теологик анъаналар), деб билади; учинчи йўналиш эса сиёсатни инсон фаолиятининг барча бошқа турлари билан қориштириб, шу тариқа, бошқа ижтимоий соҳалардан айри эканлигини билиб бўлмайди, деган фикрда қолади (Фрэнд); тўртинчи йўналиш вакиллари эса уни нисбатан автоном бўлган, ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари билан тенг ҳуқуқли йўналиш сифатида талқин этади.

Сиёсатнинг бошқа ижтимоий соҳалар билан муносабатларини аниқлаш ва тушуниш икки томонлама характер касб этди. Жумладан, реал ҳаётда сиёсатнинг иқтисод, ҳуқуқ, дин ва ҳаётнинг бошқа соҳалари билан ўзаро муносабатлари сабаб-оқибатли ва функционал характер касб этди.

Сиёсатнинг сабаб-оқибатли характери воситасида сиёсий жараёнларнинг детерминаллашганлиги, унинг келиб чиқиши ёки оқими характерининг қандайдир носиёсий (иқтисодий, мафкуравий, маданий ва бошқа) омиллар билан боғлиқлиги очиб берилди. Масалан, давлат ҳокимиятини фуқароларнинг мулкий ва ижтимоий аҳволига боғлиқ эканлиги тўғрисидаги ғояни дастлаб Аристотель илгари сурган эди. Асрлар давомида бу ғоя бошқа олимлар томонидан ривожлантирилди. Масалан, Адам Смит сиёсий муносабатлар иқтисодий тузумга мувофиқ бўлиши лозимлиги ғоясини ишлаб чиқди.

Марксистик доктринадаги иқтисодий детерминизм ғояси сиёсатнинг мазмунини саёзлаштириб ва унинг шаклини моддий муносабатларнинг бошқача тури, деб билади, сиёсат функцияларини ғўёки ундан устунлик қилувчи иқтисодий уклад ривожланишини таъминлаш билан чеклайди. Иқтисодни шу тарзда детерминациялаштиришнинг мутлақлаштирилишини шу билан изоҳлаш мумкинки, марксизм кишиларнинг сиёсий ҳаётдаги иштирокларининг идеал мотивларини материалистик талқин қилишга ҳаракат қилиб, нафақат бошқа ижтимоий соҳаларнинг (маънавий, диний, ҳуқуқий ва бошқ.) таъсирини инобатга олмади, балки сиёсий иштирокнинг индивидуал ва социомаданий механизмлари тўғрисидаги тасаввурларни ҳам кескин тарзда сийқалаштирди.

Марксизм детерминацияловчи алоқаларни сунъий тарзда бўрттириб, ошириб кўрсатиш ва илмий фикрлашда сиёсатни иқтисодга боғлиқ қилиб қўйиш билан бир қаторда, бу масалада яна бошқа томонга оғади – сиёсатни ўз ўзини детерминацияловчи

ҳодиса сифатида талқин қилиб, сиёсатнинг ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларига таъсир кучини йўққа чиқаради. Бундай ёндашувлар “идора этувчи синф”да ёки элиталар хусусиятларида “сиёсийликнинг” бош манбаларини кўрадиган элитар концепцияларга ёки “ифлос” сиёсат ва “тоза” ахлоқнинг принципиал бир-бирига қўшилмаслигига доир баъзи назарияларга хосдир.

Ўз навбатида, сиёсатнинг ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари билан ўзаро функционал алоқалари ва муносабатлари уларнинг ўзаро бир-бирлари билан боғлиқлигини ифодалайди, шу билан бирга, улар ижтимоий жараёнларни мувофиқлаштиришнинг нисбатан мустақил тизимларидир. Бошқача айтганда, турли соҳаларнинг функционал муносабатлари жамиятдаги мавжуд ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа инсоний конфликтларни бошқариш, гуруҳий муносабатларни мувофиқлаштириш, жамият бирлигини таъминлаш воситаларининг ўзаро алоқадорлигини намоён этади.

Бу регулятив тизимлар бир вақтнинг ўзида тарихий вазиятларга боғлиқ ҳолда, шаклланган менталитет ва яна бошқа кўплаб сабаблар туфайли хулқ ёки хатти-ҳаракатлар талаб этган рағбатлантириш шакли, улар таклиф этган меъёрлар ва санкциялар турли хил самарадорликларни намоён этиши мумкин. Шу тариқа, жамиятнинг инсоний зиддиятларни ахлоқий ёки сиёсий, иқтисодий ёки ҳуқуқий регуляторларидан фойдаланиши ижтимоий ҳаёт соҳасидаги муносабатларга ўзига хос устуворликларни юклайди. Улар ўртасида вақтинчалик ўрнатилган бу алоқалар характери ижтимоий ҳаётнинг у ёки бу соҳасининг роли ошганлиги ёки пасайганлигини билдиради.

Одатда, барқарор демократик жамиятларда сиёсатнинг бошқа ижтимоий соҳалар билан функционал алоқаси мустаҳкам ва динамик характер касб этади. Бу сифатлар ижтимоий муносабатларни мувофиқлаштиришнинг сиёсий усуллари ролининг пасайиши, диний ва ахлоқий меъёрлар авторитетини, иқтисодий ҳаётни ўз-ўзини ташкил этиш усулларини кучайтириш тамойилларини мустаҳкамлайди.

Шу билан бирга, ўтиш даври шароитларида ёки авторитар тамойилларнинг ўсиш даврида ижтимоий жараёнларни мувофиқлаштиришнинг сиёсий усулларининг роли кучаяди. Тоталитар режимида эса бошқаришнинг сиёсий усуллари воситасида идора этиш иқтисодий, ахлоқий, ҳуқуқий омиллар таъсири ва қадри-

ни тушириш ҳисобига амалга оширилади. Бунда элита мафкуравий мулоҳазалардан келиб чиқиб ахлоқий меъёрларни писанд қилмайди, шунингдек, иқтисодий мақсадга мувофиқликдан келиб чиқиб, инсон кадр-қимматига оид тушунчаларни назарга илмайди. Ҳокимиятларнинг фуқаролар шахсий ҳаётига аралашуви, уларнинг шахсий ва жамиятдаги ҳаёти тўла назорат қилиниши натижасида сиёсат бошқа ижтимоий соҳаларни ютиб юбориши жараёнлари содир бўлади. Шунинг учун нафақат сабабоқибатли, балки ижтимоий ҳаёт соҳалари ўртасидаги функционал алоқаларини мутлақлаштириш сиёсат табиатини жиддий салбий ўзгаришига олиб келади.

*Сиёсат ва иқтисод.* Сиёсат билан иқтисод ўртасидаги муносабатларда сиёсий ҳокимиятни шаклланиш жараёнларида иқтисоднинг сезиларли детерминациялаш ролини кузатиш мумкин. Иқтисоднинг бундай детерминациялаш ролини девелопменталистик ((фр. *developpement* – ривожланиш) ёндашуви мисолида кўриш мумкин. Бу ёндашув тарафдорлари сиёсатнинг иқтисодга боғлиқ эканлигини мутлақлаштирмаган ҳолда иқтисоднинг кучсиз ривожланиши ҳокимиятнинг марказлашуви ва авторитар тамойилларнинг кучайишига зарурият ва эҳтиёж сезади, деб билади. Шунингдек, улар жамиятдаги иқтисодий ўсиш, жон бошига ўсувчи ялпи ички маҳсулот плюралистик демократиянинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратади, деган ғояни ҳам илгари суради.

Таниқли олим Б. Рассет қатор ижтимоий-иқтисодий (О.Холиннинг аҳоли жон бошига кўрилган фойда, маълумотлилиқ даражаси, мактаб таълими билан қамраб олинганлиги, оммавий ахборот воситаларининг тарқалиши ва ҳоказо) ва турли сиёсий (давлатнинг бошқаруви учун харажатлар, сайлов тизимининг характери ва ҳоказо) кўрсаткичларни тўплаб, улар асосида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш типларига мувофиқ келадиган жамиятларнинг турларини ажратиб кўрсатади: анъанавий, примитив жамият; анъанавий цивилизация; ўтиш жамияти; sanoат инқилоби жамияти ва юксак оммавий истезъмол жамияти<sup>99</sup>.

Албатта, “иқтисод доимо ҳаётнинг сиёсий соҳасини аниқлайди” қабилидаги қарашлар – бу уни ҳаддан ошириб кўрсатишдир.

---

<sup>99</sup> Қаранг: Шварценберг Р. Политическая социология. - Москва: 1992. Ч. II, гл. I, раздел II, §. I.

У ёки бу давлат, синф, миллат, гуруҳ сиёсатининг асосий манбаларини иқтисодий детерминизмга боғлаш ҳам тўғри эмас. Аммо, шу билан бирга, сиёсатнинг иқтисодга бутунлай боғлиқлигини тарихий ривожланиш тажрибаси ҳам инкор қилади. Сиёсат ҳокимияти — давлатнинг итоат эттириш шаклига ўтиши билан хўжалик муаммолари ижтимоий аҳамият касб эта бошлайди, шунингдек, давлат иқтисоднинг бутун бир жамият манфаатлари билан боғланган жиҳатлари учун ўзининг мувофиқлаштириш қобилиятини сақлайди. Лекин бундай таъсир уч хил бўлиши мумкин: позитив, негатив ёки нейтрал.

*Иқтисодни номонополлаштириш ва номилитарлаштириш, макробошқарувни такомиллаштириш, фаол ижтимоий сиёсат олиб бориш, коррупцияга қарши кураш каби ҳозирги замон ижтимоий тараққиёти эҳтиёжларига боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилиш давлатнинг иқтисодий мувофиқлаштириш маркази сифатидаги ролини оширишни талаб этмоқда. Масалан, Фарбдаги ҳам либерал, ҳам консерватив мафкурага берилган доиралар давлатнинг регулятив қобилиятини талаб қилувчи объектив ижтимоий жараёнлар таъсирида давлат органларининг иқтисодий жараёнларга аралашувига нисбатан муросасиз нуқтаи назарларидан воз кечмоқда.*

Бошқа томондан ёндашганда эса тадбиркорлик, кичик ва ошлавий бизнес, фуқароларнинг хўжалик ташаббуслари кабиларга боғлиқ ҳолда жамият ижтимоий тузилмаларидаги илгари силжишлар учун давлатнинг хўжалик-иқтисодий ҳаётини бошқаришдаги иштирокини кенгайтиришга қарама-қарши ўлароқ, иқтисодий жараёнларни ва ўз-ўзини ташкил этиш тамойилларини кучайтириш фойдалидир. Лекин аниқ бир мамлакат миқёсида фикр юритганда, сабабли ва функционал муносабатларни ўрганиш талаб этилади. Умуман, сиёсат билан иқтисод бир-бири билан бевосита эмас, балки билвосита — ижтимоий муносабатлар орқали ўзаро боғлиқдир.

Иқтисод инсонлар ҳаёт фаолиятининг моддий асосларини олдиндан белгилаб, бу билан жамият ижтимоий дифференциацияси характерини аниқлайди. Турли хил гуруҳлар ўз ижтимоий манфаатларини иқтисодий мазмунларига мувофиқ ҳолда қондиришни давлат фаолиятининг у ёки бу характерига ёки ҳокимият институтларининг ўз манфаатларини қондиришга ундайдиган сиёсий шаклларга мурожаат қилишлари табиий бир ҳолдир.

Давлатнинг қатламлар ва гуруҳлар ижтимоий сўровларига у ёки бу шаклда акс-садо бериши сиёсатни иқтисодий ҳаёт сўровлари ва талабларини концентрациялаш, уларни қабул қилинаётган ҳокимият органлари қарорлари мазмунига айлантиришга мажбурлайди. Лекин бу манфаатлар давлат сиёсатида янги йўналишлар бўлишига олиб келадими ёки ҳокимият ўз сиёсий йўлини радикал модернизация қилишга мажбурлайдими (яъни, янги сиёсатни шакллантиришни шарт қилиб қўйилиши, давлатнинг ўз ваколатларини амалга оширишнинг янги йўналишларига зарурият сезиши) ёки жамият у ёки бу гуруҳлар такрор ишлаб чиқаришини таъминлашнинг носий воситаларидан фойдаланишни афзал кўрадими ёки маълум страта ва табақалар мақсадларига эришиши учун тўсиқлар қўядими – буларнинг ҳаммаси аниқ тарихий вазиятга боғлиқдир. Шунингдек, иқтисод билан сиёсат ўртасидаги муносабатлар характери турли-туман бўлиши мумкин.

*Сиёсат ва ҳуқуқ.* Ҳуқуқий соҳа амалдаги қонунчиликда у ёки бу кучлар сиёсий ҳукмронлигининг асосий принципларини мустақамлайди. Шу билан бирга, ҳуқуқий меъёрлар ўткир ва кескин сиёсий талабларни юмшатади, бу билан нафақат сиёсий йўл тарафдорлари талабларига, балки давлатнинг барча фуқароларига мослашади, партиявий иштиёқлари мавжудлиги ёки йўқлигидан қатъи назар уларга умуммажбурий талаблар қўяди. Ҳуқуқ жамиятнинг табиати олдиндан белгилаб қўйган, кишиларнинг ҳамкорликда яшаш талаблари тизими бўлиб, бу талаблар амалдаги қонунларда мустақамлаб қўйилганми ёки йўқми, ундан қатъи назар, ҳамкорликка йўғрилган кишилар бирликлари бу тизимсиз яшай олмайдилар. Шунинг учун ҳам ҳуқуқ у ёки бу қатлам, миллат, давлатнинг сиёсати етуклигининг ўзига хос мезонидир. Шу туфайли ҳам ҳуқуқ жамиятдаги фуқароларнинг фаровонлик ва маълум тартиботда яшашига нисбатан ижтимоий ўзаро талабларининг қуйи чегараси бўлиб, усиз жамиятнинг ҳам, индивидларнинг ҳам бир-бирларини ижтимоий ва сиёсий фаолиятларига зиён келтирмайдиган ҳолатдаги кишилик ҳаёти ва ҳокимият жараёнларидаги иштирокларини амалга ошириб бўлмайди.

Ҳуқуқий шаклда (позитив ҳуқуқ) фуқаролар ижтимоий ва сиёсий хулқи ва хатти-ҳаракатини ҳуқуқий мувофиқлаштиришнинг ифодаланиши – бу инсон индивидуал хулқининг йўл қўйил-

ган чегараларда алоҳида ўсиш характериға эға эканлиғидир. Шу тарзда ҳуқуқ идора этувчи тузилмаларнинг, шунингдек, муҳолифатнинг ҳам фаолият имкониятлари ва чегараларини аниқлаб беради. Шунинг учун ҳокимият доираларининг ҳуқуққа бўйсунниши – сиёсий режимнинг легитимлиғи ва унинг барқарорлигини таъминлаш учун яратилган жиддий шарт-шароитлардан бири ҳисобланади.

Албатта, аниқ сиёсий тизимларда сиёсат билан ҳуқуқ ўртасидаги муносабатлар зиддиятли, шунингдек, бир хил аҳамият касб этмаслиғи мумкин. Нафақат тоталитар ёки авторитар, балки маълум даражаларда демократик мамлакатларда ҳам кўпинча сиёсий лояллик қонундан юқори қўйилади, бунинг натижасида эса қонуннинг ҳуқуқий мувофиқлашуви кучсиз кечади.

– Собиқ иттифоқ давридан маълумки, партия ва давлат номенклатураси нафақат қонунларға бўйсунмади, аксинча, ундан ўз сиёсий муҳолифатларини йўқ қилиш учун унумли фойдаланди. Бу даврда сиёсий қатағонға учраганлар “жиноятчилар”, деб эълон қилинди. Давлат репрессив аппаратининг барча кучи уларға қарши қаратилди.

*Сиёсат ва ахлоқ.* Сиёсат билан ахлоқнинг ўзаро муносаблиғи муаммолари бир неча минг йиллардан буён мутафаккирлар ижодида муҳим ўрин эгаллаб келди. Фарб дунёсидаги сиёсий фикрлар тарихида бу масалани ечишнинг уч хил ёндашуви шаклланди.

Биринчи гуруҳ мутафаккирлар – Макиавелли, Моска, Михельс, Бентли, Бёрнхем, Г.Қан кабилар сиёсатда ахлоқнинг ролини инкор қилиш нуқтаи назарига яқин турди. Платон, Аристотель, Э.Фромм, Л.Мэмфорд, Ж.Хаксли кабилар эса аксинча, сиёсий ёндашувларни ахлоқий-этикавий баҳолашлар билан қориштириб, ахлоқнинг устуворлиғи талқинини мерос қилиб қолдирди. Учинчи гуруҳ вакиллари – А.Швейцер, М.Ганди, А.Эпштейн кабилар эса ахлоқ воситасида сиёсатнинг фазилатларини ошириш тарафдори бўлди.

Амалий ҳаёт кўрсатдики, ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида бўлгани каби сиёсатда ҳам дастлабки даврлардан бошлаб манфаатларни шакллантириш ва уларни амалға ошириш жараёнлари инсонда ахлоқ устуворлиғи, унинг ҳокимиятға даъвогарлик қилишдаги адолатға амалға қилишға доир тасавурлари давлатға нисбатан йўл қўйилган ва тақиқланган муносабатлар-



даги эркинлик ва тенглик чегараларида кечиши анъаналари шаклланди, сиёсий институтлар билан боғлиқ бўлган муносабатларда ўзаро масъуллик каби қадриятларга амал қилиш бошланди. Бошқача айтганда, сиёсат дастлабки даврлардан бошлабоқ ўзида икки хил ўлчов – инсоннинг давлат ҳокимияти билан бўлган муносабатларидаги баҳолаш ва мўлжал олиш тизимларини акс эттирди: фойда ва ахлоқ. Агар сиёсий онг инсонни мақсадга эришиши самарали ёки самарасиз, зарарли ёки фойдали ҳодисалар сифатида баҳолашга мажбурласа, ахлоқ бу масалаларни эзгулик ва ёвузлик, мавжудлик ва зарурият каби ўзаро муносабатлардан келиб чиқиб ҳал қилади ва бу билан баҳолаш ва мезонлаш тизимидан юқорида туради.

Албатта, сиёсатнинг ахлоқийлиги нисбий ўлчовдир. Барқарор демократик режимларда ахлоқ халқ билан элита ўртасидаги ўзаро ҳурматли мулоқотнинг муҳим манбаларидан биридир. Шу билан бирга, у ёки бу мамлакатлардаги айрим сиёсий жараёнлар (урушлар, инқирозлар, инқилоблар, модернизациялар) сиёсий ҳатти-ҳаракатларнинг ахлоқий йўл қўйилган чегараларини бузишга мойил бўлиб қолмоқда. Баъзи ҳолларда эса ахлоқий қадриятлар сиёсий ҳаёт чегараларидан бутунлай чиқариб ташланмоқда.

Сиёсий жараёнларнинг барча кенгликлари ҳам ахлоқий ва сиёсий ёндашувлар зиддиятларини ўзларида тенг равишда ифодаламайди. Элиталар бошқарув фаолиятининг фақат касбий тоифага тегишли соҳалари ёки инсондан ахлоқий танлашни талаб қилмайдиган фуқаролар мажбуриятларини амалга оширувчи технологиялар, одатда, ахлоқий рефлексиянинг (жавоб таъсир) минимал даражасига эгадир, холос. Шу билан бир вақтда, бу зиддиятлар субъектнинг сиёсий нуқтаи назари ишлаб чиқиладиган жараён – қарорлар қабул қилишда уларга эришиш мақсадлари ва воситалари мутаносиблиги рўй бераётган пайтларда анча кескинлашади.

Масалан, Германияда фашистлар ҳокимият учун курашаётган даврда ишчилар ҳуқуқи ва қадрини ҳимоя қилиш, улар институтларини сақлашга ваъда беради. Лекин улар бир вақтнинг ўзида (1933 йил баҳорида) ишчиларнинг касаба уюшмалари, хазиналари, газеталари таҳририятларини ўз биноларидан ҳайдаб чиқариб, уларнинг ўрнига фашистлар бошчилигидаги “Немис ишчилар fronti” касаба уюшмасини тузди. Большевиклар

доҳийларининг сиёсати ҳам худди шу каби ахлоқсизлик асосида амалга оширилди. Улар ҳам ишчилар манфаатларини ҳимоя қилувчилар сифатида инқилоб уюштирдилар, кўп ўтмасдан ўз репрессив аппаратини ишчиларга қарши қарата бошлади<sup>60</sup>.

Ахлоқ ва сиёсат ўртасидаги зиддиятларни, ҳар қандай шаклдаги ижтимоий мажбурлашни, ҳаттоки куч ишлатишни ўз табиатига кўра ахлоқсизликдир, дейиш ҳам қийин ҳолатдир. Аслида субъект томонидан қўлланаётган сиёсий усуллар ва воситаларни ахлоқий баҳолаш конкрет вазиятларга боғлиқдир. Масалан, агрессор хатти-ҳаракатига қарши ёки инсоннинг яшаш меъёрларини очиқ равишда бузувчи кишилар (ва гуруҳлар) фаолиятини тўхтатиш билан боғлиқ куч ишлатиш ахлоқий жиҳатдан эътироф этилади. Социолог Р.Доузнинг фикрича, куч ишлатиш монополиясига эга бўлган давлат ўз легитимлигини таъминлай олса, яъни халқнинг ахлоқий туйғулари расмий ҳокимият ахлоқий меъёрларига тўғри келгандагина бу кучдан самарали фойдалана олиши мумкин<sup>61</sup>.

Немис олими Макс Вебер талқинича, “дунёдаги ҳеч бир этика, кўпчилик ҳолатларда, “яхши” мақсадларга эришишда ахлоқий жиҳатдан шубҳали ёки, ҳеч бўлмаганда хавfli воситалардан фойдаланиш ва ортиқча ножўя ва хунук оқибатларга олиб келиш эҳтимоллари билан боғлиқ заруриятлар билан алоқадорликда бўлиш фактини четлаб ўта олмайди”<sup>62</sup>. Шунинг учун ҳам сиёсат олдида доимо ахлоқий талаблар учун бегона бўлмаган “озгина ёвузлик”ни танлаш муаммоси, яъни конфликтларни мувофиқлаштиришда пайдо бўладиган, муқаррарлиги аниқ, инқирозлик вазиятларини юмшатувчи каби мақсадга эришиш воситаларидан фойдаланиш вазифаси туради; ўз хоҳиш-иродасига эришишда мақсадларни пастроқ ижтимоий баҳоларда амалга оширишга интилиш барқарорлик ва фуқаролик муросасозлигини сақлаш сиёсатига хос бўлган белгилардир.

Ахлоқий рефлексияга эга бўлмаган характердаги режимлар сурбетлик, мунофиқлик, инсонга нафрат билан қараш каби ил-

---

<sup>60</sup> Основы политической науки. Учебное пособие. Под ред. В. П. Пугачева. Часть I. — Москва: МГУ, 1996. — С. 89-101.

<sup>61</sup> Dowse R. Political Sociology. N.Y., 1983, а. 3. — P. 5.

<sup>62</sup> Вебер М. Избранные произведения. — Москва: 1990. — С. 697.

латларни ҳокимият ва бошқаришнинг устувор меъёрларига айлантиради. Натижада, коррупция, криминал тарзда идора этиш ва ниҳоят, сиёсат аҳолининг турли гуруҳлари ўртасида бир-бирига нафрат уйғотиш, жамият бирлигини бузиш манбалари ва воситаларига айланади. Ноахлоқий сиёсат шахс устидан куч ишлатиш, диктатура ифодаси бўлиш, бу ёвузликларни тўғридан-тўғри рағбатлантириш воситасидир.

Сиёсий ва ахлоқий мезонларнинг зарурий мувозанатини сақлаш мураккаб ишдир. Бундай ишни удалаш кучли ахлоқий фазилатларга эга, турли хил сиёсий иштирокларда бевосита тажриба орттирган сиёсий етакчиларга насиб этади. Ахлоқий принципларга эга бўлмаган етакчилар ўзининг ҳокимиятга доир мақомини ошириш ёки уни сақлаш учун турли воситалардан фойдаланишда ички чегараларни осонлик билан бузадилар; қарорлар қабул қилишнинг сиёсий масъулияти оғирликларини ўзида сиёсат кўрмаган етакчилар кўпинча ҳокимиятнинг ҳаммани жалб қилувчи танқидларига берилиб кетиб, бу билан аҳолининг эҳтирос ва ҳис - туйғуларини жунбушга келтиради.

Сиёсий ва ахлоқий ёндашувлар ўртасидаги мувозанатларни сақлашнинг қийинлиги сабабларидан бири – бу сиёсий онг тузилишининг мураккаблигидир. Сиёсий онгнинг индивидуал компонентлари, одатда, шакланган эътиқодга берилишни сақлаш, шахснинг ҳаётда маълум бир фикрлар таъсири остида бўлиш қобилиятларини характерлайди. Гуруҳий ахлоқ эса инсонни у ёки бу бирликка қўшилганлиги, унинг қўйилган жамоавий мақсадларни айнан ўзлаштиришини, гуруҳ аъзоларига айнанлаштишини (идентивлик) характерлайди. Шу билан бир вақтда, ахлоқий тасавурларнинг умуминсоний мазмуни инсонга унинг умуман бутун бир инсониятга тааллуқли эканлигини англашга кўмаклашади. Шунингдек, бу жараён ҳар бир инсонга мустақиллик бахш этиб, сиёсий курашларда унинг атрофидаги кишилар сафдоши ёки муҳолифати эканлигининг ҳеч бир аҳамияти йўқ. Кишиларда фақат умуминсонийлик, универсал меъёрлар, қадриятларнинг уйғунлашувигина шахснинг ахлоқий онгини талаблар даражасига кўтара олади.

Сиёсат мавжуд экан, унинг зиддиятли муносабатларини ахлоқий жиҳатлардан ҳал қилиш қийин жараён бўлиб қолаверади. Лекин, шунга қарамай, бу ихтилофларга цивилизациявий шакл беришнинг имкониятларини топиш мумкин. Бунинг учун авва-

ламбор, элита ёки қандайдир ижтимоий (миллий, диний) ёки сиёсий гуруҳларнинг имтиёзли турмуш тарзига йўл бермайдиган, инсонийликка йўналтирилган сиёсат юритиш ҳокимиятнинг ҳар бир жабҳаларининг вазифалари бўлиб қолиши лозим бўлади. Ҳокимият фуқаровий тинчлик, сиёсий кучлар ўртасида муттасил муроса учун изланишга асосланган сиёсат олиб бориши керак<sup>63</sup>.

Шу билан бирга, бундай сиёсат йўли элита ва етакчилар танлаш механизмлари, улар фаолияти устидан жамоатчилик фикрининг демократик назоратини кучайтириш билан тўлдирилиб борилиши зарур. Бу жараёнларда инсоннинг ўзи ҳам ахлоқий масъуллик юкини у ёки бу партия, давлат ёки ишончли вакилларини сиёсий танлаши устига ортишга интилмалиги лозим. Ана шундагина ахлоқ сиёсий ривожланишнинг ишончли манбасига айланади, сиёсат эса ахлоқ кадриятлари ва универсал меъёрлар мақомини мустаҳкамлаш воситаси сифатида майдонга чиқади.

#### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Сиёсатнинг келиб чиқиши ва амал қилиши учун қандай ижтимоий-сиёсий шарт-шароитлар шаклланган бўлиши лозим?
2. Сиёсат қандай таркибий қисмлардан иборат?
3. Сиёсат қандай функцияларни бажаради?
4. Сиёсат ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари билан қандай тарзда ўзаро муносабатларда бўлади?
5. Сиёсат билан иқтисод ўртасида қандай муносабатлар рўй беради?
6. Сиёсат ва ахлоқ ўзаро муносабатларидаги муаммолар қандай ҳал этилади?

---

<sup>63</sup> Основы политической науки. Учебное пособие. Под ред. В. П. Пугачева. Часть I. – Москва: МГУ, 1996. – С.95-101.

## 4-МАВЗУ. СИЁСИЙ ҲОКИМИЯТ

1. Ҳоқимият тушунчаси ва унинг табиати.
2. Сиёсий ҳоқимиятнинг тузилиши, унинг субъекти ва объекти.
3. Ҳоқимият ресурслари.
4. Бўйсунуш табиати.
5. Сиёсий ҳоқимиятнинг ўзига хос хусусиятлари.
6. Ҳоқимиятнинг легитимлиги.

### 1. Ҳоқимият тушунчаси ва унинг табиати

Ҳоқимият тушунчасига доир дастлабки қарашлар қадимги Юнонистонда шаклланди. Қадимги юнон тилидаги “архэ” (arche) тушунчаси қуйидагича талқин этилади: 1) бошлаиш, олдин, даставвал; 2) бошчилик, ҳукумат, ҳоқимият, ҳукмронлик; 3) бошқариладиган. У яна қуйидаги маъноларни ҳам англатган – келиб чиқиш, аввали сабаб, бош, бошланиш, принцип, асос. Лекин “архэ” тушунчаси иккита асосий аҳамиятни англатган – бошланиш ва ҳоқимият. Бунда ҳоқимият иккинчи ўринга қўйилган. Бундан фараз қилиш мумкинки, идора этиш, бошқариш имконияти ва қобилияти бошлаш, бошда туриш, биринчи бўлиш, бош бўлиш, ташаббускор бўлиш, бошлаб бериш, яъни бошланғич хатти-ҳаракатни амалга ошириш, куч манбаи бўлиш кабиларга нисбатан натижани англатган. Идора этиш – авваламбор, бошлаш, ташаббус кўрсатиш, фаоллаштириш, қўзғаш, яшаш учун чорлаш, ҳаётни бериш сифатида идрок этилган. “Архэ” сўзи ўзагидан қуйидаги юнон сўзлари ташкил топган – манба, асос солувчи, бошлашга хизмат қилувчи, аввал боши, дастлабки, қадимги, бош, илк образ, асиллик, ҳақиқийлик. Албатта, бунда сўз одамлар ўртасидаги муносабатлар тўғрисида эмас, балки турмушдаги ўзига хос аҳволи ва ўзига хос мавжудлиги аниқ-равшан ифодаланган иштирок, юқори мақом, бетакрор роллар, алоҳида аҳамият касб этиш, аҳамиятли бўлиш ҳақида кетмоқда.

Ана шу тушунча латин тилида тахминан “Potestas” қабилада ифода этилиб, у қуйидаги маъноларни англатади: 1) куч-қудрат, хатти-ҳаракат, ниманидир қилиш кучи, қандайдир фаолиятни амалга ошириш учун етарлича куч-қудратга эга бўлиш; 2) ҳоқи-

мият, ҳукмронлик, кимнидир ҳаёти ва ўлимини идора этиш ҳуқуқи; 3) қобилият, имконият (имкониятга эга бўлиш ва имконият бериш).

Инглиз тилида “power” тушунчаси эса қуйидагиларни англатди: 1) куч, қудрат, энергия, унумдорлик; 2) қудратлилиқ, ҳокимият, таъсир, қувват; 3) ваколат; 4) давлат, олий ҳокимият; 5) қобилият, имконият. “Powerful” эса: 1) кучли, қудратли, қувватли; 2) қудратли, таъсирчан; 3) кучли таъсир этувчи; 4) вазмин, ғаймоқли, аҳамиятли.

Ҳокимият тушунчаси дастлаб Аристотель томонидан чуқур тидқиқ этилди. У ҳокимиятни нафақат инсонлар ўзаро муносабатни сифатида, балки сиёсий ҳокимият сифатида ҳам теран таърифлиб берди. Аристотелнинг таъкидлашича, сиёсат – бу социал “бутунлик” ва унинг алоҳида “қисмлари” ўзаро муносабатларини уйғунлаштириш таъсир кучи билан “сиёсийлашган”, қайсики ҳолатта мувофиқлаштирувчи омил ёки ҳокимият механизми шиттирок этадиган одамлар ўзаро муносабатларини йўлга солишдир. У ўзининг “Сиёсат” асарида бу ижтимоий муносабатлар механизми ҳақида қуйидаги фикрларни билдиради: “Илгари тарқоқ бўлган ёки бири бошқа бири билан узлуксиз боғланган, бир неча қисмлардан тузилган ҳамма нарса бир бутунликни ташкил этади ва унда ҳокимият юритиш сабаби, бўйсунуш сабаби намоён бўлади. Бу табиатнинг умумий қонунидир, шунинг учун ҳам унга кўтаринки руҳий моҳият бўйсундирилгандир”<sup>64</sup>.

Лекин, шу билан бирга, Аристотель «ҳукмронлик қилувчи ҳокимият»нинг оддий муносабатларидан (жанобнинг қул билан, эрнинг хотин билан, отанинг болалар билан) фарқли ўлароқ, жамиятдаги ижтимоий ҳокимиятни бошқаларга нисбатан мукамаллиги ва мураккаб тузилмаларга эга эканлигига муҳим аҳамият беради. Бундай ҳокимият эса одамлар ўзаро иродавий муносабатлари кечадиган жамиятга хосдир. Ҳокимият заруриятдир, деб таъкидлайди Аристотель. Чунки, авваламбор, барчани ягона продага бўйсундирмай, унинг бир бутунлиги ва ҳамжиҳатлилигини таъминламай туриб, жамиятни уюштириш ва бирлаштириш ақлга сиғмайдиган бир ҳолдир<sup>65</sup>.

<sup>64</sup> Аристотель. Сочинения в четырех томах. Т.4, –М.: 1984. –С 382.

<sup>65</sup> Қаранг: Ўша жойда. –Б. 376-383.

Ҳокимият табиати ва моҳиятини очиб беришда инглиз мутафаккири Жон Локкнинг хизматлари бениҳоя каттадир. У биринчилардан бўлиб ҳокимиятни инсонпарварлаштириш ва маънавиятга бўйсундириш ғоясини илгари суради. Унинг ҳокимиятни фаровонликка эришиш воситаси эканлигига доир қуйидаги таърифи бу тушунчани чуқур англашга имкон беради: "... Сиёсий ҳокимият – бу шундай ҳокимиятки, қайсики, ҳар бир одам бундай ҳокимиятга табиий ҳолатда эга бўлиб, уни жамият қўлига, ҳукмдорларга шунчалик ҳолда берадики, яъни жамият ўз зиммасига аниқ ифодаланган ёки сўзсиз ишончли тарзда шуни таъминлашни ўз зиммасига оладики, у бу ҳокимиятдан фақат жамият аъзолари фаровонлиги ва уларнинг мулкларини сақлаш учун фойдалана олсин. ... Шу тариқа, бу ҳокимиятнинг мақсади ва мезони – ҳокимият табиий ҳолатда ҳар бир одамнинг қўлида бўлган бўлса, унга тегишли ҳамма нарса энди унинг жамиятида, яъни бутун бир инсониятда сақланиши билан хотималанади. Бу ҳокимиятнинг имконияти мансабдор шахс қўлида бўлганида, ҳокимият жамият аъзоларини сақлаш, демак, уларнинг ҳаёти, эркинликлари ва мулкларини сақлашдан бошқа ҳеч қандай мақсад ва мезонга эга бўлмайди. Ва, бинобарин, бу ҳокимият уларнинг ҳаёти ва бойликларига дахл қиладиган деспотик ва мутлақ бўлиши мумкин эмас, улар имкон қадар сақланиши лозим; аксинча, бу ҳокимият бир бутунликни сақлашни, ундан фақат ва фақат бузилган, бир бутунлик ва соғломликка хавф соладиган, унингсиз ҳеч қандай шафқатсизлик қонуний бўлмаган қисмларни узиб олиб ташлашни қўллаб-қувватлайдиган қонунлар яратадиган, уни бузишларга қарши жазолашларни кўзда тутадиган ҳокимият бўлиши лозим. Ва бу ҳокимият фақат шартнома ва битимлардан, ҳамжамиятни ташкил этувчиларнинг ўзаро келишувларидан келиб чиқади”<sup>66</sup>.

Кўриниб турибдики, демак, биринчидан, ҳокимият юритиш – бошлаш ва бошчилик қилиш. Яъни, олдиндан ҳозир бўлиш ва сўзсиз устунлик қилиш, устуворлик қилиш, устун бўлиш, афзал бўлиш. Иккинчидан, ҳокимият юритиш – демак, ҳукмронлик қилиш, яъни эга бўлиш, тасарруф этиш, ушлаб туриш, ўз мулки-

---

<sup>66</sup> Локк Дж. Сочинения. В 3 т./пер. с англ. и лат. Т.3./Ред. и сост., авт. примеч. А.Л.Субботин.–Москва: Мысль, 1988. –С.362-363.

га эга бўлиш. Учинчидан, ҳокимият юритиш – демак, ҳукмронлик қилиш, идора этиш, бошқариш, эга бўлиш, фойдаланиш, раҳбарлик қилиш, амру фармон бериш, буйруқ бериш, ўз ихтиёрига эга бўлиш. Бундан шундай хулоса чиқадики, ҳокимият феномени фақат одамларга тааллуқлидир.

Ҳокимият ҳаётда кўпқиррали ҳодиса сифатида намоён бўлади. Ҳокимият феномени ва нотенглик, уларнинг одамлар, ижтимоий гуруҳлар ва давлат институтлари ўртасида тақсимланиши узоқ даврлардан бошлаб турли шарҳлар, асослашлар ва уларга нисбатан шубҳалар туғилишига сабаб бўлди. Бертран Рассел ҳокимиятни барча ижтимоий фанларни тушунтириб берадиган тушунча сифатида талқин этиб, уни физикадаги энергия тушунчасига ўхшатади. Ҳокимият феномени турли инсонлар мақсадларининг ўзаро келиша олмаслиги ёки уларнинг муваффақиятга эришиш воситаси бўлгани учун ҳам пайдо бўладиган ижтимоий ихтилофлар вазиятида учраганлиги сабабли жуда мураккаб ҳодиса сифатида намоён бўлади. Баъзан ҳокимият тушунчасини ноҳуш ҳужумларга учраши сабабларидан бири – бу унинг мажбурлаш, зулм қилиш, куч ишлатиш ёки адолатсиз ҳукмронлик қилиш сифатида кишилар хотирасида авлоддан-авлодга ўтиб келаётганлигидир. Лекин аксарият ҳолатларда ҳокимият ҳодисаси ижобий талқин этилади, уни қонуний раҳбарлик қилиш, авторитет, эътироф этилган етакчилик, таъсир қилиш, тарбиялаш, манфатларни келиштириш, гуруҳий ҳамкорлик каби ҳолатлардаги энг зарурий ҳодиса эканлиги тан олинади.

Шу билан бирга, ҳокимият тушунчасини ифода этишга доир юзлаб талқинлар шаклланганки, улар мантиқий жиҳатдан бир-бирларини тўлдириб боради:

1) кимнидир ўз иродасига бўйсундириш ҳуқуқи ва имконияти, кимнидир хатти-ҳаракатини идора қилиш (Ушаков луғати);

2) хатти-ҳаракат эркинлиги устидан идора этиш ҳуқуқи, кучи ва иродаси; бошчилик қилиш, бошлиқ ёки бошлиқлар. Барчага ўз эзгуликлари устидан ҳокимият юритиш берилган. Қонун ҳар бир мансабдор шахснинг ҳокимиятини белгилаб беради, олий ҳокимият эса қонундан юқоридир. Олий ҳокимият Худодандир. Ҳар қандай ҳокимият Худодан (Даль луғати).

3) ҳокимият ижтимоий муносабатлар билан мустаҳкамланган ўз айтганини ҳар қандай қаршиликлар бўлишига қарамасдан, амалга ошириш имкониятидир (Макс Вебер);



4) ҳоқимият кўзланган натижаларга эришиш сифатида таъсир сифланиши мумкин (Бертран Рассел);

5) “менинг ҳоқимият тўғрисидаги тасаввурим тахминан қуйидагича: А ни В устидан ҳоқимиятга эгаллиги унинг В ни ўз ихтиёри билан қилмайдиган хатти-ҳаракатини қанчалик мажбурлаб қилдиришга тенгдир” (Р.Э.Даль);

6) “b нинг а устидан ҳоқимиятини b ни а га максимал куч билан таъсиридаги муносабатидан... ва а томонидан эса максимал қаршилиқ кўрсатишидан келиб чиқиб аниқлаш мумкин” (Курт Левин).

Ҳоқимият жамиятнинг барча жабҳаларида намоён бўлади. Жумладан, уни оила, иш жойи, турли ташкилот ва муассасаларда, бутун давлат миқёсида кузатиш мумкин. Ҳоқимият социологик нуқтаи назардан қуйидагича талқин этилади: “Ҳоқимият – ижтимоий гуруҳлар ва синфлар, инсонлар хулқи, улар характери ва фаолияти йўналишларига иқтисодий, мафкуравий ва ташкилий-ҳуқуқий механизмлар, шунингдек, авторитет, аъёналар, куч ишлатиш воситасида таъсир этиш қобилиятини характерловчи ижтимоий муносабатлар шаклидир”<sup>67</sup>.

Шунингдек, сиёсат билан ҳоқимиятни яхлит ҳодиса деб бўлмайти. Сиёсат ҳоқимиятсиз ҳам сиёсат бўлиб қолавериши мумкин. Лекин ҳоқимият бутун сиёсий жараённинг асосий ўқи (ёки мақсади) ни ташкил этади. Баъзан биз турли ҳоқимиятларнинг (ҳоқимиятнинг турли марказларининг) тўқнашувларини кузатамиз, баъзан уларнинг ўзаро келишувига гувоҳ бўламиз. Яна бошқа ҳолатларда эски ҳоқимиятга қарши ҳоқимият учун курашни кўрамиз. Бу каби муқобиллар кўп учрайди. Албатта, уларнинг ҳаммаси ҳоқимиятга тегишлидир, улар бевосита ёки билвосита унинг қадриятлари ва кучига боғлиқдир<sup>68</sup>.

Ҳоқимият турли соҳаларга доир илмий адабиётларда турлича талқин қилинади. Ҳозирги даврда ҳоқимият тушунчаси турли хил йўналишларда қуйидагича таърифланмоқда:

1. Телеологик (мақсад нуқтаи назардан) жиҳатдан аниқланишича, ҳоқимият қўйилган мақсадларга эришиш ва кўзланган

<sup>67</sup> Қаранг: Краткий словарь по социологии. – Москва: 1989. – С.29.

<sup>68</sup> Қаранг: Коваль Б.И., Ильин М.В. Власть versus политика //Политис, 1991, № 5 (сентябрь-октябрь). – С.158.

натгжаларни олиш қобилияти сифатида талқин этилади. Б.Рассел “Ҳокимият мўлжалланган мақсадларни амалга ошириш сифатида ҳам талқин этилиши мумкин”<sup>69</sup>, деган фикрни билдиради. Телеологик талқинлар ҳокимиятни фақат инсонлар ўрта-сидаги муносабатларда рўй бериши билан чегараламасдан, балки уни инсонни ўраб турган ташқи дунё билан ўзаро муносабатларига доир талқинларга ҳам кенг эътибор беради.

2. Бихевиористик талқин ҳокимиятни инсон хулқининг алоҳида тури сифатида таърифлаб, унга биноан, баъзи кишилар буйруқ беради, бошқалари эса унга бўйсундилар. Бихевиористик ёндашув ҳокимиятни субъектив мотивлаштиришга муҳим аҳамият бериб, ҳокимиятни тушунишни индивидуаллаштиради, уни аниқ нахслар ўзаро хатти-ҳаракати даражасидаги ҳодиса сифатида таърифлайди. Бу йўналишнинг йирик вакили Г.Лассуэлл фикрича, ҳокимиятнинг пайдо бўлиши учун дастлабки импульсларни индивидлар учун хос бўлган ҳокимиятга интилиш (ирода) ва “сиёсий энергия” беради. Инсон ҳокимиятни “ўз ҳаётини яхшилаш” воситаси деб билади: бойликка эга бўлиши, обрў-эътибор, эркинлик, хавфсизлик ва ҳоказо. Шу билан бирга, ҳокимият бу – асосий мақсаддир, унга эга бўлиш эса инсонга завқ беради, хузур бағишлайди. Сиёсий ҳокимият турли хил иродаларнинг ҳокимият учун тўқнашувларининг ўзаро мувозанати, бошқача айтганда, сиёсий кучларнинг мувозанати сифатида шаклланади.

3. Ҳокимиятни бихевиористик талқин этиш билан уни психологик талқин қилишлар бир-бирига яқин туради. Ҳар иккала йўналишнинг умумий томонлари шундаки, улар индивидуал хулқни ҳокимият манбаи, деб ҳисоблайди. Бихевиористик оқим вакилларидан бири Г.Лассуэлл иродани ҳокимият манбаи сифатида эътироф этиб, у ироданинг психологик асосларини аниқлашга интилади, шу билан бир вақтда, у психоанализ ва бошқа психологик усулларга ҳам мурожаат қилади. Психоанализ доирасидаги ҳокимиятга интилиш эса тушкунликка тушган, трансформацияга учраган сексуал характердаги майлнинг (З.Фрейд) ёки умуман психик энергиянинг (К.Г.Юнг) дабдурустан тикланиши, уйғониши, деб талқин этилади.

---

<sup>69</sup> Рассел Б. Власть: очерки современной политической философии Запада. – Москва: 1989. – С.136.

Ҳокимиятга интилиш, хусусан унга эга бўлиш жисмоний маънавий норасоликни субъектив жиҳатдан қоплаш функцияни бажаради, деган қарашлар ҳам шаклланди. Ҳокимият даларнинг ҳокимиятга интилишидаги ўзаро хатти-ҳаракат сифатида пайдо бўлади – иродаларнинг бир қисми “қўл қўл” бўлишга, бошқалари эса уларни бўйсундиришга тўғра радилар. З.Фрейднинг фикрича, инсон психикасида унинг дорга нисбатан меҳр билдириши ёрдамида шахсий ҳимоя ва тинчланиб туриши учун эркинликдан кўра мутеликдан қўрқиб қилувчи тузилмалар ҳам мавжуддир.

Психологик бўйсунуш сабабларини талқин этишда турлича фикр билдиради. Уларнинг баъзилари психологик бўйсунушни (С.Московиси, Б.Эдельман) доҳийлаш оломоннинг ўзаро муносабатларида мавжуд бўлган ўзаро гипотик таъсир, деб талқин этса, бошқалари уни (Ж.Пиаже) инсон онгининг тилда ифодаланадиган тимсолларга нисбатан алоҳида таъсирчанлигидир, деган фикрни билдиради. Э.С.Ман, психологик ёндашув ҳокимиятни буйруқ беришнинг сифатидаги мотивизациялари механизмларини аниқлашга кўмаклашади.

4. Бихевиористик ва психологик ёндашувларга қарама-қарши бўлган тизимли (системали), шунингдек, структуралистик қинлар ҳам мавжуддир. Агар бихевиоризм ва психологик ҳокимиятни тушунишда индивидлардан жамиятга қараб, яъни индивиддан юқорига қараб юришини талаб этса ва унинг кўриниши эмпирик тажрибалар ҳамда реал кузатувлар воситасида аниқдаласа, тизимли усул ҳокимиятни амал қилишини индивид муносабатлардан эмас, балки ижтимоий тизимдан излайди. Ҳокимият хусусийлик билан умумийликнинг ўзаро муносабатлардан ажралиб чиқиши ғоясини илгари суради.

Жамиятнинг тизимли назарияси асосчиларидан бири Э.С.Ман сонс ҳокимият – “тизимнинг жамоавий мақсадларини оширишга қаратилган, қабул қилинган мажбуриятлар учун индивидри ижросини таъминлаш тизимининг қобилиятидир”<sup>70</sup>, дейди. Тизимли ёндашувларнинг баъзи бир ва

---

<sup>70</sup>Parsons T. Sociological Theory and Modern Society. N.Y. P. 308.

(К. Дойч, Н. Луман) ҳокимиятни жамиятни интеграция қилишни таъминловчи ва гуруҳий ихтилофларни мувофиқлаштиришга имкон яратувчи ижтимоий муомалалар (коммуникациялар) воқитаси, деб талқин этади.

5. Ҳокимиятни структуравий – функционал (тузилмавий-мақсадли) жиҳатдан ўрганиш вакиллари уни бошқариш ва бўйсунини функцияларининг бўлинишини мақсадга мувофиқлигига асосланади. Улар ҳокимиятга инсоний бирликнинг ўз-ўзини ташкил этиш усули сифатидаги ижтимоий ташкиллашиш хусусиятидир, деб қарайди. Ҳокимиятсиз инсоннинг жамоавий яшаши, шунингдек, кўплаб инсонларнинг ҳамкорликдаги ҳаётий фаолиятини амалга ошириш мумкин эмас. Жамиятнинг ўзи иерархияли тарзда тузилган бўлиб, у бошқарув ва ижроия ижтимоий нуқтан назарлар ва ролларни дифференциялайди. Ҳокимият – ресурслар ва таъсир этиш воситаларини назорат қилишга имкон берувчи ижтимоий мақомлар (статуслар), ролларининг хусусиятидир. Бошқача ифодалаганда, ҳокимият инсонларга позитив (ижобий) ва негатив (салбий) санкциялар, шунингдек, мукофотлаш ва жазолашлар ёрдамида таъсир қилишга имкон берувчи раҳбарлик қилиш муносабатларини эгаллаш билан боғлиқдир.

6. Реляционистик (фр. "relation" – муносабат) талқинларга биноан ҳокимият икки шерик (агентлар) ўртасидаги муносабатлар бўлиб, унда улардан бири иккинчисига ҳал қилувчи таъсир ўтказиб туради. Бундай ёндашувга биноан, ҳокимият унинг субъектив ва объектининг ўзаро ҳаракати бўлиб, унда субъект маълум бир воситалар ёрдамида объектни назорат этади. Ҳокимиятни бу тарзда тушуниш унинг тузилмаларини очиб беришга, шунингдек, бу тузилмаларнинг турли тавсифларини бир бутунликда ўрганишга имкон беради<sup>71</sup>.

Таниқли инглиз сиёсатшуноси Эндрю Хейвуд сиёсий ҳокимиятнинг турли "қиёфалари"ни чуқур тадқиқ этиб, қуйидаги хулосаларга келади: "Айтиш мумкинки, ҳокимият А Б ни бошқа ҳар қандай ҳолатда ҳам у хоҳламаган ниманидир қилишга ўрлаган пайтда намоён бўлади. Бунда А Б га нисбатан ҳар қандай усуллар билан таъсир қилиши мумкин. Бу ҳолат ҳокимият-

---

<sup>71</sup> Основы политической науки. Учебное пособие. Под ред. В. П. Пугачева. Часть I. – Москва: МГУ, 1996. – С. 103-105.

ни турли кўринишлари ёки “қиёфалари” тўғрисида сўзлашни имкон беради.

*Ҳокимият қарор қабул қилиш сифатида.* Ҳокимиятнинг бу қиёфаси аниқ бир мақсад сари хатти-ҳаракатига боғлиқ ҳолда яъни қабул қилинадиган қарорлар моҳиятидан келиб чиқиб таърифланади. Ҳокимиятнинг бу мумтоз таърифини Роберт Далнинг “Ким бошқармоқда? Америка шаҳридаги демократия ва ҳокимият” (1961 й.) номли асарида топиш мумкин. Унда муаллиф турли ижтимоий гуруҳлар афзал деб билган мақсадлар ва қарорларни таҳлил этиб ҳокимиятни кимга тегишли эканлигини аниқлаш мақсадини топишга ҳаракат қилган эди. Лекин кишилар қарорларга турли усуллар билан таъсир этишлари мумкин эканлиги эътибордан четда қолмаслиги лозим. Таниқли олим Кит Боулдинг ўзининг “Ҳокимиятнинг уч қиёфаси” (1989 й.) асарида шу муносабат билан боғлиқ ҳолда кучдан фойдаланиш ёки кўрқитиш (“қамчи”), ўзаро манфаатли бўлган турли муносабатлар (“битишиш”), шунингдек, ўзаро мажбуриятлар, турли ўзаро мойилликлар муносабатларига асосланган алоқалар (“ширин кулча”) каби усулларни ажратиб кўрсатиб беради.

*Ҳокимият сиёсат кун тартибини аниқлаш сифатида.* Олимлар – Бахрах ва Барацнинг (1962 й.) аниқлашича, ҳокимиятнинг иккинчи қиёфаси у ёки бу сиёсий кучнинг қарор қабул қилишга қаршилиқ кўрсата олиш қобилиятини акс эттиради. Бунда сўз сиёсий кун тартибини ким назорат қилаётганлиги тўғрисида кетмоқда – ким аввалдан ҳал этиб келган, қандай масалалар муҳокама этилади, қандайлари кўриб чиқилмайди. Шу муносабат билан айтиш мумкинки, қандайдир хусусий корпорация ўз ҳокимиятини амалга ошириши мумкин: биринчидан, айтиш мумкинки, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир қонунга қарши чиққан ҳолда (“ҳокимиятнинг биринчи қиёфаси”); ёки шунингдек, партиялар ва сиёсатчилар бу масалани умуман очиқ муҳокамага олиб чиқмаслиги учун турли чора-тадбирларни амалга оширишлари мумкин (“ҳокимиятнинг иккинчи қиёфаси”).

*Ҳокимият онгни назорат қилиш сифатида.* Ҳокимиятнинг учинчи “қиёфаси” – бу одамларнинг хоҳишлари, фикрлари ва эҳтиёжларига таъсир этиш қобилиятидир (Луке, 1974 й.). Бунда ҳокимият руҳий назорат қилишда ёки “онгни мафкуравий ювиш” деб аталадиган жараёнда ифодаланади. Бунга мисол тариқасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир янги қонун-

ин корпорацияларнинг ўзлари аксарият муаммоларни ҳал этганлиги учун ҳозирча зарур эмаслигига ишонтиришга қаратилган режнамалар индустриясини келтириш мумкин. Сиёсий ҳаётдаги ҳокимиятнинг бу шакли тарғиботдан кенг фойдаланишда, умуман, мафқуравий таъсир кўрсатиш жараёнида намоён бўлади<sup>72</sup>.

## 2. Сиёсий ҳокимиятнинг тузилиши, унинг субъекти ва объекти

Ҳокимият таърифи Аргентина сиёсатшуноси Торкуато С. Ди Телла таҳрири остида нашр этилган “Ижтимоий ва сиёсий фанлар луғати”да ўзига хос тарзда талқин этилган: “Ҳокимият мавжуд фаол субъектнинг назарда тутган қандайдир объект хулқига қандайдир жисмоний (моддий) ёки ғоявий (руҳий) усуллар воситасида таъсир этиш қобилияти ёки имкониятидир. Ижтимоий фанлар нуқтаи назарига биноан одамларга субъектлар ва объектлар сифатида қаралади. Ҳокимият субъектнинг ҳукмронлик қилишига маълум ирода ёки хоҳиш (ният) билдиришини назарда тутадиган объектни (бошқа одамни) маълум муносабатни қабул қилишини ва уни ўзи хоҳламаган хулққа эргатишини талаб қилади. Бунда объект бу вазиятни англаши шарт бўлмади, яъни у ўзини мажбурланганлигини англамаган ҳолда муайян белгиланган йўлни давом эттиради. Бошқача айтганда, ижтимоий фанлар нуқтаи назаридан қараганда ҳокимият – бу (субъект ва объектларнинг ўзаро) “ҳокимиятлилик муносабати”дир”<sup>73</sup>.

Ҳокимият тузилиши (структураси) – бу унинг уларсиз мавжуд бўла олмайдиган таркибий қисмларидир. Ёки улар ҳокимиятнинг субъекти, манбалари ва ресурсларидир. Ҳокимият фақат ҳокимият субъекти ва объекти ўзаро хатти-ҳаракати натижасидагина амалга ошади. Субъект ўз иродасини объектга нисбатан амалга оширилмай қолишини санкциялар бериш хавфига дучор бўладиган буйруқлар, топшириқлар, фармойишлар бериш воситасида ифодалайди.

<sup>72</sup> Хейвуд Э. Политология: учебник для студентов вузов / Пер. с англ. под ред. Г.Г.Водолазова, В.Ю.Бельского. – Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. – С.13.

<sup>73</sup> Diccionario de Ciencias Sociales Politicos.-Buenos Aeres, 1989. –P.464.

Ҳокимият субъекти манбаси (бошланғич ҳокимият) субъектнинг кучи, жозибаси, бойлиги, авторитети воситасида намоён бўлиши мумкин. Ва ниҳоят, ҳокимият субъект учун турли ресурсларни талаб этиш ва улардан фойдаланиш ҳодисалари анъаналар (болалар устидан ота-она ҳокимияти, оқсоқоллар ҳокимияти ва бошқ.) натижасида ҳам пайдо бўлиши мумкин. Ҳокимиятнинг ўзига хос бўлган манбалари сифатида билимлар, қандайдир ахборотларга эга бўлишни келтириш мумкин. Масалан, қадимги Миср коҳинлари қуёш тутилишидан ўз ҳокимиятларини мустақкамлашда фойдаланганлар. Илгари афсунгар ва шомонлар бу каби ҳокимиятларга эга бўлган бўлса, ҳозирги даврда олимлар, сиёсатчилар ва бошқа илму фан вакиллари ҳокимият манбалари сифатида намоён бўлмоқда.

XX асрга келиб ҳаётнинг маълум бир соҳасида ноёб билимларга эга бўлган экспертларнинг ҳокимият манбаси сифатида намоён бўлиши, уларнинг ҳокимиятга таъсири ошиб бориши натижасида ҳокимиятнинг эксперткратия ва меритократия деган янги шакллари пайдо бўлди. Таниқли олим Э.Канеттининг фикрича, ҳозирги даврда ахборотлар ва махфий билимларни монополия қилиб олиш мутлақ ҳокимиятнинг асосига айланиши мумкин. Чунки ўтган аср тарихи кўрсатдики, махфийлик ва унга сизиниш тоталитар ҳокимиятларни қўллаб-қувватлаши мумкин. Э.Канеттининг кўрсатишича, диктатураларни бўшаштириш ва демократияни ривожлантиришда махфий ахборотларни кўпчилик ўртасида тарқатиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳокимият билан билим ўртасидаги ўзаро муносабатлар масалалари олим М.Фуко томонидан ҳам чуқур ўрганилган. Унинг фикрича, ҳокимият билимларни ишлаб чиқаради, билимлар эса янада кўпроқ ҳокимиятга эга бўлишни таъминлайди.

Ҳокимиятнинг асосий таркибий қисмларидан бири — субъект ҳокимиятнинг фаол ва йўналтирувчи қисми ҳисобланади. Субъект алоҳида олинган инсон, ташкилот, кишилар бирлиги, халқ, халққаро ташкилот кабилар бўлиши мумкин.

Инсоният жамияти тарихи шуни кўрсатдики, ҳокимиятга доир муносабатлар пайдо бўлиши учун субъектнинг қатор сифатларга эга бўлиши тақозо этилади. Даставвал, буйруқлар ва фармойишлар кўринишидаги ҳокимлик қилиш, ҳокимиятга интилиш иродаси мавжуд бўлиши лозим. Маълумки, аксарият кишилар ҳокимиятга эга бўлишдан психологик ҳузурланмайди, яъни

бу каби кишилар учун ҳокимият қадрият ҳисобланмайди. Ҳокимиятга мойил ва унга интилаётган кишилар психологик ва ижтимоий масъулият билан боғланган бошқарув муносабатларидан ўзларини четга тортмаганлигининг сабаби – ҳокимият турли хил бойлик ва имтиёзлар учун кенг имкониятлар яратиш манбаи бўлганлигидир. Жумладан, ҳокимият юритишда иштирок этишда келадиган катта фойда, обрў-эътибор, фойдали алоқалар ва бошқа имтиёзлар. Бу турдаги кишилар учун ҳокимиятга интилиш воситадир, яъни, ҳокимиятга эга бўлиш бошқа мақсадларни амалга ошириш учун восита бўлиб хизмат қилади.

Ҳокимият субъекти бошқаришга интилишидан ташқари, компетентли бўлиши, бошқарув фаолияти ва мақсади моҳиятини, ўзига бўйсунган одамларнинг хулқи-атворини яхши билиши, ўзи авторитетли бўлиши, ҳокимият ресурсларидан моҳирона фойдалана олиш қобилиятини эгаллаган бўлиши талаб этилади<sup>74</sup>.

*Сиёсий ҳокимият субъектлари* кўп даражали характер касб этади: унинг биринчи даражасини индивидлар, иккинчи даражасини сиёсий ташкилотлар, энг юқори даражасини сиёсий элита ва етакчилар ифодалайди. Ҳокимият субъектлари бошқа мезонлар асосида ҳам бир-бирларидан фарқланади. Шунингдек, ҳокимият субъектлари уларнинг оммавийлиги ва жамият учун ошқоралиги нуқтаи назаридан ҳам характерланади.

Ҳокимият объектнинг бўйсунушисиз яшай олмайди. Объектнинг субъектга бўйсунуши бир неча омилларга боғлиқдир:

-субъект эга бўлган таъсир этиш воситалари (ресурслари), ихтиёрий бўйсунушни қўзғашга қодир бўлган мотивациянинг мавжудлиги;

-субъектнинг ўз хавфсизлиги учун қўрқуви, бирон-бир манфаат ёки бойликдан махрум бўлиш ваҳимаси;

-бўйсунушга ўрганиб қолиш (анъаналар асосида);

-апатия;

-бўйсунушни зарурият эканлигига доир эътиқодга эга бўлиш;

-бўйсунушдан манфаатдор бўлиш;

-бурч ҳис-гуйғулари;

-ҳокимият субъектининг авторитетга эга бўлиши.

---

<sup>74</sup> Основы политической науки. Учебное пособие. Под.ред. В.П.Пугачева. Часть I. –Москва: МГУ, 1996. –С.105-106.



Манфаатлар ва эътиқод асосига қурилган ҳокимият ўзининг барқарорлиги, яъни ортиқча нохуш санкцияларсиз ҳокимият фармойишларини ихтиёрий равишда бажариши билан ажралиб туради. Ҳокимият учун энг қулай бўйсунуш мотивацияси – бу ҳокимият субъектининг авторитетидир. Ва, аксинча, қўрқув ва мажбурлашга асосланган ҳокимият объектни ўзидан қочиришга мойиллик уйғотади.

*Ҳокимият объекти.* Агар инсоннинг ўзи устидан ўзи ҳокимият юритишини ҳисобга олмасак, гарчанд, бу ҳокимият ижтимоий феномен сифатида эмас, балки психологик жиҳатдан унинг тафаккурлашига хулқининг бўйсунуши, яъни, инсоннинг бир бутундан иккига – онги ва хулқига бўлиниши тарзида рўй бериши табиий бир ҳол бўлишига қарамай, бошқа ҳолатларда ҳокимият ҳеч қачон ягона ҳаракат қилувчи шахс (орган) муносабати ёки хусусияти сифатида учрамайди. Ҳокимият – доимо икки томонлама, ассиметрик, субъект ва объектлар ўзаро муносабатларида ҳокимият эгасининг устуңлиги тарзида рўй берувчи жараёндир. Объектнинг бўйсунушисиз ҳокимиятнинг бўлиши мумкин эмас. Агар ҳокимият учун интилаётган субъект аниқ ифодаланган ҳокимлик қилиш иродаси ва бўйсундиришнинг кучли воситаларига эга бўлса-да, лекин бўйсунуш рўй бермаса, ҳокимият ҳодиса сифатида содир бўлмайди. Объектда қанчалик ҳокимият иродаси бўлмасин, лекин унинг танлаган йўли бўйсунуш эмас, балки ҳалокатга юз тутса ҳам қаршилиқ кўрсатишдан иборат бўлса, унда ҳокимият воқелиги рўй бермайди.

Сиёсий ҳокимиятнинг амал қилиши халқнинг бўйсунушига узвий равишда боғлиқ эканлиги ғарбда кенг тарқалган фуқаролик бўйсунмаслик ҳаракатида ўз ифодасини топган. Шунингдек, бу ҳаракат куч ишлатмасдан қаршилиқ кўрсатиш воситаси сифатида ҳам яшаб келмоқда. Бундай воситалар Ҳиндистондаги мустабид инглиз ҳокимиятига қарши оммавий бўйсунмаслик кампаниялари (гандизм) сифатида мамлакатнинг миллий мустақилликка эришишини таъминлади.

Субъектнинг ҳокимият юритишига нисбатан объектнинг муносабатлари чегараси қаттиқ қаршилиқ кўрсатиш, йўқотиб юбориш учун курашдан то субъектга бўйсунушни ихтиёрийлик ва кўтаринкилик билан қабул қилишгача бўлган ҳудудгача чўзилади. Умуман, бўйсунуш ҳам бошқаришдек инсоният жамияти учун табиийлик касб этади. Объектнинг бўйсунушга тайёр

туриши қатор омилларга боғлиқдир: объектнинг ҳокимият жараёнидаги шахсий сифатлари; унга нисбатан қўйилган талабларнинг характери; субъект эга бўлган ҳаракат қилиш воситалари ва вазият; субъектнинг объектга таъсир этиши учун унинг авторитети борлиги (ёки йўқлиги) <sup>75</sup>.

Сиёсий ҳокимият юритиш объектнинг сифатлари, авваламбор, аҳолининг сиёсий маданияти даражаси билан белгиланади. Субъектга кўпроқ бўйсунити таъминлаб бериш имкониятини яратиш асосан сиёсий маданиятнинг патриархал ва тобелик турларига амал қилган аҳоли фаолиятида учрайди. Жамиятда бўйсунити одатланган, “қаттиққўл”ликни хоҳловчи кишилар кўп бўлса, авторитар ва тоталитар режимлар пайдо бўлиши учун қулай муҳит шаклланади.

### 3. Ҳокимият ресурслари

Бир гуруҳ кишиларнинг бошқа гуруҳ кишиларга бўйсунити муҳим ижтимоий сабаблари ҳокимият ресурсларининг нотекис тақсимланганлигидир. “Ресурс” тушунчаси кенг ва тор аҳамият касб этади. Ҳокимият ресурслари кенг маънода “индивиду ёки гуруҳнинг бошқаларга таъсир қилиши учун фойдаланиши мумкин бўлган ҳамма нарсадир”<sup>76</sup>.

Ҳокимият ресурсларини бу каби тушуниш анча умумий характер касб этгани учун ҳам у ҳокимиятнинг турли унсурларини дифференциялаш асосида тушуниш имконини бермайди: ҳокимиятнинг субъекти, объекти ва воситалари ўзаро муносабатларини очиб бера олмайди. Ваҳоланки, ресурслар имкониятдаги барча омилларни ўз ичига олган ҳолда у ёки бу тарзда ҳокимиятга ижобий таъсир этиш қобилиятига эгадир: субъектнинг шахсий сифатлари (компетентлиги, уюша олиши ва ҳоказо); объектнинг баъзи бир хусусиятлари мавжуд бўлишининг шартлиги (масалан, унинг сиёсий ишонувчанлиги, бўйсунити одатланганлиги ва бошқалар); субъектни ҳокимиятни амалга ошириши учун

---

<sup>75</sup> Основы политической науки. Учебное пособие. Под.ред.В.П. Пугачева. Часть I. –Москва: МГУ,1996. –С.106-07.

<sup>76</sup> Dahl R.A. The analysis of influence in local communities// Social science and community action. East Lancing, 1960. –P.31.

қулай вазиятнинг етилиши (иқтисодий юксалиш, муҳолифат гуруҳларидаги ўзаро курашлар натижаси, қулай халқаро аҳвол ва бошқалар), шунингдек, таъсир этишнинг моддий ва бошқа воситаларига эга бўлиши.

Ҳокимият ресурсларини кенгроқ тушунишда эса ҳукмронлик қилиш ва бўйсундиришнинг муҳим ижтимоий омили сифатидаги ҳокимият агентлари ва хизматчиларининг бевосита ўзаро ҳаракатларининг нисбатан мустақил, одатда моддийлашган бўғинлик эканлигига доир хусусиятларини намоён бўлишини тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ҳокимият ва унинг тузилишини ўрганиш учун ресурсларни тор маънода талқин этиш, уни субъект мақсадларига мувофиқ ҳокимият объектига таъсир қилишни таъминлаб берувчи барча воситалар, деб тушуниш тақозо этилади.

Ресурсларнинг ҳокимият асоси сифатидаги муҳим аҳамият касб этиши “ижтимоий алмашув” назариясида очиб берилган (П.Блау ва бошқалар). Бу назарияга мувофиқ, ҳокимият асосида камёб ресурсларнинг нотекис тақсимлаш ҳолати ётади. Ресурсларга эга бўлмаган кишилар уни ресурсларга эга бўлган кишилар буйруқлари ижросини амалга ошириш эвазига (алмашиб) олади. Шу тарзда бир гуруҳ кишилар иккинчи гуруҳ кишиларга боғлиқ бўлганлиги учун уларга бўйсундилар.

Ресурслар ижобий (фаровонлик бахш этиш) ва нохуш (фаровонликдан маҳрум этиш) санкциялари сифатида ҳам таъсир этиши мумкин. Ресурслар субъект томонидан сафарбар қилиш жараёнида туб ўзгаришларга учраб, ҳокимиятга айланиши мумкин. Бу ҳолатда маълум бир ресурсларни ўзаро бир-бирига боғлиқ агентлар тизимига таъсир қила олиш қобилиятига эга эканлигини кўрсатади.

Ҳокимият ресурсларининг бир неча таснифлари шаклланган. Ф.Этциони ресурсларни утилитар, мажбур қилувчи ва меъёрий (норматив) турларга бўлади<sup>77</sup>. Утилитар ресурслар – кишиларнинг кундалик манфаатлари билан боғлиқ бўлган моддий ва бошқа ижтимоий бойликлардир. Баъзан айрим сиёсатчилар давлат ҳокимияти ёрдамида бутун бир аҳолини ўзларига хайрихоҳ

---

<sup>77</sup> Etzioni F. A comparative analysis of complex organisations. N.Y., 1961. –P.45.

қилиб олиши мумкин. Бу каби ресурслар айрим кишиларни мукофотлаш, шунингдек, жазолашда фойдаланилади. Мажбурлаш ресурсларига маъмурий жазолашлар кириб, улардан асосан утилитар ресурсларни қўллаш натижа бермаган пайтларда фойдаланилади (масалан, иқтисодий санкциялардан қўрқмаган иш ташловчиларга нисбатан суд жазоларини қўллаш).

Меъърий (норматив) ресурслар инсон хулқи меъёрлари, унинг қадриятлари ва ички дунёсига таъсир қилиш орқали намоён бўлади. Бу ҳолатда бўйсунувчиларни раҳбар ва ижрочиларнинг манфаатлари бир хил эканлигига ишонтириш, ҳокимият субъекти ҳаракатини қўллашга эришиш, унинг талабларини ихтиёрий бажариш рўй беради. Агар олдинги иккита ресурслар турида реал ҳолатларга, унинг воситасида кишилар хулқига таъсир этиш ётса, учинчи ресурс тўғридан-тўғри инсон онгига таъсир этади<sup>78</sup>.

*Ҳокимият ресурслари* деганда ҳокимият субъектини бошқаларга таъсир этишда фойдаланадиган кучи ва салоҳиятини оширадиган барча нарсалар тушунилади. Таъсир этишнинг очиқ ва яширин турлари мавжуд.

Ҳокимият очиқ таъсир этишда қуйидаги ресурслардан фойдаланади:

-куч билан мажбурлаш – қандайдир бойлик ва манфаатларнинг амалга ошишидан маҳрум этиш, тан жазоси бериш (қийноқларга солиш, қамчилаш, концлагерга қамаш ва бошқ.), ўлим жазоси, эркинликни чеклаш, жарималар солиш, лавозимдан бўшатиш ва ҳоказо. Ҳокимият мутлақ характер касб этган сиёсий тизимларда жазолашлар шафқатсизларча амалга оширилади. Бу каби жазолашлар мақсади – жамиятда қўрқувни ушлаб туриш, тизим учун хавфли бўлган хатти-ҳаракатларни такрорланмаслиги учун қонунбузарликка мойил одамларни ваҳимага солиб туриш;

-қонун; анъаналар, урф-одатлар;

-рағбатлантириш – ҳокимият объектлари ҳокимият субъектлари талаб этган хулқ-атвор эвазига мукофотланадиган моддий ва бошқа бойликлар сифатидаги рағбатлантириш воситалари.

---

<sup>78</sup> Основы политической науки. Учебное пособие. Под. ред. В. П. Пугачева. Часть I. – Москва: МГУ, 1996. – С. 109-111.

Мукофотлаш ресурсларидан ота-оналар, ўқитувчилар, ташкилотлар раҳбарлари ва сиёсатчилар кенг фойдаланади.

Ҳокимият яширин таъсир этишда ишонтириш усуллари, яъни оқилона далиллар ёки ихлос туғдириш ва панд-насихатлардан фойдаланиш ресурсларидан фойдаланади. Ҳокимият субъектлари қандай ресурслардан фойдаланишига боғлиқ равишда ҳокимият юритишнинг учта усулининг мавжудлиги кузатилади – ҳукмронлик қилиш, таъсир қилиш ва рағбатлантириш.

Шунингдек, ҳокимият ресурсларининг бошқа таснифлари ҳам мавжуд. Жумладан, ресурслар ҳаёт фаолиятларининг соҳаларига боғлиқ ҳолда ҳам турларга бўлинади:

- иқтисодий ресурслар – ижтимоий ишлаб чиқариш ва истеъмол учун зарур бўлган моддий бойликлар, пул, унумдор ерлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқалар;

- ижтимоий ресурслар – ижтимоий ва демографик тузилмалар, ижтимоий инфратузилма: таълим, тиббий хизмат кўрсатиш, ижтимоий таъминот ва бошқалар;

- маданий-ахборот ресурслари – билимлар ва ахборотлар, шунингдек, уларни олиш ҳамда тарқатиш воситалари: фан институтлари, таълим, ОАВ ва бошқалар. Мазкур институтлар воситасида жамоатчилик фикрининг шаклланиши назорат қилинади. Айниқса, ОАВ сиёсий ҳаётда катта рол ўйнайди. Ҳозирги даврга келиб “ким ОАВни назорат этса, ўша ишонтириш ресурсларига эга бўлади”, деган афоризмнинг туғилганлиги бежиз эмас;

- маъмурий-ҳуқуқий ресурслар – бошқарув тизими, ҳокимиятга оид муассасалар йиғиндисидир:

- куч ишлатиш ресурслари – улар жисмоний мажбурлаш қуроллари ва органлари мажмуи (армия, полиция, махсус хизмат, ички қўшинлар, суд ва прокуратура ва уларнинг моддий атрибутлари: бинолари, қурол-яроғ ва аслаҳа-анжомлари).

#### 4. Бўйсунуш табиати

Инсонни ҳокимиятга бўйсунушини мотивлаштириш мураккаб масалалардан биридир. У санкциялар олдидаги қўрқувга асосланиши ҳам мумкин: узоқ давр ичида тобеликка одатланиш; фармойишларни бажаришдан манфаатдорлик; бўйсунушнинг заруриятлигига доир эътиқод; бўйсунувчилар устидан ҳокимият юритувчилар авторитетининг мавжудлиги; ҳокимият субъекти

билан объектининг бир-бирига айнан ўхшашлиги. Шунингдек, мазкур мотивлар ҳокимият кучига у ёки бу даражада таъсир этади ёки, бошқача айтганда, бу жараён ҳокимият субъектини объектга таъсир қилиш қобилияти мавжудлигини англатади.

Қўрқувга асосланган, шунингдек санкциялар қўллаш хавфини келтириб чиқарувчи ҳокимият кучи жазолашлар оғирлашиб боришига тўғридан-тўғри мутаносибдир, бўйсунмаслик ҳолатларида эса ундан бўйинтовлашга нисбатан тескари мутаносибдир. Бундай ҳокимият шу каби нохуш ҳис-туйғули ҳолатлардан табиий равишда қутилишга интилиши оқибатида унинг кучсизланиш ҳолатлари бошланади.

Бўйсунушга одатланган анъаналар шароитида ҳокимият кишилар томонидан нисбатан ихтиёрий тарзда қабул қилинади. Анъанавий жамиятда бўйсунушга одатланиб қолиш давлатга бўйсунушнинг етакчи мотивларидан бири сифатида намоён бўлади. Бундай ҳокимият жамият ҳаёти талаблари билан зиддиятларга киришмаган давр ичида ҳокимият барқарорлигининг ишончли омили сифатида яшаши мумкин. Агар бу каби зиддиятлар чуқурлашиб кетса, одатланиш асосида бўйсундиришга ўрганган ҳокимият кўп ўтмасдан инқирозга юз тута бошлайди. Чунки бу жараёнда кишилар ҳокимиятнинг кучсизлигини тезлик билан пайқаб қолади, бу ҳокимиятнинг даври ўтиб кетганлиги ва ҳокимият вакилларига бўйсунуш номуносиб эканлиги очиқ-ойдин кўриниб қолади.

Одамлар манфаатларини эътиборга олган ҳолда амалга ошириладиган ҳокимият нисбатан барқарорликка эга бўлади. Шунингдек, ҳокимиятга бўйсунушдан шахсий манфаатдор бўлишга асосланган фармойишларни бўйсунувчилар ихтиёрий равишда бажаради. Шунингдек, уларга нисбатан ортиқча назоратлар ва нохуш санкциялар қўллашнинг ҳожати бўлмайди. Бу каби ҳокимият кишиларда эътиқод, авторитет, айнанлашиш асосидаги бўйсунуш мотивлари турларини ривожлантиришга шарт-шароитлар яратади.

Ҳокимиятга эътиқод асосида бўйсунуш ижтимоий-сиёсий онгнинг чуқур қатламларига нисбатан мотивлашган таъсирларга боғлиқдир: менталитет, муҳим ва аҳамиятли йўналишларни мўлжал қилиб олган йўл-йўриқлар каби шахснинг “иккиламчи табиати”ни ташкил этувчи (шахснинг “бирламчи табиати” асосан биологик эҳтиёжлар ва унинг кундалик ҳаётий манфаатла-

ри асосида шаклланади) омилларга боғлиқдир. Кишиларнинг давлатга ва бошқа ҳокимият институтларига ўз шаклланган эътиқодларига биноан бўйсуниб зарурияти бошқа муҳим – бевосита индивидуал манфаатлар ва мақсадларга нисбатан юқори бўлган олий мақсадлар (ватанпарварлик, ахлоқий, диний ва бошқа) учун бўйсунибшлари – ҳокимият кучини оширишнинг муҳим манбаидир.

Ҳокимият учун учун қулай ва жозибали кўринишга эришиш мотивацияси – бу авторитетдир. У ҳокимият объектлари ва субъектларининг умумий манфаатдорлиги мавжудлигига ва раҳбарнинг алоҳида шахсий сифатларга эга бўлишига нисбатан бўйсунувчиларнинг ишончи ва эҳтиёжлари пайдо бўлиши билан боғлиқ ҳолда шаклланади. Шунингдек, авторитет субъект билан объектларнинг муроса қилишларига ҳам асосланади. Авторитет кўпинча ҳокимият объектларининг раҳбар шахсига (ёки ҳокимият институтига) ҳурмат ва ишончини найдо бўлиши натижасида ҳам тугилиши мумкин<sup>79</sup>. Бундай ҳолатда, ҳокимият ўзининг яшовчанлиги ва самарадорлигини ошириш учун янги шарт-шароитлар яратилишига эришади.

## 5. Сиёсий ҳокимиятнинг ўзига хос хусусиятлари

Сиёсий ҳокимиятнинг ўзига хос хусусияти индивидлар, гуруҳлар ва улар ташкилотларининг ўз манфаатлари ва иродаларини сиёсий-давлат бошқаруви ва назорати воситасида амалга ошириш қобилияти билан узвий равишда боғлиқдир. Сиёсий ҳокимият давлат ва ижтимоий ҳокимиятларга бўлиниб, улар давлат органлари, сиёсий партиялар, ижтимоий ташкилотлар, ОАВ кабилар фаолиятида ифодаланади. Шунингдек, сиёсий ҳокимиятнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

– сиёсий ҳокимият шахслараро муносабатлардан фарқли ўлароқ, йирик ижтимоий гуруҳлар, давлатлар, ҳамжамиятлар, жамоатчилик ташкилотлари ўзаро муносабатларида рўй беради;

– давлат миқёсида куч ишлатилганида унинг қонуний бўлиши;

---

<sup>79</sup> Основы политической науки. Учебное пособие. Под ред. В.П. Пугачева. Часть I. – Москва: МГУ, 1996. – С.107-109.

-бошқа ҳокимият турлари учун қарорларнинг устувор ва мажбурий бўлиши;

-сиёсий ҳокимият турли бирликлар манфаатларини сиёсий соҳада тақдим этиш учун маълум ташкилий ва расмий маросимларни амалга оширишга (сиёсий манфаатларни давлат, сиёсий партиялар ва бошқа институтлар воситасида), институционал расмийлашувига зарурият сезади;

-турли (иқтисодий, мажбурлаш, ахборот ва бошқа) ресурслардан фойдаланиш имкониятларига эга эканлиги;

-ягона марказга эга эканлиги, яъни қарорлар қабул қилишнинг ягона марказининг мавжудлиги (бозор муносабатлари ша-роитида ҳокимият субъектлари плюрализмига амал қиладиган иқтисодий ҳокимиятдан фарқли ўлароқ);

-унинг ошкора ва умумий бўлиши, яъни у шахсий, тор гуруҳий ҳокимиятдан фарқ қилиб, бутун жамият номидан намоён бўлади ва ҳуқуқ ёрдамида барча фуқароларга қаратилади;

-ҳокимият муносабатларининг иерархияга асосланиши;

-ҳокимият субъектларининг бажариш масъулиятини ўз зиммасига оладиган бошқа субъектларга ҳокимият ваколатларини бир қисмини узатиши (масалан, марказий ҳокимият маҳаллий ҳокимиятга, маҳаллий ҳокимият ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ташкилотларга);

-мафкуравийлашганлиги.

Сиёсий ҳокимиятнинг ижтимоий вазифаси бир хил бўлмайди, балки у жамиятни интеграция қилиш ёки дезинтеграция қилиш омили сифатида ҳам намоён бўлиши мумкин. Биринчи навбатда, ҳокимият ёрдамида жамоатчилик тартиботи таъминланади, турли ихтилофлар барҳам топади, иккинчидан, бир ижтимоий гуруҳнинг иккинчи ижтимоий гуруҳ устидан ҳукмронлиги таъминланади.

## 6. Ҳокимиятнинг легитимлиги

“Легитимлик” тушунчасини (лотинча “legitimare” – “қонуний деб эълон қилиш” маъносини берувчи сўздан олинган) кенг маънода “қонунийлик”, “тўғрилиқ”, “адолатлилиқ” маъноларида ишлатиш русумга кирган. Легитимлик жамиятда ҳокимият органларига авторитет бағишлайди, ҳокимият органлари фармойишларини “қўрқув учун эмас, балки виждон учун” принци-



пи асосида ҳамма учун бажарилиши шартлиги ва мажбурийлигини таъминлайди. Легитимликни ҳуқуқий феномен “қонунийлик” тушунчаси билан аралаштириб бўлмайди; қонунийлик муносабатлари давлат ёки ҳукуматга алоҳида фуқаро ва жамият томонидан ҳурмат билан қарашни кафолатлаб бера олмайди. Сиёсий фалсафага мувофиқ, легитимлик деганда фуқароларнинг бўйсунушини талаб қилувчи давлат ҳуқуқининг маънавий жиҳатдан ёки мақсадга мувофиқлик нуқтаи назаридан ҳар томонлама асосланиши тушунилади. Сиёсатшунослар легитимликни социологик талқинларда – бошқарувнинг у ёки бу тизимида кишиларнинг бўйсунуши қандай тахлитда амалга оширилишига боғлиқ бўлмаган ҳолдаги бўйсунушга тайёрлиги сифатида эътироф этади. Макс Вебер айтганидек, бу шундай ҳолатки, унда давлат легитимми, деган эмас, балки унинг легитимлигига фуқаролар ишонадими, деган моҳият муҳимроқ аҳамият касб этади<sup>80</sup>.

Легитимлик сиёсий ҳокимиятнинг асосий ўзига хос хусусиятларидан бири бўлиб, у ўзида ҳокимиятга куч бағишлайди, уни қўллашнинг қонунийлигини оқлайди, ҳокимиятни ёки унинг институтлари хатти-ҳаракатларини амалга оширишга янги имкониётлар яратиб беради.

Машҳур немис олими М.Вебер ҳокимиятнинг легитимлиги манбалари, аҳамияти, истиқболларига доир чуқур тадқиқотлар олиб бориши натижасида бу тушунчанинг мукамал равишдаги таърифларини шакллантирди. У легитимлик тушунчасига фуқароларнинг ҳокимиятга бўйсунушлари сабабиятлари ва аҳамияти нуқтаи назаридан ёндашиб, қуйидаги фикрларни билдиради: “Давлат, ўз тарихий ўтмишдоши бўлган сиёсий иттифоқлар сингари легитим (яъни, легитим деб ҳисобланадиган) куч ишлатишга таянувчи восита сифатида одамларнинг одамлар устидан ҳукмронлиги муносабатлари, демакдир. Шу тариқа, унинг яшаши учун ҳукмронлиги остидаги одамлар илгари ҳукмронликка даъвогарлик қилган, энди эса ҳукмронлик қилаётган авторитетга бўйсунушлари лозим. Улар қачондан бошлаб ва нега бундай

---

<sup>80</sup> Хейвуд Э. Политология: учебник для студентов вузов / Пер.с англ.под ред. Г.Г.Водолазова, В.Ю.Бельского.–Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. –С.265.

қилади? Хукмронликни оқлашнинг қандай ички асослашлари ва қандай ташқи воситалари унга таянч бўлиб хизмат қилади?<sup>81</sup>

Маълумки, ҳокимият субъектларининг имкониятлари турлича эканлиги бошқарув тизимини қўллаб-қувватлашда ҳокимият легитимлигининг ҳам турлича бўлишини тақозо этади. Сиёсий фанларда М. Вебер томонидан илгари сурилган ва бўйсуниш мотивацияси нуқтаи назаридан таснифлаштирилган легитимлик турлари ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. У қуйидаги учта легитимлик турини бир-биридан ажратиб кўрсатади:

*-анъанавий легитимлик* – бунда кишиларнинг “ҳокимиятга бўйсуниш зарурият, унга бўйсунмасликнинг иложи йўқ”, деган анъаналарга мувофиқ одатланиб қолишлари натижаси ўлароқ, жамиятда сиёсий институтларнинг анъанавий бўйсундириш мақомига эришиши тушунилади. Легитимликнинг бу тури бошқарувнинг меросий турида, жумладан, монархия давлатларида учрайди. Бу легитимлик ҳокимиятни анча адолатли ва барқарор бўлишини таъминлаши мумкин. Бу ҳақда М. Вебер қуйидаги фикрларни билдиради: “Қоидага биноан ички оқлашларнинг, яъни легитимликнинг учта тури мавжуд (улардан бошлаймиз). Биринчидан, авторитетнинг “абадий ўтмишга” мансублиги: аҳамияти азалдан муқаддаслашган ва уларга сўзсиз амал қилиш одатдаги урф-одатга айланган авторитет – “анъанавий” ҳукмронлик, уни қандайдир тарзда амалга оширган патриарх ва эски тоифадаги якка бошлик князь”<sup>82</sup>.

*-рационал (демократик) легитимлик* – кишиларнинг рационал ва демократик жараёнларнинг нисбатан адолатли кечиши ва шу асосда ҳокимият тизимини шаклланиши натижасида сиёсий маданиятларининг ошиши самараси натижаси ўлароқ шаклланади. Бу каби легитимликда кишилар ижтимоий-сиёсий жараёнларда ҳокимиятни ифодалайдиган шахсларга эмас, балки қонунлар, қоидалар ва низомларга амал қилади. М. Вебер легитимликнинг бу тури ҳақида қуйидаги таърифни илгари суради: “Ва ниҳоят, “легаллик”, легал қоидаларни (Satzung) мажбурийлигига, ишчанлик “компетентлигига” ишонч туфайли эришилган,

<sup>81</sup> Вебер М. Политика как призвание и профессия//Избранные сочинения. – Москва, 1990. – С. 646.

<sup>82</sup> Ўша жойда. – Б. 646.

рационал тарзда яратилган қоидаларни асосланган ҳолда ба  
ришда бўйсунитишга амал қилиш асосида ўрнатилган ҳукм  
лик – замонавий “давлат хизматчиси” амалга ошираётган  
бошқа барча ҳокимият соҳиблари фаолиятига ўхшаш тарзд  
ҳукмронликдир. Ҳеч бир шубҳасиз айтиш мумкинки, бўйсун  
ҳақиқатда ҳаддан ташқари қўрқув ва умидларнинг қўпо  
тивларини – сеҳрли кучлар ёки ҳукмдор олдидаги қўрқув, на  
ги дунёдаги ёки бу дунёдаги мукофотларга умидларни – ва  
нингдек, бошқа турли манфаатларни юзага чиқишини шарт қи  
қўяди”<sup>83</sup>.

-*харизматик* легитимлик – кишиларнинг сиёсий етакчин  
ноёб сифатларини эътироф этишлари натижасида пайдо бўл  
Бу ҳақда М. Вебер қуйидагиларни ёзган эди: “Ва одатланиш  
бошқа яна шахсий истеъдод (*Gnadengabe*) (харизма), қандай  
одамда доҳий сифатлари жозибасига нисбатан бўлган тўлиқ ш  
сий садоқат ва шахсий ишонч: теран идрок, қаҳрамонлик ва б  
қа сифатлар, харизматик ҳукмронлик, пайғамбар уни қан  
амалга оширмоқда ёки сиёсат соҳасида – атоқли князь-ҳар  
бошлиқ, ёки халқчил ҳукмдор, таниқли демагог ва сиёсий пар  
доҳийси”<sup>84</sup>.

Ҳозирги даврга келиб ҳокимиятни қўллаб-қувватлашга д  
янада универсал легитимлик турлари илгари сурилмоқди. Ж  
ладан, инглиз тадқиқотчиси Д. Хелд юқоридаги уч хил легит  
ликлар қаторида “*куч ишлатиши хавфи остидаги розилик*” ка а  
ланган ҳокимиятни қўллаб-қувватлаш ҳодисаси ҳам мав  
эканлигига эътибор қаратди. Бунда аҳоли ўз атрофида ўзин  
хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган, лекин ҳали бу к  
таҳдид содир бўлмаган ҳолатда ҳокимиятга хайрихоҳ бўлм  
ҳам унга амал қилишни қўллаб-қувватлайди; шунингдек,  
ҳокимиятни *прагматик* (воситавий) қўллаб-қувватлаш легит  
лиги ҳам илгари сурилиб, унда аҳоли ҳокимиятни турли ижт  
ий бойликларни олишга доир ваъдалар бериши натижа  
қўллаб-қувватлашга розилик билдиради; ҳокимиятни *норма*  
(меъриий) қўллаб-қувватлаш – аҳоли билан ҳокимият органл  
амал қиладиган сиёсий принципларнинг ўзаро мос келиши н

<sup>83</sup> Ўша жойда. –Б. 646-647

<sup>84</sup> Ўша жойда. –Б.646-647.

жаси ўлароқ рўй беради; ва ниҳоят, *олий норматив* қўллаб-қувватлашда бу каби сиёсий принципларнинг тўлиқ равишда бири-бирига мос келиши эътиборга олинади<sup>85</sup>.

Кўриниб турибдики, ҳокимиятнинг легитимлиги унинг ўз функцияларини бажаришида муҳим рол ўйнайди, сиёсатни мақсадга мувофиқ равишда амалга оширишга имкониятлар яратади, сиёсат жамиятда фаровонликни ва барқарорликни таъминлаш омилига айланади, жамият билан давлат ўртасида мустаҳкам алоқалар ўрнатилиши натижасида самарали ҳамкорлик ривожланади.

Шунингдек, сиёсий ҳокимиятни демократик нуқтаи назардан таҳлил этиш, унинг моҳиятини чуқур англаб етиш, сиёсий ҳокимиятни фуқаролик жамияти қуриш мақсадларига мувофиқ модернизациялаш ҳозирги даврдаги долзарб вазифалардан биридир. Сиёсий ҳокимиятнинг демократик талқинлари, уни амалда қўллаш, жамият сиёсий тизимида сиёсий ҳокимиятнинг амал қилиш муаммоларини ҳал этиш масалалари билан амалий машгулотларда янада батафсил ўрганилади.

#### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Ҳокимият деганда нимани тушунасиз?
2. Сиёсий ҳокимият нима?
3. Сиёсий ҳокимият субъекти ва объекти деганда нимани тушунасиз?
4. Ҳокимият ресурслари қандай вазифаларни бажаради?
5. Ҳокимиятга бўйсунуш табиатини ҳаётий мисоллар билан тушунтириб бера оласизми?
6. Ҳокимиятнинг легитимлиги деганда нимани тушунасиз?

---

<sup>85</sup> Қаранг: Соловьев А.И. Политология: Политическая теория, политические технологии: Учебник для студентов вузов. – Москва: Аспект Пресс, 2004. – С.102-103.

### III БЎЛИМ. СИЁСИЙ ТИЗИМ ВА СИЁСИЙ ИНСТИТУТЛАР

#### 5-МАВЗУ. СИЁСИЙ ТИЗИМ

1. «Сиёсий тизим» тушунчаси ва унинг талқинлари.
2. Сиёсий тизим назариялари ва уларнинг ривожланиши.
3. Жамият сиёсий тизимининг тузилмаси ва функциялари.
4. Сиёсий тизимларни таснифлаштириш.
5. Сиёсий режим.
6. Сиёсий режимларни таснифлаш.

#### 1. «Сиёсий тизим» тушунчаси ва унинг талқинлари

Сиёсатшунослик фанида жамият сиёсий тизимининг пайдо бўлиш, ривожланиш ва амал қилиш масалаларини ўрганиш муҳим амалий аҳамият касб этади. Айниқса, ҳозирги фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш ислоҳотларини чуқурлаштириш даврида жамият сиёсий тизимини демократик принциплар асосида модернизациялаш жараёнини ўрганиш, ёшларда шахс, жамият институтлари ва давлат органлари ўзаро муносабатларини замонавий назария ва амалиёт асосида кечиши тасаввурларини шакллантириш ҳозирги даврнинг долзарб вазифаларидан биридир.

«Сиёсий тизим» тушунчасига илк бор ўз аҳамиятини қаратган мутафаккирлардан бири – бу француз олими Кондильякдир. У 1749 йилда «Тизимлар ҳақида трактат» асарини ёзади. Унда Кондильяк «тизим» тушунчасига аниқлик киритар экан, қуйидаги таърифни илгари суради: «Ҳар қандай тизим қандайдир амалий фаолият ёки фаннинг барчаси бир-бирларини ўзаро қўллаб-қувватлайдиган, охириги биринчисини далиллайдиган турли қисмларининг маълум бир тартибда жойлашувидан бошқа нарса эмас. Унинг бошқа қисмларини далиллайдиган қисмлари эса принциплар деб аталади»<sup>86</sup>.

---

<sup>86</sup> Кондильяк Э. Сочинения: В 3-х т. Т.2/Пер.с франц.; Общ.ред. и примеч. В.М.Богуславского. –Москва:Мысль, 1982. –С.6.

Кондильяк ўз давридаги сиёсий тизимнинг идеал намунасини қуйидагича таърифлайди: «Дворянлар, магистратура аъзолари, руҳонийлар, савдогарлар, молиячилар, ёзувчилар ва турли хил ҳунармандлар – улар фуқароларнинг турли қатламларидир. Уларни ким бошқараётган бўлса, унинг тизимига мувофиқ равишда ҳамма иложи борича шунчалик бахт-саодатли бўлсинки, ундан барчанинг умумий фаровонлигига зарар етмасин. Бундай ҳолатда давлат тузуми янада мустаҳкамланади. Бундан иккита нарса кўзланади: бошқарувчиларнинг халққа ва шунингдек, қўшни давлатларга нисбатан муносиб хулқ-атвори шаклланади. Халқни бошқариш учун барча қатламларнинг ўзаро мукамал мувозанатини қўллаб-қувватлайдиган ва ҳар бир фуқаро манфаатини жамият манфаатларидан топишга мажбур қиладиган интизомни ўрнатиш лозим. Шундай қилиш керакки, фуқаролар турли ниятлар билан хатти-ҳаракат қилган ҳолда, уларнинг ҳар бири ўзининг алоҳида тизимини ташкил этсин ва уни умумий тизим мақсадлари билан мувофиқлаштиришни зарурият деб билсин»<sup>87</sup>.

Кўриниб турибдики, сиёсат янги даврнинг биринчи ярмида фақат давлат тузилмалари фаолиятига хос деб саналарди, ҳокимият муносабатларида бош субъект сифатида намоён бўлиши кузатилар эди. Маълум бир даврга қадар бу каби талқинлар сиёсий ҳаётга мувофиқ ҳолда яшаб келди. Лекин фуқаролик жамиятининг шаклланиши, ўз ҳуқуқ ва эркинликларига эга бўлган шахсларнинг пайдо бўлиши фуқароларни нафақат бўйсунувчи объект, балки сиёсий ташкилотлар воситасида давлат фаолиятига таъсир қила оладиган кишиларга айланганди. Ҳокимият давлат монополияси сифатидаги даврини тугатди, ҳокимиятга доир муносабатлар мураккаб тус ола бошлади, унда энди фаол фуқаролар, ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ташкилотлар ҳам иштирок эта бошлади. Институтционал ва бихевиориал ёндашувлар пайдо бўлган даврга келиб ҳокимият муносабатларининг тобора мураккаблашиб боришига боғлиқ равишда сиёсатни талқин этишни қайтадан кўриб чиқишга зарурият туғилди. Энди сиёсат мураккаб масалаларни ечиши лозим эди: нобоп ташқи муҳит шароитларида жамият барқарорлиги ва яшовчанлиги-

---

<sup>87</sup> Ўша жойда. –Б. 175.

ни таъминлашга қодир бўлган универсал қонуниятлар ва механизмларни излаб топишга эҳтиёжлар пайдо бўлди.

XX асрнинг 20-йилларида бу соҳа ривожланишига туртки бўладиган ҳодиса юз берди: биология фани соҳасида тизимлар назарияси яратилди. “Тизим” тушунчасини илмий муомалага биринчи бўлиб немис биолог олими Л. Фон Берталанфи (1901–1972 йй.) киритди. У ташқи муҳитга боғланган тизимни кашф этиш мақсадида ҳужайрани “ўзаро бир-бирларига боғлиқ бўлган йиғинди” сифатида тадқиқ этди. Ундаги унсурлар бир-бирлари билан шундай тарзда ўзаро боғланган эдики, ҳаттоки тизимнинг битта унсури ўзгариши натижасида барча унсурлар, бутун бир йиғинди ўзгариб кетар эди. Тизим ташқаридан бўлган сигналларни ҳам, ўз ички унсурлари талабларини ҳам ҳис қилар, уларга акс-садо берар эди<sup>88</sup>.

Бу ҳолатдан руҳланган сиёсий фанлар соҳасидаги олимлар ҳам янги кашфиётлар сари юзлана бошлади. Л.Фон Берталанфи ишлаб чиққан тизимларнинг умумий назариясига таянган ҳолда АҚШ олими Т.Парсонс жамиятда ниҳоятда мураккаб бошқарувдан иборат нисбатан автоном (иқтисодий, сиёсий ва маънавий) тизимлар мавжуд эканлигига эътибор қаратди. Бу тизимларнинг ҳар бири ўзининг алоҳида функциясига эга бўлиб, улардан бири – сиёсий тизим Т.Парсонснинг фикрича, умумий мақсадларни ишлаб чиқиш, интеграциялаш ва амалга оширишни таъминлаб беради. Т.Парсонснинг сиёсий тизимга доир ғояларини яна бир АҚШ сиёсатшуноси Д.Истон ҳар томонлама чуқурлаштирди ва ривожлантирди. Шунинг учун ҳам у тарихда сиёсий тизим назарияси асосчиси, деган номга эга бўлди. Д.Истон ўзининг «Сиёсий тизим» (1953 й.) ва «Сиёсий таҳлил меъёри» (1965 й.) асарларида сиёсий тизимни «ташқаридан келадиган импульсларга – буйруқларга фаол акс-садо берадиган, ривожланувчан ва ўзини ўзи мувофиқлаштирувчи организм» сифатида таърифлади.

Сиёсий тизимни бихевиорал ёндашув асосида тизимли ва тизимли-мақсадли таҳлил этиш усулларининг ривожланиши натижасида Т.Парсонс тизимли таҳлилнинг биологик назариясига

---

<sup>88</sup> Қаранг: Политическая система общества и проблемы власти// <http://gendocs.ru/v17000/content/>.

асосланган ҳолда ижтимоий тизимлар назариясини ривожлантириши туфайли сиёсатшунослик фанида сиёсий тизимлар назариясини ўрганиш одатга кирди. Т.Парсонснинг тизимли тадқиқ этиш усулининг пойдевори – бу ҳар қандай тизимнинг яшаши ва сақланишини таъминловчи тўртта асосий қондасининг мавжудлигидир: 1) адаптация, 2) мақсадга эришиш, 3) интеграция, 4) моделни қўллаб-қувватлаш.

Ижтимоий тизим даражасидаги жараёнда адаптация функциясини иқтисодий остки тизим, мақсадга эришиш функциясини – сиёсий, интеграция функциясини ҳуқуқий институтлар ва урф-одатлар, моделни қўллаб-қувватлаш функциясини – эътиқодлар тизими, ахлоқ ва ижтимоийлаштириш органлари (оила, таълим институтлари ва бошқалар) таъминлайди. Шу тарзда, сиёсат ва жамиятнинг бошқа остки тизимларини ана шу асосий функциялар билан уйғунликда тасаввур қилинади. Шунингдек, бихевиорал ёндашувга биноан, сиёсат – бу фуқаролар ҳаракатини таъминлаб турувчи асосий омиллар - турли хил институтлар ва тузилмалар эмас, балки кишиларнинг сиёсий ҳаётдаги хатти-ҳаракатларидир. Сиёсий тизимни тадқиқ этишда бихевиорал усулнинг ютуқлари асосан қуйидагилардан иборат бўлди:

1) “сиёсий хулқ”га тадқиқотнинг асосий объекти сифатида қараш;

2) статистик ва сонларга доир формулалардан максимал равишда фойдаланиш;

3) сиёсий ҳодисаларни янада чуқурроқ билиш қобилиятига эга назариялар ишлаб чиқиш.

Сиёсий тизимни ўрганишнинг тизимли таҳлили усулига биноан, ҳар қандай тизим, жумладан, сиёсий тизим ҳам қуйидаги таснифларга эгадир: 1) тизим кўп қисмлардан иборат; 2) барча қисмлар бир бутунни ташкил этади; 3) тизим ўз хатти-ҳаракатини маълум чегаралар доирасида амалга оширади.

Шунингдек, сиёсий ҳаётда фаолият кўрсатувчи ҳаракатдаги тизим, яъни сиёсатнинг турли хил жиҳатлари ва сиёсий воқеликлар ўртасида нисбатан барқарор бўлган ўзаро алоқадорликлар ҳам мавжуддир. Тизимли тадқиқ этиш усули назариясига биноан, ўзаро ҳаракатлар жараёнлари уч циклга бўлинади: кириш (input), конверсия – ўзгариш, айланиш (conversion), қайта ўзгартириш ва чиқиш (output). Сиёсий тизимнинг чегараси торайиб ёки кенгайиб туриши мумкин. Индивидуумлар жамиятда қатор



тизимлар ва кичик тизимлар субъектлари сифатида иштирок этишлари, уларнинг амалда сиёсий, иқтисодий, диний ва бошқа ўзаро муносабатлар ва боғлиқларга эга бўлганлиги туфайли кўп шаклли тизимлар турли-туман ролларни ижро этади.

Индивидуумлар сиёсий тизимда дастлаб фуқаро-сайловчи ролини бажаради. Сайлов кампанияси даврида сиёсий тизим чегаралари кенгайди, яъни фуқаролар ўзларининг бевосита ишларини камайтириш эвазига сиёсий тизим чегараси чизигини “босиб ўтадилар”. Шунингдек, уруш пайтларида ҳам сиёсий тизим чегаралари сезиларли даражада силжийди: кишиларнинг қўпчилиги ҳарбий хизматга жалб этилади, турли хил ташкилотлар, корхоналар фаолияти мувофиқлаштирилади, ички хавфсизликни сақлашнинг янгидан-янги тадбирларини амалга оширишга зарурият туғилади.

Ҳозирги даврга қадар сиёсий фанларда сиёсий тизимнинг умумлашган универсал таърифи яратилмаган бўлса ҳам “сиёсий тизим” тушунчаси билан бевосита боғланган ҳоқимият ва сиёсатни аниқлашга доир турли хил ёндашувлар шаклланди. Шу билан бирга, сиёсий тизимнинг барча талқинлари учун умумий бўлган тавсифи шаклланди: *сиёсий тизим* жамиятда қонунлаштирилган жисмоний итоат эттиришни қўллаш билан боғлиқ ҳолда талқин этилади. Ҳар бир талқинда сиёсий тизимнинг қонуний ҳуқуқи жазолаш, мажбурлаш ва бўйсундиришдир, деб қайд этилади. Лекин масалага чуқурроқ кириб борилса, сиёсий тизимнинг куч ва мажбурлаш билан боғланмаган хатти-ҳаракатлари ҳам кўзга ташланади. Унинг бу каби хусусиятлари фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш жараёнларига монанд ҳолда янада кўпайиб бормоқда<sup>89</sup>.

Сиёсий тизим жамият ҳаётининг институционал-ҳоқимият асоси, уни уюштирувчи ва йўналтирувчи омили сифатида намоён бўлади. Сиёсий тизим сиёсий ҳаётни характерловчи асосий тушунчаларни бир бутун ҳолда тасаввур этиш имкониятини яратади. Сиёсий тизим сиёсат субъектларининг аниқ тарихий шакллларини ўзида ифодалаб, уларнинг ўзаро сиёсий муносабатларини маълум даражада жамлаб, қатъий равишда тартибга солади,

---

<sup>89</sup> Основы политической науки. Учебное пособие. Под.ред. В.П. Пугачева. Часть II. —Москва: МГУ, 1996. —С.76-78.

расмийлаштиради ва сиёсий фаолиятнинг маълум чегараларини белгилаб беради. Сиёсий тизим мураккаб тузилмадан иборат бўлиб, у жамиятни ягона организм сифатида яшашини таъминлаш ва сиёсий ҳокимиятни марказлашган тарзда бошқариш, шунингдек ҳокимиятни амалга ошириш ёки уни эгаллаш ва ундан фойдаланиш воситасида сиёсат субъектларининг умумий ва гуруҳий манфаатларни амалга оширишини таъминлайди<sup>90</sup>.

Жамиятнинг *сиёсий тизими* – бу аниқ олинган жамият сиёсий режими кўрсатмаларига, тарихий анъаналарига, сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий, мафкуравий, маданий меъёрлар кодексларига бўйсунган жамият сиёсий ташкилотлари принциплари, сиёсий институтлар, сиёсий роллар, муносабатлар, жараёнларнинг яхлит ва жамулжам ҳолдаги йиғиндисидир.

Сиёсий тизим сиёсий ҳокимиятни, давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларни ташкил этишни ўз ичига олиб, шу билан бир вақтда, у институтлаштириш, сиёсий фаолият ҳолати, сиёсий ижодкорлик даражаси, сиёсатда иштирок этиш характери, ноинституционал сиёсий муносабатларни ўз ичига олган сиёсий жараёнлар оқимини характерлайди. Сиёсий тизим жамиятнинг барча унсурларини интеграциялашувини, шунингдек, жамиятни сиёсий ҳокимият томонидан марказлашган ҳолда бошқариладиган яхлит организм сифатида яшашини таъминлайди. У сиёсий институтларни (давлат, сиёсий партиялар, ташкилотлар ва ҳаракатлар) қонунлар тизими, анъаналар ва сиёсий коммуникациялар воситасида ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар, миллий-этник ва бошқа инсоний бирликлар билан ўзаро алоқадорлигини таъминлайди, кишилар сиёсий фаолияти асосий йўналишлари ва сиёсий жараёнларни назорат қилади.

Баъзи адабиётларда “жамиятнинг сиёсий тизими” ва “жамиятнинг сиёсий ташкилоти” бир хил маъноларни англатади, деб ёзилган. Лекин уларнинг ўртасида катта фарқланишлар мавжуд. “Жамиятнинг сиёсий ташкилоти” – бу сиёсий институтлар ва сиёсий-ҳуқуқий меъёрлар жамланмасидир. “Сиёсий тизим” тушунчаси эса унга нисбатан кенг маънога эга бўлган тушунча бўлиб, сиёсий жараёнлар ва муносабатларда у ҳокимият ташкил этувчи

---

<sup>90</sup> Ирхин Ю.В., Зотов В.Д., Зотова Л.В. Политология: Учебник. – М.: Юристъ, 2002. – С.201.

етакчи омил сифатида намоён бўлади, шунингдек, жамият сиёсий тизими доирасидаги тузилмалардан ташқари, у ўз ичига сиёсий онг, сиёсий маданият, сиёсий коммуникация, сиёсатда иштирок этиш кабиларни ҳам олади.

Жамиятнинг сиёсий тизими – бу унинг алоҳида қиёфага эга бўлган сиёсий яшаш фаолиятидир. У ўзида сиёсий фаолиятни амалга оширадиган муайян тарихий шаклни акс эттиради<sup>91</sup>. Сиёсий фаолиятнинг мазмуни фақат давлатнинг ҳокимиятга доир фаолияти билан чекланмайди. Унинг доирасида мақсадлари бир-биридан фарқ қиладиган ва бир-бирига қарама-қарши бўлган субъектларнинг турли-туман сиёсий иштироклари шакллари намоён бўлади; сиёсий фаолият жамиятда ҳокимиятни амалга ошириш тизимини ҳимоя қилиш ёки унга қарши чиқишни таъминлаш ва ўзгартиришларни амалга оширишга қаратилган мақсадларга мувофиқлаштириш билан боғлиқ сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш жараёнларини ташкил этади.

## 2. Сиёсий тизим назариялари ва уларнинг ривожланиши

*Истон сиёсий тизим модели.* Сиёсий фанлар нуқтан назаридан сиёсий жараёнларни тадқиқ этишнинг тизимли ёндашувини илк бор қўллаган таниқли АҚШ олими Дэвид Истондир. У ўзининг “Сиёсий тизим” (“The Political System”, 1953 й.), “Сиёсий таҳлил учун концептуал структура” (“A Framework for Political Analysis”, 1965 й.), “Сиёсий ҳаётнинг тизимли таҳлили” (“A Systems Analysis of Political Life”, 1965 й.) номли асарлари билан машҳур бўлди. Д.Истон сиёсий фанларга ўзининг эмпирик йўналишга доир назариялари билан улкан ҳисса қўшган олим ҳисобланади.

Д.Истон ўзининг биринчи китобида сиёсий фанлар соҳасида ҳам умумий назарияларга нисбатан зарурият мавжудлиги ғоясини илгари сурди. Кейинги китобида эса сиёсий фанларнинг назарияларини концептуал тузилмаси ишлаб чиқилди, унда асосий категория ва тушунчалар таҳлил этилиб, улар воситасида ўз назарий қарашлари моҳиятини очиб берди, шу билан бирга, янги

---


<sup>91</sup> Ўша жойда. –Б.202.

назарий қарашларни ҳам илгари сурди. Унинг бу асари чуқур ва долзарб назарий хулосалар мажмуаси сифатида машҳур бўлди. Д.Истон ўзининг учинчи китобини ўз шахсий концепцияси тузилмасини қўллашга бағишлади. Шунингдек, Истон бу асарида эмпирик вазиятларда қўллаш мақсадида янги тушунчаларни илмий муомалага олиб кирди.

Д.Истон сиёсий тизимни жамиятдаги қадриятларнинг (моддий ва маънавий) авторитетли тарзда тақсимлашнинг ўзаро ҳаракатларидаги восита сифатида таърифлади. Шу билан бирга, ана шу ўзаро ҳаракатларда жамият аъзолари ва турли қатламлари ўртасидаги ўзаро ихтилофлар барҳам топиб боришини далиллаб берди. Д.Истон сиёсий тизимнинг иккита асосий функциясини ажратиб кўрсатди:

1) сиёсий тизим жамиятдаги қадриятларни тақсимлай олиш ҳолатида бўлиши лозим;

2) сиёсий тизим ўз фуқароларини бу тақсимлашни муқаррар равишда қабул қилиши учун ишонтира олиш қобилиятига эга бўлиши лозим. Истоннинг фикрича, бу иккита функция сиёсий тизимни ижтимоий тизимларнинг бошқа турларидан алоҳида равишда ажратиб туришга имкон беради.



5.1-расм. Истон сиёсий тизимининг соддалашган модели

Д.Истон ҳар қандай тизимнинг асосий жараёнлари схемаларидан (“кириш”, “конверсия”, “чиқиш”) четга чиққан ҳолда у “кириш” омилларига талаб ва қўллаб-қувватлашни, “чиқиш” омилларига эса қарорлар ва хатти-ҳаракатларнинг тааллуқли эканлигини исботлаб берди.

Д.Истон “талаб” – бу ҳокимият субъектлари томонидан муқаррар равишда тақсимланишнинг ҳақиқийлиги тўғрисидаги фикрнинг ифодаланиш шакли, деган аниқликни киритди. Шунингдек, у талабни сиёсий тизимга ташқи муҳитдан келувчи ва ички тизимнинг ўзидан келувчи қисмларга бўлади. Талаб ўзига хос моҳиятидан келиб чиқиб, содда бўлиши, норозилик ва ноҳақликларни муайян хатти-ҳаракатлар ёки ҳодисалар орқали тўғридан-тўғри ифодалаш имкониятига эгадир. Масалан, мамлакатда жиноятчилик ёки коррупциянинг ўсиши талабни янада рағбатлантириши мумкин. Д.Истон талабни қуйидаги турларга бўлади: 1) бойлик ва хизмат кўрсатишни тақсимлашга доир талаблар; 2) хулқни мувофиқлаштиришга доир талаблар; 3) коммуникация ва ахборотга доир талаблар.

Сиёсий тизимни ишлаш ҳолатида сақлаб туриш учун талабдан ташқари яна қўллаб-қувватлашга ҳам зарурат туғилади. Истон қўллаб-қувватлашни ўзгарувчан атроф-муҳит билан боғлаб турувчи тизимнинг бош йиғиндиси, деб ҳисоблайди. Қўллаб-қувватлаш шакллари турли-туман бўлиши мумкин: моддий қўллаб-қувватлаш, яъни солиқлар ва бошқа йиғимлар, тизимга хизмат кўрсатиш, қонунлар ва директиваларга амал қилиш, сиёсий жараёнларда иштирок этиш, расмий ахборотлар ва ҳокимиятга нисбатан эътибор билан қараш ва уларни ҳурмат қилиш. Д.Истон қўллаб-қувватлашнинг учта объектини келтиради: “сиёсий жамият” – сиёсатдаги фаолияти тақсимланиши туфайли бир-бири билан бир тузилмага боғланган кишилар гуруҳи; “режим” – асосий компонентлари қадриятлардан (мақсадлар, принциплар) иборат деб ҳисобланувчи ҳокимиятнинг меъёр ва тузилмалари; “бошқариш” – ўз фаолияти учун масъулликни эътироф этган жамиятдаги кўпчилик фуқаролардан иборат кишиларга тааллуқли жараён.

Д.Истоннинг фикрича, тизим – бу восита бўлиб, унинг ёрдамида “кириш” (талаб ва қўллаб-қувватлаш) “чиқиш”га (қарор ва хатти-ҳаракат) айланади.

Сиёсий тизим кирувчи омилларни чиқувчи омилларга айлантириб, жамият аъзолари қўйган вазифаларни бажаришда ўз мақ-

садларига эришишини ва бу жараёнда уларни мувофиқлаштириб турадиган ижтимоий ресурсларни сафарбар қилиш воситалари билан таъминлаб туради. Конверсия жараёни йўлига нимадир тўғаноқ бўлиши мумкинми? Д.Истоннинг фикрича, ҳаттоки демократикдан тортиб то тоталитар сиёсий тизимлар тузилмаларида ҳар қандай фавқулудда оғишлар юз берганида ҳам улар конверсия жараёнини амалга ошишига халақит бера олмайди. “Кириш” ва “чиқиш”даги конверсия – бу алоҳида олинган бирон-бир тизимнинг хусусияти эмас, балки у барча тизимларга хос бўлган жараёндир.<sup>92</sup>

Д.Истон моделида чиқиш омиллари атроф-муҳит таъсирига нисбатан тизимларнинг акс-садо бериши, шунингдек, ўз-ўзига таъсир кўрсатиш усулларини концепциялаштириш учун хизмат қилади, шу билан бирга, талаб ва қўллаб-қувватлаш кўпинча кириш омилларининг шаклини ўзгартириб ҳам туради. Шунинг учун ҳам “чиқиш”ни охириги нуқта, деб бўлмайди. Д.Истоннинг фикрича, “чиқиш” хатти-ҳаракатнинг тўхтовсиз такрорланиб туриш ҳодисаси бўлишидан ташқари, у “қарама-қарши алоқалар ҳалқаси” ҳамдир (Feedback Loop). Бу тушунча қайтиб келувчи ахборотлар ва унинг афзаллик томонларидан фойдаланиш усулларини белгилаб беришга хизмат қилади. Бу ерда ёпиқ такрорланиб турувчи ҳодиса (цикл) ҳосил этувчи иккита жараён назарда тутилади: биринчидан, чиқиш тизими ва унинг натижаси (яъни, маълум бир вазиятлардаги ҳокимиятнинг адаптацияси); иккинчидан, ахборотнинг ўзи (яъни, тизимнинг ҳолати ва ҳокимиятнинг акс жавоб бериш оқибатлари тўғрисидаги қарама-қарши маълумотлар оқими)<sup>93</sup>.

Қарама-қарши алоқалар жамиятдаги тангликни тугатишнинг бош механизмларидан биридир. Аммо у бу функцияни ҳокимиятнинг тизимга кириб келаётган туртки ва таъсирларга жавобан акс-садо бериш қобилиятининг нечоғли эканлигидан келиб чиқиб бажара олади. Агар ҳокимият жамият аъзолари талабларига нисбатан бефарқ бўлса ва фақат ўзининг хусусий талаблари ва

---

<sup>92</sup> Основы политической науки. Учебное пособие. Под ред. В. П. Пугачева. Часть II. — Москва: МГУ, 1996. — С. 78-80.

<sup>93</sup> Истон Д. Категории системного анализа политики // Антология мировой политической мысли: В 5 т. — М.: 1997. Т. II. — С. 639-641.

ғояларигагина эътибор бераётган бўлса, у ҳолатда ҳокимият қарорлари ва хатти-ҳаракатлари ҳеч қачон қўллаб-қувватланишга эриша олмайди.

Ҳокимият сиёсий тизимни қўллаб-қувватлашнинг энг кам даражасига эришишни эмас, балки қўллаб-қувватлашнинг янги-янги манбаларини истаётган ёки янги режим ташкил этиш учун интилаётган ҳолатларда салбий ҳолатлар юз бериши мумкинлигини эътиборга олиб бориши лозим. Ўзгаришлар, адантация, ўз-ўзини сақлаш, интилишлар, мўлжалларини қайтадан кўриб туриш, мақсадларни ўзгартиш – буларнинг ҳаммаси, Д. Истоннинг фикрича, асосий воситалар бўлиб, уларнинг ёрдамида сиёсий тизимдаги тангликлар ёки турли зўриқишларга барҳам бериш мумкин.

Демак, Д.Истоннинг фикрича, сиёсий тизим – бу нафақат унинг тузилмалари ўзаро хатти-ҳаракати тизими, балки муттасил равишда ўзгариб турувчи, амал қилувчи, доимий ўсиб боровчи тизимдир<sup>94</sup>.

XX асрнинг 60-70-йиллари бошида тизимли ёндашувга нисбатан кучли танқидлар хуружи авж олган пайтда ҳам Д.Истон ўзининг янги асари – “Сиёсий тузилмалар таҳлили”да (1990 й.) Н.Пуланзаснинг неомарксистик структурализми назариясини танқидий таҳлиliga таянган ҳолда сиёсий тизимнинг ички тузилмаларини концептуал жиҳатлари назариясини янада бойитди, “Сиёсий тузилма кўзга кўринмас куч каби сиёсий тизим ичида ҳукмронлик қилади”<sup>95</sup>. Истоннинг фикрича, умуман олганда, сиёсий тузилмалар давлат органлари, партиялар, гуруҳий бирлашмалар, элиталар гуруҳлари, оммавий шаклдаги кучлар, шунингдек, уларнинг барчаси ўйнаётган сиёсий роллар каби унсурлардан ташкил топади. “Сиёсий тузилма”нинг ўзи индивидлар ва гуруҳлар хулқларини чеклашни шарт қилиб қўядиган, шу билан бир вақтда, улар мақсадларига эришиши учун имкониятлар яратадиган сиёсатнинг атрибутив таснифи сифатида намоён бўлади. Истон сиёсий тизимнинг “хамиртурушини” ташкил эта-

---

<sup>94</sup> Основы политической науки. Учебное пособие. Под.ред.В.П. Пугачева. Часть II. –Москва: МГУ, 1996. –С.80-81.

<sup>95</sup> Easton D. The Analysis of Political Structure. New York - London, 1990. –Р. 3.

диган сиёсий тузилмаларнинг ҳар хил турларини ажратиб кўрса-тади: юқори ташкил этилган ва паст ташкил этилган, расмий ва норасмий, режимли ва дифференциялашган институтлар<sup>96</sup>.

*Тузилмавий-мақсадли усулнинг хусусиятлари.* Сиёсий тизим назариясининг ривожланиши тизимли таҳлилни кўп жиҳатлардан бойитган тузилмавий-мақсадли усулнинг шаклланишига олиб келди. Бу усул замонавий шаклда антропологик мактаб вакиллари (Малиновский, Браун) ва социологик мактаб вакиллари (Парсонс, Мертон ва бошқалар) томонидан сиёсий фанларга олиб кирилди. Социологик мактаб вакиллари ижтимоий тузилмалар ва институтларни тизимда функциялар бажараётган омиллар сифатида ижтимоий фанларни ўрганиш объекти қилиб олганимиздагина, уни тўғри таҳлил қилиб, улар истиқболини башорат қилиш мумкин, деган фикрни илгари сурди. Ёндашувнинг “тузилмавий” усули инсоний бирликнинг ҳар қандай ташкилоти учун ҳам тааллуқдир: оила, жамоат бирлашмалари, суд, қонун чиқарувчи органлар, турли комиссиялар ва ҳоказо. “Функционал” унсур эса ташкилотлар фаолияти ва улар таъсирининг ташқи самараси унуми нисбатини ўрганишда муҳим аҳмият касб этади<sup>97</sup>.

*Алмонд сиёсий тизим модели.* Сиёсий фанлар соҳасида тузилмавий-мақсадли ёндашув усулининг шаклланишига АҚШ олими Г.Алмонд катта ҳисса қўшди. У сиёсий тизимни у ёки бу даражада легитим жисмоний итоат эттиришни қўллаш ёки қўллаш хавфи воситасида интеграция ва адаптация функцияларини (жамият ичида, ундан ташқарида, жамиятлараро) бажараётган барча мустақил жамиятларда рўй берадиган ўзаро хатти-ҳаракатлар тизими, деб талқин этди.

Алмонднинг фикрича, сиёсий тизим жамиятдаги легитимлашган тузумни қўллаб-қувватлаб ва қайта ўзгартириб турувчи тизимдир. У жамиятнинг “кирувчи” ва “чиқувчи” омилларига сингиб кетган ва унга алоҳида хусусиятлар ва мазмунлар бахш этиб турувчи, шунингдек, уни тизим сифатидаги мустаҳкам бирлигини таъминлаб турувчи қонунийлашган кучдир.

---

<sup>96</sup> Дегтярев А. А. Основы политической теории. — Москва: 2001. — С. 122.

<sup>97</sup> Основы политической науки. Учебное пособие. Под. ред. В. П. Пугачева. Часть II. — Москва: МГУ, 1996. — С. 81.



Алмонд Истондан фарқ қилиб, фақат юз бераётган жараёнларни таҳлил қилиш билан чекланмайди, балки кўпроқ сиёсий тизимнинг барқарор тузилмалари аҳамиятини аниқлашга қизиқади. Алмонд таҳлилларида “тузилма” (структура) тушунчаси “маданият” тушунчаси билан бир қаторда муҳим ўрин эгаллайди. У “тузилма” деганда, сиёсий тизимни шакллантириш фаолиятини имконият доирасидаги назоратини тушунади. У кишиларнинг сиёсий жараёнларда иштирок этаётган фаолиятига доир муайян қисмини рол деб атайди. Роллар – ижтимоий, жумладан сиёсий тизимларни ва барча омилларни тўплаб бир бутунлик сифатида йиғадиган бирликлардир. Шунинг учун ҳам роллар сиёсий тизимнинг асосий компонентларидан бири саналади. Ўзаро боғланган ролларнинг муайян йиғиндиси тузилмани (структура) ташкил этади. Масалан, ҳакам (судья) – бу рол, суд (ҳакамлик) эса роллар тузилмасидир.

Тизимга нисбатан функционал талабларни ҳеч бир исботсиз қоидалар сифатида қабул қилиш барча ёндашувларнинг асоси бўлиб хизмат қила бошлади. Жамият ҳаёти учун зарур бўлган ва чекланган муқобиллари ичидан танлаб олинadиган қандайдир мақсадлар миқдори мавжудлиги ва бу мақсадларнинг муайян хатти-ҳаракатларга айланиши учун тизим маълум бир функцияларни бажариши лозим бўлади. Ижтимоий фанлар нуқтаи назарига биноан функция – мақсадга мувофиқ фаолиятдир. Мақсадга мувофиқлик тизим доираси билан аниқланади. Йўналтирилган ёки мақсадли функциялар “очиқ”лик характерига эгадир. Бу каби характер касб этмаган функциялар эса “яширин” дейилади. Бу ҳолатда барча амалга ошган хатти-ҳаракатлар ва тузилмаларни чуқур англашни ҳисобга олиш талаб этилади. Тузилмавий-мақсадли усулнинг устунлиги шундаки, у сиёсий актёрлар ва гуруҳлар томонидан амалга ошириладиган функцияларнинг (айниқса, уларнинг яширин шакллари) муҳимлигини англашга имкониятлар яратади.

Алмонднинг фикрича, сиёсий тизимнинг кириш ва чиқиш омилларини тизимларнинг ичкарисидан келиб чиқадиган функциялар нуқтаи назаридан таҳлил этиш зарур. У шундай саволлар қўяди: ким (яъни, қандай тузилмалар), қандай функцияларни бажармоқда ва қандай йўсинда?

Д.Истон ва Г.Алмонд ҳозирги даврда ҳам ўз ривожланиш жараёнларини давом эттираётган сиёсий тизим назариясини яра-

тишга улкан ҳисса қўшдилар. Истон ва Алмонд моделларининг илмий аҳамияти шундаки, улардан ўз олдига эмпирик равишда ўзаро бирлашадиган гипотезаларни яратиш мақсадини қўйган ўзига хос ва мустақил бўлган қўп соҳаларда концепциялар манбаси ва ишчи модели сифатида фойдаланиш мумкин. Ундан ташқари, эмпирик таҳлилнинг бирмунча муаммоларини ҳал этиш учун бағоят долзарб аҳамият касб этган – соҳага оид муайян терминларни стандартлаш, маълумотларни кодлаштириш, ахборотларни сақлаш кабиларни амалга ошириш учун кенг имкониятлар туғилди.

Мазкур моделлар тизимларни сақлаш ва мувофиқлаштириш усулларини тадқиқ этишда ҳам ўзининг мақсадга мувофиқ эканлигини исботлади. Бу моделларнинг (айниқса, Алмонд моделининг) сиёсий тизимларни қиёсий тадқиқ қилишдаги самарадорлиги ниҳоятда юқоридир. Истон ва Алмонд ўзларининг сиёсий “тизим” моделларини яратиш баробарида қиёсий таҳлил учун макробирлик тизими тушунчасини ҳам шаклланишига асос солдилар. Уларнинг концепцияси нафақат колониялар, федерациялар, давлат-шаҳарларни, балки компонентлари ўзаро бир-бирлари билан боғланган ва яхлитликни тақсимланиши сифатида сиёсий тизим функциясини бажарётган ҳар қандай бирликни (метрополиялар, федерация аъзоси бўлган давлатлар, турли таъсир этиш гуруҳларини) таҳлилга киритиш имкониятини яратиб берди<sup>98</sup>.

*К.Дойчнинг ахборот-кибернетика модели.* Сиёсий тизим назариясини ривожлантиришнинг яқунлаш босқичи XX асрнинг 50-70-йилларида Сиёсий фанларнинг Халқаро ва Америка ассоциациялари собиқ президенти К.Дойч томонидан “ахборот-кибернетика модели”га асос солиниши билан ўз ниҳоясига етди<sup>99</sup>. Ўз вақтида Т.Гоббс сувереннинг олий ҳокимиятини ижроия, суд ва бошқа органлар билан боғлаб турувчи сиёсий коммуникацияларни “давлат бошқарувининг нервлари”, деб атаган эди. Т.Гоббснинг

---

<sup>98</sup> Основы политической науки. Учебное пособие. Под ред. В.П. Пугачева. Часть II. –Москва: МГУ, 1996. –С.82-83.

<sup>99</sup> Deutsch K. Nationalism and Social Communication. New York, 1953; Idem. The Nerves of Government: Models of Political Communication and Control. New York, 1963.

ана шу ғоясидан баҳра олган К. Дойч ўзининг “Бошқарув нервлари: сиёсий коммуникация ва назорат моделлари” (1963 й.) номли асарини ёзди. Унда сиёсий тизим коммуникация ва ахборот оқимлари шахобчаси сифатида талқин этилади. К. Дойч ишлаб чиққан ахборот-кибернетика ёндашуви доирасида сиёсий ҳаёт кибернетик таҳлил ва коммуникатив механизмлар воситасида таҳлил этилади<sup>100</sup>.

Кибернетика тушунчаси “бошқарув санъати” маъноси асосида пайдо бўлиб, у дастлаб денгиз навигацияси ва сув кемасини бошқариш маъноларини англатган. Дойчнинг фикрича, ҳукумат (давлат бошқаруви субъекти сифатида) сиёсий тизимни ахборот оқимлари ва коммуникатив ўзаро хатти-ҳаракатларни тизим ва муҳит ўртасида, шунингдек, тизимнинг ўзини ичидаги алоҳида қисмлар билан мувофиқлаштириш йўли билан сафарабар этади.

К. Дойч “Бошқарув нервлари” асарида сиёсий тизимларнинг амал қилиш моделини жуда ҳам мураккаб ва кетма-кетлаштирилган, орқага қайтиш принципи асосида қурилган ахборот оқимлари йиғиндиси сифатида таърифлайди<sup>101</sup>. У сиёсий тизим моделида ахборот-коммуникатив оқимлар ўтишининг турли даврлари билан боғлиқ бўлган тўртта қисмларини ажратиб кўрсатади: 1) ахборотлар олиш ва танлаш; 2) ахборотларга ишлов бериш ва уларни баҳолаш; 3) қарорлар қабул қилиш; 4) орқага қайтувчи алоқалар билан қарорларни амалга ошириш.

Биринчидан, сиёсий тизим ахборот хизматларига (ҳукумат ва шахсий), жамоатчилик фикрини ўрганиш марказларига (ҳукумат қабулхоналари, агентура шахобчалари ва бошқ.) тегишли бўлган, “рецепторлар” деб аталувчилар (ички сиёсий ва ташқи сиёсий) воситасида ахборотларни қабул қилади. Бунда тушган маълумотлар сараланади, тизимлаштирилади ва дастлабки таҳлиллар амалга оширилади. Иккинчидан, кейинги босқичда сараланган янги ахборотларга “хотиралар ва баҳолашлар” хизмати доирасида қайта ишловлар берилади, бу жараёнда бир томондан, қўлга киритилган ахборотлар эски ахборотлар билан қиёсланади, бошқа томондан, қадриятлар, меъёрлар ва стереотип-


---

<sup>100</sup> Дегтярев А.А. Основы политической теории. –Москва: 2001. –С.125.

<sup>101</sup> Ўша жойда. –Б. 126.

лар асосидаги баҳолашлар амалга оширилади. Учинчидан, сиёсий вазиятни ўз устувор жиҳатларига ва ҳукумат мақсадларига (қарорлар қабул қилиш маркази сифатидаги) мувофиқлиги даражасининг ҳулосавий баҳолашлар олинганидан кейин тизимнинг охири жорий ҳолатини мувофиқлаштириш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинади. Ва ниҳоят, охири босқичда “таъсир манбалари” (“эффекторлар”) деб аталувчи акторлар (ижроия органлари ва бошқ.) қарорларни амалга оширади, сўнгра уларнинг натижалари тизимни амал қилишини янгидан тақрорланишини таъминловчи “рецепторлар” учун “орқага қайтувчи алоқалар” орқали янги ахборотлар сифатида хизмат қилишга тақдим этади.

К.Дойч, шу билан бирга, сиёсий тизимдаги коммуникацияларнинг учта турини ажратиб кўрсатади: 1) шахсий, норасмий коммуникациялар (face-to-face), масалан, депутатликка номзоднинг сайловчилар билан табиий ҳолатдаги шахсий алоқаси; 2) ташкилот орқали коммуникациялар, яъни ҳукумат билан алоқалар партиялар ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари воситасида амалга оширилади; 3) ОАВ (оммавий ахборот воситалари) орқали бўладиган коммуникациялар, тезлик билан ўсиб бораётган электрон воситалар.



5.2-расм. К.Дойч сиёсий тизими схемаси

К.Дойчининг сиёсий тизим концепцияси қаттиқ танқидларга учради. Лекин шунга қарамай, у ҳокимият муносабатларининг муҳим ва фаол компоненти бўлган ахборот оқимлари ва коммуникатив алоқаларни сиёсий тизим таҳлили жараёнларига олиб кирди<sup>102</sup>.

### 3. Жамият сиёсий тизимининг тузилмаси ва функциялари

Сиёсий тизим – ўзаро хатти-ҳаракатдаги остки тизимларнинг бир бутунликни ташкил этган ҳолатидир. Сиёсий тизим тузилмаси ичида учта остки тизимлар мавжуд: институционал, ахборот-коммуникатив ва меъёрий-регулятив.

Институционал остки тизим давлат, сиёсий партиялар, манфаатлар гуруҳлари (нодавлат ва жамоат ташкилотлари) каби институтлардан иборатдир. Ўзида энг кўп сиёсий ҳокимиятни ифодаловчи етакчи институт – бу давлатдир. Демократик жамиятларда сиёсий партиялар, манфаатлар гуруҳлари (нодавлат ва жамоат ташкилотлари) автоном бўлиб, улар ўз функцияларини ҳеч қандай тўсиқларсиз бажара оладилар. Сиёсий партиялар ва манфаатлар гуруҳлари (нодавлат ва жамоат ташкилотлари) давлат тузилмаларини шакллантиришга таъсир этади, сиёсий мақсадларни тузатиб туради, сиёсий ривожланишни йўналтиришда иштирок этади. Авторитар ва тоталитар жамиятларда сиёсий партиялар ва манфаатлар гуруҳлари бошқарувчи элита ва бюрократик аппаратга қаттиқ бўйсундирилади, уларнинг табиий функциялари ўзгартирилади.

Сиёсий тизим тузилмасидаги ахборот-коммуникатив остки тизим институтлар билан сиёсий тизим ўртасидаги алоқаларни таъминлаб туради. Бу остки тизим унсурларига ҳукуматга ахборот бериш йўллари (очиқ мажлисларда ишларни кўриб чиқиш тартиботи, турли текширувлар комиссиялари, манфаатлар гуруҳлар билан ўтказилган ёпиқ консултациялар ва бошқалар), шунингдек, кенг оммага мўлжалланган китоблар, журналлар, газета, радио, телевидениелардан иборат оммавий ахборот воситаларини киритиш мумкин.

---

<sup>102</sup> Дегтярев А.А. Основы политической теории. –Москва: 2001. –С.127.

Бу остки тизим муҳим аҳамиятга эгадир: бу тизимда иштирок этган кишилар турли хил воқеликлар ва хатти-ҳаракатларда бевосита иштирок этганлиги, жумладан, маълум бир ҳажмдаги сиёсий йўналишларга оид билим ва ахборотларга эга бўлганликлари туфайли сиёсий жараёнларни баҳололай олади. Агар демократик жамиятларда ОАВ мустақил бўлса, авторитар ва тоталитар жамиятларда улар бошқарувчи элитага бўйсундирилади.

Меъёрий-регулятив остки тизим кишиларнинг сиёсий ҳаётдаги хулқларини белгилаб ва аниқлаб берувчи турли хил меъёрлардан иборат бўлиб, улар асосан қуйидагилардир: кишиларнинг ўз талабларини илгари суриш жараёнларидаги иштироки, бу талабларни қарорларга айланиши, қарорларни амалга ошириш. Бу меъёрлар—барча турдаги сиёсий жараёнларда иштирок этишнинг асосий қоидалари ҳисобланади. Меъёрларни икки турга бўлиш мумкин: 1) меъёр-одатлар; 2) меъёр-қонунлар. Демократик мамлакатларда фуқароларнинг сиёсий партиялар ва манфаатлар гуруҳлари воситасида сиёсатда иштирок этишлари одатдаги меъёрлар саналади. Шунингдек, фуқароларнинг ҳоқимият эътиборини ҳис этиб туриши ҳам одатдаги ҳолатдир.

Меъёр—одатларнинг ички томони меъёр-қонунлардан иборат бўлган сиёсий тизим шаклини аниқлайди. Тоталитар жамиятларда ғалабага эришган лидер ёки гуруҳнинг ҳамма нарсага эгалик қилиши одатдаги қоидага айланади. Собиқ иттифоқда ХХ асрнинг 50-йиллари ўртасидан бошлаб ҳоқимият тепасига чиққан етакчиларнинг ворисийлиги мансабдор шахсларни жисмоний йўқ қилишсиз давом этганлиги бу даврда тизимнинг асослари шаклининг ўзгарганлигидан далолат беради. Меъёр—қонунлар қонун ишлаб чиқиш жараёнларини аниқлайди, унинг қуйидаги ҳуқуқларини белгилайди (ёки режимга боғлиқ бўлса, унда белгиламайди): овоз бериш, сўз эркинлиги, бирлашмалар тузиш ва бошқалар. Ҳар икки меъёр сиёсий хатти-ҳаракатлар уйғунлигини таъминлайди, уларсиз жамиятда алғов-далғовлар ёки тартибсизликлар келиб чиқиши табиий бир ҳолдир.

Замонавий сиёсатшуносликка хос бўлган сиёсий тизимлар функциялари Алмонд томонидан атрофлича ва тўла таҳлил этилган. Унга биноан, барча тизимлар иккита таянч функцияларни бажаради: “кириш” функцияси ва “чиқиш” функцияси. Алмонд “кириш”нинг тўртта функциясини ажратиб кўрсатади:

1) сиёсий ижтимоийлашув ва иштирок этишга жалб этиш;  
2) манфаатларни артикуляция (йиғиш, бир тизимга солиш) қилиш;

3) манфаатларни агрегация (барча манфаатлар ичидан кенг қатламлар манфаатлари ажратиб олинад) қилиш;

4) сиёсий коммуникация.

Шунингдек, чиқишнинг уч функцияси мавжуд:

1) меъёр-қонунлар ишлаб чиқиш;

2) меъёрларни қўллаш;

3) меъёрларни сақлашни назорат қилиш.

“Кириш” функцияси ноҳукумат остки тизим устуворлигига амал қилади, “чиқиш” функцияси эса ҳукуматнинг ўзига тааллуқлидир.

“Сиёсий ижтимоийлаштириш ва иштирок этишга жалб этиш” функцияси ҳозирги даврда барча сиёсий тизимларга хос бўлган жамият аъзолари ўртасида “иштирок этиш руҳияти”ни тарқалишини таъминлаб беради. Бу функцияни демократик давлатларда ноҳукумат ташкилотлар бажарсалар (албатта, бунда давлатнинг ҳам маълум таъсири бўлади), тоталитар жамиятларда давлат бажаради. Чунки сиёсий ижтимоийлаштиришнинг барча агентлари (мактаб, ёшлар ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқалар) давлат назорати остида бўлади, “иштирок этиш руҳи” ҳукмрон мафкурага мувофиқ ҳолда кечади. Демократик мамлакатларда “иштирок этиш руҳи”ни ёйиш натижасида индивидуумлар “субъект”дан “фуқаро”га айланади. Тоталитар режимларда бундай жараёнлар юз бермайди.

Манфаатларни артикуляция қилиш – манфаатлар гуруҳлари (нодавлат ва жамоат ташкилотлари) амалга оширадиган, сиёсий конверсия жараёни давомидаги биринчи функционал қадамдир. Жамоатчилик фикрини ҳурмат қилиш, бирлашмалар эркинлигига доир қарашларга берилиш характерли бўлган демократик жамиятларда манфаатлар гуруҳлари фуқаролар билан давлатни боғлаб турувчи бўғинлар сифатида фаолият юритади.

Давлат сиёсати қонунлар қабул қилиниши билан тугамайди. Сиёсатнинг ва қарор қабул қилишнинг муҳим жиҳати “меъёрларни қўллаш” функцияси ҳисобланади. Бу функцияни нафақат ижроия органлари ва маъмурий бюрократия бажаради, балки уни кўпинча қонун чиқарувчи ва ҳуқуқий тузилмалар ҳам бажаради.

Меъёрларни сақлашни назорат қилиш – бу маълум қонунни бузиш факти ва унга тааллуқли жазони қўллаш мақсадидаги қонунлар ва хатти-ҳаракатларни шарҳлашдир. Ижроия ва қонун чиқарувчи органлар назоратни ташкил этувчилар сифатида суд жараёнларида баъзан сезиларли рол ўйнасаларда, асосан бу функция суд органлари компетенциясига киради<sup>103</sup>.

Сиёсий тизим қуйидаги вазифаларни амалга оширади: ижтимоий манфаатлар ва ўзаро хатти-ҳаракатларни сиёсий жиҳатдан ифодалайди; индивидлар ва уларнинг бирликлари зиддиятли манфаатларини аниқлаш, уларнинг сиёсий тизимнинг яхлитлигига хавф солиши мумкин бўлган ихтилофли шакллари ҳоқимият институтлари ва сиёсий иштирок воситасида келиштириш, гуруҳлар ва қатламлар манфаатларини аниқлаш, ифодалаш ва келиштириш; жамиятни ривожлантириш мақсадлари ва дастурларини ишлаб чиқиш йўли, манфаатларни оқилона ва адолатли тарзда таққослаш асосидаги сиёсий раҳбарликни амалга ошириш; жамиятнинг яхлитлиги ва яшаши учун хавф солаётган муҳит омилларига қарши курашиш асосида турли манфаатларни ифодалаётган сиёсий кучларни бир бутун тизимга бирлаштириш мақсадида интеграциялаш; кишиларнинг юксак орзуларини амалга оширишга мўлжалланган мақсадга йўналтирилган ижтимоий ўзгаришларни амалга оширувчи фаолият олиб бориш.

Жамият сиёсий тизимининг асосий функциялари қуйидагилардан иборат:

- жамиятнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш, унинг яшаши ва фаровонлигининг дастурларини ишлаб чиқиш;

- қўйилган мақсадларга эришиш учун жамият ресурсларини сафарбар этиш;

- умумий ижтимоий-сиёсий мақсадлар ва миллий мафкура ҳамда сиёсий маданият қадриятлари атрофига жамиятнинг барча унсурларини интеграция қилиш;

- сиёсий-коммуникациявий жараёнларни бошқариш;

- жамиятда тизим манфаатларини сақлаш билан боғлиқ ҳолда қадриятларни тақсимлаш, сиёсий ривожланишни унинг манфаатлари ҳамда асосий сиёсий-маданий устуворликларига мувофиқ тарзда амалга ошириш;

---

<sup>103</sup> Основы политической науки. Учебное пособие. Под ред. В.П. Пугачева. Часть II. – Москва: МГУ, 1996. – С.84-88.



-қонун ва қоидалар ижросини назорат қилиш, сиёсий меъёрларга зид бўлган хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш<sup>104</sup>.

Алмонд сиёсий тизимларнинг амал қилишини учта даражасини белгилаб берди. Улар сиёсий тизимларнинг турли хилларини қиёслаш имконини беради, Биринчи даража – тизим имкониятлари. Алмонд имкониятларни ҳукуматнинг жамият устидан ҳокимияти, ҳукумат мақсадларини қўлга киритиш манфаатлари учун кишилар хулқи ва онгига таъсир қилиш даражасидир, деб таъкидлайди. У имкониятларнинг беш турини кўрсатиб, уларни баъзи ҳодисаларда улкан, баъзиларида эса жуда ҳам кичик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб ўтади:

1) экстрактив имконият – тизимнинг маълум мақсадларда моддий ва инсоний ресурсларни (кишилар истеъдоди, қўллаб-қувватлаши, пул ва бошқа) тўплай олиш қобилияти;

2) мувофиқлаштирувчи имконият – жамиятдаги гуруҳлар ва алоҳида кишиларнинг хулқини назорат қилиш қобилияти;

3) тақсимлаш имконияти – жамиятдаги моддий ва номоддий бойликларни яратиш, жойлаштириш ва тақсимлаш қобилияти;

4) турли таъсирларга жавоб бериш, акс таъсир кўрсатиш имконияти – бу тизимнинг маълум сиёсатга мувофиқ равишда “чиқиш учун бериладиган” талабларга нисбатан акс таъсир кўрсатиш, турли гуруҳлар ифодалаётган хилма-хил талабларга жавоб бера олиш қобилияти;

5) тимсолловчи имконият – легитимлик ва қўллаб-қувватлаш эҳтиёжлари, тизимнинг оммавий эътиқодлар, қарашлар, мифлар, ёрқин, топқир тимсоллар ва шиорлар яратиш, улар ёрдамида ўз мақсадларини амалга ошириш учун зарур легитимликни қўллаб-қувватлаш ниятида устомонликни қўллаш қобилияти билан мустаҳкам боғлиқ бўлган имконият.

Аксарият сиёсий тизимлар ўз характериға биноан регулятив ва экстрактивдир. Тоталитар тизимлар жамият талабларига етарли даражада эътибор бермайди, ташқи муҳитдан келиб чиқадиган талабларға ҳам акс таъсир кўрсатмайди. Маълумки, коммунистик тоталитаризм фашистик тоталитаризмдан ўзининг кучли тақсимловчилик қобилияти билан ажралиб

---

<sup>104</sup> Ирхин Ю.В., Зотов В.Д., Зотова Л.В. Политология: Учебник. –М.: Юристъ, 2002. – С.205-206.

туради. Тоталитар жамиятларда тимсолловчи имкониятлар ҳам улкан бўлади.

Демократик тизимларда мувофиқлаштириш, экстракция ва тақсимлаш “чиқиш”ларга нисбатан гуруҳларнинг талаблари – “кириш”ларга катта таъсир эта олиш қобилиятига эгадир. Шунингдек, айтиш мумкинки, демократия юксак даражада акс таъсир кўрсатиш қобилиятига эгадир. Тизимлар имконияти билан тизимлар самарадорлиги, яъни унинг натижалар бериш, қадриятларни яратиш ва жойлаштиришдаги умумий қобилияти бир-бирига боғлангандир.

Тизимлар амал қилишининг иккинчи даражаси – унинг ўзида (ичида) нималар кечаётганлиги, яъни конверсия жараёнини акс эттиради. Конверсив жараёнлар (ёки функциялар) – бу кирувчи омилларни чиқувчи омилларга айлантириш усуллари дир. Бир сиёсий тизимнинг конверсив жараёнини иккинчи тизим билан Алмонд схемаси асосида қиёслаш мумкин. Бунда олтита асосий функция келтирилади:

1) талаблар қандай шаклланади (манфаатлар артикуляцияси);

2) муқобил ҳаракатлар дастурларини талаблар билан тўлдириш қандай кечмоқда (манфаатларни агрегация қилиш);

3) меъёрлар қандай шаклланади (меъёрлар ишлаб чиқиш);

4) бу меъёрлар ҳаётга қандай татбиқ этилади (меъёрларни амалга ошириш);

5) улар қандай назорат қилинади ва мувофиқлаштирилади (меъёрлар устидан назорат);

6) бу турли-туман барча хатти-ҳаракатлар мазкур тизимлар ичида бир-бирлари билан, шунингдек, тизимларнинг атроф-муҳит (коммуникация) билан ўзаро ҳаракатлари қандай ўзаро муносабатларда бўлади<sup>105</sup>.

Сиёсий тизим амал қилишининг учинчи даражасини Алмонд моделнинг қўллаб-қувватлаш ва адаптация функцияси, деб атайди ва унга аввало, сиёсий ҳаётда янги роллар яратиш ва унга янги кишиларнинг “ёриб” кириб келиш ҳодисасини ижтимоийлашув ва рекрутлашув жараёни, деб қарайди.

---

<sup>105</sup> Основы политической науки. Учебное пособие. Под ред. В. П. Пугачева. Часть II. – Москва: МГУ, 1996. – С. 88-89.

#### 4. Сиёсий тизимларни таснифлаштириш

Сиёсий тизимларни қандай шаклланиши, уларнинг бир-бирларидан фарқланиши, ҳар бир сиёсий тизимнинг ўзига хос хусусиятларининг мавжудлигини аниқлаш учун улар сиёсатшунослик фани нуқтаи назаридан таснифлаштирилади.

Сиёсий тизимларни таснифлаштиришга даставвал қадимги юнон мутафаккири Платон асос солган. У турли сиёсий тизимларнинг характерини белгилаш мақсадида аристократия, тимократия, олигархия, демократия ва тирания каби тушунчаларни шакллантириб, уларни сиёсий таҳлил жараёнларида қўллаган<sup>106</sup>. Бу назарий қарашларни Аристотель янада ривожлантирди. У давлат тузилиши шакллари (унда сиёсий тизимнинг асосий белгилари ҳам ифодаланган) таснифлаштиришни янада мукамаллаштириб, олтига бўлинган схемани ишлаб чиқди: 1) тўғри шакллар (барчанинг фаровонлиги учун қонун асосида бошқариш) – монархия, аристократия, политика (муътадил демократия) 2) нотўғри шакллар (идора этувчилар фаровонлиги учун қонунлар асосида эмас, балки эркинлик асосидаги бошқарув) – тирания, олигархия, ашаддий демократия (охлократия)<sup>107</sup>.

XIX–XX асрларга келиб сиёсий тизимлар тузилмавий характер касб эта бошлаганидан кейин жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузилмаларини ва сиёсий муносабатлар шакллари (формациявий ёндашув) таснифлаштиришнинг марксча ёндашувлари шаклланди. Улар қуйидагилардан иборат эди: қулдорлик, феодал, капиталистик (буржуа) ва социалистик (коммунистик). Лекин бу ёндашувлар синфийликка ва ҳукмрон мафкурага асосланганлиги учун ҳам инқирозга юз тутди.

XX асрнинг ўрталаридан бошлаб Франция сиёсатшуноси Ж.Блондель томонидан ишлаб чиқилган сиёсий тизимни таснифлаштириш кенг тарқалди: 1) либерал демократия; 2) радикал-авторитар (коммунистик) тизимлар; 3) анъанавий (мавжуд иж-

---

<sup>106</sup> Платон. Диалоги/Пер. с древнегреч.; Сост., ред. и авт. вступит. статьи А.Ф.Лосев.–Москва:Мысль,1986.–С.100-102,474.

<sup>107</sup> Аристотель. Политика.//Сочинения. В 4-х т. Т.4/Пер. с древнегреч.;–Москва:-Мысль,1984.–С.457-459.

тимойй муносабатларни сақлаш); 4) популистик (учинчи дунё мамлакатлари); 5) авторитар-консерватив.

Шунингдек, баъзи олимлар (С. Д. Гелей, С. М. Рутар ва бошқ.) сиёсий тизимларни жамиятни таснифлаштириш асосидан келиб чиқиб талқин эта бошлади: маданий ёндашувларга биноан – ғарбий, япон, конфуцийчилик, Лотин Америкаси, мусулмон, ҳинд, славян-православ тизимлари, цивилизациявий ёндашувларга биноан – аграр, индустриал ва индустриалдан кейинги жамиятлар сиёсий тизими<sup>108</sup>.

Замонавий сиёсий фанларда даражалаш (дифференциациялашув) мезонларига боғлиқ ҳолда сиёсий тизимларнинг турли таснифлари шаклланди. Аксарият тадқиқотчилар иккита асосий мезон ёрдамида иккита идора этиш моделларини бир-биридан фарқлайди: 1) ҳокимиятнинг марказлашув даражаси (қарор қабул қилиш жараёнлари иштирокчилари сонига боғлиқ дифференциация); 2) қадриятлар турлари. Бу мезонлардан келиб чиқиб, сиёсий тизимлар қуйидагиларга бўлинади: а) тоталитар ва либерал-демократик; б) тоталитар, авторитар ва демократик; в) конституциявий ва тоталитар; г) анъанавий ва замонавий.

Замонавий сиёсий фанлар ва амалиёт талабларига Алмонд таснифлари нисбатан яхшироқ жавоб беради. У тузилмавий дифференциациялашга асосланган таснифлаштиришдан мустаҳкам боғловчи тушунчалар – тузилмалар ва маданиятларга асосланган таснифлаштиришга ўтади. Алмонд кўпроқ жамиятни ташкил этиш шакллари жамиятнинг идеаллари ва қадриятларини қандай қабул қилади ва уларга қандай мувофиқ келади, деган масалаларга ўз диққат-эътиборини қаратди. У тўртта замонавий сиёсий тизим турини бир-биридан ажратиб кўрсатди: инглизамерикан; континентал-европа; индустриалгача ва қисман индустриал; тоталитар.

Алмонднинг фикрича, инглизамерикан АҚШ, Англия, Канада, Австралия сиёсий тизимлари маданиятларнинг гомогенлиги билан ажралиб туради: сиёсий мақсади ва воситалари, уларга эришишни ҳаммаси баравар қабул қилади. Аҳолининг аксария-

---

<sup>108</sup> Қаранг: Сущность системного подхода к анализу политических явлений и процессов// <http://www.novlenta.ru/index.php/cistema-znaniyo-politike/politicheskaya-sistema-obshchestva>.

ти учун шахс эркинлиги, оммавий фаровонлик ва хавфсизлик устувор аҳамият касб этади. Бу сиёсий тизимларда роллар тузилмаси чуқур дифференциялашган, яъни ҳар бир партия, манфаатлар гуруҳлари ўзларининг аниқ мақсадларига эга, улар тизимда ўз хусусиятларига эга бўлган функцияларини бевосита бир маромда бажаради, шунингдек, улар аниқ ташкиллашган ва бюрократлашган. Бу тизимлар ўзининг юқори даражадаги барқарорлиги, ҳокимиятнинг тақсимланиши ва тизим ичидаги таъсирчанлиги билан характерланади.

Континентал-европа туридаги сиёсий тизимлар Франция, Германия ва Италия учун тааллуқлидир. Улар учун сиёсий маданиятнинг эклективлиги, янги ва эски маданиятларнинг ўзаро тинч-отув яшовчанлиги хосдир. Масалан, Францияга вакиллик ҳокимияти анъанавийлиги билан бир қаторда, плебисцит анъанаси ва популизмга мойиллик хосдир. Франция тарихида Наполеон ва де Голл кабиларнинг бевосита тўғридан-тўғри демократия шакллари мурожаат этганлиги маълум. Бу сиёсий тизим учун турли мафкурадаги партияларнинг кўплиги, жамиятга сезиларли таъсир кўрсатувчи эски анъаналарнинг мавжудлиги характерлидир.

Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги кўплаб сиёсий тизимлар индустриалгача ёки қисман индустриал тизимларга хосдир. Сиёсий тизимларнинг бу турига аралаш сиёсий маданиятлар ҳам хосдир: ғарб қадриятлари қоришмаси, этник анъаналар, диний анъаналар. Бу турдаги тизимларда сиёсий маданият эклективлиги ғарбий Европа тизимларидаги бу ҳолатдан фарқ қилади. Чунки бу тизимларда қарама-қаршиликлар кутилмаган бир ҳолда бир-бирлари билан қўшилиб кетиши мумкин. Бу тизимларда ҳокимиятлар бўлиниши ҳам турлича. Кўпинча армия ёки бюрократик аппарат қонун чиқариш функцияларини ўз зиммасига олади, қонун чиқарувчи органлар эса суд жараёнларига аралашиб туради. Бу тизимлар учун шахсий авторитаризм, бир партия ҳокимияти, куч ишлатишнинг катта имконияти кабилар хосдир. Сиёсий иштирок эса маҳаллий даражаларда амал қилиш билан чекланади.

Тоталитар турдаги сиёсий тизимлар учун фашистик Италия ва фашистик Германия ва “жаҳон социализм тизими” мамлакатлари мисол бўла олади. Лекин бу мамлакатларда ҳозир сиёсий ва иқтисодий модернизация жараёнлари амалга оширилмоқда.

Бу турдаги тизимларда эркин манфаатлар гуруҳлари учрамаслиги характерлидир. Бу тизимда сиёсий иштирок ҳам ўзига

хос бўлиб, у асосан декоратив характер касб этади. Сиёсий коммуникация марказ томонидан қаттиқ назорат қилинади. Тоталитар жамиятлар ўта марказлашган бўлиб, улар учун куч ишла-тишнинг юқори даражада бўлиши характерлидир. Алмонднинг фикрича, мутлақ итоат эттириш асосидаги сиёсий тизим ақлга сиғмайдиган ҳодисадир. Бунда ролларнинг тоталитар тузилиши-га хос бўлган иккита характерли белгиси бир-бирини тақозо эти-шини кузатиш мумкин: а) мажбурловчи ролларнинг устунлиги; б) ўз вазифасига хос бўлмаган вазифаларни бажарувчи бюрок-ратия, партия, армия, хавфсизлик органлари ҳокимият роллари-ни функционал беқарорлиги<sup>109</sup>.

*Индустриал жамиятда сиёсий тизимларни модернизациялаш муаммолари.* Ҳозирги даврга келиб айрим олимлар дунёда кечаётган ўзгаришлар натижасида XX асрнинг 70-80-йилларидан бошлаб сиёсий тизимлар инқирози кузатилмоқда, деган фикрни илгари сурмоқда. Ральф Дарендорф ўзининг «Демократияни бошқарувчанлиги тўғрисида» номли асарида қуйидагиларни қайд этади: Ҳозирги ижтимоий вазият «ўзининг бошқарувчанли-гининг сўнгги даврини ўз бошидан кечирмоқда»<sup>110</sup>. У ўз фикрини давом эттириб яна қуйидаги фикрларни билдиради: «Ривожлан-ган сиёсий тизимга эга бўлган давлат, умумий фаровонлик дав-лати, айниқса, ўзига тегишли бўлган энг сўнгги иқтисодий имко-ниятларидан фойдаланмоқда». Марказлашган ҳукуматнинг по-стиндустириал (индустириалликдан кейинги) воқеликлар шарои-тида пайдо бўлган муаммолар мажмуини ҳал этишни удаллаши жуда ҳам қийин кечмоқда<sup>111</sup>. Яна бошқа машҳур олимлардан О.Тоффлер ҳам ана шу каби салбий фикрларни келтиради: «На-фақат иккинчи тўлқин<sup>112</sup> институтлари, балки улар жойлашган

---

<sup>109</sup> Основы политической науки. Учебное пособие. Под.ред.В.П. Пугачева. Часть II.—Москва: МГУ, 1996.—С.90-92.

<sup>110</sup> Dahrendorf R. On the Governability of democracies // Comparative politics. Notes and Readings. N.Y., 1991.—P.284.

<sup>111</sup> Ўша жойда. —Б. 288.

<sup>112</sup> Тўлқин —бунда сўз жаҳонда кечган демократиянинг учта тўлқи-ни (биринчиси — XIX аср бошидан XX асрнинг 20-йиллари ўртасига-ча; иккинчиси — Иккинчи жаҳон урушидан XX асрнинг 60-йиллари бошигача; учинчиси — 1974 йилдан кейинги давр) тўғрисида кетмоқда (М.Қ.).

асослар ҳам эскириб кетди»<sup>113</sup>. У яна қуйидаги далилларни келтиради: «Иккинчи тўлқин оммавий жамиятларни қандай етиштирган бўлса, учинчи тўлқин бутун ижтимоий тизимни янада турли-туманлаштирган ва мураккаблаштирган ҳолда ўзгартириш асносида оммавийсизлантириб юборди».<sup>114</sup>

Яна баъзи олимлар фикрича, «олдинги иерархик социотузилмаларга хос бўлган моделлар ижтимоий таянчлари ва қатламлари парчаланиб бормоқда. Қатлам – синфга бўлинган ҳаёт дунёси ўрнига бир-биридан фарқ қиладиган индивидуаллашган ҳаёт дунёси қад кўтармоқда... ижтимоий тенгсизлик ҳаёт тарзи ва меъёрлари қандайлигини ифодаламаган ҳолда фақат статистик шаклда намоён бўлмоқда; олдинги синфий ва табақавийликка амал қилишларни тиклашга уринишлар эса ҳаётий воқеликларда ўз асосини топа олмайдиган сунъий ажралишларни амалга оширишга айланиб кетмоқда»<sup>115</sup>. «Ҳозир (ижтимоий) гуруҳлар талайгина, лекин улар узоқ яшамай ўткинчилик характери касб этмоқда»<sup>116</sup>.

Ижтимоий гуруҳларнинг сиёсий тизимда ифодаланаётган манфаатлари эндиликда ижтимоий аҳвол, даромадининг қанчалигини, касби-корини, яшаш жойини тавсифламай қўйди. Индустриалдан кейинги қадриятлар сиёснй иштирокнинг индивидуал шарт-шароитлар даражаси ўсиб боришига таъсир этиб, сиёсий афзалроқ мўлжалларни шаклланишида жиддий рол ўйнай бошлади, шунингдек, электоратнинг умумий сафарбарлиги пастга тушиб бормоқда. Бу каби жараёнлар натижаси оқибатида бир томондан, «элита томонидан йўналтирилаётган» (elite-directed) сайловларда ва бошқа жараёнлардаги иштироклар натижалари аҳамияти турғун ҳолатга тушиб қолмоқда. Индустриалдан кейинги сиёсий кенгликлар мойилликлари Тоффлерга шаклланган вазият учун зарур бўлган ижтимоий инновациялар характеридаги қуйидаги хулосаларни чиқаришга имконият берди: унинг фикрича, индустриал цивилизация институтлари озчиликка бўйсунадиган янги мослашувчан тузилмалар билан алмаштирилиши ло-

---

<sup>113</sup> Toffler O. The Third Wave. N.Y., 1980. – P. 426.

<sup>114</sup> Ўша жойда. –Б. 424.

<sup>115</sup> Ионин Л.Г. Социология культуры. –Москва, 1996.–С.247.

<sup>116</sup> Toffler O. The Third Wave. N.Y., 1980. – P. 425.

зим. Жумладан, партиялар «бу озчиликнинг ўзгариб бораётган қиёфасига хизмат қилиши лозим бўлади». Уларни «plug-in/plug-out» (кирди/чиқди) партиялари, деб аташ мумкин. Воситачилар орқали амалга ошириладиган манфаатлар вакиллиги алмаштирилиб, унинг ўрнига маълум тор мўлжаллар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда долзарблашиб бораётган ўзини ўзи вакил қилишга ўтиш лозим<sup>117</sup>.

*Сиёсий тизимлар ривожланганлик даражаси мезонлари.* Сиёсий тизимлар ўз функцияларини самарали ёки самарасиз бажариши мумкин. Сиёсий тизим ҳокимият институтлари цивилизациявий ривожланишининг у ёки бу босқичига мувофиқ келадиган сиёсий ва ижтимоий мақсадларга эришишга қаратилган ўз қарорларини тўлиқ ёки аниқ бажаришни таъминлай олса, у самарали сиёсий тизим дейилади. Акс ҳолда эса у самарасиз сиёсий тизимдир.

XX аср бошларида сиёсий тизимнинг самараси мезонлари сифатида иқтисодий ва ҳарбий куч-қудратни таъминлаш қобилияти ҳисобланиб, шу асосда мустамлакалар истило қилиш, хомашё манбалари, товарлар сотиладиган бозорларни тақсимлашга таъсир қилиш авж олди, бу жараёнларда кенг ижтимоий қатламларнинг ижтимоий эҳтиёжлари эътиборга олинмай қўйди.

Лекин XX асрнинг охири – XXI асрнинг бошларига келиб инсон ҳаётининг цивилизациялашган ўлчовлари учун муносиб шарт-шароитлар яратиш сиёсий тизимнинг умумий мезонига айланди. Ҳозирги даврда сиёсий тизимнинг самарали эканлигига доир мезонлар сифатида унинг иқтисодий ривожланишни таъминлаш, цивилизациялашган ижтимоий стандартлар, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари, жозибали геосиёсий имиж кабилар учун шарт-шароитлар яратиш қобилияти эътиборга олинмоқда. Бу мезонлар асосан иккига бўлинади: аҳоли жон бошига йиллик ЯИМ ўсиш ҳажмини, иқтисодий эркинлик индексини, давлат, минтақа ва маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини миқдори ва уларни ижтимоий йўналтирилганлигини характерлайдиган *иқтисодий* мезонлар; ижтимоий тенгсизлик даражасини пасайтириш, давлат томонидан ўрнатилган энг кам иш ҳақи,

---

<sup>117</sup>Inglehart R. Culture Shift in Advanced Industrial Society.- Oxford, 1990. –P.336.



пенсия, ижтимоий ёрдамлар стандарти, давлатни таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматларни йўлга қўйиш даражаси кабиларни характерлайдиган *ижтимоий* мезонлар; инсон ва фуқаро ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги миллий қонунчиликнинг халқаро стандартларга мувофиқ келишини таъминлаш, инсон эркинлиги ва ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини парламент, суд ва жамоатчилик томонларидан назорат қилишнинг замонавий механизмларининг мавжудлиги, суд ва пенитенциар тизимлар сифати кабиларни характерлайдиган *ҳуқуқий* мезонлар; ҳарбий, иқтисодий, технологик, маданий каби глобал устун соҳаларда давлатнинг етакчилик ўрнини таъминлашни характерлайдиган геосиёсий мезонлар; давлатни минтақавий ва глобал халқаро тузилмаларга аъзо бўлиб кириш даражаси.

Шунингдек, ҳозирги даврда самарали жамият сиёсий тизими даражасини аниқлаштирадиган қатор омиллар эътироф этилмоқда. Жумладан, давлат ҳокимияти тизимида учта ҳокимият ўртасида демократик принциплар асосида белгиланган ҳокимият ваколатларининг чегаралари посангисини мувозанатлашишини таъминлайдиган механизмларнинг ривожланганлиги, миллий банкнинг мустақиллик мақомини мустаҳкамлайдиган, бюджетнинг даромад қисмини оширмай туриб, унинг харажат қисмини оширишни таъқиқлайдиган конституциявий меъёрларнинг мавжудлиги; давлат ҳокимиятининг номарказлашганлиги, минтақақий ва маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ҳаётий мақомини таъминлаш; кучли ўзаро рақобатдош сиёсий партияларнинг мавжудлиги, сиёсий ва маъмурий ваколатлар чегараларини белгилаб қўйилганлиги, замонавий, юксак малакали бошқарув кадрларини шаклланганлиги; эркин ОАВни ҳуқуқий таъминланганлиги, тўғридан-тўғри демократия институтларининг ривожланиши учун қулай шарт-шароитларнинг яратилганлиги<sup>118</sup>.

Ҳозирги даврда БМТ томонидан илгари сурилган Инсон тараққиёти концепцияси асосида жамият сиёсий тизими ва мамлакатларнинг ривожланиш даражаси мезонларини қўллаш русумга кириб бормоқда. Унга мувофиқ, сиёсий тизимнинг ривожлан-

---

<sup>118</sup> Қаранг: Типы политических систем и критерии их эффективности// <http://www.novlenta.ru/index.php/cistema-znaniy-o-politike/politicheskaya-sistema-obshchestva>.

ганлиги маълум бир мамлакатда инсон тараққиёти даражасининг нечоғли эканлигига мувофиқ баҳолалиши қабул қилинди. Унда асосан, иқтисодийнинг ривожланганлиги, демографик ҳолатлар, аҳоли даромадлари, камбағаллик даражасининг пастлиги, соғлиқни сақлаш, аҳолини овқатланиш даражаси, тураржой ва коммунал хизматлар, таълим ва маданият, жинойтчилик, экологик ҳолат, давлат бошқарувини номарказлаштириш йўналишлари бўйича мавжуд кўрсаткичларни умумлаштириш асосидаги мезонлар мужассамлаштирилган.

Шунингдек, аксарият халқаро ташкилотларнинг турли мамлакатлардаги сиёсий тизимларни ривожланиш даражасини баҳолашда уларда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг ривожланиш даражаси, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига амал қилиш каби жиҳатларни асосий мезонларининг белгиси сифатида қўллаши оммалашиб бормоқда.

## 5. Сиёсий режим

Сиёсий режим – бу жамиятда сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш усуллари, шакллари, йўллари тизимидир. У давлат шакли ва унга хос бўлган бошқарув шакли билан аинқланади. «Сиёсий режим» тушунчаси XX асрнинг иккинчи ярмига келиб пайдо бўлди. Бу сиёсий ҳаёт ва бутун бир жамият сиёсий тизими ҳодисасидир. Бу тушунча ўзаро бир-бирига боғлиқликларни ифодалайди. Сиёсий режимнинг таснифи инсонни ҳокимият тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги ҳақиқий имкониятларини тўлиқ кўрсатиб беради. Поляк олими Е. Вятр сиёсий режимни тартибнинг конституциявий (қонуний) тизими ва бу тизимни амалиётда аниқ мужассамлашуви, деб талқин этади.

Илмий адабиётларда сиёсий режимни талқин этишнинг икки-та анъанавий йўли пайдо бўлди: биринчиси, сиёсий-институционал ёндашув бўлса, иккинчиси социологик нуқтаи назар билан талқин этиш. Биринчи ҳолатда ҳокимиятни расмий-ҳуқуқий, қонунчиликка доир таснифлари асосида амалга оширилишига муҳим аҳамият берилса, иккинчи ҳолатда унинг ижтимоий асослаш ва келиб чиқишига асосий эътибори берилади. Сиёсий-институционал ёндашув асосида сиёсий режимни тадқиқ этган олимлар “режим” тушунчасини “бошқариш шакли” ёки “давлат” тузуми тушунчалари билан айнанлаштиришга ҳаракат қилдилар.

Жумладан, АҚШ олими К.Бекстер “сиёсий режим тизим ёки бошқариш шакли деганидир»<sup>119</sup>, деб ёзган эди. Шу тариқа, сиёсий режим тушунчаси авваламбор, давлат ҳокимиятини бўлиниш хусусиятлари ва бу тармоқлар ўзаро нисбатига боғлиқ ҳолда талқин этилади. Бошқа ёндашувларда эса (Ф.Ригге, Б.Бейкер, Г. Лассуэлл) сиёсий режимни сиёсий тизимни ташкил қилиш ва тартибга солиш, легитимлаш сифатида талқин этилади. Яна бир гуруҳ олимлар эса (Р. Гестил, Г. Алмонд, Г. Поуэлл ва бошқ.) сиёсий режимни сиёсий тизим билан айнан бир нарсадир, деб ёзади<sup>120</sup>.

Ҳозирги даврга келиб сиёсий режимни «сиёсий ҳамжамиятни муттасил янгилаш, ривожлантириш ва амал қилиши усуллари ни ўрнатадиган ёки уни сезиларли даражада назорат қиладиган ҳокимият тузилмаларидир», деган талқин кенг тарқалди<sup>121</sup>. Шунингдек, «режим» тушунчасини «ҳокимият» тушунчаси билан ўзаро нисбатини аниқлаш ҳам сиёсий режимнинг маъносини англашга ёрдам беради. Режим ҳокимият эмас, балки у ҳокимиятни инсоний ҳамжамият миқёсида ташкил этиш, маълум бир мақсадлар ва ўзига хос усуллардан фойдаланган ҳолдаги тузилмавийлаштиришдир. Агар «сиёсий режим» билан «сиёсий тизим»ни ўзаро қиёслайдиган бўлсак, у ҳолда Р.Макридис фикрича, сиёсий режим «функцияларни қандай тарзда институтларга ва тартиботларга, шунингдек, бу жараёнда пайдо бўладиган ўзаро муносабатларни тузилмавийлаштиришга айлантиришнинг ўзига хос йўли ва воситасидир»<sup>122</sup>.

Албатта, сиёсий тизим ва сиёсий режимни турлича талқин этишга доир ёндашувларнинг кўплигига қарамасдан, уларнинг ўртасида мустаҳкам алоқадорликлар мавжуд эканлигини эътироф этиш лозим. Сиёсий режим жамият сиёсий институтини сама-

---

<sup>119</sup> Қаранг: *Traite de science politique*. 4 vol. P., 1985. *Regimes politiques contemporains*. Vol. 1.

<sup>120</sup> Кудрявцев, Ю. А. Политические режимы: Критерии классификации и основные виды /Ю. А. Кудрявцев // *Правоведение*, 2002, № 1 (240). —С.195-196.

<sup>121</sup> Ильин М.В. Ритмы и масштабы перемен. О понятиях «процесс», «изменение» и «развитие» в политологии. *Полис*, 1993. № 2. —С. 57-58.

<sup>122</sup> Macridis R.C. *Modern Political Regimes. Patterns and Institutions*. Boston, Toronto, 1986. —P. 3; 10.

рали амал қилишини таъминлаш тартиботи сифатида намоён бўлади; у ўзида ижтимоий-сиёсий институтларнинг натижали фаолият юритишлари учун ҳуқуқий ва ҳуқуқий бўлмаган чоратadbирлар тизимини ифода этади; ҳаракатдаги жамият сиёсий тизими унсурлари ва унинг турли-туман тарзда намоён бўлишини характерлайди.

Албатта, маълум бир сиёсий тизим тарихий вазиятларда бир неча ва турлича режимларда яшаши мумкин. Агар «тизим» концептуал моҳият – мағизнинг сиёсий воқеликларни англаб етиши учун муҳим рол ўйновчи, умумлаштирувчи таҳлилий тушунча бўлса, «режим» – бу воқеликларни амалий фаолият учун тавсифлашга имкониятлар яратувчи тушунчадир. Режимни бу каби тушуниш уни «сиёсий жараён» тушунчасига жуда ҳам яқин эканлигини исботлайди. Сиёсий жараён фаолият юритиш аввали сифатида намоён бўлиб, шу билан бир вақтда, у сиёсий тизим, унинг институтлари барқарорлиги учун шаронтлар яратади, ундаги алоқалар ва муносабатларни тартибга солади. Шу жиҳатдан олганда, режим ва жараён тушунчалари сиёсий ҳаётни бир маромда ўсишига таъсир этиши, шунингдек бу тушунчалар ёрдамида аниқланган ҳодисалар сиёсатга барқарорлаштирувчи таъсир қилиши оқибатида режим ва жараён тушунчалари бир-бири билан бирлашиб кетади. Шу билан бир вақтда, режим – жараён таснифларидан фақат биттаси, уни кўриб чиқиши мумкин бўлган турли усуллари билан биттасидир.

АҚШ олим Г. Лассуэл фикрича, «режим («бошқариш шакли», «сиёсий тартибот») ўзида сиёсий шакллар намунасини ифодалайди... Режимга сиёсий жараёнда мажбурлаш унсурларини ожайтириш функцияларини бажариш юкланган».

Сиёсий режим ҳокимият қандай амалга оширилмоқда, сиёсий институтлар ва сиёсий муносабатлар қандай амал қилмоқда, сиёсий тизим хатти-ҳаракати қандай, жамият билан давлат ўртасидаги нисбатлар қандай, ким кимни назорат қилмоқда, кимлар сиёсат мақсадларига эришишни таъминламоқда, ҳокимият юритаётган элитанинг манфаатларини ким амалга оширмоқда, деган саволларга жавобларни ўзида ифода этади.

Сиёсий режимнинг турлари ижтимоий-сиёсий анъаналарнинг ривожланганлиги, жамиятда устунлик қилаётган сиёсий онг ва хулқ, жамиятда ҳукмронлик қилаётган легитимлик, мансабдорлар аппарати билан муносабатлар, жамият инсон эркинликлари

ва ҳуқуқлари ҳолати, идора этувчи элита тузилмаси ва уларни шакллантириш механизмлари, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ривожланиш даражаси билан белгиланади. Сиёсий режимнинг асосий белгилари қуйидагилардир:

-ҳокимият юритиш механизмлари, давлат органларини амал қилиш усуллари, сиёсий етакчилар ва идора этувчи гуруҳларни танлашнинг ўрнатилган ва расмийлашган тартиботлари;

-турли ижтимоий кучлар ва уларнинг манфаатларини ифодаловчи сиёсий ташкилотлар ўртасида ҳокимиятни тақсимлаш тартиботи;

-ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларига бўлинишини амалга ошириш; улар ўртасидаги ўзаро бир-бирларини тийиб туриш ва ўзаро мувозанат нисбати тизими;

-сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш усуллари тизими (рухсат бериш – тақиқлаш, ишонтириш – мажбурлаш, иқтисодий - ноиқтисодий);

-аҳолининг сиёсий иштирокка нисбатан муносабатининг характери: фаол, бепарқ, пассив; бу иштирок қандай шаклда рўй бермоқда: уюшган, стихияли;

-жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳолати; ҳокимиятни шахе ва фуқаронинг бегоналашмайдиган табиий ҳуқуқларини эътироф этиши ёки тан олмаслиги; улар кафолатларининг ҳақиқийлиги;

-ижтимоий ва сиёсий ихтилофларни мувофиқлаштириш усуллари;

-сиёсий жараён йўналиши ва ривожланишига нисбатан жамиятнинг асосий гуруҳлари сиёсий маданияти таъсирининг характери;

-жамиятда сиёсий партияларнинг мавжудлиги, уларнинг ички тузилиши ва давлат билан ўзаро муносабатлари; мухолифатнинг мавжудлиги, унинг мақоми, давлат ҳокимияти билан ўзаро муносабатлари;

-ОАВнинг сиёсий ва ҳуқуқий мақоми, цензуранинг мавжудлиги ёки йўқлиги, жамиятнинг ошкоралик даражаси.

## 6. Сиёсий режимларни таснифлаш

*Сиёсий барқарорлик.* Сиёсий режим барқарорлиги ўзида мураккаб ҳодисани ифодалаб, у ўз ичига бошқарув тизимини сақлаш, фуқаровий тартиботни ўрнатиш, легитимликни сақлаш ва бошқарув самарадорлигини сақлаш кабиларни олади. Шунинг учун у умумий кўринишда сиёсий жараёнларнинг маълум характери (масалан, урушлар ва ҳарбий ихтилофларни бўлмаслиги), ҳукуматнинг ижтимоий ўзгаришларга мослашуви, элита доиралари муносабатлари вазминлигини, сиёсий кучлар мувозанати ва осойишталигини ўзида намоён этади. Шу билан бирга, барқарорликнинг мезонлари ҳам мавжуд: ҳукуматнинг ҳокимият тепасида туриш муддати, унинг қонун чиқарувчи ҳокимиятда вакил бўладиган партиялардаги таянчи, кўппартиявийлик даражаси, парламентдаги кучларнинг жойлашуви ва бошқ. Барқарорликка эришиш учун фойдаланиладиган воситалар кенг кўламда жойлашган бўлиши мумкин: фуқароларнинг эътиқоди ва эркин сиёсий фаоллигини рағбатлантиришдан тортиб то куч ишлатишни қўллашгача бўлиши мумкин.

Барқарорлик ўзгаришлар ва ислохотларни истисно этмайди, лекин уни сақлаш учун маълум шарт-шароитларнинг бўлишини тақозо этади. Бошқача айтганда, ҳокимият барқарорлиги даражаси унинг нолеgitим кучларнинг устунлигини бартараф этиши билан ўлчанади. Шу маънода, барқарорлик жамиятнинг ўзини ўзи ҳимоялаш қобилияти сифатида ҳокимиятнинг шундай ташкилотини сақлашни тақозо этадики, унга биноан, у ижтимоий тизимга мувофиқ бўлиши, жамоатчилик кайфиятига айнан яқин келиши лозим. Бу жараён натижасида барқарорлик жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнига интеграциялайди ва ҳукуматнинг бошқарув самарадорлигини оширади.

Барқарорлик омиллари сифатида яна қуйидагиларни келтириш мумкин: ҳокимият томонидан ушлаб туриладиган конституциявий тартибот ва режимнинг легитимлигини мавжуд бўлиши; ҳокимиятни самарали амалга ошириш; ижтимоий анъаналарга амал қилиш; ҳокимият ташкилотларида кескин тузилмавий ўзгаришларнинг йўқлиги; ҳукумат стратегиясининг оқилона ва самарали бўлиши; ҳокимият билан мухолифат ўртасида конструктив муносабатларнинг сақланиши; аҳолининг турли ғоялар-

га муносабати; ҳукумат ўзининг асосий функцияларини бажариши.

АҚШ олими Д. Сандроснинг хулосасига биноан, беқарорлик қуйидаги омилларга нисбатан номутаносиб бўлади: урбанизациялашув ва аҳолининг ҳаддан ортиқ зичлашиб кетиши; табиий ижтимоий алоқаларни бузадиган индустриал ривожланиш; ижтимоий-сиёсий назорат механизмларини бўшашиб кетиши; мамлакатни ташқи манбаларга савдо ва молиявий жиҳатдан боғлиқ бўлиб қолиши. Шу билан бирга, беқарорлик қуйидаги омилларга нисбатан тескари мутаносиб бўлади: режим легитимлиги даражаси; сиёсий институтларнинг ривожланганлиги; ижтимоий-иқтисодий фаолликнинг юксалиши, иқтисодий ривожланиш суръатининг ўсиши; сиёсий коммуникация шахобчаларининг такомиллашганлиги; элита ичида консенсусга эришилганлиги ва бошқа омиллар.

*Сиёсий мухолифат.* Мухолифатнинг мавжудлиги жамиятда турли-туман ижтимоий қатламлар ва гуруҳларнинг мавжудлиги билан боғлиқдир. Уларнинг барчасининг манфаатлари ва эҳтиёжларини амалга ошириш шарт-шароитлари мавжуд эмаслиги, барчани жамиятда бир хил фаолият юрита олмаслиги, шунингдек инсон учун хос бўлган табиий омиллар натижасида муҳолифий қарашлар шаклланади. Кўппартиявийлик шароитида партияларнинг бир-бирларига мухолифат бўлиши натижасида ҳам ўзаро мухолифатчилик шаклланади.

Мухолифат ҳукуматнинг мақсадлари ва қадриятларига нисбатан қонун-қоида чегарасида бўлиш даражасига қараб қуйидаги шаклларда бўлади: ҳукумат тарафдори; нейтрал ва мурсага келмайдиган. Шунингдек, мухолифат институтлашган (партиялар ва бошқа ташкилотларга уюшган) ва ноинститутционал (ғоявий танқидлар билан чегараланадиган) бўлиши мумкин<sup>123</sup>.

Лекин кўпчилик ўтиш даврини ўз бошидан кечираётган, модернизация шароитида яшаётган жамиятларда мухолифатнинг конструктив эмаслиги, бузғунчилик ва жамиятни кескин бўлиб ташлашга мойиллиги каби ҳолатлар кўзга ташланмоқда. Баъзи ҳолатларда мухолифат конституция ва қонунларга амал қилмай

---

<sup>123</sup> Баранов Н.А., Пикалов Г.А. Теория политики// [http:// read.vimk.ru/b/BARANOV\\_POLITICA/09.htm](http://read.vimk.ru/b/BARANOV_POLITICA/09.htm).

ҳаракат қилишлари натижасида сиёсий тизим ва режимдан ташқаридаги таъсир кучига айланиб қолиши кузатишмоқда. Албатта, бундай ҳолатлар ҳар қандай сиёсий режим учун ҳам фойдали эмас.

*Сиёсий режимнинг таркибий қисмлари (компонентлари).* Сиёсий режимнинг таркибий қисми сифатида давлат шакли ва унинг роли, легитимлик принципи (сиёсий тизимга доир дарсда ўтилади), институтлар тузилмаси, партиявий ва сайлов тизимлари киради. Улар фаннинг бошқа мавзуларида алоҳида дарс сифатида ўтилади.

Сиёсий режимлар тушунчалари мазмун-моҳиятини аниқлашга қаратилган ёндашувлар асосида уларни таснифлаштириш имконияти туғилади. Давлатнинг ҳокимиятни амалга оширишида фойдаланадиган воситалари ва усуллари йиғиндиси жамиятда сиёсий эркинлик даражасини ва шахснинг ҳуқуқий ҳолатини ифодалайди. Индивиднинг ижтимоий эркинлиги даражаси ва давлат билан фуқаролик жамиятининг ўзаро муносабатлари характеридан келиб чиқиб сиёсий режимнинг учта турини келтириш мумкин: тоталитар, авторитар ва демократик. Демократия ва тоталитаризм ўртасида мазкур таснифнинг қарама-қарши қутблари сифатида кўплаб оралиқ ҳокимият шакллари жойлашган. Масалан, эркинлик ва демократик сайловлар натижалари кўпчилиكنинг иродасидан фарқ қиладиган ярим демократик режимлар мавжуддир.

Сиёсий режимларни таснифлаштириш учун қуйидаги ҳолатлар эътиборга олиниши тақозо этилади: сиёсий партиялар, уларнинг ички тузилиши ва ўзаро муносабатлари принципларини партиявий тизимда мавжудлиги; бошқарув билан ўзини ўзи бошқаришнинг нисбати, сиёсий жараёнда маҳаллий ҳокимият органларининг роли; жамият сиёсий тизимида армия, полиция, махсус хизмат кабиларнинг ўрни ва роли; ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларига бўлиниш даражаси; фуқароларнинг сиёсат ва ижтимоий жараёнларни бошқаришга жалб этилиш даражаси ва характери; ҳокимият органлари фаолиятидаги ошкоралик даражаси, уларнинг жамоатчилик фикри томонидан назорат этилиши ва таъсир қилиши учун очиқлиги; давлат фаолияти устидан фуқаролик жамияти назорати, турли манфаатларни ифодалаш ва амалга ошириш имкониятларининг мавжудлиги; давлат органларини шакллантириш, сиёсий етакчилар ва идора этувчи гуруҳни танлаш тартиботлари усулларини мавжудлиги.



Давлат бошқаруви режимлари хусусий маънода бир-бирларидан қуйидагича фарқланади: либерал, диктатор, қаттиқ, шафқатсиз ва ҳоказо. Бошқарув шакллари бўйича қуйидаги режимлар бир-бирларидан ажралиб туради: парламент, президентлик республикаси, монархик, республика, фавқулодда бошқариш режими ва бошқалар. Сиёсий режимни баҳолаш тимсолий маъно касб этиши мумкин. Шунинг учун мамлакат ва давлатнинг, шунингдек бошқариш турини таҳлил этмасдан ҳам унинг образини яратиш мумкин (масалан, мутлақ, подшоҳлик ва ҳоказо). Баъзан давлат бошлиғи номи билан ҳам режимларни аниқлаш мумкин. Масалан, Сталин режими, Гитлер режими, Хусайн режими ва ҳоказо. Шунинг учун ҳам сиёсий режим – давлат ва жамиятнинг типологик (туркумий), стилистик (услубий) ва образли таснифидир.

Таниқли инглиз сиёсатшуноси Э.Хейвуд сиёсий режимларни таснифлаштиришга ўзига хос равишда ёндашади. У «сиёсий тизим» билан «сиёсий режим» алоҳида тушунчалар эканлигига унчалик эътибор бермаган ҳолда, ҳозирги даврда аниқ мезонлар мавжуд эмаслигига доир фикрларни билдиради. Лекин у «таснифлаштириш тизими» иборасидан кенг фойдаланади. Шунингдек, Э.Хейвуд мезонларни танлаганда қуйидаги саволларга жавоб топиш муҳимлигини таъкидлайди:

Ҳокимият кимга тегишли? Сиёсий иштирок юқори доиралар томонидан чекланадими ёки у барча аҳолини қамраб олганми?

Ижтимоий келишувлар ёки бўйсунушга эришиш қандай кечади – куч ишлатиш хавфи ёки куч ишлатишни қўллаш воситасидами, музокаралар жараёни, «савдолашиш» ёки муросасозликлар воситасидами?

Ҳукумат бошқаруви марказлашганми ёки номарказлашган характер касб этадими? Сиёсий тизимда қандай ўзаро тийиб туришлар ва мувозанатлар мавжуд?

Ҳокимиятни эгаллаш ва ҳокимиятни топшириш қандай амалга оширилади? Сиёсий тизим очиқ ва рақобатлими ёки у сиёсий кучлар рақобатдошлиғи учун ёпиқми?

Давлат ва индивидлар ўртасидаги муносабатлар қандай? Ҳукумат ва фуқаролар ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар қандай тақсимланади?

Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси қандай? Унда турмуш даражаси қандай, моддий бойликларни тақсимлаш қанчалик тенгликка асосланади?

Иқтисодий ҳаёт қандай ташкил этилган? Иқтисодиёт бозорга йўналтирилганми ёки марказий режалаштиришгами, ҳукуматнинг иқтисодий роли қандай?

Тизим қанчалик барқарор? Ҳозирги режим қанчалик узоқ тарихга эга, янги талаблар ва ўзгаришларга жавоб бера олиш қобилиятига эгами?

Шунингдек, Хейвуд таснифлаштиришда нафақат сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатлардаги фарқланишларни, балки бу жиҳатларнинг бир-бирларига таъсири ва ҳаётда ўзаро бир-бирлари билан қоришиб ва қўшилиб кетишини эътиборга олиш лозимлигини таъкидлайди. Шу билан бирга, у ҳозирги даврда қуйидаги бешта асосий режимни бир-бирларидан фарқланишини келтиради: 1) ғарбий полиархия (western polyarchies); 2) янги демократиялар (new democracies); шарқий Осиё режимлари (East Asian regimes); исломий режимлар (Islamic regimes); ҳарбий режимлар (military regimes).

Хейвуднинг «ғарбий полиархиялар» режими ўзининг диққатга сазоворлиги билан ажралиб туради. У бу режимнинг либерал демократияга ёки оддий демократияга тааллуқли эканлигини таъкидлаб, унинг моҳиятини очиб беради. «Полиархия» тушунчаси Р.Даль ва Линдблом томонидан киритилиб, у ўзининг хатти-ҳаракатидаги иккита асосий омил билан ажралиб туради: 1) унда жамият ҳокимиятни ўзбошимча кучлар истакларидан ҳимоялаш учун муҳолифий кучларга нисбатан толерантликнинг нисбатан юқори даражасига эришилган. Амалиётда бу конституциявий кафолатланган ва фуқаровий эркинлик, фаол ҳамда соғлом фуқаролик жамияти томонидан ишончли тарзда ҳимояланган партиявий тизимлар ўзаро мусобақалари асосида эришилади; 2) полиархия жамиятга сиёсий ҳаётда иштирок этиш учун етарли даражадаги кенг имкониятлар яратиб беради – унда сиёсий фаоллик юқори даражада кечади. Унга фуқаролар томонидан назорат қилишига имконият берадиган, зарур бўлса номатлуб сиёсатчиларни мансабидан тушира оладиган ҳуқуқлар берадиган пухта ишлаб чиқилган сайлов тизими орқали эришилади. Бу маънода полиархия демократик элитизмга яқин туради. Лекин полиархия кўпинча катта корпорациялар таъсирига тушиб қолади. Лекин унда индивидуализм принципи юқори даражага кўтарилади.

*Янги демократия* 1994 йилда бошланган тўлқинлар натижасида Греция, Португалия ва Испания мамлакатларида ўнг оқим-

га мансуб ҳукуматларни ағдариб ташланиши, Лотин Америкасида ҳарбий диктатуралар ҳокимиятларини бўшашганлиги, асосан, коммунизм инқирози натижасида янги режим мақомини олишга эришди. 1989–1991 йиллардаги Шарқий Европа мамлакатларидаги инқилобий ўзгаришлар ғарбий либерал моделларни бу мамлакатларга секинлик билан кириб келиши учун шарт-шароитлар яратди. МДҲ мамлакатлари, хусусан Россияда ҳам 70 йилдан ортиқ яшаган коммунистик режимлар ағдариб ташланди. Бу режимлар янги демократиялар (*new democracies*) ёки ярим демократиялар (*semi-democracies*) режими сифатида шаклланди.

*Шарқий Осиё режимлари* XX охирида коммунизм инқирози ва бошқа демократик ўзгаришлар натижасида, бу минтақада ривожланган мамлакатларни кўпайиб бориши, жаҳон иқтисодиёти марказини ғарбдан шарққа қараб силжий бошлаганида намоён бўлди. Бу жараёнларга Шарқий-Осиёдаги бешта “йўлбарс” – Жанубий Корея, Тайвань, Гонгконг, Сингапур ва Малайзиялар кучли таъсир кўрсатди. Япония ва Хитой жаҳон иқтисодий марказининг таркибий қисмларидан бирига айланди<sup>124</sup>.

*Ҳарбий режимлар* Лотин Америкаси, Яқин Шарқ, Африка ва Жанубий-Шарқий Осиёдаги ҳарбий авторитаризм тадрижи, баъзи мамлакатларда хунта бошқарувининг жорий қилиниши натижасида шаклланди.

Такрорлаш учун саволлар:

1. «Сиёсий тизим» деганда нимани тушунасиз?
2. Сиёсий тизимга доир қандай назариялар шаклланди?
3. Жамнат сиёсий тизимнинг тузилмаси ва функциялари нималардан иборат?
4. Сиёсий тизимлар қандай таснифланади?
5. «Сиёсий режим» деганда нимани тушунасиз? Унинг сиёсий тизимдан фарқлари нимада?
6. Сиёсий режимлар қандай таснифланади?

---

<sup>124</sup> Хейвуд Э. Политология: учебник для студентов вузов / Пер.с англ. под ред. Г.Г.Водолазова, В.Ю.Бельского.–Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2005.–С.36-48.

## 6-МАВЗУ. ДАВЛАТ – АСОСИЙ СИЁСИЙ ИНСТИТУТ

1. Давлат тушунчаси, унинг табиати ва белгилари.
2. Давлатнинг пайдо бўлиш сабаблари ва унинг тарихий ривожланиши.
3. Давлатнинг функциялари ва роллари.
4. Ҳозирги давр давлатининг тузилиши.
5. Ҳуқуқий давлат.
6. Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат қуриш ислоҳотлари.

### 1. Давлат тушунчаси, унинг табиати ва белгилари

Давлат жамиятнинг марказий ва интеграцияловчи сиёсий институти ҳисобланади. У ижтимоий жараёнларни жамият мақсадлари асосида мувофиқлаштириш ва бошқариш қобилиятига эга бўлган, шунингдек олий ҳокимият ваколатларини бир жойга тўплайдиган, уларни амалга оширадиган институтдир. Давлат муайян жуғрофий ҳудудга жойлашган, суверен ҳокимиятга эга бўлган, доимий хатти-ҳаракатдаги институтлар воситасида фаолият юритувчи сиёсий ташкилотдир. Давлат институтлари одамларнинг жамоавий ҳаёт тарзи – жамиятда яшашларини ташкил этиш учун масъулдир. Шу тариқа, давлат таркибига турли институтлар – ҳукумат, судлар, турли органлар, саноатнинг миллийлаштирилган соҳалари, ижтимоий қўллаб-қувватлаш муассасалари киради. У моҳиятан, жамиятнинг барча тузилмалари ва унсурлари учун барабар аҳамият касб этади. Немис олими Макс Вебер давлатнинг бош белгиси – унинг «қонунлаштирилган куч ишлатиш»ни монопол қилиб олганлигидир, деб таърифлаган эди.

Узоқ даврлар давлат жамият ва унинг ижтимоий ташкилотлари билан айнанлаштирилди. XVI асрга келиб дастлаб Н. Макиавелли жамиятдан фарқ қиладиган алоҳида ҳокимият тузилмасини ифодалаш мақсадида “*stati*” (лотинча «*status*» – мақом, низом, қоида) тушунчасини ишлатди. Ана шундан бошлаб «давлат» тушунчаси шаклланди.

Давлат институтининг мураккаблиги, унинг шаклланиши ва функцияларини турли-туманлиги бу институтнинг келиб чиқи-

ши сабабларини талқин этишда батафсил ифодаланди. Қадимги Юнонистонда давлатнинг табиий келиб чиқишига доир назарни кенг тарқалган эди. Жумладан, Аристотель давлатни келиб чиқиши ва ривожланишига доир чуқур тадқиқотлар олиб борди. У шундай деб ёзган эди: «Бир неча қишлоқлардан иборат, айтиш мумкин бўлса, тўлиқ меъёрда ўз эҳтиёжларини қоплашга етарли даражадаги ҳолатга эришган ва ҳаёт эҳтиёжларини қондириш ниятида пайдо бўлган, шу билан бирга, ҳаётда фаровонликка эришиш учун яшаётган жамият тўлиқ ва тугалланган давлатдир. Бундан келиб чиқадики, ҳар қандай давлат – дастлабки алоқалар сифатидаги табиий келиб чиқиш маҳсулидир: у уларнинг тугалликка эришишидир. . . Барча айтилганлардан кўринадики, давлат табиатан мавжудлик учун хосдир ва инсон ўзининг табиатига биноан сиёсий мавжудотдир, кимда-ким тасодифий ҳолатлардагина эмас, балки ўзининг табиатидан келиб чиққан ҳолда давлатдан ташқарида яшаётган бўлса, у ё маънавий маънода норасо мавжудот ёки иродасининг ҳеч бир чеки бўлмаган, инсондан-да юқорида бўлган мавжудотдир; уни Хомер ҳам «зоти йўқ, қабиллага мансуб бўлмаган, қонундан ташқаридаги, ҳеч бир маконсиз» деб ҳақорат қилган эди; у табиатан фақат урушларга ташна бўлган одамдир»<sup>125</sup>.

Шу билан бирга, Аристотель давлатнинг пайдо бўлишини инсонлар манфаатлари, орзу-истаклари, ихтиёрий хоҳишларига боғлайди. Шунинг учун ҳам давлатнинг асосий мақсадини барча инсонлар фаровонлигини таъминлаш ва бахту саодати учун фаолият кўрсатиш эканлигини бир неча бор таъкидлайди. Жумладан, «Олий фаровонлик бахт эканлиги, бахт эса мукамал фаолиятдан ва эзгуликларни татбиқ этишдан иборат бўлиши сабабли маълум бўладики, бир хил одамлар эзгуликларга дахлдордирлар, бошқалари эса оз даражада ёки умуман дахлдор эмаслар, бундан кўринадики, айтиш шу ҳолат турли кўринишдаги давлатларни ва бир қанча давлат тузилишларини ташкил этилишига олиб келди»<sup>126</sup>. Аристотель ўз фикрини давом эттириб қуйидаги умуминсоний қадриятни илгари суради: давлат тузилишига

---

<sup>125</sup> Аристотель. Соч.: В 4-х т. Т. 4/Пер. с древнегреч.; Общ. ред. А. И. Доватура. – Москва: Мысль, 1984. – С. 378-379.

<sup>126</sup> Ўша жойда. – С. 603.

«фиқат бошқарувчилар фаровонлиги учун эга бўлинса, барчаси потўғри бўлади ва у тўғри йўлдан четга чиқишни ўзида ифода-лайди: улар ҳукмронликнинг бошланғич даври учун хосдир, дав-лат эса эркин инсонлар муносабатларидир»<sup>127</sup>.

Давлат, жамият ва индивидларнинг ўзаро бир-бирларидан фарқланишига доир қарашлар либерализм назариясига доир бўлган давлатнинг шартномавий назарияларида (Гоббс, Локк, Руссо ва бошқалар) шаклланди. Унга биноан, учта тушунча (индивид, давлат, жамият) тарихан бир-биридан бўлинади. Да-ставвал, эркин ва ярим ёввойи яшаган индивидлар иқтисодий ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳаракатларда бўлишлари оқибати-да жамиятни ташкил этди. Кейинчалик улар ўзларининг хавф-сизликларини ва табиий ҳуқуқларини шартномалар тузиш йўли билан ҳимоя қилиш мақсадида махсус орган – давлатни тузди-лар.

Ҳозирги даврда ҳукуматни давлатнинг асосий институтлари-дан бири сифатидаги таснифлари шаклланди. Уларга мувофиқ, давлат тузилмасини ўрганишда унинг ҳукумат билан қандай фарқланишига ҳам муҳим аҳамият бериш зарур. Умуман олган-да, давлат билан ҳукумат ўртасида қуйидаги принципиал фарқ-лар мавжуд:

-давлат ҳукуматга нисбатан кенгдир. Давлат – ҳайбатли таш-килот бўлиб, унинг чегаралари барча оммавий институтлар, бар-ча жамият аъзоларини (ўз фуқаролари сифатида) ўз ичига олади. Ҳукумат эса давлатнинг бир қисмидир;

-давлат – бу тарихий узоққа чўзилган, ҳаттоки доимий кате-гория, ҳукуматлар эса вақтинчаликдир, улар келади, кетади, улар ислоҳ этилади ёки қайта қурилади;

-ҳукумат – давлат ҳокимиятини амалга ошириш воситасидир. У давлат сиёсатини ишлаб чиқади, уни амалга оширади, давлат-нинг яшашини қўллаб-қуватлаш учун давлат “мияси” вазифаси-ни бажаради;

-давлат ҳокимияти шахсдан ҳоли бўлиш характерини касб эта-ди. Ҳаттоки давлат муассасалари хизматчилари, қондага бино-ан, сиёсий бетараф туриш руҳидаги бюрократия мактабини ўтай-ди, уларнинг давлат органларининг бирон-бир мафкуравий қизи-

---

<sup>127</sup> Ўша жойда. –С.456.

қишларига ёки амалдаги ҳукумат кайфиятига берилишига йўл қўйилмайди;

-давлат, ҳеч бўлмаганда назарий жиҳатлардан жамиятнинг умумий фаровонлик ёки умумий ирода деб аталадиган доимий манфаатларини ифода этади. Ҳукумат эса давлатдан фарқ қилиб, давлат манфаатлари билан бирга, маълум бир муддат ҳокимият устида турган партия хоҳишларини ҳам ифодалайди<sup>128</sup>.

Кўриниб турибдики, ҳозирги даврга келиб фуқаролик жамиятининг ривожланиши натижаси ўлароқ, ҳукуматларнинг жамият ҳаётидаги ўрнининг оширилиши натижасида жамият ва давлатнинг барқарорлиги янада мустаҳкамланмоқда, фуқароларнинг турли-туман манфаатларини амалга оширишнинг янги имкониётлари пайдо бўлмоқда.

*Давлатнинг белгилари.* Умуман олганда, давлат инсонларнинг биргаликдаги ҳаёт тарзини уюштириш институти сифатида шаклланди. Ана шу мақсадларда давлат ижтимоий турмуш қоидалари ва меъёрларини шакллантиради ва қўллаб-қувватлайди, уларни ҳокимият ва фуқаролар томонидан бажарилишини назорат қилади, гуруҳий ва корпоратив тузилмалар таъсирларини чегаралайди. Давлат энг олий ва барчани қамраб олган жамоавий бирлик сифатида муттасиллик, яшовчанлик, фаол ҳаракатчанлик характерини касб этувчи бирликдир. Бу маънода давлат универсал аҳамият касб этади. Унинг ташкилотчилик ва уюштирувчилик ролисиз инсоний ижтимоий турмушни яшашини тасаввур этиб бўлмайди. Давлатнинг келиб чиқиши, яшаши ва ривожланиши ҳосиласи ўлароқ, унинг белгилари ҳам шаклланди. Улар қуйидагилардир:

1. Халқ томонидан берилган ошкора ҳокимиятнинг мавжудлиги, бу ҳокимиятнинг жамиятдан ажралган бўлиши, унинг барча жамият ташкилотларидан фарқланиши, давлат бошқарувчилари қатламининг шаклланиши.

2. Суверенитет, мамлакат ҳудудида олий ҳокимиятга эга бўлиш. Ҳар бир жамиятда турли ҳокимиятлар мавжуддир. Масалан, партиявий, ишлаб чиқариш, оилавий ва ҳоказо. Лекин барча фуқаролар, ташкилотлар ва муассасалар учун мажбурий

---

<sup>128</sup> Хейвуд Э. Политология: учебник для студентов вузов / Пер.с англ. под. ред. Г.Г.Водолазова, В.Ю.Бельского. –Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2005.–С.109-110.

бўлган олий ҳокимият қарорлари қабул қиладиган институт – бу давлатдир.

3. Давлатнинг маълум чегаралар билан белгиланган ўз ҳудудининг мавжудлиги. Давлатнинг ваколатлари ва қонунлари унинг ҳудудида яшаётган барча фуқаролар томонидан бажарилиши шартдир. Бошқа инсоний бирликлардан фарқли ўлароқ давлат ҳудудий принципга асосан қурилади.

4. Легитим куч ишлатиш ва жисмоний мажбурлашни (фуқароларни олий қадриятлар – ҳаёт, эркинлик ва бошқ. маҳрум қилиш имконияти) монополия қилиб олганлиги. Давлатнинг мажбурлаш доираси эркинликни чеклашдан тортиб, то инсонни жисмоний йўқ қилишгача тарқалиши мумкин. Давлат ўзининг куч ишлатиш функциясини бажариш учун махсус воситаларига эгадир: қурол ва ҳокимият ҳамда органларнинг бошқа ресурслари: армия, полиция хавфсизликни сақлаш хизмати, суд, прокуратура.

5. Мамлакат ҳудудидаги барча аҳоли учун бажарилиши мажбур бўлган қонунлар ва меъёрлар қабул қилишнинг ягона ҳуқуқига эга бўлганлиги.

6. Аҳолидан солиқлар ва турли йиғимлар олиш ҳуқуқи. Солиқлар кўп сонли давлат хизматчиларини сақлаш, иқтисодий, ижтимоий, мудофаа каби соҳаларга доир давлат сиёсатларини молиявий жиҳатдан таъминлаш учун зарур<sup>129</sup>.

Шунингдек, сиёсатшунос олим М. Мунтян давлатнинг белгиси сифатида яна қуйидагиларни келтиради:

- ҳуқуқ (давлат ҳуқуқсиз яшай олмайди, чунки ҳуқуқ давлат ҳокимиятини ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириб, унинг легаллигини таъминлайди, давлат функцияларини амалга оширишнинг ҳуқуқий доираси ва шаклларини белгилаб беради);

- яхлитлик ва умумий фаровонликни таъминлаш, давлат умумий манфаатларни ҳимоя этишда жамият вакиллигини (талаб) даъво қилади. Давлатдан бошқа ҳеч қандай ташкилот бу каби вакилликни ва барча фуқароларни ҳимоя қилишни талаб қила олмайди<sup>130</sup>.

---

<sup>129</sup> Основы политической науки. Учебное пособие. Под ред. В. П. Пугачева. Часть I. – Москва: МГУ, 1996. – С. 204.

<sup>130</sup> Мунтян М. Государство как политический институт // <http://muntjan.viperson.ru>.



## 2. Давлатнинг пайдо бўлиш сабаблари ва унинг тарихий ривожланиши

Давлат узоқ давом этган тарихий жараёнлар – уруғчилик-қабилавий тузумнинг бузилиб бориши, меҳнат тақсимотининг такомиллашиши, аста-секинлик билан уруғ ва қабила бошлиқлари, уларнинг атрофидагиларни бир қатлам сифатида шаклланиши, уларни жамиятдан ажралиб чиқиши, бу қатлам қўлида ҳокимият ресурслари ва бошқариш функцияларини тўпланиб бориши, яна қатор омиллар таъсирида бошқарувчи қатламнинг алоҳида ижтимоий имтиёзларга эришиш жараёнлари билан боғлиқ ҳолда кечди. Улар асосан қуйидагилардир:

-меҳнатни ижтимоий тақсимланишининг ривожланиши, унинг унумдорлигини янада ошириш мақсадида бошқарув меҳнатнинг алоҳида соҳаси сифатида ажралиб чиқиши; ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва жамиятнинг такомиллаши натижасида қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлиши, инсоний birlikларнинг йириклашуви, хўжаликаро ва бошқа алоқаларнинг кўпайиши, жумладан, урушларнинг кўпайиши натижасида жамиятда бошқарув функцияларини кескин ошириш ва уни амалга оширадиган махсус орган – давлатни ташкил этиш заруриятининг пайдо бўлиши;

-бир неча минг йиллар мобайнидаги ижтимоий тараққиёт жараёнида хусусий мулкчилик, ижтимоий гуруҳлар ва эксплуатация қилишнинг қарор топиши. Бу каби нуқтаи назар марксизмга тегишли бўлиб, у давлатнинг бошқариш ва бошқа умумий ишларни амалга ошириш функцияларини тан олади, лекин биринчи ўринга давлат фаолиятининг синфий зулм қилиш функциясини қўйиши билан сўл қарашларга қўшилиб кетади. Албатта, ҳозирги даврдаги назарий қарашлар ишлаб чиқариш муносабатлари ва иқтисодий ҳукмрон синфларнинг давлатга муҳим таъсирини инкор этмайди. Лекин, шу билан бирга, давлатнинг келиб чиқишини фақат хусусий мулк ва синфларнинг келиб чиқиши билан боғлашнинг нотўғрилигини ҳам эътироф этади. Ижтимоий тараққиёт жараёнида синфий зиддиятларнинг барҳам топиб бориши ва жамиятни демократлаштириш натижасида давлат турлитуман синфлардан юқори турувчи умуммиллий ташкилотга айланиб борганлиги марксча нуқтаи назарларни бу масалада боши берк кўчага кириб қолганлигини исботлайди;

-урушлар, босиб олишлар натижасида бир халқнинг иккинчиси томонидан босиб олиниши. Давлатнинг пайдо бўлишига доир бу омил Ф.Оппенгеймер (1864–1943 йй.) ва Л. Гумпиловичлар (1938–1909 йй.) томонидан илгари сурилган. Оппенгеймер фикрича, давлат марксизм талқин этганидек, жамиятнинг синфий табақалашуви натижасида эмас, балки ижтимоий тенгсизликни чуқурлаштирган, синфлар ва эксплуатация қилишни келтириб чиқарган – ташқи томондан босиб олишлар ва сиёсий куч ишлатиш натижасида келиб чиққандир. Давлат – бу “бир гуруҳнинг – босиб олувчиларнинг бошқа гуруҳни – босиб олинувчиларни эксплуатация қилиш мақсадларидаги куч ишлатишнинг ҳуқуқий институтидир”<sup>131</sup>. Албатта, босқинчилик урушларининг давлат ташкил топиши ва ривожланишига маълум таъсири бўлган. Лекин бу каби таъсирларни мутлоқлаштириш давлат келиб чиқишининг бошқа сабабларини чеклаб қўяди;

-давлатни демографик омиллар, яъни инсоннинг ўзини ўзи такрор ишлаб чиқаришидаги ўзгаришлар натижасида келиб чиққанлигини асослаш. Бунда аҳоли сони ва зичлигининг ўсиб бориши, халқларни кўчманчилик ҳаёт тарзидан ўтроқ ҳаёт кечирishiга ўтиш жараёни, уруғлар ўртасида никоҳ муносабатларини тартибга солиниши ва уруғлар қон-қардошлигининг аралашиб кетишини тақиқлаш учун давлат тузишга нисбатан зарурият пайдо бўлганлиги назарда тутилади. Бу жараёнлар маълум бир ҳудудда яшаётган, этник жиҳатдан бир-бирига яқин ҳудудда кишиларнинг ўзаро алоқаларини мувофиқлаштириш учун жамиятда пайдо бўлган эҳтиёжлар сифатида пайдо бўлади;

-психологик (рационал ва эмоционал) омиллар. Бунда давлат инсон тафаккурининг маълум бир эҳтиёжлар ва инсон ҳис-туйғулари таъсирида етилган маҳсули сифатида қаралади. Бундай нуқтаи назар биринчи марта давлат тўғрисидаги шартномавий назарияларда ўзининг атрофлича исботини топди. Таниқли инглиз олими Т.Гоббснинг фикрича, инсонни давлат тузишга ингилишининг кучли мотиви – бу бошқа одамлар томонидан босиб олинишидан хавфсираши, ўз ҳаёти, эрки ва мулки

---

<sup>131</sup> Oppenheimer F. System der Soziologie, Bd. 3. Vena, 1923. –S.149.

ни сақлаб қолишга доир интилишларидир. Яна бир инглиз олими Ж.Локк эса биринчи ўринга анъанавий ва давлат пайдо бўлгунга қадар ўтган даврга нисбатан ўз табиий ҳуқуқларини яхшироқ ҳимоялаш учун қобилиятли бўлган махсус ташкилотни – давлатни тузиш инсон тафаккурининг маҳсулидир, деган ғояни илгари суради. Давлатнинг шартномавий назарияси бир қадар ҳақиқий воқеликларни ўзида ифодалайди. Масалан, илгари кўп давлатларда ҳукмдор билан аҳоли ўртасидаги шартномалар асосида давлат бошқаруви амалга оширилган. Жумладан, АҚШ давлати ҳам ижтимоий шартномалар асосида ташкил топган;

-антропологик омилларга биноан инсоний уюшишнинг давлат шакли инсон ижтимоий табиатига хосдир. Ўз даврида Аристотель инсон олий даражадаги мавжудот сифатида жамоавий ҳолда фақат турмуш тарзининг маълум бир шакли доирасидагина ҳаёт кечири олади, деган фикрни билдирган эди. Яъни, давлат оила ва қишлоққа ўхшаб “турмуш кечиришнинг табиий шаклидир”. Давлат инсон табиатининг ривожланиши натижасида пайдо бўлади ва ҳуқуқ ёрдамида инсоният ҳаётига адолатли ва маънавий қадриятларни олиб киради;

-жуғрофий омилларга биноан, ҳудудий жойлашув, табиий чегараларнинг мавжудлиги - мавжуд эмаслиги, иқлим шароитлари, ернинг унумдорлиги каби сифатлар ҳам давлат пайдо бўлишига таъсир кўрсатиши мумкинлиги;

-Д.Жентиле давлатнинг пайдо бўлишини ахлоқий руҳнинг реал ҳаётга кириши, деб талқин этган. Немис мутафаккири Г.Гегель эса давлат – бу тафаккур, эркинлик ва ҳуқуқнинг ифодаланиши, шунингдек, “Худонинг бу ердаги юриши”, деб ҳисоблаган. Турли хил йўналишдаги тадқиқотлар давлатнинг пайдо бўлишида яна кўплаб омиллар мавжудлигини талқин этмоқда<sup>132</sup>;

-теологик назарияга биноан давлат Яратганнинг иродаси билан абадий яшайди, чунки ҳар бир инсон унинг иродасига розилик билдиришга мажбурдир, унга ҳамма бўйсунуши лозим. Ердаги ҳамма нарсани, жумладан давлатни ҳам Яратувчининг ўзи вужудга келтирган;

---

<sup>132</sup> Основы политической науки. Учебное пособие. Под.ред.В.П. Пугачева. Часть I. –Москва: МГУ, 1996. –С.204-207.

-давлатнинг келиб чиқишига доир органик назарияларнинг пайдо бўлиши XIX асрдаги табиий фанлар ютуқлари билан боғлиқдир. Дарвинизмнинг пайдо бўлиши натижасида ҳуқуқшунос ва социолог олимлар биологик қонуниятлар (турлараро ва турлар ичидаги курашлар, эволюция, табиий танланиш ва ҳоказо) билан чуқур танишиб, уларни ижтимоий жараёнларга ҳам татбиқ эта бошладди. Уларнинг йирик намоёндалари – Блюнчли, Спенсер, Вормс, Прейс ва бошқалар таълимотига биноан инсоният ҳайвонот дунёсининг пастдан юқорига қараб эволюцияси натижасида пайдо бўлди. Кейинги тараққиёт табиий танланиш жараёнида (қўшнилари билан курашларда) инсонларни ягона бирлик ва бошқарувга бирлаштиришни тақозо этганлиги учун ягона организм – давлат пайдо бўлди. Ҳукумат давлатнинг мияси функциясини бажариб, у барча организмни миядан бериладиган ички сигналлардан фойдаланган ҳолда бошқаради. Пастки синфлар ички функцияларни (ҳаёт фаолиятини таъминлайдиган), ҳукмрон синфлар эса ташқи (мудофаа, ҳужумлар қилиш ва бошқа) функцияларни амалга оширади;

-давлатни шартномалар асосида келиб чиқиши назарияси дастлаб қадимги Юнонистонда баъзи софистларнинг давлат адолатни таъминлаш мақсадида турли инсоний бирликларнинг шартномалар асосида бирлашуви натижасида пайдо бўлган, деган қарашлари асосида шаклланди. Дастлаб Эпикур қарашларида «давлат одамларнинг ўзаро шартномалари устига қурилган» деган тасаввурлар пайдо бўлди. Анча кейинроқ, XVII–XVIII асрларда Г. Гроций, Б. Спиноза, Т. Гоббс, Ж. Локк, Ж. Ж. Руссо кабилар бу таълимотни янада ривожлантирди. Улар давлатгача бўлган даврда табиий ҳолат бўлганлиги омилига суяниб, тадқиқотлар олиб борди. Руссо учун табиий ҳолат – бу инсонларнинг туғилишдан бошлаб оладиган ҳуқуқ ва эркинликлари бўлса, Гоббс учун табиий ҳолат – бу “ҳамманинг ҳаммага қарши урушидир”. Ҳар иккала ҳолатда ҳам ижтимоий шартномага асосланган давлатни тузишга зарурият туғилади. Суверенитет бутунлай халққа тегишлидир, идора этувчилар – улар халқнинг вакиллари дир, улар халқ олдида ҳисобот бериб боради, халқ иродаси билан ҳокимиятдан туширилиши мумкин<sup>133</sup>. Бу оқим вакил-

---

<sup>133</sup> Қаранг: Понятие государство, теории происхождения государства, историческое развитие государства // <http://forexaw.com/TERMS/Society/Politics/1270/>.

лари АҚШ Мустақиллик Декларациясининг мазмунига катта таъсир кўрсатди.

*Давлатнинг тарихий ривожланиши.* Бир неча минг йиллардан буён жамият инсоний яшаш тарзи сифатида ривожланиб ва такомиллашиб бормоқда. Давлат институти ҳам жамият билан уйғун равишда тараққий этиб келмоқда. Жамият ва шахс, давлат ва фуқаро ўзаро муносабатлари хусусиятлари ривожланиш даражаси, сиёсий тизимда мақсадга мувофиқлик, эркинлик ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш принципларини амалга оширилиши даражаси ва моҳиятига қараб давлат институтини ривожланиши иккита глобал босқичга бўлиниши русумга кирди: *анъанавий* ва *конституциявий*. Шу билан бир қаторда, анъанавий ва конституциявий давлатларнинг белгиларини қандай даражаларда ва шаклларда намоён бўлишидан келиб чиқиб, анъанавий ва конституциявий давлатлар белгилари бирикуви натижаси ўлароқ оралиқ босқичларга ҳам бўлинди. Мисол тариқасида тоталитар давлатчиликни келтириш мумкин. Анъанавий давлатлар тарихий ва миллий мерослар — маданият, урф-одат, меъёрлар асосида стихияли равишда ривожланди. Бу каби давлатлар халқ устидан институтлашган ва чекланмаган ҳокимиятга эга бўлди, улар барча кишиларнинг тенг ҳуқуқли эканлигини инкор этди, эркин инсонни давлат ҳокимиятининг манбаи эканлигини тан олмади. Бу каби давлатларга типик мисол сифатида монархияни кўрсатиш мумкин.

Конституциявий ва ноконституциявий давлатлар ўртасидаги чегаралар давлатнинг эркинликка нисбатан муносабати, шунингдек, инсон ҳуқуқларини сақлаш амалиёти, шахс, жамият ва давлат ўзаро муносабатларидаги устувор йўналишлар асосида белгиланиши қоидага кирди. Давлат ривожланишининг конституциявий босқичи давлатнинг жамиятга бўйсуниши, фуқаролар олдида масъулиятли бўлиши, давлатнинг жамият ва инсон ҳаётига нисбатан аралашув ваколатлари ва йўналишларининг қатъий тарзда конституциявий белгилаб ва чегаралаб қўйилиши, давлат фаолияти ва инсон ҳуқуқларининг кафолатларини ҳуқуқий жиҳатдан аниқ ва қатъий принциплар билан белгилаб қўйилишига боғлиқ хусусиятлар касб этди. Шунингдек, конституциявий давлатлар анъанавий давлатлардан

Унинг шаклланиши, ички тузилиши ва функциялари билан кескин фарқланди<sup>134</sup>.

Шу билан бирга, давлатнинг моҳияти, унинг ривожланиши, функциялари ва жамиятда тутган ўрнидан келиб чиқиб, турли назариялар шаклланди. Ҳозирги даврга қадар давлатнинг моҳиятига доир асосан қуйидаги назариялар шаклланди:

1) Элита назарияси. Бу назария XX асрнинг бошларида (В.Парето ва Г.Моски асарларида) шаклланиб, XX аср ўрталарида (Х. Лассуэл, Д. Сартори, Т. Дай ва бошқ. асарларида) ривожланди. Бу назарияга биноан, халқ оммасида давлатни бошқариш учун қобилият етишмайди, шунинг учун давлатни жамиятнинг юқори доиралари бошқаради. Элита турли белгилар бўйича шаклланади (келиб чиқиши, маълумоти, тажрибаси, қобилияти ва ҳоказо), лекин у омманинг қобилиятли вакиллари ҳисобига тўлдирилиши мумкин. Албатта, аҳолини давлат ҳокимиятидан ажратиб қараш бу назариянинг салбий томонидир. Лекин давлат ҳокимиятини доимо одамларнинг чекланган гуруҳи амалга оширишини тан олмай бўлмайди. Давлат аппарати хизматчилари, депутатлар ва бошқалар. Лекин, энг муҳими, бу уларнинг халқ манфаатларини қанчалик ифода этишидир.

2) Технократик назария. Бу назария XX асрнинг 20-йилларида шаклланиб, 60-70-йилларда кенг тарқалди. Бу назариянинг ривожланишига Т. Веблен, Д. Барнхейм, Г. Саймон, Д. Белл ва бошқалар катта ҳисса қўшди. Бу назария деярли янгилик бўлмай, балки элита назариясини замонавий нуқтаи назардан шарҳлашдан иборат бўлди. Унга мувофиқ, жамиятни мутахассислар – тажрибали бошқарувчилар ва менежерлар бошқариши лозим. Фақат улар жамиятнинг ҳақиқий эҳтиёжларини чуқур англаш, уни ривожлантиришнинг оптимал йўлини топиш ва зарурий воситаларни ишга солиш қобилиятига эгадирлар. Уларнинг бошқаруви натижасида бошқарув илмий аҳамият касб этади, жамият ривожини таъминланади.

3) Плүралистик демократия назарияси. Бу назария ҳам XX асрда шаклланган бўлиб, унинг ривожланишига Г. Ласки, М. Дюверже, Р. Дарендорф, Р. Даль ва бошқалар катта ҳисса қўшди.

---

<sup>134</sup> Основы политической науки. Учебное пособие. Под.ред.В.П. Пугачева. Часть I. –Москва: МГУ, 1996. –С.-207-208.

Бу назарияга биноан “Замонавий жамиятларда ҳокимият ўз аҳамиятини йўқотди, шу тариқа, унинг синфийлик характери ҳам барҳам топди. Жамият ўзида турли белгиларни ҳосил қиладиган одамларнинг ижтимоий бирлашмаларини (страталарни) ифода этади: ёши, касби, яшаш жойи, манфаатлари доираси ва ҳоказо. Шу тариқа, улар қариялар ва ёшлар, спортчилар ва мусиқа ҳаваскорлари кабиларга бўлиниб ҳаёт кечиради. Ҳар бир одам кўплаб страталарга кириши мумкин. Ана шу асосда давлат органларига ва давлат сиёсати йўналишларига таъсир этувчи турли сиёсий ва жамоат ташкилотлари тузилади Шундай қилиб, ҳар бир одам, ҳар бир бирлашма давлат ҳокимиятининг “зарраси” сифатида намоён бўлади, давлат бошқарувида иштирок этади, давлат эса умумий ирода ва бутун бир жамият манфаатлари ифодачисига айланади”. Бу назариянинг ижобий томони – унинг ҳақиқатан ҳам демократик характерда эканлиги ва барча фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришда иштирок этишига асосланганлигидир.

4) “Умумий фаровонлик давлати” назарияси иккинчи жаҳон урушидан кейин шаклланиб, давлат ҳуқуқбузарликлар рўй берган ҳолатлардан ташқари ижтимоий ҳаётга аралашмаслиги лозимлигини (“давлат – тунги қўриқчи” назарияси) асословчи концепцияга қарама-қарши назария сифатида ривожланди. Бу назарияга XX асрнинг 30-йилларида Д. Кейнс томонидан асос солиниб, Д. Мюрдал, А. Пигу, К. Боулдинг, В. Мунд кабилар асарларида ривожлантирилди. Бу назариянинг мазмуни шундаки, унга биноан “Давлат синфийликдан юқорида туради, у аҳолининг барча қатламлари манфаатлари, барчанинг фаровонлигини таъминлайди”. Назария ижтимоий, маданий ва бошқа соҳаларда йирик давлат дастурларини амалга ошириш жараёнида аҳоли ҳаётининг юқори даражасини таъминлаган ривожланган мамлакатлар ютуқларига суянган ҳолда ривожланди. Бу назарияга биноан ҳар бир инсоний шахсга чуқур эътибор берилиб, унинг манфаатлари давлат сиёсатининг асоси сифатида таърифланади. Бу назариянинг ижобий томонлари шундаки, у умуминсоний қадриятлар, инсон манфаатлари ва ҳуқуқи устуворлигини асослайди. Унинг камчилиги эса “умумий фаровонлик”ни ярим мустамлака ва ривожланаётган, яъни аҳоли турмуш даражаси паст бўлган мамлакатлар ҳисобига таъминлаш ва амалга оширишга қаратилганлигидир.

5) Ҳуқуқий давлат назарияси жамиятдаги турли масалаларни давлат фаолиятининг мақсадлари (ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида ҳуқуқ ҳукмронлигига эришиш) сифатида, шу билан бир вақтда, давлатнинг фаолияти усуллари ва воситалари асосида ҳал этишга асосий урғу беради. Давлатнинг ҳамма фаолияти ҳуқуқ ва ҳуқуқий воситалар асосидаги ҳуқуқий мақсадларга қаратилади. Бу назариянинг ижобий томони – жамиятни демократлаштиришга қаратилганлиги, барча давлат органлари фаолиятида ўзбошимчалик ва қонунсизликни истисно қилишни илгари сурганлигидир.

6) “Технократик давлат” назарияси давлат фаолиятини ташкил этувчи воситалар ривожига қаратилди. Унинг асоси аксарият мамлакатларда техника воситалари, жумладан, радиоэлектрониканинг ривожланишини ўзлаштириш ва фойдаланиш билан боғлиқдир. Унга биноан, техникани янада ривожлантириш давлат бошқарувининг аксарият масалаларини янгича усулларда ечиш мумкин. Масалан, фуқаролар ўртасида сўровномалар, ҳаттоки сайловлар (референдумлар) ўтказишда радиотелевизион техника ва компьютерлардан кенг фойдаланиш фуқароларнинг алоҳида олинган шахс иродасидан мустақил бўлиш имкониятини беради, шунинг учун ҳам адолатли ва оптимал қарорлар қабул қилишга эришилади.

7) Конвергенция назарияси давлат ривожланишини башорат қилишга қаратилган бўлиб, у XX асрнинг 50-60-йилларида (Д. Гэлбрейт, Р. Арон, П. Сорокин ва бошқ. асарларида) шаклланди. Бу назария икки тизимдаги давлатларнинг ўзаро таъсирини таҳлил этишга қаратилди: ғарбий - АҚШ, Буюк Британия ва бошқалар; совет иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар тизими. Унда бу тизимлар ўртасида “алмашув”лар бўлиши, ҳар бир тизим бошқасидан энг яхши сифатларни олиши лозимлиги илгари сурилади. Бунинг натижасида давлатлар ўзаро бир-бирларига яқинлашиши ўлароқ уларнинг моҳияти, ташкилотлари, фаолият шакллари ижобий томонга ўзгаради. Бу ҳолат қандайдир муддат ичида фарқлар қисқара бориб, бир хил турдаги “постиндустриал давлат”, яъни “умумий фаровонлик” давлати пайдо бўлишига олиб келади. Албатта, бу назариянинг маълум жиҳатларини дунёдаги ҳозирги жараёнлар тасдиқламоқда.



### 3. Давлатнинг функциялари ва роллари

Ҳозирги даврга келиб давлат ҳокимиятини номарказлаштириш ислохотлари натижасида жамиятни ривожлантиришда давлатнинг самарали ишлашини таъминлайдиган функциялари ҳуқуқий давлатга хос аҳамият касб этиб бормоқда. Ҳозирги давр давлатининг энг асосий функциялари қуйидагилардан иборатдир:

Давлатнинг ички ва ташқи функциялари мавжуд бўлиб, унинг ички функцияларига қуйидагилар киради:

-солиқ ва кредит сиёсати, иқтисодий ўсиш ёки санкциялар қўллаш ёрдамида хўжалик жараёнларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш фаолиятида ифодаланадиган давлатнинг иқтисодий функцияси;

-ижтимоий функция қуйидагиларда ифодаланади: а) одамларнинг турар жойга бўлган эҳтиёжларини қондириш, соғлигини сақлашда кўмаклашиш; б) қарияларга, ногиронларга, ишсизларга, ёшларга ижтимоий кафолатлар бериш; в) инсон ҳаёти, соғлиғи ва мулкни суғурта қилиш; г) таълим ва соғлиқни сақлаш тизминини ташкил этиш; д) оила-никоҳ муносабатларини мувофиқлаштириш;

-ҳуқуқий тартибни таъминлаш, ижтимоий муносабатлар ва фуқаролар хулқини, экстремистларнинг бузғунчилик хатти-ҳаракатларидан ижтимоий тузумни мудофаа қилиш кабиларни мувофиқлаштириш учун ҳуқуқий меъёрларни ўрнатиш;

-аҳолининг маданий эҳтиёжларини қондириш, уларни жаҳон маданияти ютуқлари қаторига қўшиш, ижодий жараёнларда ўзини ўзи намоён қилиш учун шарт-шароитлар яратиб беришга қаратилган маданий-тарбиявий функция;

-аҳолининг кенг қатламлари эҳтиёжлари ва орзу-умидларига мувофиқ келадиган сиёсий йўлни ишлаб чиқиш, ҳокимият ваколатларини амалга ошириш, сиёсий барқарорликни таъминлашга қаратилган сиёсий функция;

-ўз фуқароларига соғлом ва қулай яшаш муҳити билан таъминлаш мажбуриятини амалга ошириш, табиатдан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий режимини ўрнатиш кабиларни кўзда тутадиган экологик функция;

-жамиятни самарали ва бир меъёрда фаолият юритиши учун ижтимоий тартиботни қўллаб-қувватлаш ва таъминлаш;

-иқтимоий ва иқтисодий жараёнлар тизимини таъминлаш;  
-илоқа ва йўл ҳаракати учун зарур ҳолатни қўллаб-қувватлаш ва яратиш;

-меҳнат муҳофазаси.

Давлатнинг ташқи функцияларига қуйидагилар киради:

-мамлакатни ташқи ҳужумлардан ҳимоя қилиш, янги урушларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўриш;

-халқаро майдонда давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, халқаро муносабатларга таъсир кўрсатиш имкониятларини қўлга келтиришга интилиш;

-жаҳондаги барча мамлакатлар, халқаро ташкилотлар ва транснационал тузилмалар билан ҳамкорлик ва шерикчилик қилиш;

-халқаро муносабатларда жамоавий хавфсизлик принципларини амалга ошириш, тинчликни мустаҳкамлашга доир ташаббусларни қўллаб-қувватлаш<sup>135</sup>.

-бошқа мамлакатларда давлатнинг вакиллигини йўлга қўйиш;

-бозорни хомашё билан таъминлашга қўмаклашиш;

-жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашувга қўмаклашиш.

Давлатнинг жамиятда ва халқаро муносабатларда ўзига хос бўлган алоҳида роллари ҳам мавжуддир. Бу роллар турлича бўлиб, улар сиёсий фанларда қуйидагича ифодаланди:

1. Давлатнинг роли: кичик (минимал) давлат: унга хос бўлган “иложи борича кичик давлат” шиори индивидга кенг эркинликлар бериш тарафдори бўлган либерализмга тааллуқлидир. Бу соҳадаги анъаналар ижтимоий шартнома назариясига бориб тақалади. Бунда давлатга ижтимоий тартибот ўрнатувчи институт сифатида қаралади. Улар кўпроқ Жон Локкнинг “давлатнинг кам аралашуви” ҳолатида фаолият юритишига доир фикрига асосланади. Бу назарияга мувофиқ, давлатнинг 3 та асосий функцияси мавжуддир:

1) Давлат ички тартибни қўллаб-қувватлаши лозим;

2) Давлат хусусий фуқаролар ўртасидаги битим ва шартномаларнинг бажарилишини назорат этадиган институтдир;

---

<sup>135</sup>Мунтян М. Государство как политический институт//<http://muntjan.viperson.ru>.

3) Давлат мамлакатни ташқи хавф-хатардан ҳимоя қилишп лозим<sup>136</sup>.

“Ривожланиш давлати” концепциясига мувофиқ давлатнинг роли ўзига хос тарзда ифодаланган. Бу каби давлатга Мэйдзи давридаги (1868–1912 йй.) Япония классик намуна бўла олади. Иқтисодий глобализациянинг кучайиши “рақобатга мўлжалланган давлат”-нинг пайдо бўлишини тақозо этиб, Шарқий Осиёда улар “иқтисодий йўлбарс”лар, деб атала бошланди. Уларга Жанубий Корея, Сингапур, Тайвань ва Малайзия каби давлатлар мисол бўла олади. Бир вақтлар Франция ва Германия ҳам шу каби давлатлар қаторига кирган эди. Бу каби давлатларга кучайиб бораётган халқаро рақобатларни ҳисобга олган ҳолда ривожланишнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш функцияси берилади<sup>137</sup>.

“Социал-демократик давлат” концепциясига мувофиқ давлатнинг роли қуйидагича белгиланади: агар ривожланиш давлатлари иқтисодий тараққиётни тезлаштириш учун иқтисодиётга аралашса, социал-демократик давлатлар ҳам тенглик ва ижтимоий адолат шиорлари асосида иқтисодиётга аралашиб ҳуқуқига эга бўлади. Австрия ва Швеция давлатлари мамлакатни социал-демократик тамойиллар асосида ривожлантириш тарафдоридир. Баъзи қарашларда давлат салбий баҳолар асосида таснифлаштирилса, социал-демократик ғоялар тарафдорлари давлатдан халқ фаровонлиги, эркинлиги ва ижтимоий тенглиги учун кенг фойдаланишга интиладилар. Социал-демократик давлат нафақат ижтимоий ҳаётни яхшилашга интилади, балки унда ўзи ҳам бевосита иштирок этади, жамиятга ёрдамлашади, бозор иқтисодининг нохуш томонларига барҳам беришга ҳаракат қилади, қашшоқликни тугатишга ва ижтимоий тенгликни амалга оширишга интилади. Бу каби давлатларнинг иккита устувор жиҳати мавжуд: кейнсчилик ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими. Шунинг учун ҳам бу давлатларда марказлашган режаларга амал қилса ҳам кейнсчиликни қўллаш натижасида бошқарувни талаблар асосида ва воситасида амалга оширади<sup>138</sup>.

---

<sup>136</sup> Хейвуд Э. Политология: учебник для студентов вузов / Пер.с англ. под. ред. Г.Г.Водолазова, В.Ю.Бельского. –Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. –С.119-120.

<sup>137</sup> Ўша жойда. –Б. 121.

<sup>138</sup> Ўша жойда. –Б. 122.

“Жамоалашган давлат” концепциясига биноан, юқорида келтирилган икки хил давлатлар иқтисодиётга аралашсалар ҳам, бу аралашшиш хусусий характер касб этади. Жамоалашган давлатлар эса бутун бир иқтисодиётни ўз назорати остига олишга интилади. Собиқ иттифоқ ва Шарқий Европа давлатлари ана шундай жамоалашган давлатлар тоифасига кирган эди. Бу каби давлатлар хусусий тадбиркорликни тугатиб, вазирликлар ва режалаш органлари воситасида режали иқтисодни шакллантиради. Шунга мувофиқ равишда маъмурий буйруқбозлик усулига асосланган иқтисодиёт ва жамият устидан бошқарув пайдо бўлади. Давлат жамоатчиллиги социалистик доктринадан келиб чиқиб, ижтимоий мулкчиликнинг хусусий мулкчиликдан устунлигига асосланган<sup>139</sup>.

“Тоталитар давлат” концепциясига биноан давлатнинг роли ҳам ўзига хос хусусиятлар касб этади. Бу каби давлатлар жамият ҳаётига қўпол воситалар ва уни бутунлай ўзига қамраб олган ҳолда аралашади. Тоталитаризмнинг моҳияти шундаки, у инсоний турмушнинг ҳамма томонларини қамраб олган давлат куришни афзал, деб билади. Бунда давлат нафақат иқтисодиётни, балки таълим, маданият, дин, оилавий ҳаёт кабиларни ҳам тўғридан-тўғри ўз назорати остига олади. Бунга фашизм давридаги Германия ва сталинизм давридаги собиқ иттифоқ мисол бўла олади. Бу каби давлатларда полиция ва махфий хизмат органлари назорати жамиятнинг ҳамма жабҳаларини ўзига қамраб олади, қўрқитиш кучаяди, жамиятда давлат мафкураси ҳукмрон бўлади. Бунда фуқаролик жамияти бутунлай йўқ қилинади, ҳаётнинг хусусий жиҳатлари барҳам топади<sup>140</sup>.

#### 4. Ҳозирги давр давлатининг тузилиши

Ҳозирги даврдаги аксарият давлатлар ўзининг конституциявий принциплар асосида тузилиши ва фаолият кўрсатиши билан ажралиб туриши анъанага кирди. Конституция – кенг маънода у ёки бу бошқарув тизимида турли институтларнинг функциялари ва компетенциялари, бурчлари ва мажбуриятлари белгилаб қўйиладиган махсус қоидалар тўпламидир. Шунингдек, унда давлат

<sup>139</sup> Ўша жойда. –Б. 122-123.

<sup>140</sup> Ўша жойда. –Б. 123-124.

тузуми, уни ташкил этиш принциплари, сиёсий иродаларни ифодалаш усуллари, қарорлар қабул қилиш, шунингдек, шахснинг давлатдаги ҳуқуқий ҳолати аниқлаб ва белгилаб қўйилади.

Ҳозирги давр демократик давлатларнинг аксариятида конституция асосан қуйидаги муҳим қисмлардан иборат: биринчи қисмда давлат билан фуқаролар ўзаро муносабатлари, инсон ҳуқуқлари меъёрлари аниқлаб қўйилади, барча фуқароларнинг ҳуқуқий тенглиги, дискриминациянинг тақиқланганлиги ифодаланади; кейинги қисмда эса давлатнинг характери (республика, монархия, федерация ва бошқалар), турли ҳокимиятлар мақомлари, парламент, президент, ҳукумат ва суднинг ўзаро муносабатларини амалга ошириш қоидалари, шунингдек, бошқарув органларининг тузилмаси, фаолият кўрсатиш тартиблари мустаҳкам белгилаб қўйилади.

Энг дастлабки конституциялар 1789 йилда АҚШда (1791 йилда “Инсон ҳуқуқлари тўғрисида Билль”) ва Францияда (1789 йилда “Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларацияси”) 1791 йилда қабул қилинган. Конституциявий актлар характерини касб этувчи, расман эса ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш анча илгари – 1215, 1628, 1679 ва 1681 йилларда Буюк Британияда қабул қилинган эди.

Қоидага биноан конституцияда узоқ даврлар ичида сиёсий ҳаётни мувофиқлаштириш кўзда тутилади. Лекин уларнинг амал қилиш муддати турли мамлакатларда турличадир. Масалан, Францияда 16 та конституция тан олинган бўлса, АҚШда ҳозирга қадар битта ва биринчи конституция амал қилиб келмоқда. Унга ҳаммаси бўлиб 26 та тузатиш киритилган бўлиб, ундан 10 таси 1791 йилга қадар тааллуқлидир. Лекин АҚШ конституциясининг бир қанча моддалари талқини Америка Олий федерал суди томонидан бир неча марта ўзгартирилди.

Ҳозирги даврда демократик конституциянинг мавжудлиги давлатни конституциявийлигининг муҳим белгиси сифатида характер касб этишининг мезони – конституция принциплари ва қоидаларини давлат органларига нисбатан амалда татбиқ қилиниши, уларнинг ҳокимият органлари ва ташкилотлари ҳамда фуқаролар томонидан сўзсиз ижро этилиши билан ўлчанади.

Давлатларнинг қандай тузилишларга эга эканлигини унинг шакллари характерлаб беради. Давлатнинг шаклларида олий ҳокимиятни ташкил этиш, олий давлат органлари тузилмаси,

мансабдор шахслар ва фуқаролар ўзаро муносабатлари мужасамлашади.

Давлатлар шаклларида бошқарув шакллари ва давлатнинг ҳудудий тузилиши шакллари анъанавий равишда бир-биридан ажралиб туради. Бошқарув шакли ҳокимиятни ташкил этиш усули ва унинг расмий манбаидан келиб чиқилган ҳолда *монархия* ва *республикага* бўлинади. Монархияда ҳокимиятнинг расмий манбаи бир шахсдан иборат бўлади. Давлат бошлиғи сайловчилар ёки ҳокимиятнинг вакиллик органларидан мустақил бўлиб, у ўз лавозимини меросийлик асосида эгаллайди.

Бошқарувнинг монархик шакллари бир неча турларга бўлинади: мутлақ (абсолют) монархия (Саудия Арабистони, Катар, Оман) – давлат бошлиғининг чексиз ҳукмронлиги характерлидир; конституциявий монархия – бунда монархнинг ваколатлари конституция билан чеклаб қўйилади. Конституциявий монархия дуалистик ва парламент монархияларига бўлинади. Дуалистик монархияда (Иордания, Қувайт, Марокко) монарх асосан ижроия ҳокимияти билан, қисман қонун чиқарувчи ҳокимият билан таъминланган бўлади. Парламент монархияси шаклида монарх давлат бошлиғи ҳисобланса ҳам, у аслида қисман вакиллик ваколатларига, яна қисман ижроия ҳокимияти ваколатига, баъзан эса парламент қарорига нисбатан вето ҳуқуқига эга бўлиши мумкин. Лекин монархнинг вето ҳуқуқидан фойдаланганлиги тўғрисидаги маълумотлар учрамайди. Ҳозирги даврдаги аксарият демократик монархиялар парламент монархияларидир. Уларда ҳукумат парламент кўпчилиги томонидан шакллантирилиб, ҳукумат монарх олдида эмас, балки парламент олдида ҳисобдордир.

Монархия бир неча минг йиллар давомида идора этишнинг ҳукмрон шакли сифатида яшаб келди. Бу каби шакллар ҳозирги даврда ҳам ўзига хос тарзда давлатларнинг деярли учдан бир қисмида яшаб келмоқда. Жумладан, монархияга Фарбий Европанинг 8 мамлакатаида амал қилинади: Буюк Британия, Швеция, Дания, Испания ва бошқалар. Ҳозирги давр парламент монархиялари ўзларининг сиёсий анъаналарини сақлаган ҳолда идора этишнинг республика шаклидан кам фарқланади.

Идора этишнинг *республика* шаклида ҳокимиятнинг манбаи халқнинг кўпчилик қисми ҳисобланиб, давлатнинг олий органлари фуқаролар томонидан сайланади. Ҳозирги даврда республиба

ликанинг учта асосий тури мавжуд: парламент, президент ва аралаш ёки ярим президентлик. Албатта, тарихдан маълумки, республиканинг қулдорлик, аристократик, совет, теократик ва бошқа турлари ҳам яшаган.

Парламент республикасининг асосий белгиси – ҳукуматнинг парламент асосида (парламентдаги кўпчилик томонидан) шакллантирилиши ва унинг парламентга нисбатан расмий масъуллиги ҳисобланади. Парламент ҳукуматга нисбатан қатор функцияларни амалга оширади: ҳукуматни шакллантиради ва қўллаб-қувватлайди; ҳукумат томонидан ижро этиладиган қонунларни қабул қилади; давлат бюджетини тасдиқлайди, ҳукуматнинг молиявий фаолияти доирасини белгилайди; ҳукумат устидан назорат ўрнатади, зарурий ҳолатларда ҳукуматга ишончсизлик вето сини эълон қилади. Бундай пайтларда ҳукумат истеъфога чиқади ёки навбатдан ташқари парламент сайловлари ўтказилади; ҳукумат сиёсатини танқид қилади, ҳукумат сиёсий йўли ва ҳукумат қарорларининг муқобилларини таклиф этади.

Ҳукумат ижроия ҳокимияти ҳисобланиб, у қонун ишлаб чиқариш ташаббуси ҳуқуқига ҳам эга бўлади. Шунингдек, баъзи мамлакатларда ҳукумат парламентни тарқатиш тўғрисида президентга таклиф киритиши ҳам мумкин. Аксарият ҳолатларда президент бундай таклифларни қондиради. Кўпчилик мамлакатларда ҳукумат аъзолари ўзларининг депутатлик мандатларини ҳам сақлайди. Бундай ҳолатлар ҳукуматга нафақат партиялар етакчиларини жалб этиш, балки парламентда катта таъсирга эга бўлишига, парламентни қандайдир даражада назорат қилишига, шу билан бирга партиявий кўмак олишига замин яратади.

Парламент республикаларида ҳукумат бошлиғи (бош вазир, ҳукумат раиси, канцлер) расман давлат бошлиғи ҳисобланмаса ҳам, амалда у сиёсий иерархияда биринчи шахс даражасида туради. Президент эса бу иерархияда камтарона жойни эгаллайди. Президент парламент ёки сайловчилар мажлиси ёки халқ томонидан тўғридан-тўғри сайланади. Унинг сиёсий салобати сайловлар характери билан унчалик боғлиқ эмас. Президент, одатда, вакиллик органига ёки тантанали маросимга доир функциялар билан чекланади. Президент парламент монархияларидаги давлат бошлиғи функцияларига ўхшаш вазифаларни бажаради.

Идора этишнинг республика шаклини иккинчи кенг тарқалган тури *президентлик республикаси*дир. Унинг асосий белгиси шуки, унда президент бир вақтнинг ўзида ҳам давлат, ҳам ҳукумат бошлиғидир. Президент ташқи ва ички сиёсатга раҳбарлик қилади, қуролли кучларнинг олий бош қўмондони ҳисобланади. Кўпинча президент тўғридан-тўғри халқ томонидан сайланади. Лекин баъзи ҳолатларда сайловчилар жамоаси (АҚШ) томонидан ҳам сайланиши мумкин. Президентнинг ўзи (АҚШда сенат розилиги билан) ҳукумат аъзоларини тайинлайди, вазирлар парламент олдида эмас, балки президент олдида масъул бўлади. Президентлик республикасида ҳукумат ўзининг барқарорлиги билан ажралиб туради. Унда қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятлар бир-биридан кескин равишда бўлинади, уларнинг бир-биридан бирмунча мустақиллиги тан олинади. Парламент билан президент ўртасидаги муносабатлар вазминлик, ўзаро мувозанат, ўзаро бир-бирига боғлиқлик тизими асосига қурилади. Парламент президент фаолиятини қонунлар ёрдамида ва бюджетни тасдиқлаш воситасида чеклаб қўйиши мумкин. Президент эса, одатда, парламент қарорини тўхтатиб қўядиган – вето ҳуқуқига эгадир. Улар ўз ваколатларини талаблар даражасида бажариш учун умумий тил топишга ва ҳамкорлик қилишга мажбурдирлар. Ўзбекистон Республикаси ҳам президентлик республикаси ҳисобланади. Мамлакат Президенти давлат бошлиғи ҳисобланади ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди<sup>141</sup>.

Ғарбий Европада президентлик республикаси кенг тарқалмади. Лотин Америкаси, Осиё ва Африкадаги кўплаб мамлакатларда узоқ давом этган авторитар анъаналар натижасида президентлик республикаси кўпинча “суперпрезидентлик республикаси” сифатида намоён бўлмоқда. Бу мамлакатларда ҳақиқий ҳокимият президент қўлида тўпланган бўлиб, ҳукумат фаолияти парламент ва суд органлари назоратидан четда қолади, натижада амалда президентлар ярим диктаторлик ваколатларини эгаллаб олади. Зoir, Малави каби давлатларда давлат раҳбари абадийлиги эълон қилинган.

---

<sup>141</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – Б. 22.



Республиканинг учинчи хил кўриниши — бу *ярим президентлик* ёки “аралаш” республикадир. Бундай республикалар Австрия, Ирландия, Португалия, Польша, Финляндия, Болгария ва бошқа бир қанча мамлакатларда фаолият кўрсатмоқда. Бундай шаклдаги идора этиш усули юқори мақомдаги президентлик ҳокимияти билан парламент ҳокимиятлари ўзаро уйғун ҳолда ҳукумат фаолияти устидан самарали назорат ўрнатиш амалиёти анъанага кириб бормоқда. Бу каби республикалар парламент ва президентлик республикаларига хос бўлган барқарор типик белгиларни бутунлай ўзлаштира олмаганлиги учун турли хил мамлакатларда президентлик ҳокимияти ёки парламент ҳокимияти хусусиятларини кўпроқ намоён қилмоқда. Ярим президентлик республикасининг энг характерли белгиси — бу ҳукуматнинг ҳам президент, ҳам парламент олдидаги икки томонлама масъуллигидир.

Ярим президентлик республикасининг мумтоз намунаси Францияга тегишлидир. Бу мамлакатда президент ва парламент бир-биридан мустақил равишда сайланади. Парламент президентни ўз лавозимидан тушира олмайди. Президент эса навбатдан ташқари парламентга сайловлар муддатини эълон қилиш шarti билан парламентни тарқатиши мумкин. Президент давлат бошлиғи ҳисобланиб, бир вақтнинг ўзида олий бош қўмондон ҳисобланади. Шунингдек, президент давлатнинг халқаро муносабатлардаги бош вакилидир. У парламент қарорларини тўхтатишга — яъни вето, шунингдек, фавқулодда ҳолатни эълон қилиш ҳуқуқларига эгадир. Лекин, шу билан бир вақтда, фавқулодда ҳолат пайтида унинг парламентни тарқатиш ҳуқуқи амал қилмайди.

Президент парламент билан келишмасдан, лекин ундаги сиёсий кучларнинг жойлашувини эътиборга олиб, ҳукумат бошлиғини тайинлайди, у билан биргаликда Вазирлар кабинетини шакллантиради. Президент ҳукумат мажлисига раислик қилади, унинг қарорларини тасдиқлайди, ҳукумат фаолиятини назорат қилади. Президент қонун чиқариш ташаббусига эга эмас. Бундай ҳуқуқдан ҳукумат фаолияти учун барча масъулликка эга бўлган бош вазир фойдаланади. Парламент ҳар йилги бюджетни тасдиқлаш, ишончсизлик ветоси билдириш воситалари ёрдамида ҳукумат устидан назорат ўрнатиш имкониятларига эгадир.

Лекин ҳозирги даврга қадар давлатнинг турли хил республика ва монархия шакллари халқни идора этишнинг бошқа механизмлари шаклланиши жараёнини чеклаб қўя олгани йўқ. Ана шундай механизмлардан бири – бу референдум институти ҳисобланади. Референдумлар умумхалқ сайловлари воситасида барча давлат органлари бажариши мажбур бўлган олий ҳуқуқий мақомга эга бўлиб, улар жамият учун муҳим масалаларни ҳал этади. Жаҳондаги кўплаб демократик мамлакатларда референдум қонун ишлаб чиқариш механизмларидан бири ҳисобланади.

Турли мамлакатларда референдумлар ўтказишнинг ҳуқуқий жиҳатлари бир-биридан кескин фарқ қилади. Баъзи давлатларда (Буюк Британия, Швеция, Норвегия ва бошқалар) плебисцит ташаббускори фақат парламент бўлса, яна баъзи давлатларда (Франция) бундай ҳуқуққа фақат президент эгадир. Швейцария, Австрия, Италия каби мамлакатларда бу каби ҳуқуқ халққа берилган. Ўзбекистонда референдум ўтказиш ташаббуси билан мамлакат фуқаролари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти чиқиши мумкин<sup>142</sup>.

Швейцарияда фуқаролар у ёки бу қонун юзасидан референдум ўтказиш учун 50 минг имзо йиғиши лозим. Плебисцитда аҳолининг кўпчилики қисми иштирок этиши ҳам шарт эмас. Кўпинча референдумлар қонунларни бекор қилиш мақсадида ҳам ўтказилади. Франция, Австралия каби мамлакатларда конституциявий қўшимча ва тузатишлар учун албатта референдум ўтказиш зарур.

Референдумлар ўтказиш катта маблағлар сарфлашни тақозо этса ҳам, улар ёрдамида халқнинг ўз иродасини ифодалаши, давлат бошқаруви жараёнида ташаббускор бўлиши учун қулай шарт-шароитларга эга бўлиши, халқнинг қонунларнинг ҳақиқий ижодкори бўлиши учун шарт-шароитлар яратади. Ундан ташқари, референдумлар давлат органлари ва ҳукуматни халқ фикрини эътиборга олиб фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Аксарият мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ташвиқот ва тарғибот ишлари кўплаб маблағлар талаб этмай-

---

<sup>142</sup>Қаранг: «Ўзбекистон Республикасининг Референдуми тўғрисида»ги (янги таҳрири) қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгазининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 37-модда.

диган, фуқаролар томонидан масаланинг моҳиятини тез ва осон англаб етадиган кичикроқ минтақаларда референдумлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир. АҚШ, ГФР ва бошқа мамлакатларда бу демократик институтдан федерация субъектлари ва майда маъмурий-ҳудудий бирликларда кенг фойдаланилади.

Давлатни ҳудудий ташкил этиш ҳоқимият органларини умумийлик ва хусусийлик, марказий ва минтақавий жиҳатлардан бўлиниши мувозанатини характерлайди. Давлат ҳудудий тизимининг икки асосий шакли мавжуд: *унитар* ва *федератив*. Унитар давлат ўзида хусусий давлатчиликни ифодаламаган маъмурий-ҳудудий бирликлардан иборат яхлит, сиёсий бир хиллик асосидаги ташкилотдир. Бундай давлат ягона конституция ва ягона фуқароликка эгадир. Барча давлат органлари, жумладан суд органлари бир тизимни ташкил этиб, улар ягона ҳуқуқий меъёрлар асосида фаолият кўрсатади. Унитар давлатлар аксарият ҳолларда бир хил миллатга тегишли аҳолиси кўпчиликни ташкил этган мамлакатларда шаклланади. Лекин баъзи бир давлатларда, масалан, Испанияда турли миллий тузилишлар ўзининг мухториятидан фойдаланишларига қарамай, уларнинг асосий ваколатлари марказий ҳоқимият томонидан белгиланади.

Унитар давлатлар марказлашган (Буюк Британия, Швеция, Дания ва бошқалар) ва марказлашмаган (Франция, Италия, Испания) бўлиши мумкин. Марказлашган давлатлар ҳам маҳаллий ва қуйи бошқарув органларига кенг мустақиллик (ўзини ўзи бошқариш) ҳуқуқларини бериши мумкин. Лекин уларнинг ичида бошқарувнинг ўрта бўғини унчалик мустақилликка эга бўлмайди, у асосан марказнинг қарорларини ижро этиш фаолияти билан шуғулланади. Номарказлашган унитар давлатларда эса йирик минтақалар кенг автономиядан фойдаланади. Ҳаттоки, улар ўз парламентлари, маъмурий - бошқарув тизимига эга бўлади. Улар марказий органлар томонидан берилган ваколатлар асосида кўп масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқига эгадирлар (асосан таълим, коммунал хўжалик, жамоат тартибини сақлаш ва ҳоказо). Лекин улар федерация субъектидан фарқли равишда, солиқлар соҳасидаги фаолияти қаттиқ чеклаб қўйилган. Шунинг учун ҳам улар марказга молиявий қарам бўлади.

Федерациянинг унитар давлатдан энг асосий фарқи шундаки, бу шаклда ҳоқимият манбаи, давлат суверенитети субъекти

сифатида йирик ҳудудий тузилмалар (штатлар, ерлар, кантонлар, вилоятлар ва бошқалар), шунингдек, тенг ҳуқуқли фуқаролардан иборат бутун халқ оммаси ҳисобланади. Унитар давлатларда эса фақат бир субъект – халқ оммаси мавжуддир. Федерация – давлатларнинг барқарор иттифоқи бўлиб, мазкур давлатлар марказ билан ўртада тақсимланган ваколатлар ва ҳуқуқлар доирасида мустақилдирлар. Улар ўз конституциялари, қонун чиқарувчи, ижроия ва суд органларига эга бўлиб, кўпинча икки томонлама фуқаролик ҳам жорий этилган бўлиши мумкин.

Ўз мазмунига биноан давлат тузилишининг федерал принципи маълум даражада этник, тарихий-маданий, диний, лингвистик ва бошқа хусусиятларга эга бўлган турли ҳудудий бирликларнинг эркин равишдаги бирлашувини таъминлашга қаратилгандир; шунингдек, федерация минтақавий ва бошқа озчилик манфаатларини ифодалаш, муҳолифатни секинлик билан умумиттифоқ аҳамиятига молик ҳукумат функцияларини бажаришга тайёрланиши учун қулай имкониятлар яратиб беради, ҳокимият ва бошқарувни фуқароларга яқинлаштиради.

Федерация фақат унинг субъектлари розилиги билан ўзгариши мумкин бўлган умумиттифоқ конституциясида белгиланган марказ ва субъектлар ўртасида функцияларнинг ўзаро тақсимланиши қондаси асосида қурилади. Унга биноан, бир қисм масалалар давлатларнинг иттифоқ органига, иккинчи қисм масалалар федерация субъектлари функциясига тегишлидир. Учинчи қисм масалалар федерация иттифоқи ва унинг аъзолари – субъектлар ўртасидаги биргаликдаги ваколатлар асосида ҳал этилади. Конституцияда белгиланмаган, лекин ҳаётда пайдо бўлган тўртинчи қисм масалалар турли мамлакатларда марказ билан унинг субъектлари ўртасида турлича тақсимланган. Федерация ва унинг аъзолари ҳурмат билан қарайдиган ҳуқуқ ва ваколатларини мустақил суд, шунингдек, юқори палатаси штатлар, ерлар ва бошқа субъектлар вакилларидан иборат бўлган икки палатали парламент назорат қилади.

Федерация аъзолари – умумдавлат суверенитети иштирокчиси сифатида намоён бўлади ва улар иттифоқ давлатидан бир томонлама ҳуқуқ билан чиқиб кетиш ҳуқуқларига эга эмасдир. Аксарият федерациялар конституцияларида фавқулодда ҳодисалар рўй берган пайтда марказий органларни федерация аъзо-

лари ички ишларига аралашшига ҳуқуқлар берилган: табиий фалокатлар, оммавий тартибсизликлар ва ҳоказо.

Федерация ҳудудий давлат тузилиши шакли сифатида ўзини ҳаётий яшовчанлигини исботлади. Конфедерация тўғрисида бундай деб бўлмайди. Конфедерация – мустақил давлатларнинг муайян умумий мақсадлари доирасидаги доимий иттифоқидир. Унинг аъзолари ўзларида давлат суверенитетини тўла сақлайди, фақат иттифоқ ваколатига чекланган масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқи берилади. Бу масалалар кўпинча мудофаа, ташқи ишлар, транспорт, алоқа каби йўналишлар учун тааллуқлидир. Конфедерация АҚШ (1776–1787 йилларда), Швейцария (1848 йилгача), Германия (1815–1867 йилларда) ва бошқа мамлакатларда яшаган. Давлатлар бирлашувининг бу шакли унчалик мустаҳкам бўлмасдан, кўпинча улар федерацияга айланиб кетади ёки тарқалади. Собиқ иттифоқ даврида ҳам конфедерация тузишга ҳаракат қилиб кўрилди.

Ҳудудий тузилиш ва идора этиш шакллари давлатнинг қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятларининг тузилиши характерлаб беради. Давлат механизмларини бир маромда ишлаши учун суд ҳокимиятининг аҳамияти ҳам беқийсдир. Мустақил суд ҳокимияти конституция ва қонуларни давлат органлари, жамоатчилик ташкилотлари ва фуқаролар томонидан сақланишини назорат қилади, улар ўртасида пайдо бўладиган тортишувлар ва келишмовчиликларни кўриб чиқади, ижтимоий тузум ва давлатнинг барқарорлигини таъминлайди<sup>143</sup>.

Инглиз сиёсатшуноси Э.Хейвуднинг фикрича, давлатларни назарий жиҳатдан тадқиқ этишда қуйидаги саволларга жавоб топиш лозим: давлат жамиятга нималардир билан боғлиқми ёки у ўз моҳиятига биноан ҳокимият ва ресурсларни тақсимлаш вазидан кенг муносабатларни ифодаловчи жамият маҳсулими; давлат умумий фаровонлик учунми ёки имтиёзли гуруҳлар ва ҳукмрон синфлар манфаатларига хизмат қиладими; у жамиятга ижобий ва конструктив жараёнлар олиб кира оладими, шунинг учун уни янада кенгайтириш зарурати борми ёки у ноҳуш, тузилмаларни бузувчи жараёнларни келтириб чиқарадими, уни қис-

---

<sup>143</sup> Основы политической науки. Учебное пособие. Под ред. В. П. Пугачева. Часть I. – Москва: МГУ, 1996. – С. 209-217.

қартириш ёки тугатиш лозимми? Шундан келиб чиқиб биз давлатнинг қуйидаги тўртта назариясини ажратамиз:

- 1) плюралистик давлат (pluralist state);
- 2) капиталистик давлат (capitalist state);
- 3) давлат-левиафан (leviathan state);
- 4) патриархал давлат (patriarchal state).

*Плюралистик давлат.* Давлатнинг плюралистик назарияси либерал анъаналарга бориб тақалади. Унга мувофиқ, давлат «ҳакамлар суди» сифатида талқин этилади. Бу каби назарий қарашлар инглиз-америка сиёсатшунослигида устуворлик қилиб, улар давлатга қараганда кўпроқ унинг институтларига, хусусан ҳукуматга муҳимроқ эътибор беради. Бу каби давлатнинг илдизлари Томас Гоббс ва Жон Локкнинг ижтимоий шартномалар назариясидан озиқланади. Унга мувофиқ, одамлар табиий ҳолатдаги золимлик ва тартибсизликлар кабилардан хавфсиз яшаш учун одамлар ўртасида давлат тузиш учун ихтиёрий ижтимоий шартномалар тузганлар, деган ғоя асос қилиб олинган. Айниқса, унга Ж.Локкнинг «қаерда қонун бўлмаса, у жойда эркинлик йўқ», деган сўзи кучли таъсир этган. Ҳозирги даврда бу йўналишда Роберт Даль, Чарльз Линдблом ва Ж. К. Гэлбрейт кабилар ўз назарий қарашларини эълон қилди. Улар классик плюрализм назарияси асосчиларидан фарқ қилиб, ҳозирги индустриал давлатлар жамият томонидан бўладиган босимларга нисбатан анча мураккаб, камроқ сезувчандир, деган фикрни илгари сурмоқда.

*Капиталистик давлат.* Капиталистик давлат тўғрисида энг кўп тадқиқот олиб борган ғоявий оқим марксизмдир. Марксизм давлатни иқтисодга боғлаб, уни синфий қуроли сифатида талқин этган эди. Маркс «иқтисодни базис, давлатни устқурма», деб билади, у давлатни чуқур тадқиқ этмаганлигидан ташқари, давлатни «пролетар диктатураси» билан айнанлаштириб, ўзининг олдинги концепцияларига зид ғояларни илгари сурди. Шунинг учун социалистик дунё инқирозга юз тутганидан кейин бу назарияга бўлган қизиқишлар ҳам сўнди.

*Давлат-левиафан.* Бу назарияга Т.Гоббс томонидан давлат тимсолини левиафан (библияда келтирилган баҳайбат афсонавий денгиз учар махлуқи) сифатида тасаввурлаш асос қилиб олинган бўлиб, у ҳозирги «янги ўнглр» оқими қарашларини ифода этади. Аслида, бу каби қарашлар индивидуализмга мук-

касидан кетган илк либерал ғояларда ўз аксини топган эди. Энди «янги ўнглар» (айниқса, уларнинг неолиберал қаноти вакиллари) ана шу ғоялар асосида давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларга аралашувини қоралаб, уни инсон эркинлиги ва иқтисодий хавфсизликка таҳдид сифатида талқин эта бошлади. «Янги ўнглар» давлат манфаатлари билан жамият манфаатларини бири-бирига қарама-қарши қўйишни марксизмдан олиб, давлатни жамиятдаги зиддиятларни юмшатишга доир ролини инкор қилмоқда. Шунинг учун ҳам уларнинг давлатга доир назариялари боши берк кўчага кириб қолди.

*Патриархал давлат.* Ҳозирги даврдаги патриархал давлат ғояси феминизм назариялари асосида пайдо бўлди. Феминистларнинг жамиятда эркакларнинг ҳукмронлиги илдизларини оилавий ва иқтисодий муносабатлардан келиб чиқишига доир назариялари кенг тарқалди. Радикал феминистлар либерал феминистлардан фарқ қилиб, эркаклар ҳукмронлигини давлат ҳукмронлигига боғлаган ҳолда давлат ҳокимиятини патриархал муносабатларга ўхшатишга уринмоқда. Албатта, бунда марксча қарашлар билан радикал феминистлар ғоялари бир-бирига тўғри келмоқда. Ҳар иккала оқим ҳам давлатнинг мустақил тузилма эканлиги, унинг ўзига хос манфаатлари мавжуд эканлигини инкор этади. Улар бу билан давлатнинг замонавий либерал талқинлари соясида ўз аҳамиятини йўқотиб бормоқда<sup>144</sup>.

## 5. Ҳуқуқий давлат

Ҳуқуқий давлат – конституциявий давлатчиликнинг ҳақиқий амалга ошишидир. Унинг асосида давлат томонидан инсоннинг эътиқоди устидан куч ишлатиши, инсонлар шахсий ҳаётига ҳокимият органлари томонидан майда ҳомийлик қилишидан ҳимоялашга интилишлар ётади. Ҳуқуқий давлат – суверен халқ иродасига бўйсунувчи, инсоннинг эркинлиги ва бошқа ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, шу билан бир қаторда, ўзининг фаолиятини қонунлар билан чекловчи давлатдир. Бундай давлатда шахс билан ҳокимият ўртасидаги муносабатлар конституцияда бел-

---

<sup>144</sup> Батафсилроқ қаранг: Хейвуд Э. Политология: учебник для студентов вузов / Пер.с англ.под.ред. Г.Г.Водолазова, В.Ю.Бельского. –Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. –С.110-119.

бошлаб қўйилади, шунингдек, халқ билан ҳокимият ўртасидаги муносабатлар “ижтимоий битимлар” асосида амалга ошади. Давлат билан фуқаролар ўртасидаги муносабатлардаги устуворлик инсон ҳуқуқларига қаратилади, улар давлат қонунлари ва унинг хатти-ҳаракати билан бузилмайди. Халқни давлат устидан назорат ўрната олиши, давлатни жамият устидан ҳукмдорга айланиб кетмаслиги учун ҳокимият ҳам конституциявий жиҳатдан, ҳам амалий ҳаётда қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларига тақсимланади. Мустақил суд умумийлик касб этади, у ҳамма фуқароларга, давлат ва жамоат институтларига тенг тааллуқли бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилишга йўнрилган бўлади.

Ҳуқуқий давлат қадимги даврлардан бошлаб шаклланган давлатчилик ғоялари ва унсурлари асосида шаклланди. Барча фуқаролар учун бир хил бўлган қонун ҳокимияти тўғрисида эр.мл. VI асрда яшаган қадимги юнон архонти Солон, инсоннинг табиий ҳуқуқлари ва давлат қонунлари ўртасидаги муносабатлар мувозанати тўғрисида Аристотель ва Цицерон кабилар ўз илмий меросларини қолдирган. Қадимги Римда ҳуқуқий давлатнинг белгиларидан бири – ҳокимиятларни тақсимлаш амалга оширилган. Тўла маънодаги ҳуқуқий давлат концепцияси эса XVII–XIX асрларда Ж.Локк, Ш.Монтескье, И.Кант, Т.Жефферсон, Мэдисон ва бошқа либерал ғоядаги мутафаккирлар томонидан шаклланди. “Ҳуқуқий давлат” термини узил-кесил равишда XIX асрда немис ҳуқуқшунослари К.Т.Велькер ва Р.фон Моль асарларида таърифланди. Турли ҳуқуқий давлат назариялари фуқаролик жамияти концепциясига асослана бошлади.

Ҳуқуқий давлатнинг пайдо бўлиши жамиятнинг ривожланиши ва фуқаролик жамиятининг етилиши натижасига узвий боғлиқ ҳолда кечди. Фуқаролик жамияти тушунчаси кенг ва тор маъноларда ишлатилади. Фуқаролик жамияти кенг маънода жамиятнинг давлат ва унинг тузилмалари бевосита эгаллаб олмаган қисми, бошқача айтганда, жамиятнинг нодавлат тузилмаларидир. Бундай жамият давлатга бевосита қарам бўлмаган қатлам сифатида ривожланди. Фуқаролик жамияти кенг маънода нафақат демократия билан, балки авторитаризм билан ҳам яшай олади. Лекин тоталитаризмнинг пайдо бўлиши билан фуқаролик жамияти сиёсий ҳокимият томонидан ютиб юборилади.



Фуқаролик жамияти тор маънода ҳуқуқий давлатнинг иккинчи томони бўлиб, улар бир-бирисиз яшай олмайди. Фуқаролик жамияти бозор муносабатлари ва демократик ҳуқуқий давлат шароитида эркин ва тенг ҳуқуқли индивидларнинг давлат билан бевосита бўлмаган турли-туман ўзаро муносабатларини ифодалайди. Фуқаролик жамияти мураккаб тузилмага эга бўлиб, у ўз ичига хўжалик, иқтисодий, оилавий-қардошлик, этник, диний, ҳуқуқий муносабатлар, ахлоқ, шунингдек, тўғридан-тўғри давлатга боғлиқ бўлмаган индивидларнинг сиёсий ҳаётнинг бирламчи субъекти сифатида партиялар, нодавлат ташкилотлар, турли фуқаролар ташаббуслари ҳаракатларида иштироклари кабиларни ўз ичига олади. Фуқаролик жамияти давлат тузилмаларидан фарқ қилиб (итоаткорликнинг), вертикал эмас, балки горизонтал алоқалар – ўзаро рақобатдош муносабатлар, ҳуқуқий эркин ва тенг ҳуқуқли шерикларнинг ўзаро муносабатлари мажмуасидир.

Ҳозирги давр шароитида, эркин рақобатдошлик ва давлатларнинг либераллашиш даврида, иқтисод ва ижтимоий муносабатларга аралаштириш чегараланаётган бир даврда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат ўртасида қаттиқ чегара ўтказиш қийин масалалардан биридир. Лекин ижтимоий тизимни фуқаролик жамияти ва давлатга тақсимлаш ҳали ўз долзарблигини йўқотганича йўқ. Шу билан бирга, бундай ҳолат этатистик ва тоталитар тамойилларнинг бош кўтармаслиги, халқнинг ҳокимиятга нисбатан суверенитети ва шахс эркинлигини таъминлаш учун хизмат қилади.

Турли ҳуқуқий давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тажрибасини эътиборга олиб, бундай давлатнинг қуйидаги белгиларини келтириш мумкин:

- 1) Ривожланган фуқаролик жамиятининг мавжудлиги;
- 2) Шахс эркинлиги ва ҳуқуқини ҳимоялаш, жамоат тартибини сақлаш, хўжалик фаолияти учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб бериш асосида давлат фаолияти соҳасини чегараланиши; ҳар кимнинг ўз шахсий фаровонлиги учун масъуллигини юксалиши;
- 3) Барча фуқароларнинг ҳуқуқий тенглиги, давлат қонунларида инсон ҳуқуқларининг устуворлиги;
- 4) Ҳуқуқнинг умумийлиги, унинг барча фуқаролар, ташкилотлар, муассасалар, жумладан давлат ҳокимияти учун ҳам тенг тааллуқли бўлиши;

5) Халқ суверенитети ва давлат суверенитетининг конституциявий-ҳуқуқий жиҳатлардан қатъий белгилаб қўйилганлиги. Халқнинг амалда ҳокимият манбаи бўлиши, давлат суверенитетини ваколатли характер касб этиши;

6) Қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларининг бўлиниши, улар фаолиятининг ҳамкорликдаги бирлиги;

7) Ҳуқуқий давлатда “қонун билан тақиқланмаган барча нарсаларга рухсат этилади” принципига амал қилиниши. Бунда чегарадан чиқиш усули фақат давлатга нисбатан қўлланилади, яъни давлат фақат расмий қабул қилинган ваколатлар доирасидан четга чиқмаслиги лозим;

8) Бошқа одамлар эркинлиги ва ҳуқуқлари индивид эркинлигини чеклашнинг бирдан-бир омили. Ҳуқуқий давлат шахснинг мутлақ эркинлигини билдирмайди. Ҳар бир шахснинг эркинлиги бошқа шахснинг эркинлигини буза бошлаганда тугайди.

Ҳуқуқий давлат шароитидаги эркин рақобат натижасида мулкдорлар қатлами вужудга келиши учун қулай шарт-шароитлар яратилади. Давлатлар ривожланиш тажрибаси шуни кўрсатдики, фақат шахсларнинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш билан умумий фаровонликка эришиб бўлмайди. Чунки жамиятдаги ҳар бир шахсда мулкдор бўлиш, ташаббускорлик кўрсатиш қобилияти бўлавермайди. Барибир ижтимоий тенгсизлик давом этаверади. Шунинг учун ҳам ҳаётда ижтимоий давлат назарияси ва амалиёти (умумий фаровонлик давлати) пайдо бўлди.

Ижтимоий давлат – ҳар бир фуқаро учун муносиб ҳаёт тарзи, ижтимоий ҳимоялаш, ишлаб чиқаришни бошқаришда иштирок этиш, шахсни ўз-ўзини рўёбга чиқариш, ҳамма учун тенг ҳаётий имкониятлар яратиш учун интиладиган давлатдир. Бундай давлатнинг фаолияти умумий фаровонлик, жамиятда ижтимоий адолат ўрнатишга қаратилган бўлади. Давлат мулккий ва бошқа ижтимоий тенгсизликларни текислашга ҳаракат қилади, кучсиз ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга ёрдам беради, ҳар бир фуқарони иш ёки бошқа ҳаёт кечириш манбаи билан таъминлашга ҳаракат қилади, жамиятда тинчликни сақлайди, инсон учун қулай ҳаёт муҳитини шакллантиради.

Ижтимоий давлатнинг баъзи белгилари қадимги даврлардаёқ пайдо бўлган эди. Қадимги Римда ҳукмдорлар қашшоқ фуқароларга ёрдамлар уюштириб турган. Лекин бундай ёрдам-

ларнинг оғирлиги катта оилалар ва жамоалар устига тушар эди. Индустрлаштириш ва жамиятда индивидуаллашувнинг кучайиши, ижтимоий зиддиятларнинг кескинлашуви ижтимоий таъминлашнинг анъанавий шакллари эмириб ташлади. Лекин жамиятнинг барқарорлашуви давлатларни кучли ижтимоий сиёсат юритишга ундади. XX асрнинг 60- йилларидан бошлаб ижтимоий давлатлар пайдо бўлди.

Ҳозирги давр ижтимоий давлатнинг фаолияти кўп қирралидир. Бу миллий даромадни кам таъминланган қатламлар фойдасига тақсимлаш, ходим ва ишчиларни корхонадаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва иш билан таъминлаш сиёсатини юритиш, ижтимоий суғурта, оила ва оналикни қўллаб-қувватлаш, ишсизлар, қариялар ва ёшларга ғамхўрлик, ҳамма учун қулай таълим, соғлиқни сақлаш ва маданият тизимларини ривожлантириш каби сиёсатларни олиб бориш фаолиятларидир<sup>145</sup>.

Социализм давридаги ҳаммани фаровонлиги учун тенглаштириш принципи асосидаги тақсимот ижтимоий давлат учун бутунлай ёт бўлиб, бунда ҳар бир шахсга муносиб ҳаёт тарзи яратиш ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва унинг унумдорлигини ошириш, индивидуал масъуллик ва фаолликни юксалтириш эвазига амалга оширилади.

## 6. Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат қуриш ислоҳотлари

Ўзбекистон халқи мамлакат мустақилликка эришиши билан ноқ ҳуқуқий давлат қуриш йўлини танлади. Чунки дунёнинг ривожланган давлатларида шаклланган ҳуқуқий давлат шароитидагина фуқаролик жамиятини қуриш, инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиш, халқ фаровонлигини кескин даражада ошириш учун имкониятлар яратилади, жамиятда доимий барқарорлик ва халқ фаровонлиги таъминланади. Умуман, ҳуқуқий давлат тарих тажрибаси ва имтиҳонидан муваффақиятли ўтиши ва у кучли ижтимоий сиёсат юритиши билан ҳам ажралиб туради.

---

<sup>145</sup> Основы политической науки. Учебное пособие. Под. ред. В.П. Пугачева. Часть I. – Москва: МГУ, 1996. – С. 217-223.

Кейинги йилгирма йилдан ортиқроқ тарихий ривожланиш тажрибалари шуни кўрсатдики, ҳуқуқий давлат унсурлари шаклланишдан илгари фуқаролик жамиятини барпо этиш учун имкониятлар ва шарт-шароитлар яратилмайди. Сиёсий тизимда ҳуқуқий давлат қуришга эҳтиёжлар пайдо бўлиши билан бир вақтнинг ўзида фуқаролик жамияти қуришга кучли табиий эҳтиёжлар сезилади. Чунки ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнлари фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш билан уйғун ҳолда кечмас экан, бу соҳадаги ислоҳотлар ҳам ўз ўрнида депсиниб туравериши, ҳаттоки орқага қараб кетиши халқаро тажрибаларда бир неча марта кузатилган. Бунинг асосий сабаби шундаки, ҳуқуқий давлат қуриш ислоҳотлари фуқаролик жамияти муҳитидан озикланади, давлат иродаси ҳам жамиятдаги турли-туман манфаатлар ва эҳтиёжлар ифодаланишига боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам жаҳондаги фуқаролик жамиятлари ҳуқуқий давлатнинг ривожланишига ҳамоҳанг тарзда етуклик сари такомиллашмоқдалар. Шунингдек, ҳуқуқий давлат шароитидаги эркин рақобатбардошлик натижасидагина ўрта қатлам – мулкдорлар қатламининг шаклланиши учун қулай шарт-шароитлар яратилади.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсади ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришга қаратилди. Ҳозирги даврда бундай давлат ва жамият барпо этишнинг конституциявий ва қонуний асослари яратилди. Демократик типдаги миллий давлатчилик шаклланди. Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимиятини шакллантиришга доир конституциявий асослар ва унга доир барча қонунлар ижтимоий ҳуқуқий давлат қуриш андозалари асосида яратилди. Чунки давлат қуришнинг умумий йўлини аниқламай туриб, унинг қуйи органлари ва жамиятни ислоҳ қилиш мумкин эмас эди. Маҳаллий ҳокимият тизимини жорий этишда ҳам стратегик мақсаднинг ҳуқуқий давлат қуриш эканлигидан келиб чиқилди, миллий меросимиздаги ҳуқуқий давлатга хос бўлган баъзи унсурлар тикланди.

Ўзбекистонда Миллий мустақиллик даврига келиб миллий анъаналар ҳамда демократик кадриятларга асосланган янги типдаги давлат ҳокимиятини шакллантириш имкониятлари туғилди. Янги Ўзбек миллий давлатчилиги соҳасидаги ислоҳотлар Президент И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган фуқаролик

жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этишнинг беш тамойили асосида амалга оширилмоқда. Давлат ҳокимиятини янгидан шакллантириш учун авваламбор етук ва ривожланган давлатлардаги сиёсий тизимнинг тузилиши ва амал қилиш принципларини шаклланиш тажрибаси ва тарихий миллий анъаналар асос қилиб олинди.

Миллий мустақилликнинг дастлабки даврида шакланган янги давлатчиликни Президент И.А.Каримов шундай ифодалаб берган эди: «Конституцияга мувофиқ, давлат ҳокимияти органларининг аввалги тоталитар тузумдан мутлақо фарқ қиладиган, ҳокимиятларнинг, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг бўлиниши принципитга асосланган тизими яратилди. Уларнинг ҳар бири фаолиятида ҳуқуқий асосда авторитаризм ва тоталитаризмнинг хуружларини истисно этадиган чинакам демократик меъёрлар ва йўл-йўриқлар қарор топтирилди. Ташкил этилган ижро этувчи ҳокимият органлари олдингиларидан тубдан фарқ қилади. Улар режалаш-тақсимлаш вазибаларидан ҳоли бўлиб, иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш ва тартибга солиш ролини бажармоқда»<sup>146</sup>.

Шунингдек, Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг «Ўзбек модели»га хос давлатнинг бош ислоҳотчилик фаолияти асосида ҳокимият органларининг турли йўналишларда амалга оширган ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнлари натижаси ўлароқ ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг конституциявий ва ҳуқуқий асослари яратилди. Мамлакатда бозор муносабатларига ўтишнинг қийин жараёнлари, айниқса, мулк муносабатларининг вужудга келиши, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш, хўжалик юритишнинг янги усуллариининг шаклланиши билан бутунлай янги типдаги давлат ҳокимияти органларига эҳтиёж сезилган эди.

Ўзбекистон давлати миллий мустақилликнинг дастлабки давридан бошлаб мамлакатда ижтимоий ҳуқуқий давлатга хос бўлган давлат ҳокимияти органларини шакллантириш йўлини

---

<sup>146</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б. 138-139.

тугди. Лекин, шу билан бирга, демократик ислохотлар жараёнларида авлод-аждодларимиз мерос қолдирган давлатчилик анъаналари, демократик қадриятлар унсурларини замонавий демократик тамойиллар билан уйғунлаштирилиб боришга муҳим аҳамият берилди. Шу мақсадда давлат қурилишида соф миллий характерга эга бўлган, шу билан бирга, демократик қадриятлар билан уйғунлашиш натижасида янги мазмун касб этган ҳокимият органларини шакллантириш ислохотлари амалга оширилди.

Умуман, жаҳондаги демократик давлатлар тарихий тажрибаси ва конституциявий тузуми амалиётини эътиборга олган ҳолда, шунингдек, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва давлат ҳокимиятига доир қонунларга биноан марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, маҳаллий бошқарув ва бошқа барча масалаларни аҳолининг манфаатларини эътиборга олган ҳолда қонунлар, шунингдек, тегишли моддий ва молиявий ресурслар асосида бевосита ёки билвосита ҳал қилиш мақсадларидан келиб чиқиб ташкил этилди.

Мустақил Ўзбекистонда ҳуқуқий давлатни шаклланишида 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси муҳим аҳамият касб этди. Конституциянинг ғоялари, мақсадлари, руҳи, унинг ҳар бир қондаси «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси», бир неча асрлар мобайнида илғор ва етакчи мамлакатларда шаклланган демократик қадриятлар, миллий давлатчилик, шунингдек, бир неча минг йиллардан буён авлоддан-авлодга мерос бўлиб келаётган миллий ва шарқона давлатни адолатли идора этиш ҳамда халқ билан бамаслаҳат сиёсат олиб бориш анъаналарини ҳам ўзида мужасамлаштирди.

Мамлакат тарихида биринчи марта Конституциянинг 2-моддасида қуйидаги халқ суверенитетига хос тамойил эълон қилинди: «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар»<sup>147</sup>. Конституциянинг мазкур моддасида илк бор фуқаролик жамияти амал қилиши

---

<sup>147</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2012. –Б. 4.

мумкин ҳуқуқий асос мужассамлашди. Мазкур ҳуқуқий қонданни Конституциянинг 7-моддаси қўйидаги талқинларда янада ривожлантирди: «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади»<sup>148</sup>. Албатта, Конституциянинг бу моддаси «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг 21-моддасида «Халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиши лозим»<sup>149</sup>, деган демократик тамойилнинг Ўзбекистонда ҳар томонлама рўёбга чиқиши учун шарт-шароитлар ва имкониятлар яратиб берди. Шунингдек, Конституциянинг 9-моддасида давлат ҳокимияти сиёсатининг халқ манфаатлари, истаклари асосида амалга оширишнинг ҳуқуқий асоси ифодаланди: «Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади»<sup>150</sup>.

Ҳуқуқий давлат амал қилишининг энг асосий шарти давлат ҳокимиятининг учга бўлиниш иринципини ҳаётда амалга оширишдир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддаси мамлакат сиёсий тизимида унинг амал қилиши мақсадларида мазкур принципни қўйидаги мазмунда ифодалаб берди: «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципига асосланади»<sup>151</sup>. Албатта, мазкур модда мамлакат парламенти – қонун чиқарувчи ҳокимиятида фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асосларини мукамал тарзда ишлаб чиқиш имкониятларини яратиб берди.

Президент И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” да асосан сиёсий партияларни ҳокимиятни шакллантиришдаги ролини

---

<sup>148</sup> Ўша жойда. –Б. 4.

<sup>149</sup> Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси. –Тошкент, 1998. –Б. 30.

<sup>150</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2012. –Б. 5.

<sup>151</sup> Ўша жойда. –Б. 5.

ошириш, сайловлар тизимини янада демократлаштириш, давлат бошқарувида ахборот-коммуникация воситаларини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини такомиллаштириш, бозор иқтисодиётини янада либераллаштириш воситасида давлат ҳокимияти тизимини модернизациялашнинг ҳуқуқий асосларини яратиш вазифалари қўйилди.

Шунингдек, Концепцияда “Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилади”<sup>152</sup>, деган демократик қондани Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилиши натижасида фуқаролар сиёсий партиялар воситасида ҳукуматни шакллантириш ва унинг фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқларига эга бўладилар..

Концепцияда “Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан *ишончсизлик вотуми билдириш* ҳақидаги масала киритилади”<sup>153</sup>, деган демократик қонда ижроия ҳокимияти тизимини парламент томонидан назорат қилинишини амалга оширишга имкон яратади.

Ўзбекистон давлати мустақилликнинг дастлабки давридаёқ мамлакатда демократик жамият ва давлат қуриш ислоҳотларини бошлаган эди. Президент И.А.Каримов томонидан фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришни асосий стратегик пировард мақсад сифатида эълон қилиниши муносабати билан мустақилликнинг ўтган даври ичида улкан ўзгаришлар амалга оширилди.

---

<sup>152</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010. –Б. 12.

<sup>153</sup> Ўша жойда. –Б.12.



Кўриниб турибдики, ҳозирги пайтда давлат сиёсатининг стратегик ривожланишга доир муҳим йўналишларидан бири – мамлакатда давлат ҳокимиятини учга бўлиниш тамойилини ҳаётда амалга оширишга қаратилган бўлса, бу жараёнга уйғун равишда олий ва маҳаллий вакиллик органларини давлат ва жамият қуришдаги ролини кучайтиришга муҳим эътибор берилмоқда. Умуман олганда, давлат ҳокимияти органлари асосий устувор фаолияти инсон тараққиёти учун шарт-шароитлар ва имкониятлар яратиш сифатида намоён бўлиши ислоҳотлар натижаси инсонга қаратилганлигини аниқлатади.

**Тақрорлаш учун саволлар:**

1. Давлат деганда нимани тушунасиз? Унинг қандай белгилари мавжуд?
2. Давлат қандай сабаблар асосида пайдо бўлади?
3. Давлатнинг қандай функциялари мавжуд?
4. Ҳозирги давр давлати тўғрисида нималарни биласиз?
5. Ҳуқуқий давлат нима?
6. Мустақиллик даврида Ўзбекистонда қандай давлат шаклланди ва ривожланмоқда?

## 7-МАВЗУ. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

1. Фуқаролик жамиятига доир классик назарияларнинг ривожланиши.
2. Замонавий фуқаролик жамиятига доир назариялар.
3. Фуқаролик жамиятининг тузилмаси ва институтлари.
4. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиш жараёни.
5. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёни.

### 1. Фуқаролик жамиятига доир классик назарияларнинг ривожланиши

Фуқаролик жамияти назарияси инсоният томонидан яратилган сиёсий қарашлар тарихи – жамият ва инсон, сиёсат ва давлат тўғрисидаги назарий қарашлар, шунингдек илк жамоалардан то ҳозирги давргача бўлган жамиятлар ривожланишининг тажрибаси асосида такомиллашиб борди. Шу билан бирга, фуқаролик жамияти унсурларининг назарий жиҳатлари бундан бир неча минг йил олдин кашф этилганлигига эътибор берилса, бу жамият инсоният яратган цивилизацияларнинг энг сўнгги ҳосиласи ўлароқ шаклланганлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Фуқаролик жамияти унсурлари, шунингдек фозил жамият қуришга доир назарий изланишлар дастлаб Шарқ уйғониш даври мутафаккирлари томонидан амалга оширилган. Ҳозирги даврга келиб, Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамияти қуриш ислохотларининг чуқурлашиб бориши миллий меросимизни ўрганишга бўлган эҳтиёжларни янада кучайтирди. Бунинг сабаби шундаки, биз қурмоқчи бўлган фуқаролик жамияти ривожланган мамлакатлар тажрибасидан андоза сифатида кўр-кўрона кўчириб олинмайди, балки бир неча минг йиллик миллий мерос ва тарихий тажрибаларимиздан озиқланади.

Фуқаролик жамиятига ҳос илк қарашлар ва илмий ўрганишга доир услубий ёндашувлар бир неча асрлар давомида вужудга келди. Жон Локк ва Иммануил Кант каби файласуфлар ҳам «фуқаролик жамияти» деганда, аввало, «давлат»ни тушунишга мойил бўлдилар. Аммо бора-бора фуқаролик жамияти билан мутлақ давлат институтлари ўртасидаги тафовут кўзга яққолроқ

ташланаверди. Томас Гоббс, Жон Локк, Шарль де Монтескье каби олимлар жон-жаҳдлари билан ҳимоя қилган индивидуализм концепцияси эса кун тартибига жамиятнинг эркин фуқароси, шунингдек, шахс эркинлиги масаласини қўйди. Фуқаролик жамияти тўғрисидаги мавжуд концепциялар ўзига кўплаб мураккаб муаммолар тизимини қамраб олди. Бу назарияларни, уларнинг методологик манбалари ва тарихий йўналишини тадқиқот жараёнидагина англаш мумкин.

Фуқаролик жамияти тўғрисидаги янги қарашларнинг дастлабки муаммоларидан бири – унинг келиб чиқишидаги табиийлик билан ижтимоий-сиёсий жиҳатларини асослаб бериш эди. Бу даврда инсонни ўзини икки хил – табиий ва ижтимоий келиб чиқиши тўғрисидаги қарашлар пайдо бўлган эди. Унга биноан, жамият, давлат ва унинг сиёсати табиийлик касб этиши лозим. Жамиятнинг ана шундай табиий бошланишини цивилизацияга эришганлик, деб баҳолаш расм бўлди. Натижада, *civitas* (цивитас) – шаҳар, тушунчасидан *civilitas* (цивилитас) – бошқарув, фуқаролик, давлат, сиёсат, фуқаролик жамияти (қадимги Римдагидек) тушунчасига ўтиш бошланди<sup>154</sup>.

Инглиз мутафаккири Томас Гоббс жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларни, фуқаролик муносабатлари билан сиёсий муносабатларни уйғунлаштириш мақсадлари ҳуқуқий давлат қуриш муаммоларини кун тартибига қўйишини ёзган эди. Унинг фикрича, албатта, ҳуқуқий давлатни барпо этмай туриб, фуқаролик жамияти қуришни тасаввур қилиб бўлмайди<sup>155</sup>.

Шубҳасиз, фуқаролик жамияти ва давлат муносабатларини мукамал ишлаб чиққан мутафаккирлардан яна бири Георг Гегелдир (1770–1831 йй.). Фуқаролик жамияти, – деб таъриф беради Гегель, – фаолияти қонун билан бошқариладиган шахслар, синфлар, гуруҳлар ва бошқа институтларнинг мажмуаси бўлиб, бу мажмуа тўғридан-тўғри сиёсий давлат бошқарувига боғлиқ эмас. Шунингдек, Гегель бу ҳақда қуйидаги фикрни билдирган: «Фуқаролик жамиятининг табиати шундайки, унда ҳар бир ало-

---

<sup>154</sup> Қаранг: Кравченко И.И. Концепция гражданского общества в философском развитии. Политические исследования, 1991. –С.128-130.

<sup>155</sup> Қаранг: Гоббс Т. Избр. произведения: В 2 т. Т.1. –Москва: 1965. Т.2. –С.114-115.

ҳида инсоннинг ҳуқуқи давлатнинг шахсий ҳуқуқига айлланишга улгурган бўлиб, унда давлат «ўзининг зиммасига» менинг ҳуқуқларимни худди ўзининг ҳуқуқларидек ҳимоя қилиш ва қарор топтириш мажбуриятини олади»<sup>156</sup>.

Гегель биринчилардан бўлиб «давлат» ва «фуқаролик жамияти» ўртасида ҳам тафовутлар, ҳам ўзаро боғлиқликлар борлигини таъкидлаб, фуқаролик жамиятини инсон меҳнати роҳатини топадиган жой, деб қарайди. Шу билан бирга, мутафаккир давлат инсонга бундай жамият қуриш имкониятини очиб беради, деган фикрни билдиради<sup>157</sup>.

Ғарбий Европа мамлакатлари жамиятларидаги ўрта мулкдорлар табақасининг мустаҳкамланиб бориши, саноат ва савдонинг ривожланиши, бозор муносабатларининг кенгайиб бориши билан эркинлаштириш (либерализм) мафқураси ҳам шаклланиб борди. XIX асрга келиб бу мафкура таъсирли сиёсий ва интеллектуал оқимга айланди. Бу мафқуранинг тарафдорлари бошқа турлича ижтимоий табақаларда ҳам мавжуд эди. Лекин либерализмнинг асосий ижтимоий таянчи, аввало, саноат ва савдо соҳасидаги ўрта тадбиркорлар, шунингдек, майда мансабдорларнинг баъзи вакиллари, эркин касб эгалари ва университетлар олимларидан иборат эди.

## 2. Замонавий фуқаролик жамиятига доир назариялар

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб «фуқаролик жамияти» тушунчаси ер юзи бўйлаб кенг тарқалди. Ҳозирги даврда ҳам бу тушунча кўплаб мунозараларга мавзу бўлмоқда. Баъзилар бу тушунчани «фуқаролик жамияти» ва «сиёсий жамият» ўртасидаги фарқни кўрсатиб бериш учун қўлласалар, бошқалар кенг маънода «фуқаролик жамияти»ни давлатга қарама-қарши ҳодиса сифатида талқин қиладилар. Ҳуқуқий давлат назариячилари эса гегелчилар аънаналарига асосланган ҳолда давлатни «фуқаролик жамияти»ни барпо этиш учун шарт-шароит яратиши зарур эканлигини таъкидлайдилар.

<sup>156</sup> Гегель Г.В.Ф. Философия права. –Москва: Мысль, 1990. –С.418.

<sup>157</sup> Ўша жойда. –Б. 279 ва 286.

Таниқли АҚШ олими Эндрю Арато жамиятни уч соҳага ёки учта тизимга – фуқаролик жамияти, сиёсий жамият ва иқтисодий жамиятларга бўлади. Албатта, бу фуқаролик жамияти классик концепцияси асосчилари бўлган Гегель ва бошқа олимларнинг «давлат ва жамиятнинг анъанавий дуализми» (иккига бўлиниши) га нисбатан зид қарашлар шаклида кўринса ҳам, аслида уни жамият ва давлатнинг такомиллашуви ва ривожланиши натижаси ўлароқ пайдо бўлган назарий натижалар сифатида ҳам қабул қилиш мумкин. Э.Арато фуқаролик жамиятини ҳам ҳаракат, ҳам институтлар мажмуи, ҳам ижтимоий бирлик сифатида талқин этади. «Институтлашган фуқаролик жамияти» таркибига у турли уюшмалар, нопартиявий характерга эга бўлган бирлашмалар, бошқача айтганда, ҳозирги даврда «манфаатлар гуруҳлари» деб аталувчи бирликларни киритади. Унинг шарҳлашига кўра, фуқаролик жамиятига фуқаролар фаоллигининг жамоавий шакллари бўлган ихтиёрий бирлашмалар ва турли ташаббус гуруҳлари тааллуқлидир<sup>158</sup>.

Э.Арато жамиятнинг турли соҳаларга бўлинишини асослаб, қуйидаги фикрларни билдиради: «Ўтиш жараёнларига доир адабиётларнинг кўпчилигидан фарқ қилиб, бизнингча, ҳозирги даврда режимлар ўзгариши жараёнларида фуқаролик жамиятидан сиёсийлашиш томонга қараб юриш сўзсиз равишда фуқаролик соҳаларини тўла фаолсизликка ва атомлашиб қолишига олиб келади. Биз ишонамизки, демократияни барқарорлаштириш, шунингдек, унинг келажак истиқболлари жамиятдаги фуқаролик ва сиёсий жиҳатларнинг ўзаро алоқадорлигига ҳамда уларнинг ўзаро уйғун тарзда ривожланишига боғлиқдир. Худди шу тариқа, мулкчилик шаклларига мансуб бўлган соф иқтисодий уюшмалар асосида ажралиб турадиган иқтисодий жамиятни, шунингдек, сайлов ҳуқуқлари ва сиёсий партиялар асосида ажралиб турадиган сиёсий жамиятни, коммуникация соҳасида ҳуқуқлар, фуқаролик уюшмалари ва ҳаракатлар асосида ажралиб турадиган фуқаролик жамиятини бир-биридан фарқлаш зарур. Бу фарқлаш натижасида, беш қисмдан иборат бўлган қурил-

---

<sup>158</sup>Қаранг: Перегудов С.П. Гражданское общество: «трехчленная» или «одночленная» модель? // Политические исследования, № 3, 1995. – С.58-59.

ма пайдо бўлади ва биз уни давлат ва жамият дуализми билан алмаштирдик»<sup>159</sup>.

Агар либерал моделдаги фуқаролик жамиятининг бош актори — ҳуқуқлар билан таъминланган истеъмолчи бўлса, унинг коммуитар моделига биноан, кимда-ким ўзини гуруҳий бирлик билан бир хилдаги негиз ва анъаналарга мансуб равишда келиб чиқишга алоқадор, деб ҳис этганлиги учун ҳам у қандайдир гуруҳ аъзосидир. Бу ҳолатдаги фуқаролик ўз маданиятини «бошқага» ва «беғонага» қарши қўйиш воситасида ифодалайди ва ўзининг «бетакрорлигини» намоиш қилишга интилади. Шунингдек, либерализм фуқаролик бирлашмаларини иқтисодий корпорацияларнинг ўзгарувчан ҳаракати мажмуи, деб қараса, коммуитаризм (жамоачилик тарафдори) уларни табиий ижтимоий бирликлар фаолиятлари уйғунлиги, деб билади.

Таниқли сиёсатшунос олим Бенжамин Барбер ҳам ижтимоий кенгликларни уч қисмга — ижтимоий, хусусий ва фуқаролик қисмларига бўлади. Унга биноан, «фуқаролик қисми ўзига бир вақтнинг ўзида ихтиёрий, эгалитар ва аъзолик (яъни, иерархия) асосида қурилган ижтимоий бирликларни қамраб олади. Бу учинчи сектор ижтимоий сектордан ўзига эгалитаризм (тенглаштириш) ва ўзаро айнанлик тамойилларини, хусусий сектордан эса ихтиёрийлик ва шахс суверенитети тамойилларини танлаб олади. Учинчи сектор уларнинг ҳаммасини бир вақтнинг ўзида намоён этган ҳолда амалга оширади. Худди ана шу ҳолат мен жиддий демократик истиқболлар, деб атаган тамойилларни ўзида ифодалайди»<sup>160</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, «фуқаролик жамияти» тушунчаси, авваламбор, ўз аъзоларининг турли-туман манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадларидаги ўзини ўзи ташкиллаштиришни англатади.

Немис олими Ванфред Детлинг фикрича, фуқаролик жамияти ғояси бозор ва давлатга қўшимча бўлган тушунчадан бошқа

---

<sup>159</sup> Арато А. Концепция гражданского общества: восхождение, упадок и воссоздание - и направление для дальнейших исследований. // Политические исследования, №3, 1995. — С.50-51.

<sup>160</sup> Barber B. R. Civil Society: Getting Beyond the Rhetoric. A Framework for Political Understanding // Civic Engagement in the Atlantic Community. Bertelsmann Foundation Publishes Gutersloh, 1999. — P.5-6.

нарса эмас. Фуқаролик жамияти ва фуқаровийлик концепцияси бозор ва давлатга мансуб назарий қарашларга нисбатан катта манбага эга бўлиб, унга доир асосий назариялар бозор ва давлат тараққиёти ғояларидан илгари пайдо бўлган. Фуқаролик жамияти ғояси янги радикал сиёсий концепциянинг ифодаланиши сифатида мутлақо давлат ва бозор томонидан ўрнатилган кенгликларни инкор этмаса-да, лекин у бу кенгликлар доирасидан ташқарига чиқади.

Агар фуқаролик жамияти ғояси кўпроқ маънавий характер касб этса, у жамиятнинг ўзгаришларга мойил бўлган концепцияларидан бирига айланади. Бу ғоя асосан фаровонлик давлатини ўзгаришлар қилишга ундайди. Унинг қуйидаги муҳим учта жиҳати мавжуд:

-расмий ҳукумат ўзининг муҳимлигини йўқотмайди – у ҳар қачонгидан ҳам янада муҳимроқ бўлиши мумкин, лекин у ўзининг жамиятдаги ролини қайтадан белгилаб олиши тақозо этилади. Сиёсатчилар фуқароларнинг ижтимоий фаолликларини инкор қилмасликлари, аксинча, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари ва рағбатлантиришлари лозим;

-ижтимоий соҳада мусобақадорлик унсурлари ҳам заруриятдир (масалан, жамиятнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш кабилар учун). Бу маънода ижтимоий алмашувлар анча самарали равишда амалга ошиши мумкин;

-саноат ва корпоратив ҳаёт ижтимоийлашуви даркор.

Фуқаролик жамияти ҳаёт, жамият ва меҳнат тизилмаларини қайтадан ўзгартиришни тезлаштиришга мойиллиги билан ажралиб туради. Замонавий меҳнат маданиятини иқтисодий жиҳатлар билан бойитиш, шунингдек, меҳнат соҳасидаги муваффақиятлар умуман бутун жамият ҳаётидаги муваффақиятларга олиб келади<sup>161</sup>.

Лекин ҳозирги даврда ҳам турли олимлар ўртасида фуқаролик жамиятини Шарқда ёки Ғарбда, Шимолда ёки Жанубда, шунингдек, унинг турли мамлакатларда ҳар хил шарт-шароит-

---

<sup>161</sup> Қараг: Dettling W. The «Bürgergesellschaft»: Scope for Reforming the Welfare State? //Civic Engagement in the Atlantic Community. Bertelsmann Foundation Publishes Gutersloh,1999.-P.3-5.

ларда шаклланишига доир баҳслар давом этмоқда. Шу билан бирга, фуқаролик жамиятининг ривожланишида демократик қадриятлар муҳим ўрин тутадими ёки либерал мафкура самаралироқми, қабалидаги саволларга берилаётган жавобларнинг ҳам бир-биридан фарқланиши кузатилмоқда. Кейинги ўн йилликда «икки хил талқинлар авж олди: замонавий фуқаролик жамияти ва дискурсив (воқеликни ўзаро боғлиқликда ва кетма-кетликда индрок этишга асосланган) этика нуқтаи назаридан баҳолашлар. Улардан биринчиси классик либерализм мавзуси билан боғлиқ бўлиб, улар «фуқаролик жамияти» тушунчаси ҳозирги даврда шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқи, ижтимоий ҳаёт эркинлиги (сўз ва уюшмалар эркинлиги), қонун олдида тенглик, мулкка бўлган ҳуқуқларни эслашга мажбур этади. Иккинчиси эса баҳс талаб меъёрларни очиқ муҳокама қилишда барчанинг тенг иштирок этишига алоҳида урғу беради, шунингдек уларнинг ечимини демократия қоидаларига ҳавола қилади.

Ҳозирги давр сиёсий назарияларида либерализм ва демократия асосларини бир-бирларига қарама-қарши қўювчи (қайтадан пайдо бўлган) қарашлар ҳам мавжуд<sup>162</sup>. Классик либерализм асосчилари ҳимоячилари «агар демократияга хос бўлган кўпчиликнинг бошқаруви ва умумий иштирок этиш жараёнларида етарли даражадаги назоратни амалга ошириш ва ҳокимият фаолиятини чеклашлар етишмай қолса, у ҳолда мавжуд эркинликларга хавф туғилади, шунинг учун ҳам бу – ёхуд сароб ёки ундан-да ёмон бўлган ҳолатдир», деган фикрга мойиллик кучайди. Тўғридан-тўғри ёки радикал демократия тарафдорлари эса ўз ўрнида, «либерал анъаналар кўпчиликнинг иштирокига асосланган демократик жамиятни барпо этиш йўлидаги бош тўғоноқ», деб билдилар.

Машҳур сиёсатшунослардан Жин Коэн ва Эндрю Аратолар эса юқорида кўрсатилган ҳар иккала (либерал ва демократик) қарашларни бирлаштиришга ҳаракат қилиб, уларнинг тўғрилиги бу назарий қарашларни концептуал ва меъёрий жиҳатлардан ўзаро мустаҳкам алоқадорлигига боғлиқ, деган фикрга келдилар.

---

<sup>162</sup> Коэн Дж., Л., Арато Э. Гражданское общество и политическая теория. Пер. с англ. – Москва: Весь Мир, 2003. – С.457-458.



Фуқаролик жамияти демократиялаштиришнинг зарурий унсури эканлиги борасида ҳам кенг тадқиқотлар олиб борилди. Таниқли олим Роберт Патнэм Италияда XX асрнинг 70-йилларида амалга оширилган демократик ислохотларнинг Италия шимолий минтақаларида муваффақият билан амалга ошганлиги, унинг жанубий ҳудудларида эса ислохотлар мағлубиятга учраганлиги хусусида тадқиқотлар олиб бориб, қуйидаги хулосага келган эди: «Демократиялаштиришнинг ҳал қилувчи омиллари «фуқаровийлик маданияти», ўзаро ишонч ва бирдамликнинг мавжудлиги ёки йўқлиги билан боғлиқдир. Бу омиллар жамиятни мустақкамлайди. Қайси ерда тўлақонли ижтимоий ҳаёт бўлса, ўша ерда улар қўллаб-қувватланади. Шунингдек, демократик ислохотлар бой фуқаровийлик анъаналар сақланиб қолган ҳудудларда кўпроқ муваффақият қозонади»<sup>163</sup>.

Фуқаролик жамияти ғоясида капитализм ва демократиялаштириш жараёни ўртасидаги ўзига хос алоқадорликнинг мавжудлиги сезилади. Бу алоқадорлик миллий бойликни яратиш ва уни тақсимлашда ўз ифодасини топти. Бошқача айтганда, иқтисоднинг ривожланиши демократиянинг яшаши учун ижтимоий кенгликларни яратади.

Сиёсатшунос Роберт Далнинг илмий тадқиқотларида жамиятни турли соҳаларга бўлиш учрамайди. У кўпинча фуқаролик жамияти билан «етук плюралистик жамият», «плюралистик фуқаролик жамияти» тушунчаларининг бир хил маънога эга эканлигини таъкидлаш билан бирга<sup>164</sup>, фуқаролик жамиятини ривожлантириш истиқболларини демократик принципларни кенг қўллаш билан боғлашга интилади.

Р.Далнинг қуйидаги мулоҳазалари фуқаролик жамиятини такомиллаштириш ва унинг барқарорлигини таъминлаш учун муҳим аҳамият касб этади: «Ҳар қандай бошқарув органи, у мамлакат ҳукумати, унинг «жойлардаги» қуйи ташкилоти ёки мустақил уюшма фаолиятларида бирон-бир нодемократик фаолият плюралистик фуқаролик жамиятида диққат-эътибордан чет-

---

<sup>163</sup> Мирский Н. Демократическая политика и культура демократии. //Демократия 1990-х. -Вена: Информ. агентства США,1993. -Б.8-10.

<sup>164</sup> Даль Р. О демократии. Пер.с англ.-Москва:АСПЕКТ ПРЕСС, 2000. -С.116.

да қолмаслиги керак. Демократик принциплар ҳар қандай ҳам-жамиятни бошқаришда қуйидаги қатор саволларга жавоб бериш-ни талаб этади:

-уюшмалар раҳбариятлари қарорлар қабул қилишда мазкур қарорларга тегишли бўлган ҳар қандай шахснинг фаровонлиги ва манфаатларини ҳисобга оладиларми?

-уюшманинг бошқарувчи аъзоларининг тўла ва узил-кесил ҳокимият юритишларига ишониш учун улар мазкур уюшманинг бошқа аъзоларини бошқаришга қай даражада тайёргарлик кўрганлар? Агар бундай тайёргарлик етишмаса, унда биз унинг ҳамма аъзоларини сиёсий тенгликка эга, деб айта оламизми?

-агар унинг барча аъзолари сиёсий тенгликка эга бўлсалар, унда бу уюшма бошқарув тизими демократия мезонларига жавоб бера оладими? Агар жавоб бера олса, унда мазкур уюшма ўз аъзоларига бошқарувда иштирок этишлари, тенг сайлов ҳуқуқига, билимлар ахборотига эга бўлишлари ва раҳбарият фаолияти устидан назоратни амалга оширишлари учун қай даражада имкониятлар яратиб бера олади?»<sup>165</sup>.

Венгриялик олим Ференц Кондороши фикрича, фуқаролик жамияти – кўп қиррали тушунча. Унинг руҳий отаси Жон Локк учун фуқаролик жамияти шундай бир цивилизацияга эришганликки, у ҳукмдор билан халқ ўртасидаги ижтимоий шартномада ўзининг яшаш қобилиятини намоён этади. Шу билан бирга, Жон Локк фуқаролик жамияти билан сиёсий жамиятни синонимлар сифатида ишлатади. Унга кўра, фуқаролик жамияти дастлаб давлатдаги ташкиллашган бирликни ифодалаган. Лекин Гегель биринчи бўлиб фуқаролик жамиятини давлатдан ажратиб, икки хил шаклларга бўлиб, бу анъанани бузди.

Таниқли файласуф З.Пельцинскининг ёзишича, ўз навбатида, Гегель концепциясидаги фуқаролик жамияти – бу замонавий инсон ўз эҳтиёжларини ўзи қондиришига қаратилган меъёрларгина эмас, балки у (инсон) ўз шахсий фаровонлигини бошқаларнинг фаровонлигига боғлиқ эканлигини англашга мажбур эканлиги учун ҳам жамоавий ҳамкорлик ва ҳамҳаракатни эътироф этадиган жамиятдир. Фуқаролик жамиятини бу тарзда тушуниш ўзига шундай барқарор таркибий қисмларини қамраб олганки,

<sup>165</sup> Ўша жойда.. –Б. 116-117.

улар конституциявий эркинлик, ихтиёрий уюшмаларга бирлашиш ва коммуникация автономияси кабилардан иборатдир<sup>166</sup>.

Немис сиёсатшуноси К.Хол ҳам ҳозирги даврдаги фуқаролик жамияти назариясини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Унинг ёзишича, «ҳозирги давр ва истиқболдаги ривожланишни фақат фуқаролар ёрдамидагина таъминлаш мумкин. Фуқаролик жамияти, аниқроғи, Европа минтақавий фуқаролик жамиятлари тўғрисидаги энг асосий хулоса ана шундан иборатдир. Ҳозирги давр характери қуйидагилардан иборат: глобаллашув (ёки транснационализация), индустриал меҳнатдан меҳнат фаолиятининг янги шаклларига ўтиш, ахборот жамиятини шакллантириш. Келажак жамияти фақат миллий белгилар бўйича ифодаланмайди. Янги «глобал» даврда кишиларнинг ижтимоий, илмий ва иқтисодий алоқалари миллий чегаралар ташқарисидан бўлиб бера бошлайди. Келажак транснационаллик характерига эгадир. Баъзи-бир тадқиқотчилар фикрича, глобаллашув «глокализация»га, яъни минтақавий, муниципал ва локал сиёсатнинг кучайишига олиб келади<sup>167</sup>.

АҚШдаги Форд жамғармасининг давлат ва фуқаролик жамиятини ўрганиш маркази директори, сиёсатшунос М.Эдвардс ва Сассекс университети олими Дж. Гавента фикрича, фуқаролик жамияти ўта зиддиятли характерга эгадир. Ҳозирга қадар унинг моҳиятини умумий тарзда ифодалаш шаклланмаган. Улар «фуқаролик жамияти» тушунчасини кенг жиҳатларга эгаллигига ўз эътиборларини қаратиб, бу «жамият кенгликларидан кишилар ўзларнинг фойда олиш ёки сиёсий ҳокимият билан боғлиқ бўлмаган умумий манфаатларини ҳимоя қилиш учун бирлашадилар». Фуқаролик жамиятининг ташкилотлари – булар мазкур жамият кенгликларидан ҳаракат қилувчи барча гуруҳлардир: уюшмалар, сиёсий партиялар, ҳамжамиятлар, ноҳукумат ташкилотлар. Фуқаролик жамиятининг ташкилотлари баъзан муаммоларнинг

---

<sup>166</sup> Қаранг: Кондорози Ф. Гражданское общество на защите прав человека. //Гражданское общество и право.–Москва: Бюллетень №1(47) 2003.–С.17.

<sup>167</sup> Гол К. Гражданское общество – политическая перспектива. // Гражданское общество и право. –Москва: Рефератив. бюлл. №1(47) 2003.–С.39-49.

ечимларини излаш, шунингдек, ўзаро турли-туман ихтилофларга киришиш асосида фаолият юритадилар<sup>168</sup>.

Шунингдек, Германия Бундестаги «Келажак фуқаролик жамияти» комиссияси аъзоси, сиёсатшунос олими Г. Якоб «жамият фаровонлиги учун ихтиёрий меҳнат қилиш фуқаролик жамиятининг таркибий қисмларидан бири», деб қарайди. У «фуқаролик жамияти» деганда, демократик жамият доирасида кафолатланган, шунингдек, ўз ҳуқуқлари асосида ўзларининг ташкилотларини тузаётган фуқаролар ҳамжамиятини тушунади. «Фуқаролар ўзларининг жамоатчилилик ишларида иштирок этиш имкониятларини амалга оширишига қаратилган ихтиёрий бирлашмалар ўзида фаол фуқаролик жамиятини мужассамлаштиради. Илмий ва сиёсий доиралар турли фуқаролик жамияти концепцияларини муҳокама қиладилар. Уларнинг барчасини берилган ҳуқуқлар ва қўйилган бурчлардан келиб чиққан ҳолда алоҳида фуқароларнинг сиёсий ҳамжамияти аъзоси нуқтаи назаридан талқин этиш асосида фуқаролик мақомини умумий ифодалаш бирлаштириб туради.

Фаол фуқаролик жамияти фуқароларнинг ўз зиммаларига ижтимоий масъулликни олишлари, жамият фаровонлиги учун ихтиёрий фаолият юритишлари билан характерланади. Фуқаролар ўз зиммаларига масъулликни олишлари билан ҳамжамият ишларида иштирок этиш ва сиёсий қарорлар қабул қилиш ҳуқуқини қўлга киритадилар. Бу фуқаролар фаоллиги учун зарур бўлган шарт-шароитлар доирасини яратадиган ва фуқаролар манфаатларини ҳимоя қиладиган ижтимоий институтлар ва ташкилотларнинг мавжудлигини таъминлайди»<sup>169</sup>.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, ривожланган мамлакатлар жамиятларининг учга бўлиниши замонавий демократик мамлакатлар учун хосдир. Бу мамлакатлар жамияти иқтисодий кенгликларда шахсий секторнинг беқийёс даражада юксалиши, уларни йирик транснационал корпорациялар билан ҳар томонлама алоқаларининг кенгайтириши натижасида иқтисодий жамият

---

<sup>168</sup> Эдварс М., Гавента Дж. Глобальная гражданская инициатива./Гражданское общество и право. –Москва: Рефератив. бюлл., № 1(47), 2003. –Москва: РАГС, 2003. –С.50-53.

<sup>169</sup> Якоб Г.Добровольный труд в гражданском обществе.//[http://zluka.isr.Lviv.ua/Files/SCI\\_66/HTML](http://zluka.isr.Lviv.ua/Files/SCI_66/HTML). –С.38-39.

мустақил равишда шаклланиши мумкин. Бу мамлакатларда иқтисодий ва фуқаролик жамиятларининг ривожланиши сиёсий жамиятни ҳам алоҳида фаолият кўрсатиши учун имкониятлар ва шарт-шароитлар яратади.

Ҳозирги даврда кўпчилик сиёсатшунос ва социологлар «фуқаролик жамияти» деганда, давлат ва иқтисоддан фарқ қиладиган ва қуйидаги ўзини ташкил этувчилардан таркиб топган социетал соҳанинг меъёрий моделини тушунадилар: (1) *плюрализм*: оила, норасмий гуруҳлар ва ихтиёрий уюшмалар, ҳаёт шакллари турли-туманлигини таъминлаб турувчи институтларнинг плюрализмга берилганлиги ва автономлиги; (2) *ижтимоий ҳаёт эркинлиги*: маданият ва коммуникациялар институтлари; (3) *шахсий ҳаёт дахлсизлиги*: индивидуал ўзини ўзи ривожлантириш ва ахлоқий танлаш соҳалари; (4) *қонунийлик*: плюрализмни чегаралаб олиш учун умумий қонун чиқаришга, шахсий ҳаёт ва ижтимоий соҳаларда иложи борича давлатга, ҳаётини интилишларда эса иқтисодга нисбатан дахлсизлик. Ана шу тизилмаларнинг барчаси биргаликда замонавий фуқаролик жамиятининг институционал мавжудлигини таъминлайди»<sup>170</sup>.

Машҳур сиёсатшунос олим Флипп Шмиттернинг фикрича, «фуқаролик жамияти» қуйидаги «ўзини ўзи ташкиллаштирувчи медиатор (воситачилик қилувчи) гуруҳлар»дан иборатдир:

- давлат ҳокимияти органларига нисбатан мустақил, шунингдек, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаб чиқариш нодавлат бирликлари, яъни, фирма, оила кабилар;

- ўз манфаатлари ва интилишларини ҳимоялаш (уларга эришиш мақсадларида жамоавий акцияларни режалаштириш ва амалга ошириш қобилиятига эга бўлган) ;

- давлат тизилмалари, хусусий ишлаб чиқариш соҳаси ўрнини босмайдиган, ўзига умуман сиёсатни бошқариш функциясини олмаган;

- шаклланиб бўлган «фуқаролик» ёки ҳуқуқий меъёрлар доирасида фаолият юритишга рози бўлган»<sup>171</sup>.

---

<sup>170</sup> Коэн Дж. Л., Арато Э. Гражданское общество и политическая теория. Пер. с англ. – Москва: Весь Мир, 2003. – С. 458.

<sup>171</sup> Шмиттер Ф. Размышления о гражданском обществе и консолидации демократии. // Политические исследования, 1996, № 5. – С. 16.

Шу билан бирга, Ф.Шмиттер фуқаролик жамиятини алоҳида олинган шахс билан боғлайди ва фуқаролик институтларини шахс манфаатлари ифодачиси ва ҳимоячиси эканлигини таъкидлайди. Бинобарин, у замонавий фуқаролик жамиятининг Ғарб тажрибаси асосида шаклланган қуйидаги муҳим сифатларини алоҳида ажратиб кўрсатган эди:

-шахс, унинг аҳолининг алоҳида гуруҳлари ва давлатдан мустақиллиги;

-ташкилий яхлитлик, бир бутунлик;

-давлат томонидан ҳимоя қилинадиган ҳуқуқларга асосланган «корпоративлик»;

-либераллашиш билан боғлиқ жараён ёки ҳодиса;

-автократиянинг деспотик куч сифатида (демократик натижалар асосида) заифлашуви<sup>172</sup>.

Юқоридаги таҳлиллардан хулоса чиқарилса, фуқаролик жамияти энг олий инсоний бирлик шакли ҳисобланиб, у ўз ичига турли «уюшмалар»нинг таркибий қисмларини (оила, корпорация кабиларни) қамраб олади. Улар ўз моҳиятига кўра жамиятдаги адолатлилик тамойилига асосланган ҳамжамият бўлишни ифода этади. Бу жамиятда ҳар бир киши ўзи учун олий фаровонлик топиши мумкин.

### 3. Фуқаролик жамиятининг тузилмаси ва институтлари

Ҳозирги замон ривожланган мамлакатлар сиёсатшунос олимларининг фуқаролик жамияти тўғрисидаги назарий қарашлари бир тизимга келтирилса, у ҳолда фуқаролик жамияти бу:

-биринчидан, жамият ҳаёти фаолиятининг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларида ихтиёрий равишда шаклланган, бошланғич нодавлат тизимларини ўз ичига қамраб олган инсоний бирликдир;

-иккинчидан, жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий, оилавий, миллий, маънавий, ахлоқий, диний, ишлаб чиқариш, шахсий ва нодавлат муносабатлар мажмуасидир;

---

<sup>172</sup> Schmitter Ph. C.. «Society», in National Research Council, The Transition to Democracy: Proceedings of a Workshop (Washington, D.C.: National Academz Press, 1991) .-P.16-25.

-учинчидан, эркин индивидлар, ихтиёрий равишда шаклланган ташкилотлар ва фуқароларнинг турли органлар тазйиқлари, аралашилари ёки бир қолипга солишларидан қонунлар воситасида ҳимояланган жамияти бўлиб, унда улар ўзлигини намоён қила олишлари учун доимий имкониятларга эга бўладилар.

Шу билан бир қаторда, ривожланган мамлакатларнинг ХХ аср иккинчи ярмидаги тажрибалари умумлаштирилганида, ҳозирги замонавий фуқаролик жамиятининг асосий белгиларига доир тасаввур намоён бўлади. Улар асосан қуйидагилардан иборатдир:

*Иқтисодий соҳада:* нодавлат ташкилотлар; кооператив-ширкатлар; ижара жамоалари; акциядорлик жамиятлари; уюшмалар; корпорацияларнинг мавжудлиги.

*Ижтимоий соҳада:* оила; партиялар, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлар; иш ва яшаш жойларидаги ўз-ўзини бошқариш органлари; нодавлат оммавий ахборот воситалари; жамоатчилик фикрини аниқлаш, шакллантириш ва ифода этишнинг маданийлашган тартиботлари; ижтимоий ихтилофларни куч ишлатмасдан, тазйиқсиз, қонунлар доирасида ҳал қилиш амалиётининг мавжудлигидир.

*Маънавий соҳада:* сўз, виждон ва фикрлар эркинлиги; ўз фикрини очиқ билдира олишнинг реал имкониятлари; ижодий, илмий ва бошқа уюшмалар мустақиллигининг ҳам қонуний, ҳам амалий жиҳатлардан таъминлаганлиги.

Шунингдек, фуқаролик жамиятининг барқарорлигини таъминловчи шарт-шароитлар ҳам борки, уларсиз жамиятнинг институтлари ривожланмайди. Булар жумласига жамиятдаги ижтимоий қатламларнинг турлича манфаатларини ифода этувчи ривожланган ижтимоий тизилмаларнинг мавжуд бўлиши зарурлиги киради. Қолаверса, жамият аъзоларининг тўла мустақиллик билан фаолият кўрсата олиш қобилияти, уларнинг энг ривожланган даражадаги ижтимоий, интеллектуал, руҳий жиҳатлардан юксалиши содир бўлиши ҳам тақозо қилинади.

Сўнгги шарт-шароит эса ҳар бир фуқаронинг ўз шахсий мулкига эга бўлиши, бу мулкни ўзи истаган тарзда тасарруф қила олиши учун унинг бу мулкка нисбатан шахсий ёки жамоавий ҳуқуқининг таъминланган бўлишидир.

Фуқаролик жамиятининг белгилари, мезонлари ва институтларини тасаввур қила олган ҳар бир кишига кўриниб турибдики,

бундай жамиятнинг асосини фуқаролик жамиятининг институтлари – сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўзаро муносабатлари мажмуаси ташкил этади.

Фуқаролик жамиятида давлат ва ҳукуматнинг алоҳида ўз функциялари, фуқаролик жамияти институтларининг эса алоҳида ўз функциялари бўладики, улар бир-бирларини тўлдириб, юксак ривожланган жамиятнинг яшовчанлигини таъминлайди. Давлатнинг ҳам, нодавлат ташкилотларнинг ҳам ўз ҳаракат доираси ёхуд белгиланган фаолиятлари у ёки бу томонга озгина ўзгариши натижасида ижтимоий-сиёсий мувозанатлар бузилиб, демократик меъёрлардан чекиниши, четга чиқиб кетиш ҳоллари рўй бериши мумкинлигини асримизнинг сўнгги даврдаги тараққиёт амалиёти кўрсатиб берди.

Фуқаролик жамияти инсонлардаги ўзини ўзи англаш, уларнинг объектив равишда масъуллик ҳиссини сезиш қобилиятининг юксалишига ҳамоҳанг равишда шаклланиб боради. Бу каби жамиятда шаклланган фуқаролар сиёсий ва ҳуқуқий маданиятлари даражасининг юқорилиги билан ажралиб туради.

Фуқаролик жамияти шаклланган мамлакатларда нафақат инсон эркинлиги, давлатнинг жамият учун хизмат қилиш масъулиятининг юксаклиги, ўзини ўзи бошқаришнинг авж олиши каби қадриятларга амал қилинади, бу жамиятларда инсон фаровонлигини ҳар томонлама таъминлаш соҳасида ҳам мислсиз натижаларга эришилади. Жаҳондаги мамлакатлар ўртасида ялпи миллий маҳсулотнинг ўртача киши бошига тақсимланишида ҳам фуқаролик жамияти ривожланган мамлакатлар пешқадамлик қилмоқда. Бунинг асосий сабаби шундаки, инсон сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий эркинликлар бағридагина ўзининг яратувчанлик қобилиятини тўлиқ намоён қила олади.

Фуқаролик жамияти инсоннинг ўзини ўзи ҳаётда намоён қила олиши учун нисбатан кенг шарт-шароитлар яратиб бериши билан алоҳида ажралиб туриши ўз исботини топди. Шу боис ҳам жаҳондаги барча халқлар ва давлатларнинг фуқаролик жамиятини қуришга бўлган қизиқишлари тобора кучайиб бормоқда.

XX асрда фуқаролик жамиятини илмий ўрганишнинг муҳим хусусияти шундан иборат бўлдики, авваллари жамиятни тадқиқ этишнинг назарий ва методологик асослари анча чекланган бўлса, бу даврга келиб фуқаролик жамиятини илмий жиҳатлар-



дан ўрганишнинг янги йўналишлари пайдо бўлди. Фуқаролик жамиятини тадқиқ этишнинг услубиёти тақомиллашди, унинг услубий асослари янада кенгайди. Турли услубий ёндашувлар ичида фуқаролик жамиятини илмий тадқиқ этишнинг либерал мактаби муҳим аҳамият касб эта бошлади. Чунки XX асрда кўплаб мамлакатларда фуқаролик жамияти қуриш жараёнларининг авж олиши либерал мактабга мансуб олимлар назарий қарашларини амалиёт тажрибалари билан уйғунлашувига шартшароитлар яратди. Бу даврга келиб фуқаролик жамиятининг янгидан-янги белгилари ва ривожланиш тамойиллари пайдо бўлиши натижасида улар билан боғлиқ ҳолда илмий тадқиқотлар янада чуқурлашиб борди.

#### 4. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиш жараёни

XX асрнинг 80-йиллари охири 90-йиллар бошида тоталитар тузумдан эндигина халос бўлган, ўз мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистонда янги жамият ва давлатни бунёд этиш ислохотлари жаҳон тажрибасининг қандай йўлидан бориши ҳали аниқ ва равшан эмас эди. Республикада фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришнинг сиёсий ва ҳуқуқий кафолатлари қисқа муддатларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларда ўз ифодасини топди. Натижада, фуқаролик жамиятини шакллантириш учун ҳуқуқий асослар туғилди.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш ислохотлари энг мураккаб ва машаққатли синовларни кутмоқда эди. Чунки мамлакатда эскидан мерос бўлиб қолган давлатчилик анъаналари ва тоталитар жамият асоратлари ҳали сақланмоқда эди. Шунингдек, халқнинг ҳали янги жамият қуриш ва уни ташкил этишга доир тажрибаси кам, руҳияти ва сиёсий маданияти эса фуқаролик жамияти тўғрисидаги тасаввурлардан анча узоқ эди. Ана шундай шароитда Президент И.А.Каримов томонидан Ўзбекистонда фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат ва бозор муносабатларига ўтиш даврининг назарий асослари ишлаб чиқилди. Албатта, улар мамлакат тарихий ривожланиш анъаналари, демократик принциплар ва халқ дунёқараши, қолаверса, мамлакат миллий манфаатларини ўзида ифода этар эди.

Фуқаролик жамияти институтларини шакллантиришнинг асосий кафолати, яъни уларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадларида 1991 йилнинг 15 феввалида Ўзбекистон Олий Кенгаши «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунни қабул қилди. Мазкур қонун республикада фаолият юритиб келаётган жамоат бирлашмалари фаолиятини тубдан ислоҳ қилишга, уларни собиқ яккаҳоким мафкурадан покланишига, шунингдек, жамоат бирлашмалари тизилмаларини давлат ва ҳукумат тизимидан ажратишга ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб берди. Республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида биринчи марта мазкур қонунда жамоат бирлашмаларининг мақсадлари халқаро ва демократик мезонлар асосида таърифлаб берилди: «Жамоат бирлашмалари фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий, ҳуқуқий ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш, фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамоат ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш...»<sup>173</sup> мақсадларида тузилади.

Мамлакат тарихида илк бор фуқаролик жамияти институтлари – жамоат бирлашмаларининг мустақиллиги, уларнинг давлат ва ҳукуматдан алоҳида фаолият юритувчи ҳуқуқий субъект эканлиги тан олинди. Бу ҳолат фуқаролик жамиятига хос белгилардан бири эди. Қонунда давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралashiш, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига аралashiшига йўл қўйилмаслиги ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди.

Бу даврдаги муҳим воқеликлардан бири – Президент И.А.Каримов томонидан Ўзбекистонда ўтиш даври учун давлат қурилиши, бозор иқтисодиётини шакллантириш, умуман, жамиятнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш жараёнларини бешта асосий қоидалар асосида амалга ошириш концепциясининг ишлаб чиқилиши бўлди. Бу бешта асосий қоидаларнинг моҳияти қуйидагича ифодаланди:

*«биринчидан, иқтисодий ислоҳотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак, у бирор мафкурага бўйсундирилиши мумкин*

---

<sup>173</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни.//Ўзбекистон Республикасининг қонунлари. 4-сон. –Тошкент: Адолат, 1993. –Б. 155.

эмас. Бунинг маъноси шуки, иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши керак. Ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларни мафқурадан ҳоли қилиш зарур;

*иккинчидан*, давлат бош ислоҳотчи бўлиши лозим. У ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгартиришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан ўтказиши, жаҳолатпарастлар (ретроградлар) ва консерваторлар қаршилигини бартараф этиши шарт;

*учинчидан*, қонун, қонунларга риоя этиш устувор бўлиши лозим. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган янги Конституция ва қонунларни ҳеч истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим;

*тўртинчидан*, аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим. Бу бозор иқтисодиёти йўлидаги энг долзарб вазифа бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади;

*бешинчидан*, бозор иқтисодиётига ўтиш объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, ўтмишдаги «инқилобий сакрашлар»сиз, яъни эволюцион йўл билан пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши керак.

Бу қоидалар ўз истиқлол, ривожланиш ва тараққиёт йўлимизга асос қилиб олинган бўлиб, ўтиш даври дастурининг негизини ташкил этади»<sup>174</sup>.

Шу билан бирга, Ўзбекистондаги фуқаролик жамияти барпо этишга доир ислоҳотларни ривожланган демократик мамлакатлар ва халқаро ҳамжамиятлар тажрибасидаги демократик қадриятлар асосида амалга оширишга муҳим аҳамият берилди. Чунки демократик қадриятлар нафақат халқаро тажриба ва синовлардан ўтганлиги, балки ўзбек халқининг миллий манфаатларига мос келганлиги учун ҳам ислоҳотлар жараёнларига татбиқ этила бошланди.

Мустақилликнинг илк давридан бошлаб давлат фуқаролик жамиятини инсон эркинлиги ва ҳуқуқларининг энг асосий ҳимоя-

---

<sup>174</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли.//Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафқура.Т.1.–Тошкент: Ўзбекистон, 1996. –Б.300-301.

чилик эркинлигига муҳим эътибор бера бошлади. Жумладан, қуйидаги фикрлар фуқаролик жамиятининг янги қирраларини очиб берди: «Биз учун фуқаролик жамияти – ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига қўмаклашади. Айни вақтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Яъни эркинлик ва қонунга бўйсунуш бир вақтнинг ўзида амал қилади, бир-бирини тўлдиради ва бир-бирини тақозо этади. Бошқача айтганда, давлатнинг қонунлари инсон ва фуқаро ҳуқуқларини камситмаслиги лозим. Шунинг баробарида барча одамлар қонунларга бўйсунган ҳолда ҳаётини яшатиши шарт»<sup>175</sup>.

Шунингдек, Президент И.А.Каримов фуқаролик жамиятининг давлат органлари, фуқароларнинг мансабдор шахслар устидан назорат ўрнатишлари, уларнинг фуқаролар олдидagi масъулиятини ошириш масалаларига муҳим эътибор қаратди. Айниқсан, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, уларнинг давлат органлари фаолиятдан хабардорлиги, шунингдек, фуқароларнинг сиёсий жараёнлардаги кенг иштироки фуқаролик жамиятининг энг муҳим белгиларидан бири эканлиги каби концептуал қондалар илгари сурилди. Албатта, бу назарий қарашлардаги шимий талқинлар нафақат жамиятнинг, балки давлатнинг кучли ва самарали фаолият кўрсата олиш қобилиятини ошириш билан уйғунликда амалга ошириладикки, ундаги асосий ғоялар инсон эркинлигини таъминлаш мақсадларида унинг ўзини фаол ва омилкор бўлишига ундайди: «Ҳокимият тузилмаларининг демократик мазмуни кўп жиҳатдан давлатни бошқаришда фуқароларнинг иштирок этиши масаласи қанчалик ҳал қилинганлиги билан белгиланиши маълум. Ўзбекистонда ушбу ҳуқуқнинг амал қилиши учун қонун асослари яратилган. Бироқ ҳали жамият ва фуқаролар давлатни бошқаришда иштирок этиши, ўзлари қандай бошқарилаётганлиги ҳақида маълумот олиш ҳуқуқини англай бош-

---

<sup>175</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка ҳаҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б. 151.

лашига ва бу ҳуқуқдан фойдалана оладиган бўлишларига эришиш керак. Шундай шароитдагина давлат ва унинг институтлари, мансабдор шахслар жамият ва фуқаро олдигаги ўз масъулиятларини ҳис қиладилар. Бунинг учун фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш зарур»<sup>176</sup>.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиши фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирокини амалга ошириш билан узвий равишда боғлиқ ҳолда кеча бошлади. Президент И.А.Каримов янги жамият халқ томонидан демократик қадриятларни ўз сиёсий маданиятига сингдириб боришига ҳамоҳанг тарзда ривожланиб боришини эътироф этгани ҳолда қуйидаги фикрларни билдиради: «Жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгилловчи камида учта мезон бор. Булар – халқ қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлигиндир. Ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир»<sup>177</sup>.

Умуман олганда, «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, унга мутаносиб равишда ҳуқуқий давлат қуриш мақсадларидан келиб чиқиб жамиятнинг сиёсий соҳасини эркинлаштириш (либераллаштириш) концепциясини ишлаб чиқилди ва унинг қуйидаги йўналишлари белгиланди:

-мамлакат сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш;

-мамлакат сиёсий ҳаётида ҳақиқий маънодаги кўппартиявийлик муҳитини қарор топтириш;

-нодавлат нотижорат тузилмалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

-жамиятда фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглиги, уларни эркин ифода этиш шароитини таъминлаш;

-инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, одамлар онгида демократик қадриятларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.

<sup>176</sup> Ўша жойда. –Б. 151-152.

<sup>177</sup> Ўша жойда. –Б.156-157.

Мамлакатда «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилидан келиб чиқиб, фуқаролик жамияти қуриш мақсадларида давлат ҳокимиятининг аксарият ваколатларини маҳаллий ҳокимият органлари ва ўзини ўзи бошқариш органларига бериш жараёнлари бошланди. Марказий давлат ҳокимияти тасарруфида эса асосан, фақат конституцион тузумни, мамлакатнинг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ-тартибот ва мудофаа қобилиятини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, мулк эгаларининг ҳуқуқларини, иқтисодий фаолият эркинлигини ҳимоя қилиш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, самарали ташқи сиёсат олиб бориш каби ваколатларни қолдириш кўзда тутилди.

Шунингдек, стратегик аҳамиятга молик масалалар, муҳим иқтисодий ва ҳўжалик масалалари, пул ва валюта муомаласи бўйича қарорлар қабул қилиш, ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ҳуқуқий шарт-шароитларини яратиш, экология масалалари, умумреспублика транспорт ва муҳандислик коммуникацияларини ривожлантириш, янги тармоқларни вужудга келтирадиган ишлаб чиқаришни барпо этиш масалалари марказий давлат миқёсида ҳал этилиши, давлатнинг бошқа барча вакифалари эса маҳаллий давлат ҳокимияти, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ва жамоат ташкилотларига бериш учун ҳуқуқий асослар ва сиёсий шарт-шароитлар яратишга доир ислоҳотлар чуқурлашиб бормоқда. Шу билан бирга, давлат органлари фаолиятини назорат қилиш ваколатлари ҳам асосан ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ва жамоат ташкилотларига ўтказиш белгиланди.

Мамлакатда марказий давлат ҳокимияти органлари ваколатларини номарказлаштириш асосида кучли жамиятнинг шаклланиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадларида «ҳокимият ваколатларининг маълум бир қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият органларига ўтказишга қаратилган мавжуд қонун ва ҳуқуқий ҳужжатларни бир тизимга келтириш ва уларга қўшимча тарзда янгиларини ишлаб чиқиш»<sup>178</sup> вазифаси белгиланди. Шу

<sup>178</sup> Қаранг: Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгिलाш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишидир. // Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. –Тошкент: Ўзбекистон, 2005. –Б. 181.

билан бирга, «Ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалла, маҳалла қўмиталари ва қишлоқ фуқаролик йиғинларининг роли ҳамда ваколатларини амалда кучайтириш»<sup>179</sup> муҳим вазифалар сирасига киритилди.

Мамлакатда икки палатали парламент ислоҳотлари билан узвий боғлиқликда нодавлат нотижорат ташкилотларни ижтимоий қатламлар, гуруҳлар манфаатлари ҳамда иродаларини ифодаловчи ташкилотлар даражасига кўтариш, жамиятдаги турлитуман ижтимоий қатламларнинг манфаатларини мувофиқлаштириш, жамиятни доимий барқарор бўлишига замин яратиш, шунингдек, фуқароларнинг жамият ва давлат органларини бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш учун шарт-шароитлар ва ҳуқуқий-сиёсий кенгликлар яратилди. Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг давлат ва қонунлар томонидан кафолатланиши ислоҳотларни янада чуқурлаштириш учун имкониятлар яратди.

Ўзбекистон жамияти сиёсий тизимида икки палатали парламент ислоҳотларининг бошланиши ҳам давлат ҳокимияти тизими ва жамият институтларини ҳар томонлама модернизациялаштириш ва ислоҳ этиш учун шарт-шароитлар ва имкониятларни янада кенгайтди. Авваламбор, парламент ислоҳотлари натижасида жамиятдаги ижтимоий қатламлар ва гуруҳларнинг манфаатлари ва иродаларини ифодаловчи янги институтлар — парламентнинг Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг шаклланиши натижасида бу турли-туман манфаатларни қонунлар ва сиёсий қарорларда ифодалана олиш имкониятлари яратилди. Албатта, бу ўзгаришлар фуқаролик жамиятига хос бўлган қадриятлардан бири - фуқаролар истаклари ва манфаатларини фуқаролик институтлари воситасида давлат иродаси ҳамда давлат вазифаси даражасига кўтариш амалиётига эришилди. Шунингдек, фуқаролик жамиятига хос бўлган қонунлар қабул қилишнинг ўзига хос имкониятлари яратилди.

Шунингдек, Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг «Ўзбек модели»га хос давлатнинг бош ислоҳотчилик фаолияти асосида амалга оширилган туб ўзгаришларнинг пировард мақсади асосан ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти куришга қаратилди.

---

<sup>179</sup> Ўша жойда. —Б.181.

Давлат ҳокимияти органларининг турли йўналишларда амалга оширилган ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнлари натижа-си ўлароқ, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш-нинг конституциявий ва ҳуқуқий асослари яратилди.

Мамлакатда бозор муносабатларига ўтишнинг қийин жара-ёнлари, айниқса, мулк муносабатларининг вужудга келиши, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш, хўжалик юриштишнинг янги усулларининг шаклланиши билан бутунлай янги типдаги давлат ҳокимияти органларига эҳтиёж сезилган эди.

Фуқаролик жамияти институтларининг давлат ҳокимияти инс-титутлари билан мувозанат сақлаши, жамият институтларини давлат органларидан мустақил фаолият кўрсатишида жамият ва давлатни ривожлантириш омилларидан энг асосийси, бу – сиё-сий плюрализмдир. Жамиятда плюрализмнинг етишмаслиги оқибатида фуқаролик жамияти институтларини давлат тизими «югиб» юборишини тарих ўз вақтида исботлаб берган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида сиё-сий плюрализмни давлат ва жамиятнинг яшаш принципи сифати-да эътироф этилиши фуқаролик жамияти институтлари ривожла-нишига ҳар томонлама шарт-шароитлар яратиб берди. Хусусан, Конституциянинг 12-моддаси қуйидагича талқин қилинади: «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожла-нади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатили-ши мумкин эмас»<sup>180</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг еттита модда-дан иборат «Жамоат бирлашмалари боби» республикада фуқаро-лик жамияти институтларини қарор топтириш учун ҳам ҳуқуқий, ҳам сиёсий жиҳатдан зарур шарт-шароитлар яратиб берди. Унда «жамоат бирлашмаси», «касаба уюшмалари» «сиё-сий партиялар» каби тушунчаларга ҳуқуқий аниқликлар кирити-либ, улар эндиликда демократик талқинлар асосида таърифлана бошланди. Айниқса, Конституциянинг 58-моддасидаги «Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатла-рига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

<sup>180</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбе-кистон, 2012. –Б. 5.



Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашшига, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди»<sup>181</sup> каби демократик принципларнинг Асосий қонунда ифодаланиши мустақил республика давлати ва халқининг инсоният ҳаётида бир неча асрлик тажриба ва синовлардан ўтган фуқаролик жамияти сари интилаётганлигини англатар эди.

Мамлакатда халқ манфаатлари ва сиёсий иродаларини эркин билдириш ва уларни эркин ифода этиш учун ҳуқуқий асослар ва эркин сиёсий муҳит яратилиши билан ҳамоҳанг тарзда сиёсий партиялар ва бошқа нодавлат жамоат бирлашмалари ҳам тузила бошланди. Собиқ иттифоқ тузуми даврида фаолият кўрсатган нодавлат жамоат бирлашмаларини демократик ҳуқуқий асослар ва талаблар асосида қайтадан ташкил этиш жараёнлари авж олди. Ҳозирги даврга келиб нодавлат нотижорат ташкилотларнинг сони 5300 тадан ортиб кетди. Шунингдек, давлат органлари мамлакатда фуқаролик жамиятининг институтлари фаолиятини молиявий ва ижтимоий жиҳатлардан кафолатлашга ҳам муҳим аҳамият берди. Сиёсий партиялар “Маънавият тарғибот” маркази, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда уларнинг барча қуйи ташкилотларини давлат бюджети томонидан молиялаштиришга доир ҳуқуқий асослари қабул қилинди ва ҳаётга жорий этилди. Дарҳақиқат, Ўзбекистонда туб ўзгаришлар жараёнларидаги давлатнинг бош ислохотчилик ўрни асосан фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш жараёнларида намоён бўлди.

## 5. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёни

Мамлакатда XXI аср бошларига келиб «Кучли давлатдан кучли жамият сари» тамойил асосида марказий давлат органларининг айрим ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимияти, ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар

---

<sup>181</sup> Ўша жойда. –Б.12.

вазифаларни-босқич бериб бориш асосида фуқаролик жамияти қурлиш ислохотлари янада чуқурлашди.

Президент И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”нинг бешинчи йўналишини “Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш” деб номланишининг ўзи бу соҳада амалга ошириладиган вазифаларни давлатнинг энг асосий стратегик аҳамиятга молик мақсад эканлигини англатади<sup>182</sup>.

Концепциядаги асосий вазифалардан бири – бу фуқаролик жамияти институтларини давлат бошқаруви ва жамиятдаги нуфузига ва мақомини ошириш, уларнинг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга ошира олиш даражасига кўтаришдан иборат бўлишиги очиқ-ойдин эътироф этилди. Шунингдек, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш жараёни жамоатчилик ва фуқаролик назорати институтларини жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш билан узвий боғлиқ ҳолда бешинчи кўзда тутилмоқда.

Нодавлат нотижорат ташкилотларини фуқаролик жамияти институтлари сифатида тобора ривожлантириш, уларнинг мустакил фаолият юритиши, уларни фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадларида Ўзбекистон Республикасининг *“Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”*ги, *“Жамоат фондлари тўғрисида”*ги, *“Ҳомийлик тўғрисида”*ги қонунлари, *Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишига кўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида”*ги қарори ва яна бошқа ҳуқуқий асосларнинг шакллантирилганлиги натижасида нодавлат нотижорат ташкилотлар ўзларида фуқаролик жамияти институтларига хос белгиларни ифода эта бошладилар.

---

<sup>182</sup>Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010. –Б.42-47.

Лекин, шу билан бирга, Концепцияда мамлакатда фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш ва демократлаштириш, жаҳон ҳамжамиятига янада чуқурроқ интеграциялашув мақсадлари, фуқаролар иродасининг муҳим давлат қарорларида ифодаланиши, аҳолининг ислоҳотларда ва ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокини фаоллаштириш мақсадида яна қатор қонунлар қабул қилишга зарурат сезилаётганлиги асослаб берилди. Жумладан, бу соҳада маълум ривожланишга эришиш, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлаш, давлат органлари билан фуқаролар муносабатларида ўзаро ҳамкорликни таъминлаш мақсадида *“Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш ҳозирги давр кун тартибига қўйилди. Айниқса, бу қонуннинг “аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳуқуқий нормалар”ни ўз ичига олишига жиддий эътибор қаратилди.*

Шунингдек, Концепцияда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини фуқаролик жамияти институти сифатида янада ривожлантириш, маҳаллалар фаолиятини аҳоли манфаатларини кенгроқ ифодалаш, улар иш фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, уларнинг иш қўламини янада кенгайтириш, бу органларни давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув органлари билан ўзаро муносабатларини яқинлаштириш мақсадида *“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишнинг мақсадга мувофиқ эканлиги белгилаб берилди. Мазкур қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш асосан маҳаллаларни “...аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, уларнинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш” вазифаси қўйилди.*

Шунингдек, Концепцияда маҳалла фуқаролар йиғинларини аҳолининг манфаатлари ва эҳтиёжларини ифода эта оладиган,

уларни ўз фаолиятида ҳимоялашга қодир бўлган жиҳатларини оширишга муҳим эътибор берилди. Айниқса, Концепцияга мувофиқ *Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қонунига* ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишни таклиф этилиши, бунда йиғин раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлашда уларга юксак талаблар — “оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар ичидан сайланишини, фуқаролар ижтимоий фаоллигини кучайтиришда маҳалланинг аҳамияти ва роли оширилишини таъминлайдиган чора-тадбирларни назарда тутиш”га<sup>183</sup> эътибор қаратиш белгилаб берилди. Дарҳақиқат, ҳозирги даврга келиб нафақат фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари фаоллигини ошириш, балки улар иш фаолияти устидан маҳалла аҳлининг назорати, фуқаролар йиғинига сайланган органларнинг тегишли ҳудудда яшаётган аҳоли манфаатлари ва эҳтиёжларини қай даражада эътиборга олиб иш олиб бораётганлигини таъминлаш механизмини яратишга зарурият сезилаётган эди. Мазкур қонунни такомиллаштиришда фуқаролар йиғинининг сайланадиган органларини ҳозирги давр талаблари даражасида фаолият юритиши маҳалла аҳли масъуллиги асосида кечиши бу институтнинг фуқаролик жамиятига хос бўлган жиҳатларини бойитишни назарда тутди.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг амал қилиш шароитида жамият институтларини давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёнда жамиятдаги турли ижтимоий қатламлар ва фуқаролар манфаатлари гўёки давлат манфаатлари сифатида намоён бўла бошлайди. Қолаверса, жамоатчилик назорати давлат органлари фаолиятини жамият манфаатлари асосида кеча бошлашини таъминлашга таъсир этади. Муҳими, бу жараёнда фуқароларнинг ўзлари ҳам давлат бошқа-

---

<sup>183</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза*. 2010 йил 12 ноябрь. —Тошкент: Ўзбекистон, 2010. —Б.46.

рувида иштирок этгани сайин ижтимоийлашиб борадилар. Ижтимоийлашув эса сиёсий маданиятнинг асосий компонентларидан биридир.

Шунинг учун ҳам Концепцияда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган “*Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида*”ги Қонунни қабул қилиш” таклифи илгари сурилди. Мазкур “қонунда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектларини, назорат предметини, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартларини белгилаб қўйиш зарур”лиги<sup>184</sup> белгиланди.

Фуқаролик жамиятининг энг муҳим жиҳати – бу инсонга, унинг эркинлиги ва ҳуқуқларини таъминлашга қаратилганлиги, бу жараёнда эса давлатнинг асосий масъул сиёсий институт эканлиги муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам Концепцияда “инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга”<sup>185</sup> эканлиги кўрсатиб ўтилди. Унга мувофиқ равишда мазкур “дастур энг аввало ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантириш ва шу каби бошқа соҳаларга оид қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини олиб боришга қаратилган чора-тадбирларни ўзида мужассам этиши керак”лигига муҳим эътибор қаратилди.

Албатта, фуқаролик жамиятининг ривожланганлик даражаси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини нечоғли намоён бўлиши ва уларни ҳар томонлама ҳимояланганлиги билан ўлчанишига эътибор берадиган бўлсак, мамлакатда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш – ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим унсурларидан бирини такомилга етказишдан иборат эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

---

<sup>184</sup> Ўша жойда. –Б. 46.

<sup>185</sup> Ўша жойда. –Б.46.

Шу билан бирга, Концепцияда “*Ўзбекистон Республикасининг Миллий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига* жамият ва давлат қўрилиши, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг турли соҳаларида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳуқуқларини белгилаб берган қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтиришни назарда тутадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш”ни<sup>186</sup> илгари сурилиши фуқаролик жамияти институтларининг ўз конституциявий ва қонуний ваколатларини мустақил институт сифатида амалга оширишлари учун кенг имкониятлар ва ижтимоий кенгликлар яратиши табиий бир ҳолдир. Албатта, кодексга киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 58-моддаси бўлиқ равишда амалга оширилиши учун шарт-шароитлар яратиб беради. Энг муҳими, нодавлат нотижорат ташкилотлари учун энг зарур бўлган – уларнинг қонунлар доирасида эркин ва мустақил фаолият юритишлари учун ҳуқуқий асослар шаклланади.

Ҳозирги даврга келиб дунёдаги ривожланган ва ривожланаятган мамлакатлар учун глобал хавф-хатарлар ва таҳдидлар (террорчилик, экстремизм, ер шаридаги иқлимнинг ўзгариши каби-лар) қаторига экологик таҳдидлар ҳам қўшилди. Қолаверса, экологик шарт-шароитлар инсон соғлигига, табиатнинг ўз қонуниятлари асосида яшашига ҳам жиддий хавф туғдирмоқда. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатларда “яшиллар” ҳаракатлари ва партиялари бежиз ташкил топмади. Жумладан, мамлакатимизда ҳам экологияни ҳимоялашга доир ташкилотлар тузилди, парламент қўйи палатасида бу ҳаракатлар манфаатларини таъминлашга қобил бўлган депутатлар гуруҳи шаклланди. Концепцияда “атроф-муҳитни ҳимоя қилишни таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг роли ва ўрнини белгилашга қаратишган “*Экологик назорат тўғрисида*”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва бошқа қатор қонун ҳужжатларини қабул қилиш”<sup>187</sup> таклифининг илгари сурилиши нафақат экологик жараёнларни яхшилайдиган, балки бу соҳада аҳоли фаоллигини

<sup>186</sup> Қаранг: Ўша жойда. –Б.46-47.

<sup>187</sup> Қаранг: Ўша жойда. –Б.47.

оширишга, экологик маданиятни шакллантиришга кучли таъсир этади.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, Концепциянинг эълон қилиниши, унда илгари сурилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш натижасида фуқаролик жамияти институтлари халқаро меъёрлар талаблари даражасида ривожланади, бу жараёнга боғлиқ ҳолда мамлакатда инсон тараққиётини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратилади. Зеро, ҳозирги даврга келиб инсон манфаатларини қондириш инсон тараққиётининг асосий кафолати экан, бу жараён тўлиқ равишда фақат биз қураётган фуқаролик жамияти шароитида амалга ошиши мумкин. Шунинг учун ҳам машҳур мутафаккир Георг Гегель “инсоннинг бош манфаати – бу унинг ўз эркинлигини ҳаётда амалга ошириши” дир, деганида инсоннинг бу олий қадриятни амалга ошира олиши учун барча шарт-шароитлар фуқаролик жамияти заминида яратилишини башорат қилган эди. Инсоният орзу қилган бу жамият ҳозирги даврда объектив борлиққа айланмоқда.

#### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Дастлаб қайси машҳур олимлар фуқаролик жамиятининг унсурларини тадқиқ этди?
2. Шарқ мутафаккирларидан кимлар фуқаролик жамиятининг унсурларини кашф этди?
3. Фуқаролик жамиятига доир классик назариялар тўғрисида нималарни биласиз?
4. Замонавий фуқаролик жамиятига доир назарияларни қайси олимлар ишлаб чиқди?
5. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ривожланиш жараёни қандай кечмоқда?
6. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ривожланиш истиқболлари қандай?

## 8-МАВЗУ. СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР

1. Сиёсий партияларга доир назариялар ва уларнинг ривожланиши.
2. Сиёсий партиялар турларининг таснифлари.
3. Партиявий тизимлар.
4. Сиёсий партияларнинг ҳуқуқий мақомлари ва функциялари.
5. Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши ва ривожланиши.

### 1. Сиёсий партияларга доир назариялар ва уларнинг ривожланиши

Ҳозирги даврда жаҳонда ривожланган мамлакатларда сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлар, яна бошқа янгидан-янги турли-туман ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар (уюшмалар, жамғармалар, турли ташаббус гуруҳлари, феминистлар, «яшиллар» ва бошқалар) жамиятнинг бўлинмас организмлари сифатида фаол яшаш кўрсатиб келмоқда. Тарихий жараёнлар саҳнасида сиёсий партиялар пайдо бўлиши билан уларга доир назариялар ҳам шакллана бошлади. Сиёсий партияларнинг моҳияти, уларнинг жамият ва давлат ҳаётидаги ўрнига доир назарий қарашлар ривожланишини нисбий равишда уч бошқичга бўлиш мумкин.

Биринчи бошқич – XV аср – XVIII охирларини ўз ичига олиб, бу даврда сиёсий партияларга нисбатан душманлик кайфияти устуворлик қилар эди. Бу даврда «сиёсий партия» деганда ўз этакчиларининг хусусий манфаатларини амалга ошириш фаолиятини мақсад қилиб олган нолегалитим гуруҳлар тушунилган. Натижада, жамиятда партияларга нисбатан ўзаро низолар чиқарувчи характер касб этадиган гуруҳлар сифатида қараб келинди. Бу ҳолат жамиятнинг беқарорлиги ва ички низоларнинг кучайишига олиб келди. Сиёсий партияларга нисбатан бу каби нуқтаи назарлар Н.Макиавелли, Д.Юм, Г.Болингброк, Ж.Толанд каби партияларнинг сиёсий ва фалсафий қарашлари учун характерлидир.

Иккинчи бошқич XVIII аср охири – XIX асрнинг бошлари учун характерли бўлиб, бу даврда сиёсий партиялар давлат томонидан тан олина бошланди. Файласуфлар, сиёсатшунослар ва сиёсатчилар ўз сиёсий фаолиятларида партияларни жамият ва



давлат ҳаётида яшаш ҳуқуқига эга эканлигини эътироф этдилар, уларнинг зарурийлигини тан олдилар, ўз фаолиятлариди уларга таяна бошладилар. Сиёсий партияларга нисбатан бу каби қарашлар АҚШ оталари – Ж.Мэдисон ва Т.Жефферсон, шунингдек, француз мутафаккири А. де Токвиль илмий назарий мероси учун хосдир.

Учинчи босқич XIX асрнинг охири – XX асрни ўз ичига олиб, бу давр учун сиёсий партияларнинг тўлиқ легитимлиги (жамият томонидан очиқ эътироф этилиши) характерлидир. Бу давр доирасида Ж.Брайс, А.Лосуэлл, М.Я.Острогорский томонидан ишлаб чиқилган сиёсий партияларга доир назарий мерос ўзининг мукамаллиги билан ажралиб туради. Улар сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни ва уларнинг функционаллигини эътироф этган ҳолда сиёсий партияларсиз жамиятни тасаввур қилиб бўлмаслигини таъкидлаган эди. Бу олимлар ўз тадқиқотларида асосий эътиборни партияларнинг ташкилий тузилмаси ва партиявий ишлар усулларига қаратди. Бу албатта, сиёсий партияларнинг партия ташкилотлари сифатида ривожланганлиги, партиявий мафкураларнинг шаклланиши билан боғлиқ эди.

Ғарб сиёсатшунос олимларининг талқинича, «партиялар (лот., «pars» («partire»)) – «қисм» ёки «гуруҳ»)»<sup>188</sup> бу – расмий институтлашган ва функционал жиҳатлардан давлат ҳокимияти органларини шакллантириш ва парламентдаги ўз фракциялари воситасида улар устидан назорат қилиш учун ихтисослашган ташкилотдир. Таниқли сиёсатшунос олим Ж. Сартори партияларга доир қуйидаги аниқликни киритган эди: «Сайловларда иштирок этувчи ва унинг натижасида ўз номзодларини давлат корхоналарига ўткази олишга қобил бўлган ҳар қандай сиёсий гуруҳ партиядир»<sup>189</sup>.

XX асрнинг сўнги даврига келиб АҚШ олимлари Ж.Лапаламбара ва Ж. Андерсон «Бошқарув ва сиёсат энциклопедияси» номли асарида сиёсий партияга қуйидаги таърифни берганлар:

---

<sup>188</sup> Қаранг: Недель-Червинская М.А., Червинский П.П. Большой толковый словарь иностранных слов в трех томах. Т.2. – Ростов-на-Дону: Феникс, 1995. –С.413.

<sup>189</sup> Sartori G. Parties and Party Systems: A Framework for Analysis. Vol. 1. New York, 1976. –P.64.

«Партия расмий мақом касб этиш ва расмий ташкилот бўлиш билан боғлиқ, марказни периферия билан боғловчи ва давлат органларига ўз номзодларини (эркин ёки ноэркин) сайловлар институтида ўтказишга қобил бўлган ҳар қандай гуруҳдир»<sup>190</sup>.

Ғарб сиёсатшунос олимлари сиёсий партияларнинг қуйидаги белги ва функционал жиҳатлари асосидаги сиёсий мақомини шундай таърифлайди: «Сиёсий партия – (1) расмий ва ташкилий тизимга эга, (2) ҳокимият устидан расмий назоратни амалга ошириш учун курашнинг махсус функциясини амалга оширади, (3) мафкуравий доктрина белгиси асосида бирлашади, умумий манфаатларни ифодалашга даъвогарлик қилади, (4) ҳуқуқий мақомга эга бўлган ва (5) сайлов жараёнларига жалб этилган нодавлат институт тури ва гуруҳий бирлашмадир»<sup>191</sup>.

Сиёсий партияларга доир назарий қарашларнинг янги учинчи босқичи таниқли олимлар Ж.Брайс, М.Острогорский, А.Лосунд каби файласуф ва сиёсатшунос олимлар томонидан ривожлантирилди. Бу босқич XIX асрдан XX асргача бўлган муддатни ўз ичига олиб, у сиёсий партиялар легал фаолият кўрсатади, шунингдек, партиявий тизимларсиз демократиянинг бўлиши мумкин эмас, деган қарашлар ҳукмрон бўлган даврга тўғри келди. Бу босқич асосчилари яратган назариялар ва концепцияларни умумлаштирганда, уларнинг учаласи ҳам қуйидагиларни қайд этдилар: партиялар – бу демократик тузумнинг зарурий унсуридир; жамият нафақат партияларни ўзига қабул қилди, балки уларсиз ўзининг яшаши мумкин эмаслигини англади; бу даврда сиёсий партияларни тадқиқ этган олимлар партияларнинг керакли ёки керак эмаслиги масаласини кўтаришни тўхтатди; улар асосан ўзлари яшаган тарихий даврлардаги партияларнинг амал қилиш ва ривожлантириш масалаларига муҳим аҳамият бера бошлади. Ж. Брайс партиялар Америка жамиятида бош ҳаракатлантирувчи кучлар эканлигини исботлаш билан бирга, партияларни тадқиқ этувчилар учун тизимли ёндашув ва унинг янги қоидаларини ишлаб чиқди. Унинг илмий ишларида АҚШ парти-

---

<sup>190</sup> Lapalambara J., Anderson J. Political Parties // Encyclopedia of Government and Politics. Vol.1., New York, 1981. -P.394.

<sup>191</sup> Қаранг: Дегтярев А.А. Основы политической теории. – М.: Высш. шк., 1998. – С.142.

явий тизими ривожланишининг тўртта асосий даври таҳлил этилди.

XX асрнинг ўрталаридан бошлаб сиёсатшунослик фанида партиялар ва партиявий тизимларни назарий ва эмпирик таҳлил этиш билан шуғулланадиган «Партология» деб номланувчи бир бутун йўналиш шаклланди. Бу йўналишнинг дастлабки асосчилари ҳозирги давр сиёсат социологияси соҳасидаги классик олимлар — Р.Михельс ва М.Я.Острогорскийлар эди. Жумладан, М.Я.Острогорский ўзининг «Демократия ва сиёсий партиялар» (1898 й.) номли монографиясида Эски (Англия) ва Янги (АҚШ) дунёлардаги сиёсий партиялар фаолиятини чуқур қиёсий таҳлил этган эди. У юз йилдан ортиқроқ давр мобайнидаги ички партиявий ҳаётдаги умумий ва хусусий манфаатлар ўртасидаги зиддиятларни таҳлил этди. М.Я.Острогорский шундай деб ёзган эди: «партия одатда ўзида фақат ниқобни ифодалаб, баъзан унинг ўзини ичида турли фикрлашлар ўртасида чуқур ихтилофлар, фракциялараро бошқа муҳолифий партия билан рўй берадиган курашлардан ҳам анча кескин бўлган ўзаро рақобатлар мавжуддир»<sup>192</sup>.

Машҳур партолог олими М.Я. Острогорский ўз тадқиқотларида партиявий машиналарнинг амал қилиши натижасида пайдо бўладиган натижаларни қуйидагича қайд этди: партия ташкилотлари тўла бюрократлашган, уларда коррупция гуллаб-яшнайдди. У биринчи бўлиб замонавий оммавий жамиятга ўтиш билан сайловчилар иродаларини сохталаштириш имкониятлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик мавжуд эканлигини исботлаб берди. Шунингдек, М.Я.Острогорский омма билан сиёсий партиялар ўзаро муносабатлари, ҳокимият учун курашларда партияларнинг ўзаро қаттиқ рақобатлашувлари натижасида бюрократлашуви ва ҳаётдан узоқлашуви масалаларини ҳам тадқиқ этди. Яна у бу каби ҳолатлар етакчиларга барча партия тузилмалари устидан ўз ҳокимиятини ўрнатишга хизмат қиладиган алоҳида сиёсий машиналар пайдо бўлишида ифодаланишини қаттиқ танқид қилди.

---

<sup>192</sup> Острогорский М.Я. Демократия и политические партии. Т.2. —Москва, 1930. —С.250.

М.Я.Острогорский биринчи марта партиядоги «инсоний апаратни» партиядий иерархияни ажратиб кўрсатгани ҳолда уни аниқ ва равшан таърифлаб берди. У бу ҳолатнинг моҳиятини кўндалагина ифодалади: оддий аъзолар эркинлигини сиқиб қўювчи умумийнинг ва доимий партия ташкилотларининг мавжудлиги демократия принципларига тўғри келмайди. Дастлаб «ойдин» ва ифшларни ўзига мақсад қилиб олган партиялар давр ўтиши билан партия ташкилотлари сифатида эмас, балки сиёсий машиналар сифатида фаолият кўрсата бошлайди, етакчилар шахсий болиши ва ўз ҳокимиятларини кучайтиришга интилади. Партияларнинг моҳияти авторитар ва олигархлик характерини касб эта бошлайди. М.Я.Острогорскийнинг изланишлари натижалари XX асрдаги кўплаб партияларни соғломлаштиришга хизмат қилди.

Сиёсий партияларга доир назарияларнинг ривожланишига Макс Вебер ва Морис Дювержелар ҳам улкан ҳисса қўшди. Улар партияларнинг шаклланишини у ёки бу мамлакатдаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазиятлар ва дунёдаги ижтимоий ривожланиш тамойиллари билан боғлади. М.Вебер ва М.Дюверже ўз тадқиқотларида қуйидагиларни таъкидладилар: партиялар – ҳар қандай етук демократик жамиятнинг зарурий институтидир. Партиялар – ижтимоий механизм бўлиб, унда доктрина ва ташкилий тизимлар маълум сиёсий мақсадларга эришиш учун хизмат қилади. Шу билан бирга, жамият сиёсий ҳаётида сиёсий партиялар томонидан устулик қилиш ролини қўлга киритишлари билан сиёсий партияларнинг демократияни амал қилишини таъминлаш механизми сифатидаги номукамаллиги тўғрисидаги масала пайдо бўлади. Кўпинча, амалий ҳаётда партия назарий тасаввурлардаги партиялардан кескин фарқланади. Демократиянинг принциплари ва меъёрлари партияларнинг умумий ривожланиб боришидан ажралиб қолади. Йирик ташкилотлар тузилади, улар институтлашади, кейинчалик улар демократиянинг ривожланишига ҳалал берувчи ташкилотларга айланади. Бюрократик марказлашув рўй бериб, амалда сиёсий қарорлар миллионлаб кишилар томонидан эмас, балки корпорация элитаси томонидан қабул қилинади. Сиёсий партиялар ривожланишидаги бу салбий ҳолатлар демократия принциплари билан зиддиятларга киришади.

Француз сиёсатшуноси М.Дюверже партияни тузилмавий-функционал бирлик сифатида талқин этиб, унинг сиёсий фаолият

тида рўй берадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатни у индивид билан социум узвий боғлаб турган ижтимоий-фалсафий воқелик сифатида ифода этди. Партиялар – ҳозирги давр демократиясининг зарурий атрибутидир. Аммо Дюверже учун демократия – бу халқ учун, унинг ҳар бир қисми учун эркинлик демакдир. Сиёсий партияларсиз ҳар қандай режим охир-оқибатда ҳокимиятни келиб чиқишига биноан турли имтиёзларга эга бўлган элиталарга беришга мажбурдир; бу каби режим партиялар режимига нисбатан демократиядан янада йироқдир.

Партияларни қиёсий тадқиқ этишда дастлаб уларнинг устувор бўлган бирон-бир жиҳатларига эътибор берилди. Партиялар гоёвий маслакдошлар уюшмаси эканлигига доир қарашлар ҳукмрон бўлган даврларда тадқиқотлар предмети сифатида асосан доктриналар ўрганилди. Партияларнинг ташкилотчилик қобилияти ўсиши, сиёсий курашларда уларнинг ўрни фаоллашувининг кучайиши билан партияларнинг ташкилий тизилмаларига бўлган эътибор кучайди. Институтционал ёндашувларни рағбатлантиришда Морис Дюверженнинг «Сиёсий партиялар» номли классик асари муҳим ўрин тутди. Партияларнинг янада эволюциялашуви жараёнларида мафкуралар аҳамиятининг пасайиши, улар фаолиятида прагматик унсурларнинг кучайиши билан тадқиқотларнинг функционал ёндашувига мойиллик ўсди. Ҳозирги даврга келиб эса замонавий муаллифлар ўз диққат-эътиборларини партиявий тизимда партияларнинг ўзаро ҳаракатларига қаратиши кенг тус олди.

Немис социологи Макс Вебер сиёсий партияларни «ижтимоий механизм» сифатида тадқиқ этди. Унинг фикрича, бу «ижтимоий механизм»да доктрина ва ташкилий тизилма маълум сиёсий мақсадларга эришиш учун хизмат қилади. У охир-оқибатда партия-корпорацияларни шакллантирадиган партиявий босқичларни ажратиб кўрсатиб берди ва улар ўзларида қуйидагиларни ифода этишини очиб берди: уюшган тўда унсурларини ўзида ифодалаган партияга ўхшаш ташкилотлар – «муътабар одамлар» партиясига айланишга шай турган дворянлар партиялари; сайловларда ғалабага эришиш учун вақтинча бирлашган ва ташкиллашган гуруҳлар – жентльмен партиялари; танланган иштирокчилар атрофида ташкил этилган доимий бўлмаган сиёсий иттифоқлар, локал сиёсий клублар; ҳозирги давр сиёсий партиялари, қайсики, улар вақтинчалик ҳолатидан мунтазамлик ҳолати-

та ўтиб, партия аппарати секинлик билан корпорацияларга айландилар, пировардида партия капиталистик корхонага ўсиб ўтди.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, партияларнинг бош вазифаси – кўплаб алоҳида олинган фуқароларнинг ва ижтимоий қатламларнинг хусусий манфаатларини умумлаштиради. Партиялар вакиллик демократиясининг энг синалган институтидир. Сиёсий партиялар давлат билан жамият ўртасидаги боғловчилик бўғини вазифасини бажариб, фуқароларнинг давлатни бошқаришдаги иштирокларини таъминлашга кўмаклашади.

## 2. Сиёсий партиялар турларининг таснифлари

Сиёсий партиялар турларини таснифлаштириш биринчи марта XX аср ўрталарида француз сиёсатшуноси Морис Дюверже томонидан ишлаб чиқилди. Унга биноан партиялар икки типга бўлинади:

1) «Қуйи»даги сайлов кўмиталари ва «юқори»даги парламент гуруҳлари ривожланишининг ҳосиласи ўлароқ кадрлар партиялари;

2) Умумий сайлов ҳуқуқи ҳосиласи ўлароқ оммавий партиялар (М. Дюверже бу партияларни истиқболли модель партиялари, деб ҳам атайди). Мазкур икки хил партиялар фуқаролар билан партияларни боғлаб турувчи алоқалари ва ўз ички тузилмалари билан бир-биридан фарқ қилади.

Кадрлар партиялари XIX аср ўрталаридан бошлаб шаклланди. Бу партиялар ўз аъзолари сонининг камлиги, аниқ ифодасини топмаганлиги (аморфлиги), аъзо бўлишнинг эркинлиги, ташиқли сиёсатчилар ва партияни моддий қўллаб-қувватловчи моция элиталарига таяниши билан фарқланиб туради. Бу партиялар электорал функцияларни бажаришга мойил туради. Уларда парламент аъзолари устувор аҳамиятга эгадир. Мазкур партиялар элита характериға эга бўлганлиги учун кўпроқ ўнгга оғади, шунингдек улар либерал ва консерватив партиялар сифатида ҳам намоён бўлади.

Одатда, оммавий партиялар парламентдан ҳоли тарзда шаклланади. Бу партиялар ўзининг ижтимоий базасини аҳолининг қуйи табақаларидан танлайди, шунингдек, илк бор ижтимоий ҳаракатлар сифатида намоён бўлади. Унинг таркибини асосан ишчи-

лар, деҳқонлар ва турли дивий гуруҳлар ташкил этиши мумкин. Бу партияларнинг ташкилий тузилиши ҳали улар сайлов кампанияларида иштирок этмасдан ва парламентга номзодлар кўрсатиш фаолиятини бошламасдан илгари таркиб топади.

Партияларнинг омма билан алоқасининг турларини тасаввур қилиш учун учта доиравий айланани фараз қиламиз: биринчиси кичикроқ, ўзида партия фаоллари ва функционерларини мужассамлаштириб, партия улар учун сиёсий ҳаётнинг ёки иш фаолиятининг мазмунидир; иккинчи доиравий айлана партиялар аъзоларини ифодалаб, улар аъзолик бадалларини тўлайдилар ва партиявий ҳужжатга эга бўладилар; учинчи доиравий айланада эса «қатъий» мақсадли сайловчилар ва хайрихоҳлар ифодаланиб, улар партияга сайловлар даврида овоз бериш билангина боғланган.

Агар партия аъзолари билан уларнинг сайловчилари ёки партия фаоллари билан партия аъзолари ўртасидаги мувозанатнинг ўзгаришига разм солсак, партия аъзоларининг сайловчиларга ҳамда фаолларнинг партия аъзоларига бўлган нисбати ортиб боргани сайин ташкилот оммавий партия турига ўта бошлаганини кўриш мумкин. Агар бу нисбат тескари томонга қараб ўзгара бошласа, мазкур ташкилот кадрлар партияси типига ўта бошлайди. Кейинчалик М. Дюверже ўз тарҳи (схемаси) га ўзгартиришлар киритиб, оммавий билвосита партиялар ҳам мавжудлигини тан олди<sup>193</sup> (масалан, Англияда лейбористлар партияси аъзолигига номзод даставвал касаба уюшмасига аъзо бўлади, сўнгра у ўз хоҳишига биноан автоматик равишда Британия лейбористлар партияси – БЛП аъзоси бўлиши мумкин).

Оммавий партиялар даставвал ўз сиёсий воситалари муайян дастурларга эгаллиги билан ажралиб туради. Бу типдаги партиялар кўпроқ сўл йўналишга мойилдир. Шунинг учун ҳам кўплаб деҳқонлар ва диний оқимлар партиялари оммавий партиялар сифатида сиёсий майдонга чиқади. Оммавий партияларнинг яна бир муҳим хусусияти – бу уларнинг ўта мафкуралашганлигидир. Бу партиялар мафкуралардан оммавий-сиёсий сафарбарлик воситаси сифатида фойдаланади. Партия аъзолари нафа-

---

<sup>193</sup> Duverger M. Political Parties. Their Organization and Activity in Modern State. N.Y., 1954. –P.28-64.

қатъзолик бадалларини тўлайди, балки партия фаолиятида фаол иштирок этадилар. Бундай турга коммунистик, социалистик ва социал-демократик йўналишдаги сўл партиялар мисол бўла олади.

Оммавий партиялар кўпсонлилиги билан тавсифланади. Бу партиялар кадрлар партияларидан кейинги даврларда, яъни умумий сайлов ҳуқуқи кенг тарқалиши натижасида ишчилар ҳаракати тўлқинида ташкил топди. Мазкур партиялар кўпроқ мафкуравий ва тарбиявий фаолият кўрсатадилар.

Бу партиялар типологиясини Ж. Блондель анча бойитди. Унга мувофиқ оммавий партиялар фарб типидagi оммавий вакиллик партиялари, коммунистик ва популистик типларга бўлинади<sup>194</sup>. Р. Ж. Шварценберг улар ичидан социалистик ва фашистик модеша эга партияларни ҳам ажратиб, таҳлил қилиб берди. Социалистик ва социал-демократик партияларнинг бош вазифаси сайлов кампаниялари даврида ишчилар орасидан номзодлар танлаб кўрсатишдир. Бу партиялар элита партиялари ва йирик мулкдорлар таъсиридан қутилиш учун ўз фаолиятларини хусусий муниялаштиришдан воз кечиб, ўз-ўзини жамоавий маблағ билан таъминлаш шаклига ўтмоқдалар.

Кадрлар партияларининг асосий вазифаси сайлов округларида (мафкуравий йўналишидан қатъи назар) аҳолининг турли қатламлари орасидаги сайловчиларни жалб қила олишга қодир бўлган обрў-эътиборли шахсларни сайлов кампанияларига сафарбар қилиш ҳисобланади. Оммавий партиялар миқдор билан эришадиган муваффақиятларни кадрлар партиялари сифат билан, яъни сайлов кампаниясини самарали уюштиришга қобилиятли кадрларни сафарбар этиш асосида қўлга киритади. Европадаги кўпчилик консерватив йўналишга эга партиялар ҳам шу тамойилга амал қилади<sup>195</sup>. АҚШдаги республикачилар ва демократлар партиялари ўзида ҳам оммавий, ҳам кадрлар партиялари хусусиятларини намоён этадилар. Шунинг учун уларни «гибрид партиялар» деб ҳам атайдилар.

---

<sup>194</sup> Қаранг: Основы политологии. — Москва: О-во «Знание», 1992. — С. 134-138.

<sup>195</sup> Основы политической науки. Учебное пособие. Под. ред. В. П. Пугачева. Часть II. — Москва: МГУ, 1996. — С. 23.



Баъзан партиялар бир қанча партияларнинг ўзига хос бирлашуви шаклида намоён бўлади. Бунга мисол тариқасида «Французча демократия учун» иттифоқини келтириб ўтиш мумкин. Бу иттифоқ таркибида бешта партия ва гуруҳлар фаолият кўрсатади. Шу сабабли Францияда кўплаб партиялар ўзларини «партия» эмас, балки «уюшма», «иттифоқ», «ҳаракат» деб атайдди.

Партияларни бир-биридан фарқловчи меъёрлардан яна бири унга аъзолик ҳисобланади. Партияга аъзолик мақоми узоқ даврлар давомида ноаниқ бўлиб келди. Баъзи партиялар ҳозирга қадар ўз аъзолари билан партияларини сайловларда қўллаб-қувватловчи кишилар ўртасидаги муҳим фарқ йўқлигини ифода этиб келмоқда. Ҳаттоки, Европадаги либерал ва консерватив йўналишдаги партиялар ўз аъзолари сонини аниқ айта олмайди. Кўплаб давлатларда ўзини бирон-бир партиянинг аъзоси деб ҳисоблайдиган фуқаролар мазкур мамлакат аҳолисининг жуда озчилик қисмини ташкил этади<sup>196</sup>.

Коммунистик партиялардаги ортиқча марказлашув ва авторитаризм уларнинг бутун бир жамиятга нисбатан гегемонлик ва лидерлик қилишга даъвогарлиги табиатидан келиб чиқади. Фашистик партиялар кўпроқ собиқ ҳарбий хизматчилар ҳаракати асосида шаклланиб, улар ўз фаолиятларида омmani сиёсий сарфарбар қилишда ҳарбий воситалардан фойдаланади. Улар асосан куч ишлатишга ва шафқатсиз усуллардан фойдаланиб, демократияни топташга ҳаракат қилади.

XX асрнинг 60-йилларига келиб бу таснифлаш янги типдаги партиялар пайдо бўлиши ва сиёсий воқеликлар ўзгариши натижасида ҳаётга унча мувофиқ келмай қолди. Бу партиялар Ж. Сартори талқинига биноан «ёвуз», «ҳаммани қамраб олувчи», «ҳаммани тутиб турувчи», «оммавий-электорал», Ж. Шарло атамасига кўра «сайловчилар партияси», Ж. Шварценберг фикрича эса «функционал партиялар», «сайлов партияси», «тўлпамдан иборат партия» каби номларни олди. Бошқа оммавий партиялардан фарқли ўлароқ, мазкур партиялар ўз аъзоларига нисбатан сайловчиларига кўпроқ эътибор бериб, тартиб ва интизомни мустаҳкамлашга аҳамият беради. Кўпроқ оммавий попули-

---

<sup>196</sup> Гаджиев К. С. Политическая наука. Учебное пособие. 2-е изд. –Москва: Международ. отношения, 1995. –С.150-152.

стик тадбирлар — манифестациялар ўтказишга мойил бўлади-  
лар<sup>197</sup>.

Шундай типдаги партиялар борки, уларнинг аъзолари партия билан эга бўлади, аъзолик бадалларини тўлайди; баъзиларини эса расмий аъзолик мавжуд эмас. Биринчи турдаги партияларга мисол тариқасида коммунистик партияларни кўрсатиш мумкин. Иккинчи тип учун эса АҚШдаги республикачилар ва демократлар партиялари, Буюк Британиянинг консерватик партиясини мисол келтириш мумкин. Партиялар тўғридан-тўғри аъзоликка қабул қилиш ёки аксинча, унга оммавий равишда кириш билан ҳам фарқланади. Биринчи ҳолатда номзод яккама-якка партида қабул қилинади. Иккинчи ҳолатда эса партия билан алоқадор бўлган бирон-бир ташкилот аъзоси ўз-ўзидан партия аъзоси бўлиб қолади. Масалан, Буюк Британия лейбористлар партиясига, Швеция, Норвегия ва Ирландия социал-демократлар партияларига касаба уюшмаларига аъзо бўлган ишчи ва ходимлар жамоавий тарзда кирадилар, касаба уюшмалари бу партияларнинг жамоавий аъзолари ҳисобланади. Коммунистик партия учун эса тўғридан-тўғри аъзолик хос бўлиб келди.

Партия тизимини таснифлаштириш мамлакатдаги мавжуд партияларнинг сонига қараб ҳам амалга оширилади. Бу тамонинга кўра бир партиявийлик, икки партиявийлик ва кўп партиявийлик тизимлари бир-биридан ажралиб туришини кузатиш мумкин.

Кўп партиявийлик тизимида ҳар бир партия ўзига хос ғоявий-сиёсий ёки мафкуравий мавқе ва йўналишга эга бўлади. Унга биноан айрим партиялар ўта «сўл» ёки «ўнг» бўлиши мумкин. Қолган партиялар эса «ўнг» ва «сўл» партиялар ўртасидаги оралиқ ўринни эгаллайдилар.

Кўп партиявийлик тизимида ҳеч бир партия сайловчилар муносабатидан кўпчилигининг қўллаб-қувватлашига эриша олмайди. Бошқарувнинг парламент шаклида бўлган бу тизимда кўпинча коалицион ҳукумат тузиш тақозо этилади. Бу тизимда бирон-бир партия бутун миллат ёки унинг асосий қисми вакили сифатида сиёсий майдонга чиқа олмайди. Шунинг учун бу турдаги партия-

---

<sup>197</sup> Основы политологии. Под. ред. В. П. Пугачева. — Москва: МГУ, 1992. — С. 135.

лар бошқа партияларнинг қўллаб-қувватлашисиз ҳукуматни шакллантиришга ҳам эриша олмайди. Бундай ҳолатлар баъзи парламент коалициясининг беқарорлигига, ҳукуматни эса турли сиёсий оқимлар манфаатлари ифодачиси бўлишига олиб келиди.

Икки партиявийлик тизимидаги сайловлар натижасида парламентда кўпроқ ўринни қўлга киритган ёки ҳокимиятнинг роля шаҳобчаси учун сайловларда халқнинг кўпроқ овозини олишга эриша оладиган иккита катта партия ҳокимият учун кураш якунларини ҳал қилади. Шунингдек, икки партиявийлик тизими бошқа партияларнинг ҳам фаолият кўрсатишини инкор этмайди.

Икки партиявийлик тизимига АҚШ жамияти мисол бўла олади. Бу мамлакат икки партиявийлик тизимининг классик намунаси бўлиб, сиёсий ҳаётда демократлар ва республикачилар партияларининг мавқеи каттадир. Баъзи ҳолларда, айниқса, айрим штатлар даражасида учинчи партиялар ҳам таъсирчан сиёсий куч сифатида сиёсий майдонга чиққан пайтлар кузатилган. Лекин умуммиллий аҳамият касб этган сайловчиларнинг асосий қисми учинчи партияларга нисбатан ижобий муносабатда бўлмаган. АҚШ парламенти ўз таркибида социалистик ёки бирон-бир ишчи партияси вакиллари бўлмаган мамлакат ҳисобланади<sup>198</sup>.

Баъзи тадқиқотчилар, жумладан, француз олими Ж. Шарло икки ва кўп партиявийлик тизимига доир қарашларга баъзи тузатишлар киритишни таклиф қилди. Ж. Шарлога биноан, «мукамал» икки партиявийлик тизими алоҳида ажратиб кўрсатилади. Бу каби икки партиявийлик тизими Буюк Британия ва Австралиядо ҳам кузатилади.

Кўп партиявийлик тизим кўпчилик ривожланган ва саноатлашган мамлакатлар учун хосдир. Битта партиянинг узоқ давр устунлиги кузатилган Япония жамияти ҳам кўп партиявийлик тизимга киради. Шунинг учун бу мамлакатдаги тизимни бир партиявийлик тизим билан адаштирмаслик лозим.

Мукамал бўлмаган икки партиявийлик тизим Италияда кузатилади. Чунки бу мамлакатда урушдан сўнгги даврда деярли иккита катта, яъни христиан демократлар ва коммунистик партия-

---

<sup>198</sup> Гаджиев К.С. Политическая наука. Учебное пособие. 2-е изд. —Москва: Междунар. отношения, 1995. —С.152-155.

тар катта мавқеларни эгаллаб келди. Биринчиси доимо ҳокимият тенасида, иккинчиси эса муҳолифат сифатида фаолият кўрсатиб келиётганлигини кузатиш мумкин. Японияда ҳам либерал-демократлар партияси устунлик қилиб, улар коммунистлар ва социалистларни ҳокимиятга яқинлаштирмай келди. 1993 йил ўрасига келиб саккиз партиядан иборат ҳукумат тузилиши бинон бу анъанага ҳам барҳам берилди.

У ёки бу партия тизимининг шаклланишида ҳар бир мамлакатнинг тарихий, миллий-маданий ва бошқа омиллари муҳим рол ўйнайди. Бундан ташқари, ўша мамлакатда тарихан шаклланган сиёсий тизим ҳам муҳим аҳамият касб этади. Масалан, АҚШ ва бошқа кўплаб мамлакатларда президентлик ҳокимияти ва институтининг таъсири каттадир. Шу сабабли ҳеч бир партия президент сайловлари устидан назорат ўрнатмай туриб у стратегик мақсадларига эриша олмайди. Бундай назорат, албатта, кўпчилик сайловчиларнинг қўллаб-қувватлашларини ташаб қилади.

Икки партиявийлик ва кўп партиявийлик тизимлари учун сиёсий рақобатдошлик муҳим аҳамият касб этади. Бир партиявийлик режимида эса худди шу рақобатнинг йўқлиги 3. Нойман томонидан куйидагича баҳоланади: «Жамиятда ҳукмрон яккаю ягона партия ҳақиқий маънода партия эмас. Ҳақиқатан ҳам, партия сиёсий ҳамкорликнинг ва жамиятнинг бир қисми экан, албатта, у бошқа партиялар рақобатли курашларида жамиятнинг бир неча қисмларидан бири сифатида, шунингдек, ўзи легитим равишда эгаллаган ҳокимиятни партиялар билан рақобатда қўлга киритганидагина ҳақиқий партия мақомини олади»<sup>199</sup>.

Сиёсий тизимларнинг бошқа унсурларига нисбатан партиялар яна демократик, авторитар ва тоталитар турларга бўлинади. Демократик партиялар бошқа партияларга нисбатан ёмон муносабатда бўлмайди, балки ўзаро партиявий рақобатларда плюралистик нуқтаи назардан ёндашади. Тоталитар партиялар жамиятдаги ҳамма сиёсий институтларни, жумладан давлат органлари ва ҳуқуқни ҳам бўйсундиришга ҳаракат қилади. Бу турдаги партиялар барча партиялар тизимида устун бўлишга, якка ҳоким ҳолатида туришга ҳаракат қилиб, ўз йўлидаги бошқа партиялар-

<sup>199</sup> Ўша жойда. –Б. 155-156.

ни йўқотишга интилади. Ижтимоий талқинлар нуқтаи назаридан эса бу турдаги партиялар ҳамма норози бўлганларни бирлаштиришга, барча ижтимоий раддияларни бир оқимга йўналтиришга, ижтимоий қатламлар ва гуруҳларни бўйсундиришга мойил бўлади. Бу партиялар учун аъзоликнинг қаттиқ тартибда бўлиши, кучли интизомга амал қилиниши, партия ичида фракциялар ва турли хил қарашларга йўл қўйилмаслиги, доктринапарастлиги ёки мафкуравий омил аҳамиятининг юқорилиги, партия дастури ва мафкурасининг сўзсиз тан олинишининг шартлилиги каби хусусиятлар хосдир.

Авторитар партиялар кўпроқ ривожланаётган мамлакатлар учун хос бўлиб, улар асосан миллий ва модернизация учун кураш ҳаракатларидан келиб чиқади ва мустамлакачилик бошқарувига қарши руҳ билан суғорилган бўлади. Бу партиялар мавжуд режимни қўллаб-қувватлаши эвазига унга мурасасозлик сиёсатини юритади. Одатда, бу партиялар куч ишлатиш усуллари билан фойдаланиб, ижтимоий манфаатлар вакиллиги ва сиёсий эркинликни чегаралашга уринадилар.

Таниқли олим Ф. Ленер фикрига кўра, партиялар ўртасида икки хил рақобат - «гомоген рақобат» ва «гетероген рақобат» мавжуддир. «Гомоген рақобат»даги ҳар бир партия «ўз» электоратига таянади, ҳар бир партия ўз электорати манфаатлари асосидаги дастур билан сиёсий майдонга чиқади. «Гетероген рақобат»да эса барча партиялар учун сайловчилар бир хил аҳамият касб этади, улардан ҳеч бирининг «ўз» сайловчилари бўлмайди. Биринчи тур партиялар кўпчилик индустриал ривожланган, кўп партиявийлик тизимига эга бўлган мамлакатлар учун хосдир. АҚШ жамиятида эса «гетероген рақобат» туридаги партиялар фаолият кўрсатади<sup>200</sup>.

### 3. Партиявий тизимлар

Партиявий тизимлар турли партиялар, давлат ва турли сиёсий институтлар ўртасидаги барқарор алоқа ва муносабатларни ўзида акс эттиради. Бу ўзаро муносабатлар мажмуаси партия-

---

<sup>200</sup> Основы политической науки. Часть II. Под.ред. В. П. Пугачева. -Москва: МГУ, 1992. -С.135-137.

ларнинг сиёсий қарорлар қабул қилишдаги таъсири даражасини, уларнинг давлат бошқарувидаги иштироки характери ни очиб беради.

Партиявий тизим тушунчаси бу – муайян сон ва ўлчовлар (сайловчилар ҳажми, ички тизимлар турлари ва бошқа меъёрлар), шунингдек, бир-бири билан ҳамкорлик қила олиш имкониятларига эга бўлган мустақил субъект (партия) лар мажмуасидан иборат сиёсий кенглик демакдир. Ҳозирги даврда партиявий тизимларнинг тўртта тури мавжуд: бир партиявийлик, бипартизм, «икки ярим партиявийлик» ва кўп партиявийлик.

Партиявий тизимлар партиявий бирлашмаларга эга бўлмаган ёки бундай бирлашмаларнинг мавжудлиги фақат ташқи кўриниш учун бўлган сиёсий ҳокимият шакллари билан келиша олмайди (масалан, тоталитар, собиқ социалистик ва бошқа мамлакатларда бўлгани каби). Баъзи таснифлаштиришларда бундай ҳокимият шакллари га бир партиявийликнинг ўзига хос алоҳида кўринишдаги тизими сифатида қараш лозим, дейилади. Шундан келиб чиқиб, бир партиявийликни норақобатдош тизим (у ўз ичида тоталитар, деспотик ва демократик турларга бўлинади) ва рақобатдош тизимларга (у ўз ичида битта устунлик қилувчи партия, қолганлари эса кучсиз партиялардан иборат кўп партиянийлик мавжуд бўлган тизимларга) ажратиб кўрсатиш ҳам кенг тус олган.

Партиявий тизим бошқа меъёр ва хусусиятларга қараб ҳам таснифлаштирилади. Вейнер ва Ла Паломбаралар сиёсий тизим нуқтаи назаридан келиб чиқиб, демократик, авторитар ва тоталитар партиялар; ҳукмрон ижтимоий қадриятларга қараб, социалистик ва буржуазия партиялари; давлат ва партиялар ўртасидаги муносабатлар характерига биноан рақобатдош ва норақобатдош партияларни бир-бирларидан фарқланишини асослаб берган.

Америка сиёсатшуноси Ж. Сартори партиялар ўртасидаги мафкуравий қутблашувга асосланиб, янада мураккаб таснифлаштиришни таклиф қилади. Унинг фикрича, «бир партиявийлик» (моноидеологик) ва «атомлашган» (мафкуравий моҳиятига кўра ўта қутблашган) тизимлар доирасидан ўрин олувчи еттига партиявий тизим турини бир-биридан фарқлаш мумкин. Оранқ типлар эса («гегемон партия», «устун партия», «икки партиявийлик», «чегараланган плюралистик» ва «радикал плюралис-

тик» каби) мафкуравий плюрализмнинг ҳар хил даражалари ва кўринишларини ифодалайдиган бир ёки бир қанча партияларнинг фаолиятида акс этади<sup>201</sup>. Партиявий тизимлар таснифи меъёрларидан бири бу – партиялар миқдорининг қанча бўлишлиги билан ўлчанишидир. Бир партиявийлик тизим авторитар ва тоталитар жамиятлар учун хосдир. Бундай режимда партия бутун сиёсий ҳокимиятни ўз тасарруфига олади, шунингдек, у жамиятга ўз тазйиқини ўтказишга интилади.

Бипартизм (икки партиявийлик) тизимида эса умумий, тўғридан-тўғри сайловлар натижасида парламентда кўпчилик жойларни эгаллаган иккита катта партиялардан биттаси ҳокимият тепасига келади. Бу тизимда шаклланган ҳукумат ўз фаолиятининг белгиланган муддатигача кафолатли ҳолатда яшайди ва барқарорликка эга бўлади. Шунингдек, жамиятдаги фуқароларнинг манфаат ва эҳтиёжлари навбатма-навбат тўлароқ қондирилиб борилади.

Бипартизм тизимидаги мамлакатларда сайловлар учун сарфхаражатлар ҳам бирмунча кам бўлади. Бу тизимда кўп жиҳатлардан бир-бири билан ўхшаш гомоген, иккита кучли партиялар бир-бирлари билан рақобатлашади. Лекин, шу билан бирга, ҳар бир партиянинг жамият ва давлат тараққиёти масалаларида ўзларининг мустақил нуқтаи назари бўлади. Шу билан бирга, ҳар бир партия ёлғиз ўзи ҳокимиятни юритишга интилади, ўзидан олдинги партиядан мерос бўлиб қолган эски тартибларни қатъий сақлайди. Бу тизим давлатни бошқарувчанлик хусусиятини яхшилашга интилиши, сиёсий воқеликларга мос равишдаги бақамтилиги билан ажралиб туради. Унда сиёсий демагогия чекланиб, ижтимоий-сиёсий келишувларга замин яратилади. Бипартизм тизимида ҳокимиятни битта партия бошқариб, бошқарув давридаги хато ва камчиликларни бошқа партияларга тўнқашнинг имконияти бўлмайди. Бипартизм тизими Англия, АҚШ, Австралия ва бошқа давлатларда ҳукм суриб келмоқда<sup>202</sup>.

---

<sup>201</sup> Sartori G. Parties and Party Systems. A Framework for Analysis. Vol.1., N.Y.,1976. –P.125.

<sup>202</sup> Основы политологии. Под. ред. В. П. Пугачева.–Москва: МГУ,1992. –С.137-138.

«Икки ярим партиявийлик» тизимига амал қилувчи жамиятда эса иккита кучли ва таниқли партиялардан ташқари яна учинчи партия ҳам сиёсий майдонда фаолият кўрсатади. Ана шу иккита партиядан қайси бирининг муваффақият қозониши учинчи партиянинг улардан қайси бири билан ҳамкорлик қилишига боғлиқдир. Бу тизимда асосан коалицион ҳукумат тузилади. Германия Федератив Республикасидаги Германия социал-демократик партияси (ГСДП), Христиан-демократлар иттифоқи (ХДИ), Христиан социал иттифоқи (ХСИ, ҳудуди - Бавария) ва Озод демократик партия (ОДП) фаолияти бу тизимга яққол мисол бўла олади. Агар ОДП ҳар икки партиядан қайси бири билан ҳамкорлик қилса, ўша партия ҳокимият тепасига келади<sup>203</sup>. Лекин яшиллар партияларининг кучайиши, собиқ Германия Демократик Республикасидан қолган партияларнинг янги тузумга мослашиб бориши натижасида бу тизим ҳам кескин ўзгаришларга учрамоқда.

Агар жамиятнинг сиёсий кенгликларида учта ёки ундан ортиқ партия фаолият кўрсатса, бу ижтимоий-сиёсий манзара кўп партиявийлик тизим, деб аталади. Лекин мазкур партияларнинг ҳар бири сайловларда сезиларли овозлар олишга эришган бўлишлари лоялим. Бу тизимда бирон-бир партиянинг парламентда давомли тарзда бутунлай кўпчилик ўринларга эга бўлиши қийин кечади.

Кўп партиявийлик мухолифат партияларнинг самарали фаолият кўрсатишлари учун шарт-шароитлар яратиб берса, бипартизм уларни сиёсий саҳнадан бутунлай улоқтириб ташлайди. Кўп партиявийлик тизимида идора қилувчи партиялар номини олган асосий партиялар ўзларида жамият тан олувчи сайлов дастурларига эга бўлганлари билан барибир ҳокимиятни ўзлари мустақил бошқара олмай, коалицион ҳукуматларда иштирок этишга мажбурдир. Лекин улар қисқа давр ичида миллий ва халқаро манфаатларга мос ўзгаришлар қилишга мойил бўлади.

Сиёсий ривожланиш тажрибаси исботлаганидек, жамиятнинг демократик йўлдан ривожланишининг қулай шакли ва шарт-шароити бу – кўп партиявийлик тизимдир. Сиёсатшунослар бу хусусда баъзида турлича фикрларни илгари суради. Масалан, Ж. Сартори беш ёки ундан ортиқ партиянинг бўлиши, яъни «ўта кўп партия-

---

<sup>203</sup> Шмачкова Т. В. Мир политических партий. Политические исследования, 1992, № 1-2. – С.230.



вийлик» тизими давлат ҳаёти учун хавфли вазиятнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади, деган фикрни билдиради. Ньюмен эса икки партиявийлик тизимни ёқлаб, бу тизим фуқароларга эркин танлаш, ҳукуматларга эса ўз ички ва ташқи сиёсатини тез янгилаш ва тузатишлар киритиш имкониятларини беради, деб ёзади.

Япония ва Испания каби мамлакатларда якка етакчи партияни ўз ичига олган кўп партиявийлик тизимининг ҳам фойдали эканлиги тажрибада синаб кўрилди. Сиёсий барқарор ривожланаётган Нидерландия, Дания, Бельгия, Австрия ва бир қанча бошқа давлатларда ҳеч бири устун ёки етакчи партия бўлмаган кўп партиявийлик тизимнинг устуворлиги эътироф этилди. Шу билан бирга, бошқарув ва сиёсий қарор қабул қилишда кичик партиялар қатнашувини чеклайдиган икки партиявийлик тизим ҳам жиддий танқид қилинмоқда, чунки бу партиялар нисбатан озчиликнинг реал манфаатларини ўзида ифода этади<sup>204</sup>.

Мухолифатдаги партиялар («антисистема») эса ўзларининг сиёсий эҳтиёжларини ифода этаётган ижтимоий гуруҳлар ва қатламларнинг талабларини декларация қилишни асосий мақсад, деб билади. Кўп партиявийлик тизимда сиёсий ташкилотлар бир хил воситалар билан рақобатлашмайди. Бу ўринда улар гетерогендирлар (юнонча «гетероген»-«турли хил»). Кўп партиявийлик тизимда уч, тўрт партиялардан иборат ёки плюрипартиявий тузилмаларни ҳам кузатиш мумкин.

Партиявий тизимларнинг шаклланишида жамият ижтимоий тузилишининг характери, амал қилаётган қонунлар тизими ва ижтимоий-маданий анъаналар катта ўрин тутади. Масалан, яхши шаклланган деҳқонлар ижтимоий қатлами бўлган мамлакатда табиий равишда аграр партиялар пайдо бўлади. Қандайдир бир мамлакатда ўрта ижтимоий қатламлар муҳим ўрин тутса, уларнинг партияси устун бўлиши учун барча шарт-шароитлар туғилади. Агар жамиятнинг ижтимоий тузилиши бир-бирига қарама-қарши қутблардан ташкил топса, партиявий тизим зиддиятли тусга эга бўлади, натижада ижтимоий муносабатларда зўриқишлар кучаяди. Ижтимоий гуруҳлар бир хил қадриятлар ва идеалларни ўз қарашларига сингдирган бўлса, партиявий тизим, партиялар-

---

<sup>204</sup> Основы политической науки. Учебное пособие для вузов. Под ред. В. П. Пугачева. —Москва: МГУ, 1996. —С.26-29.

аро ва партия билан давлатнинг ўзаро муносабатлари янада юмшоқ шаклларда намоён бўлади.

Жамиятда амал қилинаётган қонунлар ҳам партиявий тизим тури ва характериға таъсир қилиши мумкин. Масалан, қонунларға биноан партиялар фаолиятиға чегаралар қўйилиши, сайловларда маълум йўналишға эға бўлган муҳолифат партияларға рухсат берилмаслиги, яширин партиявий тузилмаларға нисбатан куч ишлатишға рухсат берилиши мумкин.

Мажоритар турдаги (кўп овоз олган ғолибни аниқловчи) сайлов тизимиға эға бўлган жамиятда қоидаға биноан икки партиявийлик ёки битта етакчи, устун партия бўлган тизим шаклланади. Пропорционал сайлов тизимлари ҳокимият органларида кўплаб сиёсий кучлар вакиллари бўлишиға имконият яратиб, кўп партиявийлик тизим ёки партиялар коалицияси пайдо бўлишиға ёрдам беради, янги партиялар тузилишини анча осонлаштиради.

Турли иқтисодий укладлар, маданият ва тилға эға бўлган жамиятларда ижтимоий, миллий, диний ва бошқа манфаатларни ҳимоя қилувчи кўплаб муассаса ва институтлар фаолият кўрсатади. Бундай жамиятларда кўп партиявийлик тизим шаклланиши учун имконият ва замин қулайроқ.

Партиявий тизим кўп жиҳатлардан партиялар сиёсий мақоми (статуси) нинг қандай бўлишиға боғлиқ. Бундай мақом турлича бўлиши мумкин: у партия аъзоларининг сони, унинг сайловчиларининг кўплиги ёки озлиги, олинган депутатлик мандати (вакиллиги) қанча бўлиши каби бир қанча меъёрлар билан белгиланиши мумкин. Шунга мувофиқ улар уч типға бўлинади:

1) ҳукуматни шакллантириш ҳуқуқиға эришган, парламентдаги мутлақ кўпчилик жойларни эгаллаган мажоритар (фр.— «кўтаринки», «қувноқ кайфият») партиялар;

2) кўпчилик депутатлик мандатларини қўлга киритган доминант (лот. «доминанта») — «хукмронлик қилмоқ») устунлик қилувчи партиялар;

3) парламентда озчиликни ташкил қилиб, баъзан коалицион ҳукуматға кирувчи миноритар (фр. «минор») — «хафа», «ғамгин», «қайғули кайфият») партиялар<sup>205</sup>.

---

<sup>205</sup> Шмачкова Т. В. Мир политических партий. Политические исследования, 1992, № 1-2. — С.231.

Партиявий тизимларнинг мақоми турли хилда бўлиши натижасида баъзан партиявий тизимлар мажоритар (баъзан икки партиявий ҳолатда), устунлик қилувчи (масалан, Италия христиан-демократик партияси) ва коалицион типларга ҳам бўлинади. Ла Паломбара ва Вайнер партиявий тизимларни рақобатли ва рақобатсиз турларга ажратади. Америка сиёсатшуноси Ж. Сартори фрагментацияли (лот. «фрагмент» – «парча», «қисқача») партиявий рақобат, «ўнг ва сўл» схемали, яъни мафкураларнинг қутблашиши бўйича турларга ажратади. У қуйидаги турларни ҳам таклиф этади:

- 1) бир партиявий тизим;
- 2) партиялар устун бўлган гегемон партиялар тизими;
- 3) икки партиявий тизим;
- 4) чекланган плюралистик ва атомлашган (юнон. «атом»-«бўлинмас») тизимлар<sup>206</sup>.

XX асрнинг 80-йиллари ўрталарида Фарбий Европада ўнлаб партиявий тизимларни тадқиқ қилган Б. Пауэль ҳам Ж. Сарторининг юқоридаги талқинлари тўғри эканлигини исботлади.

Партиявий тизимларнинг барқарорлигини партиялар сайловчиларининг қўллаб-қувватлаши орқали сақлаш мумкин. Масалан, Англияда бундай барқарорлик бир неча ўн йиллардан буён давом этиб келди. Бунинг асосий сабаби сиёсий йўналишнинг консерватизм туридаги сиёсий маданият кўпчилик сайловчиларнинг дунёқарашига сингиб кетганлигидадир.

Албатта, у ёки бу партиявий тизимнинг самарадорлигини баҳоловчи мезон ҳали яратилмаган. Айни пайтда, партиявий тузилмаларнинг самарадорлигини белгиловчи умумий мезонларга – бу партиялар томонидан аҳолининг талаб ва эҳтиёжларига ҳасослик билан ёндашиш, партиялар иштирокида фуқароларнинг ўта муҳим манфаатлари юзасидан қарорлар қабул қилиш, ҳукумат олиб бораётган сиёсатга амалий танқидий тузатишлар киритиш, сиёсий элита фаолиятини демократик назорат қилишни амалга ошириш каби ижтимоий-сиёсий ҳаётда анъанавий тус олган партиявий қадриятларни мисол келтириш мумкин.

---

<sup>206</sup> Sartori G. Parties and Party Systems. A Framework for Analysis. Vol. 1., N.Y., 1976. –P. 132-139, 178-181.

#### 4. Сиёсий партияларнинг ҳуқуқий мақомлари ва функциялари

Ривожланган мамлакатларнинг аксарият партиялари ўзларида социал-демократик, либерал ва консерватив унсурларнинг ўзига хос синтези сифатида намоён бўла бошлади. Тадқиқотчи-ларнинг таъкидлашича, ҳозирги давр ГФР сиёсий ҳаётида (шунингдек, бошқа Ғарб мамлакатларининг кўпчилигида ҳам) ижтимоий сиёсий кучлар ўртасидаги аниқ ва кўзга ташланарли фарқларни кузатиш тобора қийинлашиб бормоқда<sup>207</sup>.

Баъзи бир давлатлар конституцияларига сиёсий партиялар тўғрисида махсус қоидалар ёки моддалар киритилмаган бўлса-да, уларга доир меъёрлар уюшмалар ёки жамоат ташкилотлари тўғрисидаги қонунларда ўз ифодасини топди. Бундай ҳолатларда сиёсий партиялар жамоат ташкилотларига хос бўлган меъёрлар талаблари доирасида фаолият кўрсатиши русумга кирди.

Шунингдек, кўпчилик давлатларда эса сиёсий партияларга доир алоҳида қонунлар ҳам қабул қилинган. Бундай қонунлар қуйидаги мамлакатлар учун хосдир: ГФР (1967 й.); Португалия (1975 й.); Австрия (1975 й.); Испания (1978 й.) 1981 йилда қайтадан тўлдирилган; Ўзбекистон (1996 й.). Қуйидаги мамлакатларда эса сиёсий партияларни молиялаштиришга доир махсус қонунлар қабул қилинган: Швеция (1956 й.); Финляндия (1969 й.); АҚШ (1974 й.); ГФР (1983 й.); Ўзбекистон (2004 й.). Баъзи бир мамлакатларда эса сиёсий партияларга доир ҳуқуқий қоидалар сайловлар тўғрисидаги қонунларда ифодаланган<sup>208</sup>. Хорижий тажрибалардан кўриниб турибдики, сиёсий партиялар асосан жамият аъзоларининг сиёсий иродаларини шакллантириш ва уларни сиёсий жараёнларда ифодалаш эҳтиёжлари асосида фаолият юритадиган жамият институтидир.

---

<sup>207</sup> Қаранг: Диманис М.Д. Политическое Партии ФРГ. //Партии и партийные системы современной Европы: Проблемно-тематич. сб. –М.: ИНИОН РАН. 1994. –С.52-62.

<sup>208</sup> Қаранг: Современное буржуазное государственное право: Критические очерки. В 2 т. Отв. ред. В.А.Туманов. Т.2. –М.: Наука, 1987. –С.156-170.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 60-моддасида сиёсий партияларнинг ҳуқуқий мақоми қуйидагича белгиланган: «Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар. Сиёсий партиялар ўз фаолиятларини молчи-вий таъминланиш манбалари ҳақида Олий Мажлисга ёки у вакил қилган органга белгиланган тартибда ошкора ҳисоботлар бериб турадилар»<sup>209</sup>.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ҳам сиёсий партияларнинг жамият институти сифатидаги ҳуқуқий мақоми шаклланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 56-моддасига биноан сиёсий партиялар «жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади»<sup>210</sup>. Мазкур Конституциянинг 58-моддасида эса «давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашшига, шунингдек жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди»<sup>211</sup>, дейилади. Бу билан, биринчидан, сиёсий партиялар жамоат бирлашмалари каби жамиятнинг институти эканлиги эътироф этилади; иккинчидан, сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти органлари фаолиятига аралашшига йўл қўйилмаслиги конституциявий меъёрлар билан тақиқланиб, унинг давлат ҳокимиятига дахлдор эмаслиги таъкидланади.

Мазкур ҳуқуқий асослардан шундай хулоса чиқадики, сиёсий партияларнинг «сиёсийлиги» уларнинг сайловлардаги иштироки ва давлат ҳокимиятига номзодлар кўрсатиши билан чекланади. Сиёсий партиялар давлат ҳокимияти бошқарувида иштирок этмайди. Сайловларда ғалаба қозонган партияларнинг вакиллари эса давлат ҳокимияти органларидаги бошқарувда иштирок этади. Лекин бу каби бошқарувдаги иштирок сиёсий партия аъзоси сифатида эмас, балки бирон-бир мансабни эгаллаган шахс сифатида амалга оширилади.

---

<sup>209</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2012. –Б.12.

<sup>210</sup> Ўша жойда. –Б.11.

<sup>211</sup> Ўша жойда. –Б.12.

XX асрнинг 50-70-йилларига келиб сиёсатшунос олимлар демократик принциплар асосида фаолият юритадиган сиёсий партияларнинг асосий функциялари қуйидагилардан иборат эканлигини аниқлади:

-шроҳида олинган фуқаролар, ижтимоий табақалар ва гуруҳлар манфаатларини бирлаштириб, уларни сиёсий манфаатлар мажмуаси даражасига кўтариш, шунингдек, бу уйғунлашган манфаатларни уларнинг ҳаммаси учун бир хилда аҳамият касб этишини таъминлашдир. Партияларнинг яна бир энг муҳим мақсади – бу ўзи таянувчи ижтимоий табақалар манфаатларини сиёсий тизимда ифода этишдир;

-ҳар бир фуқаро ўзининг устидан ким бошқариши ёки идора этишига бефарқ эмас. Шунинг учун ҳам демократиянинг муҳим мезонларидан бири фуқароларга ўзлари устидан ким бошқаришини танлай олиш имкониятини беришдир. Бу каби танлаш сиёсий партия воситасида амалга оширилади;

-давлатни бошқаришга доир сиёсий қарорларнинг халқчил ва демократик қадриятлар асосида қабул қилиниши мамлакатдаги фуқаролик жамиятининг нечоғли ривожланганлик даражасининг ўзига хос мезонидир. Сиёсий қарорларни қабул қилишгача бўлган даврда уларнинг лойиҳаларини партияларнинг қўйи органлари томонидан фуқаролар иродалари ва истакларини инобатга олган ҳолда, шунингдек, оддий фуқароларнинг манфаатларини ва эҳтиёжлари асосида шакллантириш имкониятлари мавжуддир. Шунинг учун ҳам партиялар бажарилиши шарт бўлган сиёсий қарорларнинг демократик легитимлаштириш, жамият томонидан тан олиншини таъминлаш воситасидир;

-партиялар турли даражадаги сайловлар воситасида ҳокимиятни шакллантириш, бошқарув кадрлар тизимини легитимлаштириш, шунингдек, унинг фуқаролар томонидан эътироф этилишини таъминлаш омилдир;

-партиялар ўзларининг қўйи ташкилотларидаги кўп қиррали фаолиятларида ўз партия дастурларини тарғиб этиш, маҳаллий бошқарув органлари фаолиятини баҳолашлари, партиявий йиғинларни хулосалари, оммавий ахборот воситаларидаги фаол иштироклари асосида жамоатчилик фикрини шакллантириш қобилиятига эга бўлган демократик институтдир;

-партиялар жамиятнинг сиёсий кенгликларида фуқаролар сиёсий онгининг шаклланиши ва сиёсий маданиятининг юксали-

ши учун ижтимоий, сиёсий, руҳий муҳит, фуқаролар сиёсий иштироки учун сиёсий кенгликлар ташкил қилувчи ташкилотдир;

-партиялар фуқароларнинг сиёсий манфаатларини илғаб, уларнинг ўзаро ўхшаш манфаатларини бирлаштириб, уларнинг ҳар бир оила ва маҳалла ҳудудида «сочиблиб» ётган табиий сиёсий интилишларини партиявий дастурларга жамлаб, ўз аъзолари ва хайрихоҳларини сиёсий жараёнларга сафарбар этувчи, шунингдек, фуқароларни бу жараёнда фаол иштирок этишга янада кенроқ ундаш учун уларни рағбатлантириш, улар интилишларининг доимийлигини таъминлаш воситасидир;

-партия демократик сайловларда сайланган ўз вакиллари, турли мансабларни эгаллаган партиядошлари, шунингдек, партиявий фракциялари ва гуруҳлари воситасида ўз муқобил дастурларини амалга ошириш, халқ оммасининг эътирофига эришиш мақсадларида парламент ва ҳукуматга таъсир кўрсата олин қобилиятига эга институтдир;

-партия ўз сиёсий мақсадларини «давлат иродаси» билан уйғунлаштира олувчи сиёсий кучдир;

-партия фуқаролар билан давлат органлари ўртасидаги алоқалар ва муносабатларни мувофиқлаштиришни доимий равишда таъминлаб турувчи бўғиндир.

Сиёсий партиялар ижтимоий қатламларнинг у ёки бу сиёсий манфаатларини ифода этибгина қолмасдан, балки бу манфаатларни шакллантиришда ҳам бевосита фаол иштирок этади. Чунки партия ўзининг ижтимоий базаси бўлган табақанинг сиёсий қарашларини шакллантиришга доир маърифий тадбирлар ўтказиш билан шуғулланмаса, у ҳолда фуқаролардаги сиёсий қарашлар ва сиёсий манфаатлар ўз ҳолича барқ урмайди, жуда бўлмаганда, бу манфаатлар гуруҳий манфаатлар даражасига кўтарила олмайди.

Фуқаролик жамияти шароитларида сиёсий партиялар минтақавий ва маҳаллий тизимлар ҳамда жамоавий бирликлар билан мустаҳкам алоқада бўлиб, улар умуммиллий мақсадлар руҳини дастлаб шу ҳудудлардаги фуқаролардан олади. Қолаверса, партияларнинг бир-бири билан рақобатдошлиги туфайли ҳам умуммиллий сиёсий тизимлар барча гуруҳлар ва мансабдорлардан (улар қанчалик катта мансабларни эгалламасин) юқори қўйилади. Шу тариқа сиёсий тизим билан ўз ваколатларини кучайтиришга интилувчи алоҳида олинган мансабдорлар ўртасига аниқ чегара қўйилади.

Сиёсий партияларнинг бир неча асрлардан буён яшаб ва тобора такомиллашиб келаётганлигининг энг асосий сабаби, бу уларнинг бошқарувчи сиёсий элитани шакллантиришдаги ўрнининг беқилс эканлигидир. Сиёсий партияларнинг ўз функцияларини тўла бажара олиши, уларни демократик принциплар асосида фаолият кўрсатишининг кафолати — бу уларнинг давлат органидан мустақиллигидир. Партия ўзининг бошқарув кадрларини шакллантиришда, депутатликка номзодлар кўрсатишда, нитом ва дастурга оид ҳужжатларини ишлаб чиқишда мутлақ мустақил бўлиши лозим. Умуман, ҳар бир партиянинг ўз дастури ва мақсадларига мос равишда назарий, мафкуравий, сиёсий ва ташкилий функциялари бўлиб, улар партия фаолияти ва ички ҳаётининг ажралмас бўлақларидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддасида жамиятдаги муҳолифий ҳуқуқни ҳимоя қилиш мақсадларида қўйидаги қоида мустаҳкамланган: «Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қиммати ҳеч ким камситиши мумкин эмас»<sup>212</sup>.

Партиявий рақобатдошликнинг яна бир ижобий жиҳати шундаки, ҳокимиятни эгаллаган сиёсий партия муҳолифатга ҳокимиятни бериб қўйишдан, шунингдек, сайловчиларнинг ўзларига бўлган ижобий муносабати ўзгаришидан «ҳадиксираб», бошқарушнинг халқчил ва демократик тамойиллар асосида амалга оширишга интилади. Қолаверса, жамият муҳолифий партияларнинг турли-туман муқобил ривожланиш дастурлари ва улар ўртасидаги баҳс-мунозаралар асосида тез ривожланиш имконига эга бўлади.

Партияларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаолият кўрсатиш-ларининг кафолати — бу уларнинг молиявий асосларга эга бўлишидир. Ҳозирги даврда Европа, Шимолий Америка, Япония, Австралия, Жанубий Корея, Ҳиндистон каби демократик мамлакатларда сиёсий партияларнинг турли йўналишлардаги фаолиятининг кенгайиши за бу соҳада уларнинг сарф-харажатлари-

<sup>212</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Тошкент: Ўзбекистон, 2012. — Б.9.



ни йилдан-йилга кўпайиб бориши натижасида уларнинг серқирра фаолиятини давлат маблағлари билан таъминлаш муаммолари келиб чиқмоқда. Тарихий ривожланиш тажрибаларидан маълумки, партиялар моддий маблағларсиз ўз мақсадларини тўлиқ бажара олмаганлар. Шундан келиб чиқиб, аксарият мамлакатларда ҳозирги давр қонунчилигин партияларнинг молиявий манбаларини мувофиқлаштиришга муҳим аҳамият бера бошлади.

XX асрнинг 90-йилларига келиб партияларнинг давлат томонидан молиялаштириш тамойили умумдунёвийлик характерини касб эта бошлади. 112 мамлакат миллий парламентлари вакиллари иштирок этган Халқаро Парламентлараро Кенгаш (Париж, 1994 йил 26 март) ўзининг 154-сессиясида қабул қилган «Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисидаги Декларация»сининг 4-моддаси қуйидагича ифодаланади: «Сиёсий партияларнинг шаклланиши ва эркин фаолияти таъминлансин, имкониятлардан келиб чиқиб сиёсий партияларни ва сайлов кампанияларини молиялаштириш мувофиқлаштирилсин, партияларнинг давлатдан алоҳидалиги таъминлансин, шунингдек, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи органларига сайловлар жараёнларидаги курашларда ҳаммага тенг шарт-шароитлар яратилсин»<sup>213</sup>.

Сиёсий партиялар у ёки бу ижтимоий қатламларнинг манфаатлари ва муаммоларини ўзида ифода этади, уларни жамиятдаги сиёсий муносабатларда ҳимоя этади. Сиёсий партия маълум бир ижтимоий қатламларнинг сиёсий манфаатларининг ифодачиси сифатида ҳокимият учун курашади, ҳокимиятни эгаллаган тақдирда эса ўзи мансуб бўлган ижтимоий қатлам муаммолари, шунингдек, сайловларда ўзига хайрихоҳлик қилган сайловчилар хоҳиш-иродаларини амалга оширишга интилади.

Хулоса қилиб айтганда, демократик принциплар асосида фаолият юритувчи сиёсий партиялар фуқаролик жамияти билан ҳуқуқий давлатни ўзаро мустаҳкам боғловчи, шунингдек, давлат сиёсатини жамият аъзолари манфаатларига асосланган манбалардан озиқланишини таъминлаб турувчи энг асосий демократик институтлардан биридир.

---

<sup>213</sup> Қаранг: Избирательные системы и наблюдение за выборами. Краткий обзор. Фонд Фридриха Науманна. Московск. бюро. —Москва, 1995. —С.37-38.

## 5. Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши ва ривожланиши

Ўзбекистонда Миллий мустақиллик учун ҳаракат бир томондан, коммунистик тоталитар тузум асоратларидан халос бўлиш, покланиш жараёнлари билан уйғун равишда кечган бўлса, иккинчи томондан, жаҳондаги илғор мамлакатлар тажрибаси асосидаги маҳаллий халқ менталитетидан келиб чиқиб жамиятни демократлаштириш билан ҳамоҳанг борди. Миллий мустақиллик арафасидаёқ кўппартиявий тизимини жорий этиш, давлат ва ҳукуматдан айрим жамоат бирлашмалари тушунмаларини эркин фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга интилиш республика раҳбариятининг 90-йиллар бошидаги илк сиёсий ислохотларининг бош мақсадларидан бири эди.

1991 йил 15 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонунда мамлакат тарихида биринчи марта жамоат бирлашмаларининг мустақиллиги, уларни давлат ва ҳукуматдан алоҳида фаолият юритувчи ҳуқуқий субъект эканлиги тан олинди.

Мустақил Ўзбекистонда сиёсий партиялар шаклланишида 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси муҳим аҳамият касб этди. Ҳозирги даврда жаҳондаги демократиянинг асосий мезонларидан бири сайловларнинг кўп партиялилиги асосида ўтказилишидир. 1991 йилнинг ноябридаёқ “Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида”ги Қонунда сайловнинг кўппартиявийлик асосида ўтказилиши ҳуқуқий жиҳатлардан эътироф этилди. Мазкур Қонунда сиёсий партиялар мамлакат Президентлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эга эканлиги аниқ ва равшан ифодаланди.

«Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонун мамлакатда кўппартиявийлик тизими шаклланишининг ҳуқуқий жиҳатларини таъминлаб бериши натижасида мамлакатда янги сиёсий партияларнинг шаклланиш жараёнлари бошланди. Миллий мустақиллик даврида ташкил топган сиёсий партиялардан бири – Ўзбекистон Халқ демократик партиясидир. Партияга 1991 йилнинг 1 ноябрида бўлиб ўтган таъсис қурултойида асос солинди.

Партия дастурида асосий мақсадлар қуйидагича ифодаланади «Ўзбекистон ХДПнинг ижтимоий адолат ва ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар манфаатларини ҳимоя қилишга бел боғлагани унинг мамлакат сиёсий кучлари сўл қаноти бўлишлигини белгилайди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ўзбекистоннинг мустақиллигини асраш ва мустаҳкамлаш, Ватанимизнинг гуллаб-яшнашини таъминлаш, мамлакатда фуқаролик ва миллатлар аро тотувлик, ижтимоий барқарорлик, ҳар бир оила ва бутун халқ фаровонлигига эришиш каби умуммиллий манфаатларни ўз мафкураси ва сиёсий фаолиятининг пойдевори, деб билади.

Халқимизнинг мустақиллик ва озодлик, тенглик ва адолат, тинчлик ва тотувликка азалий интилишлари партиямиз мафкурасининг табиий сарчашмаларидир. У халқимизга ҳаммиша хос бўлган ва бугун ҳам унинг менталитетини белгилайдиган ҳамжиҳатлик, жамоавийлик принципларига таянади, зеро улар давлат ҳамда жамият ривожланишининг ҳозирги ўтиш давридаги қийинчиликларни енгишда матонат ва мардлик манбаидирлар.

Бунда партия бутун жаҳон демократик ҳаракати сўл қанотида қабул қилинган тенглик, озодлик, адолат, бирдамлик, демократия ва инсон ҳуқуқлари, тинчлик принциплари ҳамда халқимизга хос бўлган миллий ва умуминсоний гуманистик ҳамда демократик қадриятларга амал қилади.

Партиямизнинг ижтимоий идеали – Ўзбекистонда социал демократик давлатни бунёд этишдир. «XXI асрда кучли Ўзбекистон!» ғояси партиянинг бу мақсадга эришишдаги асосий ғояси ҳисобланади».

«Партия ўз дастурларини ишлаб чиқиб жамиятга тақдим этиш ва ўзга ижтимоий-сиёсий кучлар билан эркин мусобақалаштириш орқали сиёсий раҳнамоликка эришмоқчи. У қонунга мувофиқ равишда ўз номзодларини ҳокимият органларига сайловларда кўрсатади ва уларни қўллаб-қувватланишини ва сайланишини таъминлайди. Биз ўзимизнинг сиёсий йўлимизни давлат ҳокимияти ва жамоат ўзини-ўзи бошқариш органларига сайланган партия аъзоларимиз орқали ўтказмоқчимиз»<sup>214</sup>.

---

<sup>214</sup> Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастури. – Тошкент: 2010. –Б. 2-3.

Мамлакатда 1991–1992 йилларда Ўзбекистон ХДП ва «Ватан тараққиёти» партияларининг ташкил топиши билан бир партиивийлик тизимига бутунлай барҳам берилди. Шунингдек, жамиятдаги ижтимоий қатламларнинг қонун чиқарувчи ҳокимиятда манфаатларини ифода этадиган сиёсий оқимлар ва ташкилотлар шаклланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги демократик тамойиллар, шунингдек амалга оширилган ҳуқуқий ва сиёсий ислохотлар мамлакатда янги партияларнинг тузилишига кенг имкониятлар яратиб берди.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси (СДП) 1995 йил 18 февралда ташкил топди. Партиянинг асосий мақсад ва вазифалари қуйидагича белгиланди:

Партиянинг асосий мақсади – демократик, ҳуқуқий давлатни, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган кучли адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишда ҳамда Ўзбекистон ҳудудида яшаётган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган, фуқароларнинг қонун олдига тенглиги, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланган маънавий жипслашган жамиятни шакллантиришда фаол иштирок этишдир.

Партиянинг вазифалари:

-Ўзбекистонда демократик, ҳуқуқий давлатни ва адолатли фуқаролик жамиятини яратиш борасида демократик жараёнларни чуқурлаштириш;

-Ўзбекистон фуқароларига ўз қонуний ҳуқуқлари, эрк ва бурчларини англашга кўмаклашиш, уларнинг сиёсий онги ва маданиятини оширишда ёрдам кўрсатиш;

-миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш, дўстлик ва ҳамжиҳатликни ривожлантириш, ҳар қандай миллатчилик, диний экстремизм, терроризм иллатларига қарши кураш олиб бориш, динлараро бағрикенгликни, тинчлик ва барқарорликни, миллатлараро тотувликни тарғиб қилиш;

-кучли ижтимоий сиёсатни олиб боришга, аҳолининг бойлар ва камбағалларга кескин бўлиниб кетишига йўл қўймасликка, аҳоли турмуш сифати кўрсаткичларини яхшилашга кўмаклашиш;

-иқтисодий ўсиш натижаларини аҳолининг турли гуруҳ ва қатламлари турмуш сифати ва даражасини оширишга адолатли йўналтирилган бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналишини

чуқурлаштиришга қаратилган фаолиятни амалга ошириш. Бу иқтисодиёт фан ва техниканинг энг замонавий ютуқларига, иқтисодий жараёнларнинг самарали бошқарувиغا, илғор инновацион тафаккурни тарбияловчи таълим тизимига таянган инновацион турдаги иқтисодиёт бўлишини таъминлаш;

-инновацион технологиялар негизида сарфланаётган энергия ҳажмини камайтириш, қатъий тежаш тартибини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтириш, қайта тикланадиган ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланишнинг асосли механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

-қонун устуворлигини таъминлаш, мамлакатда суд-ҳуқуқ соҳасидаги кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттиришга, суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлашнинг амалий шакл ва услубларини ишлаб чиқишга, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини судда ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишга фаол кўмаклашиш;

-бошқарувда ошкоралик, очиқлик ва ҳисобдорлик тамойилларини амалга ошириш, давлат ҳокимияти органларида ҳалол, ўз Ватани, халқини севадиган ва элу юртига садоқат билан хизмат қиладиган масъулиятли ва юқори малакали кадрларнинг ишлашига эришиш;

-жамиятда хотин-қизларнинг роли ва мавқеини ошириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасида фаолият юритиш;

-ёшлар орасида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш, уларни бу ижтимоий қатлам бўйича ишлаб чиқилган давлат ва партия сиёсатини амалга ошириш жараёнига жалб этиш, партия мафкурасини қабул қилган сиёсий етук ёш ўринбосарлар авлодининг шаклланишига кўмаклашиш;

-илғор эзгу ниятли ва адолатлилиқ ғояларига асосланган социал-демократик партиялари ва халқаро социал-демократик ҳаракати билан алоқаларни фаоллаштириш;

-партиянинг барча фаолият йўналишлари бўйича жамоатчилик билан ўзаро алоқаларни амалга ошириш учун фуқаролар орасида сиёсий-маърифий, ташвиқот-тарғибот ва бошқа шу каби ишларни олиб бориш;

-Ўзбекистон “Адолат” СДП Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимлари лаво-

номзадларга номзодлар юзасидан маслаҳатлашувлар жараёни қанда Олий Мажлис ва халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларида уларни лавозимга тасдиқлаш учун овоз бериш жараёни орқали Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, вилоят ҳокимияти ижроия органларини шакллантиришда бе-восита иштирок этади<sup>215</sup>.

Ўзбекистон «Миллий Тикланиш» демократик партияси (МТДП) 1995 йил 3 июнида ташкил топди. Партиянинг таъсис қурулгоида қабул қилинган дастурда партиянинг мақсадлари қуйидагича белгиланди:

«Партия умуминсоний қадриятларни миллий қадриятлар би-чан узвий боғлаган ҳолда Конституцияда белгилаб қўйилган ҳақ-ҳуқуқлар асосида ўз сиёсатини юритади ва мамлакатда яшовчи халқлар ва элатларнинг конституцион ҳуқуқларини ва фуқаро-чиқ эркинликларини ҳурмат қилади. Партия олий мақсад – Мил-лий тикланиш ғоясини амалга ошириш йўлида ўз ҳаракатининг асосий йўналишлари деб қуйидагиларни белгилайди: 1) Миллат-нинг маънавий бирлиги; 2) Ватан – ягона оила; 3) Кучли демок-ратик давлат; 4) Миллий қадриятлар; 5) Илмий-техникавий та-раққиёт ва умумжаҳоний интеграция; 6) Замон кишиси; 7) Мил-лий истиқбол.

Партия ўзининг сиёсий тизимда иштирок этиш усуллари ва шакллари тўғрисида қуйидаги низомий қоидаларни қабул қилди:

«Партия ўзининг сиёсий фаолиятини Олий Мажлис, Қорақал-поғистон Республикаси Олий Кенгаши, вилоят ва туман кенгаш-лари ва давлат ҳокимиятининг турли боғоналаридаги партия наъзоси бўлган ўз вакиллари орқали амалга оширади.

Партия сайловлар даврида ўз аъзоларини Олий Мажлис, Қора-қалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши, вилоят, шаҳар, ту-ман кенгашларига депутатликка номзодлар этиб кўрсатади ва бу номзодларни халқ томонидан сайланиши учун умумпартия-вий сайлов кампанияларини ўтказиши. Сайланган депутатларни партия фракцияларига бирлаштириб, улар воситасида қонулар қабул қилиш, ҳукумат ва унинг жойлардаги органларини шакл-

---

<sup>215</sup> Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг Уста-ви. –Тошкент, 2011. –Б. 4-5.

лантиришда, ҳукуматнинг ички ва ташқи сиёсатини белгилашда иштирок этади»<sup>216</sup>.

«Фидокорлар» Миллий Демократик партияси (ФМДП) 1998 йил 28 декабрдаги таъсис қурултойида ташкил топиб, 1999 йилнинг 3 январида Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтди. Партия Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг асосий кафолатлари адолат, эркинлик ва ҳамкорлик қадриятларига амал қилишдир, деб билади. Партиянинг ижтимоий идеали – бу инсоннинг ўз-ўзини камол топтириш, шахс манфаатлари унинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла даражада рўёбга чиқариш учун сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий шарт-шароитларни кафолатловчи фуқаролик жамиятини барпо этишдир<sup>217</sup>.

Партиянинг вужудга келиши ва фаолият кўрсатишидан мақсад, мамлакатда янги шаклланаётган кичик ва ўрта мулкдорлар ижтимоий табақасининг сиёсий манфаатларини ифода этишдир. Шунингдек, партия ўз фаолиятида кўпроқ ёшларга таяниб иш олиб боришини билдиради. Республиканинг барча туман ва шаҳарларида партия ташкилотлари тузилди.

Ўзбекистон кўппартиявийлик тизимидаги муҳим янгиликлардан бири – сиёсий партияларнинг давр талаби, ижтимоий-сиёсий вазият шароитларидан келиб чиқиб, бир-бирлари билан бирлашишлари каби сиёсий воқеликлар ҳам рўй бера бошлади. 2000 йил апрел ойида «Фидокорлар» Миллий Демократик партияси ва «Ватан тараққиёти» партияси вакилларида иборат қўшма қурултойи қарори билан иккала партия бирлашиб, партиянинг номини «Фидокорлар» Миллий Демократик партияси деб аташга қарор қилдилар. Албатта, бу бирлашишда ҳар иккала партиянинг дастурий мақсадларидаги муштарақлик, ҳар иккала партияларнинг ҳам таянадиган ижтимоий табақалари тадбиркорлар ва ишбилармонлар эканлиги муҳим ўрин тутди. Шу билан бирга, қўшма партиявий анжуман ФМДП шаклланишида муҳим ижо-

---

<sup>216</sup> Ўзбекистон «Миллий Тикланиш» демократик партиясининг дастури// Ўзбекистон «Миллий Тикланиш» демократик партияси (ЎЗМТДП). –Тошкент: 2004. –Б. 38-39 ва 47.

<sup>217</sup> Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси. –Тошкент, 1999. –Б. 2-3.

бىنئى جىخاتلارنى كۆرساتيىش بىلان بىرغا، پارتىيا فاولىياتىدا شوىما-شوشارلىك، پالا-پارتىيىلىك كابى ھۆلاتلار كوزاتىلغانلىغىنى تائكىدلادى.

ماملاكاتدا بەشتا، كەيىنچالىك قۇشلىيىشلار ناتيھاسىدا تۇرتتا سىئىي پارتىيانىڭ سىئىي تىزىم سۇبئەكتلارى سىفاتىدا فاولىيات كۆرساتيىشلىرى، ۇلارنىڭ سىئىي تىزىمغا تائسىر ەتا ولىش قوبىلىياتلارنىڭ شاكللانىشى ناتيھاسىدا دىموكراتىك تامونىلارداغى كۇشپارتىيىيىلىك شاكللاندى. سىئىي پارتىيالار جامىياتنىڭ ئىنستىتۇتى سىفاتىدا ھار بىر پارتىيا ۇزى تايانغان ئىجتىموىي قاتلاملار ۋا گۇرۇھلار مانفااتلارنى بىرلاشتىرىش ۋا ئىفودالاش، شۇنىڭدەك فۇقارولار سىئىي مادانىياتىنى وشىرىش، ۇلارنىڭ ئىجتىموىي-سىئىي فاوللىكلارنى يۇكسالتىرىش سوھاسىدا كاتتا ئىشلارنى امالغا وشىرا بوىشلادىلار.

ماملاكاتدا XXى اسرنىڭ بوىشىدا پارلامەنت ئىسلاھوتلارنىڭ بوىشلانىشى، ئككى پالاتالى پارلامەنتنى شاكللانتىرىش ئۇچۇن ھۇقۇقىي اسوسلارنىڭ ئىشلاپ چىقىلىشى مۇنوسابىتى بىلان سىئىي پارتىيالارنىڭ جامىياتداغى ۋا داۋلات قۇرىلىشىداغى ۇرنى ئىدا يۇكسالدى. 2004 ئىل دىكابرداغى پارلامەنت ۋا ماھاللىي ئىكىللىك ۇرگانلارغا بۇلغان سايولۋلاردا پارلامەنتنىڭ قۇيى ئىكلىتىسى – قونۇنچىلىك پالاتاسى دىپۇتاتلىغىغا نۇموزدلار كۆرساتىش ھۇقۇقىنىڭ سىئىي پارتىيالارغا بەرىلىشى، ماھاللىي ۋاكىللىك ۇرگانلاردان پارلامەنت دىپۇتاتلىغىغا نۇموزد كۆرساتيىش ھۇقۇقىنى بەكور قىلىنىشى مۇنوسابىتى بىلان پارتىيالارنىڭ قونۇن چىقارۇۋى ھۆكىمىياتنى شاكللانتىرىش سوھاسىداغى يانغى دىۋىرى بوىشلاندى.

سىئىي پارتىيالارغا يانغى ۋاكوالاتلار بەرىلىشى بىلان ۇز-ۇزىدىن ۇلارنىڭ جامىيات ۇلدىداغى ماسۇللىغى كۇچايدى. ۇمۇمان، سىئىي پارتىيالار ۋاكوالاتلارنى كەنغائىتىرىلىشى جامىيات سىئىي سوھاسىنى ەزكىنلاشتىرىش يانغى بوىقىچىنى بوىشلاپ بەردى. "كۇچلى داۋلاتدان – كۇچلى فۇقارولىك جامىياتى سارى" سىئىي كۇنسىتۇتۇال داستۇرنىڭ اسل موھىياتى ھام اسوسان انا شۇ ماقسادغا قاراتىلدى.

2003 ئىل 15 نۇبىربدا ۇزبەكىستۇن سىئىي تىزىمىدا يانا بىر سىئىي پارتىيا – تادبىركورلار ۋا ئىشبىلارمونلار ھاراكاتى – ۇزبەكىستۇن لىبىرال - دىموكراتىك پارتىيىسى تاشكىل توپدى. پارتىيانى تۇزىش تاشاببۇسكورلارى اسوسان ماملاكاتداغى ۇرتا قاتلام – تادبىركورلار ۋا ئىشبىلارمونلارنىڭ ئىلغور ۋاكىللارى بۇلىپ، پارتىيا ۇرتا ئىجتىموىي قاتلام سىئىي مانفااتلارى ۋا ئىرودالارنى ئىفودا ەتىشنى ۇز ۇدىغا ماقساد قىلىپ قۇيدى.



Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясини (ЎзЛиДеп) ташкил этишни мамлакатда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш ислохотларининг чуқурлашиб бориш жараёнлари тарихий зарурият сифатида ҳаёт кун тартибига қўйди.

Ўтган аср охирига келиб мамлакатда 260 мингдан кўпроқ ўрта ва кичик тадбиркорлар, 85 мингдан ортиқроқ фермерлар бизнес фаолиятини юритмоқда эди. Ўрта ва кичик мулкдорларнинг ўрта ижтимоий қатлам сифатида шаклланиш зарурияти ва эҳтиёжлари уларнинг сиёсий куч сифатида бирлашишларини, иқтисодий жиҳатлардан ривожланиш учун ўз сиёсий манфаатларини ифода эта оладиган сиёсий ташкилотга бирлашишни тақозо этмоқда эди.

ЎзЛиДеп ўрта ижтимоий қатлам ғоялари ва манфаатлари ифодачиси сифатида сиёсий майдонга чиқди. Партия асосан қуйидаги мақсад ва вазифаларни илгари сурди:

*Биринчи.* Сиёсий куч сифатида бирлашган ҳолда тадбиркор ва ишбилармонларнинг янада кенгроқ фаолият юритишлари учун янги имкониятлар очиш, уларнинг истиқболини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан асослаб бериш, жамиятнинг ушбу табақаси манфаатларини ҳимоялаш ҳамда унинг эртанги кунини таъминлаш.

*Иккинчи.* Партиянинг куч ва имкониятларини бошқа сиёсий партия ва ҳаракатлар билан ҳамкорликда мамлакат миллий манфаатлари ва тараққиётининг стратегик истиқболларига жавоб берадиган бозор иқтисодиётига асосланган демократик, ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик институтларининг ривожига кенг йўл очиб бериш ва демократик қадриятларни халқимиз, аввало, ёшлар онги ва ҳаётига сингдиришга қаратилган ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш.

*Учинчи.* Партиянинг давлат бошқаруви, жамиятда шаклланаётган қарашларга таъсир ўтказиш, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни амалга оширишдаги иштирокини таъминлаш. Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиёти билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш, Ўзбекистоннинг халқаро обрўини ошириш, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, миллатлараро ва фуқаролараро аҳиллик ва тотувликни мустаҳкамлаш ишида фаол қатнашиш. Ёшларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат, ўз элим, ўз юртим, жон Ўзбекистоним, дея ғурурланиб

яшаш руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиш, ҳар қандай шароитда мустақиллик йўлимиз, қадриятларимиз, миллий ва диний анъаналаримиз, урф-одатларимизни қадрлаш, шу билан бирга, барча миллат ва элатлар қадриятларини камситишга йўл қўймаслик, бундай хуружларга қарши изчил кураш олиб бориш.

Тўртинчи. Ўзи учун сиёсий платформа деб танлаб олган либерал-демократик ғоялар ва мақсадларни ўз фаолияти билан кенг омма онгига сингдириш, бу борада сафларини кенгайтиришга йўналтирилган ҳар томонлама чуқур ўйланган партия сиёсатини тарғиб қилиш ишларини амалга ошириш. Шу ғояларни ҳаётга тадбиқ этишда фидойилик кўрсатган фаолларни депутатликка номзод сифатида тавсия қилиш ва сайловчилар ишончини қозонган депутатлар зиммасига қонунчилик ва ижро ҳокимиятида вакиллик вазифасини юклаш ҳамда уларнинг фаолиятини бошқариш.

Партия жамият ва давлат қурилишининг энг муҳим устувор йўналиши – мустақил тараққиёт, Ватанимиз суверенитетини мустаҳкамлаш ишининг изчил ва оғишмасдан амалга оширилиши учун курашади<sup>218</sup>.

Партия ҳам умуммиллий сиёсий ташкилот сифатида мулкдорлар қатлами, кичик бизнес, фермер ва деҳқон хўжаликлари вакиллари, қисқа айтганда, ишбилармон ва тадбиркорларни ўзининг ижтимоий таянчи, деб эълон қилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар парламент ва ижроия ҳокимияти тизилмаларида ўзларининг манфаатларини ифодалайдиган, ўзларининг ижтимоий қатлам сифатидаги мавқеларини ўсишига қўмаклашадиган вакиллари бўлишига зарурият сезмоқда эди. Чунки ўрта мулкдорлар қатламини шаклланиши жараёнларида муаммолар тўпланиб қолган, уларнинг счимлари эса кўп жиҳатдан давлат ҳокимиятида тадбиркорларнинг ўзлари иштирок этишларига боғлиқ бўлиб қолган эди. Айниқса, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этадиган бирон-бир сиёсий куч йўқ эди.

Партиянинг сиёсий мафкураси сифатида либерализм ғояси қабул қилинди. Лекин партия фақат тадбиркорлар ва ишбилар-

---

<sup>218</sup> Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси дастури. –Тошкент, 2004, –Б. 6-8.

монлар манфаатларинигина эмас, балки аҳолининг бошқа гуруҳ ва қатламлари, хусусан, ёшлар, аёллар, ишчи ва хизматчилар, зиёлилар, ногиронлар ва қарияларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини ҳимоя қилишини эълон қилди. Чунки ижтимоий ҳимояга муҳтож гуруҳ ва қатламларнинг турмуш даражасини яхшилаш, улар руҳий ва маънавий дунёсини бойитиш, дунёқарашини кенгайтириш либерал ғояларнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Шу билан бирга, партия ўз олдига турли назорат идоралари ва турли даражадаги мансабдорларнинг кичик ва ўрта бизнес корхоналари фаолиятига асоссиз аралашувига барҳам бериш соҳасида ҳам аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш вазифасини ҳам қўйди. Хуллас, партиятадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб бериш, тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини барча даражаларда ҳимоя қилиш, уларнинг истиқболи учун қайғуриш, ўзида ҳам жамият, ҳам ўз шахсий манфаатларини уйғунлаштира оладиган мулкдорлар қатламини шакллантириш ва уларни қўллаб-қувватлаш каби йўналишларни ўзининг асосий мақсади сифатида белгилади<sup>219</sup>.

Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимининг қарор топишида 1996 йил 25 декабрида Олий Мажлис қабул қилган “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонуннинг аҳамияти муҳим бўлди. Қонун 17 та моддадан иборат бўлиб, унда сиёсий партияларнинг демократик қоидалар асосида фаолият юритишлари учун стакчи ва илғор мамлакатлар мезонлари талабларидаги ҳуқуқий асослар яратилди. Қонуннинг 5-моддасига биноан, «давлат сиёсий партиялар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофаза этилишини кафолатлайди, уставда белгиланган ўз мақсадлари ва вазифаларини бажаришлари учун уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради»<sup>220</sup>. Шунингдек, сиёсий ҳаётда биринчи марта қонуннинг 12-моддасида сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари аниқ ва равшан кўрсатиб берилди: «Сиёсий партиялар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

---

<sup>219</sup> Аҳмеджанов М.А. Сўллик ғоясига мурасасизмиз. XXI аср, 2004, 11 ноябрь.

<sup>220</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, №2, (1250), 1997. –Б. 12.

-ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин тарқатиш, ўз ғоялари, мақсадлари ва қарорларини тарғиб қилиш;

-сайлаб қўйиладиган давлат органларидаги ўз вакиллари орқали тегишли қарорларни тайёрлашда иштирок этиш;

-қонунда белгилаб қўйилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимияти органлари сайловларида иштирок этиш;

-партия фаолияти билан боғлиқ йиғилишлар, конференциялар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

-қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда оммавий ахборот воситалари таъсис этиш ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш;

-Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари билан иттифоқ (блок) тузиш, улар билан ва бошқа жамоат бирлашмалари билан шартнома муносабатлари ўрнатиш.

Сиёсий партиялар ушбу Қонунда ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларида назарда тутилган ўзга ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин»<sup>221</sup>.

Шунингдек, қонунда сиёсий партияларнинг демократик тамойиллар асосида фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган барча ҳуқуқий асослар ўз ифодасини топди. Жумладан, қонунда сиёсий партияларни тузиш, уларнинг фаолият кўрсатиш принциплари, партияга аъзолик, сиёсий партия фаолиятининг кафолатлари, устав, рўйхатга олиш, партияларнинг мулкий муносабатлари ва доир барча ҳуқуқий мақомларнинг мужассамлашгани Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимини қарор топтиришнинг кафолатларидан бирига айланди.

Ўзбекистонда «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонун мамлакатимиздаги партияларни демократик қадриятлар талаблари даражасида ривожланиши учун кенг имкониятлар яратиб бериши шубҳасиздир. Мазкур Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, «Сиёсий партия, агар у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов якунлари бўйича «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунига мувофиқ Қонунчилик палатасида сиёсий

<sup>221</sup> Ўша жойда. —Б.13.

партия фракциясини тузиш учун зарур миқдорда депутатлик ўринларини олган бўлса, ўзининг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблағларини олиш ҳуқуқини эга бўлади»<sup>222</sup>.

Шу билан бирга, мазкур қонунга биноан сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатаси ва давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик органларига сайловда иштирок этиши, шунингдек, Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракцияларининг фаолияти ҳам давлат томонидан молиялаштирилади. Албатта, сиёсий партиялар фаолиятини давлат томонидан молиялаштиришни амалга ошириш сайловларни демократик тамойиллар асосида кечишини ҳар томонлама кафолатлайди. Партияларнинг марказий ва маҳаллий органлари сайловчилар билан ҳар томонлама алоқа боғлаш, ўз фаолиятларини сайловчилар хоҳиш-иродалари асосида кечишини амалга ошира олиш имкониятларига эга бўладилар. Муҳими, партияларнинг низомий вазифаларини амалга ошира олишнинг молиявий асослари яратилди.

Мамлакатда икки палатали парламентни шакллантириш илоҳотларини амалга ошириш натижасида сиёсий партияларни жамият институти сифатида кенг фаолият кўрсатиши учун барча ҳуқуқий, сиёсий ва молиявий асослар яратилди. Лекин сиёсий демократик институт сифатида ўз ваколатларини ҳаётда мустақил амалга ошира олиш қобилиятларининг шаклланиш жараёнлари ўз ниҳоясига етганича йўқ.

Жаҳондаги илғор демократик тажрибалар ва анъаналар кўрсатадики, ҳар бир сиёсий партия маълум бир жамиятнинг бир «қисми» сифатида у ёки бу ижтимоий гуруҳнинг ёки гуруҳларнинг манфаатлари, мақсадлари ва интилишларини ўзида мужассам этиши керак. Бирон-бир ижтимоий қатламнинг интеграциялашган манфаатлари сиёсий партиялар дастурларида, ҳаракатларида, уларнинг турли хил тадбирларида ўз ифодасини топиши талаб этилади. Ҳар бир сиёсий партия маълум ижтимоий табақаларнинг манфаатларини ифодалаши ёки ҳимоя этиши натижасидагина ўзига нисбатан хайрихоҳларни жалб эта олиши мумкин.

---

<sup>222</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонуни//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, №5, (1337), 1997. –Б. 32-33.

Бу ўрнида партия «манфаатлар ташувчи» ёки ижтимоий қатламнинг манфаатларини ифода этиш учун сафарбар этилган вакиллик воситасини бажаради.

Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг давлат ҳокимиятини шакллантиришдаги ролини оширишда 2008 йил 1 январдан бошлаб жорий этилган Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуни муҳим аҳамият касб этади. Мазкур Қонуннинг 4-моддасига биноан «Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мансабдор шахслари сайланганидан ва органлари шакллантирилганидан кейин бир ой ичида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг ҳар бири ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар билан маслаҳатлашувлар ўтказилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати тасдиқлаши учун киритилади»<sup>223</sup>, деган демократик қонданинг киритилиши парламентда партия фракцияларига муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган қарорлар чиқариш ҳуқуқини бериш даврининг бошланганини аниқлатади.

Шу билан бирга, Қонуннинг 6-моддаси «Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилгандан сўнг тегишли халқ депутатлари Кенгашларига тасдиқлаш учун тақдим этилади», деган ҳуқуқий қонда ҳам маҳаллий партия ташкилотларини давлат ҳокимиятини шакллантиришдаги ўрнини кескин равишда оширди. Шунингдек, мазкур Қонуннинг 7-моддасига биноан халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашларининг партия гуруҳлари-

---

<sup>223</sup>Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонуни//Ўзбекистонда сиёсий партиялар. –Тошкент: Минтақавий сиёсат жамғармаси, 2007. –Б.244-245.

га вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосли хулосалар тақдим этиш таъини буси ҳуқуқи берилди. Шу билан бирга, агар бу хулосалар етакчи партия гуруҳлари томонидан қўллаб-қувватланса, у ҳолда мамлакат Президенти уни халқ депутатлари Кенгаши муҳокамасида кiritиши ва муҳокама натижаларига мувофиқ қарор қабул қилиши каби муҳим демократик қоидалар ҳам белгиланди.

Президент И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да сиёсий партияларга ҳукуматни шакллантириш соҳасида муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган қарор қабул қилиш ваколати бериш таклифи илгари сурилди: «Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўринини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилади»<sup>224</sup>.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда сиёсий партиялар сайловчилар (халқ) иродасини ифодачиси сифатида намоён бўлиб, ҳукуматни шакллантиришда энг асосий сиёсий институт сифатидаги мақомга эга бўлмоқда. Албатта, бу ҳолат фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан бири бўлиб, партиялар воситасида шаклланган ҳукумат халқ иродаси асосида шакллангани учун ҳам у халқчил сиёсат олиб боришга интилади.

Концепцияда давлат ҳокимиятини шакллантиришда сиёсий партияларнинг ролини кескин оширишга асосий урғу беришдан асосий мақсад – мамлакатда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришнинг янги босқичи бошланганлигини аниқлатади. Концепция ғояларини амалга ошириш ҳозирги даврдаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида сиёсий партияларни

---

<sup>224</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010. –Б. 12.

жамиятдаги турли ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар манфаатлари ҳимоячилиги ва ҳимоячиси сифатида фаолият юритиши учун шарт-шароитлар яратади. Ислоҳотлар жараёни ва сиёсий қарорлар қабул қилинишида халқ иштирок этишининг ошириб бериши пировард натижада халқ суверенитетини сиёсий ирода сифатида шаклланишини таъминлайди, натижада ҳуқуқий давлат қуриш учун кенг имкониятлар яратилади. Кўриниб турибдики, ҳозирги даврда фуқаровонлик жамияти қуришда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан жамият институтлари давлат бошқарувида, мамлакат тараққиётида, халқ фаровонлигини оширишда иштирок этишлари учун тенг имкониятлар яратиш, бу соҳада уйғун ҳолда ҳамкорлик қилишининг ҳуқуқий жиҳатлари яратилди, бу соҳа давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтарилди.

#### **Тикрорлаш учун саволлар:**

1. Сиёсий партияларнинг пайдо бўлишига қандай зарур шартлар сабаб бўлди?
2. Сиёсий партиялар қандай таснифлаштирилади?
3. “Партиявий тизимлар” деганда нимани тушунаси?
4. Сиёсий партияларнинг ҳуқуқий мақомлари ва функциялари нималардан иборат?
5. Ўзбекистонда партиявий тизим қандай ривожланмоқда?
6. Ўзбекистонда сиёсий партиялар нималари билан бир-бирларидан фарқланади?



## 9-МАВЗУ. САЙЛОВЛАР

1. Сайлов тушунчаси ва унинг моҳияти.
2. Мажоритар, пропорционал ва аралаш сайлов тизимлари.
3. Сайловларнинг демократик принциплари.
4. Ўзбекистонда демократик сайловлар тизимининг қарор топиши ва ривожланиши.
5. Ўзбекистонда демократик сайловлар ўтказиш амалиётининг ривожланиши.

### 1. Сайлов тушунчаси ва унинг моҳияти

Жамият аъзолари томонидан давлат ҳокимиятини шакллантириш мақсадларида ўтказиладиган сайловлар фақат демократиянинг белгиси ёки кўриниши бўлмасдан, шу билан бирга, унинг зарурий яшаш шарти ҳамдир. БМТ Бош Ассамблеясининг 1948 йил 10 декабрида қабул қилинган «Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон Декларацияси»нинг 21-моддасида демократик принциплар асосидаги сайловларнинг инсон ҳуқуқи сифатидаги ўрни қуйидагича таърифланади: «Ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллари орқали ўз мамлакати бошқарув ишида қатнашиш ҳуқуқига эгадир. Халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиши керак; бу ирода яширин овоз бериш ёки овоз бериш эркинлигини таъминловчи бошқа шунга тенг аҳамиятга эга бўлган умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида ифодаланиши лозим»<sup>225</sup>.

Сайловлар тизими – ҳуқуқий меъёрларда мустақамлаб қўйилган, шунингдек, давлат ва жамият институтлари фаолиятлари тажрибасида шаклланган вакиллик органлари ёки айрим раҳбарлик вакилини сайлашни ўтказиш ва ташкил этишга доир тартибдир. Сайловлар тизими – сиёсий тизимнинг таркибий қисмидир. Шу билан бирга, сайловлар тизимининг ўзи ҳам бошқа тизимлар каби тизилмавий қисмларга бўлинади: уларнинг ичида иккитаси алоҳида ажралиб туради: биринчиси, фуқароларнинг

---

<sup>225</sup> Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон Декларацияси. –Тошкент, 1998. –Б. 30.

сайлов ҳуқуқи – назарий-ҳуқуқий компонент; иккинчиси эса сайлов жароёнлари – амалий-ташкилий компонентдир.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи уларнинг сайловлардаги иштирокини, сайловчилар ва сайланувчи органлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни мувофиқлаштирувчи, шунингдек, кейинчалик сайловчилар ишончини оқламаган вакилларни чақириб олувчи партиботларнинг ҳуқуқий меъёрлари мажмуасидир. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи тушунчаси фуқароларнинг сайловларда иштирок этиш ҳуқуқи сифатида торроқ маънода – сайловчи сифатида (фаол сайлов ҳуқуқи) ёки сайланувчи сифатида (пассив сайлов ҳуқуқи) қўлланилади.

Жамият аъзоларининг давлат ҳокимияти органларига бўлган сайловлардаги кенг иштироки демократик сиёсий жараённинг таркибий қисмидир. Демократик сайловлар давлат ва жамиятни ва уларнинг такомиллашган моделларини шакллантириш мақсадларидаги тарихий ривожланишнинг зиддиятли изланишлари натижаси ўлароқ пайдо бўлган институтдир. XX асрга келиб давлат ҳокимияти органларини шакллантириш билан боғлиқ бўлган демократик сайловлар жаҳондаги аксарият мамлакатлар сиёсий ҳаётидаги табиий бир жараёнга айланди. Шу билан бирга, ҳар қандай сайловларни ҳам демократик қадриятлар қаторига киритиш ҳам қийин масаладир. Сайловларни давлат ва фуқаролик жамияти ўзаро мувозанатидаги ҳолатларидан келиб чиқиб бир неча турларга бўлиш мумкин.

Умумэътироф этилган халқаро демократик тамойиллардан бири қуйидагича ифодаланади: «Демократик идора этиш эркин ва адолатли сайловлар давомида муттасил ифодаланиб борадиган халқ иродасига асосланади»<sup>226</sup>. Турли мамлакатларда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг ривожланиши даражасини сайлов ҳуқуқи принципларига мувофиқ равишда, яъни уларда ўтказилган сайлов тизимини ифода этувчи сайловларини таснифлаш асосида белгилаш мумкин. Сайловларга доир қуйидаги бир-бирига қарама-қарши бўлинган жуфтлик асосида қабул қилинган тушунчалар у ёки бу мамлакатнинг демократик ри-

<sup>226</sup> Парижская хартия для новой Европы, 21 ноября 1990 г. // Общественность ОБСЕ в области человеческого измерения. Справочное пособие. – Варшава: БДИПЧ ОБСЕ, 2001. – С.258.

вожланиш даражасини аниқлашга ёрдам беради. Унга мувофиқ сайловлар қуйидагича ўтказилиши мумкин: умумий – чегараланган (цензли); тенг – нотенг; тўғри – билвосита; яширин – очиқ овоз бериш. Бу сайловлар таснифланган ҳар бир жуфтликнинг чап томонидаги тушунчаларга амал қилган мамлакатларда демократик қадриятлар асосидаги сайловлар ўтказилишини билдиради.

Фуқаролик жамияти давлат ҳокимиятига бўйсундирилган мамлакатларда авторитар режимга хос сайловлар амал қилади. Депутатлар таркиби ва сайловолди дастурлар мазмунига доир барча асосий қарорлар олдиндан мамлакат сиёсий раҳбарияти хоҳишига мос равишда шаклланади. Бу каби сайловларда депутатлар номзодлари ошкор этилмайди, уларнинг шахси ва дастурлари тўғрисида сайловчилар яхши тасаввурга эга бўлмайди. Депутатликка номзодлар сайловчилар вакили сифатида эмас, балки идора этувчи партиявий-давлат вакиллари сифатида номоён бўладилар.

Тоталитар сиёсий тизим мафқуравий ниқоблар остида ўзининг ҳақиқий мазмунини турли усуллар билан ниқоблаб, «халқ иродасини», шунингдек «олий даражадаги демократияга мансуб эканлигини» ифодалашга даъвогарлик қилади. Бу сиёсий тизим демократиянинг номуқобил шаклидан фойдаланиб, умумхалқ қўллаб-қувватлаши кўринишини шакллантиришга интилади.

Сайловларнинг иккинчи тури давлат билан фуқаролик жамияти ўртасидаги ўзар мувозанат беқарор бўлган мамлакатлар учун хосдир. Бу каби мамлакатларда сайловлар демократик режимлар чуқур илдиз отмаган, давлат етакчиларининг демократик интилишлари антидемократик кучлар қаршилигига учрайдиган мамлакатларда учраб туради. Бу каби мамлакатларда кўпинча халқ томонидан сайланган ҳокимиятнинг вакиллик органлари турли кучлар ва босимлар остида ўзининг яшаш қобилиятини йўқотади.

Жамиятнинг авторитаризмдан демократияга ўтиш муаммолари қуйидаги икки номаълумли тенгламани ечиш билан боғлиқдир: аҳоли қўллаб-қувватлашини йўқотиш шароитида олдинги режимдан ўтиш даврини босқичма-босқичлик асосида амалга ошириш. Бу мураккаб вазифани ҳал этиш ўтиш даври қатор босқичларини сиёсий технологиялар, жумладан, такрорланиб турувчи сайлов жараёнлари воситасида қулайлаштиришни талаб эта-

ли. Демократияга босқичма-босқич ўтиш қуйидаги турли даражалардаги давлат ҳокимияти органларига сайловлар билан боғлиқдир: ўзини ўзи бошқаришнинг маҳаллий тизилмаларини сайлаш; минтақавий даражаларда сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг шакллантириш ва уларнинг раҳбар органларини сайлаш йўли билан сайлов олди курашлари учун сиёсий кенгликларни шакллантириш; ижро ҳокимияти раҳбарларини сайлаш;

Кўриниб турибдики, фуқаролик жамиятини ривожлантириш демократик сайловлар воситасида рўй беради. Авторитаризмдан демократияга ўтиш муддати эса ўн йилликлар, авлодлар алмашинуви ва қатор демократик сайловлар билан ўлчанади. Кўппартиявийлик амалиёти тажрибасининг камлиги ўзаро сиёсий чидамлилиқни (толерантликни) шаклланишига имкон берувчи ижтимоий демократик шарт-шароитларнинг ноқулай бўлишига сабаб бўлади. Натижада, ўтиш даври муддатлари кўзилиб бораверади. Шунингдек, баъзи мамлакатларда шошма-шошарлик билан демократияга тезлик билан ўтишга интиқинилар кўпинча сохта демократия шаклидаги авторитаризмни қайта тиклайди<sup>227</sup>.

Шунингдек, сайловларга доир такомиллашмаган қонунчилик, демократик анъаналар ва сайловларнинг бориши устидан салқ назоратининг етишмаслиги давлат билан фуқаролик жамияти ўртасидаги ўзаро мувозанати беқарор бўлган мамлакатлар учун характерлидир. Бу каби ҳолатлар сайловлар натижаларини сохталаштиришларга олиб келиши ҳам муқаррардир. Шунинг учун ҳам бу мамлакатлар учун ҳар бир ўтказилган ҳақиқий демократик сайловлар ҳуқуқий давлат қуришнинг машаққатли йўлидаги кичик, лекин шу билан бирга, энг зарурий бўлган муҳим қадамдир.

Сайловларнинг учинчи тури - демократик режимлардаги, яъни давлатлар фуқаролик жамиятига бўйсунган мамлакатлар учун ҳосилдир. Фуқаролик жамияти қуришни ривожлантиришнинг муҳим шarti - давлат, жамият ва шахс ўртасидаги ўзаро мувозанат, тенглик, бир маромдаги ривожланишнинг мавжудлигидир.

---

<sup>227</sup> Общая и прикладная политология: Учебное пособие. / Под общей редакцией В.И. Жукова, Б.И. Краснова. - Москва: МГСУ: Союз, 1997. - С.254-256.

Улар ўртасида юз бериши мумкин бўлган зиддиятлар қўрқитиш интизоми ва ҳукмронлик усуллари билан эмас, балки қонун олдида масъул бўлган давлат ҳокимияти, ҳуқуқий ва сиёсий воситалар билан мувофиқлаштирилади.

Турли мамлакатлардаги сайловларда ўзаро сиёсий муҳолифатдошликка асосланган демократия табиатига хос сайловларнинг бир қанча умумий томонлари мавжуддир. Булар: ҳокимиятга даъвогарлик турли сиёсий кучлар ўртасидаги ўзаро ишонч, идора этувчи элитани эркин демократик сайловлар воситасида шакллантиришнинг анъанавий қоидаларини ҳурмат қилишдир. Бу каби ривожланган мамлакатлардаги сайловчилар ва депутатликка номзодлар хулқи автоном ва рационал-мақсадлилиқ характерига эгадир. Бу мамлакатлар жамиятларида сайловлар сиёсий элитани шакллантиришнинг ҳақиқий механизми сифатида намоён бўлади. Бунда сайловлар аҳолига расмий сиёсат йўналишларига таъсир этиш учун имкониятлар яратади, уларни ўзининг манфаатларига монандлаштира олади. Натижада, давлат ҳокимияти органларига бўлган сайловлар расмий ва норасмий субъектларнинг ўзаро ҳамкорлик қилиши легитимлигини таъминлайди, бу жараёнларда ижтимоий тартибнинг сақланишига ва ижтимоий барқарорлиқни таъминлашга эришилади.

Фуқаролик жамияти фуқароларнинг ўз иродаларини эркин ифодалашларига, барча марказий органларни халқ томонидан сайланиши йўли билан давлат ҳокимиятида вакиллик муносабатларини шаклланишига асосланган либерал-демократик ёки конституцион легитимликнинг ривожланганлиги билан ажралиб туради. Легитимликнинг бу каби шакли ғарб жамиятларининг узоқ даврлар социоиктисодий ва социомаданий эволюцияси натижаси ўлароқ шаклланиб, у ҳозирги даврда жаҳон тараққиётининг етакчи тамойилига айланди<sup>228</sup>.

Дунёнинг кўплаб демократик мамлакатлари ўзларининг Конституциялари ёки махсус сайловларга доир қонунларида фуқароларни яширин овоз бериш орқали умумий ва тенг сайловлар ҳуқуқларини эълон қилган.

---

<sup>228</sup> Общая и прикладная политология: Учебное пособие. / Под общей редакцией В.И. Жукова, Б.И. Краснова. —Москва: МГСУ: Союз, 1997. —С.257-258.

Демократик жамиятда сайловлардаги курашлар сиёсий партия фаолиятининг асосий курашлар майдони ҳисобланади. Ҳар бир партия ўз электоратини кўпайтиришга интилади. Электорат сайловларда у ёки бу партияга овоз берадиган сайловчилардир. Масалан, социал-демократик партиялар электорати асосан ишчилар, зиёлилар, хизматчилар, майда мулкдорлардан иборатдир. АҚШ демократик партияси электоратини, одатда, кўпроқ мамлакатнинг рангли аҳолиси ташкил этади. Бир сайловдан кейинги сайловгача у ёки бу партиянинг электорати сони ва сифати жиҳатларидан ўзгариб туриши мумкин. Масалан, Буюк Британияда Лейбористлар партияси Либераллар партиясини иккипартиявий тизимдан сиқиб чиқарганидан кейин лейбористлар электорати либераллар ҳисобига сезиларли даражада кўпайди.

Ҳозирги замон давлатларида овоз бериш нафақат фуқаролик ҳуқуқи, балки фуқаролик мажбурияти ҳамдир. Баъзи мамлакатларда сайловда қатнашмаганлик учун ҳам жазо чоралари белгиланган. Масалан, Белгия, Нидерландия, Австралия каби мамлакатларда жарима тўланади. Покистонда эса ҳаттоки қамоқ жазоси ҳам қўлланилади. Айрим мамлакатларда эса «тўполончарни олдини олиш» мақсадларида овоз бериш учун ҳар бир сайлов округи бўйича мавжуд номзодлар сони анча чегараланган.

## 2. Мажоритар, пропорционал ва аралаш сайлов тизимлари

Овоз бериш яқунлари бўйича сайловлар натижаларини аниқлаш асосан иккита катта сайлов тизими асосида кечади: мажоритар ва пропорционал тизимлар. Мажоритар тизимда номзод ёки номзодлар рўйхати қонунда белгиланганидек, энг кўп овоз олингандагина у ёки бу сайланадиган вакиллик органига сайланган, деб ҳисобланиши билан тавсифланади. Кўпчилик овоз олиш ҳам ҳар хил бўлади. Мутлақ кўпчиликни (50%+1 овоз) талаб қиладиган сайлов тизимлари ҳам учрайди. Бундай тизим, жумладан, Австралияда амал қилади. Мажоритар тизимдаги сайловларда мунйян кўпчиликнинг ўз рақибларига нисбатан кўпроқ овоз олиши улар номзодининг ғалаба қилганлигини билдиради. Бу каби ҳолат «маррага биринчи келганлар тизими», деб ҳам аталади. Ҳозирги вақтда бундай тизим АҚШ, Канада, Буюк Британия, Янги Зеландия каби мамлакатларда қўлланилмоқда. Баъзан бир-

данига мажоритар тизимнинг икки хил кўриниши ҳам қўлланилади. Масалан, Францияда парламентга депутатлар сайлашнинг биринчи босқичида мутлақ кўпчиликнинг овоз олиш тизимига амал қилинса, иккинчи босқичда эса нисбатан кўпчиликнинг овоз олиш тизими қўлланилади.

Сайловнинг пропорционал тизимида берилган овозларнинг миқдоридан келиб чиқиб, барча мандатларнинг ана шу берилган овозлар ўртасида аниқ пропорционал тақсимланиши рўй беради. Бу тизим ҳозирги замонда анча кенг тарқалган. Масалан, Ғарбий Европа, Япония, Лотин Америкаси мамлакатларида сайловлар кўпинча пропорционал тизимда ўтказилади. Шунингдек, бу тизим Бельгия, Швеция ва бошқа кўп мамлакатлар учун ҳам хосдир<sup>229</sup>.

Пропорционал тизим икки хил кўринишга эга: биринчиси, умумдавлат даражасидаги пропорционал сайлов тизими (сайловчилар бутун мамлакат доирасида сиёсий партиялар учун овоз берадилар, унда сайлов округлари белгиланмайди); иккинчиси, кўп мандатли округларга асосланган пропорционал сайлов тизими (депутатлик мандатлари партияларнинг сайлов округларига нисбатан таъсири асосида тақсимланади).

Мажоритар ва пропорционал тизимлар ўзининг ҳам ютуқ, ҳам камчиликларига эгадир. Мажоритар тизимнинг ижобий хусусиятлари шундаки, унда самарали фаолият юритувчи ва барқарор ҳукуматни шакллантириш имконияти борлиги билан изоҳлаш мумкин. Шунингдек, у катта ва яхши уюштирилган сиёсий партиялар учун сайловларни муваффақиятли ўтказиш имкониятларини беради.

Мажоритар тизимнинг асосий камчиликлари қуйидагилардир: мамлакат сайловчиларнинг кўпчилик қисми (баъзан 50% га яқин) ҳокимият органларида ўз вакилларига эга бўлмай қолади; сайловларда ўз рақибига нисбатан кам овоз олган партия парламентда кўпчилик депутатлик ўринларга эга бўлиб қолиши мумкин; сайловларда бир хил ёки бир-бирига яқин миқдорда овоз олган иккита партия ҳокимият органида бир хил бўлмаган миқдордаги

---

<sup>229</sup> Қаранг: Қирғизбоев М. Демократик сайловлар: халқаро таомиллар ва миллий ўзлик. Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, 2000, №1-2. –Б. 44-48.

номлодларни сайланишига эришадилар (баъзан, ўз рақибига нисбатан кўп овоз олган партия битта ҳам мандатга эга бўлмаслигини кузатиш мумкин). Шундай қилиб, мажоритар тизим бирон-бир партия ёки блок учун вакиллик органларини сайлашда кўпчилик овозларни ва мандатларни олишга ёрдам беради.

Пропорционал тизимнинг устун томонлари тўғрисида қуйидагиларни келтириш мумкин: унинг ёрдамида жамият сиёсий ҳаётидаги сиёсий кучларни жойлашинининг ҳақиқий ва аниқ манзараларини кўриш мумкин. У фикрлар хилма-хиллиги ва кўппартиявийликнинг ривожланишини, шунингдек, давлат билан фуқаролар ўртасидаги узвий алоқадорликни таъминлаб беради.

Пропорционал тизимнинг асосий камчиликлари эса қуйидагилардир: ҳукуматни шакллантиришда мураккабликлар юзага келадди (сабаби: бирон-бир устунлик қиладиган партиянинг йўқлиги, ҳар хил мақсад ва муддаолардаги партияларнинг кўппартиявийлик асосидаги коалицияни тузишга мажбур бўлиши, бу эса ҳукумат беқарорлигини келтириб чиқариши); овозларнинг аниқ номлодларга эмас, балки партияларга берилиши, партиялар билан депутатлар ўртасидаги алоқанинг сустиги; депутатларнинг ўз партияларига анча боғлиқ бўлиб қолишлари (бу каби эркинликнинг чегараланиши парламентда қонунлар ва муҳим ҳужжатлар қабул қилиш жараёнларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин)<sup>230</sup>.

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб сайлов тизими ўз тараққиёти ва ривожланиш йўлида катта жараёнларни босиб ўтиб, бой тажрибалар тўплади. Мажоритар ва пропорционал тизимларнинг яхши томонлари бир-бири билан уйғунлаша бошлади. Аралаш тизим доирасида маълум бир қисм депутатлик мандатлари мажоритар тамойиллар асосида тақсимланиши, қолган қисм мандатлар эса пропорционал тизим асосида тақсимланиши русумга кирди. Сайлов тизимини демократлаштириш ва такомиллаштиришда бу аралаш сайлов тизими сиёсий барқарорликка эришиш йўлидаги энг самарали йўл эканлигини ривожланган мамлакатлар тажрибалари исботлаб бермоқда.

---

<sup>230</sup> Қаранг: Саидов А.Х. Избирательное право в Республике Узбекистан. Вопросы реформы законодательство и зарубежный опыт. Ташкент: Узбекистан, 1993. —С.9-11.



### 3. Сайловларнинг демократик принциплари

Демократик сайловларни вакиллик механизми сифатида амал қилишини бетакрор қадриятга айлантирган, умумэтироф этган қатор принциплар мавжуд. Бу принциплар сайлов қонунчилигида ўз ифодасини топади ва улар муҳим инсон ҳуқуқларидан бири бўлган – сайлаш ҳуқуқи ёки овоз бериш ҳуқуқини таъминлайди.

Парламент демократиясига асосланган конституциявий мамлакатларда аввало вакиллик органларини сайланиш принципи ва уларни шакллантиришдаги халқнинг ҳеч бир бўлинмас ҳуқуқи ҳар томонлама мустаҳкамланади. Бу мамлакатлар конституцияларида, одатда, сайловларнинг умумийлиги принципи мазмуни очиб берилади. Умумийлик принципи барча аҳолини сайловчи сифатидаги фаол ҳуқуқи, ҳокимият органларига сайланиш учун сайловларда номзод сифатидаги пассив сайлов ҳуқуқини англа-тади<sup>231</sup>.

Бундан мустаснолик бир қанча цензлар билан чегараланган: балоғатга етмаганларнинг ёши, номзодларнинг ёши сал каттароқ бўлиши; суд қарори билан мустаҳкамланган сайловларда иштирок этиш қобилиятига эга бўлмаган руҳий касал фуқаролар. Шунингдек, маънавий цензлар ҳам мавжуддир: суд қарори билан озодликдан маҳрум этилган шахслар ҳуқуқи ҳам чекланади. Умумэтироф этилган қоидалардан ташқари бошқа цензларни ўрнатиш сайловларнинг умумийлик принципини чеклайди ёки уни тўғридан-тўғри бузади.

Собиқ иттифоқ қонунчилигига биноан маълум синфлар ва ижтимоий табақалар сайлов фаоллигини чекловчи қатор тоифавий – синфий цензлар мавжуд эди. Уларнинг рўйхати ва мазмуни давлат ривожланишининг турли босқичларида тез-тез ўзгариб турди.

Жинсий ценз узоқ даврлар аёлларнинг сайловлардаги иштирокини чеклаб келди (баъзи мусулмон мамлакатларида ҳозирга қадар бу каби ценз сақланиб қолмоқда). Мулкий ценз эса камбағал фуқаролар фаоллигини ҳамон чекламоқда. Қатор мамлакатларда ўтроқлик цензи мигрантларнинг сайлов округида сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини бир неча йиллар давомида чеклайди.

---

<sup>231</sup> Руководство БДИПЧ по наблюдению за выборами. – Варшава: БДИПЧ ОБСЕ, 1999. – С.7-8.

Ҳозирги давр демократик сайловлар принципларидан бири – тенг сайлов ҳуқуқи ҳисобланади. Унинг амалдаги ифодаси шундан иборатки, қонун чиқарувчи органга ҳар бир депутат деярли тенг миқдордаги фуқаролар вакили ҳисобланади, шунингдек, ҳар бир сайловчи умумий сайлов қарорларига бир хилда таъсир этиш даражаларига эга бўлади. Бу принципга амал қилишнинг ўзига ариша қийинчиликлари мавжуд. Мазкур принципга амал қилиш сайлов округлари чегараларини тўғри белгилаш билан боғлиқ.

Тенг сайлов ҳуқуқи принципи яна бир қанча муҳим талабларнинг ифоат этишни тақозо этади: номзодлар кўрсатиш даврида улар учун тенг имкониятлар яратиш, номзодларни қўллаб-қувватлаш учун йиғиладиган овозларни ва сайловолди тарғиботлари имкониятларининг тенглиги. Шунингдек, номзодларнинг моддий имкониятлари турлича эканлиги ва уларнинг бу имкониятларидан қандай даражада фойдаланишларини назорат қилиш мушкул иш эканлигига эътибор берилса, бу йўналишда тенгликни таъминлаш кўплаб муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам аксарият мамлакатларда номзодлар моддий шартшароитлари тенглигини таъминлаш учун сайлов кампанияларини давлат томонидан молиялаштиришга амал қилинади.

Демократик сайловларнинг яна бир мезонларидан бири – сайловларни тўғридан-тўғри ўтказиш принципи ҳисобланади. Парламент демократияси ривожланган мамлакатларнинг кўпчилигида сайловчилар тўғридан-тўғри (делегатлар ёки вакиллар волежисиз) президент, парламент ва бошқа сиёсий ҳокимият органларини сайлайдилар. Шу билан бирга, баъзан оз сонли махсус сайловчилар сайлов округидаги ёки мамлакатдаги барча сайловчилар иродасини ифода этиши асосида сайлайдиган шаклан бивосита, мазмунан бевосита сайловлар ҳам амалиётда учраб туради. Бу каби шаклан тўғридан-тўғри бўлмаган сайловлар АҚШ президентини сайлашда қўлланилади. Лекин бу сайловлар мамлакатдаги барча сайловчилар қарорини озчилик махсус сайловчилар томонидан ҳеч бир ўзгаришларсиз бажариш асосида рўй бериши эътиборга олинса, у ҳам тўғридан-тўғри сайловлардан кам фарқ қилади<sup>232</sup>.

<sup>232</sup> Қаранг: Избирательное право и принципы его реализации. / Россия: партии, выборы, власть. Под ред. Краснова Б.И. –Москва: 1996. –С.18-23.

Илгарилари билвосита сайловларни қўллаб қўллаш натижасида сайлов жараёнларидаги демократик мазмун камайиб кетган эди. Аввало, бу каби сайловларни қўллаш сайловчилар сонини камайтириб, ҳар бир фуқарони сайловларда иштирок этишига имкониятлар қолдирмас эди. Шунингдек, бу сайловларда иштирок этишни истамайдиган сайловчилар сони ҳам йилдан-йилга қўпайиб борди. Номзодлар ва уларнинг дастурларига нисбатан эътиборсизлик пайдо бўлди. Шу билан бирга, билвосита сайловлар сиёсий кучлар ўртасидаги кучлар жойлашувини доимо сохталаштириб, сайловчиларни эркин танлаш ҳуқуқларини бузиб келди. Тўғридан-тўғри сайловлар эса барча сайловчиларни овоз беришда иштирок этишига имкониятлар яратиб, сайлов кампаниясини легитимлик асосида кечишини таъминлаб келмоқда.

Демократик сайловларнинг яна бир муҳим принципларидан бири мусабақадорлик ёки ўзаро рақобатдорлик ҳисобланади. Яъни у сайловларда турли хил ижтимоий гуруҳлар ёки қатламлар манфаатларини ифодаловчи турли партиялар ва номзодларни иштирок этишини англатади. Сиёсий партиялар турли хил мафкура ва турли ижтимоий қатламлар сиёсий манфаатлари асосида сайловларга барча тоифадаги фуқароларни жалб қилиш имкониятларига эгадир. Кўппартиявийлик асосидаги рақобатдорлик демократия ривожланган мамлакатлар учун хос бўлиб, у турли ижтимоий манфаатларни тинч мусабақалашув асосида ифодалашни таъминлаб, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигига катта ҳисса қўшади. Шу билан бирга, рақобатдорлик асосидаги сайловлар турли ўзаро ижтимоий можароларнинг ҳам тинч йўл билан барҳам топишига имконият яратади.

Барча демократик мамлакатлар томонидан тан олинган принциплардан яна бири – яширин овоз бериш ҳисобланади. Сайловларда яширин овоз бериш натижасида сайловчига ташқаридан тазйиқ ёки таъсир ўтказишнинг олди олинади, ҳар бир сайловчининг эркин бўлиши, ўз хоҳиш-ихтиёрини амалга ошириши учун имкониятлар яратилади. Шунингдек, сайловлар ўтказишдаги яна бир демократик принцип – сайловлар устидан халқ назоратини амалга ошириш ҳисобланади. Шунингдек, сайловлар кампанияларида миллий ва хорижий кузатувчиларнинг иштирок этиши сайлов ўтказилаётган давлатнинг обрў-эътиборини оширади.

Демократик мамлакатлардаги сайловлар ўтказиш принципларидан бири – сайловларнинг эркинлиги ва уларда фуқароларнинг иштироки этишининг ихтиёрийлиги ҳисобланади. Бу принципнинг моҳияти шундаки, ҳеч ким фуқаронинг сайловда эркин ҳолатда қатнашиши билдиришига ёки сайловда иштирок этиши ва эркинликка таъсир ўтказишга олмайди.

Демократик сайловларнинг яна бир принциби – номзодларнинг сайловда кураши учун тенг имкониятлар яратилди. Бу принцип номзодлардаги турли моддий ёки сиёсий имкониятларнинг баъзиларига устунликлар ва имтиёзлар яратилишини олдириб, барча номзодлар учун тенг имкониятлар яратади. Шунингдек, яна бир принцип – сайловларни бошқа муддатларга ўтказиш ёки уни бекор қилишга йўл қўймаслик мақсадидаги сайловлар муддатини чеклаш принциби ҳисобланади. Чунки сайловларни ўтказиш муддати айрим сиёсий кучлар хоҳишига боғлиқ бўлса, сайловлар ўз қадр-қимматини йўқотиши турган гап. Сайловларни аниқ бир хил муддатларда ўтказилиши сайловчиларнинг ўз манфаатлари асосида ҳокимият органларини ўзгартириб туришига кенг имкониятлар яратиб беради<sup>233</sup>.

Демократик сайловлар тамойиллари ва бу соҳада шакллانган қадриятларни таҳлил этиш натижасида фуқаролик жамиятининг муҳим жиҳатларидан бири бўлган – фуқароларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокининг нечоғли аҳамият касб этишига доир хулосалар шаклланади. БМТнинг «Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон декларацияси»да ифодаланган «халқ иродаси ҳуқуқий ҳокимиятининг асоси бўлиши керак», деган демократик қоида асосан сайловлар воситасида амалга оширилиб, унда жамият аъзоларининг хоҳиш-истаклари асосида сиёсий ҳокимиятнинг шаклланиши рўй беради. Ана шу қоидани амалиётда қўллаш натижасидагина фуқаролик жамиятининг ҳокимият органлари фаолиятини назорат қилишлари учун шарт-шароитлар яратилди. Шунингдек, демократик сайловлар фуқаролик жамияти таркибидаги ижтимоий қатламлар ва гуруҳларнинг манфаатларини барқ уришига, бу манфаатлар қутқуси асосида сиёсий жараён

---

<sup>233</sup> Общая и прикладная политология: Учебное пособие. / Под общей редакцией В.И. Жукова, Б.И. Краснова. – Москва: МГСУ: Союз, 1997. – С.261-266.

ларда фаол иштирок этишига замин тайёрлайди. Умуман олганда, сайловларнинг эркин ва адолатли ўтиши фуқаролик жамиятининг ривожланиш даражасини билдиради ва унга яшовчанлик қобилиятини бахш этади.

#### 4. Ўзбекистонда демократик сайловлар тизимининг қарор топиши ва ривожланиши

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган сайловлар ўтказишнинг демократик тамойиллари ҳам фуқаролик жамияти яшовчанлигини таъминлай олиш қобилиятини ўзида ифодалайди. Айниқса, у мамлакатда демократик сайлов тизимининг шаклланиши учун қулай ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб бериши билан ажралиб туради. Мамлакатда шаклланган сайлов тизимига доир ҳуқуқий асослар парламент, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларини шакллантириш тамойиллари ва фуқароларнинг сайловларда қатнашиш ҳуқуқини, мамлакатда халқ ҳокимиятини амалга ошириш ва давлатнинг умуминсоний манфаатлар тамойиллари асосида ташкил этишнинг муҳим демократик пойдеворидир.

Республикада сайлов тизимининг ҳуқуқий асослари парламент ва бошқа вакиллик органларига сайловларда жамоатчилик фикрини ҳар томонлама аниқлаш, номзодларнинг шахсий фазилатларини билиш, сайловчиларнинг фақатгина овоз беришигина эмас, балки уларнинг сайлов кампаниясида бевосита иштирок этиши учун ҳам демократик муҳит яратишга йўналтирилгандир.

Ўзбекистонда шаклланган демократик сайловларнинг муҳим демократик тамойилларидан бири шуки, мамлакат Президенти муқобиллик асосида, бевосита сайловчилар томонидан сайланади. Шунингдек, Олий Мажлиснинг қуйи палатаси – Қонунчилик палатаси депутатлари бевосита сайловчилар томонидан сайланиши аънамага айланди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрорғи Кенгеси, вилоят, шаҳар ва туман халқ депутатлари ҳам тўғридан-тўғри халқ томонидан сайланади.

Ўзбекистонда сайловлар халқ ҳокимиятчилигини амалга ошириш заруриятидан келиб чиқиб, унда халқ томонидан давлат ҳокимиятини шакллантириш ва унинг фаолиятини назорат этишни халқчиллик асосида амалга ошириш мақсадлари мужассам-

лашти. Шунингдек, сайловлар даврида «халқ давлат ҳокимия-  
тининг бирдан-бир манбандир»<sup>234</sup>, деган демократик тамойилни  
амалга ошириш имкониятлари туғилади.

Фуқароларнинг давлат ва жамиятни бошқаришдаги иштирок-  
лари сайловлар даврида аниқ ва равшан намоён бўлади. Шу  
билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-  
моддасида «бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, рефе-  
рендумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда  
ташкил этиш йўли билан амалга оширилади»<sup>235</sup>, дейилади. Маз-  
кур конституциявий қоидадаги «давлат органларини демокра-  
тик тарзда ташкил этиш» сўзининг асл маъноси давлат органла-  
рини халқ томонидан тўғридан-тўғри сайланишини англатади.

Ўзбекистонда сайловлардаги тенглик ҳуқуқи тамойили Кон-  
ституциянинг 117-моддасида қуйидагича мустаҳкамланган:  
«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти  
вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадир-  
лар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз  
хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан  
кафолатланади. ... Сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри  
сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказила-  
ди»<sup>236</sup>.

Ўзбекистонда сайловларнинг ҳуқуқий асослари ривожланган  
минлакатларда кенг ёйилган демократик тамойиллар асосида  
шаклланди. 2003 йил 29 августда Олий Мажлис томонидан 1993  
йил 28 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири  
қабул қилиниши натижасида унга демократик қадриятларга хос  
бўлган янги тўлдиришлар ва ўзгартишлар киритилди. 1994 йил 5  
майда парламент томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Фу-  
қаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қону-  
ни қабул қилинди. Шунингдек, 2003 йил 29 августда Олий Маж-  
лис томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатла-  
ри вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги

<sup>234</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. —Тошкент: Ўзбе-  
кистон, 2012. —Б.4.

<sup>235</sup> Ўша жойда. —Б.8.

<sup>236</sup> Ўша жойда. —Б. 32-33.

Қонунига (1994 йил 5 май) ҳам ўзгартишлар ва тўлдиришлар киритилди. Мазкур қонунлар демократик сайловларни амалга оширишнинг демократик тамойиллари асоси сифатида катта синовлардан ўтди.

Ўзбекистонда Сенатни шакллантиришда маҳаллий вакиллик органларига Сенат аъзолигига номзодлар кўрсатиш ваколатлари берилиши – ҳудудий манфаатларнинг қонунларда ифодаланиши учун шарт-шароитлар яратди. Шу билан бирга, маҳаллий халқ депутатларининг Сенат аъзоларини сайлашда бевосита иштирок этиши вакиллик демократиясининг шаклланишига, шунингдек, уларнинг умуммиллий давлат бошқаруви фаолиятларида бевосита иштирок этишлари учун ҳуқуқий имкониятлар яратди.

Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунига биноан халқ депутатлари Кенгашларига «сайлов куни йиғирма бир ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган»<sup>237</sup> фуқаролар сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Олий Мажлис умумдавлат аҳамиятига эга олий қарорлар қабул қилувчи орган бўлгани учун ҳам Конституцияда (77-модда) унинг ҳар иккала палатаси – Қонунчилик палатасига депутат ва Сенатга аъзо бўлиб сайланиш ҳуқуқини 25 ёшга тўлган фуқароларга берилиши мустаҳкамланди<sup>238</sup>.

Ўзбекистон сайлов тизимидаги тенг сайлов ҳуқуқи қуйидагиларни англатади: «ҳар бир фуқаро бир овозга эга. Фуқаролар жинси, irqий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар»<sup>239</sup>.

---

<sup>237</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги (ўзгартиришлар билан) Қонуни // Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунлар тўплами. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – Б. 38.

<sup>238</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – Б. 15.

<sup>239</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги (янги таҳрири) Қонуни. // Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунлар тўплами. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – Б. 6.

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи ҳокимият вакиллик органларига сайлов тўғридан-тўғри ўтказилишини англатади: беистисно барча Кенгашларнинг депутатлари фуқаролар томонидан бевоқифта сайланадилар<sup>240</sup>.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғри-лида»ги (янги таҳрири) Қонуннинг 5-моддасида сайловларда яширин овоз бериш қоидаси қуйидагича ифодаланган: «Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида эркин ва яширин овоз берилади. Овоз берувчиларнинг хоҳиш-иродаси назорат қилинишига йўл қўйилмайди»<sup>241</sup>. Ўзбекистонда бошқа қўйи вакиллик органларига сайловлар тўғрисидаги қонунларда ҳам яширин овоз бериш тамойили мустаҳкамланди.

Миллий мустақиллик йилларида маҳаллий вакиллик органларига сайловларга доир ҳуқуқий асослар ҳам такомиллашди. Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунининг (1994 й. 5 май) 1-моддасида Ўзбекистонда маҳаллий вакиллик органларига сайлов ўтказишнинг асосий тамойиллари демократик қадриятлар талаблари даражасида белгилаб қўйилди: «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида беш йил муддатга ўтказилади. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар»<sup>242</sup>.

Демак, Ўзбекистонда вакиллик органларига сайловларнинг ҳуқуқий асослари ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти талаблари даражасида ифодаланимоқда.

Вакиллик органлари депутатлигига номзодлар сиёсий партиялар томонидан кўрсатилиши бу органларнинг қуйидаги демократик қадриятлар асосида фаолият кўрсатишига шарт-шароитлар ва имкониятлар яратади:

<sup>240</sup> Ўша жойда. —Б.6.

<sup>241</sup> Ўша жойда. —Б.6.

<sup>242</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги (ўзгартиришлар билан) Қонуни.//Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунлар тўплами. —Тошкент: ТДЮИ, 2004.—Б.38.



-уларнинг нисбатан мустақил қарорлар қабул қилишлари ва маҳаллий ижроия ҳокимияти фаолиятини холисона баҳолашлари;

-жамиятдаги турли ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар манфаатлари ва сиёсий иродаларини вакиллик органларида ифодалаш, улар қарорларида акс эттириш;

-вакиллик органларидаги турли партиявий фракциялар ўртасидаги мулоқотлар, баҳс ва мунозаралар асосида пишиқ ва пухта қарорлар қабул қилиш;

-сайловчиларнинг номзодлар орасидан ўзларига муносибларини танлаш ҳуқуқини рўёбга чиқариш;

-халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сиёсий партиялар фаолиятида иштирок этган, олдиндан сайловчилар «танлови»дан ўтган, тажрибали ва халқчил номзодларни депутат бўлиб сайланишларига имконият яратиш.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунларга киритилган ўзгартишлар ва тўлдиришлар, «Сиёсий партияларни давлат томонидан молиялаштириш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши билан маҳаллий вакиллик органларини сайлаш жараёнларини демократик принциплар асосида ташкил этиш шарт-шароитлари шаклланди. Маҳаллий вакиллик органларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг иштирок этиши учун кенг имкониятлар яратилди.

Мамлакатда амалга оширилаётган сайловларга доир қонунчиликни такомиллаштириш жараёнлари фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролар эркинлиги ва ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш билан узвий боғлиқликдаги ўзгаришлардир. Маҳаллий вакиллик органларини сайлаш кампанияларида сиёсий партиялар, жамоат ва нодавлат ташкилотлар, фуқаролар фаоллигини ошириш, бу жараёнларнинг демократик қадриятлар асосида кечишини таъминлаш учун сайлов тизимини фуқаролар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан уйғунлаштира олиш қобилиятига эга бўлган ҳуқуқий асосларни ривожлантирилиши – фуқаролик жамиятига хос бўлган белгилардан биридир.

## 8. Ўзбекистонда демократик сайловлар ўтказиш амалиётининг ривожланиши

Ўзбекистон парламентига демократик тамойиллар асосидаги сайловлар илк бор 1994 йил 25 декабрда ўтказилди. Мустақиллик даврида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ўтказилган биринчи сайлов мамлакатда тобора тараққий топаётган демократик жараёнларнинг амалдаги ифодаси бўлди. Кўшарчилик ва муқобиллик асосида ўтган сайловларда фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳар жиҳатдан қадрланди<sup>243(а)</sup>.

1999 йил 5 декабрда бўлиб ўтган демократик қадриятлар асосидаги сайловга тайёргарлик кўришга доир ташкилий-оммавий ишлар натижасида мамлакатда 250 та ҳудудий сайлов округлари тузилди, 7723 та сайлов участкаси ташкил этилди. Округ ва участка сайлов комиссиялари таркибида 100 мингдан зиёд масъул фаоллар фаолият кўрсатдилар. Сайлов ҳуқуқига эга бўлган 12,5 миллиондан ортиқ фуқароларнинг рўйхати тузилди.

Сайлов жараёнлари натижаларига биноан (2000 январдаги ҳолат) Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 48 та, «Ватан тараққиёти» партиясидан 20 та, «Миллий тикланиш» демократик партиясидан 10 та, «Адолат» социал-демократик партиясидан 11 та, «Фидокорлар» миллий-демократик партиясидан 34 та, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан 16 та, ҳокимият вакиллик органларидан 110 та депутатлар сайландилар. Уларнинг 18 таси аёллардан иборат бўлди.

Шунингдек, 1999 йил 5 декабрда бўлиб ўтган халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар ҳам демократик тамойиллар асосида ўтказилди. Бу сайловларда 5 та индустриал-демократик партия, ҳокимият вакиллик органлари, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан депутатликка номзодлар кўрсатишнинг қонуний асослари ўрнатилиб, унда турли хил ижтимоий қатлам ва гуруҳлар ўз вакилларининг депутат бўлиб сайланишлари учун курашдилар<sup>243(б)</sup>.

<sup>243(а)</sup> Қаранг: Файзиев М. Сайлов тизими. //Ўзбекистон Республикаси: Энциклопедия. –Тошкент: Ўзбекистон,1997. –Б. 196-197.

<sup>243(б)</sup> Қирғизбоев М. Сайловлар: хорижий тажриба ва амалиёт. Миллий тикланиш, 2003, 27 май.

2000 йил 9 январда мамлакатимизда ўтказилган Президентлик сайлови ҳам демократик тамойиллар - кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида ўтказилди. Номзодларнинг сайловолди ташвиқотлари ошкоралик ва тенг ҳуқуқлилиқ асосида олиб борилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг юксак даражада ўтиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди.

Ўтказилган Президентлик сайлови натижалари қуйидагича бўлди: сайловда 12746.903 сайлов ҳуқуқига эга фуқаролардан 12123.199 та сайловчилар иштирок этди. «Фидокорлар» миллий демократик партияси номзоди Ислом Абдуғаниевич Каримов учун 11147.621 сайловчи, яъни сайловчиларнинг 91,90 фоизи овоз бердилар. Ўзбекистон Халқ демократик партияси номзоди Абдулҳафиз Мараҳимович Жалолов учун 505.161 сайловчи, яъни сайловчиларнинг 4,17 фоизи овоз берди<sup>244</sup>.

Ўзбекистонда сайлов қонунчилигининг ривожланишига уйғун равишда фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти ҳам юксалиб борди. Айниқса, мустақиллик йилларида фуқароларнинг сайловлардаги иштирокининг фаоллиги, уларнинг сайловларга нисбатан муносабатларининг ўзгариб бориши, халқнинг демократик қадриятларни ўз турмуш тарзига сингдириб бориши аниқ сезилди.

2004 йил 26 декабрда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик органларига сайловлар бўлиб ўтди. Сайловлар жараёнлари Конституция ва қонунлар талаблари даражасида ўтказилди. Қонунларга киритилган янгиликлар – вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларининг парламент қуйи палатасига депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқининг қонундан чиқарилиши, сиёсий партиялар депутатликка номзодлари рўйхатида хотин-қизларнинг камида 30 фоиз бўлиши шарт этиб қўйилиши, шунингдек сиёсий партиялар фаолиятини молиялаштиришга доир махсус қонуннинг қабул қилиниши сайловларнинг демократик мазмунини янада бойитди.

Сайловда Парламент Қонунчилик палатасидаги 120 та депутатлик ўринларига 489 номзод кўрсатилди. Жумладан, сиёсий партиялардан – 435 номзод ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан – 54 номзод сайловларда депутатлик ўринлари учун

---

<sup>244</sup> Демократик сайловлар. Адолат, 2003, 24 окт.

кўрсатдилар. Сайловда 12197159 (барча сайловчиларнинг 85,1 %) сайловчилар қатнашди.

Ўтказилган сайловлар натижасида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Қонунчилик палатасидаги 41 ўринни (34,2%) эгаллашди. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 28 та депутат (23,3%) сайланди. Шунингдек, «Фидокорлар» миллий демократик партиясининг 18 та номзоди (15,0%), «Миллий тиклашни» демократик партиясининг 11 та номзоди (9,2%), «Адолат» социал-демократик партиясининг 10 та номзоди (8,3%) Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланди<sup>245</sup>.

Сайлов округларининг деярли 77 фоизда бир депутатлик кандидатури учун 4-6 та номзодлар ўзаро кураш олиб борди. Сайлов кампаниясидаги ўзаро баҳс-мунозаралар, шунингдек овоз бериш натижалари шуни кўрсатдики, сайловчилар кўпроқ сайловолди асослари ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муаммоларни бартараф этишга қаратилган, демократик ислохотлар тарафдори бўлган номзодлар учун хайрихоҳ бўлдилар. Бу сайловда олдинги парламентнинг фақат 18 та собиқ депутати Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланди.

Сайловда сиёсий партиялар ва ташаббускор гуруҳларнинг 32 тингдан ортиқ кузатувчилари сайлов кампаниясида фаол иштирок этди. Уларнинг сайлов қонунчилигига қатъий амал қилишни таъминлашдаги ҳиссаси катта бўлди. Сайлов қонунчилигига янги ширитилган – сиёсий партияларнинг депутатликка номзодларининг камида 30 фоизи хотин-қизлар бўлишини шарт қилиб қўйилган ўзининг ижобий натижасини берди. Қонунчилик палатасига 159 та хотин-қизларнинг номзодлари қўйилиб, улар ўзларининг фаоллигини намойиш этди. 21 та аёл (17,5%) Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланди. 2004 йил 26 декабрдаги, шунингдек, 2005 йил 9 январдаги такрорий сайловларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси 120 депутатдан иборат таркибда сайланди<sup>246</sup>.

---

<sup>245</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси. № 1-2 (11-1), 2005.–Б.92-97, 107-113.

<sup>246</sup> Мустафоев Б. Ўзбекистон парламенти сайлови яқунлари. // Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси. № 1-2 (11-1), 2005.–Б.30-32.

Ўзбекистонда мустақиллик даврида ўтказилган сайловлар натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, мамлакатда демократик қадриятларни миллий анъаналар билан уйғунлаштириш асосидаги ислохотлар тобора чуқурлашиб бормоқда. Мамлакатдаги сайловларга доир қонунчилик асосларига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сонининг 120 тадан 150 тага оширилиши, жумладан, Ўзбекистон экология ҳаракатига ўзининг 15 та вакилини Қонунчилик палатаси таркибига депутат қилиб киритиш ҳуқуқининг берилиши, 2009 йил 27 декабрдаги сайловда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқини фақат 4 та сиёсий партияларга берилиши (бу сайловда ташаббускорлар гуруҳларидан Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқининг бекор қилиниши) Қонунчилик палатасининг янги таркибини янада сифатли бўлишини таъминлаш, шунингдек, сиёсий партияларнинг сайловчилар иродасини қонунларда янада кўпроқ ифода қилишлари учун ҳуқуқий ва сиёсий шарт-шароитлар яратди.

2009 йил 27 декабрдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ўтказилган сайловда бир депутатлик мандати учун 99 та сайлов округида 4 нафардан номзод, 36 та сайлов округида 3 нафардан номзод кураш олиб борди. Мамлакат бўйича рўйхатга олинган 17 млн. 215700 нафар сайловчидан 15 млн. 108 мингдан ортиқ ёки сайловчиларнинг 87,8 фоизи қатнашди. Овоз бериш натижаларига кўра, 96 та сайлов округида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича 39 та сайлов округида номзодларнинг бирортаси ҳам сайланиш учун зарур овозни тўплай олмаганлиги учун мазкур округларда такрорий овоз беришни 2010 йил 10 январда ўтказилди. 2009 йил 27 декабрдаги ва 2010 йил 10 январдаги сайловлар натижаларига биноан сайланган депутатларнинг 53 таси – Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партиясидан, 31 таси – Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан, 32 таси – Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан ва 19 таси – Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси кўрсатган номзодлардан иборат эди. Шунингдек, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Конференциясида Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлис Қонунчилик палатасининг 15 нафар депутаты сайланди. Ҳаммаси бўлиб 150 та депутат сайланди.

2009 йил 27 декабрда Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, шаҳар ва туманлар халқ депутатлари Кенгашларига ўтказилган сайловларда сайланган депутатларнинг 2054 таси (11,5 %) – Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партиясидан, 936 таси (15,2 %) – Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан, 2575 таси (41,9 %) – Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан, 443 таси (7,2 %) – Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан куратган номзодлардан иборат эди. Шунингдек, фуқароларнинг ўзи бошқариш органлари номзодларидан 131 таси (2,1 %) депутатлик мандатини қўлга киритди<sup>247</sup>.

Мамлакат тарихида иккинчи марта прарламентнинг юқори палатаси – Олий Мажлис Сенатига сайловлар ўтказилди. 2009 йил январь ойида Олий Мажлис Сенатига вакиллик органлари – Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси, вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари иштирокида яширин овоз бериш йўли билан сайловлар бўлиб ўтди. Бу сайловлар кампаниясида маҳаллий депутатлар орасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари – 84 та сенаторлар сайланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида мувофиқ Олий Мажлис Сенатининг 16 та аъзоси тайинланди.

Умуман, сайлов қонунчилигидаги ўзгаришлар демократик сайловлар институтини давлат органларини шакллантиришнинг муҳим воситаси сифатидаги ўрнини янада мустаҳкамлади, жамият аъзоларининг манфаатлари ва иродасини сиёсий қарорларда ифодаланиш жараёнларини таъминлаб бера олиш мақсадида ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштишига имконият яратди. Шунингдек, қонунчиликдаги ўзгаришлар фуқароларнинг демократик сайловлар воситасида олий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини назорат қила олишлари учун кенг имкопиятлар яратди.

---

<sup>247</sup>Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси жорий архиви. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, шаҳар ва туманлар халқ депутатлари Кенгашларига ўтказилган сайловлар ахунлари. 19.01.2010. –Б. 2-6.

Мамлакатда сайловларнинг фуқаролик жамияти институти сифатида шаклланиши, уларнинг халқ томонидан эътироф этилиши, шунингдек, сайловлар жараёнларига замонавий демократик тамойилларнинг жорий этилиши натижасида фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаолликлари, сиёсий жараёнлардаги иштироклари ошиб бормоқда.

Ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасидан мамлумки, давлат ҳокимият органларига сайловлар демократик сиёсий жараённинг таркибий қисми ҳисобланади. Ҳозирги даврда давлат ҳокимият органларини шакллантиришга доир демократик сайловлар жаҳондаги аксарият мамлакатлар сиёсий ҳаётидаги табиий бир жараёнига айланди. Жаҳонда сиёсий ҳокимият органларига сайловлар ўтказилмайдиган бирон-бир мамлакатни топиш қийин масала бўлиб қолди.

Ҳар қандай жамиятнинг авторитаризмдан демократияга ўтиш жараёни сайловлар тизимини демократлаштириш билан узвий равишда боғлиқдир. Бу мураккаб вазифани ҳал этиш ўтиш даврининг қатор босқичларини сиёсий технологиялар, жумладан, такрорланиб турувчи сайлов жараёнлари воситасида демократлаштиришни талаб этади. Демократияга, айниқса фуқаролик жамиятига босқичма-босқичлик асосида ўтиш турли даражалардаги давлат ҳокимияти органларига бўладиган қуйидаги сайловлар билан боғлиқдир: ўзини ўзи бошқаришнинг маҳаллий тизилмаларини сайлаш; минтақавий даражаларда сиёсий партиялар ва ҳаракатларни шакллантириш ва уларнинг раҳбар органларини сайлаш йўли билан сайлов олди курашлари сиёсий кенгликларини шакллантириш; парламентни сайлаш; давлат раҳбарини сайлаш; ижро ҳокимияти раҳбариятини сайлаш. Шу тариқа фуқаролик жамиятини ривожлантириш демократик сайловлар воситасида рўй бера бошлади.

Президент И.А.Каримов томонидан 2010 йил 12 ноябрда илгари сурилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”нинг тўртинчи қисми “Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш” масалаларига бағишланган. Унда қуйидаги қонунчилик ташаббусларини амалга ошириш мақсади илгари сурилди:

-“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 27-моддаси ҳамда “Халқ депутатлари

вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 25-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунинг асосан партиялараро рақобатнинг кучайиши, сайловолди ташвиқотининг шакл ва усуллари тобора турли-туман ва кенг вилоятга бўлиб бораётгани билан изоҳланиши, шунинг учун сайлов қонунчилигида сайлов кампаниясининг ушбу муҳим бораётганини амалга ошириш жараёнида депутатликка номзодлар ва тасисий партияларга тенг шароитлар яратиш механизмларининг самарадорлигини оширишга қаратилган нормаларни қонунларда тутиш лозим” лиги;

“Сайловолди ташвиқоти” тушунчасининг ўзига аниқ таъриф бериш, бундай ташвиқотни олиб бориш шартлари, турлари, усуллари аниқлаш шакл ҳамда усуллари қонунчилик йўли билан таъминлаш қўйиш зарурлиги;

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 27-моддасига сайловолди ташвиқотини таъқиқот сайлов куни, балки овоз бериш бошланишидан бир кун олдин ҳам олиб бориш мумкин эмаслиги тўғрисидаги нормани қўйиш;

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 41-моддаси ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддасига олдин овоз бериш тартиб-қоидаси билан боғлиқ қўшимчалар киритиш;

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонунларга “овоз бериш кунига қадар қолган беш кун ичида, шунингдек, овоз бериш куни жамоат фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини ва ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа таъқиқотларни нашр этиш (эълон қилиш), шунингдек, уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан, Интернет тармоғига) жойлаштириш таъқиқланади” деган нормани киритиш;

“Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Қонунчилики



палатаси депутатларини сайлаш бўйича конференцияларида кузатувчиларнинг иштирок этиш ҳуқуқини белгилаб берадиган қўшимча киритиш<sup>248</sup>.

Сайловлар қонунчилигига мазкур ўзгаришлар ва қўшимчаларни киритиш мамлакатда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, давлат ҳокимиятини шакллантиришда фуқароларнинг сиёсий партиялар воқитасида иштирок этишларини ҳуқуқий жиҳатлардан таъминлаш, инсоннинг ўз сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳаётда амалга ошира олишлари учун имкониятлар яратиш, ҳокимият органлари фаолиятини ошқоралик асосида кечиши каби демократик қадриятларни шакллантиришга қаратилди. Айниқса, сайловлар кампаниясида депутатликка номзодлар ва сиёсий партиялар учун тенг шароитлар яратиш механизмларининг самарадорлигини оширишга доир янги ҳуқуқий нормаларни киритиш демократик сайловларнинг тенглик, ошқоралик, халқ иродасини ифодалаш тамойиллари асосида ўтишини таъминлаб, фуқаролик жамияти учун хос бўлган ижтимоий адолатни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиб беришига муҳим эътибор қаратилди. Қолаверса, партиялараро рақобатнинг кучайиши учун ҳуқуқий асослар яратиш конструктив муҳолифат фаолияти учун кенг йўл очиб беришига кенг имкониятлар яратади.

#### Такрорлаш учун саволлар:

1. “Демократик сайлов” деганда нимани тушунасиз?
2. Сайловлар фуқаролик жамиятида қандай рол ўйнайди?
3. Мажоритар, пропорционал ва аралаш сайлов тизимлари бир-биридан нималар билан фарқ қилади?
4. Сайловларнинг қандай демократик принциплари мавжуд?
5. Ўзбекистонда демократик сайловлар тизимининг ривожланиши тўғрисида нима дея оласиз?
6. Ўзбекистонда демократик сайловлар ўтказиш амалиётида қандай туб ўзгаришлар юз берди?

---

<sup>248</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010. –Б. 39-41.

## IV БЎЛИМ. СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР

### 10-МАВЗУ. СИЁСИЙ ЭЛИТА ВА СИЁСИЙ ЕТАКЧИЛИК

1. Сиёсий элита тушунчаси ва унинг классик концепциялари.
2. Элиталарнинг замонавий назариялари.
3. Сиёсий элиталарнинг функциялари ва белгилари.
4. Сиёсий етакчилик ва унинг табиати.
5. Сиёсий етакчилик хусусиятлари ва етакчиликни аниқлаш.
6. Ўзбекистонда замонавий элита ва етакчиларни шакллантириш жараёни.

#### 1. Сиёсий элита тушунчаси ва унинг классик концепциялари

“Элита” тушунчаси француз тилидан таржима қилинганида “сара”, “сараланган” ва “танланган” маъноларини англатади. Кундалик ҳаётда у икки хил мазмун касб этади. Биринчисида, у ёки бу ўлчовлар сирасида энг юқори, тоза ва аниқ белгилари ифодаланиб, барқ уриб турган бирон-бир нарсани акс эттиради. Бу маънода “элита” “элита дон”, “элита от”, “элита қўшин”, “элита нав” каби сўз бирикмалари шаклида ишлатилади. Иккинчисида жамият учун муҳим аҳамият касб этадиган, алоҳида сифатларга эга бўлганлиги учун у бошқариш вазифасини бажарадиган, оммадан юқорида турадиган гуруҳни англатади. Бу каби талқинлар қулдорлик ва феодал жамиятларида элита сифатида пайдо бўлган аристократия (“аристос” сара маъносини англатгани учун “сараланганлар ҳокимияти”) қатламига нисбатан ҳам қўлланилган.

Сиёсий фанларда “элита” ахлоқий ҳолис мазмунда ишлатилади. Энг умумий шаклларда тавсифланганда, бу тушунча сиёсий-бошқарув сифатлари ва функциялари ёрқин ва равшан ифодаланган гуруҳ ёки қатламни англатади. Элита назарияси кишиларни ҳокимиятга таъсирини баҳолашда бараварлаштириш, ўртамеъналикни истисно қилишга интилиб, жамият сиёсий ҳаёти

соҳасида турли кишиларнинг ҳокимиятга таъсирини тақсимла-  
нишининг нотенглиги, мусабақадoshiлиги, рақобатдошлиги,  
иерархияли эканлиги ва ўсиб боровчи характер касб этишини  
акс эттиради.

«Сиёсий элита» тушунчасини илмий талқин этиш сиёсатнинг  
ўрни ва роли, унинг жамиятда бевосита ифодаловчи белгилари-  
га доир муайян умумий тасаввурларга асосланади. Сиёсий эли-  
та назарияси иқтисодиёт ва жамият ижтимоий тузилмасида бош-  
қарувчиликка устуворлик берилиши ёки унинг тенг ҳуқуқли ва  
бир хил бўлишидан келиб чиқиб талқин этади.

Дастлаб «элита» тушунчаси қадимги даврда бошқа мамла-  
катларда пайдо бўлган бўлсада, XX аср бошларига келиб сиё-  
сатшунос олимлар Сорел ва Парето тадқиқотлари натижаси  
ўлароқ, у Франция сиёсий фанларида кенг тарқалди. Уруғчи-  
лик тузумининг ниқирозга юз тутиш давридаёқ жамиятни олий  
ва қуйи, аслзода ва авом одамлар, аристократия ва оддий одам-  
лар каби сифатларга бўлишга доир қарашлар шаклланган эди.  
Айниқса, бу каби қарашлар Конфуций асарларида кенг таҳлил  
этилди. Кейинчалик Платон, Фробий, Макиавелли, Карлейль  
ва Ницше асарларида ҳам унга муҳим аҳамият берилди. Лекин  
уларда элита назарияси чуқур асослаб берилмади. XIX аср охи-  
ри – XX аср бошларида Гаэтано Моска, Вильфредо Парето ва  
Роберт Михельс кабилар томонидан элита назариясига асос со-  
линди<sup>249</sup>.

Сиёсий элита назарияси собиқ иттифоқ даврида «сохта илмий»,  
«антидемократик», «буржуазия анъаналари», деб қаралди. Чун-  
ки сиёсий элита назарияси сиёсатни марксча тушуниш, уни иқти-  
содиёт билан муносабати, синфлар ва синфий кураш талқинла-  
рига умуман мос келмас эди. Марксизм сиёсатни иқтисодий ба-  
зис устидаги устқурма, синфий манфаатлар ва иқтисодиётни  
концентрациялашган ифодаси, деб қараган бўлса, сиёсий элита  
назарияси тарафдорлари сиёсатни иқтисодий ҳукмронлик ёки  
иқтисодий зиддиятларнинг оқибати деб қарамади, балки уни  
жамиятнинг тенг ҳуқуқли ва тенг аҳамиятли соҳаси, деб талқин  
этди.

---

<sup>249</sup>Қаранг: Баранов Н.А., Пикалов Г.А. Теория политики//[http://  
read.virmk.ru/b/BARANOV\\_POLITICA/index.htm](http://read.virmk.ru/b/BARANOV_POLITICA/index.htm).

Сиёсий элита тушунчаси қуйидагича таърифланди: “Сиёсий элита жамиятнинг озчилик қисмини ташкил этадиган, мустақил, олий, нисбатан имтиёзли гуруҳ ёки гуруҳлар мажмуаси бўлиб, у ёки бу даражада юксак психологик, ижтимоий ва сиёсий сифатларга эга бўлган, шунингдек, давлат ҳокимияти ёки элита таъсир этиш билан боғлиқ қарорлар қабул қилиш ва уларни амалга ошириш жараёнларида бевосита иштирок этувчилардир”<sup>250</sup>.

*Г. Моска элита назарияси.* Г. Моска (1858–1941 йй.) ўзининг “Бошқарувчи синф” асарида қуйидаги фикрларни билдирган эди: “Барча сиёсий организмларда намоён бўладиган ўзгармас ҳодисалар ва интилишлар ичида юзаки кўз ташлаганда ҳам яққол намоён бўлиб турадиганлари мавжуддир. Ҳар бир жамиятда, шунингдек, ривожланган ёки эндигина цивилизация куртаклари очилган жамиятдан то кучли ва қудратли жамиятларгача) иккита синфга мансуб бўлган одамлар мавжуддир: бошқарувчилар ва бошқарилувчилар синфи. Биринчиси доимо оз сонли бўлиб, у сиёсий функцияларни бажаради, ҳокимият берадиган имтиёзларни роҳатланади, шу билан бир вақтда, иккинчи кўп сонли синф биринчиси томонидан ҳозирги даврда озроқ ёки кўпроқ қонуний, озроқ ёки кўпроқ ихтиёрий ва куч ишлатиш воситасида ёки ҳеч бўлмаганда, сиёсий организмнинг ташқи кўринишдаги ҳаёт келтириш жараёнининг барча зарурий моддий воситалар билан таъминлаши шаклида бошқарилади ва назорат қилинади»<sup>251</sup>.

Моска инсоний жамият мафкуравий ва ижтимоий кўринишларини ўзгартиришига қарамасдан, ўз моҳиятига биноан ўзгармайди, деган перманентизм модели принципларидан келиб чиқди. Тараққиёт, демократия ва эркинлик ҳақидаги сўзлар ортида ўзгармас ва баъзан худбинлик тусини оладиган инсон табиати туради. Шундай экан, ҳозирги гоёлар ва сиёсий институтларнинг инфзаллигига доир фикрлар янги ижтимоий элиталарнинг ўзини оқлаши ва яшириниб туриши учун амалга ошириладиган ташвиқотдан бошқа нарса эмасдир. Шундан келиб чиқиб Моска жамиятнинг ҳокимият тузилмаси қадимги даврда ҳам, ҳозирги даврда

<sup>250</sup> Основы политической науки. Учебное пособие. Под. ред. В. П. Пугачева. Часть I. – Москва: МГУ, 1996. – С. 163–164.

<sup>251</sup> Моска Г. Правящий класс // Социс, 1994, № 10. – С. 187–188.

ҳам принципиал жиҳатдан бир хилдир, деган гипотезани илгарин сурди. Ҳар қандай жамиятда бошқарувчи, сиёсий синф мавжуддир. Унинг нуқтаи назарича, бу синф ҳар қандай жамиятда ҳам ўзининг ўзгармайдиган белгиларига эгадир. Агар элитанинг сифатларини, ўзини ўзи айнанлаштиришини, ўз руҳий ҳолатини англаши каби жиҳатларини бир томонда қолдириб турилса, у ҳолда унинг фақат тоза технологик ва функционал тасвирлашининг ўзи қолади.

Москанинг нуқтаи назарича, элита сифатларнинг умумий тўпламига эгадир, шунинг учун уни мустақил тузилмавий ҳодиса сифатида ўрганиш мумкин. Ҳар бир жамиятда «сиёсий синф» – марксча талқиндаги синф эмас, балки «элита» маъносигадаги синфдир. «Сиёсий синф»нинг вазифаси оддий – ҳокимият юртиш, ҳокимиятни ушлаб туриш, ўзига қарши чиққанларга қарши курашдан иборатдир. «Сиёсий синф» ўз мантиқий таърифига биноан ҳам «сиёсий синф»дир, у ҳар қандай умидсизлик ҳолатида ҳам бошқарувчи бўлиб қолиш учун курашади.

Москанинг қарашига биноан, эгалитар ва демократик наза-риялар расмий равишда элитарлик принциpidан воз кечгандай кўринади, аслида эса улар «сиёсий синф»ларни бекитишга ҳаракат қилади. «Сиёсий синф» илдизида ҳар қандай ҳолатларда ҳам турли ваз-баҳоналар билан сиёсат объекти эмас, балки субъекти бўлиш учун интилишга мойил бўлган муайян ижтимоий турнинг алоҳида руҳий кайфияти ётади<sup>252</sup>.

Москва сиёсий элитанинг шаклланишини ҳам чуқур таҳлил этди. Унга биноан, сиёсий қатламнинг шаклланиш мезони – бу унинг бошқа одамларни бошқариш қобилияти даражасидир, яъни уларнинг ташкилотчилик қобилияти, шунингдек, моддий, маънавий ва интеллектуал жиҳатлардан устунлигидир. Бу қатламнинг нисбатан бошқарувга қобилияти юқори бўлса ҳам, унинг барча вакилларини аҳоли асосий қисмига нисбатан юқори ёки ундан илғор, деб бўлмайди. Сиёсий қатлам секинлик билан ўзгариб боради. Унинг ривожланишида иккита тамойил мавжуд: аристократик ва демократик. Биринчиси сиёсий қатлам-

---

<sup>252</sup> Теория элит. Технологии социально-политического анализа. Эволюция/инволюция элит//[http:// konservatizm. /konservatizm/books/130909070752.xhtml](http://konservatizm./konservatizm/books/130909070752.xhtml).

нинг ҳуқуқий жиҳатдан бўлмаса ҳам амалий ҳаётда меросий бўлиб қолишга интилиши натижасида пайдо бўлади. Иккинчиси, аристократик тамойил – ўз қатламини “эпиқ ва кристалл” бўлишини, уни узоқ давом этишини хоҳлайди. Натижада, ижтимоий турғунлик келиб чиқади. Охир-оқибатда, жамиятда ҳуқуқрон вазиятларни эгаллаш учун янги ижтимоий кучлар фойдаланади.

Иккинчиси демократик тамойил – сиёсий қатлам пастки қатламларнинг бошқарув фаолияти учун қабул қилинадиган қисми ҳисобига янгиланиб боради. Бу янгиланиш элитадаги кучсизлашнинг олдини олади, уни жамиятга раҳбарлик қилиш самарасини оширади. Аристократик ва демократик тамойиллар ўртасидаги ўзаро мувозанат жамият учун фойдалидир. Шу туфайли ҳам жамиятда ворисийлик ва барқарорлик ҳукм суради.

Москва концепцияси сиёсий омилга кўпроқ эътибор бергани учун ҳам кўплаб танқидларга учради. Албатта, замонавий шлюристик жамиятлар учун бу концепция унча тўғри келмайди. Лекин “сиёсий синф” назарияси кўплаб тоталитар давлатларда ёт ифодасини топди. Бунда сиёсат иқтисодиётга нисбатан бош қилиши ўйнаб, у бошқа соҳаларни ҳам ўзига бўйсундирди, ўзига ҳос бюрократия номенклатураси шаклланди, яъни Москва “сиёсий синфи”га ўхшаш қатламлар пайдо бўлди<sup>253</sup>.

*Вильфредо Паретонинг элита назарияси.* Вильфредо Парето (1848–1923 йй.) демократиянинг меъёрий назариялари ва марксизмга танқидий муносабатда бўлган социологик йўналишга асос солди. Унинг фикрича, қандай мафкуравий буёқларда бўлмасин, ижтимоий ўзгаришлар элитани йўқолиб кетишига олиб келмайди, балки унинг фақат характери ва таркибини ўзгартиради, холос. Паретонинг бу каби қараши уни машҳур «тарих – бу аристократиянинг қабристонидир», деган ифоризмида аниқ кўринди. На социалистик инқилоб, на вакиллик демократиясининг шаклланиши доимо элита ўрнига янги элита келиши воқелигини ўзгартира олмайди. Парето «халқ ҳокимияти»ни (А. Линкольннинг машҳур таърифига кўра «ҳокимият халқдан келиб чиқади, халқ томонидан халқ учун

<sup>253</sup> Основы политической науки. Учебное пособие. Под ред. В. П. Пугачева. Часть I. – Москва: МГУ, 1996. – С. 165–166.

амалга оширилади») ваъда қилишларга ҳам ишонқирамас эди<sup>254</sup>.

Сиёсатшуносликда элитани янгиланиш ёки алмашиш муаммоларини тадқиқ этишга қаратилган циркуляция назариясини ҳам Парето ишлаб чиқди. У бу ҳақда қуйидагиларни ёзган эди: «Кимдир бир гуруҳдан бошқасига ўтар экан, одатда, у ўзи билан бирга ўзи келиб чиққан гуруҳда орттирган муайян қизиқишлар, ҳис-туйғулар, мойилликларни ҳам олиб ўтади; бу ҳолат билан ҳисоб-вашиш даркор. Бу каби феномен фақат иккита гуруҳ (элита ва ноэлита) ҳолатда кўриб чиқилса, у «элита циркуляцияси» (*circulation des elites*) деб аталади»<sup>255</sup>.

«Элита» тушунчаси Парето шарҳига биноан ҳеч қандай ахлоқий ёки фахрий тағдор маъно касб этмайди, балки қандайдир фаолият соҳасида кўпроқ ютуқларга эришган одамлар синфини аниқлаб беради. Парето «элита икки синфга бўлинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди: бошқарувчи элита – ҳукуматга тўғридан-тўғри ёки билвосита таъсир кўрсатаётган одамларни ўзига қамраб олган ва бошқаларини ўз ичига олган бошқармаётган элита»<sup>256</sup>.

Ўз даврида Н.Макиавелли элита назариясига доир изланишларида тулки образи эпчиллик ва айёрлик, шер образи эса куч ва тўғрилиқ сифатларини ифодалаган истиора асосидаги қадимги эллин ва Рим анъаналарини давом эттирган бўлса, В.Парето Н.Макиавелли қарашларига асосланиб ўзининг элита назариясини яратди. У ўзининг “Умумий социологиядан трактат” асарида ўша даврда Москвадан мустақил равишда, лекин унга ўхшаш бўлган элита назариясини ишлаб чиқди. Парето назариясининг ундан фарқи қуйидагилар эди: жамият элита ва қарши элитага (контрэлита) бўлинади. Жамиятнинг ривожланиши жараёни ана шу икки турнинг алмашуви натижасида амалга ошади: “тулки-

---

<sup>254</sup> Пакульски Я. Циркуляция политических элит: от лис к львам/ Я.Пакульски, Я.Василевски//Полис, 2008, №6. –С.23-36.

<sup>255</sup> Батафсилроқ қаранг: Парето В. Компендиум по общей социологии //Антология мировой политической мысли: В 5 т. –М.: 1997. Т. II. –С. 59-67.

<sup>256</sup> Риденер Л.Р.Теория элит и их циркуляция/Лари Р.Риденер//Социс, 2003, №11. –С.92-99.

лар” юмшоқ ва айёр раҳбарлар бўлиб, улар музокаралар, ён беришлар, хушмуомалик ва ишонтириш усулларида кенг фойдаланади; “шерлар” эса қаттиққўл раҳбарлар, қатъиятли бошқарувчилар кучига таянади.

Жамиятдаги ўзгаришлар элитадаги ана шу икки турдан бирининг ҳукмдорлигини инқирозга учрашига олиб келади. “Туллар”нинг ҳокимияти қатъий ҳаракат ва куч ишлатиш керак бўлиб қолган пайтларда инқирозга учрайди. Чунки уларнинг қатъиятсизлигидан жамият норози бўла бошлайди. Шу пайтда “шерлар” жамиятдаги норози одамларни ҳукуматга қарши сафарбар этиб, ҳокимиятни эгаллаб оладилар. Ёки аксинча.

Парето агар бошқарувчи элита «пастки синфлардан таклиф этиладиган талантли шахсларни ўз ичига сингдириш усуллариин топмаса, унда жамиятдаги ва сиёсатдаги ўзаро мувозанатлар бузилади, бу ҳолат тузатилмаса, янги ижтимоий сафарбарлик йўшлари очилмаса, у ҳолда эски самарасиз бошқарувчи элита куч ишлатиш йўли билан бошқарувга кўпроқ лаёқатли элитага алмаштирилади». Шу тариқа, сиёсий элита – бу кескин инқилобни алмашувларга чидамли ва ҳаракатчан, унсурларининг амал қилиши мураккаб бўлган тизимли тузилмадир<sup>257</sup>.

Сиёсий элита назариясининг ривожланишида *Р. Михельснинг* (1876–1936 йй.) ҳам ҳиссаси каттадир. У жамиятнинг асли элитарлигининг ижтимоий механизмларини тадқиқ этди. У асосан Москва билан ҳамфикр бўлган ҳолда элитарликнинг сабабларини ўрганди. Михельс элиталарнинг пайдо бўлишини объектив шуррият эканлигини таъкидлаб, қуйидаги фикрни билдиради: «Ўзгармас ижтимоий қонун шундан иборатки, меҳнат тақсимооти таъсирида пайдо бўлган ҳар қандай ҳамжамият органидаги бирлашувга мутаносиб равишда ўз-ўзидан ўзи учун манфаатларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Лекин хусусий манфаатларнинг умумий бирликда воқеликка айланиши ўз ичига умумий манфаатларга нисбатан хусусий манфаатларнинг ўзаро низоларини ва қарама-қаршиликларини қамраб олади. Муҳими шундаки, уларнинг ижтимоий функцияларини амалга ошириш натижасида турли ижтимоий қатламлар бирлашади ва ўз манфаатла-

<sup>257</sup> Политические элиты//[http://knowledge.allbest.ru/political/3c0b65635b3bc68b5d43a89521316c27\\_0.html](http://knowledge.allbest.ru/political/3c0b65635b3bc68b5d43a89521316c27_0.html).



рини ифода этадиган органларни тузади. Кўп ўтмасдан улар очиқдан-очиқ синфларга айланади”<sup>258</sup>

Михельс асосан элитарликни кучайтирадиган ва бошқарувчи қатламни юксакликка кўтарадиган ташкилий қобилиятга, шунингдек, жамиятнинг ташкилий тузилмаларига муҳим аҳамият берди. Унинг фикрича, жамиятни уюштиришнинг ўзи элитарликни талаб этади ва уни ўзи такроран яратиб туради. Унга биноан, жамиятда “олигархик мойилликнинг темир қонуни” амал қилади. Йирик ташкилотларнинг тузилиши сўзсиз равишда олигархиялашувга ва бир-бири билан занжирсимон ҳолда ўзаро боғланган омиллар охир-оқибатда элиталарнинг шаклланишига олиб келади. Инсоний цивилизация йирик ташкилотларсиз яшаши мумкин эмас. Бу ташкилотлар самарадорлигининг ошиши функционал ихтисослашувни ва рационаллашувни, раҳбарий ўзак ва аппаратнинг ажралиб чиқишини талаб этади ва у аста-секинлик билан, лекин муқаррар равишда оддий аъзолар назорати остидан чиқа бошлайди, улардан ажрала бошлайди, сиёсатни ўз шахсий манфаатларига бўйсундира бошлайди, биринчи навбатда, ўзининг имтиёзли ҳолатини сақлаш ташвишига тушади. Жамиятнинг оддий аъзолари старли даражада буни англамайди, фаоллик кўрсатмайди, кундалик сиёсий фаолиятга бепарқлик билан қарайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам олигархик элита гуруҳи бошқарувни амалга оширади. Шу каби таъсирли гуруҳлар ўзларининг имтиёзли ҳолатини сақлаш учун турли ўзаро боғланишларни ўрнатади, халқ манфаатларини эсдан чиқариб, ўзаро уюша бошлайди. Шу тариқа, Михельс умидсизлик гирдобига тушиб қолади.

Лекин, шунга қарамай, Моска, Парето ва Михельс томонидан сиёсий элита аниқ ва равшан қиёфага келтирилди. Турли элитар назарияларни бир-бирларидан фарқлаш ва баҳолаш учун муҳим хусусиятлар белгиланди. Улар қуйидагилардан иборат бўлди:

- 1) элита вакиллари учун хос бўлган алоҳида хусусиятлар;
- 2) элитар қатлам ичида мавжуд бўлган ўзаро муносабатлар ва уларнинг жипслашганлиги ва интергациялашуви даражалари;

---

<sup>258</sup> Михельс Р. Социология политической партии в условиях демократии // Диалог. 1990. № 5, 9; 1991. № 4.

- 3) элитанинг ноэлитга, яъни омма билан муносабатлари;
- 4) элитани рекрутлаш, яъни у қандай ва қимлардан юзага келадиганлиги.

5) элитанинг жамиятдаги (конструктив ёки деструктив) роли, унинг функциялари ва таъсири даражаси<sup>259</sup>.

Мазкур мезонлар асосида замонавий элита назариялари ишқибат чиқилиб, улар жамият ва давлат бошқарувини такомиллаштиришни ва модернизациялашда муҳим аҳамият касб эта бошлади. Айтишқисса, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш жараёндарига элиталар назарияларига амал қилиш натижасида фуқаролар сиёсий ва ҳуқуқий маданиятларининг юксалиши кузатила бошланди.

## 2. Элиталарнинг замонавий назариялари

*Макиавелли мактаби концепцияси.* Макиавелли мактаби концепциясига (Моска, Парето, Михельс) қуйидаги белгилар хосандир:

- 1) туғма талантлик, тарбия ва бошқарувга нисбатан қобилиятнинг мавжудлиги ёки ҳокимият учун интилиши кабилар билан боғлиқ бўлган элитанинг алоҳида сифатлари;
- 2) нафақат ягона манфаатларнинг пайдо бўлиши натижасида, балки элитар ўзини ўзи англаш оқибатида ўзини ўзи англаш асосидаги гуруҳий жипслашганлик;
- 3) ҳар қандай жамият элитарлигини инсон табиатидан келиб чиқадиган қонуният сифатида эътироф этиш;
- 4) ҳокимият учун курашларда элиталарнинг алмашиб туриши;
- 5) элиталарнинг жамиятдаги конструктив раҳбарлик ва ҳукмронлик роли.

Макиавелли мактаби концепцияси қуйидаги жиҳатлари сабабли асоссиз бўлмаган танқидларга учради: а) психологик омиллар аҳамиятини ошириб юборганлиги; б) демократияни ҳушламаслиги, омма фаоллигини баҳололай олмаслиги; в) жамият эволюциясини етарли ҳисобга олмаганлиги ва ҳокимият учун курашларга сурбетлик билан муносабатда бўлиш.

<sup>259</sup> Қаранг: Баранов Н.А., Пикалов Г.А. Теория политики//[http://tehd.virmk.ru/b/BARANOV\\_POLITICA/index.htm](http://tehd.virmk.ru/b/BARANOV_POLITICA/index.htm).

*Элиталарнинг қадриятли назарияси.* Бу назария вакиллари (асосчилари – В. Ропке, Х. Ортега-и-Гассет ва бошқ.) элитар назарияни замонавий давлат ҳаётига мослаштиришга интилади. элитарликни демократия билан қўшишга ҳаракат қилади. Умуман улар қатор умумий кўрсатмалардан келиб чиқади:

а) элита – тарих давомида ўз функциялари ва қадрият мўлжалларини ўзгартирган – аристократия ишбилармонлар билан, ишбилармонлар менежерлар ва интеллектуаллар билан алмаштириб келган ижтимоий тизимнинг энг муҳим ва қадрли унсуридир. Бу назариянинг ҳозирги даврдаги баъзи вакилларининг фикрича, фақат индустриал ва индустриалдан кейинги давр ҳақиқий элитарлик касб этади, чунки бу даврда элита қон-қардошлилик белгилари ёки мулкининг қанчалигига қараб эмас, балки ишчанлик маҳорати ва малакаси, шунингдек, интеллектуал қобилиятига биноан рекрутлашади;

б) элита нисбатан амал қиладиган функцияларини бажарин асосида бирлашади, унинг бирлашуви авваламбор умумий фаровонлик тўғрисида ғамхўрлик қиладиган шахсларнинг ҳамкорлиги ифодаси сифатида намоён бўлади;

в) элита билан омма ўртасидаги муносабатлар ҳукмронлик характерини касб этмайди, балки ихтиёрийлик асосида қабул қилинадиган бошқариш сифатида намоён бўлади. Элитанинг стакчилик роли катталарнинг кичикларга йўл-йўриқ кўрсатишига ўхшайди;

г) элитани шакллантириш – бу ҳокимият учун кураш натижаси эмас, балки юксак бошқарув қобилиятига эга бўлган шахсларнинг жамият томонидан табиий танловидир;

д) элитарлик – ҳар қандай жамиятнинг яшаш шартидир. У бошқарув ва ижро этиш меҳнатларининг тақсимланишига асосланади ва қонуният асосида имкониятлар тенглигидан келиб чиқади, у демократияга зид бўлмайди

*Демократик элитизм назарияси.* Р.Даль. С.М.Липсет, К. Манхейм, Ж. Сартори каби олимлар бу назария вакиллари ҳисобланади. Улар демократияни сайловчилар овози учун турли элитар гуруҳларнинг рақобатлари сифатида талқин этади. Карл Манхейм бу ҳақда «демократия элиталикка қарши мойилликларга қизиқишларни кучайтиради, лекин элита билан оммани ҳаёлий бараварлаштиришни охиригача амалга оширишни талаб этмайди. Биз тушунализ, демократия страталарнинг йўқли-

та билан эмас, балки рекрутлашнинг янги услублари ва элита-нинг шигидан ўзини ўзи англаши билан характерланади. Бу ҳолат-да элита ҳокимият юритмайди, балки омманинг эркин сайлов-ларида аниқланган ихтиёрий розилиги билан идора этади». Бу на-заринга биноан, воқеликка айланган демократия элитага қанча-ни эҳтиёж сезса, оммавий сиёсий апатияга ҳам шунчалик зару-рий сезади. Чунки ортиқча сиёсий партиципация ҳам демокра-тиянинг барқарорлигига хавф солади. Элита аҳоли томонидан танланган юксак сифатли бошқарувчилар таркиби кафолати си-фатидан заруратдир. Демократиянинг ижтимоий кадр-қиммати элитанинг сифатли бўлишига боғлиқдир. Бошқарувчи қатлам на-фақат бошқарув учун хусусиятлар касб этиши билан, балки де-мократик қадриятлар ҳимоячиси бўлишга, баъзан рўй бериб ту-раётган ҳис-туйғули бетайинлик ва радикализмни тийиб туриш-ти ҳам қобилдир.

*Элита плюрализми назарияси.* Бу кўпинча элиталарнинг функ-ционал назарияси деб ҳам аталади (бу назария вакиллари – Р. Арон, А. Бентли, Р. Даль, С. Келлер, Д. Рисмен). Бу назария ости-да қуйидаги қоидалар ётади:

и) сиёсий элитани функционал элита сифатида талқин этиш. Бу назариянинг яна бир вакили Э. Гольтманн шундай деб ёзади: Функционал элиталар – бу жамиятда муайян раҳбарлик ишлари билан машғул бўлиш учун зарур бўлган, махсус малакаларни талаблаган шахс ёки гуруҳдир. Уларнинг жамиятни бошқа аъзо-ларига нисбатан афзаллиги муҳим сиёсий ва ижтимоий жараён-ларни бошқариши ёки улар таъсирида намоён бўлишидир;

б) элитани ягона имтиёзли, нисбатан жипслашган гуруҳлар сифатида инкор этиш. Жамиятда кўплаб элиталар мавжуд бўлиб, уларнинг таъсири фаолиятларнинг алоҳида соҳалари билан че-klangланади. Элиталар плюрализми ижтимоий тузилмаларнинг турли-туманлилиги, ижтимоий меҳнат тақсимотининг мураккаб-лиги билан аниқланади. Бир соҳага тааллуқли бўлган элиталар қатламлари ўзаро фарқланишларига нисбатан элиталар ўртаси-даги ўзаро муҳим ижтимоий соҳаларнинг фарқланиши кўпроқ аҳамият касб этади;

в) жамиятни элита ва оммага бўлиш нисбий, шартли ва баъ-зан унчалик кўзга ташланмайди. Улар ўртасида ҳукмронлик ёки донмий бошқарувчиликка нисбатан кўпроқ вакиллик муноса-батлари устуворлик қилади. Турли-туман демократик механизм-

лар – сайловлар, референдумлар, сўровномалар, нодавлат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари воситасида Р. Михельс томонидан илгари сурилган «олигархик мойилликлар қонуни»ни чеклаш мумкин, элитани омма таъсири ва назорати остида ушлаб туриш мумкин. Бунга элиталараро рақобатлар ҳам имкониятлар яратади;

г) ҳозирги демократияда элита энг компетентли ва қизиқиб интиладиган фуқаролардан шакллантирилади. Сиёсий ҳаётнинг бош субъекти – элита эмас, балки манфаатлар гуруҳларидир. Элита билан оммани ўзаро фарқлари асосан қарорлар қабул қилишда бир хил бўлмаган манфаатларнинг иштирок этишидан келиб чиқди;

д) демократик давлатларда элита муҳим ижтимоий функцияларни бажариб келаётганлиги учун уларнинг ижтимоий ҳукмронлиги тўғрисида гапириш ножоиздир. Элиталар плюралиزمи концепциясидан замонавий ғарб демократиясининг тараққийпарварлигини назарий асослаш учун кенг фойдаланилади. Лекин бу назария баъзан воқеликларни идеаллаштиради. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, турли ижтимоий қатламларнинг сиёсат ва ҳокимиятга таъсири тенг эмас. Буни ҳисобга олган баъзи бу назария тарафдорлари элиталар доираси ичидан мулоҳазаси, қарорлари, хатти-ҳаракатлари жамиятнинг кўпчилик аъзолари учун яхши натижалар бериши мумкин бўлган таъсирли стратегик элиталарни ажратиб кўрсатишни таклиф қилмоқда.

*Элиталарнинг сўл либерал концепцияси.* Бу назария плюралистик элитизмга нисбатан ўзига хос ғоявий муҳолифий қарашлари (вакиллари – П. Бирнбаум, Ж. Мейно, Р. Милибанд, М. Паренти, Ф. Хантер) билан ажралиб туради. Элита назариялари ичида Чарльз Райт Миллснинг ўзига хос манифести бу оқимнинг характерли хусусияти сифатида намоён бўлди. Унда АҚШда ҳокимият бошқаруви барча элиталар томонидан эмас, балки битта ҳокимият юритаётган элита томонидан амалга оширилаётганлигини исботлашга ҳаракат қилинган. Сўл либерал элитизм (танқидий элитизм ҳам дейилади) ўзига хос бўлган белгиларига эгадир:

1) бош элита ташкил этувчи белги – юксак индивидуал сифатлар эмас, балки буйруқ бериш ўринларига эга бўлиш, бошқарув мансабларини эгаллашдир. Ҳокимият юритувчи элита, деб ҳисоблайди Миллс, оддий одамлар муҳитидан юқори ту-

рши имконияти берилган, йирик оқибатларга олиб келадиган қарорлар қабул қиладиган, юксак ўринларни эгаллаган одамлардан иборатдир. Бу шу билан боғлиқки, улар замонавий жамиятнинг муҳим иерархик институтлари ва ташкилотларига бўйруқлар беради, уларни бошқаради. Улар ижтимоий тизимда уларни фойдаланадиган таъсирчан воситалар, ҳоқимият, бойлик ва обрў-эътибор билан таъминлайдиган стратегик бошқариш ўринларини эгаллаган. Бу элитани иқтисод, сиёсат, ҳарбий ва бошқа соҳаларда вазиятларни бошқаришнинг муҳим йўналишларини эгаллаганлиги уларни ҳоқимият билан таъминлайди, юқори элитага мансублигини аниқлайди. Элитани бу каби алоҳида сифатларга эга бўлган одамлардан чиқишини талқин этиш, сўл либерал назарияни бошқа концепциялардан фарқлашини кўрсатади;

2) бевосита давлат қарорларини қабул қиладиган сиёсий элита билан чекланмаган ҳолда ўз таркибига ҳоқимият юритувчи элитанинг турли соҳаларини олган ва гуруҳий жипслашган элита – ўз ичига корпорациялар, олий давлат хизматчилари ва армия офицерларини олади. Уларни мавжуд тизим доирасида яхши ўраниб олган интеллектуал зиёлилар қўллаб-қувватлайди. Элитани жипслаштириш омили – нафақат уни ташкил этган гуруҳларнинг умумий манфаатдорлиги, имтиёзли ҳолати, уни таъминлаган ижтимоий тизим, балки ижтимоий мақомлар, таълимий, маданий даражалар, манфаатлар доиралари, ҳаёт тарзи, шахсий ва қон-қардошлик алоқалари ва руҳий жиҳатларини бир-бирларига ўзаро яқинлигидир. Бошқарувчи элита ичида мураккаб иерархик муносабатлар ҳукм суради. Миллс АҚШдаги ҳукмрон элитани кескин танқид қилсада, сиёсатчиларнинг йирик мулкчилари билан алоқаларини очиб ташласада, у элитани монополизтик капитал манфаатлар ифодачиси сифатида талқин этадиган марксча синфий ёндашув тарафдори эмас;

3) элита билан омма ўртасидаги чуқур фарқланишлар. Халқ оқидан чиққан истеъдодли одамлар ижтимоий иерархиядаги юқори мансабларни эгаллагандагина элитага кириш мумкин. Омманинг сайловлар ва бошқа демократик механизмлар воситида элитага таъсири жуда ҳам чегараланган. Пул, билимлар, ошга нисбатан ишлаб чиқилган ҳийла-найранглар (манипуляция) механизмлари ёрдамида таъсир этиши натижасида ҳоқимият юритувчи элита оммани ҳеч бир назоратсиз бошқаради;

4) элитани рекрутлаш асосан унинг ижтимоий-сиёсий кадрларини қабул қилиш асосида ўз хусусий муҳити ҳисобидан амалга оширилади. Танловнинг муҳим мезонлари таъсир этин ресурсларига, шунингдек, профессионал сифатлар ва конформистик ижтимоий нуқтаи назарларга эгадир;

5) ҳокимият юритувчи элитанинг ўз ҳукмронлигини таъминлаши унинг жамиятда бош ҳокимият юритувчи функцияси сифатида намоён бўлади. Худди ана шу функция бошқарув вазифаларини ҳал этишга бўйсундирилган. Миллс жамиятнинг элиталиги муқаррар эканлигини инкор этади, уни демократик нуқтаназардан изчиллик билан танқид қилади. Элиталарнинг сўл либерал назарияси тарафдорлари иқтисодий элита билан сиёсий элитанинг тўғридан-тўғри алоқаларини инкор этади. Ральф Миллибанд асосий таъсирлар йирик мулкдорлар томонидан белгиланмайди, деган фикрни билдиради. Ғарб сиёсатшунослигида бу сўл либерал назариялар, айниқса, ҳокимият юритувчи элитанин ёпиқлиги, уни йирик бизнес учун очилмаслиги каби жиҳатларни кескин танқидларга учради.

*Элиталарнинг технократик назарияси.* XX асрнинг иккинчи ярмида илмий-техника тараққиётининг мислсиз равишда тезлашиши фан ва технология ижодкорларига нисбатан субъектларнинг сиёсий таъсирини сезиларли даражада ўсишини рағбатлантирди. Бу ҳолат элиталарнинг технократик назариясини (вакиллари – К. Боулдинг, А. Берли, Л. Эппли ва бошқ.) шаклланишига туртки бўлди. Бу йўналишда асосий манба Ж. Бернхэмнинг “Менежерлар инқилоби” китоби бўлди. Муаллиф индустриал ривожланган мамлакатда жамият янги ижтимоий категория – менежерлар синфи томонидан бошқарилиши лозимлиги ғоясини илгаригари сурди, у менежерларни бошқарувнинг олий тоифаси қаторига киргизди. Бернхэм концепциясига биноан, элита сифатида компетентли ва профессионал бошқарувчилар намоён бўлади. Кейинроқ технологик элитизм назарияси Д. Белл, Ж. Гэлбрейт, Г. Кан ва бошқалар асарларида ривожлантирилди. Уларнинг фикрича, индустриалдан кейинги мамлакатларда ҳокимиятга технотузилма – ўз ҳаёт тарзи, умумий корпоратив қадриятларга эга бўлган, олий даражадаги маъмурлар, олимлар, инженерлардан иборат ички жиҳатдан жипслашган элита кириб келди. Д. Белл индустриалдан кейинги жамият тузилмасини таҳлил этиб, унда учта қатламни бир-биридан ажратиб кўрсатди: олий – професси-

бошқарувчилар ва олимлар элитаси, ўрта – инженер-техник ва бошқа персонал ва қуйи – ақлий меҳнат пролетариати, турли соҳалардаги техник ходимлари. Унинг таснифлари элита билан омма орасидаги ўзига хос чегара чизиғи вазифасини бажариб, элита билан фойдали ва маълумоти даражаси билан аниқлашга қаратилган.

### 4. Сиёсий элиталарнинг функциялари ва белгилари

*Сиёсий элиталарнинг функциялари.* Сиёсий элита жамиятда болашақ органларида жуда ҳам кўплаб функцияларни бажаратади. Лекин уларнинг ичида энг асосий функциялари қуйидагилардан иборат:

- турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ўрганиш ва таҳлил этиш;

- турли ижтимоий бирликлар манфаатларини субординация этиш;

- сиёсий йўл ва мақсадларда манфаатларни ифодалаш;

- сиёсий мафкурани ишлаб чиқиш (дастур, доктрина, конституция, қонунлар ва ҳоказо);

- сиёсий мўлжалларни мужассамлаштириш механизмини яратиш;

- бошқарув органлари аппаратининг кадрларини тайинлаш;

- сиёсий тизим институтларини тузиш ва уларга тузатишлар киритиш;

- сиёсий етакчиларни илгари суриш.

*Элиталарни рекрутлаш.* Элиталарнинг ўз функцияларини жамият учун натижали, фойдали ва самарали бажаришида уларни рекрутлаш муҳим ўрин тутаяди. Ҳозирги даврда элиталарни рекрутлашнинг иккита асосий тизими мавжуд: гильдия ва антрепренер тизимлари. Бу тизимлар соф ва ҳақиқий ҳолда камдан-кам учрасада, уларга бўлган талаблар аста-секинлик билан ошиб бормоқда.

*Элиталарни рекрутлашнинг гильдия тизими белгилари:*

- спик тизим, юқори мансабларга танлов элитанинг қуйи қатламларидан олинадиди, улар суёт ҳолда ва аста-секинлик билан юқорига кўтарилади;

<sup>260</sup> Қаранг: Мунтян М. Политические элиты//<http://muntjan.viperson.ru/>.



-танлов жараёнининг юқори даражада бўлиши, мансабни эгаллаш учун расмий талабларда тозалаш босқичларининг (партиявийлиги, ёши, иш стажи, маълумоти, таснифномаси ва бошқ.) кўплиги;

-танлаш тизимининг (танлов ўтказувчи юқори мансабли шахсларнинг) нисбатан ёпиқлиги ва кичиклиги. Одатда, унга фақат энг юқори орган аъзоси, ҳаттоки биринчи раҳбар ҳам киради;

-олдин мавжуд бўлган етакчига ҳос хусусиятларни такроран яратишга мойиллик.

*Элиталарни рекрутлашнинг антрепренер тизими белгилари:*

-очиқ тизим, раҳбарлик мансабини эгаллаш учун ҳар қандай гуруҳ вакили даъвогарлик қилиши мумкин;

-танлов жараёнида расмий талаблар ва институтлашган тозалаш босқичлари озроқ бўлади;

-танловнинг тозалаш доираси кенг, унда барча сайловчилар ҳам иштирок этишлари мумкин;

-танловнинг олий даражада рақобатдошлиги, юқори мансабни эгаллашда ўзаро кескин рақобатчилик;

-индивидуаллик биринчи даражали аҳамият касб этади (ёрқин шахс, муҳим аҳамият касб этган шахсий сифатлар, кенг оммани қўллаб-қувватлашига эриша олиш қобилияти, уни ўзига торта олиш, қизиқарли таклифлар ва дастурлар билан чиқа олиш қобилиятининг мавжудлиги).

Шу тариқа, жамият сиёсий тизимининг элитавийлиги – ҳозирги даврдаги воқеликка айланди. Жамиятни идрок этишда ёки уни бошқаришда сиёсий элита назарияси ва амалиётини чуқур ўзлаштирган инсоннинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юқори даражада ифодаланади. Ҳозирги фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнида фуқаролар сиёсий онгининг етуклиги ислоҳотларни самарали тарзда ўз поёнига етказиш кафолатларидан биридир.

#### 4. Сиёсий етакчилик ва унинг табиати

Етакчилик дунёда ҳокимият ва ташкилот пайдо бўлган даврдан буён жамиятни уюштирувчи омиллардан бири сифатида яшаб келмоқда. “Етакчи” (“лидер”) сўзи инглиз тилидаги «leader»нинг таржимаси – «етакчи», «бошчилик қилувчи» маъноларини беради. Қадимги даврлардаёқ етакчиликни ўрганишга бўлган зарурат кучайган эди. Айниқса, антик давр тарихчилари Херодот ва

Плутарх кабилар сиёсий етакчилик ҳодисасига ўз диққат-эътиборларини қаратган эди. Аристотель сиёсий етакчи маъносидан «politikos», ўзбекча «сиёсатчи», «сиёсат билан шуғулланувчи» тушунчасини ишлатган. Бу сўз русчасига “государственный муж” деб таржима қилинади. Бундан деярли 2500 йил аввал “сиёсатчи” ибораси, албатта, сиёсий етакчи маъносини бериши табиий бир ҳолдир. Аристотель «politikos»ни моҳиятини очиб берар экан, қуйидаги фикрни билдиради: “Ҳақиқий politikos ҳаммадан ҳам кўпроқ эзгуликлар ҳақида қайғуришга интилаётгандек туюлади, чунки у фуқароларни эзгу-ҳимматли (маънавиятчи) ва қонунга итоат этадиган бўлишини хоҳлайди. Бу кабилар (давлатга тааллуқли одамлар) намунасини биз критликлар ва лакедемонликлар, агар бошқа жойларда ҳам бу кабилар бўлса, ўша жойлардаги қонун чиқарувчилар ичида кўрамыз. Шундай экан, бу масалани ҳадемай биз кўриб чиқадиغان давлат ҳақидаги фанга (яъни сиёсатга) тааллуқли эканлигини билиб оламиз. Бундан кўриниб турибдики, бизнинг изланишларимиз бошда тилланган йўлимиз бўйлаб кетмоқда. Шу нарса равшанки, биз кўриб чиқишимиз лозим бўлган эзгу-ҳимматлар инсонийликдир, ахир биз фаровонликни ҳам инсонийлик деб, бахту саодатни ҳам инсонийлик деб тадқиқ этмадикми?”<sup>261</sup>. Кўриниб турибдики, Аристотель ўз давридаги сиёсий фанлар ривожидан келиб чиқиб сиёсий етакчи ва арбобларнинг жамиятдаги ўрни ва вазифаларини инсоний манфаатлар ва эҳтиёжлар нуқтаи назаридан белгилаган эди.

Аристотелдан кейин дастлаб сиёсий етакчининг жамиятни ривожлантириш, халқни фаровонлигини таъминлашдаги ўрни Абу Наср Форобий (873–950 йй.) томонидан чуқур ўрганилди. Лекин, у яшаган даврда жамият билан давлат ўртасида яққол чегаралар ўтказиш масаласи ҳали кўтарилмаганлиги, ўша давр сиёсий таълимотларининг даражаси ўрта асрлардаги воқеликларга хос бўлганлиги учун Форобий сиёсий етакчи тушунчасини “ҳоким”, “имом” ва “раис” сўзлари билан ифодалайди. Мутафаккирга Платон ва Аристотелнинг таъсири бениҳоя катта бўлганлиги учун ҳам у ўзининг сиёсий етакчига доир таълимотини

<sup>261</sup> Аристотель. Соч.: В 4-х т. Т. 4/Пер. с древнегреч.; Общ. ред. А. И. Доватура. — Москва: Мысль, 1984. — С. 74

шаҳар-давлат (юнонча полис) ва унинг сиёсий раҳбари ҳоким мисолида амалга оширади.

Унинг фикрича, мукаммал жамиятда ҳар бир табақа яхши ижтимоий организмнинг ажралмас қисми сифатида, ўзининг муайян функцияларига эга бўлиб, гўёки шу вазифаларни бажариш учун ихтисослашган. Уларнинг ўртасидаги энг мукаммал шахс-давлатни идора қилувчи Биринчи раҳбар ҳисобланади. У жамиятдаги бошқа тоифаларнинг мавжудлиги ва яшашларининг сабабчиси, улар фаолиятининг тўғри ташкил этилиши, ўзаро уйғунлиги ва тартибга солинишининг ҳам сабабчиси. Мутафаккирнинг кўрсатишича, “ўзидан бошқаларга раҳбарлик қилиш, уларни бахт-соадатга эришув даражасига кўтариш ҳам ҳар кимнинг қўлидан келавермайди. Кимда бировни бахт-соадатга эриштириш, зарур бўлган иш-ҳаракат кабиларга руҳлантира олиш қобилияти бўлмаса ва бу иш-ҳаракатни бажара олишга қудратсиз бўлса, бундай одам сира ҳам раҳбар бўла олмайди”<sup>262</sup>.

Форобийнинг кўрсатишича, фозил жамоанинг раҳбари барча шаҳар аҳлига ўзининг намунали ишлари ва фазилатли хулқлари билан сабоқ беради. Шу боисдан фуқаролар ўзларининг кундалик ҳаётида ҳукмдорга тақлид қилишга интилади, жамиятда тутган ўрни ва мартабаларига мувофиқ равишда ҳукмдорнинг мақсадларига эргашади, ўзларининг ижтимоий бурчлари ва вазифаларини тўғри бажаришга интилади. Ҳукмдорнинг вазифаси ҳам Устоз Муаллимнинг вазифаси кабидир: у маълум бир давлатда яшовчи халқга тарбиячилик ва устозлик қилади.

Форобий «Фозил шаҳар одамлари қарашлари» асарининг 25-ва 26-бобларини ҳокимлар, сиёсий етакчилар ва ҳукмдорларга қўйилган талабларни илгари суради. Шаҳарга ҳоким (полисга бошлиқ демоқчи) бўладиган одам мутафаккирнинг фикрича, ўн иккита хислат-фазилатни ўзида мужассамлаган бўлиши лозим. «Бундай шаҳарга ҳоким бўладиган одам (Оллоҳдан бошқа) ҳеч кимга бўйсунмаслиги керак. Фозиллар шаҳрининг биринчи бошлиғи шу шаҳар аҳолисига имомлик қилувчи оқил киши бўлиб, у табиатан ўн иккита хислат-фазилатни ўзида бирлаштирган бўлиши зарур. Фозиллар шаҳри ҳокими аввало тўрт мучали соғ-саломат бўлиб, ўзига юкланган вазифаларни бажаришида бирор аъзо-

<sup>262</sup> Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. —Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. —Б189.

ишдан нуқсон ҳалал бермаслиги лозим, аксинча, у соғ-саломатлигини туфайли бу вазифаларни осон бажариши лозим. (Иккинчидан), бундай шаҳар ҳокими табиатан нозик фаросатли бўлиб, суҳбатдошининг сўзларини, фикрларини тез тушуниб, тез илғаб олиши, шу соҳада умумий аҳвол қандайлигини равшан тасаввур қилина олиши зарур. (Учинчидан), у англаган, кўрган, эшитган, идрок этган нарсаларни хотирасида тўла-тўқис сақлаб қолиши, барча тафсилотларини унутмаслиги зарур. (Тўртинчидан), у вақтни ўтқир, зукко бўлиб, ҳар қандай нарсанинг билинар-билиновари аломатларини ва у аломатлари нимани англатишини тез билиб, есиб олиши зарур. (Бешинчи), у фикрини равшан тушунтира олиши мақсадида, чиройли сўзлар билан ифодалай олиши зарур. (Олтинчи), у (устозлардан) таълим олишга, билим, маърифатга ҳавасли бўлиши, ўқиш, ўрганиш жараёнида сира чарчамайдиган, бунинг машаққатидан қочмайдиган бўлиши зарур. (Шестинчи), таом ейишда, ичимликда, аёлларга яқинлик қилишда сифат эмас, аксинча, ўзини тия оладиган бўлиши, (қимор ёки бонқи) ўйинлардан завқ, ҳузур олишдан узоқ бўлиши зарур. (Саккизинчи), у ҳақ ва ҳақиқатни, одил ва ҳақгўй одамларни севадиган, ёлғонни ва ёлғончиларни ёмон кўрадиган бўлиши зарур. (Тўққизинчи), у ўз қадрини билувчи ва номус-ориятли одам бўлиши, пасткашликлардан юқори турувчи, туғма олийҳиммат бўлиши, улуг, олий ишларга интилиши зарур. (Ўнинчи), бу дунё одамларига, динор ва дирҳамларга қизиқмайдиган (мол-дунё келидан қувмайдиган) бўлиши зарур. (Ўн биринчи), табиатан адолатпарвар бўлиб, одил одамларни севадиган, истибдод ва жабрдўзлани, мустабид ва золимларни ёмон кўрувчи, ўз одамларига ҳам, бегоналарга ҳам ҳақиқат қилувчи, барчани адолатга чақирувчи, ноҳақ жабрланганларга мадад берувчи, барчага яхшиликни ва ўзи суйган гўзалликларни раво кўрувчи бўлиши зарур. Ўш ҳақ иш олдида ўжарлик қилмай, одил иш тутгани ҳолда ҳар қандай ҳақсизлик ва разолатларга муросасиз бўлиши зарур. (Ўн иккинчи), ўзи зарур деб ҳисоблаган чора-тадбирларни амалга оширишда қатъиятли, саботли, журъатли, жасур бўлиши, қўрқоқлик ва ҳадиксирашларга йўл қўймаслиги зарур»<sup>263</sup>.

<sup>263</sup> Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. —Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. —Б. 159-160.

Абу Наср Форобий томонидан ҳукмдорларга қўйилган бу талаблар ҳозирга қадар ўз аҳамияти ва қадр-қиматини йўқотгани йўқ. Илғор ва етук мамлакатларда ҳам, Шарқда ҳам давлат бошқарув органлари раҳбарлари, яъни сиёсий элитани маънавий қадриятларни ўзлаштирган инсонлардан шакллантиришга доир талабларни қўйилиши бежиз эмас.

Дунё тарихида чуқур из қолдирган Соҳибқирон Амир Темур (1336–1405 йй.) салтанатининг қудрати ва салоҳиятининг юқори бўлганлигининг сабаби – унинг адолат принципларига қатъий амал қилганлиги, сиёсат юритишда комил инсонларга таянганлиги, етакчилик салоҳиятига эга бўлган одамларни эъозлаб, уларни жамият ва давлат бошқаруви ишларига доимий равишда сафарбар этиб турганлигидир. Шунингдек, у жамиятни ўн икки тоифага бўлиб, уларнинг истаклари ва манфаатларини мувозанат ва ўзаро мутаносиб ҳолда бўлишини таъминлаб туриши натижасида тарихда камдан-кам инсонларга насиб этадиган салоҳият – энг қудратли давлатлардан бирини ташкил этиш шарафига эришди. Амир Темур жамиятни ўн икки тоифага бўлган бўлса, шулардан иккитасини – иккинчи ва олтинчи тоифаларни етакчилик сифатлари мавжуд одамлар сифатида даражалайди. “Иккинчи тоифа – ақлли кишилар ва кенгаш соҳиблари, эҳтиёткор арбоблар, сергак ва кейинини ўйлаб, олисни кўриб иш юритувчи, кекса ва тажрибали кишиларни хос мажлисимга киритиб, суҳбатларидан, ишларидан нафъ олиб, тажриба ҳосил қилардим; ...олтинчи тоифа – ақлли, тажрибали, энг ишончли кишиларки, салтанат ишларини, сирларини уларга очиб, [улар билан] кенгаш қилишимга лойиқ кишилар эди. Булар билан сирдошлик қилиб, яширин ишлар, махфий сирларни шуларга топширдим»<sup>264</sup>.

Амир Темур давлатининг қудратли ва улуғворлигининг яна бир сабаби шунда эдики, у давлат ва жамият мансабларига номзодларни ниҳоятда синчиклаб ўрганар, бу ишларга энг сара, нуфузли ва етакчилик сифатларига эга бўлган инсонларни танлар эди. Етакчилик сифатларини ўзида мужассамлаштирган ҳақиқий

---

<sup>264</sup> Темур тузуклари /Форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж.; Б.Аҳмедов таҳрири остида. Ғ.Фулом номидати Адабиёт ва санъат нашр., 1991. –Б. 64-66.

давлат хизматкорини Амир Темур қуйидагича таърифлаган эди: "Тажрибамда кўрилганким, ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиб, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши, минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир. Чунки тажрибали бир киши минг кишига иш буюради"<sup>265</sup>. Кўриниб турибдики, сиёсий етакчига доир билимлар, тасаввурлар ва тушунчалар дастлаб бизнинг Ватанимизда шаклланган, етакчилик сифатларига инсонлардан жамият ва давлат бошқарувида кенг ва самарали равишда фойдаланилган эди.

Европада сиёсий етакчининг давлатни бошқаришдаги ўрнини дастлаб Никколо Макиавелли (1469–1527 йй.) чуқур тадқиқ этди. Унинг талқинларига биноан, сиёсий етакчи – у ўз ҳукмдорлигини сақлаш учун ҳар қандай воситалардан фойдаланиб, жаҳонни бирлаштириб ва уни ўз шахсида ифода этган ҳолда ўз ҳукмронлигини сақлаб турувчи, ижтимоий тартибни ушлаб турувчи ҳукмдордир. Макиавелли томонидан ҳукмдорлар учун афвонлик билан кучни моҳирона уйғунлаштириш санъатига доир маслаҳатлардан иборат бўлган "Ҳукмдор" асарини О.Кромвель, Ў.Нанолон ва бошқа машҳур шахслар юқори баҳолаган эди.

Тарихни машҳур шахслар яратади, деб қарайдиган волюнтаристик назария вакиллари – Томас Карлейль (1795–1881 йй.) ва Ральф Уолдо Эмерсон (1803–1882 йй.) ҳисобланади. Т.Карлейль аҳолининг асосий кўпчилигини "барча муносабатларда ҳам нотавон ва саёздир", уларнинг сиёсий етакчиларнинг йўналтирувчилик таъсирсиз бир меъёрида яшай олиш қобилияти етишмайди, деган фикрни билдирган эди. Айни буюк шахслар ўзларининг "ранг-баранг либос"ларида истиқболларни илоҳий башорат қилади, тарихнинг ибтидосини яратади. Шунга ўхшаш фикрларни Эмерсон ҳам билдиради: "Барча чуқур зеҳнлаш ва фаҳмлашлар – буюк индивидлар қисматиدير".

Сиёсий фикр ва амалиётга сезиларли таъсир кўрсатган етакчилик концепцияси Фридрих Ницше (1844–1900 йй.) томонидан ишлаб чиқилди. У олий биологик тур – инсон етакчи, қудратли инсонни яратиш заруриятини асослашга ҳаракат қилди. "Инсониятнинг мақсади, – деб ёзган эди Ф.Ницше, – унинг олий вакиллари учун тегишлидир... Инсоният буюк инсонларни туғили-

<sup>265</sup>Ўша жойда. –Б.25.

ши учун тинмасдан ишлаши лозим – унинг асосий вазифаси бошқа нарса эмас, балки худди шундан иборатдир”<sup>266</sup>.

Қудратли инсон мавжуд ахлоқ меъёрлари билан чегараланмайди, у эзгулик ва ёвузликнинг бошқа томонида туради. У оддий кишиларга нисбатан қаттиққўл бўлиши мумкин, лекин ўзига тенг, қудратли одамларга мурувватли, ҳурмат-эҳтиромли, вазмин, мулойим ва дўстона муносабатларда бўлиши мумкин. У ҳокимиятга нисбатан таъсир қилишда юксак ҳаётий кучи ва иродаси билан ажралиб туради. Одамлар маймунлардан юқори турган бўлса, қудратли инсон одамларга нисбатан кучли, иродали, ривожланган ва гўзал шахслиги билан ажралиб туради. Ницшеннинг қудратли одамга доир қарашида биологик турларнинг эволюциясига оид дарвинистик ғоялар ҳам акс этган эди.

Ҳозирги давр етакчилик концепциясига Габриель Тард (1843–1904 йй.) ҳам бевосита таъсир кўрсатди. У инсонни ижтимоийлашув назарияси асосчиларидан биридир. Тарднинг фикрича, ижтимоий ҳаётнинг асосий қонуни етакчиларга эргашиш ва тақлид қилишдан иборатдир. Аҳолининг кўпчилиги мустақил ижтимоий ҳаётни ташкил этишга қодир эмас. Ривожланишнинг ягона манбаи – бу ташаббускор ва ноёб шахслар томонидан амалга оширилган кашфиётлардир.

*Сиёсий етакчилик табиати.* Таниқли сиёсатшунос олим Й.Шумпетер ўзининг “Капитализм, социализм ва демократия» асарида етакчиликнинг жамиятдаги ўрни ва функциялари, унинг кўзга унчалик ташланмайдиган қирраларини чуқур тадқиқ этди. Унинг фикрича, етакчилик муҳим ҳаётий феномен ҳисобланади. Ҳали бу феноменни яхши ўрганмаган классик назариялар амалда етакчиликни инкор этиб, кўплаб воқеликларни сайловчилар ташаббуслари билан боғлаб талқин этади. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам жамоавий хатти-ҳаракатлар етакчиликни тақозо этади – бу оддий рефлексга нисбатан юқори аҳамиятга молик бўлган ҳар қандай жамоавий хатти-ҳаракатнинг устунлик қилувчи механизмидир. Барчанинг диққат-эътибори учун эълон қилинаётган демократик усулнинг амал қилиши ва унинг натижалари қанчалик осмонга кўтарилмасин, уларга нисбатан амалийроқ бўлган воқеликлар ҳам мавжуддир. Бу унчалик кўзга таш-

---

<sup>266</sup> Ницше Ф. Так говорил Заратустра. – Москва, 1990. – С.286.

ланмайдиган воқеликлар умумий иродани (фр. *volonte generale*) амалга ошириш билан чегараланмайди, лекин уларнинг қандай пайдо бўлиш ва қандай алмаштириб қўйиш ёки қандай қалбакни яшириш кабиларни далиллаш сари яқинлашади. Биз «қалбаклаштирилган ирода» деб белгилаган тушунча, энди биз астойдил хоҳлаганимиздек, назария доираси ташқарисида қолмайди, ундан четга чиқмайди. У асослар ичидан жой олади, шундай бўлиши лозим эди. «...Одатда, хоҳиш-иродани тўғридан-тўғри билдириб бўлмайди. Ҳаттоки, агар гуруҳий истаклар кучли ва аниқ сезилиб турса-да, уларни қандайдир сиёсий етакчи сиёсий омига айлантирган ҳолатда сиёсий ҳаётга даъват сифатида олиб кринса, бу истаклар бир неча ўн йиллар яширин ҳолатда қолиб кетавериши мумкин. Сиёсий етакчи уларни лўндароқ ва равшанроқ баён қилади, унинг агентлари эса унинг учун хоҳиш-иродани илҳом берувчи этишни уюштиради, уларни кучайтиради, охирида уларни ўзларининг моддалардан иборат таклифларига киритади»<sup>267</sup>.

Таниқли сиёсатшунос Э. Кассирер сиёсий етакчини пайдо бўлишининг объектив қонуниятларини тадқиқ этиб, бу соҳада ўзининг қуйидаги фикр-мулоҳазаларини билдиради: «Кучли етакчи сари тортиш кучи жамоавий хоҳиш-истаклар мисли кўрилмаган кучга айланганда, бошқа томондан, барча хоҳиш-истакларни қондиришда одатдаги ва меъёрдаги воситалар ўз натижасини бермаган пайтда намоён бўлади. Бундай пайтларда орзу-умидлар нафақат кескин оғир кечинмалар гирдобида бўлади, балки кескин равишда жонланади. Улар инсон кўзи олдида аниқ ва равшан кўринадиган ва индивидуал қиёфада тавдаланади. Энди жамоавий орзу-умидлар танглиги ва кескинлиги етакчида мужассамлашади. Аввалги ижтимоий алоқалар – қонун, одил судлов, конституция унчалик аҳамият касб этмаслиги маълум қилинади. Энди иродаси олий қонун сифатида намоён бўладиган етакчининг сирли ҳокимияти ва нуфузи аҳамият касб эта бошлайди»<sup>268</sup>.

<sup>267</sup> Шумпетер Й. Капитализм, социализм и демократия. – Москва, 1995. – С. 239-240.

<sup>268</sup> Кассирер Э. Техника современных политических мифов // Вестн. МГУ. Сер. 7, Философия. 1990, № 2. – С. 59-61.



Сиёсий етакчиликка доир махсус тадқиқотлар олиб борган машҳур олимлардан бири – бу Ж.Блонделдир. У ўзининг «Сиёсий етакчилик: кенг қамровли таҳлил сари йўл» асарида қуйидаги фикрни билдиради: «Агар кимки гуруҳга таъсир этса, у бу гуруҳнинг расмий бошлиғими, бундан қатъи назар, у етакчидир. Шу тариқа, етакчилар нафақат норасмий тузилмаларда мавжуддир, бошқа томондан қараганда, таркиби белгиланган тузилманинг ҳақиқий етакчиси гуруҳда расмий ўринни эгаллаши шарт эмас»<sup>269</sup>.

Блонделнинг фикрича, етакчи ҳокимиятнинг барча фаолиятига тааллуқли бўлиши шарт эмас. «Бирдан ва батамом» олинадиган ҳокимият етакчилик учун хос эмас. Худди шу каби қандайдир қўмита аъзосининг изчиллиги ва бошқалар билан ўзаро таъсири ҳам етакчиликка кирмайди. Етакчилик ҳокимиятдан тасодифий тарзда эмас, балки узоқ даврлар фойдаланишни тақозо этади. Бу дегани, етакчилик ҳокимиятни яхши ташкил этилган гуруҳ шароитида амалга ошириш мойиллигига эгадир. Гарчи унинг муҳимлиги бошқа институтларда ва ҳаттоки (лекин муайян бир чегара доирасида) ҳақиқий норасмий тузилмаларда ҳам кам бўлмасда, бу танқидий нуқтан назардан давлат каби тузилмаларда жуда ҳам муҳимдир. Ва ниҳоят, сиёсий етакчилик шундай маънода ҳокимиятнинг алоҳида турики, у кенг доирадаги масалалар ва муаммолар бўйича амалга оширилади. Агар бизни ичимиздаги одамларнинг кўпчилиги гуруҳ устидан етарли даражада ва узоқ давр ҳокимият юритаётган бўлса, улар ҳам етакчи бўлиши мумкин, лекин сиёсий етакчилар ўзининг ҳокимиятини халқаро ишлар, мудофаа, фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий фаровонлиги, ҳаттоки маданият ва санъат кабиларни ўз ичига олган соҳаларда амалга оширади. ...Принципиал жиҳатдан қараганда, сиёсий етакчи кенг қамровли ва чуқур маъноли тушунчадир: етакчи томонидан қабул қилинадиган қарорлар жамият ҳаётининг ҳар қандай жиҳатларига тегишли бўлиши мумкин<sup>270</sup>.

Марксизм сиёсий етакчиларни “тарих локомативлари”, деб баҳолаш баробарида уларнинг яратувчилик кучи, фаол сиёсий

---

<sup>269</sup> Блондель Ж. Политическое лидерство: Путь к всеобъемлющему анализу. – Москва, 1992. – С. 17.

<sup>270</sup> Ўша жойда. –Б. 19-20

имкониятларини тарихий зарурият ва синфий манфаатларга боғлашди. Бу билан етакчининг қамрови чекланиб қолади. Бу таълимотга бивоан сиёсий етакчи синфнинг қобилиятли, онгли, ишбилармонлик ифодачиси сифатида фаолият юритади, яъни синфга ёрдам берувчи, хизмат қилувчи воситадир. Марксизм сиёсий етакчиларнинг имкониятларини улар манфаатларини ифода этадиган синфларга нисбатан биқик бўлиши, ишчиларни депутатлар ва мансабдорлар хавфидан сақлаш зарурияти тўғрисида огоҳлантирган бўлса, сталинизм ҳукмронлиги даврида бу топлар барҳам топди<sup>271</sup>.

Социализмга хос бўлган сиёсатни тушунишда ижтимоий ривожланишнинг синфийлиги ва қаттиқ иқтисодий детерминизмга асосланиш етакчиликни умуминсонийлик аввали сифатида тўлиқ намоён бўлишига имкон бермайди, етакчилар фаоллигини, уларнинг омма ишончи ва орзу-хаёлларидан фойдаланган ҳолда жамиятга таъсир қилиш имкониятларини чеклайди, бу билан ижтимоий ўзгаришлар боши берк кўчага кириб қолади. Бу ҳолат синфлар ва бутун халқ манфаатларини бир-бирига зид қилиб қўяди. Бундай тажрибани кўп йиллаб “оқимга қарши сузган” советик социализм тажрибаси очик-ойдин кўрсатиб берди. Тарих тажрибаси инсоният ривожланишининг муқобиллари турли-туман бўлиб, уларни қаттиқ иқтисодий ва синфий детерминизм билан чиқиша олмаслигини атрофлича исботлаб берди.

## 5. Сиёсий етакчилик хусусиятлари ва етакчиликни аниқлаш

Етакчилик кенг объектив асосларга эгадир. Унга ўхшаш ҳодисалар нафақат жамиятда, балки табиатда, жонзотлар ўртасида ҳам рўй беради. Бунда доимо кучли, нисбатан ақлли бошлиқ ажралиб чиқиб, ёзилмаган биологик дастурлаштирилган қонунларга мувофиқ тўдаларга раҳбарлик қилади. Бу ҳодиса мураккаб ташкил этилган тизимнинг объектив эҳтиёжларига асосла-

---

<sup>271</sup> Основы политической науки. Учебное пособие. Под ред. В. П. Пугачева. Часть I. – Москва: МГУ, 1996. – С. 185-187; Баранов Н. А., Пичков Г. А. Теория политики [http://read.virmk.ru/b/BARANOV\\_POLITICA/index.htm](http://read.virmk.ru/b/BARANOV_POLITICA/index.htm).

нади. Унга, авваламбор, ўз ҳаётий ва функционал қобилиятларини таъминлаш мақсадида тизимнинг алоҳида унсурлари ҳуқуқини тартибга солиш ва ўзини ўзи уюштириш эҳтиёжлари таъминлуқлидир. Бу каби тартибга солиш вертикал (бошқариш-бўйсуниш) ва горизонтал (коррелятив бир хил даражадаги алоқалар) равишдаги функциялар ва ролларни тақсимлаш, уларнинг тизимларини самарали равишда амалга ошириш учун иерархияли ва пирамидали ташкиллашиш талабларини амалга оширади. Бу каби бошқарув пирамидасининг чўққиси сифатида етакчи намоён бўлади.

Етакчилик қилиш вазиятини аниқ ажралиб туриши атроф муҳит билан ўзаро муносабатларда бўлган, тизимни ташкил этадиган бирликлар турига боғлиқдир. Паст даражада гуруҳий интеграциялашган тизимларда ва юқори даражали автономияга эга бўлган ташкилотларда, шунингдек алоҳида унсурлар эркинлиги юқори бўлган муҳитда етакчи функциясининг ифодаланishi кучсиз ҳолда кечади. Тизимлар ва одамларнинг мураккаб тарзда ташкил топган жамоавий ҳаракатларга нисбатан эҳтиёжларининг ўсиши, шунингдек, бу эҳтиёжларни жамоавий мақсадлар шаклида англашнинг кучайишига боғлиқ ҳолда етакчи функциясининг хусусиятлари, унинг тузилмалари ва институтлашиш даражалари ҳам ошиб боради.

Етакчилик қилувчи вазиятларнинг институтлашуви расмий етакчилик тушунчасида ўз ифодасини топди. Унда алоҳида олинган шахсларнинг ташкилот аъзоларига нисбатан устувор тарзда таъсир кўрсата олиши ва бу жараён ижтимоий иерархия қонуниятларига асосланган меъёрлар ва қоидалар асосида рўй бериши кузатила бошланди.

Инсоннинг етакчилик ролини бажаришдаги субъектив қобилияти ва тайёрлиги, шунингдек, гуруҳ (ташкилот, жамият) аъзолари томонидан унинг раҳбарлик қилиш ҳуқуқининг эътироф этилиши норасмий етакчилик тушунчаси билан характерланди. Кичик гуруҳларда бевосита муносабатларнинг устуворлиги сабабли ҳам етакчилик вазиятларининг институтлашуви рўй бермаслиги, бунда биринчи ўринга етакчиларнинг шахсий сифатлари, уларнинг гуруҳни бирлаштириш ва эргаштириш қобилиятлари чиқиши аниқланди. Жамоавий хатти-ҳаракатлар аниқ функционал-рол дифференциясини ва ихтисослашувини талаб қиладиган йирик бирлашмаларда, шунингдек, бошқарувнинг

текорлиги ва бўйсунининг қаттиқ ва кучли бўлиши лозим бўлган гуруҳларда етакчилик қилувчи вазиятларнинг институт-лашуви ва расмийлашуви тезлик билан рўй беради, етакчиларга нисбатан кўпроқ ҳокимият ваколатлари берилади.

Шу каби бирлашмалар фаолиятлари турлари сиёсатга тааллуқлидир. Уларда муттасил сиёсий муҳолифатнинг қарши ҳаракатини ўзида ҳис қилган ва ўз олдига маълум бир аниқ англаган мақсадларни қўйган кўп сонли омма фаолият кўрсатади. Бу каби ҳолатларда сиёсий етакчилик алоҳида ва устувор аҳамият касб эта бошлайди. Сиёсатда ижтимоий тизим ва унинг тузилма-ларини ўзини ўзи ташкиллаштириш ва омма фаолиятини тартибга солиш эҳтиёжларини қондириш етакчиларнинг индивидуал сифатларига нисбатан (бу ўта муҳим бўлса ҳам!) кўпроқ ҳоки-мият институтларининг кучи ва таъсирига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам сиёсий етакчиликнинг бу каби муҳим хусусиятларини татибордан четда қолдириб бўлмайди<sup>272</sup>.

*Етакчиликни аниқлаш.* Сиёсий фанлар тизимида сиёсий етак-чи тушунчасини талқин қилишда кўплаб ёндашувлар шакллан-ди. Уларнинг энг асосийлари қуйидагилардан иборатдир:

1) Етакчилик – бу кўпчилик эмас, балки бир шахс ёки шахс-лар гуруҳини ифодалайдиган, юқоридан пастга йўналтирилади-ган хусусиятга эга бўлган ҳокимият кўринишларидан биридир. Сиёсий етакчилик, – деб ёзади Ж. Блондель, – бу «миллат аъзолар-нинг уйғотиш учун битта ёки бир неча индивидлар амалга оши-радиган ҳокимиятдир». Шунингдек, «етакчилик, – деб ёзади яна бир сиёсатшунос Л.Эдингер, – бошқалар устидан таъсир, авто-ритет, ҳокимият ва назорат юритишдир». Лекин ҳар қандай таъ-сир ҳам етакчиликни таъминлай олмайди. Унинг учун учта хусу-сият характерлидир: биринчидан, таъсир муттасил бўлиши ке-рак. Сиёсий жараён ёки мамлакат тарихига (бу таъсир катта бўлса ҳам!) бир марта таъсир ўтказган шахсни сиёсий етакчи, деб бўлмайди. Иккинчидан, етакчининг раҳбарлик таъсири бу-тун бир гуруҳга, ташкилотга, жамиятга дахл этиши лозим. Учин-чидан, сиёсий етакчининг таъсир этишдаги ошкора устунлиги уни бошқалардан ажратиб туриши лозим;

---

<sup>272</sup> Основы политической науки. Учебное пособие. Под ред. В.П. Пугачева. Часть I.—Москва: МГУ, 1996.—С.187-189.

2) Етакчилик – бу бошқарув мақоми, раҳбарлик лавозими, ҳокимият қарорини бажариш билан боғлиқ ижтимоий вазиятдир. Бундай талқин жамиятни вазият ва ресурсларнинг мураккаб иерархияли ташкил топган тизим, деб қарайдиган тузилмавий-функционал ёндашув учун тааллуқлидир. Бошқарув функцияларини бажариш билан боғлиқ тизимда вазиятларни эгаллаш инсоннинг етакчилик мақомини таъминлайди. Сиёсатшунос Л.Даунтон сўзи билан айтганда, етакчилик – бу “жамиятдаги мавқе бўлиб, у бу мавқени эгаллаган шахннинг жамият аъзолари ёки уларнинг бир қисмини жамоавий хулқини йўналтириш ва уюштириш қобилияти билан характерланади”;

3) Сиёсий етакчилик – сиёсий ишбилармонлар ўзаро рақобатли курашларда ўзларининг ижтимоий вазифалари дастурлари ва усулларини раҳбарлик мансабларига алмашадиган майдондир (Ж.Оппенгеймер, Н.Фролих ва бошқ.). Лекин бундай талқин фақат демократик ташкилотлар (давлат, партия ва ҳоказо) учун хосдир;

4) Сиёсий етакчи – гуруҳнинг сиёсий хулқи намунаси ва унинг бирлиги тимсолидир, гуруҳ манфаатларини ҳокимият ёрдамида амалга оширувчи қобилият соҳибидир. Сиёсий раҳбарлик сиёсий етакчиликдан фарқ қилиб, «ҳукмронлик – бўйсуниш муносабатларининг етарли даражада қаттиқ ва андозалар тизимига солинган жараёндир»<sup>273</sup>. Умуман сиёсий етакчилик фуқаролик жамияти қураётган Ўзбекистон жамияти учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Давлат сиёсий тизимида сиёсий етакчиликнинг демократик тамойилларини ўрнатиш энг долзарб вазифалардан биридир.

Ҳозирги давр сиёсатшунослигида сиёсий етакчиликка доир қатор назариялар шаклланган. Уларни ўрганиш ва умумлаштириш асносида сиёсий етакчининг тўлиқроқ қиёфасини тасаввур этиш учун имкониятлар пайдо бўлади. Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборатдир:

---

<sup>273</sup> Основы политической науки. Учебное пособие. Под ред. В.П.Пугачева. Часть I. – Москва: МГУ, 1996. –С.189-191; Баранов Н.А., Пикалов Г.А. Теория политики [http://read.virmk.ru/b/BARANOV\\_POLITICA/index.htm](http://read.virmk.ru/b/BARANOV_POLITICA/index.htm).

• *сифатлар назарияси*. Етакчилик – етакчининг алоҳида сифатларидан (тафаккури, иродаси, куч-ғайрати ва бошқ.) пайдо бўладиган феномен;

• *вазиятли назария*. Етакчилик – шарт-шароитлардан келиб чиқадиган вазиятли функция. Етакчининг сифатлари аҳамиятинингкор этмаган ҳолда шарт-шароитларга устуворлик берилганда, шахснинг фаоллигини унчалик эътиборга олмайди;

• *психологик концепцияларга* (З.Фрейд ва бошқ.) биноан етакчилик асосида кўпроқ онгсиз равишдаги жинсий характерларга ўхшаш майлликлар ётади;

• *конституентлар назарияси*. Етакчилик – етакчининг ўз муҳитлари ичидан уни қабул қилувчилар ёки рад этувчиларни эргаштиришлари кутиш функцияси;

• *интегратив таҳлил* – етакчининг ҳамма компонентларидан фойдаланган ҳолда етакчиликни мажмуавий тадқиқ этишни амалга ошириш.

Шу билан бирга, ҳозирги давр сиёсатшунослик фани сиёсий етакчининг қатор асосий *белгилари* ва муҳим таснифларини ажратиб кўрсатади:

-хусусий янги ва замонавий дастурлари ёки стратегияси ва сиёсий йўлининг мавжудлиги;

-у ёки бу ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш қобилиятининг мавжудлиги;

-ўз дастурини ва ўз тарафдорларини бирлаштиришни амалга ошириш фаолиятида намоён бўладиган характерининг маълум белгиларига (қатъиятли эканлиги, иродалилиги, жасурлиги, уд-дубуронлиги, киришимли эканлиги ва бошқ.) эга бўлиши;

-сиёсий маданиятининг юксаклиги;

-мавжуд жамият ёки гуруҳда қабул қилинган ахлоқий меъёрлар талабларига жавоб бера оладиган раҳбарлик имижига;

-оммабошлиги, нотиклик қобилияти;

-ўз атрофида ўзига содиқ ва профессионал одамлардан иборат гуруҳни (командани) йиға олганлиги;

-халқ оммаси ва ҳокимият тузилмалари томонидан қўллаб-қувватлайдиган кучларнинг мавжудлиги;

-ўз тарафдорлари ёки сайловчиларига ўхшаш олиши, монандлик даражаси.

Шу билан бирга, сиёсатшунослик фанида сиёсий етакчиларнинг қуйидаги турлари *таснифлаштирилган*:

1. *Авторитет тури бўйича:* а) анъанавий; б) анъанавий-ош-кора (легал); в) харизматик;

2. *Раҳбарлик услуби бўйича:* а) авторитар; б) демократик; в) либерал;

3. *Таъсир этиш характери бўйича:* а) конструктив; б) деструктив;

4. *Таъсир этиш шакли бўйича:* а) расмий; б) норасмий;

5. *Етакчининг имижига боғлиқ равишда:* а) етакчи – байроқдор; б) етакчи – хизматчи; в) етакчи – савдолашувчи; г) етакчи – ўт ўчирувчи.

Сиёсий етакчининг *функциялари* эса қуйидагилардан иборат:

-*интегратив:* жамият томонидан эътироф этилган таянч қадриятлар ва идеаллар асосида турли гуруҳлар ва манфаатларни бирлаштириш ва келиштириш;

-*истиқболни мўлжаллаш:* аҳоли гуруҳлари эҳтиёжлари ва тараққиётга мойилликларни ифодалайдиган сиёсий йўлни ишлаб чиқиш;

-*воситавий (инструментал):* жамият олдига қўйилган вази-фаларни амалга оширишнинг йўллари ва усуллари аниқлаш ҳамда ишлаб чиқиш;

-*сафарбар этиш (мобилизациявий):* аҳоли учун самарали рағбатлар топиш ёрдамида уларни зарурий ўзгаришларга сафарбар қилиш, жалб этиш;

-*коммуникатив:* фуқароларнинг ҳокимиятдан бегоналашмаслиги олдини олиш мақсадида ҳокимият билан омма ўзаро алоқаларини қўллаб-қувватлаш;

-*адолат, қонунийлик ва тартибот кафолати бўлиши*<sup>274</sup>.

Кўриниб турибдики, сиёсий етакчилик тарихий ривожланиш ҳосиласи сифатидаги мураккаб ҳодисалардан бири бўлиб, унинг турли-туман қирраларини фақат сиёсатшунослик фани восита-сида тўлиқ ўрганиб бўлмайди. Уни сиёсий ва ижтимоий психология, маданиятшунослик, иқтисодий ва социология фанлари ўзаро ҳамкорлигида чуқур тадқиқ этиш мумкин.

---

<sup>274</sup> Батафсилроқ қаранг: Колташов В. Г. Политическое лидерство // [http://lit.lib.ru/k/koltashow\\_w\\_g/](http://lit.lib.ru/k/koltashow_w_g/).

## 6. Ўзбекистонда замонавий элита ва етакчиларни шакллантириш жараёни

1991 йил 31 августдан эътиборан Ўзбекистон миллий мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин таллади. Мамлакатда олдинги тузумга нисбатан бутунлай янги бўлган ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш вазифаларни белгиланиб, демократик мезонлар талабларига жавоб берадиган элита қатлами ва етакчиликни шакллантириш ислохотлар кун тартибига қўйилди. Мамлакатни ўтиш даври босқичига кириши, бутунлай янги сиёсий тизимни шакллантиришга доир ислохотларни бошланиши, Ўзбекистонни жаҳон интеграциясига кириб бориши сиёсий элитани шакллантиришга доир талабларни кучайтирди, бу соҳада давлат ва ҳукумат олдида катта вазифалар қўйилди. Бу соҳа долзарб масалалардан бири сифатида аҳамият касб эта бошлади. Президент И.А.Каримов бу соҳадagi вазифалардан бири сифатида давлатларнинг ўзаро ҳамкорлик мажбурияти ошиб бораётган "...ўта мураккаб замонда, олдинги даврларга нисбатан раҳбарлик ва етакчилик вазифасининг кундан-кунга масъулияти ошиб бораётгани, ...ҳар қандай идорани ташкилот, корхонада аввало биринчи раҳбарнинг масъулияти, аҳамияти ва моҳияти алоҳида ўрин тутиши, ...кенг қамровли тайёргарлиги ва дунёқараши"<sup>275</sup> муҳим аҳамият касб этаётганлигини таъкидлаган эди.

Собиқ иттифоқ давридаги элитани шакллантириш билан боғлиқ бўлган кадрлар тайёрлаш тизимида бошқарувнинг маъмурий-қўмондонлик усули қўлланилиши натижасида жуда ҳам қўноқ хатоликлар ва камчиликлар рўй берган эди. У пайтда элита фақат юқоридан келган вазифаларни бажарар, уларни мустақил равишда ҳаётда пайдо бўладиган муаммоларни ҳал этишига йўл қўйилмас эди. Раҳбар кадрларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш жараёни аксарият ҳолларда тактикавий мақсадларга бўйсундирилган бўлиб, у субъектив ҳолда ва чекланган характерда амалга оширилар, бу жараёнда асосан олий элита – партиянинг юқори даражадаги раҳбарларининг қараш-

<sup>275</sup> Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – Б. 282-283.



лари ва кўрсатмаларига амал қилинар эди, холос. Мабодо, муайян мансабга муқобил номзод сифатида ходимлар номзоди муҳокамага қўйилган пайтда унинг бирон-бир сифати партия раҳбарлари мақсадига зид келиб қолса, номзод қанчалик интеллектуал салоҳиятга эга бўлмасин, бу мансабга тайинланмас эди.

Мустақиллик туфайли мамлакатда якка мафкура ва ягона партия ҳокимлиги тизимига барҳам берилди. Эскича сиёсий элитани шакллантириш йўли – кадрлар тайёрлашнинг синфий-партиявий, мафкуравий тамойиллари ўрнида энди янги, инсоний маффаатлар, эркинлик устуворлиги каби демократик қадриятларга муҳим эътибор берилди бошланди. Янги қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас”<sup>276</sup>, деган қонун билан белгилаб қўйилиши натижасида бир хил мафкуравий дунёқарашга эга бўлган, бир қолипга туширилган сиёсий элита тизимига барҳам берилди. Шу тариқа мамлакатда сиёсий элита – раҳбар ва бошқарув кадрларини шакллантиришнинг янги тизимига асос солинди. Энди ана шу янги тизимда амал қилишга хос ва мос бўлган демократик ижтимоий ҳаёт, бозор иқтисодиёти қонуниятлари ва бошқарувнинг номарказлаштириш талабларига жавоб бера оладиган, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланадиган сиёсий элитани шакллантириш ислоҳотлари бошланди. Бу собиқ иттифоқ давридаги элитани шакллантириш моделидан тубдан фарқ қилар эди.

Мустақиллик даврида замонавий элитани шакллантиришга қаратилган давлатнинг кадрлар сиёсатини янада такомиллаштириш ва демократлаштириш асосан қуйидаги йўналишларга қаратилди:

-мамлакатда кадрларнинг интеллектуал салоҳиятидан, барча меҳнат ресурсларидан юксак даражада самарали фойдаланиш, уларнинг сифатини ва самарадорлигини кескин ошириш;

---

<sup>276</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. –Б. 5.

ҳар бир кадрнинг, шунингдек, давлат хизматчисининг профессионал юксалиши ва юқори лавозимларга кўтарилиши, улар муҳлат фаолиятининг сифати, самарадорлиги ва салоҳиятини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш.

Жамият ва давлат бошқаруви соҳасида замонавий элита ва етакчиларни шакллантириш энг муҳим ва долзарб вазифа сифатида давлат ва ҳукуматнинг доимий диққат-эътиборида бўлди. Агар Президент И.А.Каримовнинг барча асарлари тўпламидаги кадрлар билан боғлиқ кўтарилган масалалар диққат билан кўздан кечирилса, уларда элита ва етакчиларда (бошқарув кадрларида) куйидаги умуминсоний қадриятларга доир сифатларни ривожлантиришга муҳим эътибор берганлигини кўрамиз: раҳбарликка мослиги; масъулиятни ҳис этиш даражаси; садоқати, мустақилликка бўлган ишончи; собиқ тоталитар тузумга бўлган муносабати, унинг асоратларидан тўғри хулоса чиқара олиши; таъкилотчилик қобилияти; мустақиллик давридаги вазифаларни амалга оширишда халқ билан ўзаро ҳамкорликда иш юритиши; ўз атрофида соғлом кучларни тўплаши ва уларга таяниши; расмийликка берилмаслиги; ўз билиминини, малакасини мунтазам равишда ошириб боришга мойиллиги; янгича тафаккур тарзига эгаллиги, фикрлар хилма-хиллигини эътироф этиши; ўзгалар фикрини диққат билан эшита олиш қобилияти ва бошқалар фикрини ҳурмат қилиши; ўз манфаатини бошқа инсонлар манфаатлари билан уйғун кўриб, «элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган» фидойи бўлиши.

Мустақиллик даврида давлат бошқарувида раҳбар кадрлар сиёсий тафаккуридаги кескин ўзгаришлар учун шарт-шароитлар яратишга муҳим аҳамият берилди: 1) коммунистик мафкура ва дунёқарашдан воз кечилди; 2) миллий давлатчилик асослари ҳам демократик қадриятлар, ҳам миллий ғоя негизида яратила бошланди; 3) ҳуқуқий давлатга хос ва мос бўлган сиёсий, иқтисодий, маънавий-мафкуравий ўзгаришлар амалга оширила бошланди; 4) фуқаролик жамияти қуриш ислоҳотлари бошланди; 5) жамиятдаги барча ижтимоий қатламлар манфаатларини ифодалашга қодир бўлган икки палатали парламент шакллантирилди; 6) ҳукуматнинг икки томонлама масъулият асосида — мамлакат Президенти ва парламент назорати остида фаолият юритиши йўлга қўйилди; 7) сиёсий партияларнинг жамиятдаги ва давлат бошқарувидаги роли кучайтирилди ва ҳоказо.

Шунингдек, бу даврда “ҳақиқий етакчи” раҳбар билан “маъмуриятчи” раҳбар ўртасида фарқланишлардан келиб чиқиб, кадрларда замонавий етакчига хос бўлган сифатларни шакллантиришга устувор вазифа сифатида ёндашилди: 1) ҳақиқий етакчи кишиларнинг манфаатларини эътиборга олган ҳолда меҳнат қилишга сафарбар қилади, ўз ортидан эргаштиради ва меҳнат жамоаси ҳаёти учун қайғуради. Маъмуриятчи раҳбар эса давлат ва жамият манфаатларига нисбатан кўпроқ ўз манфаатларини қондиришга ҳаракат қилади; 2) ҳақиқий етакчи раҳбар ўз атрофидагилар билан тез ва осон тил топиша олади, маъмуриятчи раҳбар эса одамлар жамоасига қўшилмаслиги боис ҳам оммадан ажралиб қолади, натижада уларни жамият мақсадлари сари сафарбар эта олмайди; 3) ҳақиқий етакчи раҳбар кўпроқ жамоа ичида бўлади, жамоа аъзоларининг ҳаёти, ташвишлари ва муаммоларидан огоҳ бўлиши боис, уларда кўтаринкилик кайфиятларини уйғотиш имкониятларига эга бўлади, маъмуриятчи раҳбар эса ўз хонасидан чиқмасдан буйруқлар бериш билан вақт ўтказиши туфайли ҳақиқий ҳаётдан узилиб қолади; 4) етакчи раҳбар бошқалар билан кенгашади, бошқалар фикри билан ҳисоблашади, иш жараёнида уларни инобатга олади, маъмуриятчи раҳбар эса фақат ўзи гапириб, бошқаларни қулоқ солишга мажбур қилгани боис, жамоа аъзолари ишга ижодий ёндаша олмайди, натижада жамоа боши берк кўчага кириб қолади; 5) етакчи раҳбар ўз атрофидагилар билан горизонтал муносабатларда бўлишга интилади, маъмуриятчи раҳбар ўзига бўйсунувчилар билан вертикал алоқалар қилишга мойил бўлгани учун жамоа томонидан старлича қўллаб-қувватланмайди; 6) етакчи раҳбар барча масъулиятни ўз зиммасига олишдан қўрқмайди, маъмуриятчи раҳбар барча ишларни ўринбосарлари ва ходимлар устига юклашга уринади; 7) етакчи раҳбар ўз атрофидаги одамларга ишонч билан қарайди, маъмуриятчи раҳбар эса кўпроқ ўзидан юқоридаги раҳбарларга ишонади.

Мустақиллик даврига келиб вакиллик органларига сайланувчи номзодлар муқобиллигини ўрнатилиши, бир вақтнинг ўзида бир неча сиёсий партиялардан номзодлар кўрсатилиши, шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг бир неча муқобил номзодлар ичидан сайланиши амалиётини жорий этилди. Раҳбар лавозимдаги раҳбар кадрлар фаолиятини баҳолашнинг турли социологик усуллари ҳаётга жорий этилди.

100 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлар ташкил топиши натижасида фуқаролик жамиятига хос бўлган етакчиларнинг янги тури пайдо бўлиб, уларнинг турли давлат органлари ва жамоат институтлари билан ўзаро муносабатлари кучайиб бориши натижасида мамлакатда элита ва етакчилик институтининг янги ижтимоий таянчи ва манбаи шаклланди.

Айниқса, мустақиллик даврида Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури"нинг қабул қилиниши натижасида сиёсий элита ва етакчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, улар фаолиятини демократик қадриятлар асосида бўлга қўйиш, бошқарув самарадорлигини оширишнинг янги механизмлари ва ресурслари шаклланди. Бу дастурнинг устувор мақсади сифатида қуйидагилар белгиланди:

"Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини, жамиятнинг маънавий янгиланишини, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришни, таълим ҳамжамиятига қўшилишни таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамияти қурмоқда. Инсоннинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий ҳуқуқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир".

Бу дастур асосида Кадрлар тайёрлаш миллий модели ҳаётга татбиқ этила бошланди. Унда қуйидаги йўналишлар бўйича ривожланиш жараёнлари белгиланган эди: 1) шахс; 2) давлат ва жамоат; 3) узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш принциплари; 4) узлуксиз таълимни ислоҳ қилиш йўналишлари; 5) узлуксиз таълим тизими ва турлари; 7) мактабгача тарбия; 8) умумий ўрта таълим; 9) ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими; 10) олий таълим; 11) олий ўқув юртидан кейинги таълим<sup>277</sup>.

<sup>277</sup> Қаранг: Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Тошкент, 1997. –Б. 32.

Мамлакатда “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили асосида элита қатламини фақат давлат бошқаруви соҳасидагина эмас, балки фуқаролик жамияти институтларини ўзларини мустақил бошқариши соҳасида ҳам шаклланишига муҳим эътибор берилди. Шу мақсадларда нодавлат нотижорат ташкилотлар сони ва қўлами кенгайиб боришига мутаносиб тарзда давлат бошқаруви соҳасидаги кадрлар сонини қисқартириш йўли тутилди. Давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари бошқаруви аппарати сони ва уларнинг молиявий таъминоти харажатларининг қисқариши натижасида бу даражадаги бошқарув органларининг баъзи ваколатлари бошқарувнинг қўйи органларига ўтказилди, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг бошқарувдаги ролини оширишга доир шарт-шароитлар яратила бошланди. Бу соҳада мамлакат Президенти ва ҳукумат томонидан кўрилган чоратадбирлар натижасида фақат 2004 йилнинг ўзида давлат ва хўжалик бошқаруви органларидаги раҳбар кадрлар ва хизматчиларнинг сонини 40 минг кишига келтирилди ёки 22 фоизга қисқартирилди. Бу каби жараёнлар ҳозир ҳам давом эттирилмоқда. Раҳбар кадрлар ва хизматчилар сонининг қисқартирилиши натижасида кейинги даврларда ҳар йили 40,5 млрд. сўмлик маблағни тежаш имконияти туғилди. Мазкур қисқартирилишлардан кейин бошқарув кадрларининг сони ҳар минг кишига 6,1 кишини ташкил этиб, уларнинг умумий сони меҳнат билан банд аҳолининг фақат 1,6 фоизини ташкил этди. Мамлакат бу соҳада МДХ мамлакатлари ўртасида энг яхши кўрсаткичларга эришди. Агар бу кўрсаткични тегишли равишда МДХдаги йирик давлатлар билан таққослаганда қуйидаги манзарани кузатиш мумкин: Қозоғистонда – 19,2 ва 3,4; Украинада – 20 ва 4,5; Россияда – 22,1 ва 3,9.

Замонавий элита ва етакчиларни шакллантириш мақсадларини ўзида ифодалаган давлатнинг кадрлар сиёсати – умумдавлат даражасида кадрлар билан ишлашнинг стратегияси ва давлат дастури, миллий кадрларни шакллантириш, ривожлантириш ҳамда улардан фойдаланишга, барча меҳнат захираларини қўллашга, шу билан бирга, халқ иродасини ифода этишга қаратилган стратегиядир. Бу сиёсат кадрлар тайёрлаш жараёнлари ва муносабатларини ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш борасидаги мақсадлар, вазифалар, устувор йўналишлар ва та-

таълимчиларнинг ўзига хос миллий тизимидир. Бу таълимчилар, ўз навбатида, кадрларни баҳолашнинг асосий мезонларини, шунингдек, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, ҳаммакат кадрлар салоҳиятидан оқилона фойдаланишнинг асосий йўллариини белгилаб берди.

**Тикрорлаш учун саволлар:**

1. «Сиёсий элита» деганда нимани тушунаси?
2. Элиталарнинг қандай классик ва замонавий назариялари шаклланган?
3. Сиёсий элиталарнинг функциялари ва белгилари нималардан иборат?
4. «Сиёсий етакчилик табиати» деганда нимани тушунаси?
5. Сиёсий етакчилик қандай хусусиятлар касб этади?
6. Ўзбекистонда замонавий элита ва етакчиларни шакллантириш жараёни қандай кечмоқда?

## 11-МАВЗУ. СИЁСИЙ ЖАРАЁН ВА СИЁСИЙ ИШТИРОК

1. Сиёсий жараён тузилмаси ва характери.
2. Сиёсий жараёнлар таснифи.
3. Сиёсий иштирок.
4. Сиёсий қарорлар қабул қилиш.
5. Ўзбекистонда сиёсий жараёнларни демократлаштириш ислоҳотлари.

### 1. Сиёсий жараён тузилмаси ва характери

Сиёсий фанлар сиёсатни тушунтириш ва ўрганишнинг турли хил усулларидан ташқари уни йўналишлар ва қисмларга бўлиб ўрганиш имкониятига ҳам эгадир. Шу маънода “сиёсий жараён” сиёсатшуносликнинг “сиёсий тизим”, “сиёсий маданият” ва бошқа муҳим йўналишларига доир тушунчалари билан бир қаторда ижтимоий ҳаётнинг мураккаб соҳасини характерлайди. “Жараён” тушунчасининг луғавий маъноси (лот. processus—процесс) “олдинга ҳаракат”ни англатиб, сиёсий фанларда “қандайдир ҳолат ёки ҳодисани изчил қонуниятли равишда ўзгариши”<sup>278</sup> деб тушунилади.

Сиёсий жараённинг муҳим ўзига хос хусусияти шундаки, у етакчиларнинг назарий тасаввурлари асосида ёки фанда кўрсатилган йўл-йўриқларга мувофиқ равишда эмас, балки мавжуд воқеликни ифодалашга қаратилган бўлиб, бу жараёнда ҳокимият институтлари фаолияти, фуқаролар ва гуруҳлар сиёсий ҳуқуқнинг турли турлари уйғунлашуви содир бўлиб, уларнинг бир йиғиндига тўпланиш ҳодисаси юз беради. Шунингдек, сиёсий жараён ўз ичига муттасил равишда ҳодисалар оқимиغا янгидан янги, бетакрор, бир-бирини инкор этувчи анъаналар ва кўплаб яна бошқа омилларни қўшиб туради. Сиёсий жараёнда давлат билан муносабатларга киришиб турувчи, баъзан эса ўз аҳамиятли сиёсий манфаатларини негадир инкор этувчи тирик инсонлар ўзларини олдиндан қолипга тушиб қолган сифатларини сақла-

---

<sup>278</sup> Қаранг: Локшина С.М. Краткий словарь иностранных слов. - 10-е изд., стер. - Москва: Рус.яз., 1988. - С.406.

бу ҳолда ҳаракатда бўлади. Шунинг учун ҳам сиёсий жараён ҳодисаларининг ривожланиш силсиласида ўзини олдиндан маълум қилмайди.

Сиёсий жараён сиёсатнинг мазмунини унинг субъектлари қарор қилишлари ижросининг турли шакллари воситасида очиб беради. Бунда ролларни амалга ошириш сиёсий тизимнинг баъзи элементларини такроран намоён бўлиб туришини, бошқаларининг бўлиб кетишини, сиёсий тизимнинг яна бир қисми унсурларини ривожлантиришни ёки янгисини яратишни ўзида намойиш этади. Шу тарзда, сиёсий жараён сиёсий тизимнинг ташқи ёки ички ўзгаришларини очиб беради, унинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишини ўзида характерлайди. Шунинг учун сиёсий жараён, умуман олганда, сиёсий тизимнинг ҳаракати, ўзгариш суръати ва динамикасидаир. Шу билан бирга, у сиёсий тизимнинг маконда ва вақтондаги ўзгариш ҳолатларини ҳам очиб беради. *Сиёсий жараён* – жамият сиёсий тизимини ўзгартиришга, ривожлантиришга (ёки инқирозга) олиб борувчи, ҳокимият доирасида институтланган ва институтлашмаган субъектларнинг ўзига хос функцияларини амалга оширишга доир хатти-ҳаракатлар мажмуасининг ифодаланишидир <sup>279</sup>.

Албатта, сиёсий жараённи тадқиқ этишда унинг турлича талқинларини эътиборга олиш лозим. Сиёсий жараён қандай мамлакатда кечмоқда, у қайси даврда таҳлил этилмоқда, уни қайси мактаб вакиллари тадқиқ этмоқда каби саволларга жавоб бериш натижасида бу тушунчани турли талқинларда ифодалаш сабабини тушуниш мумкин.

Сиёсатшунос олим Ю.В.Ирхиннинг келтиришича, сиёсий жараён жамиятда сиёсий ҳокимиятни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсий ҳодисалар ва воқеаларнинг изчил равишда ўзаро ички боғланган занжири, шунингдек, турли сиёсат субъектларининг изчил хатти-ҳаракатлари жамланмасидир. Сиёсий жараён – бу муайян сиёсий мақсадларни кўзловчи ижтимоий birlikлар, ижтимоий-сиёсий гуруҳлар ва ташкилотлар, алоҳида шахсларнинг изчил, биргаликдаги умумий фаолиятидир; тор маънода – ижтимоий ва институтцио-

<sup>279</sup> Основы политической науки. Учебное пособие. Под ред. В.П.Пугачева. Часть II. – Москва: МГУ, 1996. – С.139-140.



нал сиёсат субъектларининг муайян вақтлар оралиғидаги муайян даврада сиёсий қарорларни амалга ошириш билан алоқадорлиги ва муайян бир мақсадга қаратилган фаолиятидир.

Умуман олганда, сиёсий жараён: муайян сиёсий мақсадларни амалга оширишга интилаётган турли сиёсий кучлар (сиёсий субъектлари) ва оқимларнинг хатти-ҳаракатлари йиғиндисидир сиёсий ҳодисаларнинг ривожланиб боришидир; макон ва замонда тадрижий ривожланиб бораётган муайян жамият сиёсий тизимининг амал қилиш шаклидир; ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқалардан фарқли бўлган ижтимоий жараёнлардан биридир; муайян миқёсдаги жараён охириги натижасининг аниқ ва равшан белгисидир (инқилоб, жамиятни ислоҳ этиш, сиёсий партияни янгилаштириш, сайлов кампанияси ва ҳоказо) <sup>280</sup>.

Сиёсий жараён ҳокимият субъектларининг ўзига хос роллари ва функцияларини бажаришини таъминлаб, бутун бир сиёсий ҳаётнинг функционал тавсифи сифатида намоён бўлади. У ҳокимият субъектлари, соҳиблари ва институтларининг ўз ҳуқуқлари ва алоҳида ваколатларини сиёсий соҳада амалга оширишлари га доир хатти-ҳаракатлар йиғиндисидир. Сиёсий жараёнда турли-туман сиёсат субъектлари ва омиллар ўзаро хатти-ҳаракатларда бўлади, натижада жамият сиёсий соҳасида ислоҳотлар ва ўзгаришлар амалга ошади.

Таниқли инглиз олими Э.Хейвуднинг фикрича, “сиёсий жараён” тушунчаси ижтимоий (давлат, ҳукумат) сиёсати “яратилган” механизмга тааллуқлидир. Унингча, сиёсат ишлаб чиқаришни жараён сифатида икки хил маънода тушуниш мумкин. Биринчидан, у тадбир ёки хатти-ҳаракатнинг кетма-кет изчиллиги ҳақида бўлиши мумкин. Бу жанр у ёки бу ғоя туғилишидан бошланиб, унинг дастлабки расмийлашуви, муҳокама, таҳлил ва баҳолаш сифатида давом этиши, расмий қарорлар қабул қилиш, олдиндан ўйланган муайян хатти-ҳаракатлар воситасида уларни амалга оширилиши билан тугалланади. Иккинчидан, жараён сиёсат ишлаб чиқиш воситаси ҳамдир <sup>281</sup>.

---

<sup>280</sup> Ирхин Ю.В., Зотов В.Д., Зотова Л.В. Политология: Учебник. –М.: Юристъ, 2002. –С.370-371.

<sup>281</sup> Хейвуд Э. Политология: учебник для студентов вузов / Пер. с англ. под. ред. Г.Г.Водолазова, В.Ю.Бельского. –Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. –С.489.

Маълумий нуқтаи назардан қараганда, сиёсий субъектларнинг фуқароликларини амалга ошириши – бу жамиятда рўй бераётган ҳолатнинг ресурсларининг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши, фуқароларни сиёсий сафарбар этишни амалга ошириши, сиёсий элита усгидан назорат қилиши, шунингдек ижтимоий гуруҳлар ва фуқаролар сиёсий фаоллиги каби турли хатти-ҳаракатларда ифодаланади. Бу жараёнда сиёсий субъектларнинг фақат яқинда янги режимлар томонидан тан олинган ёки рағбатланган бўлган қисмигина эмас, балки нолегал характер касб қилган қисми фаолияти ҳам бу жараёнда иштирок этади. Шунинг учун ҳам, баъзан турли фитна, террор бошқа нолегал каби ҳолатларда иштирок этаётган гуруҳлар сиёсий жараёнга таъсир кўриши мумкин. Улар жамият учун тизимдан ташқарида ва одатдан сиёсий ҳаётнинг чекка жойларида яшашга ҳаракат қилади. Шу билан бирга, кўпинча ана шу каби ёки бошқа субъектларнинг сиёсий хулқлари пировард натижада ички эҳтиёжлардан келиб чиқиб бир-бирлари билан бирлашади. Масалан, бу ҳолатни давлат ҳокимияти қабул қилаётган сиёсий қарорларга таъсир кўриши ҳолатида кузатиш мумкин. Шунинг учун ҳам сиёсий жараённинг марказий муаммоси, бу – мураккаб умумжамоавий мақсадларнинг (ёки жамиятнинг сиёсий иродаси сифатида) ўзлари ва тегишли равишда ифодаланган ва фуқароларнинг турли манфаатларини интеграция қилувчи сиёсий қарорлар қабул қилиш ва уни амалга оширишдир.

Умумжамоавий мақсадлар ҳокимият институтлари ва расмий органлари, манфаатлар гуруҳлари (турли нодавлат ноижорат ошканиотлар), шунингдек, жамоатчилик механизмлари (касаба ошканиотлари, оммавий ахборот воситалари ва ҳоказо) хатти-ҳаракатларининг кесишган (ёки бир-бирига мувофиқ келган) жойларида шаклланади. Бу муносабатларда бош ролни ўйнаш давлат ҳокимиятининг олий институтларига тегишлидир. Худди ана шу институтлар қарорлар қабул қилиш ва амалга оширишнинг бош механизми ҳисобланади. Ҳокимиятнинг марказлашув сифатлари ва сиёсий ривожланиш мақсадларини ишлаб чиқишда иштирок этаётган гуруҳлар ўртасида ваколатларни тақсимлаш ҳокимиятнинг олий институтлари фаолиятига боғлиқ ҳолда келиди. Ҳаттоки, бу институтлар сиёсий жараёнларда ўзининг чилиши ва ҳаракатчан эканлиги туфайли жамиятнинг ривожланиши эҳтиёжларига жавоб бера олмайдиган, аҳолининг сиёсий

анъаналарига тўғри келмайдиган, фуқаролар менталитетига мос диятда бўлган меъёрлар ва мақсадларни ҳам қўллаб-қувватлаш (ва жорий қилиш) салоҳиятига эгадир. Ҳокимиятининг олий инсти-тутлари фаолияти характери ўз моҳиятига биноан сиёсий субъектларнинг ўзаро муносабатлари, сиёсий ўзгаришларнинг тезлиги ва бир хил маромда ўзаро муносабат ва мувофиқ кели-шини таъминлаб туради.

Одатда, институтлар фаолияти аниқ бир жамият учун хара-терли бўлган сиёсий жараён цикллари рўй бериб туришини таъ-минлайди. Бошқача айтганда, умумдавлат, умумжамоатий қарорларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёни, аввалм-бор, етакчи сиёсий институтлар томонидан амалга оширилади. Масалан, демократик мамлакатларда сиёсий жараён, қонунга биноан, сайловлар циклларига боғлиқ ҳолда шаклланади ва яшайди. Аҳоли сиёсий фаоллигининг энг авжига чиққан пайти-бу давлат ҳокимиятининг олий қонун чиқарувчи ва ижроия орган-ларига сайловлар давридир. Қонун чиқарувчи ҳокимият вакил-ларининг ёзги таътилга (“парламент таътиллари”) чиқиши билан сиёсий ҳаёт авжи камаяди.

Тоталитар режимда бу каби цикллари идора этувчи партиялар фаолияти билан боғлиқдир. Масалан, собиқ иттифоқда парти-янинг навбатдаги съездлари ички сиёсатдаги ўзгаришлар ма-ромларини келтириб чиқарар, навбатдаги “тарихий” вази-фалар – янги беш йилликларни аниқлаб берар эди. Тажриба кўрсатганидек, Африка, Латин Америкаси ва Осиё мамла-катларининг баъзиларида сиёсий жараён цикллари ҳар замон-да рўй бериб турадиган ҳарбий тўнтаришлар оқибатида ол-динги барча сиёсий институционал тузилмалар ўзгаради. Бош-қача айтганда, бу каби ҳолатлар сиёсий ўзгаришларнинг тез-лигига таъсир этади<sup>282</sup>.

Бир томондан, бошқарув функциясини амалга оширадиган идора этувчи гуруҳлар, иккинчи томондан, ҳокимият юритувчи элитага таъсир ўтказишга интилаётган фуқаролик жамияти гу-руҳлари ўзаро таъсирлари кучлар мувозанатининг бир ҳолатдан иккинчисига ўтиши сифатида сиёсий жараённинг умумий кўри-

---

<sup>282</sup> Основы политической науки. Учебное пособие. Под ред. В.П. Пугачева. Часть II. – Москва: МГУ, 1996. – С. 140-142.

институти ташкил этади. Бу жараёнда ҳар бир ижтимоий-сиёсий институт аҳолида ўзининг ролини амалга оширади.

Институтларнинг сиёсий жараёндаги функцияларининг муфассал модели таниқли олимлар Г. Алмонд ва Г. Пауэлл томонидан ишлаб чиқилган<sup>283</sup>. Улар сиёсий жараёнда у ёки бу функцияни бажариш билан боғлиқ сиёсий ўсиш суръати ва институтларнинг бешта функционал босқичини бир-биридан ажратиб кўрсатади. Биринчи босқич – *индивидуал ва гуруҳий манфаатларни артикуляциялаш*да уларни ифодалаш ва функциялар соҳиб сифатида гуруҳий бирлашмалар («манфаатлар гуруҳлари») ижтимоий кенгликларга чиқади. Бунга тадбиркорлар уюшмалари, масба уюшмалари кабиларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Кейинги босқич – *манфаатларни агрегациялаш* асосан сиёсий партиялар фаолияти билан боғлиқдир. Бунда турли индивидлар ва гуруҳларнинг ҳар хил манфаатлари сараланади ва яхлит партиявий-сиёсий йўл сифатида (нуқтани назар) бирлашади. Бу каби ҳолатлар оммавий (масалан, социал-демократик) партиялар мисолида яққол кўзга ташланади.

*Сиёсий йўлни ишлаб чиқиш* босқичида интеграциялаш ролини вакиллик ва қонун чиқарувчи институтлар бажаради. Улар жамъиятнинг қарорларни шакллантиради.

*Қабул қилинган қарорларни амалга ошириш* босқичи асосан ижроия ҳокимият институтлари фаолияти билан боғлиқ бўлиб, бунда зарурий тадбирлар амалга оширилади, керакли ресурслар ишлаб топилади.

*Назорат қилиш ва ҳакамлик* босқичи сиёсий жараён доирасида ялтироф этилган меъёрлар асосида органлар ва гуруҳлар ўрта-андаги келишмовчиликларни бартараф этиш функциясини бажарадиган конституциявий назорат ва суд институтлари фаолияти билан боғлиқдир.

Сиёсий жараён барқарорликдан беқарорлик, ва аксинча, мувозанатдан мувозанатнинг бузилишига ёки янги мувозанатга ўтиш каби кучларнинг турли ўзаро нисбатларини характерлаб берадиган ҳолатларнинг алмашиб туриши сифатида намоён бўла-

<sup>283</sup> See: Comparative Politics Today: A World View / Ed. by Almond G., Powell G. New York, 1996. –P. 9-10.

ди. Мувозанат ҳолати, унинг барқарорлиги ёки беқарорлиги сиёсий жараён амал қилишининг муҳим ўлчамидир.

Шу тариқа, сиёсий жараёни барча таснифларини, шунингдек, унинг сиёсий жараёни моделлаштириш ва шарҳлаш учун зарур бўлган асосий компонентлари бир жойга йиғилса, унга қуйидаги ўлчамлар киради: омиллар (ёки муҳит); акторлар ёки иштирокчилар; уларнинг таъсири ва ўзаро таъсири; муносабатларни мувофиқлаштирувчи меъёрлар; мувозанат даражаси ва ниҳоят, унинг оқими доираси континууми (макон ва замон). Уларнинг ҳар бири ҳар қандай сиёсий жараёни моделлаштиришда муҳим ўринни эгаллайди<sup>284</sup>.

Барча сиёсий ўзгаришларнинг ўзига хос нерв маркази, деб тушуниладиган сиёсий қарорлар ишлаб чиқиш жараёни сиёсий жараён мазмунини, унинг ички тузилиши ва табиатини очиб берувчи йирик тузилмавий бўғинларини бир-бирларидан ажратиб таҳлил қилишга имконият яратади. Биринчи ана шундай бўғин сифатида гуруҳлар ва фуқароларнинг сиёсий манфаатларини сиёсий қарорлар қабул қилувчи институтларга тақдим этиш босқичини мисол келтириш мумкин. Бунда сиёсий жараён мазмунини ўзларининг ҳокимият касб этадиган манфаатларини артикуляция ва агрегация қилувчи турли хил уюшмалар, бирлашмалар ва индивидуумлар сиёсий иштирокининг турли шакллари характерлайди.

Сиёсий жараёнинг иккинчи унсури сиёсий тизим ва умуман социумнинг сиёсий мақсадларини ифодаловчи сиёсий қарорлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш босқичидир. Бу жиҳатдан, сиёсий жараён ўз хатти-ҳаракатлари билан умумдавлат аҳамият касб этувчи қарорлар ва кўрсатмалар ишлаб чиқадиган идора қилувчи ва муҳолифий элиталарнинг фаолият соҳаси сифатида ҳам ифодаланади.

Сиёсий жараёнинг учинчи унсури – ҳокимият ресурсларини сафарбар этиш, оммани уюштиришда “юқори” ва “қуйи” қатламларнинг ўзаро мураккаб хатти-ҳаракатлари, шунингдек, аҳоли сиёсий хулқини мувофиқлаштириш ва меъёрлаш, элита фаолияти устидан назоратни амалга ошириш, сиёсий йўлга туза-

---

<sup>284</sup> Дегтярев А.А. Основы политической теории. –Москва: 2001. –С.154-156.

нишлар киритиш ва унинг натижаларини яқунлаш каби сиёсий қарорларни амалга ошириш босқичини ифодалайди.

Идора этувчи режим томонидан ижтимоий ривожланиш мақсадларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш сиёсий жараён характерини ифодалаб беради. Унинг *учта яшаи режимини* кўрсатиши мумкин: биринчиси, сиёсий тизимнинг фуқаролар ва ҳокимият институтларининг шаклланган ўзаро муносабатлари доирасидан чиқиб кетмаслигини таъминлайдиган ишлаб *туриши* *режими*. Бу ҳолатда сиёсий жараён ҳокимият механизмлари ва тузилмаларининг давлат ва фуқаролар, элита ва электорат ўртасида кун сайин оддий равишда такрорланиб турадиган қобилиятининг ифодалайди. Асосий сиёсий субъектлар функцияларини амалга ошириш жараёнида сиёсий алоқаларнинг ривожланиши ҳар қандай янгиланиш ва илгари силжишларга нисбатан анъаналар ва порисийликни сўзсиз равишда устуворлик қилиш аҳамиятини касб этади.

Сиёсий жараён оқимининг иккинчи режими — *бу ривожланиш режими*дир. Бунда ҳокимият механизмлари ва тузилмалари давлат сиёсатини давр чақириқлари ва даъватларига мос равишда жавоб бера оладиган янги даражага олиб чиқади. Сиёсий ўзгаришларнинг бу каби мароми деганда, идора этувчи доираларнинг ижтимоий тузилмаларида, мамлакат ичкарисида ва халқаро майдонда сиёсий кучларнинг ўзгариб боровчи ўзаро муносабатларида рўй берадиган янгиланишларга мувофиқ равишда бошқарув мақсадлари ва усуллари аниқлаши ва топиши тушунилади. Сиёсий ривожланиш охир-оқибатда ижтимоий ва сиёсий ҳодисаларнинг ўзаро мувофиқлигини оширишга олиб келадиган ҳокимиятнинг микро- ва макромилларини ўзаро шиддатли хатти-ҳаракатлари, турли оқимлар ва тамойилларнинг ўзаро курашлари гирдоби билан бирга кечади. Шунинг учун ҳам Т. Парсонс сиёсий жараёнлар ривожланиши — ҳокимият тузилмаларининг ташқи ижтимоий шароитларга мослашувини оширишга олиб келадиган мазмунини тузилмавийлашуви ва мураккаблашувининг кучайишидир, деб ҳисоблаган эди.

Ва ниҳоят, сиёсий жараён ҳаракат қилишининг учинчи режими — *сиёсий яхлитлик таназзули, уни инқирозга юз тутуши режими* ёки олим П. Струве сўзи билан айтганда, сиёсатнинг “инқироз сари кескин ўзгариши ёки бошқа тусга кириши”дир. Бу каби ҳолатда сиёсий жараён ўсишининг йўналиши сиёсий тизимнинг

яхлит тарзда яшаш шароити ва меъёрига нисбатан нохуш характер касб этади. Бунда бурилиш ва марказдан қочишга мойилликлар интеграциядан устун кела бошлайди, сиёсий субъектларнинг бўлиниши ва бошқарув режими инқирозининг юз бериши муқаррар бўлиб қолади. Натижада, режим томонидан қабул қилинган қарорлар ўзининг бошқарувчанлик қобилиятини йўқотади, режим эса ўз легитимлигини бой беради. Бу каби сиёсий жараёнга Европа ва Осиё минтақасидаги социалистик мамлакатларнинг тақдири мисол бўла олади. Бу мамлакатларнинг идора этувчи доиралари даврнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий талабларига нисбатан бас кела оладиган чора-тадбирларни кўра олмаганлиги учун инқирозга юз тутди. Сиёсий жараённинг энг муҳим таснифларидан бири сиёсий иштирокдир. У ҳақиқий сиёсий жараённи қуриш учун зарур бўлган материаллардан бидир<sup>285</sup>.

## 2. Сиёсий жараёнлар таснифи

Сиёсий тизим жараёнини ҳар томонлама баҳолаш ва таснифлаш, унинг турли турларини таҳлил этиш билан боғлиқдир. Умумий шаклда ёндашганда сиёсий жараёнлар иккита турда бўлади: *ташқи сиёсий* ва *ички сиёсий*. Биринчиси махсус халқаро сиёсат мавзусида кўриб чиқилади. Ички сиёсий жараёнларнинг хусусиятларини тушуниш учун сиёсий иштирок ва қарорлар қабул қилишнинг институтлашган шаклларининг етакчилик роли ва аҳамиятини эътиборга олиш зарур.

Ҳокимиятнинг ташкилий тузилмаси аҳоли сиёсий фаоллигининг у ёки бу даражасини олдиндан аниқлаб, фуқароларни сиёсий сафарбар этади ва бошқарувнинг устувор усуллари воситаларига таъсир қилади, шунингдек, у сиёсий жараённинг ҳақиқий энг баланд чўққиси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам сиёсий жараёнлар парламент унитар давлатларида (Буюк Британия), ярим президентлик – унитар идора қилинадиган мамлакатларда (Франция), ҳокимиятлар тақсимланиши ва федерализм мутаносиблигига эришган президентлик республикаларида (АҚШ),

---

<sup>285</sup> Основы политической науки. Учебное пособие. Под ред. В.П.Пугачева. Часть II. – Москва: МГУ, 1996. – С.142-144.

парламентлик-федерал идора этиладиган давлатларда (Канада), шунингдек, бошқа турли давлат тизимларида бир-биридан жиддий фарқланади. Сиёсий жараёнларнинг ривожланиш имкониятлари сиёсий ташкилотнинг функциялари кўринишларини ўзгартириш, идора этувчи элита ва етакчилар алмашувини тезда амалга ошириш, янги зарурий институтлар ташкил этишни таъминлай олиш қобилиятларига боғлиқдир.

Сиёсий ҳокимият ташкилотининг тизимлилик сифати нуқтан назаридан сиёсий жараёнлар иккита катта турларга бўлинади. *Демократик*, яъни бевосита ва билвосита вакиллик халқ ҳокимиятининг турли шакллари мувофиқлашадиган ва *подемократик*, яъни ички жиҳатдан турли-туман эканлиги ҳокимият теласида теократик ёки ҳарбий гуруҳлар, авторитар етакчилар ёки монархлар, у ёки бу турдаги сиёсий партиялар туриши билан белгиландиган тури. Агар жамиятда шаклланган ҳокимиятни ташкил этишга боғлиқ ҳолдаги сиёсий иштирок характери (масалан, сафарбар этилган, анъанавий, инновациявий ва ҳоказо), шунингдек, қарор қабул қилиш (ихтилофли, консенусли ёки бошқа) каби хусусиятларни эътиборга олсак, у ҳолда ички сиёсий жараёнларни таснифлаштириш янада бойроқ кечади: *сафарбарлик-консенусли*, *анъанавий-ихтилофли* ва ҳоказо.

Ички сиёсий жараёнларнинг яна муҳим таснифларидан бири – унинг ижтимоий ҳаётнинг у ёки бу соҳаларини мувофиқлаштиришга йўналтирилганлигидир. Шу тариқа, иқтисодий ҳаёт, ижтимоий муносабат, маданият каби соҳаларни ҳокимият органлари томонидан мувофиқлаштириш жараёнларида юз берадиган сиёсий ўзгаришлар тўғрисида фикрлаш мумкин.

Алоҳида олинган жамиятда бу каби сиёсий жараёнларнинг турлари ҳар хил ўрин тутаяди. Баъзи бир ҳолатларда давлат органлари ўз эътиборини ижтимоий муносабатларнинг фақат бир соҳасига (масалан, иқтисодий) иккинчи соҳаси эвазига қаратиши натижасида сиёсий жараёнлар ичида номувофиқликлар келиб чиқиб, оқибатда нафақат танглик ўсади, балки идора этувчи режим инқирози ҳам бошланади. Шунинг учун ҳокимиятлар доимо ўзаро мутаносиблашган сиёсат олиб бориши зарур. Ана шундангина барқарор сиёсий жараёнларга эришиш мумкин.

Ички сиёсий жараёнлардаги фарқланишларни бошқа асослар бўйича ҳам аниқлаш мумкин. Элита ва электорат томонидан ўз функцияларини амалга оширишнинг ошкоралиги, давлатнинг



Ўз ваколатлари ва функцияларини очиқлиги ёки берклигига нисбатан сиёсий жараёнлар *очиқ* ва *яширин* бўлиши мумкин. Очиқ сиёсий жараён, аввало, фуқаролар ва гуруҳларнинг сиёсий манфаатларини электорат учун устувор бўлгани ҳолда партиялар ва ҳаракатлар дастурларида ва кишиларнинг давлат ҳокимиятига даъвогарлик қилишининг бошқа шаклларида доимий равишда ифодаланиб туради. Демократия шароитида бу жараёнлар гуруҳлар, фуқаролар, ҳокимият институтлари ўртасидаги доимий алоқаларда ифодаланади, жамоатчилик фикри таъсирида хусусий ва умумий мақсадлар мувофиқлаштирилиб турилади, сиёсий йўлларга тузатишлар киритиб борилади.

Тоталитар режимлар шароитида эса ҳокимият субъектлари ва институтларининг ўзаро сиёсий ҳаракатлари бошқача кечади: марказнинг ҳаддан ортиқ маъмуриятчилиги, оддий фуқароларга нисбатан давлатнинг ҳар томонлама куч билан таъсир этиши ва ҳоказо. Демократик давлатларда жамоатчилик учун сиёсий қарорлар қабул қилиш, дастурларга тузатишлар киритиш, элитани шакллантириш, шунингдек, фуқароларнинг ҳокимиятга доир ўзаро ҳаракатлари босқичлари очиқ ҳолатда кечса, тоталитар режимда сиёсий жараёнларнинг рўй бериши, айниқса, идора этишнинг стратегик ва тактик мақсадларини ишлаб чиқиш ошкор қилинмайди. Очиқ жараёнга нисбатан ёпиқ жараён кўпроқ ошкора расмийлашмаган сиёсий институтлар ва ҳокимият марказларига таянади.

Ёпиқ жараёнларда ҳокимият органлари сифатида кўпинча нолегал, жамият томонидан тан олинмаган кичик бирликлар (масалан, у ёки бу ҳудудлардаги коррупциялашган гуруҳлар) таъсир этиб туришига имкониятлар яратилади. Бунда бошқарув ахбороти мазкур сиёсий жараёндаги субъектларнинг жамоатчилик фикрига қаратилмайди, шунингдек, идора этувчи элиталар устидан назорат ўрнатиб бўлмайди. Давлат ўзининг махсус тузилмавий бўғинларига (масалан, сиёсий қидирув, яширин полиция, репрессив тузилмалар ва ҳоказо) ёки партиявий тузилмаларига олий ҳокимиятга доир ўз функцияларини берган даврларда бундай вазиятни кузатиш мумкин. Шу билан бирга, сиёсий жараённинг ўзи ҳам яширин бўлиши мумкин. Бу яширинлик унинг легаллашувига имкон бермайди, шунинг учун ҳам у бошқарилиб бўлмайдиган ва кўзга кўринмас характер касб этади.

Сиёсий жараённинг бошқа таснифлари ҳам учраб туради. Масалан, ўзгаришларнинг тезлиги ва муддатига биноан сиёсий жараёнлар *инқилобий*, яъни ўзининг тез ҳаракат ва чуқур ўзгаришларга мойиллиги ажралиб туриши мумкин ва *эволюцион* – аста-секинлик билан давомли ўзгаришлар жараёни мансуб бўлган турларга ҳам бўлинади<sup>286</sup>.

*Барқарор ва беқарор сиёсий жараёнлар.* Ижтимоий ва сиёсий тузилмалар ўзаро алоқалари асосий шаклларининг барқарорлиги, ҳокимият субъектлари функцияларининг бўлиниши ва ўзаро муносабатларидан келиб чиқиб, сиёсий жараёнлар *барқарор* ва *беқарор* турларга бўлинади. Барқарор жараён сиёсий сафарбарлик ва фуқаролар хулқининг барқарор институтлашган шаклларга эгаллиги, шунингдек, сиёсий қарорлар қабул қилишнинг функционал жиҳатлардан ишлаб чиқилган механизмларининг мавжудлиги билан характерланади. Одатда, бундай сиёсий жараён яхши шаклланган ижтимоий тузилма, идора этишнинг легитим режими, жамиятда ҳукмрон бўлиб турган маданий меъёрларнинг юқори самарали эканлиги, авваламбор, сиёсий жараёнлар иштирокчиларининг ўзаро ҳурмат ва ишончи кабиларга асосланади.

Барқарор жараёнларда ҳамкорлик кайфияти ҳукмрон бўлади. Таниқли олим А.Хадениуснинг фикрича, сиёсий жараён барқарорлигининг энг ишончли асоси кишиларнинг демократик қадриятларга берилганлиги бўлиб, бу қадриятлар “кўпчилик фуқаролар ва партия ташкилотларини бирлаштирувчи умумий мафкура” сифатида намоён бўлиши лозим<sup>287</sup>. Бундай ҳолатда сиёсий иштирок кишилар томонидан хавфли ва қаттиққўл мухолифлар билан кураш шакли, деб қаралмайди.

Сиёсий жараёнлар барқарорлигининг ажралиб турувчи белгиси – бу унинг фуқаролар ўз демократик ҳуқуқи ва эркинлигини амалга оширишининг юксак даражада институтлашганлигидир. Фарбий Европа ва Шимолий Америка сиёсий тизимларини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, уларда сиёсий жараёнлар барқа-

---

<sup>286</sup> Основы политической науки. Учебное пособие. Под ред. В.П.Пугачева. Часть II. – Москва: МГУ, 1996. –С.159-163.

<sup>287</sup> Hadenius A. Democracy and capitalism: collective action theory a structural analysis // Scand. polit. studies. -Jso, 1989, Vol. 11, №1. –P.33.

рорлиги фуқаролик жамиятининг юксак даражадаги автономликка эга эканлиги ва ҳокимиятдан мустақиллигига боғлиқ ҳолда кечади. Бу каби сиёсий жараёнлар, ҳаттоки фуқаролар институтлари билан давлат органлари тузилмалари ўзаро муносабатларида ихтилофли вазиятлар рўй берганида ҳам воқеалар ривожланишига ҳеч қандай куч аралашмасида, кўпинча зиддиятлар ўзини ўзи барҳам топтирадиган механизмлар устувор бўлган жамиятлар учун хосдир. Бундай ҳолатларда ҳукумат жамоатчилик фикри талабларига акс-садо бериб туради. Бу билан кишиларнинг ҳокимиятга таъсир этиш имкониятларига нисбатан ишонч бахш этиб турилади.

Одатда, беқарор сиёсий жараён сиёсий йўлни ўзгартириш зарурияти кўриниши сифатидаги ҳокимият инқирозлари шароитида пайдо бўлади. Бунга халқаро муносабатларнинг мураккаблэшуви, моддий ишлаб чиқаришнинг пасайиши, аҳолининг вертикал ва горизонтал сафарбарлиги шарт-шароитларининг ўзгариши натижасида пайдо бўлган ижтимоий ихтилофлар сабаб бўлади. Бошқача айтганда, жамият ёки ижтимоий гуруҳларнинг одатдаги ва янги эҳтиёжлари ўртасидаги узилишлар, режимнинг бошқариш стратегиялари механизмларининг ижтимоий гуруҳларнинг сиёсий иштирок этиши, рўй берган узилишлар натижасида пайдо бўлган янги ўзгаришларига жавоб бера олмай қолиши натижасида беқарор сиёсий жараёнлар келиб чиқади<sup>288</sup>.

Кўпинча жамиятдаги беқарорлик ҳокимият тепасида айрим кучлар, партиялар, иттифоқларнинг узоқ вақт жамиятдаги муаммоларни ҳал этишнинг уддасидан чиқа олмай қолган даврда пайдо бўлиб, бу ҳолат сиёсий кучларнинг ўзаро очиқ ёки яширин курашини келтириб чиқаради, барча ихтилофларни мавжуд зиддиятларнинг маълум бир йўналишида тўпланиб қолишига сабаб бўлади. Ижтимоий ва миллий гуруҳларни кичик бир сиёсий чеклашларга учраши, уларнинг ўз сиёсий мавқеларидан қаноатланмаслиги ўткир ва кескин ихтилофларни келтириб чиқариши мумкин. Қарорлар қабул қилиш жараёнларига гуруҳлар томонидан таъсир қилишининг турли хил усулларига эга бўлган жамиятларда эса сиёсий беқарорлик келиб чиқмайди.

---

<sup>288</sup> Основы политической науки. Учебное пособие. Под ред. В.П.Пугачева. Часть II. —Москва: МГУ, 1996. —С.163-164.

### 3. Сиёсий иштирок

Сиёсий жараённинг мазмуни фуқароларнинг сиёсий хоҳиш-истакларини билдиришларининг иккита шаклини ўз ичига олади: биринчидан, бу – сиёсий жараён оддий иштирокчиларининг турли-туман кўринишдаги сиёсий фаолиятида ўз манфаатларини ифодалашларининг турли усуллари: сайловлар, референдумлар, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар кабилардаги иштироки; иккинчидан, сиёсий етакчилар ва элита томонидан қабул қилинадиган қарорлар ва уларни амалга оширишда иштирок этиш.

Умуман, *сиёсий иштирок* – сиёсий ҳокимиятнинг ҳар қандай – маҳаллий ёки умуммиллий даражаларида хусусий кишиларнинг давлат сиёсатига таъсир этиш, давлат ишларини бошқариш ёки сиёсий етакчиларни сайлаш мақсадларидаги хатти-ҳаракатларидир. Сиёсий иштирок уюштирилган ёки уюштирилмаган, тасодифий ёки муттасил, қонуний ёки ноқонуний усуллардан фойдаланиш шаклларида бўлиши мумкин<sup>289</sup>.

Шахсни сиёсий ҳаётга жалб этилишининг даражаси ва характери унинг учун бевосита аҳамият касб этган сабаблар ва иштирок этиш омиллари билан аниқланади. Иштирок этиш омиллари ниҳоятда турли-туман бўлиб, улар индивидларнинг сиёсий ҳаётда ўйнайдиган ролларига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Г. Алмонд талқинига биноан, “рол” – бу индивиднинг сайловчи, партия фаоли, парламент аъзоси бўлиши мумкинлигини тасдиқловчи сиёсий фаолиятнинг (“қисми”) бир кўринишидир. Шунингдек, шахснинг давлат (партия, жамият ва ҳоказо) олдида мажбурияти (масъулияти) ва имкониятига мувофиқ ҳар бир сиёсий рол ўзининг фараз қилинган функционал бурч ва вазифаларига эга бўлади.

Сиёсий иштирок омилларини тушуниш унинг табиатини ва индивидни сиёсатдаги ролини шарҳлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Умумий жиҳатдан сиёсий иштирок омиллари анъанавий тарзда унинг иккита улкан механизми орқали кўриб чиқилади: индивидга нисбатан ташқи таъсирни тиркаб турадиган, шу билан бирга, индивиднинг сиёсатда мустақил иштирок этиш хусусиятини

<sup>289</sup>Ўша жойда. –Б. 144-145.

эътиборга олган (Т. Гоббс) ҳокимиятнинг оқиллик ва чекланганлик доирасидаги *мажбурлаш* ва шахснинг мураккаб тузилмавийлигини ва индивид хатти-ҳаракати ички тузилмаларини (А. Смит, Г. Спенсер) эътироф этиш асосидаги *манфаат*.

Ҳозирги сиёсатшунослик фанида сиёсий иштирокнинг шарт-шароитлари ва омилларини (юзага келтирадиган сабаблар) фарқлашга алоҳида эътибор берилган.

*Сиёсий иштирокнинг шарт-шароитлари*: моддий; сиёсий-ҳуқуқий; социомаданий; индивидуал фаолликнинг турли кўри-нишлари учун кенг муҳит яратадиган ахборотга оид муносабатлар ва тизилмалар.

*Яратилган муҳит шароитидаги сиёсий иштирок сабаблари*:

-макро омиллар (давлатнинг мажбурлашга оид қобилияти, фаровонлик, жинс, ёш, касб-кор);

-микро омиллар (инсоннинг маданий-билим даражаси, унинг динга мансублиги, қандайдир психологик турга тегишли эканлиги ва ҳоказо).

Фанда шахснинг руҳий ҳолатига муҳим эътибор берилади, масалан:

-ўз ижтимоий ҳолатига нисбатан таҳдидни ҳис этиш (Г. Лассуэлл) ;

-ўз манфаатларини рационал тарзда англаш ва янги мақомга эришиш;

-ҳаётий муваффақиятга ва жамоатчилик эътирофига эришиш хоҳиши;

-ўз ижтимоий бурчини англаш ва ўзининг хусусий ҳуқуқларини тушуниш, ижтимоий тизимда ўзини ўзи сақлай олмасликдан хавфсираш ва бошқ.

Турли омиллар ва шарт-шароитларнинг ўзаро боғлиқликда ўрганиш натижасида муайян боғланиб қолишлар аниқланди. Масалан, турли ва узоқ даврлар ичида олиб борилган социологик кузатишлар натижаларига биноан жамият қанчалик фаровон бўлса, у шунчалик демократия учун очиқ бўлиб, бунда фуқароларнинг кенг ва фаол сиёсий иштироки учун ҳар томонлама қулайликлар яратилади. Шунингдек, нисбатан билимли бўлган фуқаролар бошқаларга нисбатан сиёсий ҳаётда иштирок этишга берилувчан бўлади, уларда ўзининг иштироки самарасини идрок этиш туйғулари кучли ривожланган бўлиб, бу каби одамлар учун ахборотлар олиш имконияти қанчалик катта бўлса,

уларнинг сиёсий фаол бўлишлари эҳтимоли ҳам шунчалик кучли бўлади<sup>290</sup>.

*Сиёсий иштирок функциялари.* 1) сиёсий ижтимоийлашув; 2) ихтилофларни ҳал этиш ва улардан огоҳлантириш; 3) бюрократияга қарши курашиш ва фуқароларни сиёсат ва бошқарувдан бегоналигини тугатиш; 4) турли манфаатлар, талаблар ва истакларни келиштириш ва уларни қондириш.

*Сиёсий иштирок турлари.* Сиёсий иштирокнинг очиқ кўринишдаги турфа шакллари ва кўринишлари ҳаракатдаги индивиднинг маълум хусусиятларига, идора этиш режимининг характери, шунингдек, муайян вазиятларга боғлиқдир. Шунга мувофиқ тарзда АҚШ сиёсатшуноси С.Верба ва Л.Пай сиёсий иштирокнинг қуйидаги турларини кўрсатиб берган:

1) фуқаролар хулқининг пассив шакллари: уларнинг фақат ҳокимият вакиллик органларига бўлган сайловлардаги ёки фақат маҳаллий муаммоларни ҳал этишдаги иштироки;

2) фуқаролар хулқининг фаол шакллари: иштирокчиларнинг сайлов олди кампаниясидаги фаолияти, сиёсатнинг барча соҳаларида фаоллик кўрсатаётган фаоллар, сиёсатчиларнинг профессионал фаолиятлари.

Таниқли АҚШ олими Милбэрт сиёсий иштирокнинг қуйидаги турларини бир-биридан ажратиб кўрсатади:

1) «фаоллар» (давлат ва партия органлари раҳбарияти, ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайланаётган номзодлар, сайловолди кампанияси ташкилотчилари ва бошқ.);

2) оралиқ иштирокчилар (сиёсий мажлисларда иштирок этиш, партияларга маблағлар ўтказиш воситасида ҳомийлик қилиш, расмий шахслар ва сиёсий етакчилар билан алоқаларда иштирок этиш ва бошқ.);

3) кузатувчи иштирокчилар (намоишларда шиор ва расмлар билан иштирок этиш, бошқа фуқароларнинг йиғилишларга ва турли баҳс-мунозараларга жалб этишга ҳаракат қилиш ва бошқ.);

4) фуқароларнинг сиёсатга апатик муносабатда бўлиши.

---

<sup>290</sup> Қаранг: Симонова Е. Политическое участие: факторы, теории, типы, формы и механизмы реализации // Политический менеджмент. <http://poligugn2005.ucoz.ru/publ/78>.

*Рационал танлаш назарияси.* Бу назариянинг асосий қондаларига биноан, сиёсий иштирокнинг бош субъекти ўз манфаатларини максимал даражада амалга ошириш ва ўз шахсий мақсадларига эришиш учун самарали хатти-ҳаракат қилишга интилаётган эркин индивидлар ҳисобланади.

Бунда индивиднинг манфаати деганда, унинг ўз шахсий фаровонлигини таъминлашга интилиши тушунилади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, унга биноан индивиднинг сиёсатдаги иштироки шундай шароитда мумкин бўладики, унинг иштирокидан келадиган даромади харажатидан ортиқроқ бўлиши лозим. Кейинчалик бу принцип «фойдани максималлаштириш» номини олди.

*Сиёсий иштирок самарали келадиган демократик сиёсий тартиб.* Аҳоли давлат ҳокимиятини шакллантиришда ва уни амалга оширишда бевосита ёки билвосита иштирок этади; қарорлар кўпчилик томонидан озчиликнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади; ривожланган фуқаролик жамияти мавжуд бўлади; ҳуқуқий давлат қарор топган бўлади; марказий ва маҳаллий ҳокимият идоралари сайланади ва сайловчилар олдида ҳисобдор бўлади; давлат ҳокимияти легитим бўлади; куч тузилмалари (қуроли кучлар, полиция, хавфсизлик органлари) жамият назорати остида бўлади, қонунларда кўрсатилган шароитдагина улардан фойдаланилади; ишонтириш, келишиш, мувофиқлаштириш усуллари устуворлик қилади, зўравонлик, мажбурлаш, таққулаш минимум даражада бўлади; фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари амалда таъминланади; сиёсий плюрализм қарор топган бўлади, кўппартиявийлик шаклланган бўлиб, сиёсий партиялар рақобати ҳукм суради; сиёсий муҳолифат мавжуд бўлади (у ривожланишнинг конструктив муқобил дастурларини илгари суради, ҳокимиятнинг камчиликларини танқид қилади, уни парламент ва матбуот орқали назорат қилади); ошкоралик ҳукм суради, оммавий ахборот воситалари ҳар қандай цензурадан холи бўлади.

*Аҳолининг сиёсий иштирок этиш мотивлари:*

*Сиёсатнинг фаолият соҳаси сифатидаги жалб этиш жозибдорлиги ва унда иштирок этишдан манфаатдорлик мотиви:* маълум бир инсонлар гуруҳи сиёсат билан машғул бўлиш фаолиятига иштиёқманд бўладилар;

*Билиш мотивлари:* инсон сиёсий тизимда дунёнинг барқарор манзараларини кўради;

*Инсонлар устидан ҳокимият юритиш мотиви;*

*Мафкуравий мотивлар:* бу мотивлар инсоннинг шахсий ва сиёсий тизимнинг мафкуравий кадриятларига нисбатан шахснинг ғоявий нуқтаи назари мувофиқ келишига асосланади;

*Дунёни (жамиятни) ўзгартириш мотивлари:* бу мавжуд дунёнинг нотакомиллигини англаш, уни яхшилаш ва ўзгартиришга интилиш билан боғлиқ кучли мотив ҳисобланади;

*Анъанавий мотивлар:* баъзи инсонлар ўз яшаш жойларида сиёсатга қизиқишлар бўлганлиги учун дўстлари ва қариндошларига тақлид этиб, сиёсатда иштирок этишга ҳаракат қиладилар;

*Меркантил мотивлар:* сиёсат маълум даражада бошқа соҳалардаги меҳнат фаолияти каби ҳақ тўланадиган соҳа сифатида қизиқиш уйғотади;

*Сохта мотивлар:* бу аксарият ҳолда тоталитар тузумларда сиёсий тизим тарғиботи натижасида шаклланадиган – “Ватан учун, Сталин учун!” шиорларидан бошлаб “ҳақиқий демократия кадриятларини ҳимоя этиш” талабларигача бўладиган квази мотивлардир.

*Абсентеизм.* Сиёсий иштирокка нисбатан “абсентеизм” деб ном олган сиёсий хулқ қарама-қарши туради. Абсентеизм деганда сиёсий ҳаётдан бош тортиш (овоз беришда, сайлов кампаниясида, норозилик акцияларида, сиёсий партиялар фаолиятида, ННТ фаолиятида ва ҳоказо), сиёсий апатия, яъни сиёсат ва сиёсий меъёрларга нисбатан қизиқишнинг йўқлиги тушунилади. Хулқнинг абсентеистик тури ҳар қандай жамиятда учрайди, лекин унинг ўсиб бориши, апатик одамларнинг кўпайиши сиёсий тизим ва унинг кадриятлари ҳамда меъёрларини жиддий инқирозга юз тутганлигини англатади.

Абсентеизмнинг шаклланишига қуйидагилар сабаб бўлади: шахсда субмаданият меъёрларининг устунлиги натижасида умум қабул қилинган маданият меъёрларини (сиёсий ижтимоийлаштириш аҳамиятини) сиқиб чиқарилиши. Бунинг натижасида шахс ўз субмаданияти доирасида ўзи учун бегона бўлган ёки сохта тасаввурларни қабул қилади. Шунингдек, шахснинг ўз манфаатларини юқори даражада қондириши ҳам сиёсатга қизиқишни йўқотиши мумкин. Шахс ўз муаммоларига ўралашиб қолади ёки сиёсатни ўз хавфсизлигига таҳдид деб билади. Сиёсий апатия мураккаб муаммолар олдида ўз ожизлигини ҳис этиш, сиёсий институтларга ишонмаслик оқибатида, қарорлар ишлаб чиқиш



ва қабул қилиш жараёнида иштирок этишга имконият йўқлигидан ҳам пайдо бўлади. Абсентеизм гуруҳий меъёрларнинг йўқолиши, шахнинг ўзини бирон-бир гуруҳга мансублик ҳисларини йўқотиши, ижтимоий тизимдаги кадриятлар шахсда қизиқиш уйғота олмаслиги, сиёсат билан хусусий ҳаёт ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тасаввур қила олмаслик натижасида ҳам келиб чиқиши мумкин. Абсентеизм маълумоти паст даражада бўлган кишилар ўртасида кўпроқ учрайди<sup>291</sup>.

*Самарали сиёсий иштирок.* Агар сиёсий ижтимоийлашув жараёнларида асосан ақлий билиш жараёни, шунингдек, қисман индивиднинг сиёсий тизим билан ҳиссиётли ўзаро хатти-ҳаракатлари рўй берса, сиёсий иштирок жараёнлари индивиднинг сиёсий ижтимоийлашуви самарали тарзда рўй бераётганлигини кўрсатади. Сиёсий иштирок инсоннинг ўз манфаатларига эришиш ва ўзини ҳаётда ифодалаш ифодаларидан бири сифатидаги бошқариш (ёки бошқарилиш) ёки сиёсий фаолиятининг ажралмас хусусиятидир.

*Сиёсий жараёнда конвенциал иштирок этиш шакллари:* аполитик гуруҳ (сиёсатда иштирок этмайди); сайловларда овоз берувчилар; сиёсий партиялар ва бошқа сиёсий ташкилотлар фаолиятида иштирок этувчилар ва уларнинг турли кампанияларини ўтказувчилар; сиёсий карьера изловчилар ва сиёсий етакчилар.

*Сиёсий жараёнда ноконвенциал иштирок этиш шакллари:* норозиликнинг турли шакллари (турли намоийшларда иштирок этиш; митингларда ва пикетларда қатнашишга ҳаракат қилиш); баъзи мансабдорларнинг “ноахлоқий” хатти-ҳаракатларига қарши норозилик билдириш ва ҳоказо.

АҚШ сиёсатшуноси Э. Даунс фуқароларнинг жамиятда сиёсий иштирок этишларини чуқур тадқиқ этиб, ўзининг қуйидаги “рационал сиёсий иштирок” формуласи<sup>292</sup> ни таклиф этади:  $R=PB-C-D$ . Бунда R – сайловларда иштирок этишдан келади-

---

<sup>291</sup> Қаранг: Типология политического участия, политический протест, абсентеизм// <http://kulturoznanie.ru/politology/tipologiya-politicheskogo-uchastiya-politicheskij-protest-absenteizm/>.

<sup>292</sup> Қаранг: Даунс Э. Экономическая теория демократии. –Москва: 1957. –С.36.

ган соф фойда; P – айни ана шу сайловчининг овозини ҳал этувчилик кучига эга бўлиш эҳтимоллиги; B – сайловларда иштирок этишдан келадиган сиёсий фойда; C – кутилаётган харажатлар; D – овоз беришда иштирок этишдан келадиган тўғридан-тўғри фойда. Бу формулани сиёсий ҳаётга татбиқ этиш кўплаб социологик ва статистик маълумотлар билан ишлашни талаб этиши, субъектив баҳолашлар ранг-баранглиги туфайли ҳам амалиётда камдан-кам қўлланилади.

Инсон бошқа одамлар ва турли уюшган гуруҳлар билан тартибга солинган ва расмийлашган муносабатларга киришган ҳолда сиёсий ҳаётда иштирок этади. Сиёсий иштирокнинг учта асосий тури мавжуд: 1) эркин бўлмаган ва англаб етилмаган, масалан, ўз-ўзидан иродавий ички турткига, одатга ёки қандайдир мажбурлашга асосланган; 2) онгли, лекин эркин бўлмаган – бунда одам қаттиқ меъёрларга ва мувофиқлаштиришларга нисбатан ички англаб етиши эҳтиёжларидан келиб чиқиб амал қилади; 3) онгли ва эркин – бунда шахс ўзининг зарурий ва оқилона талабларидан келиб чиқиб ихтилофларни бартараф этишга, доимо ривожланиб турадиган кўп ўлчамли сиёсат оламида ўзининг имкониятлари чегараларини кенгайтириш ва танлашни амалга оширишга қобилдир.

*Автоном ва сафарбар этилган иштирок.* Сиёсатшунослар ўртасида қандай муайян ҳаракатларни сиёсий иштирокка тааллуқли ёки тааллуқли эмаслиги тўғрисида баҳслар давом этиб келмоқда. Масалан, М. Вайнер сиёсий иштирокнинг уч жиҳатини кўрсатади: 1) сиёсий иштирок шахсий кечинма ёки афзал бўлишлик эмас, балки вербал ҳодисадир; 2) айрим кишиларнинг ихтиёрий равишдаги ҳаракатлари (армия сафида хизмат қилиш ёки солиқлар тўлаш каби мажбуриятлар бундан истисно); 3) шахсларнинг давлат мансабларига сайланишида танлаш имкониятига асосланган ҳаракатлар (яъни, рўйхатдаги фақат битта номзодни сайлаш бунда истисно).

Лекин сиёсий иштирок ихтиёрий ва англаб етилган ҳаракатлар билан чекланганлиги учун ҳам бундай ёндашувни кўпчилик танқид тиғи остига олади. Ҳақиқий ҳаётда кишиларнинг сиёсий жараёнга жалб этилганлиги уларнинг юксак даражада ахборотларга эга эканлиги, муқобил номзодлар қўйилган сайловларда демократик усуллардан фойдаланганлиги билан боғлиқ бўлиши шарт бўлмаганлиги учун ҳам сиёсий иштирокнинг иккита бир-

биридан фарқланадиган тури мавжуд: автоном ва сафарбар этилганлик.

*Автоном иштирок* – сиёсий ҳаёт соҳасида озми-кўпми тасаввурларга эга бўлган, мақсадлари электорат томонидан сайланадиган сиёсатчилар фаолияти ва нуқтаи назарига таъсир этишга қаратилган фуқароларнинг онгли равишдаги фаоллигидир. Автоном иштирокнинг рағбати – сиёсий қарорнинг муҳимлик даражасини тушунишдир. Бундай иштирок асосан барқарор характер касб этиб, у демократик мамлакатларда кенг тарқалди<sup>293</sup>.

*Электорат билан сайланган вакиллар ўртасидаги ўзаро муносабатлар.* Давлат сиёсати ва давлат бошқарувига таъсир қилиш характери нафақат фуқароларнинг фаоллик даражасига, балки халқ томонидан давлат ҳокимияти органларига сайланган вакиллар билан электорат ўртасидаги ўзаро муносабатларга ҳам боғлиқдир. Тарихан бу каби ўзаро муносабатларнинг иккита асосий концепцияси шаклланди. Биринчи концепция ўз манбаларига кўра буюк француз инқилоби ва Ж.Ж.Руссонинг ҳукмдорлар ва итоатгўйлар манфаатларининг ўхшашлиги ғоясига асосланди. Унга мувофиқ равишда манфаатлар вакиллиги қондаси инкор этилади: “халқ иродасини вакиллик билан ифодалаб бўлмайди”. Бу концепция депутатларнинг фаолияти умумхалқ иродасини ифодалаши учун аҳолининг жиддий талаб ва топшириқларини етказиб туришдан иборат бўлган халқ депутатлари кенгашлари ҳаётида ўз ифодасини топди. Иккинчи концепциянинг моҳияти Эдмунд Беркнинг 1776 йилдаги Бристолда сайловчилар олдидаги машҳур нутқида ифодаланган бўлиб, у қуйидаги иккита асосий қондадан иборат:

1) парламентга сайланган сиёсатчи ўзининг интеллектуал даражаси, компетенцияси даражаси бўйича ўзи сайланаётган сайлов округи аҳолисининг ўртача даражасидан юқори бўлиши лозим;

2) ҳаётнинг барча ҳодисалари учун ҳам сайловчилар топшириқлар (наказлар) беравермаслиги лозим. Электорат ўз минтақаси доирасига тегишли наказлар бериши мумкин, лекин парламентдаги сиёсатчи бутун мамлакат манфаатларидан келиб чиқиб фаолият кўрсатиши лозим. Унинг ўзи муайян ва аниқ вазият-

---

<sup>293</sup> Основы политической науки. Учебное пособие. Под ред. В.П.Пугачева. Часть II. – Москва: МГУ, 1996. – С.145.

ларда мамлакат ва минтақа манфаатларини мутаносиблаштириш даражасини топиши зарур.

Бундай ёндашувга мувофиқ, халқ вакиллари ва уларни вакил этган сайловчилар ўртасида ваколатлар ва ишончга асосланган маълум бир муносабатлар ўрнатилиши лозим. Шу тариқа, чегарадан чиқмайдиган, конституцияда белгилаб қўйилган мустақилликка амал қилинади, шунингдек, депутат сиёсий ва ҳуқуқий компетентликка эга бўлади, бошқа томондан эса депутат халқ томонидан маълум бир муддатга берилган ваколатга эга бўлади. Бу каби ёндашув аҳолининг давлат ҳоқимиятида бевосита иштирок этишига нисбатан халқ томонидан сайланган вакилларнинг масъуллик принципларини амалга оширишларига кўпроқ эътибор қаратади.

Сиёсий иштирокда давлат ҳоқимияти органларига сайловлар муҳим рол ўйнайди. Биринчидан, сайловлар индивидлар ва ижтимоий гуруҳларнинг ўзларига тегишли турли манфаатлари асосидаги талабларни бир тизимга келтириш имконига эга бўлган сиёсий институтлар аҳамиятини оширади, шунингдек, сиёсий етакчиларнинг кўпчилик аҳоли кутаётган ёки ният қилган талабларига мувофиқ хатти-ҳаракатларини қўллаб-қувватланишига эришилади. Иккинчидан, сайловларда жамиятдаги турли хил гуруҳларнинг тинч рақобатдошлиги кутилганлиги сабабли ҳам сайлаш жараёнлари сиёсий ихтилофларни бартараф этишнинг асосий механизмларидан бири сифатида намоён бўлади. Дастлабки пайтларда манфаатлар кескин тафовутларга эга бўлса ҳам, сайлов олди курашларининг мантиғи кескин сиёсий нуқтаи назарларни юмшаши ва мўътадиллашишига олиб келади, уларни кескин ўзгаришини тақозо этади, аксинча ҳолатларда эса кўпчилик аҳолининг қўллаб-қувватлашига эришиб бўлмайди. Учинчидан, сайловлар сиёсий режимни легитимлаштиришнинг синалган ишончли воситасидир. Улар аҳолининг ўз манфаатларини талаб қилувчи сиёсий партиялар, сайловчилар клублари ва бошқа сиёсий ташкилотларнинг фаол ҳаракатлари туфайли ўнг ва сўл оқимдаги экстремистик ҳаракатлар таъсирини чеклайди. Рақобатдош партиявий тизим шароитида ҳар бир партия маҳаллий шерикчиликни таъминлай олиш қобилиятига эга бўлган йўллар шахобчаларини ташкил этиб, унинг ёрдамида амалдаги сиёсий режимнинг интегратив жараёнларини кучайтиради. Тўртинчидан, сайловлар сиёсий ижтимоийлашув воситасидир. Уму-

мий сайлов ҳуқуқи, сайлов олди кампаниялар, сиёсий партиялар сайлов олди дастури ва номзодлар платформасини ташвиқот ва тарғибот қилиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш сайловчилар сиёсий маданиятини юксалишини таъминлайди, шунингдек, сайловлар индивидлар ва уларнинг бирлашмаларини сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиши учун қулай имкониятлар яратади<sup>294</sup>.

#### 4. Сиёсий қарорлар қабул қилиш

Сиёсий қарорлар қабул қилиш сиёсий амалиётда ҳам, сиёсий фанларда муҳим ўринни эгаллайди. Бу соҳада таниқли сиёсатшунос олимлар қатор тадқиқотлар олиб борган. АҚШ сиёсатшуноси Р.Макридис фикрича, қарорлар қабул қилиш – “сиёсатнинг энг муҳим ижтимоий функциясидир”<sup>295</sup>. Яна бир АҚШ сиёсатшуноси Д.Истон ҳаттоки сиёсий фан “жамият учун қабул қилинадиган қарорлар усулларини тадқиқ этиш” демакдир<sup>296</sup>, деб таърифлади. “Сиёсий қарор” тушунчасини Р.Даль қуйидагича таърифлайди: “қарор – бу биринчи навбатда, турли муқобилликлар ичидан энг яхшисини танлаб олишдир”<sup>297</sup>. Ҳақиқатан ҳам қарор бир неча муқобиллари ичидан танлаб олиш вазияти бўлмаса, қарор қабул қилиш вазияти ҳали етилмаган бўлиши ўз исботини топган. Польша сиёсатшуноси Т.Клементевич ҳам бу соҳада махсус тадқиқотлар олиб бориб, қуйидаги фикрни билдирган эди: “сиёсий қарор – юз бериши мумкин бўлган иккита (энг камида) сиёсий хатти-ҳаракатдан бирини танлаб олишдир”<sup>298</sup>. Шу тариқа, сиёсий қарорлар қабул қилишни икки қисмга бўлиш мумкин – бир-биридан фарқ қиладиган муқобилларни излаш ва улар

---

<sup>294</sup> Основы политической науки. Учебное пособие. Под.ред. В.П.Пугачева. Часть II. –Москва: МГУ, 1996.–С.146-149.

<sup>295</sup> Клементевич Т. Процесс принятия политических решений//Элементы политики.-Р-на-Д.,1991.–С.387.

<sup>296</sup> Технология политической власти/В.И.Иванов, В.Я.Матвиенко, В.И.Патрушев, И.В.Молодых. –Киев,1994. –С.233.

<sup>297</sup> Palton C., Sawicki D. Basic Methods of Policy Analysis and Planning. Englewood Cliffs, 1986.-P.37.

<sup>298</sup> Weimer D., Vining. A. Policy Analysis: Concepts and Practics. Englewood Cliffs, 1992. –P.183.

нинг ичидан кўпроқ самарали натижа берадиганини танлаб олин. Шундан келиб чиқиб, сиёсий қарор қабул қилишни қуйидагича таърифлаш мумкин: *бу пайдо бўлган сиёсий муаммоларнинг ечилиши топиш учун бир неча вариантлардаги хатти-ҳаракатлар қилини ишлаб чиқиш ва кейин уларнинг ичидан амалга оширилиши муаммоларни максимал самарали тарзда бартараф қилиши мумкин бўлганини танлаб олиш, демакдир.*

Албатта, бу таъриф ташқи кўринишдан жуда ҳам соддага ўхшайди. Шунинг учун уни батафсилроқ таҳлил қилиш лозим. Муфассалроқ бўлган сиёсий қарор қабул қилиш тарҳларини ғарб сиёсатшунослари ишлаб чиқди. Улардан бири – Г.Лассуэлл фикрича, сиёсий қарор қабул қилиш жараёни олтига босқичдан иборат: 1) муаммони қўйиш ва унга доир ахборотларни излаш; 2) тавсиялар ишлаб чиқиш – муаммоларни ҳал этишнинг муқобил хилларини излаш; 3) муқобиллари ичидан энг яхшисини танлаб олиш; 4) қарор кимга қаратилгани нуқтаи назаридан унинг тўғрилигига олдиндан ишонч ҳосил қилиш учун қайтадан кўриб чиқиш; 5) қарорнинг самарали эканлигини баҳолаш; 6) янгидан қайта кўриб чиқиш ёки қарорни бекор қилиш.<sup>299</sup>

Шу каби тарҳни олимлар – К. Паттон ва Д. Савики ҳам ишлаб чиқди. Лекин унинг баъзи босқичлари Г.Лассуэлл моделдан фарқланади: 1) муаммоларни топиш, аниқлаш ва тафсилотларини ўрганиш; 2) муқобилларини баҳолаш мезонларини ўрнатиш; 3) муаммолар ечимининг муқобил вариантларини ишлаб чиқиш; 4) муқобилларни баҳолаш; 5) муқобиллар ичидан яхшиларини танлаб олиш; 6) қабул қилинган қарор оқибатларини баҳолаш.<sup>300</sup>

Бу моделларда яна бир муҳим камчилик мавжуд. Чунки қабул қилинган қарорлар сиёсий таҳлилнинг иккита йўналишига – сиёсий вазият ва сиёсий башоратга асосланади. Бу камчиликларни олимлар – Д. Веймер ва А. Вай тузатишга ҳаракат қилиб, қуйидаги сиёсий қарор қабул қилиш тарҳини таклиф этди: 1) муаммоларни аниқлаш; 2) мақсадларни танлаш ва далиллаш; 3) муам-

---

<sup>299</sup> Easton D. An Approach to the Analysis of Political System. World Politics 9, № 3 (April 1957). P. 400; Almond G. Powell B. Comparative Politics Today. N.Y., 1996. –P.28,30.

<sup>300</sup> Macridis R. The Study of Comparative Government. N.Y., 1955. P. 40.

моларни ечиш усуллари танлаш; 4) муқобилларини баҳолаш мезонларини танлаш; 5) муаммоларни ҳал этишнинг муқобил вариантини аниқлаш; 6) у ёки бу муқобил вариантни амалга ошириш натижасида пайдо бўладиган оқибатларни олдиндан башорат қилишни ўз ичига олган ва танлаб олинган мезонлар нуқтаи назаридан баҳоланган қарорни баҳолаш; 7) хатти-ҳаракатга доир тавсиялар<sup>301</sup>.

Лекин Д. Веймер ва А. Вайнинг тарҳида тескари, яъни қайтадиган алоқалар принципи берилмаган. Бу принцип сиёсатшунос Д. Истон ва унинг издошлари Г. Алмонд ҳамда Б. Пауэлл томонидан ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ, сиёсий тизим ижтимоий муҳитда икки турдаги турткига (сигналга) дуч келади: талаб ва қўллаб-қувватлаш. Улар асосида тескари алоқалар занжири бўйлаб турткиларга таъсир қилади – агар қарорлар соз бўлса, талаб турткиси бўшашади, қўллаб-қувватлаш турткиси кучайиб боради. Агар қарорлар муносиблик сифатида ижтимоий муҳит томонидан қабул қилинмаса, унда аксинча, қўллаб-қувватлаш турткиси бўшашади, талаблар турткиси кучаяди<sup>302</sup>.

Албатта, бу тарҳни нафақат бутун бир сиёсий тизим учун, балки сиёсий жараённинг алоҳида олинган субъектлари учун ҳам қўллаш мумкин: сиёсий партия, давлат бошлиғи, ҳукумат, вазирлик, муассаса ва ҳоказо. Бу субъектлар учун ҳам ижтимоий муҳитдан икки турдаги турткиларни олиб туриш табиий бир ҳолдир. Бунда турткилар тизими сиёсий акторлар учун ўзига хос мезонлар вазифасини бажариб, унинг ёрдамида қабул қилинган ва амалга оширилган қарорларнинг самарали эканлиги аниқланади. Сиёсий жараёнда алоҳида олинган субъект учун тескари алоқалар тизимининг тарҳ сифатида кўриниши 11.1-расмда ифодаланган.

*Бошқарув қарорларини қабул қилиш услублари.* Сиёсий ёки бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёни давлат органи ёки ташкилотнинг ҳозирги пайти ва истиқболи учун кўзланган фао-

---

<sup>301</sup> Симонов К.В. Политический анализ: Учебное пособие. – Москва: Логос, 2002. – С.21-22.

<sup>302</sup> См., например: Технологии политической власти / В.И. Иванов, В.Я. Матвиенко, В.И. Патрушев, И.В. Молодых. – Киев, 1994. – С.228-230.

лиятни амалга ошириш хоҳиш-истаги ўртасидаги масофани қисқартиришга қобил бўлган хатти-ҳаракат қилиш йўналишлари вариантларининг муқобиллари ичидан оқилона танлаб олишдан иборатдир. Бу жараёнда кўплаб унсурлар иштирок этади. Аммо уларнинг ичида муаммолар, мақсадлар, муқобиллар ва қарорларни муқобиллари ичидан танлаш каби унсурлар бу жараёнда доимий равишда иштирок этадилар. Бу жараён ташкилот ёки ҳокимият органи фаолиятини режалаштириш асосида ётади. Бунда режа – ресурсларни жойлаштириш ва ташкилий мақсадларга эришиш учун улардан фойдаланиш йўналишларига доир қарорлар лойиҳалари йиғимидир<sup>303</sup>.

Тўғри қарорлар қабул қилиш бошқарув санъати соҳасига таллуққидир. Умуман, тўғри қарорлар қабул қилиш учун қобилият ва маҳорат раҳбар томонидан унинг ўтган ҳаёти давомида орттирган тажрибалари асосида ривожланади. Қобилият, маҳорат ва билим ўзаро уйғунлашиб, ҳар қандай раҳбарнинг компетентлигини ташкил этади. Раҳбарнинг эгаллаган компетентлик даражасига боғлиқ ҳолда унинг ишини самарали эканлиги тўғрисида сўз бориши мумкин.

*Сиёсий ва бошқарув қарорларининг турлари.* Давлат органлари ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан қуйидаги бошқарув қарорлари қабул қилинади:



11.1-расм. Д.Истоннинг тескари алоқалар принципи концепцияси

<sup>303</sup> Виханский О.С., Наумов А.И. Менеджмент: Учебник.—Москва: Гардарика, 2000.—С.391-392.



-*қонун* – олий давлат вакиллик органи – парламент томонидан қабул қилинадиган олий ҳуқуқий кучни ва мамлакатнинг бошланғич ҳуқуқий меъёрини ифодалавчи меъёрий ҳуқуқий актдир; қонунлар республика конституциявий қонунлари, республика қонунлари, тармоқларга оид қонунлар, тармоқлараро қонунлар кабиларга бўлинади;

-*кодекс* – ижтимоий муносабатларнинг тегишли гуруҳларини тизимли мувофиқлаштириш ва умумлаштиришни тўла таъминлаб берадиган меъёрий акт бўлиб, шунингдек, у ягона, жамланган, ҳуқуқий ва мантиқан яхлит ички келишилган қонун ҳисобланади;

-*мамлакат Президенти фармони* (ва фармойиши) – қонун ости меъёрий ҳуқуқий акти ҳисобланиб, унга бутун мамлакат ҳудудида амал қилинади;

-*мамлакат ҳукумати қарорлари* (ва фармойишлари) – қонун ости меъёрий ҳуқуқий акти ҳисобланиб, мамлакат қонунлари ва Президент фармонлари (фармойишлари) ижросини амалга ошириш учун ҳукумат томонидан қабул қилинади. Уларнинг ижроси мамлакат ҳудудида бажарилиши шартдир;

-*давлатнинг мақсадли дастурлари* – аниқ, маълум бир муддатга мўлжалланган ижтимоий ривожланишга йўналтирилган иқтисодий, техникавий, илмий-тадқиқот, ижтимоий ва ташкилий тадбирлар мажмуаси;

-*давлат ижроия органлари тўғрисидаги низомлар* – меъёрий акт бўлиб, ижроия ҳокимияти органи ҳуқуқий мақомини белгилаб беради, уларнинг ўзига қарашли муассасаларни давлат бошқаруви бўйича махсус (тармоқлар бўйича) ваколатлари ва функцияларини ифодалайди. Бу каби низомлар ҳукумат томонидан тасдиқланади;

-*ижроия ҳокимият органининг тизимлавий бўлинмалари тўғрисидаги низомлар* – меъёрий акт бўлиб, мазкур бўлинмаларнинг фаолияти, вазифаси, функциялари, шунингдек, бўлинмалар раҳбарларининг ҳуқуқ ва масъулиятларини белгилаб беради. Улар ижроия ҳокимияти органи раҳбарияти (вазирлик, давлат қўмитаси ва бошқалар) томонидан тасдиқланади;

-*давлат хизматчисининг мансаб йўриқномалари* – меъёрий акт ҳисобланиб, унда мансабдорнинг бурчлари, ваколатлари, унинг иш стажи ва маълумотига нисбатан талаблар ифодаланади;

-*тизилма ва штатлар жадвали* – ташкилий ҳужжат ҳисобланиб, унда тизилмавий бўлинмалар таркиби, ундаги мавжуд лавозимлар, штатлар бирликлари сони ифодаланади. Ҳукумат томонидан тасдиқланади;

-*вазирлик қарорлари, вазир фармонлари, буйруқлари, фармонишилари* – қонун ости меъёрий ҳуқуқий акт ҳисобланади;

-*протокол (баённома)* – масалалар муҳокамаси ва жамоавий органлар томонидан мажлисларда қарорлар қабул қилиш жараёнларини қайд этган ҳужжат;

-*шартнома* – турли томонларнинг қандайдир ўзаро муносабатлари ва мўлжалларини ифодалаган ва бу муносабатларни мувофиқлаштирувчи ҳужжат;

-*режа* – мўлжалланган ишлар ёки тадбирларни аниқ бажариш муддатлари, изчиллиги, ҳажми, ижрочилари, молиявий манбалари ўрнатилган ҳужжат ва бошқалар<sup>304</sup>.

*Бошқарув қарорларини қабул қилишда вазиятни баҳолаш усули*. Бошқарув қарорларини қабул қилишнинг дастлабки тайёргарлик кўриш босқичи вазиятни баҳолаш усули асосида кечади. Бунда муаммоларни бир қолипга келтириш ва вазиятни баҳолаш жараёнлари амалга оширилади. Шу мақсадларда қўйилган муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ ахборотлар базаси, бошқарув учун муҳим, лекин ҳали бартараф этилмаган муаммолар рўйхати, яъни бошқарув қарорининг “кун тартиби” ишлаб чиқилади. Шунингдек, муаммо ва масалаларнинг ичидан муҳимлари танлаб олинади, қарорни қабул қилиш мувафаққиятини таъминловчи мезонлар шакллантирилади.

Қарорлар қабул қилишнинг бу босқичидаги технологик жараёнлар доирасида қуйидаги схема асосида иш олиб борилади: вазиятни таҳлил этиш ёрдамида муаммоларни излаб топиш; муаммоларни мавжудлиги тан олинанишидан кейинги муддатда бошқарув органи қуйидаги учта муқобиликлардан бирини танлайди:

1) уларга нисбатан ўзининг бетараф муносабатини белгилаш ёки ҳар қандай чоралар ва хатти-ҳаракатлар қилишдан илгари уларга нисбатан муносабатларнинг у ёки бу нуқтаи назарини шакллантириш;

---

<sup>304</sup> Основы государственного и муниципального управления. Учебно-методическое пособие. – Москва, 1997. – С. 16-20.

- 2) уларни амалга оширишни атайин узоқроқ муддатга чўзиш;
- 3) уларни ҳал этиш учун фаол ҳаракатларни бошлаш.

Учинчи ҳолатда бошқарув органи ёки ташкилотда хатти-ҳаракат қилишнинг бир неча вариантлари мавжуд: вазиятни ҳал этиш учун у ҳеч бир таҳлилларсиз ўз чора-тадбирлар фаолиятини бошлаши мумкин; турли-туман ўзаро зиддиятларнинг аниқ-роқ юзага чиқиши, уларни чуқурроқ ўрганиш мақсадларида гўёки, қандайдир хатти-ҳаракатларни амалга ошираётгандек, вақтни чўзиши мумкин, бу жараёнларда муаммолар ва масалалар анча равшанлашиб қолганидан кейин уларни ҳал этишнинг фойдали ва самарали йўлларини белгилаш; муаммоларни ҳал этишни бoshқа даражаларга (масалан, фуқаролик жамияти институтларига) узатиш. Сўнгра вазиятни мувофиқлаштириш учун тезкорлик билан чора-тадбирлар кўриш фаолияти бошланади<sup>305</sup>.

Қарорлар қабул қилишнинг тайёргарлик босқичи асосан қуйидагилардан иборатдир: муаммоли вазиятни англаш, унинг масалаларини ташкил этувчи иерархияни аниқлаш (яъни, уларнинг муҳимлиги ва кечиктириб бўлмаслигини умумдават манфаатлари нуқтаи назаридан англаш), шунингдек, мазкур муаммоларни аниқ шакллантириш. Умуман олганда, бу босқичда муаммоларни англаш тасаввурлардан ажратиб берилади ва уларни ҳал этиш йўл-йўриқлари ишлаб чиқилади.

*Бошқарув қарорларини қабул қилишда прогнозлаш услуби.* Бошқарув қарорларини қабул қилишда прогнозлаш – бу жараёнларнинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар мажмуасини тасаввур этиш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнларини мувофиқлаштириш имкониятини яратиб беради. Прогнозлаш келажакни маълум даражада тасаввурлай олиш қобилияти бўлиб, у ўзига хос лойиҳавий усул вазифасини бажаради. Прогнозлаш кўпчилик адабиётларда вазият қиёфаси лойиҳаси кабилда ҳам ишлатилиб, бошқарув қарорларини қабул қилишда муҳим ўрин тутаяди. Фақат инсонларнинг мавжуд кайфиятлари, уларнинг йўналиши, манфаатлари, эҳтиёжлари, қадриятли мўлжаллари, стереотиплар, хулқ-атвори кабиларни ўрганиш асо-

---

<sup>305</sup> Соловьев А.И. Политология. Политическая теория, политические технологии. –Москва: Аспект Пресс, 2004.–С. 502.

сидаги бажарилиши мумкин бўлган бошқарув қарорларини қабул қилиш мумкин.

У ёки бу ҳолатда бўлмасин, прогнозлашда турли-туман усуллар ишлатилиб, улардан энг асосийси – ривожланиш сценарийсини қуришдир. Бу жараён технологияси воқеаларнинг қадам-бақадам ривожланишининг гипотетик тасвиридир. У ўз ичига (келажак ўлчовлари ҳақида умумий тасавурларни шакллантиришдан ташқари) ҳаракат қилишнинг муқобил вариантларини излаш, жараён ривожланишининг бурилиш нуқталари ва бошқа таснифларини олади. Вазифалар миқёси, кўриб чиқиш вақти, туридан келиб чиқиб, сценарий эссе шаклида, яъни воқеалар ривожининг драматик, воқеаларга инсоний акс-таъсирларни ҳисобга олган ҳолдаги эркин публицистик баёндан иборат бўлиши мумкин; вазиятнинг асосий тизилмавий ўлчовлари ва унинг ривожланиши тамойилларининг қисқача баёни ёки таҳлилий тадқиқот бўлиши мумкин; шунингдек, асосланган фикрмулоҳазаларнинг миқдорий умумлашмалари асосидаги ахборотномалар шаклида ҳам бўлиши мумкин. Прогнозлашнинг умумий мантиғи ўзида мақсадлар миқёси ва характерини аниқлаш ва ишчи гипотезалар қуришдан базавий гипотетик моделга изчиллик билан ўтишни ифодалаб, у ўз ичига жараённинг ҳар бир унсурлари таҳлилини унинг иерархик даражалари ва функциялари, кўрсаткичларининг динамик қаторларини қуриш ва манзарали ахборотлар тўплаш кабиларни ҳисобга олган ҳолда, ниҳоят, прогнозлашнинг аниқлиги ва ишончли эканлигини баҳолашларни олади<sup>306</sup>.

Бошқарув ёки сиёсий қарорлар характери прогнозлашнинг миқёсини аниқлаб беради. Улар қуйидаги белгилар асосида фарқланади: макро (иқтисодий), минтақавий, маълум бир корхона даражасида, маълум бир хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича амалга оширилган прогнозлаш. Шунингдек, прогнозлар узоқ, ўрта, қисқа даврларга ва тезкорлик билан ишлаб чиқиладиган турларга бўлинади. Бу, албатта, қабул қилинадиган қарорларнинг қанчалик даврда ишлаб чиқишга ёки қанча давр учун амал қилишига ёки қарор ташкилот томонидан ёки ҳокимият органи томони-

---

<sup>306</sup> Соловьев А.И. Политология. Политическая теория, политические технологии. –Москва: Аспект Пресс, 2004.–С.492-494.

<p><b>«ШАХСИЙ ЧЕКЛАНГАН РАЦИОНАЛЛИК» МОДЕЛИ</b> (индивидуалнинг қониқиши)</p>	<p><b>РАЦИОНАЛ МОДЕЛЬ</b> (ташкилий фаоллашиш)</p>
<p><b>СИЁСИЙ МОДЕЛЬ</b> (индивидуал фаоллик)</p>	<p><b>«ТАШКИЛИЙ ЧЕКЛАНГАН РАЦИОНАЛ» МОДЕЛЬ</b> (ташкilotний қониқиши)</p>

11.2-расм. Бошқарув қарорларини қабул қилиш моделлари

дан қабул қилинишига мувофиқ равишда прогнозлаш усуллари танлаб олинади.

*Бошқарувда қарорлар қабул қилиш моделлари.* Бошқарув жараёнида қарорлар қабул қилишнинг турли даражалардаги (индивидуал ёки ташкилий) жараёнлар сифатида қандай қабул қилинишига боғлиқ бўлган тўртта моделини ажратиб кўрсатиши мумкин (11.2-расм).

*Рационал модель* ташкilot учун максимум фойда келтириладиган муқобилликлар ичидан танлашни кўзда тутади. Бу каби ёндашув доирасида муаммоларни ҳар томонлама аниқлаб чиқиш муқобил вариантлар ичидан машаққатли изланишлар асосида танлаш, маълумотларни диққат-эътибор билан чуқур таҳлил этиш талаб этилади. Бу каби ҳолатда баҳолаш мезонлари қондига биноан, одатда, жараёнлар бошланишидаёқ аниқланади. Бунда ахборотлар алмашинуви умуман бутун бир ташкilot учун энг яхши муқобил вариантни танлаш асосида ҳолис ва ҳаққоний тарзда амалга оширилади.

Бошқарув қарорларини қабул қилишнинг *чекланган рационал модели* эса раҳбарнинг ўз хоҳиши билан рационал бўлиши унинг билиш имкониятлари, одатлари ва хато қилиш ёки қўлмаслик қобилиятларига боғлиқдир. Бунда раҳбарнинг қобилиятини юқори ёки паст бўлиши даражасидан келиб чиқиб, бу модель иккита кўринишда мавжуд бўлиши мумкин: *шахсий чекланган*

рационаллик; ташкилий чекланган рационаллик. Бу каби ёндашуларда муаммоларни аниқлаш юзаки тарзда амалга оширилади, жарённар бошида турли муқобилликлардан раҳбар ёки ташкилот учун олдиндан маълум бўлганлари танлаб олинади. Тудованган маълумотлар ҳам узоқни кўзлаган мўлжалларга нисбатан яқинни кўзлаган мўлжаллар устуворлиги асосида юзаки сарфна этилади. Ахборотлар алмашинувининг фақат бир қисми олиб бўлиб, кўпинча айрим бўлинмаларнигина мақсадларига қаратилган ҳолда индивидуал ноаниқликларни ўзида ифодалайди. Басқолаш мезонлари эса олдинги тажрибалар асосида қурилади. Мана шу даражага мувофиқ бўлган дастлабки муқобил вариант таниловининг асосини ташкил этади. Ташкилот жамоаси фойда шитирок ва яхши натижани эмас, балки қониқиш олиш мақсадини кўзлайди. Бунда қониқиш олиш олдиндан ташкилотнинг яхши танин бўлган ҳаракат йўли сифатида талқин қилинади, ташкилот аъзоларининг пассив фаолият кўрсатишлари билан қилинади. Бу каби ташкилотда кўпинча инвестицияларни барча вариантларидан энг яхшисини топишга уринишсиз ҳолда фақат жамоани қониқтирадиган фойда олиш соҳасига сарфлашнинг ҳоли тутади.

### **Бошқарув қарорлари қабул қилишнинг асосий босқичлари**

1. Устувор муаммоларни аниқлаш ва сиёсий «кун тартиб»ни шайлантириш. Бошланғич босқичда сиёсий қарор қабул қилишнинг зарур бўлган дастлабки ахборотлар йиғилади, селекция қилинади ва таҳлил этилади. Алоҳида индивидлар, ижтимоий гуруҳлар ва жамоатчилик бирлашмалари манфаатлари, эҳтиёжлари ва талаблари ўрганилади, ўз ечимини кутаётган устувор муаммолар танлаб олинади, шу муаммоларни ҳал этиши мумкин бўлган ҳукумат ёки бошқа давлат органлари фаолиятларидан келиб чиққан муносабатлар асосида ижтимоий-сиёсий «кун тартиб» тунтади.

2. Муаммоларни ҳал этишнинг муқобил вариантларини ишлаб чиқиш ва кўриб чиқиш. Сиёсий қарорларнинг турли муқобил вариантларини ишлаб чиқиш уларнинг ичидан энг оптимали вариантларини танлаб олишга бўлган объектив эҳтиёждан келиб чиқади. Қолаверса, турли хил вариантлар ўзаро рақобат-

дош бўлган турли сиёсий кучлар томонидан у ёки бу сиёсий қарорларга доир ўз лойиҳаларини ўтказишга бўлган босимлари ёки интилишлари натижасида вужудга келиши мумкин.


3. Узил-кесил танлаб олиш, давлат қарорини шакллантириш ва легитимлаштириш. Бу жараён ўз моҳиятига биноан, қарорлар қабул қилиш жараёнларидаги асосий босқич бўлиб, унда, айниқса, демократик қадриятлар талаблари асосида овоз бериш усули ёки ўзаро келишувлар асосидаги технолик муносабатлар воситасида амалга оширилади. Бу босқичда қарорларни бажариш билан боғлиқ бўлган барча фуқаролар зиммасига уларни бажариш мажбуриятлари юкланади.

4. Қабул қилинган давлат қарорини амалга ошириш ва амалиётга қўллаш. Бу босқичда бошқарув қарорлари амалий жиҳатлардан ҳаётга татбиқ этилади. Давлат маъмурияти мазкур мамлакатдаги сиёсий режимдан келиб чиқиб, қабул қилинган стратегик қарорлар ижросини таъминлаш усуллари (мажбурлаш ва ишонтириш йўллари билан), шунингдек, алоҳида социотехник воситалардан (турли маневр қилиш усуллари ва ҳоказо) фойдаланади.

5. Қарорни амалга ошириш жараёнларини назорат қилиш ва унинг натижаларига нисбатан «тескари алоқа»лар. Бу қарорлар қабул қилиш циклининг якунловчи босқичидир. Қарорни амалга ошириш жараёнларини назорат қилиш ва унинг натижаларига нисбатан «тескари алоқа»ларга аҳамият бермаслик натижасида қарорлар нотўғри талқин этилиши ёки улар шунчаки бажарилмаслиги ёки қарорлар мазмунига тескари бўлган натижаларга олиб келиши мумкин. У ёки бу давлат қарорларини амалга ошириш жараёнларини назорат қилиш мазмунининг ўзи сиёсий қарорларнинг дастлабки моделлари, режалар ва дастурлар билан амалий тадбирларни қиёслаш, технологик операциялар кабилар билан узвий боғлиқдир. Назорат этишга жамиятдаги институционал тартиботни сақлашни мувофиқлаштириб турувчи турли меъёрлар ва расмий тартиботлар билан боғлиқ бўлган қонунчилик меъёрлари, шунингдек, молиявий ва бошқа моддий ресурсларни давлат бюджетида кўрсатилган умумий нисбатлар асосида тезкорлик билан тақсимлашга доир ижроня ҳокимияти қарорларини бажаришга дахлдор фаолият киради. Яна сўнгги босқичда қарорларни амалий татбиқ этишнинг умуммажбурий рефлексив (жавоб реакцияси) моделидан силжишлар ҳам рўй беради.

Аксарият мамлакатларда ҳокимиятнинг ҳар бир шабоҳчаси (нафақат марказда, балки маҳаллий ҳокимиятларда ҳам), одатда, илмий-таҳлилий характердаги мустақил фаолиятни бажарадиган эксперт кенгашлари, консултантлар гуруҳлари ва бошқа интеллектуал қўллаб-қувватлаш тузилмаларига эга бўлади. Лекин улар тавсияларининг даражаси ва характери ҳокимиятнинг у ёки бу органида шаклланган анъаналарга, аниқ вазиятларга, бу тузилмаларга нисбатан олий раҳбарлик вакиллариининг муносабатларига боғлиқдир.

Жамиятнинг эҳтиёжларига мос сиёсий қарорлар ишлаб чиқиш имкониятлари кўплаб омилларга боғлиқдир. Масалан, ҳокимиятнинг марказлашиш (ёки номарказлашиш) даражаси; давлат тузилишининг марказий ва маҳаллий органлари ҳуқуқлари ва имтиёзлари нисбати; сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнига тўғридан-тўғри ёки билвосита таъсир этувчи партиявий ва



11.3-расм. Бошқарув қарорларини қабул қилиш ва амалга ошириш жараёни



давлат тузилмаларининг ўзаро хатти-ҳаракатлари; қонун чиқарувчи, ижроия, суд ҳоқимиятларининг ўзаро тақсимланиш ва бараварлашиш даражаси; қарорлар қабул қилишнинг элита бўлмаган ижтимоий гуруҳлар томонидан назорат қилиш даражаси; эксертлар фикри қанчалик ҳисобга олинishi, ҳоқимият органларининг технологик омиллари ва бошқалар.

Бу босқичда сиёсий жараён мазмунига идора этувчи табақалар ўртасидаги ўзаро алоқалар ҳам кучли таъсир кўрсатади: идора этувчи ва муҳолифий элиталар ўртасидаги муносабатлар; ҳақиқатда кимлар муҳим қарорлар қабул қилаётганлигини кўрсатувчи бошқарув раҳбарияти билан унинг техникавий аппарати ўртасидаги алоқалар; идора этувчи элитанинг соҳалар бўйича муносабатлари (ҳарбий, маъмурий, аграр, хўжалик ва бошқ); идора этувчи элитадаги расмий институтлашган ва референт гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар; элиталар гуруҳларининг коррупциялашиш даражаси (баъзи мансабдорларнинг криминал унсурлар билан яқинлашуви).

Албатта, конкрет давлатларда сиёсий жараённинг мазмуни фақат қарорлар қабул қилишнинг танланган моделига эмас, балки ундан жамиятни бошқаришда ҳақиқатан қанчалик фойдаланишига боғлиқдир. Бундай шароитда сиёсий жараёнларнинг хусусиятлари мамлакат раҳбариятининг бутун ижтимоий тизим ва унинг алоҳида бўғинлари сиёсий мақсадларини ажрата олишига боғлиқдир; қарорлар қабул қилишда экспертлар гуруҳининг вазиятни олдиндан таҳлил қилиш натижалари амалда қўлланиладими ёки ётақчилар ўз билимлари, тажрибаси ва сезги ҳисларига таянадими; идора этувчи доиралар томонидан сиёсий мувофиқлаштириш учун зарур бўлган муаммолар доираси олдиндан аниқланадими; ҳодисалар ривожланишининг муқобиллари ва сценариялари ишлаб чиқилияптими; ҳар бир қабул қилинган қарорни амалга ошириш учун эҳтимолда тутилган йўқотишлар ва келадиган фойдалар қанчалик оқилона баҳоланмоқда; мақсадларни амалга ошириш учун маълумотлар йиғиш қанчалик тезкорлик билан кетмоқда; мақсадларнинг ва уларга эришиш воситаларининг тафовутларини аниқловчи тезкор тузатишлар киритилияптими, оралиқ натижалар кузатиляптими; оммавий хулқлар учун рағбатлантиришлар баҳоланяптими; босқичлар бўйича дастурларни татбиқ этиш жараёнлари ишлаб чиқилияптими (олдиндан йиғилган ахборот, реклама, аксил тарғиботни бостириш); ҳуку-

матнинг бўлиши эҳтимоли бўлган муваффақиятсиз хатти-ҳаракати ҳодисаси рўй бериб қолган тақдирда, унга ўзини сақлаб қолиш ва ҳокимиятнинг беқарорлигини кўзгамайдиган тадбирлар учун режаси борми; вазиятлар ўзгарганида раҳбарият қарорлар қабул қилишнинг захира тизимига тезкорлик билан ўта олишга қодирми ва ҳоказо.

Бошқача айтганда, сиёсий жараённинг мазмуни идора этувчи элитанинг қанчалик уддабуронлик ва эпчилликка асосланган стратегияни ишлаб чиқишига боғлиқдир. Шунингдек, раҳбариятнинг доимо кескин чоралар кўриш тажрибасидан қутила олинми, жамиятдаги сиёсий ихтилофларни ўзаро мувофиқлаштири олиши каби омиллар барқарорликка олиб келади.

## 5. Ўзбекистонда сиёсий жараёнларни демократлаштириш ислохотлари

Ўзбекистон жамияти собиқ иттифоқ даврида тоталитар тузум зулми остидаги сиёсий жараёнлар гирдобида яшади. Фақат мамлакатда давлат мустақиллигини эълон қилиниши натижасидагина демократик қадриятлар асосидаги сиёсий тизим ва жараёнларни шакллантириш учун шарт-шароитлар яратилди. Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан кейин мамлакат жамиятида ҳам сиёсий жараёнлар демократик характер касб эта бошлади. Президент И.А.Каримов бошчилигидаги давлат ва ҳукумат раҳбарияти Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришни асосий стратегик пировард мақсад, деб эълон қилди. Мустақиллик йилларида ўзига хос демократик қадриятлар шаклланди. Янги демократик тамойиллар ҳаётга чуқур кириб бориб, инсон ҳуқуқи ва эркинлиги Конституция ва турли қонунлар воситасида кафолатланди. Демократик талаблар асосидаги янги сайлов тизими шаклланди. Марказий ва маҳаллий ҳокимият бошқарувларининг ваколатлари чегараланди ва бири-бирдан ажратилди. Олий Мажлис, ҳукумат ва суд ҳокимиятларининг бир-бирдан мустақил фаолият юритиш жараёнлари чуқур ислох этилди.

Қисқа давр ичида фуқаролик жамиятига хос ижтимоий-сиёсий жараёнларни шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Мамлакат иқтисодиёти, ижтимоий ва сиёсий ҳаётида бозор муносабатларига хос тамойиллар шаклланиш даври бошланди.

Мулкчиликнинг турли хил шакллари амал қила бошлади. Давлат мулкни хусусийлаштириш, шахсий ва хусусий мулкчиликни рағбатлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мамлакатда оилаларнинг кўп болалиги ва қарияларнинг кўплигини ҳисобга олган давлат кучли ижтимоий сиёсат юрита бошлади. Асосийси, давлат ўзини бош ислоҳотчи сифатида намоён қила бошлади. Мамлакат ҳаётидаги бу жиддий ўзгаришлар бевосита сиёсий жараёнларга ҳам таъсир қилди.

Мамлакат жамиятидаги сиёсий жараёнлар эндиликда ҳукумат, икки палатали парламент, шунингдек, тўртта сиёсий партия, 5300 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти иштирокида рўй бера бошлади. Халқ оммаси ва электоратнинг сиёсий жараёнларга бевосита таъсири кучайди. Сиёсий қарорлар қабул қилиш, сайловларда иштирок этиш, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида фуқароларнинг иштироки авж ола бошлади. Турли хил фикрлаш, ҳар хил эътиқодларга эга бўлиш, мафкуралар хилма-хиллиги ва сиёсий плюрализм аста-секинлик билан ижтимоий-сиёсий ҳаётга кириб кела бошлади. Бундай ҳолат сиёсий жараёнларни демократик мазмун билан бойита бошлади.

XX аср 90-йилларининг охириги давридаги сиёсий ислоҳотларнинг муҳим аҳамияти шундаки, бу пайтга келиб халқ оммасининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, улар сиёсий маданиятини юксалтириш, демократиянинг энг муҳим тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш учун шарт-шароитлар яратилди. Ўзбекистонда сиёсий жараёнларни демократлаштиришнинг ўзига хос қадриятлари шаклланди. Мамлакат Президенти И.А.Каримов мустақиллик даври ва етакчи хорижий мамлакатлар тажрибаларини чуқур таҳлил этиб, фуқароларнинг сиёсий жараёнларда иштирок этишининг демократик тамойилларини илгари сурди: “Жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камидан учта мезон бор. Булар – халқ қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлигидир. Ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир”<sup>307</sup>.

---

<sup>307</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1997. –Б. 181.

Мустақиллик даврига келиб мамлакатда давлат аҳамиятига молик қарорларни қабул қилиш халқ иродасини ифодалаш ва халқ фаровонлигини ошириш тамойилларига асосланиши анъанага айланди. Конституция, қонунлар, Президент Фармонлари, ҳукумат қарорларини қабул қилиш демократик тарздаги сиёсий жараёнлар принципларига амал қилина бошланди. Бу жараён мамлакатда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришга доир ислохотларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, шу асосда амалий фаолият олиб боришнинг демократик усуллари ва йўлларига амал қила бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳар иккала палаталарининг фаолияти масалаларни биргаликда ва эркин муҳокама қилишга, ошкораликка, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга асослана бошлади.

Айниқса, жамиятдаги ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар манфаатларини «партия (ёки нодавлат нотижорат ташкилоти) – парламентдаги партия фракциялари – қонун қабул қилиш жараёни – қонунлар – қонунларни амалга ошириш» схемаси асосида ифода этиш, қондириш, шу асосда фаолият олиб бориш каби демократик қадриятлар жамиятнинг ҳаёт тарзига сингиб борди. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги *партия фракциялари ва депутатлар гуруҳларига* қуйидаги ҳуқуқлар ва ваколатлар берилганлиги фикримизнинг далилидир:

1) Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби, муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ва моҳияти юзасидан таклифлар ҳамда фикр-мулоҳазалар киритади;

2) Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама қилинаётган ҳар бир масала юзасидан мунозараларда фракция, депутатлар гуруҳи вакилига кафолатланган тарзда сўз берилиши ҳуқуқидан фойдаланади;

3) келишув комиссияси ва бошқа комиссиялар тузиш тўғрисида масала қўяди;

4) Қонунчилик палатаси мажлисида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахсларига уларнинг тасарруфига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тунунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан муружаат этади;

5) Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама қилинаётган масала юзасидан фракциянинг, депутатлар гуруҳининг фикрини депутатлар ўртасида тарқатади;

6) Кенгашнинг, қўмиталар ва комиссияларнинг ишида иштирок этади;

7) Қонунчилик палатасида муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари ва қарорларнинг лойиҳалари юзасидан ўз таклифларини киритади;

8) Қонунчилик палатаси мажлисида ҳукумат аъзоларини уларнинг фаолияти масалалари юзасидан эшитиш тўғрисида масала қўяди;

9) фракциянинг, депутатлар гуруҳининг фаолияти учун зарур материаллар ва ҳужжатларни давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларидан талаб қилиб олади;

10) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади<sup>308</sup>.

Шу билан бирга, мамлакатда сиёсий ва бошқарув қарорлари қабул қилишда нафақат расмий давлат органлари, балки жамиятдаги озчилик гуруҳлари манфаатларини ҳам ифода этиш, ҳимоялаш ва амалга ошириш учун ҳуқуқий асослар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламентининг 60-моддасида муҳолифатдаги фракция ва депутатлар гуруҳлари сифатида юқорида кўрсатилганидан ташқари яна қуйидаги ҳуқуқлар берилди:

«Ўзини парламентдаги муҳолифат деб эълон қилган фракция мазкур Регламентнинг 58-моддасида назарда тутилган ваколатлар билан бир қаторда яна қуйидаги ҳуқуқларга ҳам эгадир:

-муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўзининг алоҳида фикрини Қонунчилик палатаси мажлиси баённомасига киритиш;

-Қонунчилик палатасининг мажлисида ўз номидан киритилган таклифларни овозга қўйиш;

-Сенат томонидан рад этилган қонун бўйича келишув комиссиясида ўз вакилларининг кафолатли иштирок этиши;

---

<sup>308</sup>Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 й., № 7, 242-модда, 2006, 19 апрель.

-Парламентдаги муҳолифатнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқлари парламент кўпчилиги томонидан камситилиши мумкин эмас<sup>309</sup>.

Шунингдек, мамлакатда давлат аҳамиятига молик қарорлар, қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг жамият ҳаётининг барча жиҳатларини ўзига қамраб олиши, барча ижтимоий қатламларга дахлдор бўлиши, демократик қадриятлар талабларига жавоб бериши учун парламент қўйи палатасига қонунчилик ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар сони кўпайтирилди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳужалик суди, Бош прокурорига берилди.

Шунингдек, мустақиллик даврида маҳаллий давлат ҳокимият органларининг сиёсий жараёнлардаги иштироки учун ҳам кенг ҳуқуқий ва сиёсий кенгликлар яратилди. Бу соҳадаги муҳим жиҳатлардан бири – бу сиёсий жараёнда халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари фаолияти масалаларни жамоавий бўлиб ва эркин муҳокама қилишга, ошкораликка, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга асосланишининг жорий этилиши бўлди. Бу кенгашларга тегишли ҳудудда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида сессияларда қонунийлик ва ҳуқуқий-тартиботни, фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланиш, қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар миқдорларини белгилаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа масалаларни кўриб чиқиш ҳамда тегишли қарорларни қабул қилиш ваколатлари берилди. Барча даражадаги халқ депутатларида партия гуруҳлари тузиш, уларнинг фаолиятига доир ҳуқуқий асослар қабул қилинди. Бу гуруҳларнинг ишловат ижроия ҳокимиятини назорат қилишда иштирок этиш шакллариининг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди.

---

<sup>309</sup> Ўша жойда.

Шу билан бирга, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистонда сиёсий ва давлат қарорлари ишлаб чиқишнинг ўзига хос демократик иринциплар асосидаги усуллари шаклланди. Давлат аҳамиятига молик қарорлар лойиҳаларини ишлаб чиқишнинг ривожланган мамлакатларда тарқалган тури — экспертлар гуруҳларини тузиш ва жалб этиш тажрибаси шаклланди. Шу мақсадларда қарорлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ишчи гуруҳлари, комиссиялар ва бошқа шаклдаги эксперт гуруҳлари ташкил этишга муҳим эътибор берилди бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги “Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш бўйича дастур тўғрисида”ги Қарорида 5 та — 1) давлат қурилиши ва бошқаруви, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг роли ва таъсирини ошириш бўйича, 2) суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш ва янада либераллаштириш, 3) оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада демократлаштириш, 4) ташқи сиёсат бўйича, 5) бозор муносабатлари ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада либераллаштириш бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, тажрибали мутахассислар, олимлар, хорижий экспертлардан иборат ишчи гуруҳлари тузилиб, улар зиммасига амалдаги қонунчилик ва меъёрий актларни танқидий қайтадан кўриб чиқиш, янги қонунлар ва меъёрий актлар, Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари лойиҳаларини тайёрлаш топширилди. 2005–2010 йилларда 140 дан ортиқ янги қонунлар ва меъёрий актлар, Президент Фармонлари, ҳукумат, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Сенати қарорлари, давлат дастурлари, чора-тадбирлари дастурлари, 50 дан ортиқ яна турли меъёрий актлар лойиҳалари тайёрланди. Бу муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган қарорлар тегишли органлар томонидан қабул қилиниб, уларни амалга оширилиши натижасида фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асослари янада ривожланди.

Сиёсий ва давлат аҳамиятига молик қарорлар ишлаб чиқишнинг ривожланган мамлакатлар ва ҳуқуқий давлатларга хос бўлган усуллари миллий тажрибалар билан уйғунлашган ҳолда Ўзбекистонда ҳам ривожланиши мамлакатни демократлаштириш ва модернизациялаш ислоҳотларини янада чуқурлаштиришга катта таъсир кўрсатди.

Президент И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш борасида қабул қилиниши кўрсатилган қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш мақсадини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 14 январдаги Фармойишларига биноан мазкур Концепцияда белгиланган олти та йўналиш бўйича ишчи гуруҳлар ташкил этилди ва улар томонидан Концепцияда илгари сурилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланди. Жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида 4 та, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш соҳасида 6 та, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш соҳасида 7 та, Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш соҳасида 2 та, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида 5 та, демократик бозор ислохотларини ва иқтисодийлиги либераллаштиришни янада чуқурлаштириш соҳасида 23 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш мўлжалланди. Бошқача айтганда, 19 та янги қонун лойиҳалари, 8 та амалдаги қонунлар янги таҳрирда, 14 та амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар, 1 та Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 2 та Қарор, 1 та Фармойиш ҳамда парламент палаталарининг 2 та қарори лойиҳаларини, жами 47 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тайёрлаш назарда тутилди.

Айниқса, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонунни, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини янада ошириш, давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартибларини аниқ белгилаб бериш, аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган



қарорлар, авваламбор фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлаш мақсадида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида» Қонунни қабул қилиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти – маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтириш мақсадида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ва уларни фуқаролик жамияти қуриш ислоҳотларида қўллаш натижасида, бир томондан фуқаролик жамияти институтлари янада ривожланади, иккинчи томондан, мамлакатда сиёсий қарорларни тайёрлаш, қабул қилиш ва амалга ошириш жараёнлари демократик тамойиллар асосида амалга оширила бошлайди.

Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат сари йўл тутган Ўзбекистон фуқаролари демократия шароитларида сиёсий иштирок этишнинг ўзига хос шакллари ўз сиёсий маданиятига сингдириб бормоқда. Ҳозирги даврдаги ривожланиш авжи, танланган йўللار, мустақиллик йилларида орттирилган тажрибалар Ўзбекистон фуқароларининг ўз миллий хусусиятлари, сиёсий анъаналарининг ўзига хослигини сақлаган ҳолда демократик тамойиллар ва кадриятларга амал қилиши натижасида шаклланди.

#### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Сиёсий жараён қандай таърифланади?
2. Сиёсий жараён тузилмаси деганда нимани тушунасиз?
3. Сиёсий иштирок ва унинг турлари тўғрисида нималарни битасиз?
4. Сиёсий қарорлар қандай усул ва босқичларда қабул қиллинади?
5. Бошқарув қарорларини амалга оширишнинг қандай турлари мавжуд?
6. Ўзбекистонда сиёсий жараёнларни ислоҳ этиш қандай натижалар бермоқда?

1. Ихтилоф тушунчаси ва унинг табиати.
2. Сиёсий ихтилофлар ва уларнинг моҳияти.
3. Сиёсий ихтилофларни ҳал этиш технологиялари.
4. Сиёсий ихтилофларнинг ўзига хос хусусиятлари.
5. Сиёсий ихтилофлар таснифи.
6. Ўзбекистонда сиёсий ихтилофларни ҳал этишнинг демократик жараёнлари.

### 1. Ихтилоф тушунчаси ва унинг табиати

Ихтилоф (конфликт) тушунчаси алоҳида олинган индивид онгида бошқа индивидга нисбатан қарама-қарши йўналган, бири бири билан ўзаро зид бўлган майлларнинг, шунингдек, индивидлар ёки одамлар гуруҳларининг ўзаро хатти-ҳаракатлари ёки муносабатларидаги ўткир салбий ҳис-туйғули тўқнашувлари сифатида талқин этилади. Ҳар қандай ташкилий ўзгаришлар, шиддий вазиятлар субъектив равишда жиддий руҳий ва ташвишли кечинмалар билан биргаликда кечади.

Кундалик ташвишлар нуқтаи назаридан ихтилоф ноҳуш мазмун касб этади. Бу ҳолат тажовуз, чуқур ҳис-туйғулар, тортишувлар, дўқ-пўписа, душманлик кабиларга қўшилиб кетишга имконият яратади. Ихтилоф – ҳуш келмайдиган ҳодиса, агар у пайдо бўлиб қолса, имконият борича ундан қочиш керак ёки уни тезлик билан ҳал этиш лозим, деган фикр кенг тарқалган. Замонавий руҳшунослик ихтилофнинг нафақат ноҳуш, балки ижобий жиҳатларини ҳам очиб берди: ихтилофли вазиятларнинг шиддий жиҳатларини ажратиб кўрсатган ҳолда ихтилофларни ташкилотни, гуруҳни, алоҳида шахсни ривожлантириш усули сифатидаги ўрнига муҳим эътибор билан қарала бошланди.

Аксарият ҳолатларда ихтилоф манфаатларни қондиришдаги рақобат сифатида ҳам талқин этилади. Қандай вазиятни ихтилофли дейиш мумкин? Бу саволга *Томас теоремаси* жавоб беради: агар вазият ҳақиқий воқелик сифатида аниқланса, у ҳолда у ўзининг оқибатлари бўйича ҳам ҳақиқий воқеликдир, яъни қачонки, ҳеч бўлмаганда томонлардан бири уни ўзининг ички кечинмаларида ихтилоф сифатида ҳис этган тақдирдагина ихтилоф ҳақиқий воқелик сифатида эътироф этилади. Шунингдек, ихти-

лоф руҳий изтироб ҳолати, олдинги ривожланишга нисбатан издан чиқиш ёки янги тузилмаларни яратиш манбаи сифатида ҳам талқин этилади. Бу йўналишда М.Робер ва Ф.Тильман ихтилофни ижобий ҳодиса сифатида замонавий тушунишни илгари суради.

*Руҳиунос олимлар Ж. фон Нейман ва О. Моргенштейн* ихтилофни бир-бирига тўғри келмайдиган мақсадларга эга бўлган иккита объектнинг ўзаро хатти-ҳаракати, бу мақсадларни амалга ошириш йўли сифатида характерлайди. Бу каби объектлар сифатида мақсадга мувофиқ хатти-ҳаракатларни режалаштирган, уюштириш ва бошқариш вазифаларини амалга ошириш фаолияти билан боғлиқ бўлган одамлар, алоҳида гуруҳлар, ҳарбий қўшинлар, монополиялар, ижтимоий қатламлар, ижтимоий институтлар кабилар назарда тутилади.

Таниқли олим *К.Левин* ихтилофни индивиднинг ўзига нисбатан бир вақтнинг ўзида қарама-қарши ҳаракат қиладиган кучга нисбатан тенг ўлчовли кучга эга бўлган вазият сифатида талқин этади. Унинг фикрича, шахс ихтилофни ҳал этиш вазиятида «куч» сифатида иштирок этишдан ташқари, бу жараёнда фаол рол ҳам ўйнаши лозим. Шунинг учун ҳам Левиннинг асарларида асосан ички шахсларо ихтилофлар кенг тадқиқ этилади.

Таниқли олим *У. Линкольннинг* фикрича, ихтилофларнинг ижобий таъсири жамият ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Ихтилофларнинг ижобий таъсири қуйидагилардан иборат:

- ихтилоф ўзини ўзи англашни тезлаштиради;
- унинг таъсирида кадриятларнинг муайян тўшламга мойилликлар мустаҳкам тарзда ўрнашади;
- бирлик ва умумийликни англашга имкон яратади;
- маслакдошларни бирлашишига олиб келади;
- кескинликни юмшатишга имконият яратади, арзимас ихтилофлар барҳам топади;
- устуворликларни қайтадан жойлаштиришга шарт-шароитлар яратади;
- хавфсиз ва конструктив тарзда ҳис-туйғулардан ҳоли бўлишга замин яратади;
- ихтилоф туфайли норозиликлар, таклифлар ва муҳокамага эҳтиёжмандларга диққат-эътибор қаратилади, ўзаро тушуниш, тан олиниш, ўзаро қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий расмийлашув ва счимлар учун имкониятлар яратилади;

-бошқа одамлар ҳамда гуруҳлар билан мулоқотлар ўрнатилди ва амалга оширилади;

-ихтилоф туфайли чуқур ва давомли ихтилофлар олдини олиш, счимини топшиш ва уларни бошқаришнинг адолатли тизими рағбатлантирилади.

Шунингдек, ихтилофларнинг салбий таъсирлари ҳам мавжуддир. Улар қуйидагилардан иборат:

-ихтилоф томонларнинг изҳор этилган манфаатларига нисбатан таҳдидларни пайдо қилади;

-тенглик ва барқарорликни таъминлаётган ижтимоий тизимга хавф солади;

-ўзгаришларни тезлик билан амалга оширишга халақит беради;

-қўллаб-қувватлашлардан маҳрум қилади;

-кишилар ва ташкилотларни тезлик билан рад этиб бўлмайдиган турли оммавий баёнотларга боғлиқ қилиб қўяди;

-баъзан вазмин ва пухта жавоблар топиш ўрнига тезлик билан ҳаракат қилишга мажбурлайди;

-ихтилофлар туфайли томонларнинг бир-бирига ишончи йўқолади;

-бирликка эҳтиёж сезадиган, ҳаттоки унга интиладиган одамларни тарқоқ ҳолга солиб қўяди;

-ихтилоф натижасида иттифоқларга бирлашиш жараёни бузилади;

-ихтилоф чуқурлашиш ва кенгайишга мойиллиги учун ҳам хавфлидир;

-ихтилофлар даврида устуворликлар тезлик билан алмашиши натижасида бошқа манфаатларни хавф остига қўяди<sup>310</sup>.

Албатта, бу талқинлар ихтилофларни психологик ва ижтимоий таҳлил этиш натижаси бўлиб, улар сиёсий ихтилофларни кенроқ тушуниш учун ёрдам беради.

---

<sup>310</sup> Қаранг: Управление персоналом. Словарь-справочник// <http://psyfactor.org/lybr31.htm>.

## 2. Сиёсий ихтилофлар ва уларнинг моҳияти

Ижтимоий-сиёсий ихтилофларга доир муаммоларни ўрганиш ва уларнинг ечимларини топиш сиёсий фикрлар тарихида қадимий анъаналарга эгадир. Унга доир назарияларга дастлаб Аристотель асос солган бўлса, янги даврга келиб Т.Гоббс, Н.Макиавелли, Д.Веко, А.Токвиль, М.Вебер кабилар томонидан ривожлантирилди. Бу муаммога турли хил ёндашувларнинг пайдо бўлишига қарамасдан, уларнинг барчасида сиёсий ихтилофлар муайян жамиятдаги ҳокимият учун курашнинг доимий ҳаракатдаги шакли сифатида эътироф этилди. Жумладан, Т.Гоббс давлатнинг ташкил топишида ихтилофий омилга муҳим аҳамият бериб, жамиятнинг табиий ҳолатини (давлат ташкил топишига қадар бўлган даврни) «барчанинг барчага қарши уруши» сифатида талқин этди. Шу билан бирга, Т.Гоббс ихтилофларнинг учта асосий сабабини кўрсатди: рақобат, ишончсизлик, шон-шуҳратга иштиёқ. Шунингдек, ихтилофли муаммоларга В. Парето, Е. Дюркгейм, Т. Парсонс, Р. Дарендорф асарларида ижтимоий-сиёсий ҳодисаларни тадқиқ этишда асосий омиллар сифатида қаралди.

Жамият сиёсий соҳасининг ҳаёт тарзи ички зиддиятлар ва ихтилофлар асосида кечади. Конфликтология (ихтилофшунослик) классиклари – Г. Зиммель, А. Бентли, К. Болдуинг, Л. Козер, Р. Дарендорф, Ж. Бертон кабилар ихтилофларга нисбатан бутун бир жамиятнинг, шунингдек, хусусан сиёсий ҳаётнинг чуқур моҳияти сифатида қаради. Ихтилофларнинг мавжудлиги сиёсий ривожланишга ёки жамият сиёсий тизимига таҳдид сифатида қаралмайди. Аксинча, ҳокимият ресурслари, ижтимоий нуфузнинг камёблиги бўйича анъанавий ихтилофлар келтириб чиқарувчи омиллар сиёсий институтлар эволюциясининг манбаи, деб тушуниш одатга айланди.

Сиёсатда ихтилофнинг бўлиши муқаррардир. Чунки сиёсат инсоний фаолиятнинг шундай бир манзарасики, унинг мазмуни сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёни ва сиёсий хатти-ҳаракатларда турли ижтимоий гуруҳларнинг талабларини, баъзан ижтимоий келишувларга эришиш учун ўзаро қарама-қарши бўлган ижтимоий манфаатларни қайта қуришдан иборатдир. Баргараф этиб бўлмайдиган ихтилофлар – сиёсий тизимнинг муҳим хусусиятидир. Чунки узлуксиз тарзда уларнинг намоён бўлиши, улар-

ни мувофиқлаштириш, ҳал этиш кабилар сиёсий акторларнинг донимий равишда ишлаш қобилиятини таъминлаб туради, уларнинг ҳар қандай вақтда курашга тайёр бўлишини, ҳамкорликка эришини, ўз манфаатларини ҳимоя этиш қобилиятини, ўз ҳаракатини мувофиқлаштириш кўникмаларини мустаҳкамлайди.

Замонавий жамиятларда сиёсий фаолият ўз ичига фавқулодда турли-туман йўналишларни олади: қарорлар қабул қилишдан тортиб то саҳналаштирилган хатти-ҳаракатларгача бўлган йўналишлар. Сиёсатчининг фаолияти шу даражада мураккабки, у юксак профессионал мутахассислардан иборат маслаҳатчилар ва экспертларга зарурият сезади. Айниқса, сиёсий менежментни эгалламай туриб, сиёсий фаолият билан шуғулланиш мушкул ишга айланиб бормоқда. Сиёсий менежмент – бу юзага келган шароитда сиёсий жараёни, хусусан сиёсий субъектлар фаолиятини имкони бор даражада самарали ташкил этишга доир уюштириш ва бошқаришдан иборатдир<sup>311</sup>.

Сиёсий ихтилоф ижтимоий ҳаётнинг қандайдир ноёб феноменини ифодаламайди. Унинг учун ижтимоий ихтилофларнинг умумий таснифлари хосдир. Биринчи навбатда, бу ихтилофли қарам-қарши кураш иштирокчилари учун тегишлидир. Сиёсий ихтилоф – бу сиёсат субъектларининг ижтимоий тартиботни сақлаш ёки уни модификациялаш, трансформациялаш мақсадидаги ҳокимият учун ҳам назарий ва ҳам амалий курашидир<sup>312</sup>.

Ҳозирги давр адабиётларида ихтилофлар тарихидаги илмий йўналишлар ижтимоий ихтилоф муаммоларига қандай ўрин бергани масаласига боғлиқ равишда иккита гуруҳга бўлинади. Бу икки хил ёндашув узида ихтилофларни талқин этишнинг иккита тизими – Т.Парсонс ва Р.Дарендорф томонидан икки хил қарашларни намоён қилади. Жумладан, *Т. Парсонс* қуйидаги қарашларни илгари суради:

- 1) ҳар бир жамият – нисбатан турғун ва барқарор маданиятдир;
- 2) ҳар бир жамият – яхши интеграциялашган тузилмадир;

<sup>311</sup> Ольшанский Д.В. Политический PR. СПб. – Питер: 2003. –С.41.

<sup>312</sup> Глухова А.В. Политические конфликты: основания, типология, динамика (теоретико-методологический анализ). – Москва: Эдиториал УРСС, 2000. –С.24.

3) жамиятнинг ҳар бир унсури маълум бир функцияни бажаради, яъни тизимнинг турғунлигини қўллаб-қувватлаш учун ниманидир беради;

4) ижтимоий тузилмаларнинг амал қилиши жамият аъзоларининг интеграцияси ва барқарорлигини таъминлаб турадиган қадриятли консенсусларга таянади.

*Р. Дарендорф* эса қуйидаги қоидаларни илгари суради:

1) ҳар бир жамият ўзининг ҳар бир нуқтасида ўзгаради, ижтимоий ўзгаришлар доимийдир ва ҳамма жойда мавжуддир (ҳозирдир);

2) ҳар бир жамият ўзининг ҳар бир нуқтасида зиддиятлар ва ихтилофларга дучор бўлиб туради, ихтилоф – ижтимоий ривожланишнинг доимий йўлдошидир;

3) жамиятнинг ҳар бир унсури уни дезинтеграциялаш ва ўзгариши учун ўзининг улушини қўшиб туради;

4) ҳар бир жамият ўз аъзоларининг бир қисмини иккинчи қисмига бўйсундиришга мажбурлашига асосланади.

Бу икки хил талқин шуниси билан бир-биридан фарқ қиладики, биринчисида ҳамкорлик таъкидлаб кўрсатилади, иккинчисида ихтилофлар ва ўзгаришларга урғу берилади. Лекин ўзаро таъсир кўрсатишнинг ҳар иккала компоненти – ҳамкорлик ва ихтилоф муайян уйғунликда ижтимоий ҳаётда доимий равишда иштирок этади.

Ижтимоий ихтилоф табиатини оқилона англашга қадимги файласуфлар муҳим аҳамият берган бўлсаларда, ихтилофларга доир концепцияларни ишлаб чиқиш фақат XX асрга келиб юз берди. Дастлаб таниқли олим *Г. Зиммель* томонидан таклиф этилган «ихтилофлар социологияси» бир неча ўн йилликлар давомида умумназарий талқинлар доирасидан ташқарига чиқа олмади. Фақат иккинчи жаҳон урушидан кейин у амалий аҳамият касб эта бошлади, воқеликдаги ихтилофий вазиятларни таҳлил этиш русумга кира бошлади. Собиқ иттифоқда бу жараёнлар ўтган асрнинг 80-йилларидан бошланди.

Ижтимоий-сиёсий ихтилофлар моҳиятига нисбатан кўплаб таърифлар пайдо бўлди. Сиёсатшунослик луғатида кенг тарқалган талқин, яъни ихтилофнинг қарама-қаршиликлар шароитида иккита ёки undan кўпроқ турли йўналишлардаги кучларнинг ўз манфаатларини амалга ошириш учун тўқнашуви сифатидаги таърифи бошқаларидан устуворлик қилиб келди. Таниқли олим

*Д. Истон* фикрича, ихтилофлар манбаи моддий бойлик, таълим, ижтимоий нуфуз, ҳокимият каби қадриятларни тақсимлаш тизимида рўй берадиган жамиятдаги ижтимоий тенгсизликдир. Таниқли олим *Л. Санистебаннинг* фикрича, ихтилоф ижтимоий муносабатларнинг алоҳида турини ўзида ифодалаб, бу муносабатларда иштирок этувчиларнинг мақсадлари ўзаро зид эканлиги тўғрисида бир-бирига қарама-қарши туришидир; у ўзида турли хил – қисман ёки радикал, мувофиқлаштиришга берилиши ёки берилмаслиги каби характерлар касб этиши мумкин. Таниқли олим *Л. Козернинг* таъкидлашича, ихтилофнинг муҳим шарти нимагадир эгаллик қилиш ёки кимларнидир бошқаришга хоҳишнинг мавжуд бўлишидир. *Р. Дарендорф* ихтилофнинг предмети ҳокимият ва авторитет, деб ҳисоблайди. Польша сиёсатшуноси *К. Полецкий* ихтилофлар натижасида ўзгаришлар рўй берадиган ҳаётнинг асосий соҳасидаги сиёсий ҳокимият зиддиятлар сабабчиси ва ихтилофлар манбаи сифатида намоён бўлади, деб ҳисоблайди.

Жамиятдаги сиёсий жараёнларнинг моҳияти охир-оқибатда турли ижтимоий қатламлар ва гуруҳларнинг давлат ҳокимиятини эгаллаш ва ундан фойдаланиш учун олишувларидан иборатдир. Барча сиёсий ихтилофлар ана шу жараён атрофида авж олади. *Сиёсий ихтилоф* – сиёсат субъектларининг ҳокимиятга эришиш ёки ундан фойдаланиш, шунингдек, уларнинг жамиятдаги сиёсий мақоми ўзгариши билан боғлиқ бўлган ўз мақсад ва манфаатларини амалга ошириш жараёнларидаги интилишларининг бир-бирига нисбатан ўзаро тўқнашувларидир. Сиёсий ихтилофлар манбаси универсал бўлиб, у мураккаб тузилмалашган жамиятларда ижтимоий гуруҳлар ва индивидларнинг интилишларини ҳокимият органларининг марказлашган ҳолда мувофиқлаштиришсиз ва ўзаро келишувларсиз таъминлаб бўлмайдиган таянч эҳтиёжларининг қондирилишидан бошқа нарсасиз эмасдир.

Бу жараёнда ижтимоий гуруҳ учун сиёсий ҳокимият бирдан-бир асосий мақсад эмас, балки унинг асосий эҳтиёжларини қондирилишини кафолатлаб берадиган воситадир. Лекин сиёсий соҳа ичида баъзан ўзига хос мақсадларни силжиши рўй беради: профессионал сиёсатчи ёки ҳаттоки, сиёсий ташкилот учун ҳам ҳокимият барча тузилмаларни ўзига бўйсундиришга лаёқатли бўлган мустақил қадриятга айланиб қолади. Бу жараёнда киши-



лар ёки гуруҳларнинг асосий ҳаракатга келтирувчи мотиви (ва, албатта, қўшимча ихтилофлар манбаси) «ҳокимиятга иштиёқ»дан иборат бўлади. Бу каби мақсадлар алмашинуви принципсизлик сифатида баҳоланади. Ахир бу жараён нафақат сиёсий феномен ҳисобланади. Курашга тушган полвон нима учун ўз рақибини енгишга уринади? Машҳур номга эришиш учунми ёки ўз оиласини яхшироқ таъминлаш учунми? Қўпинча машҳурлик туйғуси асосий мотив ваазифасини бажаради. Машҳур полвонларни ана шу туйғулар яратади. Ана шу каби ҳолатлар сиёсатда ҳам рўй беради – сиёсатчи учун муҳими – бу фақат сиёсатга интилишдир.

Сиёсий ихтилофлар *объекти* сифатида махсус ижтимоий ресурс – давлат ҳокимияти, шунингдек ижтимоий гуруҳларнинг сиёсий мақомлари (жамият учун бажарилиши шарт бўлган қарорлар қабул қилишга қобил бўлган ҳокимият воситаларига яқинлиги ёки узоқлиги) ва сиёсий қадриятлар (ватанпарварлик, фуқаровийлик, ҳуқуқ ва эркинликлар ва ҳоказо) .

Сиёсий ихтилофлар *субъекти* сифатида, одатда, ижтимоий гуруҳлар ёки уларни ифодаловчи сиёсий институтлар майдонга чиқади. Бунда ҳозиргача ўз ечимини топмаган муаммо яширин тарзда туради; кимни сиёсий ихтилофнинг ҳақиқий, кимни унинг номинал субъекти, деб ҳисоблаш мумкин?

Албатта, сиёсий институтлар (ҳукумат, парламент, суд инстанциялари) хатти-ҳаракатлари ортида ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар манфаатлари ётади. Лекин «тақдирни ҳал қиладиган» асосий сиёсий қарорларни ўзларини қўллаб-қувватлаётган ижтимоий гуруҳлардан маълум даражада мустақил бўлган сиёсий идоралар қабул қилади<sup>313</sup> .

XX асрнинг бошларида АҚШ сиёсатшуноси ва социологи Артур Бентли сиёсий ихтилофларни синфий нуқтаи назардан талқин этган марксизмга қарама-қарши ўлароқ, ҳозирги давргача сиёсатшунослик таҳлилларида фойдаланилаётган *манфаатлар гуруҳи* тушунчасини фанга киритди. Бу тушунча аниқ сиёсий вазиятларда хатти-ҳаракат қилаётган ва манфаатлар бирлиги асосида одамларнинг ўзаро бирлашувини ифодалайди. Улар

---

<sup>313</sup> Қаранг: Буртовая Е.В. Конфликтология. Учебное пособие. –Москва: 2002 // [http://sbiblio.com/biblio/archive/unknown\\_konflictions](http://sbiblio.com/biblio/archive/unknown_konflictions).

Ушарига аъзо бўлиб кирган одамларнинг манфаатларини сиёсий ҳокимият билан ўзаро хатти-ҳаракатларда ифодалашнинг шаклини функциясини бажаришдан келиб чиқиб тегишли равишда сиёсий ихтилофларга қўшилади. Бу каби манфаатлар гуруҳларига тадбиркорлар уюшмалари, касаба уюшмалари, ҳўрлар ташкилотлари, экологик, феминистик каби қатор ташкилотлар киради. А.Бентлининг фикрича, бу каби гуруҳларнинг давлат органлари билан ўзаро хатти-ҳаракатлари сиёсий жараяннинг ўзагини ташкил этади. Шунинг учун ҳам уларнинг ўзи сиёсий фаоллик ва ихтилофларнинг субъектлари сифатида эътироф этилади.

Охир-оқибатда сиёсатнинг ўзи ҳам турли ижтимоий қатламлар ва гуруҳларнинг ихтилофларга киришган манфаатларини келиштириш воситаси ва йўли ҳисобланади. Унинг ўсиб бориш жараянида иккита бир-бирига ўзаро қарама-қарши бўлган тамойиллари кўзга ташланади. Биринчиси, анъанавий йўл бўлиб, унга кўра, ўз сиёсий манфаатлари бўйича иккита-учта етакчи сиёсий кучлар ўзаро қўшилиб, йириклашади. Кичик сиёсий кучлар ўзларининг имкониятлари чегарасининг торлигини англаган равишда кучли ва катта сиёсий кучни қўллаб-қувватлаш воситасида ўз манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя этади. Бу каби ҳолатда «кичик» сиёсий ихтилоф йирик сиёсий ихтилоф томонидан ютиб юборилади, унинг натижасида сиёсий тизим барқарорланади. Лекин сиёсий манфаатлар ўсиб боришининг иккинчи тамойили умуман қарама-қарши мазмун касб этади: унга биноан сиёсий манфаатлар диверсификациялашади, яъни уларнинг ўсиб боришига монанд равишда ўзаро кесишиш нуқталари ҳам ўсиб боради. Бу ҳолат «ҳаёт соҳалари хилма-хиллиги»ни (Р.Дарендорфга тегишли тушунча) ўсиб бориши билан аввал қаттиқ бўлган ижтимоий-синфий тузилмаларнинг «юмшаб» бориши билан изоҳланади. Бу шуни англатадики, қачонки бир соҳадаги муайян умумий манфаатлар (масалан, аτροφ-муҳитни сақлашдан манфаатдорлик) бошқа соҳалардаги турли манфаатлар билан ўзаро муросага киришиш натижасида ҳам (масалан, меҳнат соҳасидаги манфаатлар билан) қондирилиши мумкин. Бу каби ҳолатларда одамлар ўларини энди қандайдир муайян ижтимоий-сиёсий гуруҳга ҳаддан ортиқ мансуб деб билмаган ҳолда ўз ижтимоий мўлжалларини ҳозирги кунда энг муҳим, деб ҳисобланган муаммоларни ҳал этишга қаратишлари мумкин. Албатта,

бу каби ҳолатлар сиёсий ихтилофлар манзараларини мураккаб-лаштириб, уларни кўп ўлчовли жиҳатларини шакллантиради<sup>314</sup>.

Шу тариқа, манфаатлар гуруҳлари сиёсий ихтилофларнинг ҳақиқий субъектлари ҳисобланади. Лекин сиёсий жараёндаги бу ролни бажариш расмий давлат ҳокимияти органларига ҳам тегишлидир. Чунки гуруҳий манфаатлардан ташқари яна умуммиллий – суверенитет, хавфсизлик, тартиботни таъминлаш, йирик миқёсли иқтисодий ривожланишларни амалга ошириш каби манфаатлар ҳам мавжуддир. Бу манфаатларни гуруҳлар ўртасида тақсимлаб бўлмайди. Ундан ташқари, давлат ташкилотлари рақобатга киришган гуруҳлар тўқнашувларини ҳакамлик воқитасида келиштириб туриш вазифасини ҳам бажаради.

### 3. Сиёсий ихтилофларни ҳал этиш технологиялари

Ихтилофлар манбалари ва сабабларини чуқур ўрганиш асосида ва уларни ҳал этиш натижасида ихтилофларнинг кенг тарқалиши ва нохуш оқибатларини олдини олиш, шунингдек, бу жараён иштирокчилари мақсадларига эришишини таъминлаш учун имкониятлар яратилади. Ихтилофлар билан муносабатларга киришиш – бу унинг иштирокчиларини ўзларига тегишли хулқининг намоён бўлиши ва ихтилофларга нисбатан муносабатидан келиб чиқадиган нуқтаи назарларидир.

Ихтилофлардан фойдаланиш ихтилофларнинг олдини олишга доир фаолиятдан иборатдир. Агар улар пайдо бўлган бўлса, у ҳолда уларни бошқаришга зарурат туғилади. «Ихтилофларни бошқариш» сўзи адабиётларда бир хил маънога эга эмас. Баъзи муаллифлар уни «ўзаро курашаётган манфаатларни яраштиришга қаратилган фаолият, ўзаро умумий келишувга эришилган қарор ишлаб чиқиш» сифатида талқин этади<sup>315</sup>. Яна бир гуруҳ олимлар бу тушунчани «ихтилофнинг тугаши ёки унинг боришига ҳар қандай таъсир қилишни қўллаб-қувватлаш-

---

<sup>314</sup> Ўша жойда. –Б. 32-33.

<sup>315</sup> Қаранг: Дойч М. Разрешение конфликта – конструктивный и деструктивный процессы// Социально-политический журнал, 2001, № 1. –С.12.

дан иборат мақсадларга қаратилган фаолият»дан иборат<sup>316</sup>, деб ҳисоблайди.

Албатта, бунда иккинчи талқин ўзининг кенг амалий характер касб этишига кўра ҳам афзалроқдир. Чунки унда ихтилофни тинчлик билан тугаши учун бошқарув жараёни чегараланмайди ва ихтилофга таъсир этишга доир барча мажмуавий чоратадбирларни амалга оширишга имкониятлар мавжуд бўлади. Ихтилофларни бошқариш – бу ихтилофнинг салбий таъсирини камайтириш ва ижобий натижаларини кўпайтириш мақсадида унинг бориш жараёни устидан назорат қилишдир. У ихтилоф иштирокчилари томонидан ҳам, ташқи кучлар томонидан ҳам (тинчлик тарафдорлари ёки ҳакамлар) амалга оширилиши мумкин. Ихтилофларни бошқариш уни бартараф этиш ёки уни мувофиқлаштиришга қаратилади. Ихтилофларни бартараф этиш ихтилоф манбаини тугатишни тақозо этади, мувофиқлаштириш эса ихтилофли хатти-ҳаракатларни ва ўзаро душманликни тўхтатишни, ихтилоф манбаи аҳамиятини камайтиришни англатади. Одатда, бу каби ҳолатларга музокаралар, ўзаро келишувлар ва ўзаро ишонч ёрдамида эришилади. Мувофиқлаштириш ихтилофли вазиятни ривожланишини тўхтатишга қаратилган таъсирлар ўтказишни ёки сиёсий ихтилофнинг салбий оқибатларини озайтиришни мўлжаллайди. Ихтилофни мувофиқлаштиришда пайдо бўлган вазиятдан чиқиш истагида бўлган, ихтилофга киришган томонлар ҳам иштирок этиши, шунингдек, учинчи томон, деб аталадиган, лекин ихтилофга киришмаган воситачилар ҳам иштирок этиши мумкин. Ихтилофларни мувофиқлаштиришнинг иккита кўриниши бир-биридан ажралиб туради: а) ихтилофни олдини олиш; б) ихтилофни мувофиқлаштириш ёки уни бошқариш. Ихтилофнинг олдини олиш ихтилофли ўзаро таъсирларнинг пайдо бўлишига йўл қўймайдиган чораларни кўришни тақозо этади. Лекин бу йўл ихтилофли томонларнинг ўзаро даъволарини бошланиши ва нуқтаи назарларини дастлабки тўқнашуви босқичида ўзининг ижобий натижасини бериши мумкин. Ихтилофларнинг олдини олиш мазмуни ҳодисаларнинг ривожланишини рақобатли ўзаро таъсир кўрсатиш ўзани томонга йўналтириш, тўла ёки қисман даъво-

---

<sup>316</sup> Ўша жойда. –Б .13.

ларни қондириш ёки рад этиш каби жараёнлардан иборат бўлиши лозим.

Ихтилофларни мувофиқлаштириш томонларнинг очиқдан-очиқ бир-бирига юзма-юз қарши туриши шароитида уларнинг ўзаро душманлигини пасайтириш ва биргаликда муаммонинг счимини топишга доир мажмуавий чораларни кўришни тақозо этади. Ихтилофларни мувофиқлаштиришда қуйидаги ҳолатларни кўрсатиш мумкин: а) ихтилоф иштирокчилари тажовузкорона хатти-ҳаракатларга киришган, лекин бу жараён ҳали куч ишлатиш даражасига чиқмаган; б) қуролли ихтилофни мувофиқлаштириш. Улардан ҳар бири ўзига хос хусусиятлар касб этади. Бу каби ихтилофларда қарама-қарши томонларни бир-биридан ажратиш қийин кечишини инобатга олиб, бу каби ҳолатларда ихтилофларни мувофиқлаштириш асосан музокаралар ёрдамида амалга оширилади. Лекин фаол ихтилофли ҳолатларда музокаралар ўтказиш ниҳоятда мушкул масалага айланади. Бу пайтда томонлар ўз орқаларида турган ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар таъсирида радикал талаблар билан чиқа бошлайди. Лекин, шунга қарамай, бошланиб кетган ихтилофларни музокаралар ёрдамида бартараф этиш мумкинлигини тарихий тажрибалар исботлаб берган.

Ихтилоф иштирокчилари томонидан музокараларга киришиш ён бериш, деб ҳисобланган пайтларда яраштиришга эришиш зарурати пайдо бўлади. Яраштириш пайтида томонлар вазиятни оқилона баҳолаш, ўз даъволарини яна чамалаб кўриш имкониятларига эга бўлади. Баъзан ихтилофлар жуда ҳам чўзилиб кетса, учинчи бетараф томонга – воситачиларга зарурат пайдо бўлади. Айниқса, халқаро ихтилофларда воситачилик қилиш тажрибаси ўзининг ижобий натижаларини бериши билан ажралиб туради.

Хулоса қилиб айтганда, ихтилофларни мувофиқлаштиришнинг асосий натижаси сифатида доимо ҳуқуқий шакл бериладиган ўзаро хатти-ҳаракатларнинг меъёрлари ва қоидаларини биргаликда ишлаб чиқиш тажрибасини кўрсатиш мумкин. Унинг натижасида ҳар икки томоннинг ўзаро хатти-ҳаракатлари натижаси ўлароқ, ихтилофли вазият рақобатли ва кооператив жараёнларга айланади, лекин турлича қарашлар ва зиддиятлар сақланиб қолгани билан мақсадларга эришиш усуллари меъёрий доиралар ичида қўлланилади. Ихтилофлар иштирокчилари ўзаро

муносабатлари янги шароитларда институтлашади, воқеликларини олдиндан кўришга имкониятлар яратилади<sup>317</sup>.

#### 4. Сиёсий ихтилофларнинг ўзига хос хусусиятлари

Ҳар қандай ихтилоф, жумладан, сиёсий ихтилоф ҳам ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Сиёсий ихтилоф нафақат бутун бир сиёсий ҳаётни такомиллаштиради, балки уни издан чиқариши ҳам мумкин. Унинг ижобий ёки салбий аҳамият касб этиши сиёсий ихтилофда қандай кучлар устун келиши, халқнинг қандай сиёсий кучларни қўллаб-қувватлашига боғлиқдир. Қуйида сиёсий ихтилофнинг муҳим хусусиятлари келтирилади.

*Қарама-қарши курашувчи томонлар намоён бўлишининг очиқлик характери.* Ҳақиқий сиёсат – бу йирик ижтимоий гуруҳлар ўзаро зиддиятларини ҳал этиш соҳасидир. Шунинг учун ихтилоф ўз манфаатлари учун курашаётган ижтимоий гуруҳларнинг ўзига ва кенг жамоатчилик фикрига ҳавола қилишни тақозо этади. Ундан ташқари, ҳал этилаётган муаммоларга юқори даражада диққат-эътибор қаратиш ихтилоф субъектларига қўшимча аҳамият касб этади ва уларнинг сиёсий капитал тўплай олишига ёрдам беради.

*Умумий аҳамият касб этиши.* Сиёсий ихтилоф бутун бир жамият, синфлар, ижтимоий қатламлар, йирик ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларига бевосита ва билвосита тарзда дахл қилади. Шунинг учун сиёсий ихтилоф субъектлари (сиёсий ташкилотлар, элиталар институтлари ва етакчилар) доимо муайян ижтимоий бирлик (ижтимоий қатлам, синф, этнос, манфаатлар гуруҳлари, бутун бир жамият) номидан сиёсий майдонга чиқади.

*Ҳокимият муносабатлари билан боғланганлиги.* Сиёсий ихтилофларда асосий (интеграцияловчи) объект сиёсий ҳокимият ҳисобланади. Сиёсий ихтилоф предмети сифатида у ёки бу ҳокимият ваколатлари, ҳокимиятнинг амалга ошириш усуллари ва натижалари намоён бўлиши мумкин. Сиёсий ихтилофлар сабаблари турли-туман, яъни сиёсий соҳада ёки ҳокимият важи бўйича

---

<sup>317</sup>Лебедева М.М. Политическое урегулирование конфликтов: Подходы, решения, технологии. 2-е изд. – Москва: НОРМА, 2003. – С. 64.

сиёсий кураш даражасига айланган жамиятнинг бошқа соҳаларидаги зиддиятлар бўлиши мумкин.

*Ихтилоф мотивациясининг мафкуравий характери.* Сиёсий ихтилоф, қоидага биноан, муайян мафкуравий асослашларга таянади. Сиёсий мафкура ўзида фуқаролар сиёсий хулқининг мақсад ва ғоявий йўналишларини аниқлаш учун махсус мўлжалланган руҳий таълимни ифодалайди. У сиёсий ихтилоф иштирокчилари ва субъектларини уюштириш, айнанлаштириш ва сафарбар қилиш функциясини бажаради. Сиёсий мафкура, қоидага кўра, ўзига хос мақсад ва вазифалари, ҳокимиятни эгаллаш усуллари баёнини ифодалаган ҳолда бевосита сиёсий кураш дастури билан мужассамлашади.

*Ихтилоф субъектларининг институционал уюшқоқлиги.* Сиёсий ихтилоф субъекти жамиятда ёки халқаро майдонда ҳокимият ёки ҳокимият ваколатларига эга бўлишга даъво қилиши учун у ташкилий расмийлашган – ўзида ижтимоий ташкилот, сиёсий партия, давлат институти ёки бу органларнинг легитим вакили ваколатларини ифодалаши тақозо этилади.

*«Тимсолий» айнанлашиши.* Сиёсий ихтилофларда оммани айнанлаштириш, уюштириш ва сафарбар этишда мафкуравий тимсоллар муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун у сиёсий ихтилоф хусусияти сифатида қабул қилинади. Масалан, иттифоқ даврида ишчилар инқилобида қизил байроқ тимсол вазифасини бажарган, социал-демократик партияларнинг тимсоли эса қизил атир гул ҳисобланади. Тимсоллар сиёсий ихтилофларда томонларнинг қарама-қаршилигини ва уларнинг ўзини ўзи айнанлаштириш воситаси ва усуллари ифодалайди.

*Сиёсий ихтилофда томонларнинг узаро мақсадлари ихтилофи.* Агар, одатдаги бозорда аниқ ва ҳақиқий моллар ва хизматлар рақобатлашса ва «ихтилофлашса», сиёсий ихтилофда таклиф этилган маҳсулотлар (ғоялар, шиорлар, дастурлар, баёнотлар) тимсолий характерда рақобатлашади. Рақобатлашган ва ихтилофлашган томонлар ўзларининг айнан ўхшаш баҳоларга берилмайдиган, яъни тарозида ўлчаш ва татиб кўриш мумкин бўлмаган «молларини» ва «хизматларини» таклиф қилади. Сиёсий ихтилофда биринчи ўринга молнинг сифати эмас, балки уни реклама қилишнинг самараси – сиёсий PR технологиялар, сиёсий маркетинг чиқади.

*Легитим етакчиларнинг мавжудлиги.* Сиёсий ихтилофларда сиёсий етакчилар муҳим рол ўйнайди. Одатда, сиёсий қарама-

қарши туришлар сиёсий етакчиларнинг қарама-қаршилигига айланади, кўпинча етакчиларнинг ўзи сиёсий ҳаракатларнинг тимсоли, бериладиган ваъдалар бажарилишини кафолатлари сифатида намоён бўлади. Сиёсий бозор шароитидаги тимсолий маҳсулотларни ишга солишни тезлаштириш жараёнида етакчининг шахсий сифатлари ва оммавийлашганлиги билан сиёсий ихтилофнинг қандай тугаши ўзаро боғлиқ бўлади. Шунинг учун ўзаро қарши томонлар ҳар қандай (қонуний ва ноқонуний) йўллар билан нафақат ўз муҳолифатининг обрўсини тўкишга уринади, балки унинг ғоялари ва дастурларининг сохта томонларини фош этади<sup>318</sup>.

*Сиёсий ихтилофдаги тўқнашувларнинг ҳуқуқий жиҳати.* Сиёсий ихтилофни институтлаштириш уни ҳал этиш ва мувофиқлаштиришнинг муҳим шартларидан биридир. Чунки у кўпинча ҳуқуқий ихтилофларга ўхшаб кетади. Лекин ҳуқуқий ихтилоф (сиёсий ихтилофни ҳуқуқий жиҳатдан ташкил этувчи) учун ҳуқуқшунос-профессионалларнинг тор доираси жалб этилса, сиёсий ихтилофда курашаётган томонлар «жараёндан унча воқиф бўлмаган»ларни қўллаб-қувватлашига эришиш (ёки уларни ихтилофга тортиш) учун ҳаракат қилади<sup>319</sup>. Бунда моҳиятан сўз шундай тушунчалар (категориялар) ўзаро нисбати (тўқнашувлари) ва қонунийлик ҳамда легитимлик сифатидаги ҳодисалар тўғрисида кетмоқда: биринчиси ҳуқуқнинг юридик меъёрларига мурожаат қилади; иккинчиси ижтимоий (сиёсий) адолатдан келиб чиқишга уринади.

## 5. Сиёсий ихтилофлар таснифи

Сиёсий ҳаётнинг мураккаблиги ва кўп қатламли эканлиги туфайли сиёсий ихтилофларни таснифлаш кўп ўлчамли характер касб этади. Анъанавий тарздаги умумий асослашларга мувофиқ сиёсий ихтилофлар: 1) тарқалиш соҳаси; 2) қандай сиёсий тизимда

---

<sup>318</sup> Козырев Г.И. Об особенностях политического конфликта// Вестник Московского университета. Сер. 12. Политические науки. 2007. № 4 // <http://kozyrev-gi.ru/pages/ob-osobennostj-ah-politicheskogo-konflikta/>.

<sup>319</sup> Батлер Л. Конфликт и консенсус. СПб., 1990. –С. 20 – 31.



рўй бериши; 3) ихтилоф предмети характери кабиларга нисбатан таснифлаштирилади. Биринчи асослашга биноан сиёсий ихтилофлар ички ва ташқи сиёсий (давлатлараро) ихтилофларга бўлинади. Иккинчи асослашга биноан демократик ва тоталитар сиёсий тизимлар ихтилофларига бўлинади. Учинчи асослашга биноан манфаатлар ихтилофи, мақомли-ролли ихтилофлар, қадриятлар ва айнанлашиш ихтилофларига бўлинади.

Сиёсий ихтилофларни ички ва ташқи сиёсат бўйича бўлиш мантиққа мувофиқдир. Ташқи сиёсатда ихтилоф субъекти сифатида давлат (ёки давлатлар гуруҳи) иштирок этади. Улар ўртасидаги муносабатлар доимий рақобат тусини олиб, кўпинча улар кескинлашиб туради. Бунда давлатларни миллий манфаатлар ҳаракатга келтиради. Унинг асосини халқ-миллат яшашининг муҳим асосларига оид эҳтиёжлар ташкил этади: хавфсизлик, табиий бойликлардан фойдаланиш ва уларни назорат қилиш, маданий бирлик ва миллий ўзига хосликни сақлаш. Миллий-давлат манфаатларининг табиий чекловчиси сифатида сиёсий майдонга ресурсларнинг чегараланганлиги ва бошқа мамлакатларнинг миллий манфаатлари чиқади.

Лекин ҳозирги даврга келиб ҳам айрим йирик давлатлар ўз миллий манфаатларини рўкач қилгани ҳолда ўтиш даврини ўз бошидан кечираётган ёки кичик давлатларни ўз таъсирига олишга ҳаракат қилиши каби ҳолатлар камайгани йўқ. Аслида, бу ўзга мамлакатлар табиий ресурсларини эгаллаш, геосиёсий устунликка эришиш ниятидаги тажовузлардир. Бу каби хатти-ҳаракатларга қаршиликлар ҳали етарли даражада бўлмасада, унга қарши туриш омиллари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1) иқтисодиёт соҳасидаги интеграциявий жараёнлар (унга ЕИни мисол келтириш мумкин);

2) халқаро ташкилотларнинг тинчлик ўрнатишдаги ролининг кучайиши (БМТ, ЕХХТ, АДТ (Америка Давлатлари Ташкилоти), АБТ (Африка Бирлиги Ташкилоти, ШХТ ва бошқ.);

3) ўзаро назорат остидаги ҳарбий қарама-қаршиликларнинг камайиши;

4) халқаро ҳуқуқ меъёрларини ҳурмат қилиш одатларини ўсиши;

5) халқлар ўртасидаги ўзаро мулоқотларнинг ҳар томонлама кенгайиши;

б) миллий давлатлар ички сиёсий тартиботларининг демократлашуви.

Ички сиёсий ихтилофларнинг моҳияти сезиларли даражада сиёсий тизимларнинг характери билан белгиланади. Сиёсий тизимларга нисбатан ўзига хосликни сиёсий режимлар, яъни муайян ижтимоий гуруҳларнинг сиёсий ҳокимиятни амалга оширишининг муайян усуллари йиғиндиси бахш этади. Бу каби «йиғиндилар»ни сиёсий фанлар қоидага биноан учга бўлади: 1) тоталитаризм; 2) авторитаризм; 3) демократия. Авторитар режимнинг қолган икки режим билан муросага боришини эътиборга олиб, иккита ўзаро қутблашган сиёсий режимларни мисол тариқасида кўриб чиқамиз.

*Тоталитаризмни* ажратиб турадиган белги — бу ижтимоий ҳаётни ялпи тарзда сиёсийлаштириш ва мафкуравийлаштириш, мажбурлаш ва ижтимоий назорат қилишнинг кучли аппарати мавжудлиги, барча ҳўжалик, ҳаттоки шахсий ҳаётни этатизациялаш (давлатлаштириш), хусусий мулкни чегаралаш ёки тугатиш, рақобат ва бозор муносабатларини тугатиш, марказлашган режалаштириш ва бошқарувнинг маъмурий-қўмондонлик усули мавжудлиги. Тоталитаризмни собиқ иттифоқ мисолида тўлиқ ва атрофлича тасаввур этиш мумкин.

*Демократия* тоталитар режимнинг ўзига хос қарама-қарши томонидир. У сиёсий ҳокимият устидан фуқаролик жамиятининг назорати ўрнатилганлиги билан характерланади. Унинг таянч принциплари халқнинг олий ҳокимиятини институтционал тарзда ифодалашни ва ҳуқуқий эътироф этишни ў ичига олади, ҳокимият органлари вақти-вақти билан сайланиб туради, жамиятни бошқаришда барча фуқароларнинг тенглик ҳуқуқи таъминланади, шахснинг барча ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга сўзсиз равишда амал қилинади ва ҳоказо.

*Тоталитар режимдаги ихтилофлар.* Бу режимдаги жамиятда иқтисодиёт, сиёсат ва маданиятнинг барча меъёрдаги нисбатлари бузиб кўрсатилади, сиёсий ихтилофлар қатор характерли хусусиятлар касб этади:

1) барча имконият даражасидаги сиёсий ихтилофлар (манфатлар, мақомлар, қадриятлар) ичидан олдинги ўринга сиёсий ҳокимиятдан узоқлиги ёки яқинлиги билан боғлиқ мақомли-ролли ихтилофлар илгари сурилади;

2) касбга доир, этник ва шу каби ижтимоий гуруҳлар манфатларидаги фарқланишларни тугатиш мумкин бўлмаганлиги,

сиёсий ҳокимият уларнинг муносабатларини ташқи жиҳатдан яхлит бўлган ва тўлиқ равишда сафарбарбар этилган жамиятга хос бўлган ихтилофли эканлигини тан олишни истамаганлиги учун ҳам аксарият ҳақиқий ихтилофлар яширин ва тушкунлик ҳолатига тушиб қолади. Кўп сонли ижтимоий гуруҳлар ўз манфаатларини артикуляция қилишга ва уларни тегишла равишда англашга имконият топа олмайди. Шунинг учун ҳам тоталитар режимларнинг қулаши кўпинча куч ишлатишларнинг авж олишини тақозо этади, фуқаролик урушига жиддий таҳдид қилади - тушкунликка тушган ихтилофлар бош кўтаради;

3) тоталитар жамиятдаги ихтилофлар имкони борича мафкуралаштирилади. Мафкура (қандайдир ижтимоий гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган, фақат ижтимоий қайта қуришларни фикран назарий тарзда тасаввурини ифодалаган) тоталитар режимнинг рад қилиб бўлмайдиган қадрияти ва танқиддан ҳоли бўлган «соғин сигири»га айланади. Бу мафкура «ягона ва муқаррар ишончли» ва барча учун мажбурийдир. Бошқача фикрлаш – сиёсий жиноят. Ҳар қандай ҳаракат мафкуравий талаблар бўйича баҳоланади. Ташқи сиёсий ихтилофлар, шунингдек, партия-давлат тузилмалари ўзаро хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ ихтилофлар мафкуравий устуворликларга бўйсундирилади. Бу манзаралар янада кескинроқ шаклларда фан, санъат, дин, ахлоқ каби соҳаларда ҳам кузатилади. Тоталитар мафкуранинг ўзи бу соҳаларни ҳокимиятона тарзда ўзини ўзи ривожлантиришини эзиб ташлаб, ихтилофларнинг қўшимча манбасига айланади;

4) тоталитар жамиятда сиёсат жамиятнинг барча соҳаларини эгаллаб олиши натижасида сиёсатдан жуда ҳам узоқда бўлган ихтилофлар сиёсий ихтилоф даражасига олиб чиқилади. Корхона режани бажармаганлиги, оиладаги турмуш муаммолари, ҳокимият рухсат бермаган ахборот билан танишиш кабилар сиёсий жиноят сифатида баҳоланади;

5) бу каби шароитлардаги ихтилофлар сунъий ва мажбуран тиқиштирилган тарзда кечади. Бу таснифга давлатнинг қийнашига нисбатан пайдо бўлган аҳолининг норозилигини сохта душманларни излашга (зараркунандалар, космополитлар, диссидентлар) буриб юбориш ҳам киради. Ихтилофлар ўз моҳиятига биноан қандайдир ижтимоий гуруҳнинг (арий ирқига ёки ишчилар синфига мансублиги, партия аъзоси бўлиши каби) ижтимоий

афзаллиги ёки устунлигига доир тоталитар мафкурага мансуб бўлган сунъий ва ёлгонлардан иборат ҳолда намён бўлади;

б) тоталитар сиёсий режим учун сиёсий ихтилофларни интернационаллаштиришга мойиллик ҳам хосдир. Унинг асосида ётувчи универсал мафкура дунёдаги барча воқеаларни бир хил, масалан, ишчилар синфи билан буржуазия манфаатлари тўқнашувини сифатида талқин этиши мумкин. Бу манбадан инқилобларни экспорт қилиш, антиимпериалистик ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш, дунёни турли блокларга бўлинган ҳолда тасаввур этиш, турли тизимларнинг кураши сифатида талқин этиш кабилар келиб чиқа бошлайди.

*Демократик жамиятдаги ихтилофлар.* Демократик тизимлар ҳам ихтилофлардан ҳоли бўлмайди. Лекин ундаги ихтилофларнинг характери бошқача тарзда рўй беради:

1) авваламбор, ихтилофлар очик равишда рўй бериб, улар ижтимоий ҳаётнинг аксарият соҳаларидаги ўзаро муносабатларнинг рақобатли характеридан келиб чиқадиган, жамият ва давлат томонидан эътироф этиладиган ҳодиса сифатида қабул қилинади;

2) демократик жамиятларда сиёсий ихтилофлар, хусусан, сиёсий соҳада локаллаштирилади. Улар фуқароларнинг шахсий ҳаётига дахл қилмайди, иқтисодиётни ўзига бўйсундирмайди, «маънавий соҳани амал қилиш қоидалари»ни белгилаб бермайди;

3) жамиятдаги барча ижтимоий гуруҳларнинг ўз манфаатларини артикуляция қилишлари учун кўплаб усуллари мавжуд бўлиб, турли ташкилотларга бирлашишдан мақсад ўз манфаатларини турли орган ва ташкилотлардан ҳимоялаш бўлганлиги учун ихтилофли вазиятлар унчалик таранглик ҳолатида кечмайди. Ихтилофларни куч ёрдамида ҳал этиш, ижтимоий қаҳр-ғазабларнинг «портлаш» хавфи оз бўлади;

4) демократия фикрлар, эътиқодлар ва мафкуралар плюрализми асосига қурилиши туфайли у ихтилофли вазиятларни эркин ва оқилона мунозаралар воситасида ўрганишга қурби етади, сиёсий ихтилофларни ҳал этишнинг барча учун мақбул бўлган усуллари излаб топиш имкониятларига эга бўлади;

5) демократик режимларда мақомли-ролли сиёсий ихтилофлар манфаатлар ва қадриятлар ихтилофларига нисбатан жуда ҳам кам аҳамият касб этади;

б) демократик режимда сиёсий ҳокимият ягона орган ёки қўлда тўпланмасдан турли таъсир этиш марказларига бўлинган ҳолда тақсимланганлиги туфайли ҳар бир ижтимоий гуруҳ эркин равишда ўз манфаатларини ҳимоя қила олади, тоталитар жамиятга нисбатан демократик режимда очиқ сиёсий ихтилофлар кўпроқ юз беради. Улар турли-туман ва ҳар хил ҳажмларда юз беради. Бу каби ҳолатлар кучсизлик ифодаси сифатида эмас, балки рақобатлашаётган ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари мувозанатини англатадиган демократиянинг кучини намойиш этади;

7) демократиянинг кучли томони — сиёсий ихтилофларни мувофиқлаштириш ва локаллаштириш қондалари, уларнинг аниқ ва равшан расмий тартиботлари мукамал равишда ишлаб чиқилганлигидир.

Албатта, юқорида келтирилган таҳлиллар демократияни сиёсий ихтилофларни бекаму кўст ҳал этиш воситаси эканлигини англатмайди. Унинг ўзига хос муаммолари мавжуд. Ҳозирги даврдаги плюралистик демократия танқидчилари демократик тартиботларни кўпроқ расмий характер касб этишини кўрсатмоқда: улар демократик режимда асосан индивид ва гуруҳларнинг ҳуқуқий жиҳатлардан тенглиги эълон қилинганлиги билан бозор муносабатлари ҳукмронлиги шароитида ижтимоий тенгсизликлар сақланиб қолаётганлигига ишора қилмоқда. Албатта, демократия шароитида рақобатдош ижтимоий гуруҳлар манфаатлари мувозанатига эришилади. Лекин оддий ишчилар билан йирик капитал ўртасидаги рақобатни қандай тарзда мувозанатлаш мумкин? Бу каби далилларда ҳақиқат бўлиши мумкин. Машҳур Австрия иқтисодчиси *Фридрих Хайек* демократия шароитида яшаш кўпроқ фуқароларнинг етуклиги ва фаоллигига боғлиқ эканлигидан келиб чиқиб, ўзининг «Қуллик сари йўл» асарида икки хил бошқарувнинг фарқлари тўғрисида қуйидаги мисолни келтиради: улардаги фарқланишлар тахминан қаёққа ва қайси йўлга юришни белгилаб берадиган йўл қондалари (йўл белгилари) ва кўрсатмалари ўртасидаги фарқларга ўхшайди. Демократик жамиятда ҳокимият фақат расмий «ҳаракат қондалари»ни ўрнатади, яъни муайян вазиятлар турида қандай ҳаракат қилиш лозимлиги тўғрисида олдиндан хабар беради. «Йўл»ни ҳамма ўзининг ихтиёри билан танлайди. Ва ҳокимият ҳайдовчининг қаёққа ва қандай муддатда боришига кафолат бермайди. У

Йўлдаги тирбандликка дучор бўлиши ёки тезликни ҳисобламай ҳаракат қилган бўлиши мумкин. Бу ҳолатда давлат ҳаракатни бошқаришни – олдиндан ҳайдовчилар сони ва ташиладиган юклар ҳажмини ҳисоблаш, қулай қатнов йўллари кўрсатиб беришни ўз қўлига олиши лозимдир? Афсуски, ҳаёт тажрибаси аҳволнинг янада ёмонлашишини исботламоқда. Олдиндан режалаштирилган қатнов жадвали издан чиқади (обҳаво, техниканинг инжиқлиги ва ҳоказо), унга амал қилиш вуррати янада қаттиқроқ назоратни талаб қилади. Қаттиқ талаблар остида кимгадир имтиёзли қатновга рухсат беришнинг ишрин муносабатлари туғилади. Энг ёмони – қаёққа ва қандай боришни фақат давлат ҳал этади. Рухсатсиз жойдан қўзғалиш мумкин эмас<sup>320</sup>. Бу каби истиқбол замонавий одамларни демократиянинг «расмий қондалари»ни танлашга мойиллик билдиришга мажбурлайди, лекин ижтимоий адолатнинг муқаррарлигини ваъда қилмайди. Чунки ижтимоий адолатга эришиш ҳар бир инсоннинг хатти-ҳаракати, қобилияти, дунёқараши, табиий ва ҳаётда орттирган сифатлари билан боғлиқдир. Демократиянинг асосий вазифаси барча учун тенг шарт-шароитлар яратишдир. Бу шароитларда ким олдинга ўзиб кетади, ким орқада қолади, бу албатта, ҳар бир шахснинг ўзига боғлиқдир.

## 6. Ўзбекистонда сийсий ихтилофларни ҳал этишнинг демократик жараёнлари

Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг эълон қилиниши мамлакатда демократик тамойиллар асосидаги туб ислохотларни амалга ошириш учун кенг шарт-шароитлар яратди. Мустақилликнинг дастлабки давридаёқ Президент И.А.Каримов мамлакатда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришни асосий стратегик пировард мақсад сифатида эълон қилди. Бу даврда давлат томонидан жамиятдаги турли ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар ўзаро ихтилофларини фуқаролик жамиятига хос бўлган - очик ва уларнинг манфаатлари тўқнашувларини келиштириш асосида бўлишига эъти-

---

<sup>320</sup> Буртовая Е.В. Конфликтология. Учебное пособие. –Москва: 2002 //http://sbiblio.com/biblio/ archive/ unknown\_konflictions

бор қаратилди. Шу мақсадларда инсон эркинликлари ва ҳуқуқларини ҳаётда амалга ошириш учун фуқаролик жамиятига хос бўлган ҳуқуқий асослар яратишга муҳим аҳамият берилди.

Мустақиллик даврида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва миллий қадриятлар талаблари даражасида шаклланди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қабул қилинган қонунлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг демократик принципларига асосланди. Конституцияга ривожланган давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя этиш, шунингдек, фуқароларнинг жамиятни бошқаришдаги фаолликларини оширишни таъминлай оладиган демократик қадриятлар асосидаги тамойиллар ва қоидаларининг киритилиши натижасида ҳар бир фуқаро ижтимоий тузилмалар воситасида ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ифода этиш ва ҳимоялаш имкониятларини қўлга киритди.

Мамлакатда фуқаролар ва ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро ихтилофларини ҳал қилишнинг ҳуқуқий шарти сифатида суд тизими тубдан ислоҳ этилди. Суд жараёнининг адолатли кечиши мақсадида адвокатлар институти демократик тамойиллар асосида қайтадан қурилди, мамлакатда адвокатлар уюшмаси ташкил этилди. Фуқаролик ишлари бўйича судлар билан жиноий ишлар бўйича судлар бир-биридан ажратилди. Хўжалик ва иқтисодий ихтилофларни демократик қадриятлар асосида ҳал этиш учун хўжалик судлари тизими шакллантирилди.

Фуқароларнинг сиёсий ихтилофларда иштирок этишини фуқаролик жамиятига хос шарт-шароитларда кечиши учун жамият аъзоларининг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир қатор ислоҳотлар ўтказилди. Мамлакатда ХХI аср бошларидаги сиёсий ислоҳотларнинг муҳим аҳамияти шунда бўлдики, бу пайтга келиб халқ оммасининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, сиёсий маданиятини юксалтириш ва демократиянинг энг муҳим тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш учун шарт-шароитлар яратилди. Мамлакатда сиёсий жараёнларни демократлаштиришнинг ўзига хос қадриятлари шаклланди. Фуқароларнинг ўз сиёсий фаолликларини юксалтириши, юқоридан қабул қилинадиган қарорлар қабул қилишда бевосита ёки ўз манфаатларини ифодаладиган гуруҳлар воситасида кенг иштирок этиши мамлакатда фуқаролик жамияти қуриш кафолат-

ларидан бири сифатида ҳаётга жорий этила бошланди. Айниқса, собиқ тоталитар жамиятдан мерос бўлиб қолган маъмурий-буйруқбозлик тизими асоратларидан покланишга, фуқаролар дунёқараши, сиёсий онги ва амалий хатти-ҳаракатларида демократик қадриятларни шакллантиришга муҳим аҳамият берилди.

Маълумки, фуқаролар томонидан сиёсий ихтилофларда иштирок этиш кўникмалари ва малакаларини шакллантиришда сиёсий онг ва сиёсий маданиятнинг роли беқиёсдир. Фуқаролар жамоат ташкилотлари фаолияти воситасида ёки бевосита ўз манфаатларини амалга ошириш мақсадида сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этар экан, қуйидаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни шакллантириш кўзда тутилади:

-фуқароларнинг сиёсий қарорлар қабул қилишдаги иштироки уларнинг табиий сиёсий-ижтимоий ҳис-туйғуларини уйғотади, ҳаракатга келтиради, уларда бу йўналишга доир интилишлар шаклланади. Ёки қисқача айтганда, ҳар бир фуқаронинг ижтимоийлашув жараёни амалга ошади;

-фуқароларнинг қарорлар қабул қилишдаги фаол сиёсий ҳаракатлари; бу жараёнда оддий фуқаролар манфаатлари, эҳтиёжлари ва интилишларининг ҳисобга олинishi уларга эркинлик бағишлайди. Муҳими, бу қарорларнинг халқ тақдиридаги аҳамияти фуқароларда сиёсий масъулият руҳини шакллантиради;

-фуқароларнинг сиёсий қарорлар қабул қилишда турли ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини турли нодавлат нотижорат ташкилотлар ва сиёсий партиялар воситасида ифодаланишидан қониқишлари уларни янада фаоллаштиради; натижада ўзаро манфаатлар келишуви оқибатида жамиятнинг барқарор бўлишига катта ҳисса қўшилади;

-бу каби иштироклар ҳар бир фуқарони ўзлигини англашга, унинг жамиятдан ўзига муносиб ўрин эгаллашига шарт-шароитлар яратади, ўз мамлакатига эгаллик ҳиссини шакллантиради, миллий ифтихор туйғуларининг юксалишини таъминлайди;

-давлат ҳокимияти жамиятдаги барча ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар манфаатларини ўз сиёсий қарорларида ифодаланишига эришилади; мазкур қарорларнинг ҳаётда амалга ошиши натижасида сиёсий ҳокимият янада легитимлашади; давлат органларининг фуқароларни бошқариш, сиёсий қарорларни бажаришни таъминлашга доир жараёнлар ва маъмурий тадбирларни амал-



га оширишдаги фаолиятини жамият ҳеч бир зўриқишсиз ва ихтиёрий равишда қабул қилади; шунингдек, бу фаолият фуқаролар томонидан кенг қўллаб-қувватланади;

-бу жараёнлар ривожланиши билан фуқаролар сиёсий ихтилофларда ўз манфаатларини ҳимоялашга доир ўз ваколатларини фуқаролик жамияти институтларига бериши туфайли шахслараро ихтилофлар кескин камаяди.

Шунингдек, мамлакатда сиёсий ихтилофларни институтлашган ҳолда мувофиқлаштиришнинг ҳуқуқий ва амалий шарт-шароитлари шаклланди. Бошқача сўз билан айтганда, мамлакатдаги тўртта сиёсий партиялар ва уларнинг қуйи ташкилотлари жамият ҳаёти кун тартибига қўйган турли сиёсий ихтилофларни бир-бирлари билан бўлган муносабатларда ёки конструктив мухолифий фаолиятларида, парламент қуйи палатасидаги фракцияларидаги мулоқотлар давомида ечимини топиш, долзарб муаммоларни бартараф этиш имконияти туғилди. Давлат ҳокимиятини ислоҳ этишга доир йирик масалалар референдум институти — барча фуқароларнинг истак-хоҳишлари билан ҳал этилиши анъанага айланди. Мамлакатдаги 5300 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлар фуқароларнинг турли-туман манфаатларини ифода этган ҳолда ихтилофларга сабаб бўладиган иқтисодий, ижтимоий, маданий, маънавий ва бошқа характердаги муаммолар ечимини топиши одатдаги бир ҳолга айланди.

Шунингдек, Ўзбекистон давлатининг халқаро сиёсатнинг фаол субъекти сифатида давлатлараро ва халқаро сиёсий ихтилофлар ечимини топишнинг ташаббускори бўлиб халқаро майдонга чиқиши натижасида мамлакат халқаро ҳамжамиятдаги ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг БМТ доирасидаги турли саммитларда халқаро сиёсий ихтилофларни бартараф этиш ташаббуси билан чиқиши, уларни халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилиши мамлакатнинг халқаро нуфузи юксак даражага эришганлигини англатади. Айниқса, Ўзбекистон давлатининг Марказий Осиёдаги минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, бу минтақада пайдо бўлган сиёсий ихтилофларни ҳал этиш бўйича янгича ёндашувлар асосидаги фаолияти ўзининг самарали эканлиги билан ажралиб туради.

Маълумки, ҳозирги даврда Афғонистондаги ички сиёсий ихтилофлар, бу давлатнинг атрофдаги давлатлар билан ўзаро их-

тилофлари жаҳон сиёсатига салбий таъсир қилиб, қатор умум-сайёравий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Афғонистон ичидаги ва атрофидаги сиёсий ихтилофларга нафақат қўшни давлатлар, балки барча ривожланган давлатлар ҳам тортилган. Лекин бир неча ўн йиллардан бери ихтилофлар доимийлик характери келтириб, унинг ечимларини топиш мушкул бир муаммога айланди. Шундай бир шароитда афғон можароси билан боғлиқ ихтилофларни бартараф этиш, ўзаро низолашаётган томонларни муросага келтириш, нафақат афғон заминида, балки унга қўшни бўлган мамлакатларда тинчлик ва осойишталикни ўрнатиш мақсадида бу ихтилофлардан манфаатдор бўлган барча ички ва ташқи кучларни бирлаштириш мақсадида Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов янги бир ташаббус билан чиқди. У кейинчалик “6+2” номи билан аталувчи ўзаро мулоқот гуруҳини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди. Бунинг маъноси – БМТ шафёлигида Афғонистондаги муаммоларни ҳал этиш бўйича у билан чегарадош 6 та давлат (Покистон, Тожикистон, Туркменистон, Хитой, Эрон, Ўзбекистон) ҳамда иккита йирик давлат АҚШ ва Россия иштирокида ташкил этилган гуруҳ (улардан учтаси – АҚШ, Россия, Хитой БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари) ўзаро мулоқотлар ва кучларни бирлаштириш асосида мавжуд сиёсий ихтилофлар ечимини топиш демакдир<sup>321</sup>.

“6+2” гуруҳи аъзолари бўлган давлатлар афғон можаросига нисбатан нуқтаи-назарлари турлича бўлишидан қатъи назар, Афғонистонда тинчлик ўрнатишни ёқлаб чиқиши ва БМТ бошчилигида олиб борилган мунтазам фаолиятлар натижаси ўлароқ, афғон муаммосини ҳал этиш учун бир тўхтамага келиши халқаро майдонда Ўзбекистон давлатининг нуфузи янада ортишига олиб келди.

1999 йил 19-20 июль кунлари БМТ раҳнамолигида Тошкентда Афғонистон бўйича “6+2” гуруҳига аъзо давлат вакиллари-нинг учрашуви узоқ йиллик афғон ихтилофларини тинч йўл билан ҳал этишнинг сиёсий йўлларини шакллантириш соҳасида муҳим аҳамият касб этди. Бу учрашув Марказий Осиё тарихида илк бор бевосита Афғонистон жойлашган минтақада ўтказилди

---

<sup>321</sup> Қаранг: Турсунов А.С. Ўзбекистон ва БМТ: ҳамкорликнинг янги уфқлари // Миллий тикланиш. –Тошкент: 2011, №9.

ва бу Ўзбекистон давлатининг кўп томонлама ташқи сиёсати эришган ютуқлар сифатида баҳоланди. Бу жараён минтақада БМТ фаолиятини янада кенгайтишига шарт-шароитлар яратди. Учрашувда “Афғонистондаги зиддиятни тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий томоғиллари тўғрисидаги Тошкент декларацияси” қабул қилиниши ва мазкур декларация БМТнинг расмий ҳужжатлари сифатида эътироф этилиши муҳим воқелик сифатида тан олинди..

Шунингдек, мамлакат Президенти И.А.Каримовнинг 2000 йил сентябрда бўлиб ўтган БМТнинг “Мингйиллик саммити”даги нутқида халқаро хавфсизлик ва барқарорлик муаммоси, халқаро ва давлатлараро ихтилофларнинг ечимини топишга қаратилган фикр-мулоҳазалари янги аср бўсағасида ҳамон жаҳон ҳамжамияти олдида турган энг асосий муаммоларни ифодалаб берди. Президент И.А.Каримов Ўзбекистон БМТ фаолиятининг асосий томоғилларидан бири бўлган хавфсизлик яхлитлиги томоғилини тўлиқ қўллаб-қувватлашини маълум қилиш баробарида қуйидаги фикрни билдирди: “Ушбу юксак минбардан туриб мен БМТнинг Хавфсизлик Кенгашига, халқаро ҳамжамиятга мурожаат қилмоқчиман: Афғонистонда давом этаётган уруш фақат Марказий Осиё минтақаси давлатлари хавфсизлигига эмас, балки жаҳон хавфсизлигига ҳам таҳдидир”<sup>322</sup>. БМТнинг “Мингйиллик саммити”дан бир йил ўтар-ўтмас 2001 йил сентябрь воқеаларининг рўй бериши унинг билдирган фикрлари нақадар ҳақиқат эканлигини барчага намоён қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг таклифига биноан 2010 йил 20 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисида иштирок этди ва нутқ сўзлади. Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида мамлакатимизда Мингйиллик ривожланиш мақсадлари доирасида амалга оширилган ишлар, Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлиги, Марказий Осиёдаги бугунги жараёнлар, минтақавий хавфсизлик ва экология муаммолари, Афғонистон можароси ва уни ҳал этиш йўллари ҳақида алоҳида тўхталиши баробарида хал-

---

<sup>322</sup> Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. –Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б.105-106.

қаро ҳамжамиятни халқаро ихтилофлар ечимини топишга чақирди. У илгари сурган таклиф ва ташаббуслар БМТ Бош Ассамблеясининг олий даражадаги мажлиси иштирокчилари томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинди.

Президент И.А.Каримов БМТнинг юксак минбаридан туриб Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишнинг муқобил йўлларини топишнинг гоят муҳим аҳамият касб этишига урғу берган ҳолда Ўзбекистон томонидан 2008 йилда таклиф этилган БМТ шафеълигида “6+3” мулоқот гуруҳини ташкил қилишнинг мақсад ва вазифалари тўғрисидаги фикрларини билдирди: “Ташаббусимизнинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, афғонистонликлар ўз мамлакати муаммоларини ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, Афғонистонда урушнинг тугаши ва унинг барқарор келажагидан манфаатдор мамлакатлар кўмагида ўзлари ҳал этишлари даркор. Улар сирасига авваламбор, тинчлик ўрнатиш миссиясига дахлдор АҚШ, НАТО, Россия, шунингдек, Афғонистон билан бевосита қўшни мамлакатларни киритиш зарур. “6+3” мулоқот гуруҳининг энг муҳим мақсади – бир-бирига қарши курашаётган томонларга Афғонистонда ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш дастурини таклиф этиш, мамлакатни пароканда қилаётган асосий муаммо ва зиддиятлар бўйича ўзаро мурося асосидаги ечимларни топкич, хавфсизликни таъминлаш ҳамда барча томонларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда зарур кафолатларни беришдан иборат”<sup>323</sup>.

Шунингдек, жаҳонда кескин ихтилофларни келтириб чиқараётган террорчиликни тугатиш энг йирик халқаро муаммолардан бирига айланди. Ўзбекистон давлати биринчилардан бўлиб халқаро аксилтеррорчилик коалициясига қўшилди, нафақат ҳужжатларда, балки амалий ҳаётда ҳам Афғонистондаги аксилтеррорчилик ҳаракатларини амалга ошириш жараёнларини инфратузилмалар билан таъминлаётган ягона давлат сифатида ҳам халқаро ихтилофларни ечишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

---

<sup>323</sup> Каримов И.А. БМТ Бош Ассамблеясининг мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисида сўзланган нутқ // Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. –Тошкент: Ўзбекистон, 2011. –Б. 11.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон давлатининг Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиб келаётганлиги, Афғонистонни қайта тиклашга кўмаклашиш, жумладан, автомобиль ва темир йўл инфратузилмасини реконструкция қилиш ва ривожлантириш, ирригация тизимини яратиш бўйича турли лойиҳаларни амалга ошираётганлиги бу мамлакатдаги ички сиёсий ихтилофларни бўшаштиришга замин яратмоқди.

Ўзбекистон давлати нафақат Афғонистон билан боғлиқ сиёсий ихтилофлар ечимини топишда, балки Орол денгизи муаммосини ҳал этиш атрофида бошқа давлатларни бирлаштириш, атом ядросидан ҳоли ҳудудларни кенгайтириш, экологик ихтилофларнинг олдини олиш, НАТОнинг тинчликни сақлашга доир фаолиятида иштирок этиш, ички сиёсий ихтилофларга сабаб бўладиган қашшоқликка ва ғиёҳвандликка қарши кураш, диний конфессиялараро низоларни келиштириш, бағрикенглик тамойилларини жорий этиш, виждон эркинлигини таъминлаш каби соҳаларда ҳам ташкилотчи ва ташаббускор сифатида ўзини намоён қилмоқдаки, бу, албатта, турли сиёсий ихтилофларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

#### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. “Ихтилоф” деганда нимани тушунаси?
2. Сиёсий ихтилофнинг моҳияти нималардан иборат?
3. Сиёсий ихтилофларни ҳал этишнинг қандай технологиялари мавжуд?
4. Сиёсий ихтилофларнинг ўзига хос хусусиятлари нималарда кўринади?
5. Сиёсий ихтилофлар қандай таснифланади?
6. Ўзбекистонда сиёсий ихтилофларни ҳал этишдаги туб ўзгаришлар нималарда кўринади?

## 13-МАВЗУ. СИЁСИЙ РИВОЖЛАНИШ ВА СИЁСИЙ МОДЕРНИЗАЦИЯ

1. Сиёсий ўзгариш ва унинг моҳияти.
2. Сиёсий модернизация назарияларининг ривожланиши.
3. Сиёсий модернизация: турлича ёндашувлар ва талқинлар.
4. Сиёсий модернизация ва миллий қадриятларни уйғунлаштириш тажрибаси.
5. Ўзбекистонда жамиятни модернизациялаш ва демократлаштириш жараёни.

### 1. Сиёсий ўзгариш ва унинг моҳияти

Сиёсий ҳаётнинг турли қирраларининг ўзгариши, ривожланиши, бир ҳолатдан иккинчисига ўтиши, сиёсий жараённинг кечиши каби ҳодисаларга тааллуқли бўлган турли-туман тушунчаларни аниқлаштирмай туриб, уларни чуқур англаб бўлмайди. Айниқса, “сиёсий тизим”, “сиёсий ўзгариш”, “сиёсий ривожланиш”, “сиёсий модернизация” каби тушунчаларнинг бир-биридан фарқланиши талқинларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, уларни умумий манзаралар миқёсида фарқлаш, турлича маъноларини бир-биридан ажратиш ва тушунчалар сифатида англаш асносида ҳар бир тушунчанинг сиёсий фанлардаги ўрни ва аҳамиятига доир тасаввурлар шаклланади. Шу жиҳатдан ёндашганда, сиёсий тартибот барқарорлиги ва унинг (уни бўлинишга олиб келувчи) ўзгарувчанлиги, мувозанат ва тинч ҳолати, улар ўртасидаги ўтиш ҳолати, ҳаракатларни бир жойга тўпланиб, умумий оқимга айланиши, ва ниҳоят, барқарорлик ва беқарорлик, мувозанат ва номувофиқлик омиллари, сиёсий акторлар каби сиёсий ҳаётнинг авжига чиққан “идеал ҳолати”ни ифодалайдиган “сиёсий тизим” (унинг тузилмалари ва ички тузилиши тартиботи) ва “сиёсий ўзгариш” бир-бири билан ўзаро қутблашган тушунчалар сифатида талқин этилади. “Сиёсий тизим” ва “сиёсий ўзгариш” тушунчалари маълум бир даражада “сиёсий жараён” ва “сиёсий ривожланиш” тушунчаларидан ҳосил бўлади, шу билан бирга, улар жамият ҳаётининг сиёсий соҳасида барқарорлик ва ўзгарувчанлик аломатларининг у ёки бу абжир хатти-ҳаракатларини ифодалайди.

“Сиёсий тизим” тушунчаси, биринчи навбатда, институтлар ва функцияларнинг ўсиб боришга мойил такроран фаолият кўрсатишларини, бошқача айтганда, сиёсий тизимнинг сақланиши ва мослашувини, яъни изчилликнинг (ворисийликнинг) асосий механизмларини тавсифлаб беради. “Сиёсий ривожланиш” тушунчасидан эса сиёсий ўсишнинг сиёсий ҳаётдаги эволюциявий илоҳотлар ва инқилобий ўзгаришларнинг таянч механизмлари, шунингдек, тизим ва институтларнинг ўзгариш жараёни билан боғлиқ бўлган томонларини таҳлил этишда фойдаланилади. Шу тариқа, «сиёсий жараён» тушунчасининг мазмуни ўсиш ва миқдорий таснифлар билан чатишиб кетади, у «сиёсий ривожланиш» тушунчаси билан биргаликда сиёсий ўсишнинг иккита – у ёки бу мамлакатдаги сиёсий тартиботнинг ўзгаришига ва такрорий фаолият кўрсатишга қаратилган томонларини ифодалайди.

Юқорида қайд этилган уч ўлчов ёки сиёсат таҳлили воқеликлари бир қанча объективлаштирилган, моҳият касб этувчи тавсифларни интеграциялайди ва бирлаштиради.

АҚШ сиёсатшунос олими Л.Пай сиёсий ривожланишни сиёсий ўзгариш сифатида таърифлаб, “биринчидан, сиёсий тузилмаларни дифференциациялашувни, иккинчидан, тизимларнинг ижтимоий муаммоларни ҳал этиш ва ижтимоий ишларни бошқариш қобилиятини ўсиши, учинчидан, сиёсатга жалб этилишдаги фуқароларнинг иштироки ва тенглигининг ривожланиши”, деб таснифлайди<sup>324</sup>.

Таниқли олим А.Ю.Мельвиль раҳбарлигида ёзилган “Сиёсий фанлар категориялари” асарида сиёсий ўзгариш ва сиёсий ривожланиш тушунчалари қуйидаги талқинда берилади:

*Сиёсий ўзгариш* – қандайдир жамиятни бошқаришда ҳокимият ваколатлари ёки уларни тақсимлашни амалга оширишга дахлдор бўлган мақсадлар ёки жараёнлар, тузилмаларни қайта қуриш демакдир. Сиёсий ўзгариш алмашиб бораётган ижтимоий муҳитнинг янги талабларига нисбатан ҳокимият ва бошқарувнинг мавжуд тизимини мослаштиради ёки олдинги имкониятларини йўқотган муайян тизимнинг яна ўзининг самарали амал қилиш қобилиятини қўлга киритишига кўмакла-

---

<sup>324</sup>Дегтярев А.А. Основы политической теории. – Москва: 2001. – С.88 и 214.

шади. Унинг асосий турлари – сиёсий ислоҳотлар, инқилоб, реставрация, конституцияни тўлиқ ёки қисман равишда қайтадан кўриб чиқиш.

*Сиёсий ривожланиш* – муайян жамият сиёсий тизими ичидаги ўзгаришларни ёки уни бошқаси билан алмаштиришни белгилайдиган, қоидага кўра, кўрсатилаётган талабларга нисбатан бошқарув воситаларининг қобилиятини мослаштириб бориш йўналишида авж оладиган ўсиш жараёнлари йиғиндисидир. Сиёсий ривожланиш қонуниятлари ижтимоий гуруҳларнинг барқарор ўзаро хатти-ҳаракатларини ва сиёсий соҳадаги акторларнинг амалий фаолиятини ифодалайди. Улар натижали уйғунлашувларга мойиллик ёки уларни ҳаракат қилишларига асосланган характерни таъминлайдиган турли манфаатлар зиддиятлари сифатида намоён бўлади<sup>325</sup>.

Ривожланиш феноменига нисбатан сиёсатшунослик фани нуқтаи назаридан ёндашув сиёсий воқелик жараёнларини, унинг кўп томонлама алоқаларини очиб бериш, уларнинг умумий таснифларини аниқлашни тақозо этади. Зеро, ривожланиш натижасида ижтимоий ҳаётнинг янги бир ҳолати пайдо бўлади. Сиёсий ривожланишнинг умумий назарияси унинг турли томонларини ўрганиш, илмий асослаш ва муаммолар ечими сифатида тақдим этилган кўплаб концепциялардан иборатдир. Уларнинг ичида энг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

1. Сиёсий ривожланиш – иқтисодий тараққиётнинг шарт-шароитидир. Дастлаб турғун иқтисодиётни ўзини ўзи рағбатлантириб ўсишини таъминлашга қобил бўлган иқтисодий ривожланиш ва қайта ўзгартириш талабларига доир муаммоларни илмий жиҳатдан таърифлаш даври бошланганида иқтисодчилар киши бошига тўғри келадиган даромадларнинг ўсишини тезлаштиришда ёки уларнинг тўхтаб қолишида сиёсий ва ижтимоий шарт-шароитлар ҳал қилувчи рол ўйнаши мумкин эканлигига оид назарий қарашларни ишлаб чиқди. Бу каби концепцияларда сиёсий ривожланиш политиянинг иқтисодий ўсиш ютуқларига эришишини енгиллаштириши мумкин бўлган ҳолати сифатида талқин этилди.

---

<sup>325</sup> Категории политической науки. /авт колл. А.Ю. Мельвилъ и др. –Москва: МГИМО МИД РФ, “Российская политическая энциклопедия” (РОССПЭН), 2002.–С.359.



2. Сиёсий ривожланиш – индустриал жамиятлар учун хос бўлган сиёсатдир. Бу ғоя ниҳоятда кенг тарқалган концепция сифатида иқтисодий таҳлил билан чамбарчас боғланган бўлиб, у юксак ривожланган мамлакатлар учун хос бўлган сиёсат тўғрисидаги муҳим қоидага доир тасаввурни ўзида мужассамлаштиради. Унга мувофиқ, ҳар бир жамият ўз саноатининг ҳолатига боғлиқ бўлмаган ҳолда интиладиган индустриал жамият сиёсий ҳаёт учун универсал модел яратиши фарз қилинади. Бу нуқтаи назарга биноан, индустриал жамиятлар (демократикми, ёки нодемократикми, бунинг аҳамияти йўқ) мақсадлари ҳар қандай тизим учун тўғри келадиган, шунингдек сиёсий ривожланиш моҳиятини ҳосил қиладиган институтларнинг амал қилишини ва сиёсий ҳулқларнинг маълум андозаларини ўрнатади. Шу тариқа, шартли равишда, ҳукуматнинг рационал ва муҳим ҳулқининг маълум моделлари сиёсий ривожланишнинг ўзига хос сифатларига айланади: жамиятдаги ижтимоий қатламлар кўпчилигининг қонуний манфаатларига хавф туғдирадиган, ўйланмасдан амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлардан воз кечиш; ижтимоий дастурларга устуворлик бериш; ташкиллашган маъмурий ва суд ишлари расмий тартиботларининг аҳамияти тўғрисида юксак тасаввурларга эга бўлиш; сиёсат - бирдан-бир мақсад эмас, балки муаммолар ечимларини топишнинг адолатли воситаси эканлигини эътироф этиш; сиёсат устуворлигининг маълум чегаралари; оммавий иштирокнинг баъзи шаклларига рухсат бериш.

3. Сиёсий ривожланиш модернизация сифатида. Бу йўналишдаги моделларда етакчи индустриал мамлакатлар “тақлид учун намуна” эканлиги далилланади, чунки аксарият ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт йўналишларидаги ривожланиш суръатлари юқори эканлиги ҳеч кимга сир эмаслиги таъкидланади. Албатта, шунинг учун бу каби фаразларни сиёсий соҳаларга ҳам тарқатишга интилишларни тушуниш мумкин. Шу билан бирга, сиёсий ривожланиш муаммоси, айниқса, уни сиёсий модернизация сифатида фарз қилинганида, унинг “ғарбий” ёки “замонавий” эканлигини ажратиб олиш мушкул ишга айланади (сиёсий модернизация алоҳида мавзу сифатида ўрганилади).

4. Сиёсий ривожланиш – миллат-давлат хатти-ҳаракати сифатида. Мазкур йўналишдаги концепция, асосан, бу каби ривожланиш натижасини таъминлаш замонавий миллат-давлатдан кутиладиган андозаларга мувофиқ сиёсий ҳаёт ташкиллаштирилла-

ди ва сиёсий функциялар бажарилади, деган ғояларга боғлиқ ҳолда пайдо бўлди. Бу талқин тарихан сиёсий тизимларнинг кўплаб турлари яшаб ўтди ва ҳар қандай ҳамжамият сиёсатининг хусусий турини яратди, лекин миллат-давлатнинг пайдо бўлиши билан сиёсатга нисбатан талабларнинг алоҳида ўзига хос йиғими вужудга келди, деган фаразга асосланди. Бинобарин, замонавий бўлишни ният қилган сиёсий институтлар ва давлат амалиёти бу талабларга мослашиши лозим. Бу ёндашувга мувофиқ, сиёсий ривожланиш миллат-давлат бўлган ҳамжамиятлар воситасида фақат шаклан ва атрофдаги халқаро муҳит туфайли воқеликка айланадиган жараёндир, деб талқин этилади.

Бу каби мамлакатлар сиёсати ижтимоий тартибнинг замонавий қоидалари, жамоавий хатти-ҳаракатларнинг муайян оқимлари учун ресурсларни сафарбар этиш, халқаро мажбуриятларни эътироф этиш ва уларни самарали бажариш кабиларни кўзлайди. Сиёсий ривожланиш давлат институтлари учун тегишли бўлган миллийлик, деб тушунилади. Бу концепция муаллифлари учун қуйидагиларни таъкидлаш хосдир: миллийлик – заруратдир, лекин у сиёсий ривожланишни таъминлаш учун етарли шарт-шароит бўлишдан узоқдир. Миллийлик сочилиб ётган, уюлмаган миллий кайфиятларни фуқаровийлик руҳиятига айлантириши, миллий ва фуқаровийлик интилишлар ва истаклар асосидаги сиёсий йўл ва турли дастурларни шакллантириш учун қобил бўлган давлат институтларини ташкил этиш учун кўмаклашиши лозим. Шу маънода сиёсий ривожланиш миллий тикланиш ёки қурилиш (инглизча “nation-building”) сифатида қабул қилинади.

5. Сиёсий ривожланиш маъмурий ва ҳуқуқий тизимни такомиллашиши сифатида. Агар миллий тикланиш ёки қурилиш жараёнини институтчионал қурилиш (инглизча “institutionbuilding”) ва фуқаровийликни ривожлантириш каби йўналишларга бўлинса, у ҳолда иккита кенг тарқалган назарий қарашлар келиб чиқади. Сиёсий ривожланиш концепциясининг тузилмаларни (ташкилотларни) қуриш (инглизча “organization-building”) сифатидаги узоқ тарихи бир қанча маърифатли мустамлакачилик амалиёти асосида ётади.

Фарб одами ўзи учун ажойиб ва қизик бўлиб туюлган маданий урф-одатларни излашнинг кундалик муносабатлари услуби сифатида тартибни сақлашга ва олдиндан ҳис этишга эришиш сифатида қонунга мурожаат қилди. Шундан келиб чиқиб, сиё-

сий ривожланишнинг аниқ ва равшан ҳуқуқий жараёнга таяниши амалиёти ўрнатилди. Лекин, вақтлар ўтиши билан ҳуқуқий тизимнинг амал қилиши маъмурий тизимни тартибга солишга боғлиқ эканлиги аён бўлди. Қонун ва тартибот, бинобарин, давлат бошқарувини ривожлантиришни (*инглизча “public administration”*) ва бюрократик тузилмалар мавжуд бўлишини талаб қилади. Мустамлакачилик даврларидаёқ ривожланиш тушунчаси замонавий оқилоналик тарзида такомиллашган бошқарув институтларини жорий этиш билан чамбарчас боғлиқлиги маълум бўлган эди.

Ҳозирги давр тажрибалари кўрсатдики, сиёсий ривожланиш ҳуқумат бошқарув тузилмаларини ташкил этишга қараганда анча каттароқ воқеликларни ўзида ифодалайди. Бу каби ривожланиш ижтимоий ва сиёсий эволюциянинг бошқа йўналишларига қараганда сезиларли равишда ўзиб кетса, вақтлар ўтиши билан тизимда миллат-давлатни қуриш йўлида янги тўсиқлар пайдо қилувчи номутаносибликлар пайдо бўлиши мумкинлиги турли мамлакатлар тажрибаларида исботланди. Ҳеч бир шак-шубҳасиз равишда давлат бошқарувини мустаҳкамлаш – миллий қурилишнинг ҳар қандай дастурининг марказий вазифасига айланди. Бунда энг муҳими, сиёсий ривожланиш жамиятнинг нодавлат институтларига ҳам жорий этилиши лозимлигидир.

6. Сиёсий ривожланиш оммавий сафарбарлик ва иштирок кўринишида. Бу сиёсий ривожланиш концепцияси, асосан, фуқароларнинг хулқи ва роли, шунингдек, уларнинг сиёсий иштирокларини ва фаолият юритишларини муқаррар равишда давлат қонунлари чегарасида бўлишига доир янги андозалар асосидаги замонавийлаштириш талаблари билан боғлиқдир. Кўриниб турибдики, сиёсий ривожланишга доир аксарият тадқиқотларда унинг умумий тараққиётга мойиллиги ва бир томонлама талқинлари модернизация тушунчаси билан айналаштирилади (баъзан бу тушунчалар синоним сифатида ишлатилади). Сиёсий ривожланиш тушунчасини талқин этишнинг замонавий ёндашувларидан бири *Жеймс Коулман* ва *Люсьен Пай* тадқиқотларига тегишлидир. Улар бу тушунчани сиёсий тизимнинг тузилмавий дифференциацияси, бараварликда ўсиб бориш талаблари, интегратив, адаптив ва масъул функцияларининг кенгайтилиши жараёнларининг уйғунлашувидир, деб таърифлайди. У амалда биргалликда бутун бир жамият тўқнаш келадиган “ривожланиш синд-

роми”ни ташкил этади. Бу каби синдромни пайдо бўлиши ҳар қандай мураккаб ижтимоий жараёнда рўй берадиган, шунингдек сиёсий ривожланиш учун ҳам хос инқирозлар билан боғлиқдир.

Таниқли олим *Альберт Хиршманнинг* сиёсий ривожланиш назариясида сиёсий омил сифатида (1) тизимнинг институтционал имконияти ва (2) фуқаролар талаб ва эҳтиёжлари, (3) ана шу талаб ва эҳтиёжлар ифода этаётган уларнинг сиёсий иштирокларига муҳим эътибор берилади. Талабларнинг ўсишига монанд равишда барқарор ривожланиш учун тизимнинг имкониятлари уларни қондириб боришга мувофиқ мутаносиб равишда ўсиши лозим. Акс ҳолда жамиятда нохуш сиёсий кайфиятлар кучайиб кетиши мумкин. Ва бунинг тескараси – агар тизимнинг имкониятлари талабларнинг ўсиш маромидан ошиб кетса, унда авторитар тартиботлар, куч ишлатиш усуллари ёрдамида сиёсий йўлни амалга ошириш мустақамланиб боради. Ниҳоят, тегишли институтционал имкониятларнинг етишмаслиги ёки мавжуд эмаслиги шароитидаги сиёсий иштироклар сиёсий беқарорлик, ҳаттоки баъзан анархия пайдо бўлиши учун сабаб бўлиши мумкин. Хиршманнинг умумий назарий хулосаси қуйидагидан иборат: барқарор ривожланиш учун дастлаб янги талабларни яратиш зарур ва аста-секинлик билан фуқароларнинг сиёсатдан бегоналигини бартараф этиб бориш лозим, сўнгра бу талабларга мувофиқ равишда сиёсий иштирокнинг ўсиб бориши сиёсий тартиботни бузилишини олдини олиш учун унинг янги шакллари институтлаштириш керак бўлади<sup>326</sup>.

## 2. Сиёсий модернизация назарияларининг ривожланиши

XX асрнинг 50-йилларида сиёсий модернизация ва сиёсий ривожланиш концепциялари шаклланди.

Бу концепциялар *М. Вебер*, *Ф. Теннис* ва *Т. Парсонс* кабилар томонидан ишлаб чиқилди. Улар жаҳондаги турли мамлакатлар

---

<sup>326</sup> Категории политической науки. /авт колл. А.Ю.Мельвиль и др. –Москва:МГИМО МИД РФ, “Российская политическая энциклопедия” (РОССПЭН), 2002. –С.366-370.

сиёсий тизимларини таҳлил қилиб, уларнинг бир гуруҳини дихотомик тарзда ижтимоий сафарбарлик учун ғов бўлган ва шахсга нисбатан мутелик муносабатларини сақлаган “анъанавий”, иккинчи гуруҳининг эса гуруҳий сафарбарлик йўлидаги тўсиқларни бузишга ва шахсий қарамлик муносабатларини бартараф этишга қобил бўлган институтларнинг функционал дифференциацияси ва рационал тарзда ташкил этишига асосланган “замонавий” турларга бўлинишини асослаб берди ва уларнинг методологик принципларини тадқиқ этди. Шу тариқа, “сиёсий ривожланиш” тушунчаси фақат тор маънодаги анъанавий тузилмалардан замонавий сиёсий тизимга модернистик тарзда ўтишини назарда тута бошлади. Деярли барча ривожланган мамлакатлар XVII асрнинг охиридан то XX асрнинг бошларигача бўлган муддат ичида модернизациялаш даврини ўз бошидан кечирган эди. Сиёсий ривожланиш назариясининг йирик билимдони *С. Айзенштадт* модернизацияга қуйидагича таъриф беради: у “ўн еттинчи асрдан ўн тўққизинчи асргача Ғарбий Европа ва Шимолий Америкада ривожланган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тизимлардаги ўзгаришлар жараёни бўлиб, кейинчалик у бошқа Европа мамлакатларига тарқади, ўн тўққизинчидан то йигирманчи юз йилликгача Жанубий Америка, Осиё, Африка қитъаларига кириб келди”<sup>327</sup>. Бошқача айтганда, бу концепция муаллифлари чизиқли эволюция андозасини яратди. Унга мувофиқ, ҳар бир мамлакат тахминан ривожланишнинг бир хил босқичларидан ўтиши лозим эди.

Кейинги даврларга келиб ғарбда «замонавий жамиятга» ўтишнинг қатор концепциялари ишлаб чиқилиб, улар назариялар сифатида қуйидаги асосий йўналишлардан иборат бўлди: 1) “модернизация»; 2) “ривожланиш”; 3) “орқада қолган, қолюқ” (ёки “субривожланиш”) ва 4) “қарамлик”.

«Модернизация» тушунчаси учта асосий маъноларда ишлатила бошланди: биринчидан, умумий мазмунда, тараққиёт ўзгаришлари йўналиши сифатида; иккинчидан, ғарбда XVII асрдан то XIX асргача давом этган социал трансформация модели (*С. Айзенштадт*); учинчидан, тор маънода, замонавий жамият-

---

<sup>327</sup>Eisenstadt S. Modernization: Protest and Change. Englewood Cliffs, 1966. –P. 1.

га ўтаётган орқада қолган мамлакатлар эволюцияси йўли сифатида.

1960 йилда машҳур олим У. Ростоу ўзининг «Иқтисодий ўсиш босқичлари: нокоммунистик Манифест» асарида ривожланишнинг бешта асосий босқичини бир-биридан ажратиб кўрсатади: 1) примитив технология, деҳқончилик ва оилавий-уруғчилик алоқалари устунлик қиладиган *анъанавий жамият*; 2) орқада қолган мамлакатни марказдаги илғор мамлакат ривожланишига қарши таъсири сифатида пайдо бўлган *ўтиш давридаги жамият*; 3) индустриалаштириш, урбанизация ва жамғарилиш билан боғлиқ бўлган *равнаққа эришиш*; 4) етук, кўп тармоқли ва технологик тузилмаларга эга бўлган иқтисодиёт сари ҳаракат; 5) иқтисодий тузилма, хизмат кўрсатиш ва узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган соҳалар йўналишларига ўтиб борадиган *оммавий истеъмол жамияти*. Кейинчалик бу қаторга олтинчи – *ижтимоий ҳаётда “сифат излаш”* ривожланиш босқичи ҳам киритилди. У.Ростоу фикрича, олий босқич Шимолий Америкада қўлга киритилди, Ғарбий Европа мамлакатлари эса бешинчи босқичда турибди, қолган барча мамлакатлар – истиқболга яқин ёки узоқ бўлган мамлакатлардир<sup>328</sup>. Шу тариқа, бу каби қарашлар доирасида “вестернизация” жараёни ифодалана бошлади. У. Ростоу фикрича, сиёсий модернизация «пастандан» ёки «ташқаридан» қўллаб-қувватлашларга эришган тараққийпарвар элита томонидан ҳокимиятнинг эски анъанавий институтларини замонавийларига алмаштирган ҳолда амалга оширилади.

Таниқли олим Д. Антер модернизацияни талқин этишда куйидаги андозани келтиради: сиёсий тизимнинг иккита асосий тури мавжуд: «анъанавий-жамоавий» (ёки сафарбарликка шайлик) ва «секуляр-либертариан» (ёки плюралистик) моделлар. Биринчи модель, етакчилиكنи тимсоллаштириш билан боғлиқ бўлиб, баъзан харизматик етакчига диний эътимоддек қаралади ва оммавий партиянинг гегемонлиги ҳукм суради (собик иттифоқдаги партия етакчилари, Ганада Нквеме Нкрумо ва ҳоказо). Биринчи

---

<sup>328</sup> Rostow W. Stages of Economic Growth: A Non-Communist Manifesto, Cambridge, 1960; Idem.: Politics and the Stages of Growth. Cambridge, 1971. –P.61-66.

модель иккинчисига қарама-қарши қўйилади: иккинчи – сиёсий плюрализм моделида ҳокимият диверсификацияси ҳукм суради, кўплаб келишувлар тузилади ва муросасозликка интилишлар авж олади (АҚШ). Шу тариқа, Аптерга биноан, модернизация эски тузумда умуман мавжуд бўлмаган тузилмавий, дифференциялашган институтлар ва механизмлар, уларнинг амал қилиши (плюралистик партиявий ва қонун чиқарувчи тизим) ишлай бошлаган, анъанавий, сафарбарликка мойил автократик тизимларнинг демократик, «келишувчан» (reconciliation) моделга ўтиш даври билан боғлиқ бўлган хусусий ҳодисадир<sup>329</sup>.

Модернизация – инсон тафаккурлаши ва фаолиятининг барча соҳалари билан чамбарчас боғлиқ бўлган кўп қиррали жараён дир. Йирик олим *Дэниэл Лернернинг* фикрича, модернизация “бирмунча сифатли ўзига хос хусусиятларга эга бўлган, инсонларга замонавийликни яхлит бир бутунлик сифатида ҳис этишни бахш этиши баробарида унинг қонунилари бўйича ҳаётни уюштирадиган жараён дир”. Модернизациянинг асосий жиҳатлари “урбанизация, индустрлаштириш, секуляриштириш, демократлаштириш, таълим, оммавий ахборот воситаларининг роли тасодифий тарзда бўлмайдиган ва бир-бири билан алоқасиз намоён бўлмайдиган” ҳодисалар дир. Тарихан улар “бир-бири билан шу қадар чамбарчас ўзаро боғлиқликда ривожландики, ўз-ўзидан шундай савол туғилади: умуман уларни чинакам мустақил бўлган омиллар, деб ҳисоблаш мумкинми, шундай деб тахмин қилса бўладими; уларнинг ривожланишидаги бу қадар барқарор ёнма-ёнлик шунинг учун ҳам бир-бири билан уйғун равишда боғланганки, агар тарихий маънода айтиш жоиз бўлса, улар *заруриятдан* келиб чиқиб ёнма-ён ривожланган”<sup>330</sup>.

Модернизация психологик даражадаги қадриятларда, мақсадлар қўйиш йўналишида, орзу-умидларда (expectations) мустақкам ва асосли равишда олға силжишни англатади. Анъанавий инсон табиат ва жамиятни доимий ва ўзгармас, деб ҳисоблар, уларни ўзгартириш ва бошқариш мумкин эканлигига ишончи йўқ эди. Аксинча, замонавий инсон ўзгаришлар имкониятларини

<sup>329</sup> Қаранг: Apter D. Politics of Modernization. Chicago, 1965. –P. 67.

<sup>330</sup> Daniel Lerner. The Passing of Traditional Society (Glencoe, Ill., Free Press, 1958), –P. 438.

эътироф этди, уни амалга оширишга ишонди. Лерниернинг таъбирича, у ўз атрофидаги муҳитни ўзгартиришга мослаша оладиган “ҳаракатчан шахс”дир. Одатдаги ҳолатларда бу ўзгаришлар холислик ва содиқликка зарурат сезади, муайян ва яқин гуруҳларнинг (оила, қариндош-уруғ, қишлоқ аҳли ва ҳоказо) кенг ва ижтимоий бирликлар (ижтимоий қатлам, миллат ва ҳоказо) билан айнанлашишининг кенг тарқалишини тақозо этади. Бу жараён партикуляр кадриятларга қарама-қарши бўлган универсал кадриятларга берилишнинг ўсиши билан уйғун ҳолда кечди ва у ёки бу гуруҳлар аскриптив андозаларига (уни мансублиги билан боғлиқ) қарама-қарши ўлароқ, кўпроқ индивид эришган ютуқлар билан боғлиқ бўлган андозаларга таянади.

Модернизация интеллектуал даражада атроф олам ҳақида инсоний билимларни кенгайтиришни ва бу билимларни жамиятда таълим, оммавий коммуникациялар ҳамда маълумотлиликни ўсиши воситасида кенг тарқатишни англата бошлади.

### 3. Сиёсий модернизация: турлича ёндашувлар ва талқинлар

Баъзи сиёсатшунослар ҳозирги даврдаги сиёсий ривожланиш ва модернизация тушунчаларини уларнинг умумий ноаниқлиги ёки мазмунан турли хиллигидан келиб чиқиб синоним сифатида ишлатмоқда. Уларнинг ичида таниқли олим *Данкварт Растоу* (1925–1996 йй.) сиёсий модернизация моделидаги учта муҳим мақсадларни ажратиб кўрсатади: 1) миллий бирлик; 2) барқарор ҳокимият; 3) тенглик. Модернизациявий ўзгаришларнинг энг мақбулроқ хили сифатида у  $2 > 1 > 3$  ёки  $1 > 2 > 3$  йўлларни келтиради. Худди мана шу иккита андозани аксарият давлатлар амалга оширишга эришганлиги учун ҳам уларга муҳим эътибор беради. Д.Растоунинг фикрича, тенглик учун ҳокимиятнинг барқарорлиги ва миллий бирликка эришилганидан кейин ҳаракат қилиш лозим, чунки бу компонентлардан бирининг етишмаслиги (тенглик эълон қилинган ҳолатда) сиёсий режим бузилиши ёки анархия келиб чиқиши учун сабаб бўлиши мумкин. Ҳокимиятни амалга ошириш тизимини такомиллаштирмай туриб, меҳнатни тўлақонли равишда тақсимлаб бўлмайди, демак, тенглик энг содда кўриниш тарзида ўрнатилиши сабабли жамиятда норозиликлар келиб чиқиши мумкин. Агар сиёсий айнанлаштириш ва



ҳокимият тизимининг асослари анъанавий социум шарт-шароитида шаклланадиган бўлса, у ҳолда сиёсий иштирок ва тенглик – модернизациялашган жамиятнинг ажралмас таснифига айланади, негаки оммавий иштирокка ўтиш бир қанча авлодлар алмашинуви билан амалга ошади. Тезлаштирилган модернизация жараёни пировардида жамиятда турли норизоликлар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

*Консерватик назария.* Модернизация назариясининг консерватик йўналиши вакиллари сиёсий беқарорлик келтириб чиқарадиган энг асосий хавф-хатар сифатида иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг издан чиқиши, деган фикрни илгари суради. Бу йўналишнинг вакили, машҳур АҚШ сиёсатшуноси С. Хантингтон ўз тадқиқотларида кейинги ўн йилликларда Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларида рўй берган жараёнларни чуқур шарҳлаган ҳолда янги назарий андозаларни илгари суриб, модернизация назариясига катта ҳисса қўшди. Унга биноан, сиёсий модернизация “жамият сиёсий онги ва сиёсий институтларини демократлаштириш” дан иборатдир<sup>331</sup>. Лекин демократлаштиришга тезлик билан эришиб бўлмайди. Шунинг учун сиёсий ўзгаришларнинг асосий ижтимоий институтларнинг барқарор тарзда ишлашини таъминлаши, уларнинг ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги модернизация жараёнлари суръатига мувофиқ келиши учун уни аста-секинлик билан амалга ошириш лозим.

С. Хантингтон ўзининг мустаҳкамлиги ва орқага қайтмайдиган жараён бўлиши нуқтаи назаридан демократияга ўтишнинг учта моделини бир-биридан ажратиб кўрсатади: Биринчиси, *қўламли ёки классик модель*. Унга мисол тариқасида Буюк Британия ва Шимолий Европа мамлакатлари тараққиётини кўрсатиш мумкин. Бу модель учун демократлаштириш жараёнининг орқага қайтмаслигини таъминлаш мақсадида масалаларни изчиллик билан ҳал этиш характери хосдир.

Иккинчиси, *циклик модель*. Бу модель дастлаб Латин Америкаси мамлакатлари тажрибасини умумлаштириш асосида шаклланди. Бу мамлакатларнинг кўпчилигида Испания мустамлака

---

<sup>331</sup> Huntington Samuel P. The Ungovernability of Democracy? // The American Enterprise, November / December 1993. –P. 13.

ҳукмронлигидан қутилган пайтда - XIX асрдаёқ демократияга ўтиш учун дастлабки уринишлар кузатилган эди. Лекин, аксарият Лотин Америкаси мамлакатларида барқарор демократик режимлар шаклланмади. Демократик бошқарувлар баъзан рўй бериб турадиган ҳарбийлар давлат тўнтариши, ҳарбий диктатуранинг ўрнатилиши, баъзан фуқаровий режимларнинг авторитаризмга айланиши билан бўлиниб турди. Авторитаризм даврлари демократлаштириш билан ва аксинча тарзда ўзаро алмашиб турди. Бу каби циклли ривожланиш Лотин Америкаси мамлакатларининг демократияга ўтиши ўзига хос бўлган ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўзгаришлар билан мустаҳкамланмади. 1960 йиллардан бошлаб Лотин Америкасининг аянчли тажрибаси Осие ва Африкада янги пайдо бўлган мамлакатларда қайтарилма бошланди, уларда ҳам демократик ва авторитар бошқарувлар доимо бир-бири билан алмашиб турди.

Учинчиси, Германия, Италия, Испания, Португалия ва Грецияда амалга оширилган *диалектик модель*. Бу мамлакатларнинг барчаси ўз вақтида сиёсий модернизация йўлидан силжишлардан анча узоқ бўлган жараёнларни ҳам босиб ўтди. Лекин демократик ўзгаришлар орқага қайтмайдиган жараён сифатида ўзини оқлади. Бу мамлакатларда ҳокимиятни эгаллаган тоталитар ва авторитар сиёсий режимлар демократик институтлар ривожланишини йўққа чиқарди. Лекин охир-оқибатда демократияни яна қайтиб келиши ҳодисасига «инкорни инкор» сифатида қаралди. Чунки бу каби демократик ривожланиш йўли «диалектик» номини олган эди. Ўзгаришлар иқтисодий ва ижтимоий институтларга кучли таъсир этиши мумкин, лекин анъанавий сиёсий тизимга дахл қилмайди. Анъанавий элита бошчилигида эски сиёсий институтлар доирасида «юқоридан» модернизацияни амалга ошириш учун принципиал имкониятларга йўл қўйилади. Бунда энг муҳим шарт – турли соҳалардаги ўзаро мувозанатларни сақлаш ва бошқарувчи элитани нафақат техникавий-иқтисодий, балки сиёсий модернизацияни ҳам амалга оширишга тайёр эканлиги ҳисобланади.

Хантингтон қуйидаги учта «транзит»нинг умумий хилини ажратиб кўрсатади: *трансформация, алмашиш, ўрнини олиш*. Трансформация рўй бериши учун бошқарувчи элита демократияни ўрнатиш ташаббусини ўз қўлига олиши лозим. Ҳокимиятни алмаштиришда ҳокимият идора этувчи элитага зид гуруҳ қўлида

бўлади, авторитар режим ҳокимиятни тарк этади. Улар ўрнини олиш жараёни - яъни демократлаштириш ҳукумат билан унга бегона сиёсий кучлар гуруҳларини биргаликдаги хатти-ҳаракатлари натижасида рўй беради<sup>332</sup>.

С.Хантингтон сиёсий модернизацияни қуйидагилардан иборат жараён, деб таърифлайди: 1) ҳокимиятни рационаллаштириш; 2) ижтимоий, давлат ва фуқаролик тузилмаларини дифференциациялаш; 3) сиёсий иштирок даражасини ошириш. У мазкур жараёнларнинг кетма-кетлик тартиби мезонлари бўйича модернизациялаш жараёнларининг турли хилларини алоҳида тадқиқ этиб, улардаги ўзаро фарқланишларни кўрсатиб беради: *континентал-европага* хос модернизациявий жараёнда ҳокимиятни рационаллаштириш ва тузилмаларни дифференциациялаш устунлик қилади. Замонавий давлатнинг туғилиши аристократиянинг заифлашуви, янги ижтимоий гуруҳларнинг шаклланиши, рационаллашган бюрократиянинг ўсиши ва кучайиши кабилар билан бирга кечди. Черковга ва монархияга садоқат ўз ўрнини давлат қонунларини эътироф этишга бўшашиб берди. *Буюк Британия институционал модернизациясининг* кўп жиҳатлари континентал-европа модернизациясига ўхшаса-да, фуқароларнинг черков ўрнига давлатга бўйсунуши, ҳокимиятнинг марказлашуви, бюрократиянинг кўпайиши ва унинг таъсирини ошиши кабилар билан тавсифланди. Лекин Буюк Британияда бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, ҳокимиятнинг марказлашувини монархия институти эмас, балки парламент амалга оширди. АҚШда эса Буюк Британиянинг XVI асрдаги сиёсий институтлари намунаси шаклланди, унга нисбатан ҳурмат-эҳтиром сақланди, лекин *АҚШдаги модернизация* жараёнида асосан сиёсий иштирокни ошириш устунлик қилди. АҚШ сиёсий тизимини ва унга хос бўлган рационал ҳокимият ва марказлашган бюрократияни Хантингтон ҳозирги даврнинг “ноёб антик анахронизми”, деб атайди. Хантингтонга биноан, сиёсий модернизация беқарорликка олиб келмаслиги учун асосий муаммо сифатида эркинлик эмас, балки барқарорлик асосий қадриятга айланадиган легитим ижтимоий тартиботни ташкил этиш лозим. Шунинг учун ҳам кўпин-

---

<sup>332</sup> Хантингтон С. Третья волна. Демократизация в конце XX века / Пер. с англ. - М., 2003. - С. 134-179.

ча Хантингтон назариясини консерватив характерда эканлигини ургу берилади.

*Либерал назария.* Консерватик назария муаллифлари каби либерал назария вакиллари (Р. Даль, Г. Алмонд, Л. Пай, К. Дейч) ҳам сиёсий тизимнинг лаёқатини шакллантириш аҳолининг сиёсий ва ижтимоий талабларини ўзгартириб бориш билан узвий боғлиқлигини, бу талабларга мос равишда жавоб бериш – бу сиёсий модернизациянинг муҳим вазифаси эканлигини алоҳида таъкидлаб кўрсатади. Агар консерваторлар сиёсий тартибот учун асосий таянч сифатида марказлашган институтлар мустақамлиги ва барқарорлигини назарда тутса, либераллар модернизацияга доир муаммоларнинг ечимини топишда асосий ургуни *ҳокимият билан аҳоли ўртасидаги ўзаро доимий мулоқотларнинг мавжудлигига* қаратади. Бунда асосан демократик сайловлар ёки элита томонидан оммани сафарбар қилиш назарда тугилади. Бу каби мулоқотларни уюштириш (сиёсий тизим билан жамият ўзаро қарама-қарши (тескари) алоқалари тизимидан иборат ўзини ўзи мувофиқлаштиришни таъминлайдиган) очик ижтимоий ва сиёсий тизимлар сари ҳаракат қилишни англатади. Либерал йўналиш олимлари ўрта синфнинг пайдо бўлиши ва аҳолининг маълумотлилиқ даражасининг ўсиши жиддий ўзгаришларга олиб келади, деб ҳисоблайди. Уларнинг фикрича, бу нафақат ижтимоий жараёнларни мувофиқлаштиришда мафкураларнинг аралашуви чегарасини ўрнатади, балки қарорларни амалга оширишнинг марказлашган шакллари самара беришини (модимики, сиёсий фаол аҳоли қўшимча ҳокимият таъсири марказларини пайдо бўлиши учун имкониятлар яратади) шубҳа остига қўяди.

Бу ҳақда таниқли олим *Р.Дарендорфнинг* тоталитаризмдан демократияга ўтишга тегишли бўлган қуйидаги фикри эътиборга лойиқдир: “Ўтиш бир тизимдан иккинчиси билан алмаштиришни англатмайди ва англатмаслиги даркор. Эркинлик сари йўл ёпиқ жамиятдан очик жамиятга ўтиш демакдир. Очик жамият – тизим эмас, фақат муқобилликларни ўрганиш учун механизмдир, холос”<sup>333</sup>.

---

<sup>333</sup>Иқтибос манбаси: Лапкин В.В. В поисках России политической. // Полис. 1998. № 6. –С.172.

Либерал йўналиш вакиллари сиёсий модернизациянинг асосий мезони сифатида “вакиллик демократияси тизимига аҳолининг жалб этилиши даражаси”ини белгилаб беради. Таниқли олим *К.Дейч* сиёсий модернизацияни иштирок ва сафарбарлик тушунчалари билан аниқлайди. Унга биноан, модернизация ўсиб боровчи сиёсий номарказлаштириш шаклини оладиган оммавий иштирок билан боғлиқдир. “Сиёсий иштирокни кенгайтириш сиёсий ривожланиш чашмасидир”.<sup>334</sup> Либерал концепцияга мувофиқ, сиёсий модернизация нафақат ҳуқуққа эга бўлган, балки сиёсий қарорлар қабул қилишда эътиборга олинининг ҳақиқий имкониятига эга бўлган индивидлар ва гуруҳлар сонининг кўпайишини кўзлайди. Сиёсий иштирокнинг аҳамияти “ўтиш давридаги сиёсий режимнинг легитимлиги ёки самарасини ошириш омили” сифатида таъкидланади. Сиёсий иштирокка бу каби муносабат сиёсий элитанинг ҳокимиятга интилишини халқ манфаатларининг қонуний вакиллари сифатида легитимли ва асосли эканлигини мустаҳкамлаб беради. Умуман олганда, либерал концепция ўзининг модернизацияни ривожлантиришга мойиллигини эркин элиталар ўзаро очиқ рақобатларини ва оддий фуқароларнинг сиёсий иштироки даражасини ошириш билан боғлайди.

#### 4. Сиёсий модернизация ва миллий қадриятларни уйғунлаштириш тажрибаси

Таниқли олим *В.Г.Хорос*нинг тадқиқотларида Японияда амалга оширилган модернизация қиёсий таҳлил этилади. Унинг фикрича, «Япония тарихан иқтисодий, ижтимоий, сиёсий каби турли муносабатлар соҳасида модернизацияни амалга оширишга анча пухта тайёргарлик кўрган эди. У ҳозир «илғор анъанавий жамият» тушунчаси билан ифодаланадиган даражада эди. Япон феодализими ўзининг аксарият жиҳатлари таснифлари бўйича Европага яқин бўлиб, тарихда илк бор унинг заминида капитализм туғилди». Японияда хусусий мулк ўрта асрлардаёқ шаклланган эди. Мануфактура ва савдо ҳам сезилари равишда ривожланган

---

<sup>334</sup> Раствоу Д.А. Переходы к демократии: попытка динамической модели. //Полис.1996. № 5.—С. 7.

эди. Япония қишлоқ хўжалиги асосан шликорликдан иборат бўлиб, у XVII–XVIII асрларда шиддат билан ривожланди. Японияда ерга йирик эгалик ривожланмади, лекин деҳқон ижараси шакли кенг тарқалди. Шунинг учун ҳам бу мамлакатда аграр масалада муаммолар рўй бермади.

В.Г.Хороснинг таъкидлашича, «XVII асрдаёқ япон давлати бошқарувида бошқалардан олдин ҳозирги даврга хос бюрократия белгиларига эга бўлган ...профессионал ҳарбий табақа (самурай) муҳим рол ўйнай бошлади. Уларнинг анча қисми секинлик билан деҳқончиликдан узоқлашиб, бошқарувчи элитанинг асосини ташкил эта бошлади». Шунингдек, модернизация арафасида Япония аҳолисининг саводхонлик даражаси ҳам юқори эди. XVIII–XIX асрларда унинг даражаси 40–60 % га етган эди. XIX аср ўрталаридаги Япониянинг ғарбдан орқада қолган соҳаси—бу технология ва илмий-техникавий жиҳатлар эди. Японияда замонавий ғарбона фан ва таълим тизими бўлмаса ҳам ғарбдагидек функциялар ва мақсадларга эга бўлган анъанавий жамият институтлари шакллланган эди.

Шунингдек, Японияда ғарб цивилизацияси анъанавий институтлар ва қадриятларнинг кучли таъсири воситасида ўзлаштирилди: капиталистик ишлаб чиқариш—«катта оила» сифатидаги фирмалар тузилмаси ва патриархал муносабатлар раҳнамолигида ривожланди; буржуа демократияси анъанавий садоқат ва муросасозлик руҳида шаклланди; замонавий таълим тизими конфуцийча имтиҳонлар анъанаси орқали мустаҳкамланди. Шу билан бирга, анъанавий япон цивилизацияси бегона ва бошқа маданий қадриятларни тарқатиш ролини ўйнамади, балки анъанавий миллий «жамоачилик»ни капиталистик тузилма ичига социомаданий бирикманинг тўла қонли компоненти сифатида олиб кирди. Бу ҳолат муҳим аҳамият касб этиб, Япониянинг қатор соҳаларда Америка ва Европадан ўзиб кетишини таъминлаган «иқтисодий муъжиза»га олиб келди<sup>335</sup>.

Кўплаб тадқиқотчилар япон «иқтисодий муъжиза»сини ғарбдан принципиал жиҳатлардан фарқ қиладиган ишлаб чиқариш

---

<sup>335</sup>Хорос В. Модернизация в России и Японии (цивилизационные аспекты) // Мировая экономика и международные отношения. 1991. № 9. —С.75-77.

жараёнларининг ўзига хос хусусиятларига боғлайди. Бу модель кейинчалик Шарқий Осиёнинг бошқа мамлакатларида ҳам мустақам тарзда ўрнашди. Япония, Жанубий Корея, Сингапур, Тайвань ва бошқа Осиё «аждар» ва «йўлбарс»ларида ғарбдагига ўхшаш тузилмалар ва институтлар тузилди, лекин кўпинча улар бошқачароқ принциплар асосида фаолият кўрсатди. Агар ғарбда ижтимоий ҳаракатнинг оқилона мақсадга мувофиқлик хили устунлик қилса, Шарқий Осиё мамлакатларида қадриятли-мақсадга мувофиқлик устунлик қилди. Ўз вақтида немис олими М.Вебер конфуцийчиликни Хитойнинг қолоқлик манбаи сифатида талқин этган эди. Лекин ҳозирги даврга келиб конфуцийча этика Шарқий Осиё мамлакатларида иқтисодий ютуқларни белгилаб беришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Модернизация жараёнлари нуқтаи назаридан ёндашганда, Япония ривожланиш палласига кеч қолган мамлакатлар ичида биринчи бўлиб модернизация билан боғлиқ энг машаққатли муаммолар ечимларини топа олган мамлакатдир. Жамоачилик ва индивидуализмни уйғунлаштириш, анъанавий корпоративизм билан гуруҳийликни қўшиш натижасида ўзига хос модернизациявий жараёнлар амалга оширилди. Лекин қатор «учинчи дунё» мамлакатларида модернизациялашга интилишлар жараёнида индивидуаллаштириш анъанавий жамоачилик тузилмаларини бузиб ташлади ёки аксинча, фақат жамоачилик асосида («тараққиётнинг нокапиталистик йўли» деб аталадиган) модернизациялаш ўзининг ҳеч қандай самарасини бермади. Ҳозирги кунларда ҳам япон фирмалари билан танишган одамлар шахсий ютуқлар ва мусобақаларга қаратилган патриархал-корпоратив бирлик руҳияти муҳитини кўриб ҳайратда қолади.

Сўнгги ўн йилликларда Шарқий Осиёда модернизация натижасида жиддий иқтисодий ютуқларга эришган мамлакатлардан бири – бу Жанубий Кореядир. Яқин XIX асрда ҳам Кореяда анъанавий жамият ҳукм сураб эди. Модернизациялаш сари биринчи қадамлар (даставвал иқтисодий соҳада) япон мустамлакачилик бошқаруви даврида қўйилди. Кореяни саноат соҳасида ривожланган Япония томонидан мустамлакага айлантирилиши Кореяда ҳам саноат ишлаб чиқариши ва инфратузилмаларнинг кенгайишига таъсир қилди. Анъанавий ижтимоий муносабатлар, шунингдек, жамиятнинг аниқ тузилмалашган тизими бузила бошлади. Бюрократик элитанинг асосий қисми япон мансабдорлари-

дан иборат бўлгани билан олдинги бюрократия ўрнига янгиланган пастки ва баъзан ўрта даражаларни эгаллаган миллий корейс элитаси келди. Илгарилари савдо билан шуғулланиш диний жиҳатдан номуносиб иш ҳисобланган бўлса, мустамлака даврида бу касб қайта баҳоланиб, жамиятда ўзига муносиб ўринни эгаллади. Ишбилармонлар қатлами шаклланди. Саноат ривожланиши натижасида ишчилар қатлами ҳам пайдо бўлди. Лекин мустақиллик арафасида Корея аграр мамлакат бўлиб, унинг 86 % аҳолиси қишлоқда яшар эди.

Илгарилари Кореяда асосан буддизм дини ҳукмрон бўлган бўлса, япон мустамлакаси бўлган пайтда буддизм Япониянинг давлат дини – синтоизм билан алмаштирилди. Синтоизм корейс тупроғида илдиз отмасида, мустабид сиёсат остида кейинги диний вазиятга таъсир қилди. Бу пайтда протестант ва католик миссионерлар томонидан қўллаб-қувватлашлар натижасида христианлик ҳам тарқала бошлади.

Мустақилликка эришиш бошида, 1945 йилда Кореяда қуйидаги шарт-шароитлар яратилган эди: иқтисодиёт соҳасида муайян модернизациялаш амалга оширилди, ижтимоий-маданий соҳада сезиларли силжишлар кузатилди, шу билан бирга, Корея анъанавий конфуцийчилик жамияти бўлиб қолаверди.

1950 йилда бошланган Корея уруши мамлакатни хонавайронликка олиб келди. Уруш тугаган 1953 йилда Кореяда ижтимоий-иқтисодий муаммолар йиғилиб, сиёсий беқарорлик кучайди. Энди Америка маъмурияти остидаги янги жараёнлар бошланди. 1961 йилдаги тўнгариш натижасида ҳарбийларни ҳокимиятга келиши қисқа демократик бошқарувга хотима ясади. Бу пайтда (Пак Чонхи даври) дастлаб иқтисодиёт жадаллашди, сўнгра мамлакатни ижтимоий модернизациялаш жараёнлари бошланди. 1964–1965 йиллардаги ислоҳотлар натижасида молиявий инқирозга бутунлай барҳам берилди. 1953–1961 йилларда яппи ички маҳсулот ўртача (ЯИМ) 3 % ўсган бўлса, 1962–1967 йилларда бу кўрсаткич ўртача 8,7 %, кейинги даврда эса 11 % ни ташкил этди. ЯИМ таркибида саноат соҳалари 40 % ни ташкил этди.

Таҳлилларни умумлаштирган ҳолда «корейс иқтисодий мўъжизаси»ни таъминлаган омиллар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. Иқтисодиётда давлатнинг ролини кучайтириш. Кореяда анъанавий тарзда давлат барча хўжалик фаолияти устидан олий



назоратни олиб бориши русумга кирган эди. Иқтисодиётни давлат томонидан мувофиқлаштириш иқтисодий ислоҳотларни тез ва самарали ўтишини таъминлаб, иқтисодий сиёсатни ички ва ташқи ўзгаришларга мослашиши учун қулай шарт-шароитлар яратди.

2. Ривожланишнинг умумий иқтисодий моделини ўзгариши. Ички истеъмол учун мўлжалланган ишлаб чиқариш камайтирилиб, у асосан экспорт қилишга мослаштирилди. Мамлакат геостратегик ҳолати океан ва денгиз йўлларига яқинлиги, денгизда юк ташишнинг нисбатан арзонлиги, корейс моллари таннархининг камлиги экспорт сиёсати учун қулай имкониятлар яратди.

3. Хориждан пул маблағларини жалб этиш характерини ўзгариши. Агар 1950 йилларда бепул ёрдамлар хом ашё ёки тайёр маҳсулот шаклида бўлган бўлса, 1960 йилларга келиб инвесторлар учун қатор имтиёзлар ўрнатилиши натижасида мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларнинг кириб келиши кўпайди.

4. Конфуцийча меҳнат этикаси ва конфуцийча ақидалар асосида шаклланган технократик элита. Давлатга катта оила сифатида алоҳида муносабатларда бўлиш натижасида паст иш ҳақининг ўрни қисман қопланиб, моддий рағбатлантиришларсиз ҳам меҳнат фаолиятининг самараси ошиб борди<sup>336</sup>.

Лекин ўтказилган барча ислоҳотлар кўпроқ иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни қамраб олган бўлиб, ҳали сиёсий модернизация жараёни даражасига чиқмаган эди. Чунки иқтисодий ўсиш жамиятнинг сиёсий тизимини қаттиқ назорат қилинг билан ҳамоҳангликда рўй берди. Шунингдек, иқтисодий ўсиш фуқаролар эркинликлари таъминланмаган шароитда амалга оширилган эди. Шу билан бирга, ижтимоий-иқтисодий модернизация натижасида ўрта синф шаклланди, фарб демократик ғоялари кириб келди.

1988 йил 25 февралда ҳокимият тепасига илгари ҳарбий элитага мансуб бўлган доиралар келди. Янги сайловлар демократик руҳда ўтди, жаҳон сиёсати ва мамлакатдаги сиёсий жараён-

---

<sup>336</sup> Авторитаризм и демократия в развивающихся странах / В.Г. Хорос, Г.И. Мирский, К.Л. Майданский и др. – Москва: Наука, 1996. –С.108-112; Эндрейн Чарльз Ф. Сравнительный анализ политических систем. –Москва: 2000. –С. 67-69.

лар демократлашиб бораётган эди. Шу даврга келиб сиёсий элита томонидан сиёсий модернизация учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Бу даврда амалга оширилган сиёсий модернизация жараёнида қуйидаги сифат ўзгаришлари кузатилди:

-ОАВни чеклашларга барҳам берилди (ОАВ давлат раҳнамолигидан чиқарилди, тақиқланган мавзулар олиб ташланди, бу ҳолат нашрлар сонини кескин оширди, янгидан теле- ва радиоканаллар очилди, натижада жамиятнинг сиёсий ахборотлашувини оширишга имкониятлар яратилди);

-олий ўқув юртларининг мустақил идора қилиш ҳуқуқлари кенгайтирилди;

-маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ривожланиб, у мамлакатда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг энг муҳим омилига айланди;

-«ишчиларнинг учта асосий ҳуқуқи» – уюшиш, жамоавий музокаралар олиб бориш ва иш ташлаш ҳуқуқлари киритилди.

Янги сиёсий элита сиёсати демократик институтларнинг ривожланиши ва мустақамланиши учун кенг имкониятлар яратди. Ўз навбатида, бу ҳолат давлат бошлиғини ҳарбийлардан эмас, балки фуқаролардан сайлаш учун муҳит яратди.

Жанубий Кореядаги сиёсий модернизация жараёни осон ва тез бўлмади. XX асрнинг 60-80-йиллари бошида иқтисодий ривожланишсиз Корея муҳитига миллий хусусиятларни эътиборга олмаган ҳолда хорижий тажрибаларни олиб кириш асосида сиёсий ўзгаришларни жадаллаштиришга уринишлар ижобий натижаларга олиб келмаган эди. Лекин бу мамлакатда ўтган асрнинг 80-йиллари ўртасидан бошлаб Япония ва ғарб мамлакатлари моделига яқин бўлган, лекин Корея моделидаги сиёсий модернизация ўз ниҳоясига етди.

## **5. Ўзбекистонда жамиятни модернизациялаш ва демократлаштириш жараёни**

Ҳозирги даврда модернизация тушунчасининг асосий моҳияти нафақат бир мамлакат доирасида давлат ва жамиятни ислоҳ этиш, балки инсон тараққиётига эришиш, уни таъминлаш, бу соҳадаги мақсадларни БМТ ва бошқа халқаро ҳамжамиятларнинг асосий вазифалари даражасига кўтарилиши сифатида намоён бўлмоқда. Шу билан бирга, инсон тараққиётининг амалга

ошириш жамият ва давлат ҳокимиятининг фаолиятига ҳам узвий равишда боғлиқ бўлиб қолмоқда. Чунки ҳар бир миллий давлатнинг асосий мақсади – халқ фаровонлиги эканлигига эътибор қаратилса, инсон тараққиётини амалга оширишда давлатнинг ўрни бениҳоя катта эканлигига иқрор бўламиз.

Шунингдек, давлат нодавлат сектор ва бизнесга нисбатан катта ресурслар ва имкониятларга эга бўлиб, у инсон салоҳиятининг ривожланиши учун асосий масъулиятни ўз зиммасига олиши билан ажралиб туради. Унинг биринчи навбатдаги вазифаси - нафақат давлат бюджетидан молиялаштириш йўли билан, балки бошқа воситалар билан ҳам инсон тараққиёти дастурини амалга ошириш учун имкониятлар яратиш, бозорлар тараққиётини инсон манфаатлари асосида таъминлашдир.

Ўзбекистон давлати миллий мустақилликка эришганидан кейин асосий стратегик пировард мақсад сифатида бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш, деб эълон қилинди. Албатта, бу бошқача айтганда мамлакатда сиёсий модернизацияни амалга ошириш демакдир. Бу вазифалар давлат бошқаруви ва мувофиқлаштируви самарасини ошириш ва уни такомиллаштириш, ўзини ўзи бошқаришни инсоний тараққиётга кўмаклашиш ваколатларини ошириш вазифаси билан билан ҳам муштаракдир. Бу маънода, жамият ҳаёти, давлат бошқаруви ва ўзини ўзи бошқариш тизимини ислоҳ этиш – ривожланган мамлакатлар тараққиёт боқичига хорижий ва миллий тажрибалар уйғунлиги асосида етиб бориш демакдир.

Сиёсий тизимнинг асосий институти сифатида давлат бошқаруви сифатини ошириш инсонни сиёсий ва бошқарув қарорлари қабул қилишдаги иштирокини кескин юксалтириш, ҳокимият органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш, бу жараёни таҳлил этиб бориш, сиёсий тизимни фуқаролик жамияти талабларига мослаштириш Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий модернизациянинг асосий моҳиятини ташкил этади. Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг яна бир муҳим жиҳати – бу унинг инсонга, унинг манфаатларига ва фаровонлигига қаратилганлигидир. Шу тариқа, мамлакатда инсон нафақат охирги мақсад сифатида, балки восита яъни унинг билими, малакаси, ижтимоий фаоллиги, интеллектуал салоҳиятини юксалтириб бориш мамлакатни ва давлат бошқарувини модернизация-

лашнинг таркибий қисми сифатида қаралмоқда, бу жараёнга уйғун равишда юксалиш давлат сиёсатининг асосий йўналиши деб белгиланмоқда.

Ҳозирги даврга келиб ривожланган мамлакатларда, шунингдек фуқаролик жамияти қурган ривожланган мамлакатларда давлат ҳокимиятини модернизациялашнинг асосан қуйидаги йўналишлари шаклланди:

-ортиқча маъмурий аралашувларни камайтириш мақсадида давлатнинг функцияларини оптималлаштириш;

-давлат органлари фаолиятини жамият учун зарур бўлган охириги натижаларга йўналтиришни таъминлайдиган механизмларни жорий этиш;

-маъмурий бошқарув жараёнларини жамият эҳтиёжларига мослаш, «инсон манфаатларига» мувофиқлаштириш;

-бошқарувни децентрализациялаш и деконцентрациялаш, уни инсонга ва унинг локал манфаатларига яқинлаштириш;

-самарали жамоатчилик назорати ва ижтимоий иштирокни амалга ошириш учун ижроия ҳокимияти фаолиятидаги ошқораликни таъминлаш;

-давлат хизмати институтини ислоҳ этиш, уни жамият олдидаги масъуллигини ошириш;

-электрон ҳукуматни жорий этиш.

Шунингдек, ҳозирги даврдаги тушунчаларга мувофиқ маҳаллий ҳокимият — бу кенг тарқалган тасаввурларга биноан ўз мажбуриятлари ва ваколатлари бўйича бир даража марказий ҳокимиятдан қуйида турган, маҳаллий даражага тегишли бўлган ҳокимиятдир. Аксарият мамлакатларда эса у ўзини ўзи бошқариш ҳокимияти ҳам дейилади. Маҳаллий ҳокимият органлари тизими қуйидагилардан иборатдир:

-маҳаллий ҳокимиятлар — жойларда ҳокимиятни амалга оширадиган шахс, органлар ва муассасалардир. Кўпчилик кишилар ўз кундалик ҳаётида доимий равишда маҳаллий ҳокимиятлар билан юзма-юз келади;

-ўзини ўзи бошқариш органлари: 1) ўз, яъни маҳаллий кучлар воситасида ички бошқарувни амалга ошириш ҳуқуқи; 2) миллий ҳудудлар доирасида ўз қонунлари воситасида ички бошқарув ишларини ҳал этиш ҳуқуқи; 3) автономия.

-маҳаллий ўзини ўзи бошқариш — аҳолининг тўғридан-тўғри ёки тегишли органлар воситасида ўз манфаатларидан келиб чи-

қиб анъаналар асосида маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал қилишининг мустақил ва масъулиятли фаолияти бўлиб, у Конституцияда белгилаб қўйилади.

Президент И.А.Каримов сиёсий модернизациянинг муҳим йўналиши – Ўзбекистонда давлат ҳокимияти органларини номарказлаштириш мақсадлари тўғрисида фикр билдирар экан, қуйидаги мулоҳазаларни айтиб ўтган эди: “Ҳаммамизга аёнки, бу йўналиш ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ кўп масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказиб боришни тақозо этади. Бунинг учун авваламбор, давлатнинг иқтисодий соҳага, хўжалик юритувчи тузилмалар, биринчи галда, хусусий сектор фаолиятига аралашувини чеклаш лозим... Ҳаётимизни эркинлаштириш йўналишларининг яна бир муҳим йўли – марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қўйи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиб боришни таъминлашдир”<sup>337</sup>.

Ўзбекистон жамиятида ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органларини номарказлаштириш натижасида маҳаллий бошқарувнинг асосий бўғинларидан бирига айланиб бормоқда. Номарказлаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари XX асрнинг 80-йилларида Европа, Шимолий Америка мамлакатлари, шунингдек Япония каби мамлакатларда бошланиб, бу соҳадаги ислохотлар ҳозир ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Мамлакатда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонунининг қабул қилиниши натижасида маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини номарказлаштириш жараёни ўзининг долзарб палласига кирди. Мазкур Қонун-

---

<sup>337</sup> Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. // Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – Б. 27-29.

нинг “Вилоят, Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлаш ва тасдиқлаш тартиби”га доир 6-моддасидаги қоидадан келиб чиқиб маҳаллий вакиллик органларига ижроия ҳокимияти устидан назорат қилиш ва уларни шакллантиришда фаол иштирок этиш ваколатлари берилди. Хусусан 6-модда қуйиғича ифодаланди: “Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилгандан сўнг тегишли халқ депутатлари Кенгашларига тасдиқлаш учун тақдим этилади. Агар овоз бериш вақтида вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзоди тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари умумий сонининг кўпчилиги овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти кўрсатилган лавозимларга номзодларни партия гуруҳлари билан қўшимча маслаҳатлашувлар ўтказганидан сўнг бир ой ичида яна икки марта тақдим этиш ҳуқуқига эга”.

Шунингдек, Қонуннинг “Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатларининг вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими устидан назорат қилиш вазифалари” деб номланган 7-моддасида мамлакат тарихида биринчи марта маҳаллий бошқарув раҳбарларини вакиллик органлари томонидан беvosита назорат этишнинг қуйидаги қоидаси шакллантирилди: “7-модда: Назорат қилиш вазифаларининг самарадорлигини ошириш мақсадида халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашларининг партия гуруҳларига вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосли хулосалар тақдим этиш ташаббуси ҳуқуқи берилади. Агар бундай ташаббус етакчи партия гуруҳлари томонидан қўллаб-қувватланса, Ўзбекистон Республикаси Президенти бу ташаббусни халқ депутатлари Кенгаши муҳокамасига киритади ва муҳокама натижаларига мувофиқ қарор қабул қилади”.

Кўришиб турибдики, Ўзбекистон давлати фуқаролик жамияти талабларидан келиб чиқиб, инсон тараққиётини юксалтириш, давлат сиёсати натижаларини инсонга қаратиш каби мақсадларни давлат сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида илгари сурмоқда. “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили асосида ислохотларни янада чуқурлаштириш мақсадларининг диққат-марказида ҳам инсонни ижтимоийлаштириш,

унинг жамиятдаги ўрнини ошириш, пировард натижада фуқаролик жамияти шарт-шароитларида фаолият юритадиган инсонни шакллантириш ва юксалтириш ғояси ётади.

Ўзбекистонда мустақиллик даврига келиб давлат ҳокимияти органлари демократик принциплар ва қадриятлар асосида бутунлай янги мазмунда шакллана бошлади. Албатта, хорижий ва халқаро тажрибалардан фойдаланилганда миллий қадриятлар ва анъаналарга ҳам муҳим эътибор берилди. Айниқса, “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили асосида номарказлаштиришга доир ислоҳотларни чуқурлаштиришда маҳаллий ҳокимият органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик қилишга доир фаолиятига ҳам муҳим эътибор қаратилди.

Умуман, Ўзбекистонда шаклланган маҳаллий бошқарув ўз маъносидан ҳам кўриниб турибдики, фақат маҳаллий, яъни туман, шаҳар ёки ўзини ўзи бошқариш органлари даражасида амалга оширилади. Маҳаллий даражадаги маъмурий бошқарув марказий ҳокимият томонидан берилган муайян ваколатлар ва функциялар асосида амалга оширилади, шу билан бирга, маҳаллий бошқарув марказий бошқарув органи олдида масъул бўлган бошқарув тизими (ҳокимликлар) томонидан амалга оширилади. Маҳаллий бошқарувнинг асосий вазифаси давлат ва халқ иродаси асосидаги мақсад ва вазифаларни амалга оширишдир. Шунингдек, маҳаллий бошқарув органлари халқ томонидан сайлаб қўйиладиган масъул шахслар ва органлар томонидан амалга оширилади.

Ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида давлат бошқарувини модернизациялаш ва демократлаштириш вазифаларидан келиб чиқиб марказий давлат ҳокимиятининг баъзи ваколатларини маҳаллий бошқарув органларига беришга доир ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бошқача айтганда, минтақавий ҳокимият органлари мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларини бошқаришда мустақил ва фаол субъектлар бўлишига муҳим аҳамият берилмоқда.

Шунингдек, маҳаллий бошқарув тизимида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига (маҳалла, овул, қишлоқ ва шаҳарча фуқаролар йиғинлари) ҳам номарказлаштириш тамойиллари асосида ҳокимликларнинг баъзи ваколатларини бериб боришга доир ҳуқуқий асосларни шакллантириш мўлжалланмоқ-

да. Айниқса, тарихан миллий ўзини ўзи бошқариш шакли сифатида шаклланган маҳалла фуқаролар йиғинларини фуқаролик жамияти институти сифатида ривожланиши учун ҳуқуқий ва ижтимоий шарт-шароитлар яратилмоқда.

Президент И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да асосан сиёсий партияларни ҳокимиятни шакллантиришдаги ролини ошириш, сайловлар тизимини янада демократлаштириш, давлат бошқарувида ахборот-коммуникация воситаларини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини такомиллаштириш, бозор иқтисодиётини янада либераллаштириш воситасида давлат ҳокимияти тизимини модернизациялашнинг ҳуқуқий асосларини яратиш вазифалари кўйилди.

Концепцияда “Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилади”, деган демократик принципни Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилиши натижасида ҳукуматни шакллантириш ва унинг фаолиятини назорат қилиш фуқаролар сиёсий иродаси асосида кеча бошлайди.

Шунингдек, Концепцияда “Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан *ишончсизлик вотуми билдириш* ҳақидаги масала киритиш”<sup>338</sup> принципини ўрнатилиши натижасида ижроия ҳокимият тизими-

---

<sup>338</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010. –Б. 12.



ни парламент томонидан назорат қилинишини амалга оширишга кенг имкониятлар яратилади.

Президент И.А.Каримов ислохотларнинг ҳозирги устувор вазифаларидан бири сифатида қуйидаги вазифани илгари суради: “Парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари – Кенгашлар олдида турган иккинчи ғоят муҳим вазифа – бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатишдан иборатдир”. Кўриниб турибдики, ҳозирги пайтда давлат сиёсатининг стратегик ривожланишга доир муҳим йўналишларидан бири – бу мамлакатда давлат ҳокимиятини учга бўлиниш тамойилини нафақат олий, балки маҳаллий вакиллик органлари тизимида ҳам амалга оширишга муҳим эътибор қаратилаётганлигини билдиради. Бу мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий модернизациянинг энг муҳим йўналишларидан биридир.

Шунингдек, Концепцияда белгиланган давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришга доир ҳуқуқий асосларни қабул қилишдан асосий мақсад давлат бошқарувини модернизациялашнинг асосий омилларидан бири – номарказлаштиришни жорий этишга қаратилган. Концепцияда “сайловларда ютиб чиққан сиёсий партия тақдим этган Бош вазир номзодининг Парламент томонидан кўриб чиқирилиши ва тасдиқланиши ҳақидаги конституциявий тартибнинг белгиланиши, ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми институтининг жорий этилиши ва сиёсий тизимни модернизация қилиш жараёнида амалга оширилиши лозим бўладиган бошқа қатор чора-тадбирлар ўз мазмун-моҳияти билан мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб беради”<sup>339</sup>. Шу билан бирга, Концепцияда кўзланган мақсадлар нафақат фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга, балки давлат бошқарувини номарказлаштириш воситасида ҳуқуқий давлатни қад кўтарадиган ижтимоий-сиёсий шарт-шароитларни яратишга қаратилгандир.

---

<sup>339</sup> Ўша жойда. –Б. 8.

**Такрорлаш учун саволлар:**

1. Сиёсий ўзгариш деганда нимани тушунасиз?
2. Қандай сиёсий модернизация назариялари мавжуд?
3. Сиёсий модернизация натижасида қандай сиёсий ўзгаришлар амалга оширилади?
4. Сиёсий модернизациянинг коитинентал-европа моделини шарҳлаб бера оласизми?
5. Япония ва Жанубий Кореяда сиёсий модернизация қандай тарзда амалга оширилди?
6. Ўзбекистонда мамлакатни модернизациялаш соҳасида қандай ўзгаришлар амалга оширилди?

# V БЎЛИМ. СИЁСИЙ КОММУНИКАЦИЯ, СИЁСИЙ МАДАНИЯТ ВА МАФКУРА

## 14-МАВЗУ. СИЁСИЙ КОММУНИКАЦИЯ

1. Коммуникация тушунчаси ва унинг моҳияти.
2. Сиёсий коммуникация ва унинг сиёсий жараёндаги ўрни.
3. Сиёсий коммуникация воситалари тизими ва функциялари.
4. Электрон ҳукумат ва унинг моҳияти.
5. Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиш жараёни.

### 1. Коммуникация тушунчаси ва унинг моҳияти

Ҳозирги даврда сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларига кириб борган сиёсий коммуникация тушунчасини чуқур англаш учун «ахборот» ва «коммуникация» каби тушунчаларни ўрганишга зарурат туғилади. Ахборот нима? Бу саволга қуйидаги жавобни бериш мумкин: бизни ўраб турган оламдаги воқеалар асосида ахборот пайдо бўлади. Воқеаларнинг ахборот бўлиши учун улар қандайдир тарзда шарҳланиш ва талқин этилиш асосида қабул қилиниши лозим. Шунинг учун ҳам ахборот икки нарсанинг — маълумотларни шарҳлаш учун талаб этилган ҳамда уларга аҳамият касб эта олган воқеалар (маълумотлар) ва буйруқлар (топшириқ) натижаси ўлароқ пайдо бўлади.

Коммуникация ўз ичига бир неча тушунчаларни олади. Улар қуйидагилардан иборат: моддий ва номоддий дунёдаги ҳар қандай объектларнинг алоқа воситаси; инсондан инсонга нисбатан алоқа, ахборот узатиш; жамиятдаги ахборот алмашиш (ижтимоий ахборот) . «Коммуникация» тушунчаси адабиётларда XX аср бошларида пайдо бўлди. Ахборот алмашиш бир томон ахборотни таклиф этиб, иккинчи томон уни қабул этгандагина рўй беради. Шу тарздаги ахборот алмашув коммуникатив жараён дейилади. Коммуникация тузилмаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

- бошқарув (ёки сиёсий) органи ва атроф-муҳит билан коммуникациялашув;

-давлат органларидаги ўзаро даражали коммуникация: вертикал – пасайиб ва кўтарилиб борувчи; горизонтал– бошқарув органи турли бўлинмалари билан ўзаро ахборот алмашув;

- «раҳбар – бўйсунувчи» тарҳи асосидаги коммуникация;
- норасмий коммуникация.

Шунингдек, жамиятда инсоннинг яшаши ва фаолият кўрсатиши учун табиий зарурат сифатида пайдо бўлган инсоний коммуникация ҳам ривожланди. Инсоний коммуникация – кўп қиррали жараён бўлиб, унинг асосида хабар жўнатувчиларнинг унга маълум мазмун бахш этиши ётади. Ахборот ўз ҳаракати давомида инсонларга таъсир этади. Лекин оз бўлсада, инсонлар ҳам бир-бирларига таъсир этади: уларнинг баъзилари ўқитади, баъзилари бошқа одамдан ўрганади, баъзилари кўнгил очади, баъзилари эса ҳафсалани пир қилади.

Кейинги ўн йилликларда инсон ва жамият, жамият ва давлат ўзаро бошқарув муносабатларини самарали тарзда мувофиқлаштириш мақсадида коммуникациявий менежмент ривожланди. У ижтимоий муносабатларни ривожлантиришда стратегик ва тактик вазифаларни ҳал этиш мақсадларида инсонлар, уларнинг гуруҳлари, ижтимоий ва сиёсий тизилмаларга ахборот таъсири оқими кириб келишини илмий жиҳатдан бошқаришни ўргатади.

Коммуникациявий менежментнинг асосий функциялари қуйидагилардан иборатдир:

- таҳлилий-башорат (таҳлил, фойдаланиш, башорат);
- ташкилий-бошқарув (ташкилот мақсадларини ва хизматни, кўзланган мақсадларни бажариш фаолиятини тезкор жавоб бериш чоралари ва бошқалар билан таъминлаш);
- коммуникатив-ахборот (бир-бирини тушуниш, ўзаро уйғунлик ва ташкилот раҳбарини зарурий ахборотлар билан таъминлаш);
- маслаҳат-услубий (раҳбар ёки депутатликка номзод маслаҳатчисининг фаолияти сифатида намоён бўлади).

Ҳозирги даврда таниқли олим Лассуэлл томонидан таклиф этилган қуйидаги коммуникациявий таҳлил формуласи амал қилади: Ким? (Хабар берувчи); Нимани берапти? (Хабар); Қандай, қайси каналлардан бермоқда? (Коммуникация канали (йўли)); Кимга? (Хабар олувчига); Қандай мақсадда? (Хабар мўлжали); Қандай самара билан? (Хабарнинг самарали эканлиги).

Давлат ва жамият бошқаруви оралиғида сиёсий партиялар, сайловлар кампанияларида иштирок этувчи нодавлат тузилмалар, шунингдек, ҳуқуқий жиҳатдан ваколатларга эга бўлмаган сиёсат субъектларининг самарали бошқарувини амалга ошириш мақсадини бажараётган сиёсий менежмент тезлик билан ривожланиб бормоқда. Сиёсий менежментнинг асосий функциялари қуйидагилардан иборатдир:

-сиёсий ғоялар ҳақидаги билимларни, сиёсий қадриятларни тарқатиш, жамиятни сиёсий ахборотлаштириш;

-сиёсий муносабатларни интеграциялаш ва мувофиқлаштириш;

-сиёсий ва ижтимоий тасаввурларни шакллантириш;

-сиёсий маданиятни тарқатиш, уни шахсларда ривожлантириш;

-сиёсий-маданий алмашувлар;

-жамоатчиликни сиёсатда рол ўйнашга тайёрлаш.

Сиёсий коммуникация жараёнида сиёсий жараён субъектлари томонидан амалга ошириладиган расмий ва норасмий ўзаро ҳаракатлар натижасида ахборот алмашув жараёни, уни ишлаб чиқиш, узатиш, ўзлаштириш, талқин этиш кабилар амалга оширилади, шунингдек, бу жараён жамоатчилик муҳити ичида рўй беради. Коммуникация шартлари ва натижалари бу муҳитнинг сифатига боғлиқдир.

## 2. Сиёсий коммуникация ва унинг сиёсий жараёндаги ўрни

Сиёсат инсон фаолиятидан, унинг турли хатти-ҳаракатларидан, шунингдек, ижтимоий-сиёсий ҳаётни янгилаб турувчи, йўналтирувчи ва боғловчи коммуникациявий жараёнлардан ташқарида мавжуд бўлмайди. Сиёсий коммуникация сиёсатнинг ўзига хос ижтимоий-ахборот майдонидир. Унинг сиёсий ҳаётдаги ролини француз сиёсатшуноси Ж.-М. Коттрэ ибораси билан айтганда, одам организми учун қон айланишининг аҳамиятига қиёсласа бўлади<sup>340</sup>. Сиёсий коммуникация ахборот алмашинуви жа-

---

<sup>340</sup> Қаранг: Cotteret J.-M. *Gouvernants et gouvernes: La communication politique.* - Paris, 1973. - P. 9.

раёнлари, сиёсий ахборотларни узатиш, сиёсий фаолиятни тузил-  
малаштириш ва унга янги мазмун касб этиш кабиларни ўзида  
бирлаштирган йиғилмадир.

Коммуникациялар ва унинг йўналишларидан бири – омма-  
вий ахборот воситалари (ОАВ) сиёсий тизимнинг таркибий қис-  
млари сифатида ўзаро сиёсий муносабатларда муҳим ўрин тута-  
ди. XX асрнинг 50-йилларига қадар “коммуникация” тушунчаси  
асосан кўприклар, телефонлар, темир йўллар, почта хизматига  
нисбатан қўлланилар эди. Улар ҳар бир мамлакатни ягона бир  
бутунликка бирлаштириш вазифасини бажарар эди. Лекин кей-  
инги даврда ОАВни, айниқса радио, телевидение ва интернетни  
тезлик билан ривожланиши натижасида ҳозирги давр жамиятла-  
ри янада кўпроқ ўзаро муносабатлар ва мулоқотлар кенглигига  
айланди. Бу ўзгаришлар кишиларни бир бутунлик сари янада  
жипслаштира бошлади. Бу жараёнлар жамиятнинг ривожлани-  
ши ва унинг яхлитлигини таъминлайди.

Коммуникация” тушунчаси “алоқа”, “муомала” ва “муноса-  
бат” маъноларини англатади. Сиёсий тизимда коммуникация сиё-  
сий характер касб этади, яъни у оммавий сиёсий коммуникация  
дейлади. Сиёсатнинг табиати ва моҳияти кўплаб кишиларнинг  
продалари ва ингилишларини бирлаштириш заруриятини пайдо  
қилиши оқибатида коммуникация сиёсий жараённинг ажралмас  
бир қисмига айланди.

Сиёсий коммуникациялар умумий назарияси асосида иккита  
Америка илмий мактаблари ғоялари ётади: кибернетик ёндашув  
(*К. Дойч*) ва тузилмавий-мақсадли (структуравий-функционал)  
таҳлил (*Г. Алмонд ва Ж. Коулман*). Дастлаб сиёсий коммуника-  
ция илмий жиҳатдан биринчи жаҳон уруши даврида қизиқишлар  
уйғотиб, илк бор тарғиботни тадқиқ этиш жараёнида уни илмий  
муомалага киритишга зарурат туғилди. Бу соҳадаги назарий та-  
дқиқотлар ва “сиёсий коммуникация” тушунчаси XX асрнинг 40-  
йиллари охири – 50-йилларнинг бошида пайдо бўлди. Сиёсий ком-  
муникацияларни илмий тадқиқ этишни алоҳида йўналиш сифа-  
тида ажралиб чиқиши ва мустақил соҳага айланишига қатор са-  
баблар мавжуд эди: урушдан кейинги демократлаштириш  
тўлқинларининг бошланиши, кибернетик назариянинг пайдо  
бўлиши ва ривожланиши, янги коммуникациявий технологиялар  
ва тизимларнинг пайдо бўлиши ва улардан фаол фойдаланиш-  
нинг бошланиши. Ҳозирги даврга келиб сиёсий коммуникация

сиёсий фанларнинг энг кенг тарқалган мавзуларидан бирига айланди.

“Сиёсий коммуникация” тушунчасини таърифлашга доир бир қанча ёндашувлар мавжуд. Улардан асосийларини келтирамиз:

1. Сиёсий коммуникация – ўзаро келишувларга эришиш мақсадида жамиятнинг сиёсий кучлари ва индивидлари ўртасида муттасил равишда сиёсий мазмун-моҳиятларнинг алмашиб туриш жараёнидир (Р.-Ж. Шварценберг)<sup>341</sup>;

2. Сиёсий коммуникация – сиёсий тизимнинг турли унсурлари, шунингдек, сиёсий ва ижтимоий тизимлар ўртасидаги муносабатларда ўзаро “қон айланиши”ни (сиёсий ахборотларни) таъминлаб турувчи ва сиёсий матнлар воситасида муттасил равишда сиёсий ахборотлар бериб турувчи жараёндир (Л.Р. Посикера)<sup>342</sup>;

3. Сиёсий коммуникация – жамиятда сиёсатга турлича таъсир ўтказиб турувчи норасмий коммуникациявий жараёнларнинг тўлиқ бир доирасидир (Л. Пай).

Умуман олганда, сиёсий коммуникация – сиёсий акторлар ўртасида расмий ва норасмий ўзаро хатти-ҳаракатларни амалга оширишнинг боришида ахборотлар алмашиш жараёнидир. Сиёсий коммуникация сиёсий тизим учун муҳим бўлган функцияларни амалга оширади.

Сиёсий коммуникация шартлари қуйидагилардир:

1) асосан сиёсий жараённинг ахборот характериға эга бўлган камида иккита иштирокчисининг мавжудлиги. Ахборот жўнатувчи (почта, телеграф) – коммуникатор ва уни олувчи (инсон, корхона, гуруҳ) – реципиент;

2) реципиентнинг сиёсий ахборотни англаши. Одамлар ахборотни турлича (баъзан бузилган ёки сохталаштирилган ҳолда) қабул қиладилар. Лекин бу жараённинг жамоавийлик (оммавийлик) характери онглиликни талаб этади, ва ҳаттоки инсонларни

---

<sup>341</sup> Шварценберг Р.-Ж. Политическая социология. –Москва: 1992. –С.174.

<sup>342</sup> Посикера Л.Р. Политическая коммуникация в условиях избирательных кампаний: Анализ концепций и технологий. Автореферат диссертации. –Москва: Росс. академия госслужбы при Президенте РФ, 1994. –С.3.

ижодий ва ташаббускорлик билан ёндашишини зарурият даражасига олиб чиқади. Натижада, сиёсатни англаш ва ўзлаштириш муҳим аҳамият касб этиб боради;

3) Коммуникация жараёнидаги барча бўгин ва даражаларда реципиентдан коммуникатор сари тескари (жавоб) алоқасининг содир бўлиши мавжудлиги. ОАВ учун бу каби тескари алоқа бўлиши унчалик шарт эмас. Лекин, оммавий сиёсий коммуникация тескари алоқасиз рўй бермайди. Шунингдек, бу жараён учун ўзаро хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, бир-бирини ўзаро тушуниш ёки тушунмаслик ҳам характерли жиҳатлардир<sup>343</sup>.

Сиёсий коммуникациялар муаммоларига доир ишларда тез-тез тизимлар умумий назарияси ва кибернетика соҳасига тааллуқли тушунчалар ишлатилади. Лекин бу каби ўзлаштириш доимо ҳам одоб додрасига сиғавермайди, маълум даражада сиёсий фанларда фойдаланиладиган «тизимли-кибернетик» тушунчасининг изоҳини тартибга солишга зарурият туғилади.

“Сиёсий коммуникация” тушунчаси сиёсатшуносликда турли хил ёндашувлар доирасида айнанлаштирилади. Коммуникация восита сифатида самарали эканлигига мувофиқ равишдаги ўзининг тузилмавийлиги ва функцияларига биноан қуйидагилардан иборатдир: шахсларо коммуникация; оммавий коммуникация; мазкур ҳодисаларнинг фаолиятга доир моҳияти. Аксарият олимлар бу тушунчага универсал таъриф беришга ҳаракат қилдилар, лекин ҳозирги пайтга қадар қатъий равишдаги мукамал умумий тушунчалар яратилгани йўқ.

Таниқли олимлар *М. Гуревич* ва *Ж. Блумлер* «Сиёсий коммуникация тизимлари ва демократик қадриятлар» номли асаарида сиёсий коммуникацияни «ғофил ва лоқайд – доймо (сиёсатга) жалб қилинган, катта таъсирга эга бўлган – тамомила ҳуқуқсиз, ўта жоҳил – юқори ахборотлашган каби сифатлари билан бир-биридан кескин фарқланувчи индивидларнинг ўзаро бир-бирига турлича таъсир кўрсатиши ва ахборотлар узатишидир» деб таърифлайди. Шу тариқа, сиёсий коммуникация тузилмаси юқорида ташаббускорлаштирувчи ва фаоллаштирувчи, пастда эса кузатувчи сифатида рўй берадиган – ўзаро чеклашларни тизимнинг

---

<sup>343</sup> Қаранг: СМЙ и коммуникации // <http://rusweb.narod.ru/library/politolog/index.html>.—С.2-3.



Ўзи табиий равишда келтириб чиқарадиган иштирок этиш энергияларидаги бир-биридан ўзаро кескин фарқланишларни ўз ичига олади<sup>344</sup>. Сиёсатшуносликда асосан мана шу таъриф ишлатилиб, унга «таъсир кўрсатиш модели» сифатида урғу берилади.

Таниқли АҚШ олими *Л.Пай* фикрича, сиёсий коммуникация элита ва омма томонидан пайдо бўладиган белгиларнинг бир томонлама йўналишдаги таъсири натижасида эмас, балки жамиятда сиёсатга турлича таъсир этадиган барча норасмий коммуникациявий жараёнларнинг кўлами таъсирида рўй беради. Ҳар қандай жамиятда сиёсий ҳаёт сиёсий коммуникация усулларисиз яшай олмайди.

*Ж.-М. Коттрэ* фикрича, сиёсий коммуникация сиёсий тизимга тўғридан-тўғри ёки билвосита, бирор нарса воситасида ёки бевосита таъсир кўрсатишига боғлиқ ҳолда шаклланади<sup>345</sup>. Сиёсий коммуникация пировард натижа сифатида манба, мазмун ва сиёсат объектига тегишли бўлиб, у сиёсий тизим зарурият сезадиган ва у аҳамият касб этадиган “мурожаат”ни узатишни ўзида намоён қилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам сиёсий коммуникация – ҳар қандай сиёсий институтнинг яшаши учун зарурий шарт-шароитдир. Чунки у ҳокимиятнинг тимсолий тасаввурини шакллантириш, уни эгаллаш, ҳокимият функцияларини амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқдир. *Ж.-М. Коттрэ* коммуникатив жиҳатдан бошқарувчилар ва бошқарилувчилар муносабатларига қуйидагича қарайди: а) бошқарувчилар бошқарилувчиларга айнанлашадиган муносабатлар; б) барча бошқарувчилар сиёсий жамият аъзоси, лекин бошқарилувчиларнинг барчаси раҳбарлик қилувчи доира аъзоси эмас эканлиги (бу муносабатлар бошқарувчилар ва бошқарилувчиларни бир-бирига киришиш ва ўзаро таъсир кўрсатиш муносабатлари бўлишини тақозо этади) натижасидаги аралашиниш (қўшилиш) муносабатлари; в) сиёсий жамият кенгайиши шароитида бошқарувчилар ва бошқарилувчиларнинг ўзаро кесишиниш муносабатлари, бошқарилувчи-

---

<sup>344</sup> Қаранг: Gurevitch M., Blumler J. R. Political Communication Systems and Democratic Values // Media Power in Politics / Ed. by D. A. Graber. Washington: CQ Press, 1994. –P. 27.

<sup>345</sup> Қаранг: Cottret J.-M. Gouvernants et gouvernes. La communication politique. –P.: PUF, 1973. –P. 7.

лар қатлаמידан бошқарувчилар қатламининг қисман узоқлашиши.

Ахборот жамияти концепцияси муаллифлари *Д. Белл* ва *О. Тофлер* сиёсий коммуникацияни ривожланган замонавий жамият, унинг бошқарувчи элитаси таркибини ва унинг ўтмишдаги жамиятда чекланган коммуникациявий имкониятлари ва бошқа тавсифлари фарқлари мазмунини белгилаб бериш асосларини ташкил этувчи махсус илмий-ахборот мажмуаси сифатида талқин қилади<sup>346</sup>.

Франциялик олим *Р. Тискье-Гишара* «сиёсий коммуникация ахборот ва тасаввурларнинг бостириб кириши натижасида хуржга учраб, ўз маромини йўқотиш ҳолатига барҳам бериш учун янги мувозанатлар излашдан бошқа нарса эмас», деган фикрни билдиради. Шу нуқтаи назардан ёндашганда, коммуникация турли муносабатлар натижасида пайдо бўладиган зарурий нотенглик сифатида ҳам намоён бўлиши мумкин экан<sup>347</sup>.

Албатта, бу каби қарашлар анча баҳслидир, лекин у коммуникациянинг турли хусусиятларини ўрганишга ёрдам беради. Кўпинча, сиёсий коммуникацияни фақат «масс-медиа», яъни ОАВдан иборат, деган қарашлар ҳам учрайди. Лекин «сиёсий коммуникация» тушунчаси анча кенг бўлиб, у ўз ичига ўзаро коммуникатив таъсирларнинг барча хилларини — расмий, ОАВда ифодаланган, норасмий (масалан, овозалар, миш-мишлар) кабиларни ўз ичига олади.

Умуман олганда, сиёсий коммуникация деганда, жамиятнинг сиёсий соҳасидаги воқеалар, ҳодисаларга доир ахборотлар, биллиmlар йнғиндиси тушунилади. Сиёсий ахборот ёрдамида сиёсий тажрибалар кириб келади, одамларнинг фаолиятлари мувофиқлашади, сиёсий ижтимоийлашиш ва мослашишлар рўй беради, сиёсий ҳаёт тузилмалашади. Коммуникация воситасида учта асосий сиёсий хабарлар берилади: а) ундайдиган ва мажбур қиладиган (буйруқлар, фармонлар, ишонч, эътиқод); б) ахборотлар-

---

<sup>346</sup> Қаранг: Bell D. The Cultural Contradictions of Capitalism. N. Y., 1976. —P. 91.

<sup>347</sup> Иқтибос қуйидаги манбадан олинди: Лебедева Т. Ю. Паблик Рилейшнз. Корпоративная и политическая режиссура. —Москва, 1999. —С.72–73.

нинг ўзи (ҳақиқий ёки тўғиб чиқарилган маълумотлар); в) ҳақиқий ва аниқ (сиёсат субъектлари ўзаро алоқаларини ўрнатиш ва сақлаб туриш билан боғлиқ бўлган маълумотлар).

Ким?		Нимани хабар қиляпти?	Қандай воситадан фойдаланиб?
Қандай вазиятда? Қандай мақсадда? Қандай натижа билан?			

#### 14.1.-расм. Р. Брэддок формуласи

Аксарият тадқиқотчилар сиёсий коммуникация ривожланиши билан Лассуэлл формуласининг амалий фойдасини инкор этмаган ҳолда унинг юзаки жиҳатлари ҳам мавжудлигини қайд этиб, бу формулани янги компонентлар билан бойитиш асносида уни такомиллаштирди. Таниқли олим Р. Брэддок томонидан Лассуэлл формуласини кенгайтириш варианты таклиф этилиб, у анча ривожлантирилди (14.1-расм). Р. Брэддокнинг фикрича, коммуникациявий жараённинг таърифи яна иккита муҳим жиҳатни ўз ичига олиши лозим: бу хабар қандай вазиятда ва қандай мақсадда юборилмоқда?

Ўтган асрнинг 40-йилларида «Белл Телефон» кампанияси ходимлари коммуникацияни бир чизиқли ва бир йўналишли жараён эканлигига доир таърифни илгари сурди. Дастлаб ахборот манбаи алоқанинг турли оқимларида беришга мослашган шаклда қабул қилиб олувчига тақдим этиш учун хабар узатувчига юбориладиган ахборотни қайтадан ишлаб чиқади (умумий ҳолатда — хабарларнинг изчиллиги). Кейин тикланган хабар манзилга юборилади. Узатиш жараёнида, одатда, хабар халақит берувчи турли тўсиқлар томонидан анча бузилади.

Тўсиқларни йўқотиш жараёнида узатилган ва қабул қилиб олинган хабар катта ёки кичик даражада бир-биридан фарқланади. Тегишли равишда, ахборот манбаи томонидан тузилган хабар, манзил томонидан қабул қилиб олинган ва қабул қилувчи томонидан тўсиқлардан тозалаб тикланган хабар у ёки бу дара-

жиди турлича мазмунлар касб эта бошлайди, улар баъзан мазмунин бир-бирига мос келмай қоларди. Албатта, Шеннон-Уивер модели (14.2-расм) Лассуэлл формуласига қараганда ҳақиқий ҳаётга анча яқинроқ туради. У алоқа оқимлари бўйича юборилган хабарлар доимо кутилган натижани беравермаслигини намойиш этади.

Таниқли олим М.Дефлёр 1970 йилда эскирган Шеннон-Уивер модели шаклини ўзгартиришни таклиф этди. Унга мувофиқ, биринчи ўринга икки маъноли аҳамиятнинг нисбати ўзаро муаммосини – хабар манбаи юборган дастлабки хабар ва манзилга юбориладиган – яъни тикланган хабарни киритишни таклиф этди<sup>348</sup>. Бунда «коммуникация» сўзининг ўзи бошланғич ва охириги чиқамият касб этишнинг ўзаро нисбатига эришиш натижаси сифатида тушунила бошланди.

Бу моделда коммуникациявий жараён тескари (қарама-қарши) алоқалар ҳалқаси билан тўлдирилди. М.Дефлёр концепциясига биноан, коммуникация хабар жўнатиш ташаббуси билан чиқадиган манбани бир қанча хабар шаклида маъно берадиган «чиқамият»ини шакллантириб, узатувчига юбориши, уни ахборот оқимида беришга мослаштириши билан бошланади (14.3-расм).

Бу жараёнда коммуникация ҳодисасининг ташаббускори икки томонлама алоқаларга киришадиган – «ахборот» тескари алоқалар канали бўйича у «хабар» сифатида тикланиб, манзилга етказадиган қабул қилувчига боради. Натижада, ташаббускор



14.2-расм. Шеннон-Уивер модели

<sup>348</sup> Қаранг: DeFleur M. Theories of Mass Communication. - New York, 1970.-P. 90-91

жараёни назорат қилиш, зарурат туғилганида коммуникация жараёнига тузатишлар киритиш имкониятларига эга бўлади. Оқибатда, ташаббускор иккита «xabар»нинг: дастлабки ҳолатда «бошқариладиган» ва узатувчига боришда ўзгариши мумкин бўлган – «ахамияти» нисбатини бир-бирига тўғри келиш эҳтимолига эришиш учун шарт-шароитлар туғилади.

Сиёсий акторларнинг амал қилишини таъминлаб турувчи муҳим соҳалардан бири сиёсий коммуникациядир. У сиёсий жараён мазмунини тўлдириш баробарида сиёсий манфаатларнинг ўзаро ҳаракатлари ва муносабатларини амалга оширишни таъминлаб беради. Коммуникациялар ёрдамида сиёсий воқеликларнинг мантиқан изчиллиги очиб берилади, уларнинг мазмуни ва мавзуси шаклланади.

Ҳар бир сиёсий тизимнинг ўзига хос бўлган сиёсий коммуникация тармоқлари шаклланиб, улар сиёсий тизим имкониятлари ва ривожланиш даражасига муносиб равишда амал қилади. Хусусан, тадқиқотчилар ижтимоий-иқтисодий тараққиёт билан ОАВнинг ривожланиш даражаси ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд эканлигини очиб берганлиги фикримизнинг далилидир. Шу билан бирга, коммуникациялар билан сиёсий ўзгаришлар ўртасида ўзаро кенг нисбатлар мавжуддир. Коммуникация тизими сиёсий эволюция билан бир вақтда ривожланади.



14.3-расм. М.Дефлёр модели

Сиёсий коммуникацияга таъсир ўтказишда сиёсий маданият тури ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ва, аксинча, сиёсий коммуникация ҳам сиёсий маданиятни шаклланиши омили сифатида унинг ўсишига кучли таъсир этади. Сиёсий коммуникация муайян жамиятда қабул қилинган меъёрлар ва қадриятларни такрорий равишда қайта ишлаб чиқади. Жумладан, телевидениени кишиларнинг сиёсий ижтимоийлашув жараёнидаги роли жуда ҳам каттадир. Олимларнинг ҳисоблашича, ўртача учта ва ундан ортиқ одам яшайдиган оилада яшовчилар бир ҳафта ичида олтиш бир соат вақтини телевизор кўришга сарфлар экан. Сиёсатшунос Ж. Карлсоннинг фикрича, телевидение сиёсий тизимга нисбатан айнан ўхшаш мўлжал олиши билан ажралиб туради<sup>349</sup>. Телевидение дастурлари девиант хулқнинг пайдо бўлишига нисбатан кўпроқ ижтимоий ва сиёсий меъёрларни кучайиши учун имкониятлар туғдиради. Сиёсий коммуникация жараёнида бошқарувчилар билан бошқарилувчилар (ёки сиёсий тизим билан атроф-муҳит) ўртасида қарорлар қабул қилишда ҳар иккала томонларнинг розилиklarини олиш мақсадидаги ахборотлар алмашиш муҳим ўрин тутати. Бу жараёнда бошқарилувчилар ўз талабларини ифода этишга, уни бошқарувчиларга билдиришга ҳаракат қиладилар. Бу икки томон ўртасидаги келишув фақат коммуникация ва ўзаро мулоқотлар воситасида амалга ошиши мумкин.



14.4.-расм. К. Сайнне модели

<sup>349</sup>Қарапг: Carlson J. Television Entertainment and Political Socialization. In: Vermeer Jan. P. In "Media" Res: Readings in Mass Media and American Politics. N.Y.: McGraw-Hill, Inc., 1995.—P.47-55.

К. Сайнне моделида (14.4-расм) сиёсий коммуникацияни амалга ошириш жараёнида сиёсий элитанинг ролига муҳим аҳамият қаратилади. Одатда, сиёсий элита жамият устидан бевосита эмас, балки билвосита тарзда, яъни турли ўрта бўғинлардан фойдаланган ҳолда (масалан, бюрократик аппарат ёки оммавий коммуникация воситалари ёрдамида) сиёсий ҳокимиятни амалга оширади. К. Сайнне фикрича, муҳими, элита ўзининг легитимлигини мустаҳкамлаш мақсадларида оммага турли ахборотлар юборишга интилади.

Ахборот оқимларининг вертикал тамойилга асосланиб, фақат “юқоридан- пастга” (бошқарувчилардан бошқарилувчиларга) қондаси асосида амалга ошириш мумкин эмас. Шунинг учун горизонтал йўналиш бўйича таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади. Жамиятнинг демократиялашув даражаси бошқа мезонлар билан бир қаторда, ахборотлар алмашув даражасининг горизонтал даражаси нечоғли рол ўйнаши билан ҳам ўлчанади. Сиёсий коммуникациянинг замонавий концепцияларида аудиторияга тўғридан-тўғри таъсир этишдан ўзаро хатти-ҳаракатларни кўзда тутувчи ўзаро мулоқотли коммуникацияга ўтиш мўлжалланмоқда.

Сиёсий коммуникациянинг муҳим жиҳатлари – бу сиёсат субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг мазмун-моҳият касб этувчи жиҳатини ҳокимиятни эгаллаш ёки уни амалга ошириш жараёнларидаги ахборотлар алмашиш йўли билан амалга оширишидир. Турли хилдаги коммуникатив моделлардан фойдаланиш орқали сиёсий хабарларнинг учта асосий тури уза-тилади.

Сиёсий коммуникация тизимида сиёсий хабарлар турларидан ташқари ахборот оқимининг учта даражаси бир-бирларидан ажралиб туради:

1) ҳокимият органлари ва бошқарувга хизмат қилади (асосан хизмат ахборотлари айланиб юради);

2) ахборот муҳитини сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, нодавлат ташкилотлар фаолияти ташкил этади (дастурлар, низомилар ва бошқа ахборотлар доирасида);

3) кишиларнинг йирик гуруҳлари сиёсий хулқига, жамоатчилик фикрига ва оммавий онгга мурожаат қилинади (бу даража сиёсий тизимнинг очиқлигини таъминлайди, фуқаролик жамияти билан ўзаро ҳамкорлик қилишга тайёр туради).

Сиёсий коммуникациялар сиёсий тизим ва фуқаролик жамиятига нисбатан қуйидаги функцияларни бажаради:

-ахборотга доир (бу функциянинг бош мазмуни сиёсий тизим унсурлари ва унинг амал қилишига доир зарурий билимларни тарқатишда ифодаланади);

-регулятив (сиёсий тизим унсурлари, шунингдек сиёсий тизим билан фуқаролик жамияти ўртасида ўзаро хатти-ҳаракат қилишнинг оптимал механизмларини ишлаб чиқишга имкон беради);

-сиёсий ижтимоқлаштириш функцияси (сиёсий фаолият ва сиёсий хулқнинг муҳим ва зарурий меъёрларини шакллантиради);

-манипулятив (нисбатан муҳим бўлган сиёсий муаммоларга доир жамоатчилик фикрини шакллантиради).

Хулоса қилиб айтганда, сиёсий коммуникация барча турдаги сиёсий жараёнларнинг муҳим таснифларидан бири ҳисобланади. Сиёсий-коммуникатив жараёнларнинг йўналиши ва уларнинг асосий мўлжаллари мулоқотларга ва бир-бирини ўзаро тушунишга, устунлик қилувчи қадриятларга қаратилган бўлиб, берилмаётган ахборот оқимлари сиёсий тизимнинг барқарорлик ва самардорлик даражаларини белгилаб беради.

### **3. Сиёсий коммуникация воситалари тизими ва функциялари**

Сиёсий коммуникациянинг тузилиши – ахборот манбаси атрофида шаклланадиган алоқалар ва муносабатлардир. Шунингдек, ОАВнинг расмий ва норасмий манбалари бир-бирларидан фарқланади. Ахборотнинг расмий манбалари қуйидагилардан иборат:

1. Давлат институтлари (корхона ва муассасалари) – президент, ҳукумат, турли вазирликлар, ташкилотлар раҳбар вакиллари ёки улар раҳбарлигидаги матбуот хизматлари, жамоатчилик билан алоқалар ахборот бўлимлари;

2. Давлат миллий ОАВ (радио; матбуот; телевидение; нашриётлар; кино ва бошқ.);

3. Турли сиёсий партиялар ва жамоатчилик ҳаракатлари, улардан мустақил бўлган нодавлат ОАВ (нодавлат радио, газета ва бошқ.);



4. Корпоратив тузилмалар (жамоатчилик гуруҳлари; корпоратив тизилмалар; турли ҳаракатлар; реклама ва касбий агентликлар);

5. Хорижий ОАВ (ББС, “Америка овози” ва бошқа радиолар; ИТАР-ТАСС; Белта; Рейтер ва бошқ.);

Жамиятдаги норасмий ахборот манбалари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. Сиёсий масалалар бўйича ҳаракат қилаётган шахслараро ёки расмий алоқалар, учрашувлар. Улар қуйидагилардан келиб чиқади: талабалар гуруҳларидан; митинглардан; жамоатчилик транспортларидаги турли мулоқотлардан; мажлислардан; мунозаралардан<sup>350</sup>.

2. Тасвирий санъат, театр, мусиқа. Улар катта дивидентлар келтиради. Нобель мукофотини бериш, спорт ва бошқ.

Умуман олганда, сиёсий коммуникация қуйидаги функцияларни бажаради:

1. Ахборотга оид. Жамиятда сиёсий тизим, давлат, тузум, ички ва ташқи сиёсатга доир билимлар ва хабарлар тарқатиш;

1) услуб-вербал (оғзаки) (лидерлар нутқлари; мақолалар, китоблар (белгилар ва турли тиллар шакллари воситасида);

2) услуб-новербал (тана аъзоларининг маъноли ҳаракатлари, имо-ишоралари; нутқ ҳажми ва товуш оҳанги; кулги; этикет тили ва хулқи);

2. Ижтимоийлаштириш. Бу жараёнда фуқароларнинг кундалик ахборотга бўлган эҳтиёжлари қондирилади, шахслараро ва гуруҳлараро алоқалар ўрнатилади ва улар кенгайди, фуқароларнинг сиёсий маданияти юксалиб боради. Бу жараёнлар ижтимоий воситалар ва вазифалар дунёсида мўлжал олиш учун ҳам зарурдир. Шунингдек, бу жараёнда ижтимоий тажрибани ўзлаштириш, шахсларни муҳитга нисбатан кўникиш ҳосил қилиши, айниқса, обрў-эътиборга эга гуруҳлар аъзолари манфаатларини интеграциялашуви, инсонни жамиятнинг онгли аъзосига (социумга мансубликка) айланиши кабилар рўй беради;

3. Регулятив (йўналтириб турувчи, тартиблаштирувчи). Бу жараёнда сиёсий тизим унсурлари ўзаро хатти-ҳаракатларининг оп-

---

<sup>350</sup> Қаранг: Политические коммуникации. Учеб. пособие. –М.: Аспект Пресс, 2004. –Б. 29.

тимал (энг яхши) механизмлари ишлаб чиқилади: ташкилотлар билан; корпорациялар билан; фуқаролар ва давлат ҳоқимияти билан; бу жараёнда ҳуқуқ ва анъаналар асосий муҳим ролни ўйнайди;

4. Боғловчилик (контактли). Бу жараён ахборотларни бўлишиш, айирбошлаш ва ахборотларни ўзгартириш функцияларидан келиб чиқади. Оммавий коммуникациялар икки босқичли характер касб этади: эшитди - узатди - муҳокама қилди.

Шунингдек, оммавий сиёсий коммуникация жамиятда қуйидаги воситаларга эгадир:

1) Ташкилотлар, ҳаракатлар, корпорациялар, партиялар ва партиявий тизимлар, давлат ижтимоий институтлари. Барча ижтимоий бирликлар ахборот каналлари функцияларини амалга оширадилар.

2) Норасмий каналлар (миш-мишлар; ғийбат, ёлғон-яшиқ; овоза, дув-дув гап; латифалар; деворлардаги ёзувлар; ҳазил суратлари.

Лекин, улар одатда ишончсиз ва шубҳали ахборотларни ташийди:

Миш-мишлар: 1) орзу ҳаёллар (мисол учун, Американи орзу этиш, порлоқ келажакни орзу қилиш, узоқ мамлакатларга саёҳат қилиш ва бошқ.);

2) қўрқитиш, ваҳимага солиш;

3) айриб ташловчи (масалан, “Москвада ҳамма жиноятлар кавказликлар томонидан амалга оширилади ва ҳоказо”<sup>351</sup>).

ОАВ сиёсий коммуникациянинг бош капали бўлиб, у сиёсий жараёнларда ва жамият ҳаётида муҳим рол ўйнайди. ОАВнинг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборатдир: махсус техникавий ускуналар ёрдамида ахборотларни оммавий тарзда бериш учун ташкил этилган корхоналар ва муассасаларнинг барчаси; радиостанциялар; матбуот; радио; телевидение ва ҳоказо.

ОАВ— нафақат оммавий коммуникация воситаси, балки алоқа канали ҳамдир. ОАВ ва оммавий коммуникация жамиятдаги ўзаро муносабатларни шакллантиради ва ўзгартиради. Қўпинча ОАВ биринчи ўринда, оммавий коммуникация воситалари эса

<sup>351</sup> Қаранг: Политические коммуникации. Учеб. пособие. —М.: Аспект Пресс, 2004. —Б. 29.

иккинчи ўринда намоён бўладиган ҳолатлар ҳам учраб туради. Маълумки, таниқли француз ёзувчиси Оноре де Бальзак 1848 йилда ОАВни “тўртинчи ҳокимият” деб атаган эди. ОАВ тарихан сиёсий майдонга сиёсий матбуот органи сифатида кириб келди, сўнгра унинг босма нашрлари кенгайиб борди. Газеталар аҳоли ўзини рўй бераётган ҳодисалар иштирокчиси сифатида ҳис этишлари учун шарт-шароитлар яратади. Замонавий нашр техникаларининг пайдо бўлиши билан теле-радиотехника тезлик билан ривожлана бошлади, улар воситасида инсонлар дунёқарашида ва жамиятда муҳим ва тараққиёт сари интилувчан инсоний кайфиятлар юксала бошлади.

*Оммавий ахборот воситалари* – ҳар қандай шахсга махсус техникавий воситалар ва технология ёрдамида ошкора оммавий ахборотлар ва хабарлар бериш функциясини бажарадиган ижтимоий тузилмадир.

ОАВнинг ўзига хос белгилари қуйидагилардан иборат:

-ошкоралик, яъни истеъмолчиларнинг кимлигидан қатъи назар ва уларнинг ҳеч қандай чекланмаган доиралари учун тегишли бўлган;

-ахборотлар узатиш учун махсус техникавий асбоб-анжомлар ва ускуналарнинг мавжудлиги;

-коммуникациявий шерикларнинг маълум маконда ва замонда тўғридан-тўғри бўлмаган ва бўлинган ҳолдаги ўзаро хатти-ҳаракатлари;

-ўзаро хатти-ҳаракатларнинг коммуникатордан реципиент сари бир томонга йўналганлиги, уларнинг ролларини ўзгартириш мумкин эмаслиги;

-у ёки бу мақола, эшиттириш ёки кўрсатувга нисбатан пайдо бўлган диққат-эътибор натижасида гоҳ-гоҳида тўпланиб турадиган жамоатчиликнинг ўзгарувчанлиги ва ахборотларнинг ёйилувчанлигига таъсир этувчи восита<sup>352</sup>.

Ҳозирги даврга келиб ОАВ жамиятга ва инсонлар ижтимоий онига кучли таъсир этиб, сайлов кампанияларининг асосий воситасига айланди. ОАВ фуқаровий ва сиёсий арбоблар ўртасида телемуроқотлар ва ҳокимиятни шакллантиришнинг янгидан-янги

---

<sup>352</sup> Қаранг: Дедов А. Политические технологии в средствах массовой информации//[http://al-dedov.narod.ru/politica.htm#\\_Тема.-С.2](http://al-dedov.narod.ru/politica.htm#_Тема.-С.2).

усулларини яратмоқда. ОАВ ҳаттоки жамоатчи етакчилар ва сиёсий институтлар раҳбарларини жавобгарликка тортиш имкониятларига ҳам эгадир. Лекин бу каби ҳолатлар ОАВни ҳоқимият органларидан ҳақиқатда ҳам мустақил бўлган ҳолатида рўй бериши мумкин. ОАВнинг бу каби имкониятлари демократик давлатларда кенгроқ бўлади. Тоталитар режимларда эса ОАВ фуқаролардан ажратиб қўйилади.

ОАВнинг таъсир этиш қобилиятида турли фарқланишлар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир:

-таъсирнинг рационал самарадорлиги – у идрокли инсонларга таъсир этишга қаратилган. Оммавий коммуникациянинг бу модели эътиқодни шакллантиришга ва мантиқ асосида ишончли далиллашга мўлжалланган. Унинг баҳслашиш ва мусобақалашшиш шакллари амалиётда кенг қўлланилади;

-таъсирнинг иррационал (мантиқан ифодалаш мумкин бўлмаган, яъни ҳис-туйғулар воситасидаги таъсирлар) самарадорлиги. Бу каби таъсир этиш усули тоталитар-авторитар режимларда қўлланилади. Идрок ўрнини ҳис-туйғулар эгаллайди. Уларга асосан қуйидагилар киради: миллий ва диний ихтилофларни авж олдириш; қўрқитишга асосланган руҳий ишонтириш усуллари.

ОАВ жамиятда ва сиёсий жараёнларда қуйидаги функцияларни амалга оширади: 1) ахборотга доир; 2) ижтимоийлаштириш; 3) регулятив; 4) алоқа ўрнатиш ва мулоқотни таъминлашга доир. Шу билан бирга, ОАВнинг хусусий функциялари ҳам мавжуддир: 5) сиёсий манипуляция: инсонлар хулқи ва онгини яширин тарзда бошқариш. Инсоннинг ўз фикрига қарама-қарши ҳолда хатти-ҳаракат қилиши ёки қилмаслиги; 6) танқид ва назорат: жамоатчилик фикри авторитети ва журналистик суриштирувларига асосланган. Ривожланган мамлакатларда деярли барча газеталарнинг суриштирув, танқид ва бошқа фаолиятлар билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратилган; 7) таълим-тарбиявий: таълим-тарбиявий мавзуларда ахборотларни шакллантириш, танлаш ва бериш воситасида таъсир этиш. Масалан, болалар ва ёшларга доир дастурлар; 8) турли органлардан жамият аъзолари ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, фуқароларга нисбатан мансабдорларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига доир ахборотлар бериш, оддий фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя этиш; 9) ҳис-туйғули: дам олиш (шоулар, концертлар, опералар,

балетлар); 10) утилитар: (“Қувноқлар”, “Ёш натуралист” каби тадбирларни уюштириш).

Ҳозирги замонавий жамиятларда ОАВ қуйидаги соҳалар бўйича ўз фаолиятларини олиб боради: нашр қилинадиган босма ОАВ; газеталар; журналлар; китоблар; варақалар ва ҳоказо. Газеталар энг кўп оммавий характерга эга бўлиб, улар нисбатан кўпроқ сиёсий билимлар беради, сиёсий баҳолашлар ва кайфиятларни ифода этади. Ўқувчи улардаги ахборотлардан хоҳлаганини ўқийди, бир ахборотни қайта-қайта ўқиши мумкин, уларни ҳар қандай жойда ўқиш мумкин. Босма нашрдан чиққан ахборот воситаларининг асосий камчиликлари: ҳодисалар ва воқеликларга нисбатан тезкорлик билан муносабатга кириша олмайди ва уларга тезлик билан жавоб бера олмайди, шахслараро муносабатларга унчалик яқин эмас, чунки уларни айрим шахслар ўқийди<sup>353</sup>.

*Электрон ОАВ (радио, телевидение ва бошқ.).* Электрон ОАВни жамоавий тарзда, хўжалик ишлари билан шуғулланган ҳолда ҳам эшитиш, кўриш ва муҳокама қилиш мумкин. Уларнинг камчиликлари: электрон ОАВнинг ҳар бири баъзи ахборотларни ўйлаб чиқариши ёки тўқиши мумкин, кўпинча образлар ҳақиқий ҳолатга тўғри келмайди. Телевидение эса аҳолига кўриш манзараларини беради. Лекин унинг ахборотларни тўлиқ тушунтиришга имконияти етмайди, унинг ахборотлари тўғрисида фақат хотиралар қолади, баъзан ахборотнинг аниқ мазмунини ҳам хотирада сақлаб қолиш мумкин эмас<sup>354</sup>.

Кейинги ўн йилликларда кучайган *сиёсий манипуляция* ҳозирги даврда ижтимоий бошқарув усули сифатида талқин этилмоқда. У билинмас ҳолда амалга оширилади, лекин қурбонликлар бўлиши ва қон тўкилишига сабаб бўлмайди. У айниқса, ҳокимият учун сиёсий курашларда қўл келади. Сиёсий манипуляциянинг асослари – ижтимоий-тарихий ва сиёсий мифлардир. Улар асосан сохта тасаввурга асосланган, ўйлаб чиқарилган ва ҳаётга

---

<sup>353</sup> Қаранг: Швидунова А. СМИ как субъект политического процесса и инструмент политических технологий. [http://society.polbu.ru/shvidunova\\_smi/ch02\\_i.html](http://society.polbu.ru/shvidunova_smi/ch02_i.html).

<sup>354</sup> СМИ и коммуникации // <http://rusweb.narod.ru/library/politolog/index.html>.—С.3–4.

тўғри келмайдиган ғоялардир (масалан, собиқ иттифоқ давридаги коммунизм қуриш ғояси). Ёки хусусий мулк – зулмининг бош манбаидир, капитализм чириб битаётган тузумдир ва ҳоказо. Сиёсий манипуляцияда кўпроқ ярим ҳақиқат, ўзаро келишилмаган нималардир ва айрим хусусийликлар асосий ўрин тутади. Сиёсий манипуляция жараёнида ахборотларни манфаатли жойларида бўёқларни қуюқлаштириш авж олади. Сиёсий манипуляция учун турли ёрликларни ёпиштириш хос бўлиб, жимжитлик, ахборотларни парча-парча ҳолида бериш унинг асосий хусусиятларидан биридир.

#### 4. Электрон ҳукумат ва унинг моҳияти

Электрон ҳукумат (e-Government) – бу замонавий ахборот технологиялари имкониятлари натижасида қурилган давлат бошқарувининг янги модели, шунингдек, давлат билан жамиятнинг Интернет ёрдамида ўзаро таъсири ва муносабатлари тизимидир. Электрон ҳукуматнинг устувор вазифаси коммуникация ва тармоқлар шахобчалари ўзаро муомалаларини амалга ошириш ва ахборот технологияларини қўллаш асосида бошқарув тизимида янги ўзгаришларга ўтиш демакдир.

«Электрон ҳукумат» сўзи инглиз тилидаги “Electronic Government” ёки “e-government” атамасидан келиб чиқиб, бир неча маъноларни англатади. Уларнинг ичида – “бошқарув ёки идора этиш ҳаракат ёки жараён сифатида”, деган маъно асосий аҳамият касб этади. Шу маънода «government» сўзи ишлатилади. «E-government» эса «фойдаланиш» (Интернет), «усул» (хизмат кўрсатиш ва ахборот беришга доир), «таъминлаш» (ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқи ва хизмат билан таъминлаш) каби кўплаб маъноларни англатади. Яъни, «Electronic Government» тушунчаси ҳукумат фаолияти («электрон идора этиш» ёки «электрон давлат бошқаруви») шакли ва усулларига тааллуқлидир. Бошқача айтганда, бу тушунча бошқарув фаолияти субъектига тегишлидир. Чунки аксарият хорижий тилларда инглизча «government» сўзи “идора этиш, бошқариш”, “бошчилик қилиш” маъноларини беради. Ҳозирги пайтга келиб рус тилидаги “ҳукумат” сўзи «давлат ҳокимияти органлари йиғиндиси» ёки «мамлакатда давлат ҳокимиятининг ижроня ва бошқарувчи органи» қабилида ҳам ишлатилмоқда. Жуда ҳам қисқача қилиб айтган-

да, “электрон ҳукумати” тушунчаси давлат ва жаминининг Интернет, ахборот ва коммуникация воситалари амалга оширишни англатади.

Ривожланган ва ўтиш даврини ўз бошидан кечирган давлат бошқаруви самарасини оширишда электрон ҳукумат технологиялари кенг жорий қилинган. Европа Комиссиясининг таърифига биноан, “электрон давлат хизмати ва демократик жараёнлар сифатини ошдиришда давлат сиёсатини қўллаб-қувватлашни мустаҳкамлашда ташкилий ўзгаришлар ва янги малакаларга уйғунлаштиришда давлат бошқарувида ахборот ва коммуникациявий технологияларни татбиқ қилишдир”.

Дастлаб электрон ҳукуматни давлат бошқарувида мамлакатларининг XX асрнинг 90-йиллари бошида АҚШ ва Бундан мамлакатларида ўз ечимини топа бошлади. Кейинроқ Италия, Норвегия, Сингапур, Австралия, Франция, Германия, Жанубий Корея, Катар каби мамлакатларда бошланди.

2008 йилдан бошлаб бу соҳада электрон тайёргарлик ва ошириш бўйича доимо биринчи ўринни анъанавий давлат бошқарувида келган АҚШдан Швеция ўзиб кетди. Бу соҳада иккинчи ўринни Дания ва учинчи ўринни Норвегия эгаллаб, АҚШдан ўринга тушиб қолди. Лекин фуқаролар билан ўзаралик ҳамкорлик бўйича АҚШ биринчи ўринни эгаллаб кетди.

Электрон ҳукумат – бу мамлакат миқёсида бошқарувида ёнларини мажмуавий равишда автоматлаштиришга асосланган давлат бошқаруви тизими бўлиб, у ҳар бир фуқаро учун ахборот ва коммуникация сарфини камайтиришга хизмат қилувчи электрон ҳукуматни шакллантириш ҳокимият органларининг қисқартириш ва уларни қайта ишлаш жараёнининг бошқаруви билан боғлиқ бўлган умумдавлат миқёсида тармоқланган бошқаруви билан қуриш билан узвий равишда боғлиқдир. Умуман олганда электрон ҳукумат тузишдан мақсад – самарали давлат бошқарувининг шакллантириш, давлат ҳокимияти бошқарувида коррупцияни таъминлаш ва ахборотларни тасарруф этишнинг самдорларининг ахборот манбаларига нисбатан монанди барҳам беришдир.

Ҳозирги даврда жаҳондаги ривожланган мамлакатларда электрон бошқаруви электрон тизимининг қуйидаги даражасига эришилди:

-ҳукумат фаолиятининг баъзи жиҳатларига ёки унинг баъзи бўлинмаларига доир ахборотларни тақдим этиш учун шакллантирилган бир йўналишли коммуникация;

-фуқароларнинг жавоб таъсирини олишини таъминлашга имкон берадиган икки томонлама коммуникация;

-ҳукумат фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган трансакциявий тизим;

-давлат идоралари билан фуқаролар ўртасидаги барча трансакцияларни амалга оширишга имконият берадиган махсус порталлар.

Кўриниб турибдики, электрон ҳукумат технологияларининг кенг ёйилишини ўсиб бориши билан давлат хизматидаги бюрократизм ҳолатлари камаяди. Ҳар бир шахсга тақдим этиш учун қилинадиган хизматлар ва ахборотлар индивидуал ҳолатлар ва одамларнинг эҳтиёжлари давлат тузилмалари, яъни расмий муассаса ва корхоналар нуқтаи назаридан эмас, балки фуқароларнинг муносабатларидан, яъни уларнинг ҳаётидаги қандайдир ҳодисаларга тегишли равишда амалга оширила бошланади. Бу каби ҳолатларга ҳокимият органлари билан мулоқотларни амалга оширишдан ташқари, фарзанднинг туғилиши, никоҳдан ўтиш, яқин кишиларнинг оламдан ўтиши, ўз яшаш жойини ўзгартириши, ўқув юртига кириши, ўз шахсий ишини йўлга қўйиши кабиларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Электрон ҳукуматга доир таърифларга биноан, унинг асосий вазифаси ахборот технологиялари ва коммуникация тармоқларини кенг қўллаш асосида аҳоли ва бизнесга кўрсатиладиган хизматларни оптималлаштириш, давлатни ва жамиятни бошқариш жараёнида аҳолининг иштирок этиш даражасини ошириш мақсадида, анъанавий ҳукуматларнинг ички ва ташқи ўзаро муносабатларини янги ривожланган даражага олиб чиқишдир.

Мазкур жараён «электрон бошқарув» тушунчаси рақамли жамият ва рақамли иқтисодиёт фаолиятини йўлга қўйиш, шунингдек, электрон ҳукуматнинг самарали ишини ташкил этиш учун зарур бўлган қонунлар ва бошқа ҳуқуқий актларни ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

Стратегик нуқтаи назардан ёндашганда, электрон ҳукуматнинг жамиятнинг барча асосий соҳалари – ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, технологик ва экологик соҳаларни ўз ичига қамраб олиши назарда тутилади. Бу мақсадларни амалга ошириш-



да ҳукумат Интернет-порталларини яратиш ва ривожлантиришнинг махсус концепцияларини ишлаб чиқади. Бу порталлар ёрдамида давлат ҳокимияти бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар ўзаро ҳамкорлиги йўлга қўйилиб, барча даражадаги бошқарув жараёнлари халқ иродаси асосида амалга оша бошлайди, давлат бошқарувида фуқароларнинг хоҳиш иродалари ва манфаатларини эътиборга олиш даражаси кучаяди.

Электрон ҳукуматни қўллаш асносидаги қуйидаги натижаларга эришилади:

-фуқароларга қандай хизматлар, сервислар ва ижтимоий ёрдамлар кўрсатилиши, уларнинг ҳажми тўғрисида тўлиқ ва холисона ахборот олиш имконияти пайдо бўлади;

-фуқаролар ва ташкилотлар турли даражадаги қонунчилик ва давлат ижроия органларининг дастурлари ва ташаббусларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ишларида фаол иштирок этиш имкониятига эга бўлади;

-давлат органларининг фуқаролар ва хўжалик субъектлари билан ўзаро ҳамкорлигини ошқора тарзда ва тезликда амалга оширилиши таъминланади;

-вақт ва маблағларни иқтисод қилишга эришилади (бюджет ва хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағлари);

-давлат ва жамият бошқарувининг самараси ошади, фуқароларнинг сиёсий жараёнларга жалб этиш юксалади.

Кўриниб турибдики, сиёсий жараёнларда коммуникация воситаларини қўллаш, электрон ҳукуматни жорий этиш ҳар бир ривожланган мамлакатга хос бўлиб бормоқда. Жамиятни бошқариш, давлат бошқарувини халқ иродаси асосида амалга ошириш, фуқаролик жамияти қуриш вазифалари йилдан-йилга такомиллашиб ва демократлашиб бориши давлат ҳокимияти олдига янгидан-янги вазифаларни қўймоқда. Уларнинг тубида инсон учун фаровонлик, қулайлик яратиш, инсонларни ҳамжиҳатликда яшаши учун бошқарувнинг самарали усулларини топиш ва жорий этиш ётади. Сиёсий коммуникация инсониятнинг ана шу йўлдаги энг катта олға ташланган қадамларидан биридир.

## 5. Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиш жараёни

Мустақиллик даврида Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш мақсадларидан келиб чиқиб давлат бошқаруви ва сиёсий жараёнларни демократлаштириш ва эркинлаштиришга муҳим эътибор берилди. Давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари бошқарувни демократик тамойиллар – халқ иродаси ва манфаатлари асосида амалга ошириш мақсадида уларни фуқароларга яқинлаштиришга, аҳоли билан ҳокимият органлари ўртасида ўзаро мулоқотларни ривожлантиришга муҳим эътибор бера бошлади.

Президент И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”нинг ғоялари ва унда илгари сурилган концептуал мақсад ва вазифалар мамлакатда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг фуқаролик жамиятига хос жиҳатларини шакллантиришга имкониятлар яратишга қаратилди. Бу соҳадаги стратегик вазифани қўйидаги фикр чуқур ифодалаб беради: “Бунда, хусусан, давлат ва жамоат бирлашмалари ахборот хизматлари, маъна-гузилмалар ишини фаоллаштириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирларни кўзда тутиш лозим. Оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш юзасидан мурожаатларини кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш, ахборот олиш соҳасидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун юридик ва мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини кучайтириш ва бошқа чора-тадбирларни таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизмлар устида иш олиб бориш зарур. Шу билан бирга, сиёсий модернизация жараёнларида тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётган замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш лозим”<sup>355</sup>.

---

<sup>355</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010. –Б. 34.

Шунингдек, мамлакатда ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) ривожлантирмай туриб, нафақат давлат ва жамият бошқарувини, балки ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишларни ҳам амалга ошириб бўлмаслигидан келиб чиқиб, давлатнинг ахборот сиёсати ривожланган давлатлар ва миллий тажриба асосларида ҳаётга жорий этила бошланди. Айниқса, давлат бошқарувида замонавий АКТ жорий этиш давлатнинг диққат-марказида турди.

Ҳозирга келиб мамлакатда АКТни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган UZINFOCOM марказининг имкониятлари йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Масалан, ҳозирги даврга келиб UZINFOCOM маркази ахборот билан таъминлаш тизимини қўллаш, АКТ бўйича меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, ҳокимликлар сайтларини экспертизадан ўтказиш, локал-ҳисоблаш ва корпоратив тармоқларни ривожлантириш, замонавий технологик ускуналарни жойлаштириш, ахборот хавфсизлиги, веб-сайтларни ишлаб чиқиш ва уларни кузатиб бориш каби жараёнларни жаҳон андозалари асосида амалга ошириш тажрибасини эгаллади.

Ўзбекистон давлатининг ахборотга доир сиёсатида АКТнинг устувор вазибалари сифатида қуйидагилар белгиланди:

- ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш;
- жамият ҳаёти ва иқтисодиётнинг барча жабҳаларига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш;
- фуқароларнинг ахборотга доир ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш;
- жаҳон ахборот ҳамжамиятига кириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва жаҳон ахборот ресурсларига киришни кенгайтириш.

Шунингдек, давлат ҳокимияти ахборот ресурслари – давлат ахборотларининг асосий манбаи эканлигидан келиб чиқиб, давлат бу соҳага нисбатан қуйидаги талабларни қўйди:

- давлат органлари фаолиятини объектив равишда ёритишни таъминлаш;
- ахборотларнинг ишончли ва долзарблигига муҳим эътибор қаратиш;
- ОАВда эълон қилинаётган ахборотларни баравар аҳамият касб этишини таъминлаш;
- бепул ва эркин равишда ахборотлар олиш.

Ҳозирги даврга келиб Ўзбекистонда “электрон ҳукумат”нинг самарали унсурларини ташкил этишга доир 20 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилди. Уларнинг ичида энг асосийлари қуйидагилардан иборатдир:

-Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат портали – gov.uz жисмоний ва юридик шахслар, турли давлат органлари, ташкилотлар, фуқаролик ҳамияти институтлари ўзаро электрон-ахборот инфратузими маси тизимини ташкил этувчи унсурлари сифатида кенг ривожланди. Мамлакатда ҳар қандай фуқаро ёки ташкилот вакиллари ўзлари истаган вақтда давлат ҳокимияти фаолиятига доир тўлиқ ахборотларни олиши ёки портал орқали ҳар қандай даражадаги ҳокимият органига электрон сўровнома билан муурожаат қила олиш имкониятига эга бўлди.

Шунингдек, мазкур ҳукумат порталида мамлакатда Интерфаол давлат хизматининг (ИДХ) очилиши (reestr.uz) давлат бошқарувида ахборот технологияларини қўллаш соҳасидаги катта қадам бўлди. ИДХ фуқаролар, ташкилотлар, корхоналар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари - деярли барча жисмоний ва юридик шахсларга телекоммуникация тармоқлари орқали ахборот тизими воситасида хизмат кўрсата бошлади. Ҳукумат қарорлари асосида бу хизматнинг 100 дан ортиқ таянч давлат хизматлари тасдиқланди. Давлат органларида ахборот технологияларидан ҳамкорликда фойдаланиш асосан ички бошқарув ёки ишлаб чиқариш самарасини оширишга қаратилди. Бу хизматнинг учта асосий йўналиши – тадбиркорлар ва инвесторлар (G2B), давлат органлари (G2G) ҳамда фуқаролар ва хорижликлар (G2C) йўналишлари алоҳида ва махсус дастурлар билан таъминланди. Шунингдек, хизмат кўрсатишнинг қуйидаги турларидан фойдаланиш тажрибаси ўрнатилди:

-ҳаммабоп ахборотларни эълон қилиш (тарқатиш) – тегишли ахборот тизимлари, жумладан, Интернет орқали давлат ахборот ресурслари хизматидан фойдаланиш:

-бир томонлама хатти-ҳаракат – электрон шаклдаги турли ҳужжатларни тармоққа киритиш имкониятини бериш;

-икки томонлама ахборот алмашиш – қабул қилиш, таҳлил (кўриб чиқиш) ва сўров бўйича жавоб бериш (бўюртмалар бериш, муурожаатлар қилиш ёки уларни ишлаб чиқиш натижаларини тақдим этиш) каби муассаса хизматлари;

-электрон шаклдаги тўлақонли маълумотларни амалга ошириш, жумладан, уларни тақдим этиш ва хизмат ҳақини тўлаш.

Шунингдек, бу жараённинг самарасини ошириш, жамиятдаги воқеликлар ва ҳодисаларни эътиборга олиш мақсадида, шунингдек ўзаро хатти-ҳаракатлар имкониятлари сифатида “расмий веб-сайтлардан фойдаланувчилар фикрларини бирлашган форум майдони ва Forumда ўрганишни таъминлаш, форумдаги муҳокамаларга ахборот хизматлари вакилларини жалб этиш” йўлга қўйилди<sup>356</sup>.

Ҳукумат порталининг (GOV.UZнинг) 3500 дан ортиқ иштирокчиларидан 20 дан ортиғи оммабоп ресурс эканлиги билан ажралиб туради, Унда 100 дан ортиқ мавзуга доир бўлимлари, 10 дан ортиқ янги сервис ва хизматлар доимий равишда ишлаб туради. Кейинги ўн йилликда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларининг барчаси Интернет тармоғига уланиб, улар учун махсус веб-сайтлар очилди. Фуқароларнинг бу сайтларга киришлари учун зарур бўлган имкониятлар яратилди. Айниқса, ҳукумат порталининг (GOV.UZ) ўрнатилиши фуқароларнинг марказий давлат ҳокимияти органларига муружаат қилишлари, мулоқотга киришлари учун шартшароитлар яратди.

«E-Communal.uz» портали – уй-жой коммунал хўжалиги (УКХ) соҳасида умумий ахборот инфратузилмаси сифатида коммунал хизмат, уй-жой эгалари ширкати, назорат органлари ва аҳолининг ўзаро ахборот алмашишини таъминлаб, бу соҳадаги бошқарув фаолиятини ривожлантириш омили сифатида намоён бўлмоқда.

Бу порталда қулай тарзда Ўзбекистон уй-жой ва коммунал хизмати, шунингдек, барча коммунал хизматларнинг интерфаол калькуляторлари ва тарифларига доир ахборотлар жойлаштирилган бўлиб, улар муттасил равишда янгиланиб туради. Ҳар бир фуқаро порталга ўзининг расми, ўзи тўғрисидаги маълумотларни, коммунал хўжалиги соҳасидаги муаммоларни жойлаштириши мумкин. Бу ахборотлар тегишли органлар томонидан

---

<sup>356</sup> Қаранг: Решение Координационного совета по развитию ИКТ РУ № 23 от 13.11.2008 г.

кўриб чиқишиб, муаммоларни ўрганиб, уларнинг ечимини топиш билан шуғулланишлари учун қулай шароитлар яратилган.

Тадбиркорлик субъектларидан электрон шаклда молиявий ва бошқа ҳисоботларни олиш, уларга доир статистик маълумотларни қайта ишлаб чиқиш тизимини автоматлаштириш (stat.uz, soliq.uz) ҳам йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Унда Давлат солиқ қўмитасининг сайти жойлашган бўлиб, ҳар қандай фуқаро маслаҳатлар олиши мумкин, солиқ ҳисоботлари, декларациялар ва бошқа солиқ тизимига тегишли ҳужжатларни электрон шаклда юбориши, уларнинг жавобларини олиши мумкин.

Ўзбекистон қонунчилиги миллий базасида 25 мингдан ортиқ турли меъерий актлар очиқ равишда сайтларга (Lex.uz) жойлаштирилган. Lex.uz миллий тизимининг асосий вазифаси аҳолини меъерий-ҳуқуқий актлар билан таништириш воситасида уларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилгандир. Бу базага Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 1990 йилдан буён қабул қилинган қонунлар ва бошқа меъерий актлар, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар ва бошқа марказий органлар меъерий ҳужжатлари жойлаштирилган. Ҳар бир фуқаро ундан бепул тарзда фойдаланиши мумкин.

Шунингдек, электр энергияси истеъмолчилари учун [uzbekenergo.uz](http://uzbekenergo.uz), хорижий фуқароларнинг виза олишлари учун [mfa.uz](http://mfa.uz), лицензиялар учун ягона портал [license.uz](http://license.uz) кабиларнинг очилиши, унда фаолият кўрсатиш, рухсат олишга доир ахборотларнинг жойлаштирилганлиги давлат ва бошқа даражадаги бошқарув тизимларида бюрократияни камайтиришга, аҳоли учун долзарб бўлган муаммоларни тезлик билан аниқлаб, уларга нисбатан тегишли чоралар кўришга шарт-шароитлар яратади.

Давлат ва жамият бошқарувида АКТни қўллаш мамлакатда муассасалараро тизимларни ривожлантиришда ўз ифодасини топиб бормоқда. Муассасалараро тизимлар фуқаролар, хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат ҳокимиятининг самарали ахборотга доир ўзаро хатти-ҳаракатларини таъминлашга хизмат қилади. Муассасалараро тизимлар электрон канцелярия сервиси – ахборот-коммуникация тизими сифатида электрон ёзишмаларнинг алмашиб туришини таъминлаб беради. Шунингдек, мамлакатда молия ва иқтисодий ривожлантириш ва бошқариш, солиқлар олиш соҳаларига ҳам АКТ жорий қилинган.

Мамлакатда компьютер ва ахборот технологиялари, телекоммуникация ва ахборот узатиш тармоқлари, интернет хизматларини ривожлантириш, уларни дунё стандартларига етказиш ва шу асосда ахборотлашган жамият қуришга доир кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Президент И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгиланган Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги устувор йўналишларда мамлакатда аввало оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустақам қонунчилик базаси яратилганлигини, ушбу даврда оммавий ахборот воситаларини эркин ва жадал ривожлантиришга, ахборот соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган 10 га яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинганлиги қайд этиб ўтилди. Жумладан: «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз олиш ҳамда фойдаланиш ҳуқуқларини амалга оширишда, шунингдек, ахборотнинг муҳофаза қилиниши, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этганлигига алоҳида тўхтаб ўтилди. Шунингдек, сўнгги йилларда янги таҳрирдаги «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунга, «Телекоммуникациялар тўғрисида», «Реклама тўғрисида», «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлиги таъкидлаб ўтилди. Юқоридаги бу каби ислохотлар эса янги сиёсий шарт-шароитларда оммавий ахборот воситалари соҳасидаги демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришни таъминлайди.

Ўзбекистонда Интернетга уланиш ва унинг хизматларидан фойдаланиш кенг қўламда асосан 1997 йилдан бошланди. Дастлаб Найтов (<http://www.naytov.com>), Ўзнет (<http://www.uz.net> ёки <http://www.eastlink.uz>) каби провайд-компаниялари фаолият кўрсата бошлади, XXI аср бошларидан Ўзбекистонда компьютерлаштириш (айниқса, давлат муассасалари, таълим тизими, тижорат ташкилотларида), шахсий компьютерлар ва замонавий

электрон алоқанинг турлари (пейджер, уяли алоқа) ва оптик то-  
лали линиялар тезлик билан ривожлана бошлади.

Халқаро Интернет тизимида Ўзбекистон тўғрисида, мамла-  
катдаги турли идоралар ва муассасалар, компания ва фирма-  
лар, таълим тизими (университетлар, илмий-тадқиқот институт-  
лари ва бошқ.), тижорат ташкилотлари, банк, молия, суғурта  
тузилмалари ва бошқалар тўғрисида маълумотлар мавжуддир.  
Махсус расмий варақчаларда Ўзбекистон ҳукумати, Ўзбеки-  
стондаги элчихоналар (АҚШ, Буюк Британия, Туркия, Россия ва  
бошқ.) ва бошқа кўплаб мамлакатлар тўғрисида маълумотлар  
берилган. Айни вақтда, Ўзбекистонга тегишли шахсий варақча-  
лар ҳам мавжуд: «Умид» варақчаси, «Ўзбек эстрадаси», Ўзбеки-  
стон телевидениясининг «Ахборот» дастури (2000 й.дан бошлаб)  
кабилар ривожланиб ва такомиллашиб бормоқда.

Ўзбекистондаги йирик кутубхоналар – Алишер Навоий но-  
мидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ўзбекистон ФАнинг  
Фундаментал кутубхонаси, Гиббиёт кутубхонаси, Республика  
илмий-техника кутубхонаси кабиларнинг барчаси Интернет ти-  
зимига уланган бўлиб, улар аҳолини ахборотлар ресурслари би-  
лан таъминлашда муҳим рол ўйнамоқда.

Интернет тизимининг ривожланишида Ўзбекистон Республи-  
каси Вазирлар Маҳкамасининг «Интернет»нинг халқаро ахбо-  
рот тизимларига кириб боришини таъминлаш дастурини ишлаб  
чиқишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори  
(2001 й.) замонавий телекоммуникация тузилмалари, электрон  
алоқа, компьютерлашув ва халқаро Интернет тизимини тезлик  
билан ривожланишига имкониятлар яратди. Ўзбекистонда маъ-  
лумотларни узатиш миллий тармоғи «ЎзПАК» Давлат компани-  
яси ва «ЎзНЕТ» тармоғи шаклланди.

Ўзбекистоннинг барча минтақаларида (вилоят ва туманлари-  
да) халқаро Интернет тармоғига уланиш «ЎзПАК» Давлат ком-  
паниясининг халқаро каналлари орқали амалга оширилмоқда.  
Мамлакатда Интернет тизимидан фойдаланувчилар сафи жадал  
суръатлар билан кенгайиб бормоқда. 2002 йилда бор-йўғи 300  
мингдан ортиқ Интернет тизимидан фойдаланувчилар бўлган  
бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 6 миллиондан ортиб кетди.

Фуқаролик жамияти шароитида ОАВ демократик институт  
сифатида жамиятнинг ўзини ўзи бошқаришининг асосий кафо-  
латларидан бири ҳисобланади. Улар жамият аъзоларига ахбо-



рот етказиш ва уларни ахборот билан таъминлаш воситаси функциясини бажаришдан ташқари жамиятдаги мавжуд муаммоларни бартараф этишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, улар мустақил сиёсий куч сифатида ҳокимият томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг жамият манфаатларига уйғун бўлишига таъсир кўрсатади. ОАВ ана шу функцияларни бажариш қобилиятини шаклланиши унинг фуқаролик жамиятининг муҳим институти эканлигини ифодалайди.

Ўзбекистонда Миллий мустақиллик йилларида қабул қилинган қонунлар ва ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларда халқаро ҳуқуқий актлар талабларига ҳар томонлама жавоб бера оладиган демократик тамойиллар асос қилиб олинди. Шунинг учун ҳам мамлакатдаги ОАВ фаолияти қисқа давр ичида демократик қадриятлар асосида бутунлай янгидан ташкил этилди. Мустақиллик арафасидаёқ, яъни 1991 йилнинг 14 июнида «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Фуқаролик жамияти қурилаётган Ўзбекистонда ОАВни жамият манфаатлари билан давлат манфаатларини уйғунлаштириш институти сифатидаги мақомини оширишга катта эътибор берилмоқда. Миллий матбуот марказининг ташкил этилишидан кўзланган энг асосий мақсад ҳам жамиятда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик воқеа ва ҳодисаларни ОАВ вакиллари иштирокида таҳлил этиш, сиёсий институтлар – вазирликлар, йирик уюшма ва компаниялар ҳаётидаги янгиликларни кенг жамоатчилик эътиборига холис ҳавола этишдан иборатдир.

Умуман олганда, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришга доир ислоҳотларнинг муваффақияти ОАВнинг фаоллиги билан чамбарчас боғлиқдир. ОАВ ўз ижтимоий нуқтаи назарининг очиқ-ойдинлиги, қатъийлиги билангина жамиятда нуфузли мавқега эга бўлиши мумкин. Шу ўринда ОАВнинг халқ назоратининг энг синалган ва муносиб воситаси эканлигини таъкидлаш лозим.

ОАВнинг жамиятга нисбатан таъсирининг кенг имкониятларидан фойдаланиш мақсадларида сиёсатчилар коммуникация масалаларига жиддий эътибор бера бошладилар. Ривожланган мамлакатларда сиёсий технологиялар, жамоатчилик билан алоқалар тез ривожланаётган фан сифатида ўз услублари ва фаолиятларини шакллантирди. Бу соҳага давлат ва сиёсатчилар томо-

нидан катта маблағлар сарфлаш одатдаги бир ҳолга айланди. ОАВ сиёсий коммуникация ва маркетинг қуроли сифатида жиддий тадқиқотлар объектига айланди.

Ўзбекистонда демократик оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий асослари яратилиши билан жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида маълум ўзгаришлар рўй бермоқда. Матбуот соҳасида жиддий ўзгаришларни амалга ошириш учун зарур бўлган шарт-шароитлар шаклланди. Давлат ва жамоат ташкилотлари оммавий ахборот воситалари билан бир қаторда, хусусий матбуот тизими яратилди. Эркин матбуот бозори шаклланди, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера оладиган мустақил нашрлар сони кенгайди ва дастлабки рақобат муҳити куртаклари пайдо бўлди. Матбуотнинг иқтисодий асосларини яратиш, уларнинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш ва мустақил нашрлар фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳали миллий матбуот олдида турган энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Агар Ўзбекистонда 1991 йилда 395 та ОАВ фаолият кўрсатган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 1254 тага етди. Кейинги 10 йилнинг ўзида босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 баробар кўпайди. Босма нашрлар билан бир қаторда, теле- ва радиоканаллар ҳам ОАВ сифатида ўзларининг веб-сайтларига эгадир. Ҳозирги даврда 87 % теле- ва радиоканаллар нодавлат ОАВ ҳисобланади. Мамлакатда етти та тилдаги ОАВ нашр қилинади ва ҳаво тўлқинларига чиқади. АКТ ривожланиши ва уни кенг қўлланилиши натижасида мамлакатда 2012 йилга келиб 173 та веб-сайт ОАВ сифатида рўйхатдан ўтди. Ўзбекистонда ОАВ-ни демократлаштириш натижасида сунъий йўлдошлар орқали теледастурлар узатиш йўлга қўйилди. Ҳозирги даврда телекоммуникация тизими халқаро каналларида 28 та йўналиш бўйича жаҳондаги 180 та мамлакатга тўғридан-тўғри эшиттириш ва кўрсатувлар узатади.

Хусусан, нодавлат оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида бир қанча жамоат ташкилотлари ташкил қилинди. Ўз таркибида 100 дан ортиқ электрон оммавий ахборот воситаларини бирлаштирган Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, шунингдек, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ах-

борот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатга ҳос бўлган АКТни ривожлантиришнинг янги ва замонавий босқичини Президент И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”ни қабул қилиниши бошлаб берди. Унда АКТни қўллаш ва улардан фойдаланиш жараёнини ривожланган мамлакатлар даражасига олиб чиқиш вазифаси қўйилди<sup>357</sup>.

Концепцияда белгиланган “*Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида*”ги Қонунни қабул қилиш натижасида фуқароларнинг ахборот олиш эркинлигини таъминлаш баробарида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қабул қилинаётган қарорларда халқ иродаси, манфаатлари ва эҳтиёжларини ифода қилиш ва ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий кенгликлар ҳам яратилади. Шунингдек, мазкур қонун фуқароларни давлат ҳокимияти органларининг фаолиятига доир ахборотлардан хабардор бўлиш, уларни олиш каби эркинликлар билан таъминлашидан ташқари, аҳоли томонидан ҳокимият ва бошқарув органлари фаолиятини шаффоф ва очиқ ҳолда кечишини назорат қилиш имкониятлари ҳам шаклланади.

Мазкур қонунда ижро ҳокимияти органлари фаолияти, давлатнинг ички ҳамда ташқи сиёсатининг очиқлиги ва ошкоралиги, мамлакатимизда ва хорижда кечаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан сиёсий плюрализмни ривожлантиришга доир ҳуқуқий асослар ифодаланади.

Шунингдек, Концепцияда “*Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида*” Қонун қабул қилиш таклифи ҳам киритилган. Бу қонунда “телерадиоэшиттиришлар соҳасини мустақил қудратли индустрия сифатида қайта ташкил этиш, телерадиоэшит-

---

<sup>357</sup> Қаранг: Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. —Тошкент: Ўзбекистон, 2010. —Б. 28-34.

тиришларнинг янги шакл ва турларининг пайдо бўлиши, телерадиодас турларни тайёрлаш ва узатиш жараёнида юзага келадиган муносабатларни тизимли ва кенг кўламли равишда тартибга соладиган яхлит” ҳуқуқий асосларни мужассамлаштириш кўзда тутишмоқда.

Концепцияда ОАВ эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари ва механизмларини кучайтириш, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий қилиш мақсадларида «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги қонунларни қабул қилиш таклиф этилди. Мазкур “қонунлар ахборот бозори иштирокчилари фаолияти самарадорлигини кучайтириш ва уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, қўшимча иқтисодий преференсиялар яратиш ва миллий ахборот маконини изчил ривожлантиришни таъминлашга қаратилган бошқа ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш” учун кенг имкониётлар яратади.

Шу билан бирга, Концепцияда ОАВнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш борасидаги ролини кучайтиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни яратиш мақсадида «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилди. Уларда давлат ва жамоат бирлашмалари ахборот хизматлари, медиа-тузилмалар ишини фаоллаштириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилди. Шунингдек, Концепцияда ОАВнинг ахборот олиш юзасидан мурожаатларини кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш, ахборот олиш соҳасидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун юридик ва мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини кучайтириш ва бошқа чора-тадбирларни таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизмларни яратиш вазифаси ҳам қўйилди. Концепцияда давлат бошқарув тизимида, шу билан бирга, сиёсий модернизация

жараёнларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллашга имкон берадиган ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришга ҳам муҳим эътибор берилди.

Концепцияда “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Қонун нормаларини янада такомиллаштириш, рақамли телерадиоэшиттириш тизимига ўтиш бўйича тадбирлар давлат дастурининг ишлаб чиқиш вазифалари ҳам белгиланиб, унга мувофиқ равишда дастур рақамли телерадиоэшиттиришлар инфратузилмасини шакллантириш, бу борадаги фаолиятни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга соладиган самарали тизимни яратиш вазифаси ҳам қўйилди.

Шунингдек, Концепциядаги мақсадлардан келиб чиқиб, 2013 йилдан эътиборан “Электрон ҳукумат” тизимини, шу жумладан, бошқарув жараёнлари, бизнес соҳасига ва фуқароларга давлат хизматлари кўрсатиш тизимини шакллантириш концепцияси ва комплекс дастурини ишлаб чиқишни жадаллаштириш, Ахборот тизимларининг идоралараро ва идоравий комплексларни интеграция қиладиган миллий тизимини яратиш белгиланди.

Концепцияда ахборот соҳасини ислоҳ этиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашга доир чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида давлат ва жамият бошқарувига АКТни кенг жорий этиш, унинг натижасида жамият билан давлат ўртасида горизонтал мулоқотларни кенгайтириш, давлат сиёсатини халқ иродаси ва манфаатлари асосида шакллантириш каби фуқаролик жамияти учун хос бўлган демократик ўзгаришларни амалга ошириш кутилмоқда.

#### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. «Коммуникация» деганда нимани тушунасиз?
2. Сиёсий коммуникация нима ва у сиёсий жараёнда қандай рол ўйнайди?
3. Сиёсий коммуникация воситаларининг функциялари нималардан иборат?
4. “Электрон ҳукумат” деганда нимани тушунасиз?
5. Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш натижалари тўғрисида қандай фикр билдира оласиз?
6. Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш истиқболлари қандай?

## 15-МАВЗУ. СИЁСИЙ МАФКУРАЛАР ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТ

1. Сиёсий мафкура тушунчаси ва унинг моҳияти.
2. Либерализм ва консерватизм мафкуралари.
3. Сўл ва миллатчилик оқимидаги мафкуралар.
4. Демократик ва экологик мафкуралар.
5. Сиёсий маданият назарияси ва унинг таснифлари.
6. Ўзбекистонда фуқаролар сиёсий маданиятини ошириш жараёнлари.

### 1. Сиёсий мафкура тушунчаси ва унинг моҳияти

Маълумки, мафкура тушунчаси давлат, сиёсат ёки ижтимоий гуруҳлар манфаатларига ва уларнинг ўзгариб туришига монанд равишда турлича талқинларда изоҳлаб келинган. Масалан, коммунистик адабиётларда мафкура муайян бир синфнинг манфаатларига қаратилган фалсафий, ҳуқуқий, сиёсий, ахлоқий, диний, бадний қарашлар тизимидир, дейилади. Ўзбек халқи бундай тушунча доирасига зўрлаб киритилган мафкура остида яшаб, унинг оқибатларини ўз бошидан кечирди. Фуқаролар онгида у ҳақда етарлича тасаввурлар мавжуддир.

«Мафкура» атамаси сиёсий ғоялар мажмуаси сифатида, француз инқилоби даврида – 1797 йилда Дестут де Траси томонидан илк бора муомалада қўлланилган.

Баъзи ғарб сиёсатдонлари жамият мафкурасини «тасаввурлар, тушунчалар, ғоялар мажмуаси билан уйғун бирликдаги тартиботга хос бўлган маълум бир маслак, таълимот, дунёқараш», деб талқин қилади. Бошқа тоифа сиёсатшунослар эса «дунё ва ҳаёт фалсафасига даъвогарлик қилувчи ғоялар тизими – мафкураридир», деб тушунади. Француз сиёсатчилари мафкурани тизим ҳолига келтирилган ғоялардир, деб таърифлайдилар. «Пти Ларусс» энциклопедик луғатида эса «мафкура – доктрина ташкил қилувчи ғоялар ва фикрлар мажмуасидир» дейилади.

Таниқли сиёсатшунос Ж. Ла Паломбаранинг фикрича, мафкура – «тарих фалсафаси, инсоннинг унда тутган ўрни, мавқеи, унинг келажак тараққиёти имкониятлари йўналишларини баҳолаш, ривожланишнинг у ёки бу йўналишини тезлашувчи, секин-

лашуви ёки модификацияси ҳақидаги тасаввурлардан иборат тушунчадир».

Сиёсий мафкура қуйидаги асосий тузилмавий унсурлардан иборат бўлади:

- 1) даврнинг умумий дунёқараш тизими билан алоқадорлик;
- 2) мавжуд тизимнинг у ёки бу ҳолати асосида шаклланган дастурий кўрсатмалар;
- 3) дастурий курсатмаларни амалга ошириш стратегияси;
- 4) ташвиқот;
- 5) дастурни амалга оширишга доир аниқ ўзгартишлар ёки ҳаракатлар<sup>358</sup>.

Мафкура ўз соҳибининг ижтимоий барқарорлигини ғоявий жиҳатдан таъминлаш вазифасини ҳам бажаради. Унинг яна бир вазифаси шундан иборатки, у ўз ижодкори бўлган ижтимоий гуруҳ ёки миллатнинг нураши ёки инқирозга юз тутишига тўсқинлик қилиб, унинг яшовчанлигини таъминлаб туради. Шу жиҳатдан у ўз соҳибини сақлаш тартиботи ҳамдир. Мафкурасиз ҳар қандай жамият ёки давлат таназзулга юз тутиши турган гап. Асосий ижтимоий қадриятлар тўғрисидаги тасаввурларни мафкура воситасидагина ҳосил қилиш мумкин. Ана шу тасаввурлар миллат ёки халқнинг маънавий маданияти асосини ташкил этади.

XX асрда кўплаб мафкуралар зулм ўтказиш ва тазйиққа хизмат қилгани ёки унга нисбатан лоқайдлиги учун ҳам обрўсизланди. Мафкуравий зулм остида яшаган халқларда ҳар қандай мафкурага нафрат билан қараш руҳияти пайдо бўлганлиги ҳам сир эмас. Кўплаб «улуғ мақсад»ларни ҳаётга татбиқ қилиш билангина чекланган мафкуралар уруш ва қон тўкилишларига ҳам олиб келди<sup>359</sup>. Баъзи ҳолатларда давлат ва партиялар маълум бир мақсад ва тарихий вазифаларни бажариш учун ўз сиёсий мафкуралари атрофига ўз тарафдорларини бирлаштириб туради.

Инглиз сиёсатшуноси Э.Хейвуд ҳозирги замон сиёсий мафкураларининг вужудга келиши ва уларнинг сиёсий ҳаётда тутган

---

<sup>358</sup> Қаранг: Гаджиев К. С. Политическая наука: Учеб. пособие. 2-е изд. — Москва: Междунар. отношения, 1995. — С. 243-244.

<sup>359</sup> Қирғизбоев М. Истиқлол ва дунёқараш. // Истиқлол йўли (Тўплам). — Тошкент: Ўзбекистон, 1995. — Б. 61-62.

ўрни ҳақида тадқиқотлар олиб борди. Яна бир инглиз сиёсатшуноси Э.Гембл унинг асарига ёзган сўзбошисида назарий-чиқарнинг кўпчилиги мафкураларга нисбатан душманлик муносабатида бўлганликларини таъкидлайди. Улар мафкура бидъатлар йиғиндиси, деб ҳисоблаб, мафкуралар даврининг тугаганлиги ҳақида башоратлар тарқатганлар. Жумладан, машҳур немис олими Карл фон Мангейм 1929 йилда «Мафкура ва утопия» номли асар ёзиб, унда қуйидаги фикрларни билдирган эди: «Биз мафкура, деб тасаввурларнинг шундай трансцендент борлигига айтишимизки, унда “de facto” ҳеч қачон ўз мазмунининг амалга ошишига эриша олмайди»<sup>360</sup>. Лекин XX асрга келиб ҳам сиёсий оқимлар мафкуралар таъсири остида шаклланаётганлигига гувоҳимиз.

Э.Хейвуднинг кўрсатишича, сиёсий тафаккур ҳар бир инсонга хос хусусиятдир. Кундалик ҳаётимизда «эркинлик», «тенглик», «адолат», «консерватор», «социалист», «фашист» каби сўзлар доимо учраб туради. Аммо бу сўзларнинг аниқ маънолари анча мавҳумдир. Масалан, «тенглик» сўзини олиб кўрайлик: инсон туғилишдан тенг; жамиятдаги тенг мавқе; тенг ҳуқуқлар; тенг имкониятлар; тенг меҳнат ҳақи ва ҳоказо. Сиёсий назариялар ахлоқий ва фалсафий қадриятлар нуқтаи назаридан ўз меъёрларига эга, шунингдек, улар доимо жамиятнинг «адолатли» ёки талаблар меъёридаги белгиларини аниқлашга интиладилар<sup>361</sup>.

Маълумки, илк сиёсий назариялар Платон ва Аристотель замонидан эътиборан шакллана бошлаган. Аммо сиёсий мафкуралар сиёсий ҳаракатлар негизини ташкил этувчи тушунчалар тизими сифатида XIX аср бошларига келиб шаклланди. Сиёсий мафкураларни бир қолипда илмий асослаб бериш ҳам мумкин эмас. Қолаверса, сиёсий мафкураларни чуқур ўрганишга ҳамма сиёсий мутафаккирлар ҳам унчалик аҳамият беравермайди. Ҳозиргача кўпчилик сиёсатни ҳоқимият учун кураш ёки уни бошқариш, деб ҳисоблайди, мафкурага эса тарғибот ва ташвиқот

---

<sup>360</sup> Mannheim K. *Ideologie und Utopie*. Verlag von Friedrich Cohen in Bonn. 1929. S.171.

<sup>361</sup> Haywood E. *Political ideologies: An introduction*. Basingstoke; -London: Mac-Millan, 1992.-348 p. (Либерализм, консерватизм, фашизм, миллатчилик каби сиёсий мафкуралар турларининг таърифларини талқин этишда кўпроқ мазкур асардаги таърифларга асосланилди).



воситаси сифатида қарайди. Масалан, марксистлар сиёсий ғояларни синфий манфаатлар нуқтаи назаридан талқин этади. Анъанавий консерватизм эса барча мафкураларга нисбатан ишончсизлик билан қарайди, шунингдек, мафкурага нисбатан тажриба ва анъаналарнинг аҳамиятли эканлигини таъкидлайди.

Машҳур олим Ж. М. Кейнс дунёни иқтисодий ва сиёсий-фалсафий назариялар бошқаради, деб ёзади. Капитализм А. Смит ва Д.Рикардоларнинг классик сиёсий иқтисоди, собиқ иттифоқдаги коммунизм эса марксизм таълимоти асосида ривожланди, фашистлар Германияси тарихини эса «Майн Кампф» асари асосида тушуниш мумкин, деб ҳисоблайдиганлар ҳам учрайди. Аслини олганда сиёсий мафкуралар реал ҳаётга катта таъсир кўрсатади. Мафкура тарихий шарт-шароит ҳамда сиёсий интилишлар таъсири остида шаклланади. Сиёсий ҳаёт, бир томондан, ғоялар ва мафкуралар, иккинчи томондан эса тарихий ва моддий кучларнинг доимий ўзаро таъсирини ифодалайди. Ҳар бир инсон ва сиёсатчи ўз мафкурасини танлайди ва шундан келиб чиқиб ўз сиёсий нуқтаи назарига эга бўлади. Аммо ҳар бир сиёсатчи ҳокимиятни эгаллаш, уни бошқариш ва ушлаб туриш талабларидан келиб чиқиб, ўз сиёсий қарашларини ўзгартириб боради.

Сиёсий мафкура ҳокимият ва унга доир муносабатлар мавқеига тегишли муаммолар билан чамбарчас боғлиқдир. Мафкуралар турли хил йўналишларга эга бўлишига қарамасдан, жамият ва сиёсий тизим ҳақидаги аниқ концепцияни, уни амалга ошириш борасидаги йўл-йўриқлар ва воситаларга эга бўлишни тан олишга асосланади. Сиёсий мафкура бир вақтнинг ўзида интегратив ва чегараловчилик функцияларини бажаради. Масалан, биринчи ҳолатда у ёки бу партия аъзоларининг бирлашиши, жипслашиши, иккинчи ҳолатда эса у ёки бу партияни бошқа партиялардан чегаралаб қўйиш учун хизмат қилади. Мафкура сиёсий фалсафадан фарқли ўлароқ, бевосита сиёсий борлиқ, ҳаракатлар, сиёсий жараёнлар билан узвий боғлиқдир.

Сиёсий мафкура сиёсат субъектлари сифатида инсонлар ўртасидаги ўзаро институционал муносабатларга аҳамият қаратиш, аниқ ижтимоий-тарихий шароитларда сиёсий борлиқни тушунтириш, уни асослаб бериш, шунингдек, ҳимоя қилиш ёки уни инкор этишга хизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, сиёсат турлича мафкуравий тизимлар, мафкуравий-сиёсий оқимлар ва йўналишларнинг

тўқнашув майдони ҳисобланади. Аммо бу фикрни таъкидлаш билан унинг моҳиятини англаш қийин, чунки «сиёсат – имкониётлардан фойдаланиш санъати» қондаси ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда. Бир томондан, бу «санъат» сиёсатнинг мафкуралашувига маълум чегаралар қўйса, иккинчи томондан ўз навбатида мафкура у ёки бу сиёсий партия ёки ҳукумат сиёсий йўлини олиб боришдаги маълум фаолият доираси чегараларини белгилаб беради. Бу ҳолат улар сиёсий дастурларини амалга оширишнинг безарар бўлишига ёрдам беради<sup>362</sup>.

Сиёсий мафкуралар сиёсий тизимлар шаклланишида иштирок этиб, турли ижтимоий қатламлар бирлигини ифодалашга хизмат қилади. Масалан, либерализм ўрта синфнинг, консерватизм ерга эгаллик қилувчи аристократларнинг, социализм эса ишчилар қатламининг мафкураси ҳисобланади. Айни пайтда, либерал демократия мафкураси кўплаб ғарб жамиятларини бир-бирига ипсиз боғлаб турувчи шатформаси ҳисобланади, шунингдек, ўрта асрларда ислом дини ҳам мусулмон жамиятларининг мафкураси сифатида қаралган эди.

## 2. Либерализм ва консерватизм мафкуралари

Ҳар бир мафкура доимий ўзгариш ва ривожланиш жараёнини бошидан кечиради. Мафкуранинг кенг тарқалган таснифи «чап»дан «ўнг»га қуйидагича амалга оширилади: «коммунизм - социализм - либерализм - консерватизм - фашизм».

1789 йилда Францияда Генерал Штатларнинг биринчи мажлисида аристократ-монархистлар ўнг томондан, учинчи табақанинг радикал вакиллари эса чап томондан жой олганлар. Француз парламентидаги бундай жойлашув кейинчалик ҳам давом этди. Франциядаги ана шу «ўнг» ва «сўл» деган сиёсий тушунчалар бутун дунёга кенг тарқалди.

«Либерализм» атамаси даставвал 1812 йилда Испанияда қўлланилган. XIX асрнинг 40-йилларига келиб бу атама бутун Европага ёйилди. Либерализм сиёсий оқим сифатида XV асрдан то XVIII асргача бўлган даврда шаклланиб борди ва у асосан

---

<sup>362</sup> Гаджиев К. С. Политическая наука: Учеб. пособие. 2-е изд. – Москва: Междунар. отношения, 1995. – С.243-244.

Ўрта табақалар манфаатларини ўзида ифода этди. Либерал ғоялар XVII асрдаги Англия инқилобида, XVIII асрдаги Америка ва Франция инқилобларида муҳим ўрин тутган эди. XIX аср эса либерализм асри бўлди. XX асрдан эътиборан капитализм «учинчи дунё» мамлакатларига ҳам кенг тарқала бошлади. Аммо бу мамлакатлардаги жамоатчилик руҳияти индивидуализмга нисбатан устувор бўлганлиги учун либерализм кучли томир ота олмади. Шу сабабли бундай шароитларда капитализм ўзида кўпроқ корпоративизмнинг ифодаланган белгиларини намоён қилди (масалан, Японияда). «Учинчи дунё» мамлакатлари ичида Ҳиндистон дунёда энг йирик либерал демократия кенг тарқалган мамлакатга айланди. Лекин «учинчи дунё»нинг кўплаб мамлакатларида либерал демократия ўзининг асоси бўлган саноатнинг кучли ривожланмаганлиги учун мағлубиятга учради.

Либерализм ғарб цивилизациясига шу қадар кучли сингиб кетдики, ҳатто унинг баъзи ғоялари консерватизм ва социализмга ҳам катта таъсир қилди. Масалан, XX асрда Англияда либерал партия ўзининг кўплаб тарафдорларини йўқотди. Унинг кўплаб хайрихоҳлари либерализм таъсири остида бўлган лейбористик ва консерватив партияларга ўтиб кетган эди. 1988 йилга келиб либерал ва социал-демократик партияларнинг қўшилиб кетиши натижасида либерал-демократик партия ташкил топди.

Ўрта синф ҳукмронлашиб борган сари либерализм ўз радикаллигини йўқотиб, консерватив белгиларни ўзлаштира бошлади. Либерализм индивид манфаатларини гуруҳ манфаатларидан устун қўйганлиги учун ҳам унинг туб хусусияти индивидуализм ҳисобланади. Феодализмнинг емирилиб, капитализмнинг ривожланиши натижасида индивидуал эркинлик таъминланди. Индивидуализмнинг интеллектуал асоси инсоннинг «табiiй» ҳуқуқлари назариясини илгари сурган маърифатпарварлик бўлиб, уни Ж. Локк «ҳаёт, эркинлик ва мулкчилик» деб талқин этган эди<sup>363</sup>. Индивидуализмнинг ўта ифодаланган шаклларида бири «атомизм» бўлиб, унга биноан, жамият шахсий манфаатларни ўзида ифодаловчи мустақил индивидуумлар мажмуасидан иборатдир.

---

<sup>363</sup> Қаранг: Локк Дж. Сочинения: В 3-х томах. /Пер. с англ. и лат. Т. 3. /Ред. и сост., авт. примеч. А. Л. Субботин. —Москва: Мысль, 1988. —С.334.

Эркинлик тушунчаси билан тенглик ғояси ўртасида узвий уйғунлик мавжуддир. Барча индивидларнинг универсаллик табиати, уларнинг тенг умуминсоний қадриятларга, табиий тенгликка эгаллиги ғоялари либерализм ва унинг универсаллигига хос белгилардир. Демак, либерализмга индивидуализмдан ташқари универсаллик хусусияти ҳам хосдир. Либераллар жинсий, irqий, диний, ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар ҳамманинг қонун олдида тенглиги тарафдорларидир. Либерализм учун Жанубий Африкадаги апартеид, Ҳиндистондаги кастачилик тизими ҳам ётдир. Либераллар тенгликни имкониятлар тенглиги сифатида тушунадилар. Имкониятлар тенглиги мериторизм ва меритократия тамойилларига асосланиб, унга биноан бойлик меҳнат ва қобилият меваси, жамиятни эса иқтидорли ва омад ёр бўлган кишилар бошқаради.

Либералларча ғояга биноан жамият тузилишининг асоси Ж.Ж. Руссо қарашларига мувофиқ ижтимоий шартномалар бўлиб, улар иш берувчилар ва ишчилар, ижтимоий гуруҳлар аъзолари томонидан онгли ва ихтиёрий равишда тузилиши лозим<sup>364</sup>. Индивидлар ва ижтимоий гуруҳлар манфаатларининг турлича эканлигини тан олган либераллар бу манфаатларнинг мутаносиблашувига ҳам ишонади. Масалан, ишчилар иш ҳақини оширишни, меҳнат шароитини яхшилашни талаб қилса, иш берувчилар эса иш ҳақидан кўпроқ ушлаб қолиш истагида бўладилар. Аммо, шу билан бирга, иш берувчи ва ишчилар бир-бирларига доимий эҳтиёж сезадилар: ишчиларга иш билан бандлик, иш берувчига эса ишчи меҳнати зарурдир. Манфаатларнинг бу мутаносиблигига ишонган либераллар ижтимоий фикрлар ва нуқтаи назарларнинг ранг-баранглигини қўллаб-қувватлайди. Либераллар плюрализмни табиий ҳодиса, деб қабул қилади, шунингдек, фикрлар эркинлигини ифодалашни ва шу асосда ҳақиқатга эришишни ёқлаб чиқади. Либераллар ҳар бир инсон бошқаларнинг қарашларини, у ҳатто ўзининг қарашларига тўғри келмаса ҳам инobatга олиш, ўзгача фикрларга чидамли бўлиш ёки толерантлик тарафдорлари.

Ҳар бир фуқаро ҳуқуқ ва эркинлигининг бошқа индивидлар томонидан поймол қилинишининг олдини олиш учун кучли дав-

<sup>364</sup> Қаранг: Руссо Ж.Ж. Трактаты. —Москва: 1969.—С.161-171.

лат зарурлигини тан олган либераллар эркинликни фақат қонун ва унга амал қилиш кафолатлай олиши ғоясини илгари суради. Либераллар фикрича, давлат ҳар бир фуқаро манфаатини ҳимоя қилувчи холис ҳакам ҳисобланади. Ҳозирги замон либерал демократияси Буюк Британия, Исроил, Янги Зеландиядан ташқари барча демократик мамлакатларда ўз қарашлари акс этган конституцияларга эгадир. Булар ичида энг биринчиси 1787 йилда қабул қилинган АҚШ конституцияси ҳисобланади. Унда конституциявийликнинг кафолати сифатида ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларига тақсимлаш зарурлиги ўз ифодасини топган. Шунингдек, либераллар кўп давлатларда, айниқса, федерал давлатларда марказий ва маҳаллий ҳокимиятлар ваколатларини ҳам ажратиш зарур, деб ҳисоблайди. Либераллар учун давлат фаолиятининг инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашдан четга чиқмаслиги энг асосий мақсадлардан биридир. Шу хусусда Т. Жефферсон «энг яхши ҳукумат бошқалардан камроқ бошқарадиган ҳукуматдир», деган қоидадан келиб чиқиб, қуйидаги фикрларни билдирган эди: «Биз фақат эркинлик тамойилларига асосланадиган бошқарув шакли учун эмас, балки идора қилувчи ҳокимият бир неча ҳокимият институтларига тақсимланиши ва мувозанатлашиши, улардан ҳеч бири ўзларининг қонуний ваколатларидан чиқолмаслиги учун курашдик... Халқнинг ўзи ҳокимият ва ҳукуматнинг бирдан-бир ишончли асровчисидир. Барча кишилар ҳукуматга таъсир қилишлари лозим»<sup>365</sup>.

Инсон ҳуқуқлари назариясидан фарқи ўлароқ, Ж.Бентам ва Ж. Милль утилитаризм тамойилини илгари сурдилар. Унга биноан инсон хулқи унинг бошидан кечираётган изтироблари эвазига қониқиш олиши ифодаланган шахсий манфаатлари томонидан бошқарилади. Либерал-демократик анъаналарнинг марказий объекти ва субъекти индивидлар, уларнинг рақобатдошлиги ва танлаш эркинлигидир<sup>366</sup>.

Иқтисоддаги либерализм А. Смит ва Д. Рикардо ғоялари асосида шаклланган классик сиёсий иқтисодда ўз ифодасини топди.

---

<sup>365</sup> Джефферсон Т. Автобиография. Заметки о штате Виргиния. — Ленинград: Наука, 1990. — С. 196-197, 219-220.

<sup>366</sup> Қаранг: Held D. Political Theory and the Modern State. Essays on State, Power and Democracy. — Stanford (Cal.) . Univ. press. 1989. — P. 31-32.

Бош иқтисодий мотив қониқиш ва фойдали бўлиш максимизацияси, деб тан олинди. Либералистик қоидаларга мувофиқ, ўзини ўзи бошқарувчи бозор тўғрисидаги тасаввурларга зиддиятли индивидуал манфаатлар мутаносиблигининг муносиб келиши А. Смит томонидан давлат аралашувини камайтирувчи «кўзга кўринмас қўл», деб тавсифланди.

Ҳозирги замон либерализми ҳам аввалгидек индивидлар манфаатларини биринчи ўринга қўймоқда. XX аср охирига келиб беқиёс саноатлашиш ва аҳоли маълумот даражасининг юксалиши натижасида ривожланаётган мамлакатларга ҳам либерализм ғоялари кириб кела бошлади. Аммо бир қанча «учинчи дунё» мамлакатларида либерализмнинг жиддий рақиб сифатида диний фундаментализм, шарқий Европа мамлакатларида эса шовинизм кучая бошлади. Баъзи мамлакатларда эса классик либерализм ўрнига неолиберализм пайдо бўлди. Масалан, Маргарет Тетчер бошчилигидаги Буюк Британия консерватив партияси ва Рональд Рейган раҳбарлик қилган АҚШ Республикачилар партияларига неолиберализм ғоялари кучли таъсир қилди.

XIX аср бошларига келиб сиёсий мафкураининг янги бир кўриниши сифатида *консерватизм* ўртага чиқди. Саноатлашиш ва инқилобий ҳаракатлар таъсиридаги янгиланиш шароитида анъанавий ижтимоий тартибларни сақлаб қолишга интилиш консерватизмнинг асосий тамойили эди. Инглиз консерваторларига содир бўлаётган ўзгаришларни тан олишга доир прагматизм хос эди. Бундай прагматизм Британия Миллатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги консерватив партияларда ҳам намоён бўла бошлади. XIX аср давомида абсолютизм белгиларини сақлаб қолган монархик Европада консерваторлар ислоҳотларга қаттиқ қаршилик кўрсатди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда, шунингдек, христиан-демократик партиялар пайдо бўлгандан кейингина Ғарбий Европа консерваторлари сиёсий демократияни тан олдилар. АҚШ Буюк Британияга қарши миллий-озодлик ҳаракатларини олиб борганлиги учун бу мамлакатда консерватив ғоялар нисбатан оз таъсирга эга эди. Фақатгина XX асрнинг 60-йилларига келиб консерватив ғоялар АҚШнинг ҳар иккала асосий партияси – демократик ва республикачилар партияларига ҳам кириб келди.

Ҳам Англия, ҳам АҚШдаги партиялар консерватизм ғояларига бўйсунган ҳолда, унинг тартибга, интизомга ва мустаҳкам

ҳокимиятга интилиши хусусиятларини сақлаб келмоқда. Япония либерал-демократик партияси ҳам консерватив ғоялар таъсиридадир. Консерваторларнинг анъаналарга таяниши ва уларни ҳимоя қилишининг сабаби шундаки, анъаналар аجدодлар тўплаган донишмандликни ўзида акс эттиради ҳамда барқарорлик ҳис-туйғусини бағишлайди. Либераллар инсон табиатининг моҳияти яхшиликда деб билсалар, консерваторлар эса инсонни номукамал мавжудот, деб ҳисоблайди. Консерваторлар жиноят қилиш худбин инсон табиатига хос ҳодиса эканлигини таъкидлаб, ижтимоий барқарорликнинг ягона кафолати қаттиқ ва ҳамма бўйсунувчи қонунчилик эканлигини эътироф этади.

К. Мангеймнинг таърифига биноан «агар либерал учун келажак – ҳамма нарса, ўтмиш эса – ҳеч нарса бўлса, вақтни консерваторларча идрок этиш, бу – барча мавжудлик билан ўзаро алоқадорликнинг муҳим исботи бўлган ўтмиш ва қадриятлар яратувчи давр аҳамиятини теран англашдир»<sup>367</sup>.

Консерваторларнинг фикрича, инсонларнинг чегараланган интеллектуал имкониятлари либералистик мафқуранинг «инсон ҳуқуқлари», «тенглик», «ижтимоий адолат» каби тушунчаларини чуқур англашга, тушунишга имкон бермайди. Жамият аъзоларининг бу тушунчаларга амал қилган ҳолдаги фаолиятлари салбий натижаларга олиб келиши мумкин. Консерваторлар эркинликни ҳар бир инсон томонидан жамият олдигаги ўз бурчининг ихтиёрий равишда бажарилишидир, деб талқин қилади. Консерватизм дин билан ҳам узвий боғлиқдир. У динни жамиятдаги ахлоқий меъёрларни қўллаб-қувватловчи куч сифатида қабул қилади. Бу меъёрлар ижтимоий тартибнинг асоси сифатида қонун томонидан ҳимоя қилиниши зарур. Шу сабабли баъзи консерваторлар матбуот ва телевиденнега нисбатан цензура ўрнатилишини ёқлаб чиқади.

Консерваторлар миллатни ягона тил, тарих, маданият ва анъаналарга эга бўлган табиий жамоа сифатида, ватанпарварликни эса табиий ва соғлом инстинкт сифатида таърифлайди. Шунинг учун консерваторлар чет элликларга ва бошқа миллатларга ишончсизлик билан қарайди. Масалан, Англия консерваторла-

---

<sup>367</sup> Mannheim K. *Ideologie und Utopie*. Verlag von Friedrich Cohen in Bonn. 1929.–S.32-33.

ри Европа Итгифоқининг Европа Ҳамжамияти базасида ривожланишини унчалик хуш кўрмайди. Жамият ҳаёти ва давлат ҳокимиятларини консерватизм инсон табиатига хос бўлган патерналистик нуқтаи назардан тушунади. Улар давлатда иерархия, табиий тенгсизлик мавжуддир, чунки у турли-туман кишилардан таркиб топган ва улар турли ижтимоий функцияларни (лидерлар, бизнесменлар, ишчилар) бажаради, деб тушунади. Сиёсатчиларнинг вазифасини эса ахлоқий қадриятларни ўрнатиш эмас, балки индивидлар ва ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги низоларни бар-тараф этишдан иборатдир, деб талқин қилади.

Консерваторлар инвестициялар ва маблағ тўплашни рағбатлантиради. Шунингдек, улар мулкдор бошқалар мулки, қонунлар, ҳокимият ва ижтимоий тартибни ҳурмат қилиши лозим, деб ҳисоблайди. Консерватив партиялар «мулкдорлар демократияси»ни яратишни мақсад қилиб кўяди. Маълумки, М. Тэтчер ҳукумати «халқ капитализми» ривожланиши манфаатларини кўзлаб, хусусийлаштиришни амалга оширган эди. Консерваторлар мулк шахсга тегишлидир, унга тазйиқ этиш шахсга тазйиқ қилиш билан баробардир, деган қадриятга амал қилади.

Иқтисодиёт соҳасида консерваторлар прагматик ёндашувга амал қиладилар. Маълумки, 80-йилларда АҚШ, Канада, Германия, Япония, Буюк Британия давлатлари консерватив бошқарув даврини ўз бошларидан кечирган эди<sup>368</sup>.

Анъанавий ва ўз табиатига кўра интегротив-консерватив онг гуруҳий ва индивидуал манфаатларга қараганда умумий муштарак манфаатларни ифода этиш устуворлигидан келиб чиқади. Унда ватанпарварлик онгига ва унинг негизи бўлган миллатнинг «тарихий онги»га асосий эътибор қаратилади. Шунингдек, консерватив онг ижтимоий тартибларнинг бир қисми сифатида қўриқлаш, ахлоқий қадриятларни авайлаш, оилавий урф-одатларни сақлаш каби функцияларни ўзида ифода этади.

Ҳозирги даврда ғарбдаги либерализм билан неоконсерватизмнинг ўзаро ҳамкорлик тажрибаси барча жамиятлар учун сабоқ бўлиши мумкин. Бу мафкуравий оқимлар ғарб жамиятида бири-бирини тўлдириб, улар ўртасидаги муносабатлар иқтисоднинг

---

<sup>368</sup> Қаранг: Френкин А. А. Феномен неоконсерватизма. «Вопросы философии», 1991, №5.—С. 73-74.



бозор муносабатларини ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшиб келмоқда.

### 3. Сўл ва миллатчилик оқимидаги мафкуралар

*Социализм* мафқуранинг кенг қирраларини акс эттириб, у ўзида коммунизм, африкача миллатчилик, ғарбча социал-демократия ва фашизмнинг баъзи белгиларини қамраб олган. Социализм XIX асрдаги кучли саноатлашиш шароитида ишчиларнинг оғир турмуш шароитига нисбатан реакцияси сифатида пайдо бўлиб, сиёсий оқимга айланди. «Социализм» атамаси биринчи марта 1827 йилда Буюк Британияда илк бора қўлланилган. XIX асрнинг 40-йилларига келиб, бу атама бошқа саноатлашган мамлакатларга ҳам тарқалди. Бу даврлардаги жамиятда ҳукмрон бўлган иқтисодий либерализм ишчиларни чорасиз ва умидсиз ҳолга келтириб қўйган эди. Шунинг учун Ш. Фурье, Р. Оуэн, К. Маркс ва Ф. Энгельс каби илк социалистлар капитализмнинг радикал ва инқилобий муқобилини қидира бошлади.

XIX аср охирига келиб касаба уюшмалари, ишчилар сиёсий партиялари ва спорт клублари каби ташкилотларнинг ривожланиши ишчилар аҳволини бирмунча яхшилади, шунингдек уларнинг инқилобий руҳини ҳам пасайтирди. «Социал-демократлар», деб ном олган социалистик партиялар курашнинг очиқ сиёсий усулларини қўллай бошлади ва тадрижий ислоҳотларни амалга ошириш учун интилди.

1917 йилда сўл большевиклар ғоялари асосида инқилобни амалга оширган Россия ўта сўл социал-демократлари «коммунистлар» деб атала бошланди. Улар доимо инсоннинг ижтимоий мавжудот эканлиги ва унинг индивидуал хусусиятларининг ижтимоий жиҳатдан чекланганлигини таъкидлар эди. К. Маркс фикрича, гўёки капитализм инсонларни жамоачилик ва ўз индивидуал имкониятларидан бегоналаштиради, уни шахсий фойда орқасидан қувишга мажбур этади.

Жамоачилик ғояси Осиё ва Африка мамлакатларидаги қабилавий муносабатларнинг анъанавий қадриятлари билан уйғунлашиб шаклланди. Худди шундай мафқурани тарғиб қилган, 1964–1985 йилларда Танзанияда президентлик қилган Ж. Ньерере уни «қабилавий социализм» деб атаган эди. Социализмнинг ғарбча намунаси Исроил киббуцларида – қишлоқ хўжалиги коо-

перативларида ўз аксини топди. Биринчи киббуц 1909 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозирги даврдаги қишлоқ хўжалик кооперативларида Исроил аҳолисининг 8 фоизи фаолият кўрсатади.

XIX аср бошида Буюк Британияда истеъмолчилар кооперативлари ривожлана бошлади. Шимолий Испанияда эса ишлаб чиқариш кооперативлари пайдо бўлди. Марксча оқим руҳидаги социалистлар жамиятнинг синфий бўлинишини унинг халқлар ва давлатларга бўлинишидан кўра муҳимроқ, деб ҳисоблар эди.

Социализмга ўтишнинг эволюцион концепцияси 1884 йилда Буюк Британияда ташкил этилган «Фабиан жамияти» томонидан ишлаб чиқилган эди. Фабианлар социализмга либерал капитализмдан ўтиш зарур, деб ҳисоблаганлар. «Фабиан жамияти» йўлбошчилари Британия лейбористлар партиясини барпо этишда фаол иштирок этдилар. Фабианча ғоялар таъсири остида 1875 йилда Германия социал-демократик партияси дунёга келди<sup>369</sup>.

XX асрнинг иккинчи ярмида Буюк Британия, Франция, Швеция, Австралия каби кўплаб ғарб мамлакатларида социал-демократлар узоқ давр давомида ҳокимият тепасида бўлдилар. Аммо улар учун овоз берувчилар сайловчиларнинг 50%идан ошмас эди.

Коммунистик партиялар ва коммунистик режим марксизм-ленинизм мафқурасига асосланган эди. Бу мафкура ҳам ўз вақтида кескин тус олиб, 1953 йилдан бошлаб емирила бошланди. Кўплаб коммунистик партияларнинг «коммунистик» деган туншунча ва номдан воз кечиш даври бошланди.

Собиқ коммунистик режим мамлакатларидаги демократиялаштириш жараёни мафкуравий якка ҳокимликдан воз кечиш, сиёсий плюрализм ва кўп партиявийликни ёқлаб чиқиш тамойилларини кучайтирди. Ҳозир бу мамлакатлар социализмнинг ҳеч қандай бир моделига қайтишни ўзига эп кўрмайдилар.

Фашизм сиёсий атама сифатида итальянча «fascio» сўзидан келиб чиқди. Биринчи жаҳон уруши даврида Италия фашистлари йўлбошчиси Б. Муссолини ташкил этган ҳарбийлашган бўлинмалар шу ном билан аталар эди. Фашизм мафкура сифатида икки

---

<sup>369</sup> Haywood E. Political ideologies: An introduction. Basingstoke; -London: Mac-Millan, 1992.—P.53-94.

жаҳон уруши ўртасидаги даврда инқилобий, милитаристик ва миллатчилик ғояларининг қоришмаси ўлароқ таркиб топди<sup>370</sup>.

Фашизмнинг тарқалиши иқтисодий ва ижтимоий тангликнинг кучайиши ва демократиянинг кучсизлиги билан боғлиқ эди. Ўрта мулкдорларнинг қуйи қатламлари, бир томондан, монополистик бизнестан, иккинчи томондан эса уюшган ишчилар синфидан қўрқишган эдилар. Шу сабабли фашизм ҳам капитализмга, ҳам коммунизмга нисбатан душманлик муносабатида бўлди.

Фашизм тафаккур ва интеллектуал ҳаёт аҳамиятини қадрламайди. У инсон иродаси ва хатти-ҳаракатларига эса муҳим аҳамият беради. Фашизмнинг шаклланишига ижтимоий дарвинизм ҳам катта таъсир кўрсатган, шунингдек, унинг куч, урушга сиғиниш, кучсизларга эса нафрат билан қараш каби хатти-ҳаракатларининг асосланишига туртки берган. Мутлақ ҳоқимият ва лидер авторитети фашизмнинг асосий сиёсий тамойили эди.

Фашизм ақидаларида партиялар ва парламентлар лидер ҳоқимиятини чегараламаслиги зарур, деб уқтирилади. Фашизмнинг пайдо бўлиши, ташкилий ва ғоявий жиҳатдан мустаҳкамланиши социализм билан боғлиқдир. Фашистлар миллатчилик ва ирқчилик билан муроса қилмайдиган халқаро бирдамлик ва синфий кураш каби коммунистик ғояларга кескин қарши чиққанлар.

Шарқий Европада коммунистик режим қулагандан сўнг миллатчилик кучайди. Улуғ рус миллатчилиги ва унинг муҳим оқимларидан бири бўлган рус антисемитизми янгидан бош кўтарди. Фашизм учун тоталитар ғоя хосдир. Бу ғояга биноан индивид давлатга тўлалигича бўйсунуши лозим. Фашистлар давлатни иқтисодий тараққиёт воситаси, деб билади. Фашизмнинг асосий иқтисодий концепцияси корпоративизм ҳисобланади. Унга биноан ривожланишнинг «учинчи йўли» – синфий курашни четлаш ва миллат бирлигини мустаҳкамлашга имкон берадиган капитализм ва социализм ўртасидаги йўл мавжуддир. Давлат ижтимоий уйғунлик учун жавобгарлик ва масъулиятни ўз зиммасига олади.

*Анархизм* сиёсий мафкура сифатида XIX аср ўрталарида сиёсий майдонга кириб келади. Унга У. Годвин, М. Штирнер, М. А. Бакунин ва П. Ж. Прудон кабилар асос солган. Анархизм XIX

---

<sup>370</sup> Қаранг: Фромм Э. Бегство от свободы: Пер. с англ. – Москва: Прогресс, 1989. – С. 175-178, 184-190.

асрдаги кўзга кўринган социалистик ҳаракат ҳисобланади. Анархистлар 1864 йилда I Интернационални барпо этишда фаол қатнашди. Лекин анархизм сиёсий амалиётда ўз ўрнини топа олмади. Анархизмнинг бош муваффақиятларидан бири, бу унинг бошқа таълимоғлар билан жиддий ва самарали мунозара олиб борганлигидир. Анархизм назарияси асосини ҳокимиятсизлик, жамиятнинг давлатсиз тузилиши каби ғоялар ташкил этиб, у давлат ва унинг институтларига, бир кишининг бошқа кишилар ус-тидан ҳокимлигига, шунингдек, расмий динга қарши чиқади<sup>371</sup>.

Анархизмнинг назарий асоси очиқ утопизм ҳисобланади. Улар ғоявий жиҳатдан социализм ва либерализм билан боғлиқдир. Анархистлар динни анъанавий ва руҳий таъйиқнинг сиёсий воситаси, деб ҳисоблайди. Анархизм асосан диннинг таъсири кучли бўлган мамлакатларда, жумладан, Италия, Франция, Испания, Швейцария, Лотин Америкасида кенг тарқалган эди. Шунингдек, у антиклерикал кайфиятнинг тарқалишига ҳам сабаб бўлди. Анархизм ҳам жамоачиликни, ҳам индивидуализмни қўллаб-қувватлайди.

*Миллатчилик* бир-бирига боғлиқ бўлган ғоялар мажмуаси йиғиндиси бўлмасада, унинг белгилари барча асосий мафкура-ларда учрайди. Баъзан у энг фаол мафкура сифатида сиёсий майдонга чиқади. Дастлаб «миллат» атамаси XIII асрда пайдо бўлган, «миллатчилик» атамаси эса Буюк Франция инқилоби давридан бошлаб қўлланилмоқда. Миллатчилик сиёсий мафкура сифатида XIX аср ўрталаридан бошлаб шаклланди. У 1848 йилдаги Ғарбий Европа инқилоблари даврида сиёсий мафкура сифатида расмийлашди ҳамда Ғарбий Европа ва Лотин Америкаси мамлакатларида XIX аср давомидаги миллий давлатларни барпо этиш даврида ўта фаоллашди. Миллатнинг умумий асоси – тил, дин, тарих ва ирқ бўлиши мумкин. Аммо баъзи бир тиллар турли миллатлар учун тегишли бўлиши ҳам кузатилади. АҚШдаги турли ирққа доир этник гуруҳлар ўз маданияти ва анъаналарини сақлаб қолган ҳолда ўзлари яшаётган мамлакатга нисбатан ватанпарвардирлар.

---

<sup>371</sup>Қаранг: Политология: Энциклопедический словарь. / Общ. ред. и сост.: Ю. И. Аверьянов.—Москва: Изд-во Московского коммерч. университета, 1993.—С.20-21.

Файласуф Н.А.Бердяев миллатчиликни агрессив, вайрон қилувчи, зоологик, ижодий, яъни миллатни ижтимоий тараққиёт сари сафарбар қилишга қодир яратувчи турларга бўлган эди. Миллатчилик миллий манфаатлар, қадриятлар каби шиорлар билан ниқобланиб, миллий тимсоллар ёрдамида халқнинг миллий ўзини ўзи англаш руҳияти ва ҳис-туйғуларидан фойдаланишга интилади<sup>372</sup>. Миллатнинг муҳим белгиларидан бири, бу – ўзини ўзи миллий англашдир. XX асрда кўплаб мамлакатларда этно-миллатчилик ёки маданий миллатчилик (умумий маданият ва анъаналарга асосланган) муҳим ўрин эгаллади. Маданий миллатчилик руҳият жиҳатидан ватанпарварлик сифатида намоён бўлади. Сиёсий миллатчилик – миллатнинг ватанпарварликка асосланган, ўз тақдирини ўзи белгилашга, сиёсий жиҳатдан ўзини ўзи бошқаришга интилишидир. Бундай ҳолатда «давлат-миллат» тамойилига амал қилинади, синфий, ирқий, диний каби бирликлардан кўра миллатга мансублик энг асосий боғланиш ҳисобланади.

Миллатчилик даставвал миллий жиҳатдан ўз тақдирини ўзи белгилаш учун курашнинг либерал шакли сифатида таркиб топди. XX асрдаги мустамлакачиликка қарши курашлар ҳам либерал миллатчилик байроғи остида рўй берган. Бу курашларнинг йўлбошчилари Сунь Ят-сен ва Ж. Нерулар эди. Либерал миллатчилар миллатлар ҳам индивидлар каби тенг ҳақ-ҳуқуқга эгадирлар, дунё давлат-миллатдан ташкил топиши керак, деган фикрга ишонади. Миллатчиликнинг бу шакли халқаро ташкилотларга аъзоликни ёқлаб чиқади. Консерватив миллатчилик миллий анъаналарга, миллий бирлик ва миллий ғурурга катта аҳамият беради. Консерватив миллатчиликнинг Буюк Британиядаги тимсоли монархия ҳисобланади. Консерватив миллатчилик миллий фанатизм ва чидамсизликка ҳам мойилдир.

Шовинизм миллатчиликнинг жазавога тушган шижоатининг кўриниши бўлиб, у милитаризм билан боғлиқдир. Шовинизм учун миллатни уюштирувчи ва сафарбар қилувчи «душман образи» тимсоли қўл келади. «Учинчи дунё» мамлакатларида миллатчилик мустамлакачиликка қарши кураш сифатида намоён бўлди.

---

<sup>372</sup> Қаранг: Ўша жойда.–С.195-196.

Фуқароларнинг индивидуал-ахлоқий, қадрий-маданий далили ва асосларга нисбатан ҳассослиги христиан-демократик мафқуранинг оммаллашиб кетишига катта таъсир кўрсатди. Мафқуранинг бу шакли сиёсий ва ижтимоий ривожланишни ўз хатти-ҳаракатларида диний ахлоқ меъёрларига амал қилувчи эркин ва тенг ҳуқуқли фуқаролар фаолияти билан узвий боғлиқ ҳолда тушунтиришга ҳаракат қилади. Христиан-демократик мафқуранинг ғоявий асосини «муҳаббат олами» ва «ҳукумат» олами»нинг уйғунлашуви, инсон ҳаёти ва қадриятларининг бетакрорлиги, жамиятнинг барча фуқаролари эркинлигининг кафолати ҳисобланган давлатнинг шаклланиши заруриятини тан олиш кабилар ташкил этади. Христиан-демократик мафқуранинг етакчи тамойили — ҳар бир кишининг фаровонлиги жамият ва давлатнинг гуллаб-яшнаши билан боғлиқ эканлигини тан олишдан иборатдир. Айни пайтда жамиятдаги мавжуд сиёсий тартибни диний тартибга айлантириш зарурияти инкор этилади. Давлат бошқаруви жамиятда маънавий эркинликни қарор топтиришнинг кучли воситаси ва турли хил ўзбошимчаликларга чек қўйишнинг муҳим омили эканлиги тан олинади, шунингдек, ҳокимиятга кўр-кўрона буйсуниш ҳам инкор этилади<sup>373</sup>.

Христиан эътиқоди давлатга ўзининг ахлоқий мезонларини таклиф қилади. Бу мафқуранинг тарафдори, унга эътиқод қилувчи фуқаро давлат ва ҳукумат институтларидаги фаолиятини ўзининг ахлоқий ва ижтимоий вазифаларига уйғунлаштиришга ҳаракат қилиши лозим. Фуқаролар фаоллигига жавобан давлат уларнинг демократик ҳуқуқларини амалга оширишни таъминлаши зарур. Шунингдек, давлат ўзини таъминлашга кучи етмайдиган фуқароларга ёрдам кўрсатиши кўзда тутилади. Фақат шу тарздагина давлат ва фуқаролар ўртасида мувозанатлашган муносабатлар мажмуаси таркиб топиши мумкин.

#### 4. Демократик ва экологик мафқуралар

*Демократия* том маънодаги мафқура эмас, балки маълум сиёсий тизимни тасвирлаб берувчи ҳодиса ҳисобланади. Демократия турли мафқуралар томонидан қабул қилинади. «Демокра-

---

<sup>373</sup> Қаранг: Основы политической науки: Учебное пособие. Под. ред. В. П. Пугачева. Часть II.—Москва: МГУ, 1996.—С. 45-6.

тия», яъни «халқ ҳокимияти» атамаси муҳим масалаларни ечишда барча аҳолининг бевосита овоз бериши билан ҳал қилинган қадимги Афинанинг ўзини ўзи бошқарув тизими номидан келиб чиқди. Ҳозирги даврда либерализм, консерватизм, социализм, миллатчилик, фашизм, анархизм каби ҳар бир мафкуравий оқимлар ўз демократик концепцияларини «ҳақиқий» демократизм, деб эълон қилмоқдалар.

Демократия мақсад сифатида индивид мустақиллиги ва унинг умумий манфаатлари устунлигини таъминлайди. У восита сифатида эса низоларни бартараф этиш, зўравонликка чек қўйиш, турли ижтимоий гуруҳларга сиёсий таъсир қилиш йўли билан уларнинг мурасага келишини, консенсусини таъминлайди.

Барча сиёсий мафкуралар икки асрдан ортиқроқ давом этган давр ичида иқтисодий ва сиёсий портлашлар шароитида такомиллашди. Мафкура ҳозирги даврга қадар ижтимоий гуруҳлар учун ўзини ўзи англаш, ўз мақсадларини аниқлаш воситаси бўлиб хизмат қилмоқда. Лекин дунёда либерал сиёсий оқим, демократия тарафдорлари сони ортиб бормоқда. Аммо либерализмнинг кучли рақиби сифатида ислом дини номидан турли экстремистлар ва ақидапарастлар ўзларининг «диний сиёсий» мафкураларини илгари сурмоқда. Мафкуралар ўртасидаги кураш давом этмоқда.

XX асрнинг 60-йилларида атроф-муҳитнинг кучли ифлослашуви, аҳоли ва ишлаб чиқаришнинг кескин ўсиши, табиий ресурслардан фойдаланишнинг жадаллашуви натижасида *экологизм* янги сиёсий мафкура сифатида дунёга келди. Экологизмнинг асосий моҳияти шундан иборатки, унга биноан табиат – мустақил қадрият, инсоният табиатнинг хўжайини эмас, балки биологик тизимнинг бир қисми бўлиб, у ижтимоий ҳаётни қўллаб-қувватлайди. Шунинг учун инсон табиат қонунларини бузмаслиги лозим. Инсоният ўзининг «қарзи» сифатида бузилган экологизмни тиклаши зарур. Кўплаб замонавий экологизм тарафдорлари технологик ривожланиш инсон ва табиат манфаатларига мутаносиб равишда рўй бериши лозимлиги, ҳар қандай технологик янгиликлар ҳам инсоний, ҳам табиий баҳолашлар заруриятига эга эканлиги, янги технологиялар табиат тизими доирасидан четга чиқмаслиги даркорлиги, устуворлик биологик келишувга мойил бўлган технологияларга берилиши лозимлиги, ижтимоий ҳаётни барқарор ривожланиш асосида таъминлаш зарурлиги каби

мафкуравий қарашларини илгари суради<sup>374</sup>. Экологизм тарафдорларининг сиёсий ҳаракатлари натижасида уларнинг партиалари ҳам тузилди. Ўтган асрнинг 80-йилларида парламент сайловларида улар катта муваффақият қозондилар.

## 5. Сиёсий маданият назарияси ва унинг таснифлари

Ҳозирги даврда чет эл ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари жамиятшунослари орасида «сиёсий маданият» категорияси ва унинг тузилмавий унсурлари, мазмуни, функциялари тўғрисида ягона ёндашув мавжуд эмас. Сиёсий маданият тўғрисида ранг-баранг фикрлар, таърифлар учраб туради. Канадалик тадқиқотчи Г. Патрикнинг аниқлашича, 1976 йилда «сиёсий маданият»нинг 40 дан ортиқ таърифи турли адабиётларда қайд этилган экан. Шундан кейин ҳам «сиёсий маданият» ҳақидаги таърифларнинг сони бирмунча ортди.

Сиёсий маданият сиёсий онг, сиёсий мафкура, руҳият каби тушунчаларга нисбатан сиёсатнинг субъектив томонлари ўртасидаги ўзаро муносабатлари ва хусусиятларининг янада мураккаб томонларини қамраб олади. «Сиёсий маданият» тушунча сифатида илк бор немис файласуфи *И. Гердер* томонидан XVIII асрдаёқ қўлланилган эди.

XIX аср охири – XX аср бошларидан эътиборан бу тушунча сиёсий тадқиқотларнинг марказий объектига айланди. Ҳозирги замон сиёсатшунослигида сиёсий маданият тушунчаси даставвал америкалик назариётчи *Х. Файернинг* «Буюк Европа давлатларининг бошқарув тизимлари» (1956 й.) асарида биринчи марта ишлатилди. Америкалик олим *Г. Алмонднинг* «Қиёсий сиёсий тизимлар» асарида бу тушунчанинг биринчи концептуал таҳлили амалга оширилди. Бу асарда сиёсий маданият билан сиёсий тизим ўртасидаги ўзаро муносабатлар, маданиятнинг шаклига алоқадор асосий тушунчалар, уларнинг тузилмавий ва таркибий унсурлари таҳлил қилинган<sup>375</sup>. Бундан ташқари сиёсий мада-

<sup>374</sup> Қаранг: Яницкий О. Н. Экологическое движение. Социологические исследования, 1989, № 6. – С. 28-29.

<sup>375</sup> Қаранг: Алмонд Г., Верба С. Гражданская культура и стабильность демократии // Политические исследования, 1992, № 4. – С. 27.



ният назариясини шакллантиришга *С. Верба, А. Лунсет, Л. Пай, М. Дюверже, К. фон Бойм, У. Розенбаум, Р. Роуз, М. Крозье* ва бошқа олимлар катта ҳисса қўшдилар.

XX аср 60-70-йилларининг иккинчи ярмида сиёсий маданият концепцияси устида *В. Ки, Р. Маркридис, В. Нойман, Д. Марвик* каби таниқли америкалик социолог ва сиёсатшунослар тадқиқот олиб борди. Бу концепция даставвал АҚШда шаклланиб, кейинроқ бошқа мамлакатларга ҳам тарқалди ва у сиёсий жараён ҳамда ҳодисаларни тадқиқ этишда муҳим восита бўлиб хизмат қила бошлади.

Сиёсий маданият муаммосига қизиқиш сиёсий барқарорликка эришишнинг механизм ва воситалари, сиёсий бирликлар ва бошқарув шакллари ўртасидаги чуқур, ҳис-туйғули ва ижтимоий-руҳий муносабатларни таҳлил қилиш воситасида барқарор ижтимоий-сиёсий ривожланишни аниқлаш ва таъминлаш зарурияти билан боғлиқдир. Бу концепциянинг ривожланишида турли маданият ва маданий антропологияларга доир концепциялар муҳим аҳамият касб этади. Сиёсий маданият концепциясининг ривожланишига таниқли антрополог ва маданиятшунослардан *К. Клакхон, А. Кребер, Б. Малиновскийлар* ҳам катта ҳисса қўшган.

Сиёсатшуносликка доир тадқиқотларда дастлаб сиёсий маданият билан турли хил режим ва давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга муҳим эътибор қаратилди. Кейинчалик сиёсий маданият антропология, социология, фалсафа ва психология каби фанлар тизими нуқтаи назаридан ҳам тадқиқ этила бошланди.

Сиёсий маданиятни назарий талқин қилиш жараёнида турли хил ёндашув ва йўналишлар пайдо бўлди. Дастлаб сиёсий маданиятни қадриятлар, турли фикрлар, урф-одатлар ва анъаналар мажмуасидир, деган шаклдаги психологик талқин дунёга келди. Жумладан, *С. Верба* сиёсий маданиятни сиёсий тизимнинг унсур сифатида талқин қилиб, уни «сиёсатнинг субъектив йўналишини» таъминлаб, у ўз таркибига «эмпирик эътиқодлар, экспрессив тимсоллар ва қадриятлар»ни қамраб олади, деган фикр-ни илгари сурди.

Инглиз сиёсатшуноси *Д. Каванах* фанда сиёсий маданият тўғрисидаги назарий тасаввурларни бир тизимга солишга ҳаракат қилди ва уни тўрт гуруҳга ажратиб кўрсатди. Биринчи гуруҳга сиёсий маданиятнинг психологик талқинини киритиб, уни ки-

шиларнинг сиёсий объектларга нисбатан ички интилишлари мажмуасидир, деб таърифлайди. Иккинчи гуруҳга сиёсий маданиятни ҳар томонлама қамраб олувчи талқинлар – психологик кўрсатмалар, унга мос келувчи субъектлар хулқи шаклларини киритади. Учинчи гуруҳ объектив ёндашувга оид бўлиб, унда гуруҳлар ва фуқароларнинг меъёрларга ва бир қолипга солинган хулқлари воситасида шаклланган сиёсий маданиятни талқин қилиш жой олди. Тўртинчи гуруҳ сиёсий маданият исталган хулқ ва тафаккурлашнинг гипотетик меъёрий модели, деган қарашлардан иборат бўлди<sup>376</sup>.

Мавжуд йўналиш ва ёндашувларга биноан таъкидлаш мумкинки, сиёсий маданият сиёсатнинг фақат субъектив томонларини ўрганади. Лекин, шуни таъкидлаш керакки, бу ёндашувларга мувофиқ сиёсий маданият сиёсий ҳаётнинг ўзига хос манзаралари ва мазмунини очиб беради. Сиёсатнинг маънавий тузилмалари мажмуини акс эттирувчи сиёсий ондан фарқли ўлароқ, сиёсий маданият инсон учун анча барқарор, ички аҳамиятга молик бўлган қарашлар билан боғлиқдир.

Польшалик сиёсатшунос *А. Боднарнинг* фикрича, инсоннинг сиёсатдаги қадриятларга оид интилиши қуйидагилардан иборат: анланган ва мўлжалланган интилиш, яъни сиёсий объектлар ҳақида ҳақиқий ва сохта билимлар, аффектив интилиш, яъни сиёсий ҳодисалар билан инсонларни ҳис-туйғулар воситасида боғлаш, сиёсий объектлар ҳақида инсоннинг баҳолаш ҳукмлари ва фикрлари, уни татбиқ қилиш заруриятига эга баҳолаш мезонлари<sup>377</sup>.

Сиёсий маданият концепциясининг кўплаб тарафдорлари ҳар бир ижтимоий-сиёсий тизим ва мамлакатларда инсонлар хулқини белгилаб берувчи ўзига хос сиёсий маданият мавжуд, деган фикрни илгари суради. Лекин ҳар бир тадқиқотчи бу тушунчани турлича изоҳлайди.

Ҳозирги даврда сиёсий маданият ва унинг тузилмавий элементлари, мазмуни, функциялари турлича талқин қилинмоқда.

---

<sup>376</sup> Основы политической науки. Учебное пособие. Под. ред. В. П. Пугачева. Часть II. – Москва: МГУ, 1996. – С. 56.

<sup>377</sup> Қаранг: Bodnar A. Kultura politycza spoleszenstwa i jej uwarun Kowania. -W., 1988. -S.216-217.

Баъзан маърифий ва маданий даража билан аралаштириб юборилмоқда. Масалан, баъзи кишиларда сиёсий маданият етишмайди, баъзи кишиларда эса сиёсий маданият юқори ёки қуйи даражада бўлади, деган талқинлар ҳам учрайди. Кўпинча сиёсий маданият маърифатли кишилардагина мавжуд, маълумоти паст даражада бўлган кишиларда эса бу маданият учрамайди, деган фаразлар учрайди. Кўп ҳолатларда эса сиёсий маданият тушунчаси билан сиёсий тизим ва сиёсий хулқни аралаштириб юборишади.

Сиёсий маданият ўзи нима? Инсоннинг сиёсат ва ҳокимият ҳодисаларига нисбатан шахсий муносабатини ифодаловчи баҳолаш ҳукмлари энг аҳамиятга молик маънавий ҳодисадир. Бундай шахсий-мазмуний муносабатларнинг мавжудлиги инсоннинг ўз фуқаролик бурчини англаб етган сиёсий субъект сифатида фаолият кўрсата олишини ифода этади. Шунинг учун инсоннинг қадриятларга доир муносабатларининг турлича шаклда рўй бериши (масалан, ҳокимиятга, давлатга, партияларга ва институтлашмаган субъектларга нисбатан) сиёсий маданиятнинг муҳим тузилишини тавсифлаб беради.

Умуман, сиёсий маданият инсоннинг сиёсий ҳодисалар ҳақидаги қадриятларга доир тасаввурлари ва унинг амалиётда намоён бўладиган хулқининг кодекси ёки унинг сиёсий ҳокимият субъекти сифатидаги фаолиятининг услубидир. Шу маънода, сиёсий маданият умуминсоний аҳамиятга молик бўлган сиёсий фаолият намуналарини қай даражада эгаллаганлигини намоён қилади. Шунингдек, у инсоннинг тафаккурлаш ва амалий фаолият меъёрларининг жамият маданий, деб тан оладиган субъективлигини қанчалик даражада ошира олганлигидир.

Сиёсий маданият инсоннинг жамиятда мавжуд бўлган сиёсий тажриба ва анъаналарни ўзлаштириш даражаси ҳам бўлиб, уни қўллаш сиёсий ҳаётдаги ворисийликни таъминлай олиши лозим.

Жамиятнинг ҳар бир аъзоси ижтимоийлашув ва камолотга эришиш жараёнида ижтимоий-маданий мавжудот сифатида шаклланади, шунингдек, жамиятда ҳукмрон бўлган ижтимоий-маданий тизимнинг асосий хусусиятларини ўзида уйғунлаштирилади ва умумлаштирилади. Айни пайтда ҳар бир индивид сиёсий маданият ифодаловчи ҳисобланади ва шу сабабли ҳам сиёсий маданият сиёсий-маданий тизимнинг умумлаштирувчи, бирлаштирувчи қисми, деб қаралади. Сиёсий маданият – бу муносабат-

лар тизими ва айни пайтда авлодлар алмашинуви натижаси, уни ташкил этувчи унсурларни ишлаб чиқиш ва қайта ишлаб чиқиш жараёнидир. Сиёсий маданият ривожланиб боровчи динамик ҳодисадир.

Баъзи ғарб тадқиқотчиларининг таъкидлашича, инсон нафақат ижтимоий ёки миллий қадриятлар ва анъаналарга интилади, балки шундай биологик омиллар ҳам борки, улар ҳокимият субъекти сифатидаги сиёсий эҳтиросларга қаттиқ чегаралар қўяди. Шундан келиб чиққан ҳолда, фақат ўзининг шахсий ва чегараланган намуналари ва меъёрларига йўналган ёпиқ сиёсий маданият тури, шунингдек, бошқа маданий тажриба ҳамда мулоқотларга мойил бўлган очиқ сиёсий маданият турини ажратиб кўрсатиш мумкин. Сиёсий маданиятни бундай турларга ажратиш инсоннинг маълум сиёсий тизимда ҳокимиятга алоқадор функцияларини бажаришдаги зарур ғоялар ва кўникмалар билан нечоғли қуролланганлигини аниқлашга имкон беради<sup>378</sup>.

Бироқ сиёсий маданиятнинг ёпиқ тури ҳам, очиқ тури ҳам инсоннинг ранг-баранг ахборотларни қабул қилиши ва уни ўз тафаккурида ўзлаштириши натижасида таркиб топади. Бу жараёнда шаклланидиган қадриятли интилишлар нафақат сиёсий, балки умумижтимоий ва умуминсоний манфаатлар билан ҳам узвий боғлиқдир. Бу – сиёсий маданиятнинг кўп босқичли ҳодиса эканлигидан далолат беради. Унинг таркибида дунёқараш билан боғлиқ йўналишларни, шунингдек, ҳокимият ва ўзига хос сиёсий ҳодисаларга доир муносабатларни кўрсатиш мумкин.

Сиёсий маданият дегани нима ўзи? Унинг сиёсий майдондаги аҳамияти қандай? Аслида сиёсий маданият умумий маданиятнинг таркибий қисми бўлиб, у инсондаги сиёсий билимлар, баҳолашлар, малакалар ҳамда ҳаракатлар даражаси характери ва мазмунини ташкил этади. Бундай олиб қарайдиган бўлсак, сиёсий маданият иккита тушунчадан таркиб топяпти. Шундан маданият сўзига таъриф берсак, маданият бу – жамият ривожининг тарихий шаклланганлик даражаси, инсоннинг моддий ва маънавий қадриятларни яратишдаги фаолияти ва ҳаётини ташкил этишида ифодаланган ижодий кучи ва қобилиятларини қўллаш

---

<sup>378</sup> Основы политической науки. Учебное пособие. Под. ред. В. П. Пугачева. Часть II. – Москва: МГУ, 1996. – С. 59-60.

усуллари демакдир. Сиёсат деганичи?! Сиёсат – бу сиёсий субъектларнинг туб манфаат ва эҳтиёжларини ички ва ташқи ишлар соҳасида амалга оширишга доир кўрсатмалар, мақсадлар ва амалий фаолиятлар тизими деганидир. Маълумки, маданият кўп турларга бўлинган. Масалан, ахлоқий, эстетик, ҳуқуқий маданиятлар бўлиши мумкин ва ҳоказо. Шуларнинг ичида демократиянинг ривожланишида асосий ўрин тутадигани сиёсий маданиятдир.

Дунёқараш шакллангандан сўнг уни ҳимоя қилишга қодир ҳуқуқий маданият шаклланишига шарт-шароитлар яратиш зарурияти туғилади. Демак, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий ҳимоянинг мавжудлиги жамиятни демократиялашнинг асосий кафолатларидан биридир. Қолаверса, демократияни табиий равишда ривожлантириш учун фуқароларнинг умумий маданиятлилик даражаси ҳам юқори бўлиши лозим. Аниқроғи, демократик жараён билан инсоннинг маданиятлилиги ўртасидаги мувозанат доимий характерга эга бўлиши керак. Фақат юксак маданиятгина жамиятни ҳақиқий демократик ривожланишга олиб келади. Шунингдек, бу жараёнлар инқилобий эмас, балки тадрижий йўл билан бўлиши зарурлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Яъни табиий ривожланиш йўли бошқа усулларга қараганда энг маъқулидар. Жаҳон тарихий тажрибаси бундай йўлни охириги ютуқ сифатида танлагани бежиз эмас<sup>379</sup>.

Сиёсий маданият ижтимоий онгнинг унсурлари ва феноменларини, у ёки бу мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий институтлари ва сиёсий жараёнлари билан алоқадор бўлган маънавий маданиятини ҳам ўз ичига олади. Шу билан бирга, у давлат ҳамда сиёсий институтларнинг шаклланишига, фаолияти ва тараққиётига ҳам муҳим таъсир кўрсатади.

Сиёсий маданият сиёсий жабҳадаги хулқ меъёрлари ва хатти-ҳаракат қондаларини аниқлаб ва белгилаб беради. Сиёсий маданият алоҳида олинган кишига сиёсий хулқининг зарурий тамойилларини, жамоага эса қадриятларнинг тизимга солинган тузилмасини сингдиради. Шунингдек, у сиёсий хулқ, сиёсий меъёрлар ва идеалларнинг етакчи тамойилларини ҳам ўзида йфода этади.

---

<sup>379</sup> Қаранг: Қирғизбоев М. Жамоат ташкилотлари – фуқаролик жамиятининг асоси//Туркистон, 1996, 18 сентябрь.

Сиёсий маданиятни умуммиллий маданият билан чамбарчас боғлиқ тарзда тушуниш керак. Чунки сиёсий маданият умуммиллий маданиятнинг ажралмас бир қисми ҳисобланади. Миллий маданият тамал тошининг компонентлари сиёсий эътиқод тизими ва сиёсий маданиятнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатади.

Сиёсий маданият узоқ йиллар ва авлодлар алмашинуви натижасида таркиб топган сиёсий анъаналар, сиёсий амалиёт меъёрлари, ғоялар, турли ижтимоий институтлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга доир концепциялар ва эътиқодларни ўз ичига олади. У кишиларнинг ўзлари яшаётган мавжуд тизимга, ундаги институтларга ва хатти-ҳаракатлар қоидаларига, алоҳида шахс, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар тамойилларига нисбатан шаклланган интилиши ва кўрсатмаларини ҳам ўзига қамраб олади. Сиёсий маданиятнинг бу унсурлари ижтимоий-иқтисодий, миллий-маданий, ижтимоий-тарихий ва бошқа омилларга боғлиқ бўлиб, у нисбий барқарорлик, ҳаётийлик ва доимийликка эгадир. У ижтимоий борлиқда содир бўладиган ўзгаришлар жараёнида ҳам жуда секинлик билан ўзгариб боради.

Сиёсий маданият маълум даражада ўзи таркиб топган ижтимоий шароитлардан мустақил бўлишига қарамасдан, улар таъсирида, оммавий меъёрлар ва хулқ намуналари асосида алоҳида мамлакат, қатлам, тоифа, миллат, ҳудуд ва бошқа сиёсий ҳаёт субъектлари учун ҳам умумий, ҳам гуруҳий мазмунга эга бўлган ички хосса ва сифатларни шакллантиради.

Ғарб сиёсатшунослигида сиёсий маданиятнинг Г.Альмонд ва С.Верба томонидан «Фуқаролик маданияти» (1963 й.) китобида таклиф қилинган тоифалаштириш кенг қўлланилади. Улар Англия, Италия, ГФР, АҚШ ва Мексикадаги сиёсий тизимларнинг фаолият шакллари ва асосий унсурларини таҳлил қилиш ва ўзаро қиёслаш натижасида учта сиёсий маданият турини ажратиб кўрсатади. Улар *патриархал*, *тобелик* ва *фаол* сиёсий маданият турларидир. Патриархал турдаги фуқаролар сиёсий ҳаётга нисбатан қизиқиши йўқлиги, уларнинг бефарқлиги билан тавсифланади. Тобелик турида эса фуқароларнинг сиёсий институтларда паст индивидуал фаоллиги билан уйғунлашган кучли интилиши кузатилади. Фаол турдаги фуқароларнинг эса сиёсий иштирок этиш ва сиёсий фаолликни намоён қилишдан манфаатдорлиги очиқ ифодалангандир.

Сиёсий маданиятнинг бу уч тури доимо бир-бирига ўзаро таъсир этиб туради, бу жараёнда у ёки бу компонентнинг устунлиги билан тавсифланадиган орилиқ шакллар ҳам учрайди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган учта асосий сиёсий маданият туридан ташқари, сиёсий ҳаётда алоҳида ижтимоий, этник, ҳудудий ва бошқа гуруҳларнинг манфаатлари ва қарашларини ифода этувчи субкультуралар ҳам таркиб топади ва фаолият кўрсатади. Субкультуралар бир-биридан алоҳида қарашларга эга бўлиши, ҳокимиятга ва идора қилувчи элитага бўлган муносабати, бошқаришдаги иштирокининг намуналари, сиёсий ҳаётни ташкил қилиш ва назорат этишдаги фарқлари билан тавсифланади. Шу тарзда ташкил этилиши, сиёсий ҳаётнинг мураккаблашуви ва индивидуаллашуви жараёни билан тавсифланадиган тузилмалар субкультуралар дейилади. Субкультуралар ўртасидаги ўзаро таъсир ва бир-бирини бойитиш баҳс ва мулоқот маданияти тили асосида амалга ошади<sup>380</sup>.

Сиёсий маданият қадриятга оид ва меъёрий тизим ҳисобланади. У ўзида сиёсий тизимдаги таянч эътиқодлар, кўрсатмалар, йўналишлар, интилишлар, тимсолларни акс эттиради ва бирлаштиради. Америкалик сиёсатшунос *Д. Дивайннинг* фикрича, сиёсий маданият маълум ижтимоий-сиёсий тизим аъзолари ёқлайдиган, «кенг тарқалган, фундаментал сиёсий қадриятларнинг тарихий тизимидир». Сиёсий маданият «сиёсий мафкура», «легитиммен», «суверенитет», «қонун бошқаруви», «сиёсий партия» каби категорияларни ўрганишни ҳам тақозо этади. Сиёсий маданият маълум даражада жамият аъзолари олдига чегаралашлар ҳам қўяди. Сиёсий жараёнлар ва сиёсий хулқда намоён бўладиган эътиқодлар, ҳис-туйғулар ва қадриятлар олдидаги бундай чегаралашлар ҳам ўз навбатида, сиёсий маданиятнинг муҳим унсури ҳисобланади. Алоҳида шахснинг, гуруҳнинг ва бошқа ижтимоий бирликларнинг умумий дунёқарашининг таркибий қисми бўлган сиёсий дунёқараш сиёсий маданиятнинг энг муҳим компоненти<sup>381</sup>.

Сиёсий хулқ ва сиёсий маданият ўртасида ҳам узвий алоқа мавжуд. Сиёсий тизим ва сиёсий маданият сиёсатнинг мустақил

---

<sup>380</sup> Almond G., Verba S. The Civic Culture.-N.Y., 1963. —P.101-102.

<sup>381</sup> Devine D. The Political Culture of the United States.-Boston, 1972. —P.3-7.

унсурлари бўлишига қарамасдан, улар бир-бири билан чамбар-час боғлиқ ва бир-бирисиз яшай олмайдилар.

Сиёсий маданиятнинг шаклланиши, фаолият кўрсатиши ва яшаши қобилиятининг муҳим омилларидан бири мавжуд тизимнинг легитимлиги ва ҳар бир даврга хос бўлган мавжуд сиёсий режим ҳисобланади. Сиёсий маданиятни ташкил этувчи қадриятлар, йўналишлар, кўрсатмалар, стереотиплар сиёсий тизимнинг шаклланиши ва сақланиб қолишида асосий ўринни эгаллайди. Жамият аъзолари ўзаро баҳам кўрадиган «ижобий» қадриятлар тизими миқдори унинг алоҳида компонентлари ўртасидаги консенсусни белгилайди ва унинг барқарорлиги ҳамда яшаб қолиш қобилиятининг нечоғли мустақил эканлигини аниқлаб беради.

Сиёсий маданият қачондан пайдо бўлади? Кўп ўқиган ва назарий билимларни эгаллаган билан инсонда сиёсий маданият пайдо бўлиб қолмайди. Кишилар ўзларини ижтимоий, иқтисодий, сиёсий манфаатлари ёки имкониятларини руёбга чиқариш учун амалиётда иштирок эта бошлагандагина уларда сиёсий маданият куртак отиб боради. Бундай маданиятни эгаллаш фақат сиёсий партиялар, манфаатлар гуруҳлари фаолиятида иштирок этиш орқалигина рўй беради. Ҳеч бир инсон якка ўзи ҳаракат қилиб, ўзининг моддий, сиёсий, ҳуқуқий манфаатини ёки эркин фикрлаш ҳуқуқини қўлга киритолмайди. Бу манфаат ва ҳуқуқлар бирон-бир жамоат ташкилоти воситасидагина қондирилади. Шу сабабли ҳам сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг мақоми ҳар бир демократик давлатда юқори даражага кўтарилган.

Сиёсий маданиятни чуқур ўрганмай туриб, ҳар бир жамиятда содир бўлаётган сиёсий жараёнларнинг ҳаракатлантирувчи кучини англаш жуда ҳам қийиндир. Сиёсий маданият сиёсий жараёнларнинг ривожланиши учун етарлича имконият яратади, жамиятдаги турли ижтимоий гуруҳ ва қатламларнинг хулқ-атворини белгилаб беради. Айни пайтда сиёсий маданият жамиятда фуқаролар турмуш тарзи ва интилишларида янгиликлар ҳосил бўлишига шарт-шароит яратувчи ёки унга тўсқинлик қилувчи «ижтимоий иқлим»нинг ажралмас ва муҳим қисми ҳисобланади.

Сиёсий маданият жамият сиёсий тизимининг энг барқарор, таъбир жоиз бўлса, энг консерватив унсур ҳам ҳисобланади. Бу ҳолат катта тарихий ўзгаришлар даврида янада ёрқинроқ кўзга ташланади. Худди шундай ўзгаришлар бизнинг мамлакатимизда ҳам рўй бермоқда.



Сиёсий тадқиқотчилар сиёсий маданиятни сиёсий тузумга нисбатан икки турга бўладилар: тоталитар ва плюралистик. Қуйида бу икки тур сиёсий маданиятнинг муҳим хусусиятлари ва фарқланишлари таҳлил қилинади. Сиёсий маданиятнинг тоталитар тури жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётининг принципаал бир хиллик бўлишига асосланади ҳамда ҳар қандай турли-туманлик ранг-барангликни йўқотишга мойил ғояларга таянади. Собиқ иттифоқдаги маданиятнинг бу тури турли ижтимоий гуруҳларнинг ўзига хос мақсад ва манфаатларини очиқ намоён қилишга йўл қўймас, шу билан бирга, уларнинг сиёсий ҳаётдаги танлаш имкониятларини чегаралар, ҳар қандай муқобилликни инкор қилар, битта мулкчилик тури, битта партия, бир ўринга битта номзод каби чеклашларни олдиндан белгилаб берар эди. Бу ҳолат, ўз навбатида, тотал турғунликни, қолаверса емирилишни ҳам келтириб чиқарди.

Тоталитаризм тузумининг илк қурбонлари табиий равишда фуқаролик жамияти унсурлари ва унинг тузилмалари ҳисобланади.

Сиёсий маданиятнинг плюралистик тури қуйидаги муҳим шарт-шароитлар яратилганидагина пайдо бўлиши, ривожланиши, фаолият кўрсатиши, шунингдек, етакчилик вазифасини бажариши мумкин.

Иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт плюралиزم:

-мулкчиликнинг турли шакллари, энг аввало хусусий мулкчилик пайдо бўлиши, хўжалик юритиш турли усуллариининг амал қилиши, шунингдек, иқтисодий фаолиятнинг мустақил субъектлари каби бошқа омиллар билан бир қаторда, сиёсий плюрализм учун шарт-шароит ҳозирлайди. Ўзига хос ижтимоий манфаатларнинг бир-бирига уйғун келмаслиги, баъзан эса уларнинг тўқнашуви плюрализм учун қулай шароитлар яратади;

-жамият ўз ижтимоий тузилмаси ва турли манфаатлари бўйича қанчалик ранг-баранг бўлса, сиёсий плюрализм ва плюралистик сиёсий маданият режими шаклланиши учун ҳам шунчалик кўпроқ замин пайдо бўлади.

Фуқаролик жамиятининг устувор роли:

-фуқаролик жамияти сиёсий институтларни шакллантиради, давлатга ўзи зарур, деб ҳисоблаган меъёрлардаги ваколатларни беради. Давлат ҳокимиятини тақсимлаш асосан сайловлар воситасида амалга ошади. Ҳеч ким, ҳеч бир гуруҳнинг бу ҳокимият-

ни на амалда, на ҳуқуқий жиҳатлардан ўз монополиясига айлан-тиришига йўл қўйилмайди;

- асосий гуруҳ ва уларнинг вакиллари бўлган сиёсий партия-лар ва ҳаракатлар ўртасида ижтимоий ривожланишнинг асосий қадриятлари, идеаллари ва мақсадларига нисбатан аниқ консен-сусларнинг мавжуд бўлиши;

- ҳам ҳуқуқий жиҳатдан, ҳам амалиётда шахс эркинлигининг таъминланганлиги.

Плюралистик маданият шароитида партиялар ва ҳокимият-даги мансабдор шахсларнинг доимий алмашиб туриши одатда-ги ва зарурий ҳолдир. Бундан ташқари, плюралистик маданият қуйидаги муҳим хусусиятларга эга: демократик тамойиллар ва ҳаёт меъёрларига нисбатан барқарор, мустаҳкам кўрсатмалар-нинг мавжудлиги; шаклланган амалий демократик кўникма ва малакалар, анъаналарнинг ҳаётда амал қилиши; қарашлар плю-рализмнинг зарурийлиги ва муқаррарлиги; турлича фикрлаш ва турлича фикрловчиларга нисбатан толерантликни (чидамли-ликни) тан олиш ва ҳоказо<sup>382</sup>.

Плюралистик сиёсий маданият шароитида демократик мақ-садлар фақатгина демократик воситалар, механизмлар ва усул-лар ёрдамида амалга оширилади. Синфлар, гуруҳлар ва жамия-тнинг бошқа ижтимоий қатламлари ўртасида сиёсий ҳамкор-ликнинг ўзига хос анъаналари шаклланади.

## **6. Ўзбекистонда фуқаролар сиёсий маданиятини ошириш жараёнлари**

Ўзбекистонда XXI аср бошларидаги сиёсий ислоҳотларининг муҳим аҳамияти шунда бўлдики, бу пайтга келиб халқ оммаси-нинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, улар сиёсий мада-ниятини юксалтириш ва демократиянинг энг муҳим тамойилла-рини ҳаётга татбиқ этиш учун шарт-шароитлар яратилди. Мам-лакатда сиёсий жараёнларни демократлаштиришнинг ўзига хос қадриятлари шаклланди. Фуқароларнинг ўз сиёсий фаолликла-рини юксалтириши, юқорида қабул қилинадиган қарорлар қабул қилишда бевосита ёки ўз манфаатлари гуруҳлари воситасида

<sup>382</sup> Қирғизбоев М. Сиёсий маданият//Хуррият, 1997, 29 октябрь.

кенг иштирок этиши мамлакатда фуқаролик жамияти қуриш ка-  
фолатларидан бири сифатида ҳаётга жорий этила бошланди.  
Айниқса, собиқ тоталитар жамиятдан мерос бўлиб қолган маъ-  
мурий-буйруқбозлик тизими асоратларидан покланишга, фуқа-  
ролар дунёқараши, сиёсий онги ва амалий хатти-ҳаракатларида  
демократик қадриятларни шакллантиришга муҳим аҳамият бе-  
рилди.

Президент И.А.Каримов ўзининг аксарият маърузаларида  
«инсон ҳуқуқи давлат ҳуқуқидан устуворлиги тамойили» хусу-  
сида фикрлар билдириб, фуқаролик жамияти шароитида ҳар бир  
фуқаронинг ҳуқуқи, шаъни, қадр-қиммати қадрланиши қонун-  
қоидалар воситасида қаттиқ ҳимоя қилинишининг муҳим жиҳат-  
ларини кўрсатиб берди. Бу, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқий би-  
лими, тарбияси, маданияти ва онги қай даражада эканлиги би-  
лан белгиланади.

Маълумки, сиёсий онг ва сиёсий маданият юксалишида фу-  
қароларнинг сиёсий қарорлар қабул қилишдаги иштирокининг  
аҳамияти беқиёсдир. Фуқаролар жамоат ташкилотлари фаолия-  
ти воситасида ёки бевосита сиёсий қарорлар қабул қилиш жара-  
ёнида иштирок этар экан, улардан қуйидаги ижтимоий-сиёсий  
ўзгаришлар содир бўлиши кутилади:

-фуқароларнинг сиёсий қарорлар қабул қилишдаги иштиро-  
ки уларнинг табиий сиёсий-ижтимоий ҳис-туйғуларини уйғота-  
ди, ҳаракатга келтиради, уларда бу йўналишга доир интилиш-  
лар шаклланади. Ёки қисқача айтганда, ҳар бир фуқаронинг  
ижтимоийлашув жараёни амалга ошади;

-фуқароларнинг қарорлар қабул қилишдаги фаол сиёсий  
ҳаракатлари; бу жараёнда оддий фуқаролар манфаатлари, эҳти-  
ёжлари ва интилишларини ҳисобга олиниши уларга эркинлик  
бағишлайди. Муҳими, бу қарорларнинг халқ тақдиридаги  
аҳамияти фуқароларда сиёсий масъулият руҳини шаклланти-  
ради;

-фуқароларнинг сиёсий қарорлар қабул қилишда турли ижти-  
моий гуруҳларнинг манфаатларини турли нодавлат нотижорат  
ташкилотлар ва сиёсий партиялар воситасида ифодаланишидан  
қониқишлари уларни янада фаоллаштиради; натижада ўзаро  
манфаатлар келишуви оқибатида жамиятнинг барқарор бўли-  
шига катта ҳисса қўшилади;

-бу каби иштироклар ҳар бир фуқаронни ўзлигини англашга, унинг жамиятдан ўзига муносиб ўрин эгаллашга шарт-шароитлар яратади, ўз мамлакатига эгаллик ҳиссини шакллантириб, миллий ифтихор туйғуларининг юксалишини таъминлайди;

-давлат ҳокимияти жамиятдаги барча ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар манфаатларини ўз сиёсий қарорларида ифодаланишига эришилади; мазкур қарорларнинг ҳаётда амалга ошириш натижасида сиёсий ҳокимият янада легитимлашади; давлат органларининг фуқароларни бошқариш, сиёсий қарорларни бажаришнинг таъминлашга доир жараёнлар ва маъмурий тадбирларни амалга оширишдаги фаолиятининг жамият ҳеч бир зўриқишсиз ва ихтиёрини равишда қабул қилади; шунингдек, бу фаолият фуқаролар томонидан кенг қўллаб-қувватланади;

-бу жараёнлар жамиятдаги кўпчилик фуқароларнинг сиёсий продасини ифодаланишига шарт-шароитлар яратиб, жамият ва давлат ҳокимиятининг демократик тамойиллар асосида фаолият кўрсатиш салоҳиятини оширади.

Фуқаролар фаоллигини оширишда уларнинг сиёсат ва ҳокимият ҳодисаларига нисбатан шахсий муносабатларини ифодаловчи баҳолаш ҳукмлари аҳамиятга молик маънавий ҳодисадир. Бундай шахсий-мазмуний муносабатларнинг мавжудлиги инсоннинг ўз фуқаролик бурчини англаб етган сиёсий субъект сифатида фаолият кўрсата олишини ифода этади. Шунинг учун инсоннинг қадриятларга доир муносабатларининг турлича шаклда рўй бериши (масалан, ҳокимиятга, давлатга, партияларга ва институтлашмаган субъектларга нисбатан) сиёсий маданиятнинг муҳим тузилишини тавсифлаб беради.

Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни беқийёсдир. Ҳозирги даврда Ўзбекистон жамиятида 7 млн.га яқин фуқаролар касба уюшмалари аъзолари, 800 мннгдан ортиқроқ фуқаролар эса сиёсий партиялар аъзолари сифатида жамоатчилик ишларида иштирок этади. Шунингдек, миллионлаб фуқаролар 5300 дан ортиқроқ ёшлар, хотин-қизлар, турли жамғармалар, нодавлат ноижорат ташкилотлар фаолиятнда иштирок этадилар. Мамлакат вилоятларида 661 та, туманларда 4564 та, шаҳарларда 831 та вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари депутатлари, шунингдек, фуқароларнинг 10.000 га яқин ўзини ўзи бош-

қариш органлари ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол ишти-  
рок этмоқда<sup>383</sup>.

Мустақиллик даврида ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оши-  
ришга ҳам муҳим эътибор берилди. Хусусан, мамлакатда «Ка-  
молот» ёшлар ижтимоий ҳаракати жамиятининг барча йўналиш-  
ларида кенг фаолият олиб бормоқда. Ҳаракат фаолиятининг асо-  
сий мақсади – ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш талаблар-  
ни асосида тарбиялаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш,  
ёш йигит-қизларнинг ўз ақл-заковати, куч-ғайратини тўла намо-  
ён этиши, жамиятда муносиб ўрн эгаллашлари учун шарт-шар-  
оят яратиб беришдан иборат, деб белгиланган.

Ҳаракатта Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровон-  
лиги йўлида меҳнат қилиш ва курашишни ўзи учун ҳаётий эъти-  
қод деб биладиган, ўқишда, меҳнатда, ҳарбий хизматда, жамо-  
атчилик ишларида бошқаларга ўрнак бўладиган ўн тўрт ёшдан  
йигирма саккиз ёшгача бўлган Ўзбекистон ёшлари аъзо бўлиши  
мумкин. Ҳаракатнинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари, мак-  
таблар, лицей ҳамда коллежлар, олий ўқув юртлири, меҳнат жа-  
моалари, ҳарбий қисмларда бўлим ва бошланғич ташкилотлари  
фаолият олиб боради.

Мамлакатда 14 ёшдан 28 ёшгача бўлган ёшларнинг сони 7  
миллиондан ортиқроқни ташкил этади. Ҳозирги даврда ҳаракат-  
нинг бошланғич ташкилотлари сони 20 мингдан ортиқроқни таш-  
кил этиб, улар 4 млн.дан ортиқроқ ёшларни бирлаштиради. Шу-  
нингдек, ҳаракат таркибидан унинг ҳомийлиги асосида ишлайди-  
ган, 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўқувчиларни бирлаштирган «Ка-  
малак» болалар ташкилоти ўз фаолиятини тарбиянинг ўзига хос  
ёндашув ва усулларидан фойдаланган ҳолда, болалар дунёқа-  
рашига ватанпарварлик, ижтимоий тадбирларда фаол иштирок  
этиш, ўзини ўзи бошқаришни ўрганишни сингдириш каби йўна-  
лишларга қаратган<sup>384</sup>.

Мамлакатда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги йил-  
дан-йилга ўсиб бормоқда. Фуқаролар мамлакатда амалга оши-

<sup>383</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати жорий  
архиви. Маҳаллий ҳокимият органлари сайтлари натижалари тўғри-  
сида маълумотнома, 2005. – Б. 2-4.

<sup>384</sup> «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати жорий архиви. Ташки-  
лий тизилма тўғрисида маълумотнома, 2005 й. – Б. 1.

рилаётган сиёсий жараёнлар ва ислохотларга нисбатан бепарқ эмаслар. Айниқса, фуқароларнинг ўз манфаатларини ижтимоий фаоллик ва гуруҳий нодавлат ташкилотлар воситасида ифода этиши, уларни қондиришга интилишлари ривожланиб бормоқда. Лекин, шу билан бирга, фуқароларнинг қарорлар қабул қилишдаги фаоллигини ошириш учун улар дунёқарашида демократик тамойиллар асосидаги сиёсий ва ҳуқуқий онгни сингдириш эҳтиёжлари ҳам сезилмоқда.

Фуқароларнинг фаоллиги кўпроқ қонунлар лойиҳаларини муҳокама қилиш жараёнларидаги иштирокида сезилмоқда. Утган давр ичида қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан тайёрланаётган қонунлар лойиҳаларининг аксарияти умумхалқ муҳокамасига қўйилиб, уларни қабул қилишда фуқароларнинг фикр-мулоҳазалари эътиборга олинмоқда.

Ислохотларнинг ҳозирги босқичидаги энг асосий вазифа — фуқароларнинг сиёсий онги ва дунёқарашини юкселтириш, миллий ўзлигини англашга эришишдир. Чунки демократияни юқоридан ҳеч қандай фармону қонунлар билан киритиб бўлмайди, балки унинг заруриятини ҳар бир фуқаро онгли равишда идрок этиши лозим.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистондаги жамият сиёсий ҳаётини эркинлаштириш жараёнларида давлат органлари ва жамоат ташкилотлари томонидан фуқаролик жамиятининг муҳим талабларидан бири бўлган инсон эркинлигини таъминлаш ва фаоллигини оширишга муҳим эътибор берилмоқда. Шунингдек, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойиллини ҳаётга татбиқ этиш мақсадларидан келиб чиқиб, фуқароларнинг жамиятдаги сиёсий жараёнлар ва сиёсий қарорлар қабул қилишдаги иштирокини кенгайтириш, уларга кенг ҳуқуқлар бериш, жамоат ташкилотлари ва вакиллик органларига давлат органларини жамоатчилик асосида назорат қилиш ҳуқуқини бериш ва унга жойларда амал қилишга доир ислохотлар чуқурлашиб бормоқда.

Фуқаро эркинлиги ва ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя этишга доир халқаро демократик қадриятлар миллий анъаналар билан уйғунлашган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ва қонунларида ифодаланган фуқаролар сиёсий маданиятининг ошишига ва уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол бўлишларига ҳар томонлама имкониятлар ва шарт-ша-

роитлар яратиб берди. Айниқса, фуқароларнинг нодавлат ташкилотлар, сиёсий партиялар, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида кенг иштирок этишини таъминлашга муҳим аҳамият берилмоқда.

**Такрорлаш учун саволлар:**

1. “Сиёсий мафкура” деганда нимани тушунасиз?
2. Либерализм ва консерватизм мафкураларининг мазмун-моҳияти нималардан иборат?
3. Сўл ва миллатчилик оқимидаги мафкуралар тўғрисида нима дея оласиз?
4. Демократик ва экологик мафкураларнинг асосий мақсадлари нималардан иборат?
5. Сиёсий маданият нима?
6. Ўзбекистонда фуқаролар сиёсий маданиятини ошириш жараёнларининг ўзига хос томонлари нималардан иборат?

## VI БЎЛИМ. ЖАҲОН СИЁСАТИ

### 16-МАВЗУ. ХАЛҚАРО СИЁСАТ

1. Халқаро сиёсат эволюцияси.
2. Халқаро сиёсат назариясининг ривожланиши.
3. XX аср халқаро сиёсати.
4. Ҳозирги давр халқаро муносабатларининг асосий таъмоиллари.
5. Ўзбекистон Республикаси – халқаро сиёсатнинг фаол субъекти.

#### 1. Халқаро сиёсат эволюцияси

Жаҳоннинг турли қитъалари ва минтақаларида шаклланган этносларнинг ўзини ўзи англаши жараёнида пайдо бўлган умумий бозор муносабатлари унсурларининг етилиб бориши ҳар бир жуғрофий ҳудуднинг ривожланишини бошқа ҳудудлар билан алоқаларига боғлиқ ҳолда кечишини тақозо эта бошлади. Натижада, этнослараро муносабатлар ривожланиб бориб, халқаро муносабатлар инсоний алоқаларнинг алоҳида йўналишига айланди.

Минг йилликлар ичида давлатлараро муносабатлар жаҳон халқлари ўзаро алоқалари даражасига айланганидан кейин бу алоқалар ҳар томонлама сиёсийлаша бошлади. Давлатлараро чегараларнинг пайдо бўлиши, уларнинг ичида давлатлар кучқудратининг кучайиб бориши нафақат давлат суверенитетини тинчлантирди, балки ташқи сиёсатни мустақил йўналиш сифатида ажралиб чиқишига сабаб бўлди. Ҳар бир давлат ўз ҳудудида ҳар қандай хорижий кучнинг хатти-ҳаракати устидан ўзининг тўлиқ назоратини ўрната олиш салоҳиятини қўлга киритди. Умуман, ташқи муносабатлар сиёсат учун характерли бўлган барча белгиларни ўзига хос равишда мужассамлаштиришга эришди.

Шу билан бир вақтда, бегона давлат ҳокимиятини элчилар шахсида ифодалаш каби муносабатларнинг пайдо бўлиши билан бирга, ўзаро тенг давлатлар ўртасидаги халқаро муносабатларда ва ўзаро алоқаларда бир-бирини ҳурмаглаш асосида алоҳида хатти-ҳаракат хулқи қоидалари шаклланди. Шу тарзда,



ташқи снәсий муносабатларда муаммоларни ҳал қилишнинг маданий шакллари пайдо бўлди. Умуман, ташқи снәсат олиб боришнинг намуналари анъанавий характер касб эта бошлади.

Узоқ муддатли стратегияга асосланган давлатлар (масалан, қадимги Рим) доимо кучсиз давлатлардаги вазиятларга таъсир қилар, бу ерларда ўз тилини тарқатишга, қадриятлар тизимини бузишга штилар ёки миссионерлик ҳаракатлари билан ўз маданиятлари, ҳарбий тузилиши, ҳуқуқий муносабатларини тарқатишга ҳаракат қилар эди. Давлатларнинг дипломатик муассасалари махсус хизмат, ҳарбий вазирлик, махфий органлар кабилар билан доимий алоқада фаолият кўрсатар эди<sup>385</sup>.

*Халқаро ихтилофлар ва урушлар.* Давлатларнинг янги ҳудудларни эгаллашга интилиши, уларнинг хорижий чегараларга чиқиши гўёки табиий бир ҳолатдек эди. Кучли давлатлар томонидан амалга ошириладиган экспансиялар у ёки бу халқларни ўзлари учун “худо танлаши” тўғрисидаги мессияларидан норози бўлиш, “варварлар” устидан маданий устунлик қилиш (қадимги Греция, Рим, Хитой ва бошқалар), илгари инқирозга учраган империяларда давлатнинг ворисийлигини тиклаш (масалан, герман миллатининг муқаддас Рим империяси), диний таълимотлар билан боғлиқ ҳолдаги муқаддаслаштириш воситасида асосланар эди. Бошқа давлатлар билан тўқнашувлар олдин куч ишлатиш воситасида ҳал қилиниб, сўнгра муроса қилиш йўлларини излаб топишга доир ҳаракат бошланар эди.

Давлатлар ўртасидаги торттишувлар ва ихтилофлар бир неча минглаб йиллар давом этган урушларга айланиб турди. Инсоният цивилизацияси 56 асрга тенг бўлса, шундан фақат уч асри (294 йил) тинч ўтган давр бўлди. Тарихда 8000 та тинчлик битимлари тузилганлиги қайд этилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги “абдий муддатлар”га тузилган эди. Лекин уларнинг ўртача амал қилиш муддати ҳеч қачон 10 йилдан ошмаган эди<sup>386</sup>. Умуман, уруш тарихга хос бўлган феномен, халқаро муносабатларда эса алоҳида аҳамият касб этувчи омил сифатида қабул қилинди. Қадим-

---

<sup>385</sup> Основы политической науки: Учеб. пособие. Под. ред. В. П. Пугачева. Часть II. — Москва: МГУ, 1996. — С. 201-204.

<sup>386</sup> Reinfried H., Schulte L. Das Ende aller Sicherheit? Die nukleare Herausforderung an Politik und Strategie. — Regensburg, 1985. — S. 5.

ги римликлар “тинчликни хоҳлайсанми – урушга тайёргарлик кўр” деган қонда остида янги урушга ҳарбий тайёргарлик кўрар эди.

Урушга тайёргарлик кўриш ташкил этилмаган халқаро муносабатлардаги ҳаётий зарурият, давлатлараро муносабатларда эса тинчликнинг энг мақбул кафолати эди. XVIII асрда француз ва прусс замбаракларига “қиролларнинг энг охириги далили” деган сўзларнинг битиб қўйилиши “маърифатли асрлар”да ҳам сиёсатнинг фақат куч-қудратдан иборат эканлигини ифодалар эди.

Ташқи сиёсатнинг охириги мақсадни тинчликка эришиш эканлигига доир ғоялар ҳам тинимсиз урушлар рўй бериши учун тўсиқ бўлмади. Чунки ҳар бир ҳукмдор тинчликни ўз шартларига биноан қўлга киритишга интилар эди: қаршилик кўрсатувчиларни қириб ташлаш ёки итот қилдириш. Қадимги машҳур тарихчи Тацит римликларнинг иккиюзламачилигидан ғазабланган британ қабиласи йўлбошчиси Каллакнинг қуйидаги сўзларини келтиради: “Улар саҳроларни барпо қилади, кейин уларни тинчлик деб атайдилар”<sup>387</sup>. Ўрта ер денгизи ва Ғарбий Европа Рим назорати остига тушганидан кейин “Пакс Романа” – “римча тинчлик” ибораси пайдо бўлди. Бу босқинчилик шароитидаги тинчликнинг классик намунаси эди. Кейинчалик кўплаб империялар унга тақлид қилишга интиди.

Прусс генерали ва ҳарбий назариётчиси Карл Клаузевицнинг (1730–1831 йй.) “Уруш ҳақида” номли китобида куч билан хавф солиш ва уни ташқи сиёсатда қўллашни ихчам равишда аниқловчи қуйидаги машҳур таърифи битилган эди: “Уруш сиёсатнинг бошқа воситаларда давом этишидир”<sup>388</sup>. Уруш инсоният тарихи давомида биологик зарурият сифатида эмас, балки давлатлар ичида ва халқаро майдондаги ихтилофларни қуролли тўқнашувларга айланишининг қонуниятли ривожланиши, деб таърифлана бошлади.

<sup>387</sup> Словарь крылатых латинских слов. Под ред. Боровского Я.М. –Москва, 1998.–С.751.

<sup>388</sup> Основы политической науки: Учеб. пособие. Под. ред. В. П. Пугачева. Часть II.–Москва: МГУ, 1996.–С.204-206.

## 2. Халқаро сиёсат назариясининг ривожланиши

Сиёсий фикрлашлар ва таълимотлар тарихида халқаро муносабатларни фалсафий ва назарий жиҳатдан асослашларга доир йўналишлар шаклланди. Уларда асосан ахлоқ билан куч ишлатишнинг ўзаро нисбати ва улар асосида олиб бориладиган ташқи сиёсатдаги турли муносабатлар, жумладан уруш ва тинчлик масалалари назарий жиҳатлардан талқин этила бошланди.

“Сиёсий реализм” мактабига мансуб бўлган XX асрнинг қўплаб сиёсатшунослари ўзларининг халқаро муносабатларга доир ишларида антик давр ва ўрта асрлардаги *Фукидид*, *Н. Макиавелли*, *Т. Гоббс* кабиларнинг ижодий меросларидан унумли фойдаланди. Афиналик Фукидид (э.л.п. 460–396 йй.) прагматик тарихнавислик мактабининг асосчиси эди. У биринчилардан бўлиб тарихий ҳодисаларни уни ривожланиш йўллари ва ҳаракатлантирувчи кучлари билан уйғунликда ўрганишга асос солди, шу асосда сиёсий жараёнларни таҳлил қилишга интилди. Фукидид антропологик ва психологик нуқтаи назардаги воқеликларни баҳолаб, келажакда уларни такрорланиб туриш (ривожланишнинг циклли характери) қондасини илгари сурди.

Флоренциялик мутафаккир *Никколо Макиавелли* (1469–1527 йй.) ўздан сиёсий етакчи хатти-ҳаракатлари образлари, жумладан, халқаро сиёсат тўғрисида қатор қизиқарли умумлашмалар қолдирди. У ўзининг “Хукмдор” номли трактатида муваффақиятли сиёсий хулқ қондалари тўпламини таклиф қилган эди. Унинг халқаро сиёсатга доир айрим тезислари қуйидагилардан иборат эди:

–“Босиб олиш ҳиссиёти – одатдаги ва табиий бир ҳолдир; бунда ким ўз имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ҳаракат қилса, уни ҳамма маъқуллайди ёки ҳеч ким у ҳақда ёмон фикрламайди”;

–“Зарур бўлган уруш адолатлидир ва ягона умиддан иборат қурол муқаддасдир”;

–“Агар зарурат мажбур қилмаса, ўзингдан кучли бўлган давлат билан иттифоқ бўлишдан қочиш яхшидир”<sup>389</sup>.

---

<sup>389</sup> Макпавелли Н. Избранные сочинения. – Москва: 1982. – С.307, 309-310, 367, 376.

Н.Макиавеллининг бошқа кўплаб ғоялари (сунъий “душманлар яратиш” тўғрисида, кафолатли галабага эришиш, сиёсий воқелик билан уни идрок этишининг ўзаро фарқлари каби) кейинчалик халқаро сиёсий назария ва амалиётда ривожланди.

Сиёсатшуносларнинг ҳозир ҳам эътиборини тўртиб келаятган ғоя—бу пағлиз файласуфи *Томас Гоббс*нинг (1588-1679 йй.) кучлар роли ҳақидаги шарҳи ва “ҳамманинг ҳаммага қарши уруши” концепциясидир (“Левиафан”, 1651 й.). Гоббснинг ғоялари кейинчалик “кучлар мувозанати” концепциясининг фалсафий-ҳуқуқий ва ахлоқий-этикавий асоси бўлиб хизмат қилди<sup>390</sup>.

XIX асрда Британия империясининг ҳокимияти ер юзининг қуруқликдаги ҳудудларини (Антарктидадан ташқари) тўртдан бирига тарқалди, Россия империяси қуруқликдаги ҳудудларнинг олтидан бирига, Франция эса ўндан бирига эгаллик қила бошлади. Бу уч давлат ер юзининг ярмидан кўпроғини назорат қила бошлади; деярли бутун ер юзи мустамлакашлар ерларига ва империяларга бўлинган эди.

Наполеон урушларидан кейин Европада ҳам анча ўзгаришлар бўлди. 1815 йилдаги Вена конгресси натижасида қитъада халқаро муносабатлар тизими шаклланиб, кейинчалик у “европа концерти” номини олди. Бешта монархик давлат (Россия, Англия, Австрия, Пруссия, Франция) ҳеч қандай бошқа давлат фойдасига кучқудратни қайтадан тақсимлаш имкониятини бермайдиган Европа сиёсатининг “мувофиқлашувчи моделини” яратишга интилди. Бунда бир давлатнинг кучайиши унга нисбатан ён беришни талаб қила оладиган даражада кучсизроқ давлатларни яқинлашишига олиб келадиган, яъни куч воситасида таъсир этиш каби муносабатларни ривожлантириш кўзда тутилган эди. Буюк Британия бу “концерт” сиёсатини ўтказишда бош “мувозанатлаштирувчи” ролин уйнаб, халқаро муносабатларда анча муваффақиятларга эришди: XIX асрни Фарбда тарихнинг Рим империяси давридагидек, “Паке Британика” деб аташ русумга кирди<sup>391</sup>.

Ҳозирги даврга 1815–1914 йилларда умумевропавий урушларнинг бўлмаганлиги сиёсатшуносларда “европа концерти” ме-

---

<sup>390</sup> Основы политической науки: Учеб. пособие. Под. ред. В. П. Пугачева. Часть II.—Москва: МГУ, 1996.—С.206-208.

<sup>391</sup> Ўша жойда.—С.209-210.

ханизмларини тадқиқ қилишга катта қизиқиш уйғотмоқда. АҚШ сиёсий арбоби *Г. Киссинджер* ҳам унинг аҳамиятини юксак баҳолаган эди. Шу билан бирга, америкалик тарихчи *Г. Крейг* бу моделни XX асрда ҳам қўллашга шубҳа билан қарайди: “Меттерних-Бисмарк тизими алоҳида сабабларга биноан ҳам унумли бўлган эди. У мафкуравий жиҳатдан яхши бўлиб, унинг иштирокчилари қатъий чекланган эди... Халқаро сиёсий ҳаёт ҳали плебснинг таъсири ва иштирокига учрамаган эди. Бугун эса бундай омиллар етишмайди”<sup>392</sup>.

### 3. XX аср халқаро сиёсати

XX асрда халқаро сиёсатнинг мазмун ва моҳияти ўзгарди. Ривожланган давлатлар ҳужаликларининг ўзаро чапишиб кетиши, бир-бирига кириб келиши, ўзаро молиявий туташувлар ва кенгайиб бораётган ўзаро сиёсий муносабатлар соғлом фикрлар нуқтан назаридан тинч ривожланиш учун ишончли асослар яратди. Бутун бир аср ҳарбий хавф остида ўтиб, у тарихга қонли аср номи билан кирди: биринчи жаҳон урушида 20 млн., иккинчи жаҳон урушида 60 млн., “совуқ уруш” давридаги маҳаллий ихтилофларда эса 20 млн. одамлар йўқ қилинди.

Биринчи жаҳон урушидан кейин империяларнинг иттифок бўлиб, бир-бирига қарши курашиши ўрнига ғолиб давлатлар (АҚШ, Англия, Франция, Италия, Япония) томонидан ўйлаб топилган ва қўллаб-қувватланган халқаро муносабатларнинг Версал-Вашингтон тизими шаклланди. Бу тизимнинг диққат марказида иштирок этувчи мамлакатлар манфаатларини, биринчи навбатда, хавфсизлик соҳасидаги эҳтиёжларини мувофиқлаштиришга йўналтирилган *Миллатлар Лигаси* турди. Уни тузиш ташаббускори АҚШ Президенти *Вудро Вильсон* эди. Лекин В. Вильсоннинг Англия ва Францияга қўй ён босганишгидан норози бўлган сенат Версал битимини ратификация қилишга розилик бермаганлиги сабабли ҳам АҚШнинг ўзи Миллатлар Лигаси аъзолигига кирмай қолди. Вудро Вильсон урушдан кейинги келишув лойиҳасининг “14 моддаси” (январь 1918 й.) муаллифи сифатида ҳам

---

<sup>392</sup> Петровский В.Ф. Доктрина “национальной безопасности” в глобальной стратегии США. – Москва:1980. –С.111-112.

машҳур бўлди. АҚШда ана шу лойиҳа асосида “идеалистик” мактаб деб аталувчи оқим халқаро муносабатларнинг умумий назариясини ишлаб чиқишга киришди. Лекин Миллатлар Лигаси қуролланишни қисқартириш, мустамлакачиликни камайтириш, 30-йиллардаги Германия, Италия ва Япония агрессияларини тўхтатиш каби халқаро муаммоларни бартараф эта олмади. Яна янги жаҳон уруши бошланди.

1945 йилда БМТ ташкил топди; ўзаро ёрдам тўғрисида бир неча икки томонлама битимлар имзоланди. Лекин ғалаба нашидаси узоқ давом этмади. Совуқ уруш даврида шаклланган халқаро муносабатлар тизими уруш давридаги ҳолатлардан кескин фарқ қилди. Бинолярд дунё Европанинг бўлиниши, ядро хавфи, қуролланиш пойғаси, улуг давлатларнинг баъзан очиқ, баъзан яширин иштирокидаги маҳаллий урушлар, “душман образини” яратувчи психологик урушлар, блокадалар ва эмбарголар дунё сиёсатини янги босқичини характерлаб, бу жараёнлар қирқ йилга яқин давом этди.

Бу пайтларда халқаро муносабатлар зўр бериб ривожланди. Илмий-техника инқилоби ишлаб чиқариш соҳасида беқиёс ўзгаришлар бўлишига олиб келиши натижасида уни тузилмалари ўзгарди, давлатлар ва минтақалар ўртасидаги интеграциявий жараёнлар кучайди, товарлар оқими, капитал ҳажми, хизмат кўрсатиш, ахборотлашув кенгайиб борди, унга мутаносиб равишда ишчи кучлари ҳам кўпайди. Ҳозирги даврга келиб келиб 850 мингдан ортиқ хорижий филиалларни назорат этувчи 70 мингта транснационал корпорациялар (ТНК) фаолият юритмоқда. Қисқаш учун: 1939 йилда 30 та, 1970 йилда 7 мингта, 1976 йилда 11 мингта ТНК мавжуд эди. Сўнгги ўн йилликда ТНКлар тахминан жаҳон савдосининг 2/3 қисмини назорат қилмоқда; уларга жаҳон саноат ишлаб чиқаришининг 1/2 қисми тўғри келади; ТНК корхоналарида тахминан ноқишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлганларнинг 10 фонзи меҳнат қилади<sup>393</sup>.

Ишлаб чиқаришни умумлаштириш тамойиллари таъсирида ривожланган мамлакатларда давлатнинг иқтисодийдаги роли

<sup>393</sup> ТНК: история, возникновения, этапы развития//<http://uchebnik-besplatno.com/uchebnik-mejdunarodnie-otnosheniya/tnk-istoriya-voznikoveniya-etapyi-razvitiya.html>.

секинлик билан ўсиб борди. Бу омил 100 дан ортиқ янги мустақил давлатлар пайдо бўлиши жараёнларида иқтисодийдаги транс-националлаштириш ва сиёсатдаги интеграциялашув билан ўзини хос зиддиятларга киришди. Давлатларнинг қўшни ва оқимдаги давлатларга нисбатан таъсир қилиш воситалари сифат жиҳатидан ўзгариб, таъсир этиш воситалари бир неча марта кўпайди. Ядро қуролларининг тўпланиши билан бир қаторда. Клаузевиц-нинг машҳур таърифи талқинлари ҳам ўзгарди. Энди ядро уруши ҳеч вақт сиёсатнинг оқимона давом этиши бўла олмас эди. Қуролланиш пойгаси ҳарбий-техникавий мусобақадан иқтисодий эзиш воситасига айлана бошлади. Қурол-яроғларнинг тўпланиши эндиликда хавфсизликни мустаҳкамлаш воситаси бўлмай, балки тескари натижалар бера бошлади<sup>394</sup>.

Ер юзида ижтимоий-иқтисодий, экологик ва бошқа муаммолар кескинлашиб, уларни энди фақат глобал миқёсда ҳал қилиш мумкин бўлиб қолди. Умуминсоний манфаатлар гуруҳлари шакллана бошлади. Шу билан бирга, ўзаро курашлар халқаро ташиқлотларнинг кўп босқичли тузилмавий тарзда ривожланишини бўғиб қўйди, ўзаро фойдали ҳамкорликларга халақит бера бошлади. XX асрнинг 90-йилларига келиб “совуқ уруш” сиёсатини барҳам берилиши натижасида халқаро муносабатларнинг ривожланиши учун янгича шарт-шароитлар туғилди.

#### 4. Ҳозирги давр халқаро муносабатларининг асосий тамойиллари

*XX аср ўрталаригача бўлган даврдаги назариялар.* XX асрга келиб халқаро муносабатлар соҳасидаги сиёсий тадқиқотлар янги сифат ўзгаришларига эга бўлди. Агар ўтган асрда халқаро жараёнлар ўз ҳолича ривожланиб, назарий изланишлар давлатнинг имконият даражасидаги йўлга кам таъсир этган бўлса, янги асрга келиб илмий йўналишларнинг халқаро муносабатларга таъсири ўсиб борди.

Халқаро сиёсат назариялари ичида пролетариат “доҳийларининг” дунё тартиботида инқилобий трансформация концепцияси

---

<sup>394</sup> Основы политической науки: Учебное пособие. Под. ред. В. П. Пугачева. Часть II. —Москва: МГУ, 1996. —С.210-213.

пайдо бўлди. Бу концепция учун қуйидагилар характерлидир: дунё муаммоларини таҳлил қилишга синфий нуқтаи назардан ёндашув, давлатнинг ташқи сиёсатини ички сиёсат билан алоқадорликда ўрганиш, халқаро муносабатларни ҳар бир тарихий даврда аниқ ижтимоий-иқтисодий формациялар ривожланиши қонуниятлари билан боғлиқ эканлиги, кучлар жойлашувининг объектив ва субъектив омилларини тадқиқ этиш.

XX асрда халқаро муносабатлар назариясининг номарксистик йўналишлари иккита қутблашган оқимлар асосида ривожланди. Уларни шартли равишда “кучлар мувозанати”, “ўзаро ҳаракат”, “интеграция”ларнинг турли муқобил ғоялари, деб аташ мумкин.

XX аср бошларидаги сиёсатнинг глобаллашуви ва “империализм иттифоқлари”нинг шаклланиши мўлжалланган тамойиллар тўғрисида фикрлашга нисбатан янги, умумдунёвий ёндашувларни илгари суришга кўпроқ имкониятлар яратди. 1904 йилда таниқли инглиз олими Хальфорд Маккиндер ўзининг халқаро жараёнларни концепцияларда ифодалашга доир қарашларини эълон қилди. У кейинчалик “геосиёсат” деб аталди. Маккиндер шундай деб ёзган эди: “Агар ким Шарқий Европани бошқарса, у Евроосиёнинг Хартлендига (ўрта ерларига) раҳбарлик қилади; агар ким Хартлендни бошқарса, Европа, Осиё, Африканинг дунё оролларига раҳбарлик қилади, агар ким дунё оролларини бошқарса, бутун дунёга раҳбарлик қилади. Хартлендга савдо либерализмининг ватани бўлган “ороллар мажмуаси” (Америка, Австралия, Океания, Буюк Британия) қарама-қарши туради”<sup>395</sup>.

Давлатларнинг аҳволи, сиёсати, тарихий тақдири учун географик омилларнинг аҳамияти тўғрисидаги ғоялар (уларнинг ривожини *Ф. Ратцель*, *Р. Челлен* асарларида кузатиш мумкин) унумли назариялар сифатида синовлардан ўтди. Классик мисол: Альп тоғининг геологик тузилиши Италиядан Марказий Европа томон юришларни қийинлаштиради, лекин унинг акси бутунлай бошқача бўлиб, у тарихда муҳим рол ўйнади. Денгизга чиқиш, табиий бойликлар, иқлим, шунингдек, чегараларнинг жойлашуви, қўшниларнинг қандай бўлиши – буларнинг ҳаммаси давлатлар ресурсларини тақсимлашда ва улар ташқи сиёсатини режалаштиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

---

<sup>395</sup> Элементы. Евразийское обозрение. 1992, № 1.—С.6.



Халқаро муносабатларнинг бу моделининг асосий камчилиги дунё сиёсатини бараварлаштиришнинг турли компонентларидан бирини мутлақлаштиришдир. (*К. Хаусхоффер* томонидан ривожлантирилган бу ғоялардан кейинчалик фашистлар Германияси ўзининг агрессив сиёсатини асослаш учун фойдаланди: “ҳаётий кенглик”лар тўғрисидаги тезислар ва бошқ.). Ирқчилар қарашлари билан қоришиб кетиш узоқ вақт “геосиёсат” сўзининг обрўсини тўкиб келди. Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги йилларда АҚШда “геосиёсат” ғояларини фаол равишда ишлаб чиққан олим *Н. Спайкмэндир*. Бу ғоялар “*сиёсий реализм*” мактаби вакилларига кучли таъсир қилди.

Халқаро сиёсатнинг назарий фикрлаш йўналишларидан бири – “*сиёсий идеализм*” – АҚШда урушлар ўртасидаги даврда ривожланди. Тадқиқотчиларнинг асосий қисмини халқаро ҳуқуққа доир мутахассислар ташкил этганлиги учун ҳам бу мактаб умумий ёндашувлар мазмунини белгилаб бера олди.

“Сиёсий идеализм” тарафдорлари “кучлар мувозанати” ғояларини инкор қилиб, улар дунё сиёсатини “ҳуқуқ” ва “ахлоқий” категориялар воситасида ифодалай бошлади ва ўз моделларини ҳуқуқий асосларда бўлишига интилди. Унинг натижалари Европа ва глобал воқеликларни яхши ифодалай олмайдиган “идеал” мезонлар воситасида қуришдан (конструкциялашдан) иборат бўлди (унинг номи шундан олинди). Бу даврнинг халқаро сиёсатшунослари (*Ж. Шоттуэл, Д. Перкинс, Ф. Танненбаум, В. Дин*) халқаро ташкилотлар ролини ошириб кўрсатиб, уларни “кучлар мувозанати”га қарама-қарши қўйди<sup>396</sup>.

АҚШда XX аср 40-йилларининг иккинчи ярмида “совуқ уруш” сиёсати таъсирида “*сиёсий реализм*” мактаби пайдо бўлди. У узоқ давр сиёсий академик мажмуа доирасида ҳукмронлик қилди, халқаро масалалар билан шуғулланувчи давлат тузилмаларига кучли таъсир кўрсатди. “Сиёсий реализм” ва унга яқин бўлган “стратегик таҳлил” мактаби вакилларига қуйидаги олимлар ва сиёсатчилар киради: *Ж. Кеннан, У. Литтман, З. Бжезинский, Р. Страус-Хюне, Ж. Болл, У. Ростоу, Г. Киссинджер, К. Томпсон, С. Хантингтон, Р. Арон* (Франция), *Ж. Френкель* (Англия) ва

---

<sup>396</sup> Основы политической науки: Учеб. пособие. Под. ред. В. П. Пугачева. Часть II. – Москва: МГУ, 1996. – С. 213-215.

мактабнинг тан олинган назариётчиси *Ганс Моргентау*, *Э.Карр* ва бошқалар.

“Сиёсий реализм”га илгари ўтган давр мутафаккирларидан *Н.Макиавелли*, *Т.Гоббс*, XIX асрдаги немис тарихчиси *Л. фон Ранке* ва XX аср инглиз тарихчиси *А.Тойнби*, шунингдек, бошқа геосиёсат назариётчилари сезиларли таъсир кўрсатди. Бу мактабнинг бевосита фаол тадқиқотчилардан бири – файласуф, теолог, неопротестантизм вакили *Р.Нибурдир*. У ўзининг “Ахлоқли инсон ва ахлоқсиз жамият” номли китобида (1933 й.) сиёсат билан ахлоқнинг бир-бирига зид келиши тўғрисидаги тезисни илгари суриб, “идеалистлар”ни халқаро муносабатлардаги “миллий манфаатлар” кучларини тан олмасликлари хато эканлигини қаттиқ танқид қилди.

“Реалистлар” дунёдаги аҳволнинг такомиллашмаганлиги инсон табиатидан келиб чиқадиган кучлар ҳаракати натижаси, деб талқин қилиб, улар бу кучларга қарши чиқмасликка чақирди. “Реалистлар” томонидан “миллий” деб аталган давлат манфаатлари концепцияси ҳар томонлама пухта ишланди. Доимий манфаатларга “миллий хавфсизлик” (ташқи хавфдан ҳимоя), иқтисодий манфаатлар (ҳамкорлар билан алоқаларни сақлаш, экспорт салоҳияти ва хорижий инвестицияларни ошириб бориш, ички бозорни ҳимоя қилиш), “дунё тартиботини қўллаб-қувватлаш манфаатлари” кабилар тааллуқли, деб қаралди. Шунингдек, итоат этувчи ролини ўйновчи ёки бир вақтнинг ўзида пайдо бўлувчи манфаатлар ҳам мавжуддир<sup>397</sup>.

Моргентау сиёсий реализмнинг таянч принциплари сифатида қуйидагиларга асосланди:

- 1) халқаро муносабатлар соҳасида сиёсий фаолиятнинг юз бериши мумкинлиги характерини англаш;
- 2) миллий манфаатларни ҳар қандай давлат ташқи сиёсатининг асоси сифатида ажратиб олиш (миллий манфаатлар тушунчаси куч ва қудрат сифатида талқин этилади);
- 3) психологизмдан қочишга интилиш: халқаро муносабатлар назариясини тадқиқ этиш объекти ният эмас, балки давлат арбобларининг мотивлари, уларнинг амалий хатти-ҳаракатларидир;

---

<sup>397</sup> Основы политической науки: Учеб. пособие. Под ред. В. П. Пугачева. Часть II. – Москва: МГУ, 1996. – С.215-217.

4) миллий манфаатларни тарихий даврлардан, сиёсий ва маданий омиллардан мустақил равишда англаш;

5) сиёсий оқилоналик ва масъуллик этикаси принциплари ахлоқли ташқи сиёсат асоси сифатида;

б) халқаро муносабатларни халқаро майдондаги таъсир ва ҳокимият учун кураш сифатида тавсифлаш<sup>398</sup>.

Бу даврда ўз манфаатларини амалга ошириш учун кураш давлатга дунёда ўз кучига мувофиқ ҳолатни эгаллашни тақозо этди. “Куч” ёки “қудрат” кенг шарҳланди. *Л.Халле* давлат қудратини “муддаодаги натижаларга ҳар қандай воситалар – устамонлик, эпчиллик, ишонарли далиллаш, шантаж, савдо, таҳдид ёки бўйсундирувчи хатти-ҳаракатлар, шунингдек, раҳм-шафқат, ғашга тегиш ёки қўполлик келтириб чиқариш маҳорати билан эришиш қобилияти”<sup>399</sup>, деб талқин этди.

Машҳур дипломат *Ж.Болл* қудратли давлат формуласини қуйидагича таклиф этади: “ресурслари ва аҳолисининг континентал миқёси + ички ҳамжиҳатлиги ва барқарорлигининг юқори даражаси + кучли лидерлар”<sup>400</sup>. *Г.Моргентау* хусусан, дипломатияни ажратиб кўрсатган ҳолда кучнинг тўққизта унсурини кўрсатиб берди. Унинг муваффақиятли эътироф этилишини барча “реалистлар” унинг ҳарбий кучга таянишига боғлади. “Реалистлар”нинг консерватик оқими вакили *Р.Осгуд* кучнинг “бош меъёри” – бошқа миллатлар манфаатлари билан рақобатлашув, сўнгги восита сифатида уларни сиқиб чиқариш қобилиятидир”<sup>401</sup>, деб талқин этди.

---

<sup>398</sup> Антанович Н., Достанко У. Ганс Моргентау: реалистическая теория международной политики// <http://filosof. historic.ru/books/item/f00/s01/z0001087/st000.shtml>.

<sup>399</sup> Пономарева И.Б. Стремление к власти над народами: теория и практика американской политики “баланса сил”. – Москва, 1983. –С.15.

<sup>400</sup> Ball G.The Discipline of Power. Essentials of Modern World Structure.-Boston,1968.-P.16. (Ж.Франкел, Ж.Болл, У.Ростоу, О.Холсти, Д.Бодроу ва Р.Мейерс асарларидан келтирилган иқтибослар қуйидаги манбадан олинди: Основы политической науки: Учеб. пособие. Под. ред. В. П. Пугачева. Часть II. –Москва: МГУ,1996).

<sup>401</sup> Современные буржуазные теории международных отношении (критический анализ). – Москва, 1976. – С. 104.

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб “сиёсий реалистлар”ни “модернистлар” оқими танқид тиғи остига олди. Улар қуйидаги айбловларни илгари сурди: асосий тушунчаларда (“кучлар мувозанати”, “хавфсизлик” ва бошқ.) аниқликнинг етишмаслиги; ривожланиш тамойилларини олдиндан билиш имкониятларининг чекланганлиги; сонлар билан боғлиқ усуллардан фойдаланиш имкониятининг йўқлиги. Шунингдек, “модернистлар” “сиёсий реалистлар”нинг қуйидаги камчилигига ҳам эътироз билдирди: халқаро муносабатлар тизимидаги барча ҳаракатлар “икки тур ва йўналишга қаратилади – кучлар мувозанатини бузиш ёки тиклаш”<sup>402</sup> ёки “реалистлар” олдиндан кўриш ёки воқеликларнинг бир қисмидан олинган хулосаларни унинг бошқа қисмларига ёйишга олиб борувчи усуллардан фойдаланмайди”<sup>403</sup>.

*Халқаро муносабатларнинг “модернистик” назариялари.* “Модернистлар” ўзига қарши “анъаначилар”, яъни “идеалистлар” ва “реалистлар”га нисбатан зид равишда илмий-техникавий инқилоб жараёнлари ва ютуқларини халқаро муносабатлар моделлари билан боғлашга интилди.

Бу янги оқим вакиллари ўзларининг асосий диққат - эътиборларини асосан турли маълумотлар йиғиш ва ЭҲМ ёрдамида таҳлил қилиш асосида янги моделлар ташкил этишга қаратди. Бу халқаро муносабатлар назариясини замонавий тарзда таснифлаштириш учун “модернистик” гуруҳни “анъаначилар”нинг “мьёрий” (норматив) гуруҳига қарама-қарши ўлароқ “эмпирик-таҳлилий” деб аталишига асос яратиб берди.

Модернистик йўналиш неопозитивизм фалсафасига таяниб, ўз назарияларини бойитиш учун физика, кибернетика, математикалардан тўғридан-тўғри ва яна улардан кўпроқ социология, психология, антропология воситасида кўп нарсаларни ўзлаштирди. Модернистлар халқаро ихтилофларни ижтимоий ихтилофларнинг ўзига хос рўй бериши, деб талқин этиб, сиёсатшунослик назарияларига бихевноризм (хулқий нуқтаи назардан ёндашув) ва тузилмавий функционализмни фаол равишда кирита бошлади.

---

<sup>402</sup> Holsti K. Retreat from Utopia: international Relations Theory.- University of British Columbia, 1970.-P.6.

<sup>403</sup> Bodrow D. International Relations. -New Approaches. -N.V., 1972. -PP.7-8.

XX асрнинг 60-йилларидаги илк “модернистлар” *Куинси Райт*, *Карл Дойч* ва *Мортон Каплан*лар эди. Бу йўналиш оқимида тизимли таҳлил (*М.Каплан*, *А.Органски*, *Д.Сингер*), ташқи сиёсат (*Ж.Розенау*), интеграциявий (*К.Дойч*), халқаро ихтилоф (*О.Холсти*, *Б.Броди*, *Р.Роузкранс*), халқаро ташкилотлар (*Э.Хаас*, *У.Фокс*, *Ж.Най*) каби мактаблар шаклланди.

Модернистлар давлатлар сиёсати таҳлилидаги ўзгаришларни алоҳида қайд қилиб борди. Илгарилари давлатнинг халқаро муносабатларга нисбатан аниқ нуқтаи назари бор, у “миллий манфаатлар” асосида ўз йўлини аниқлаб олган яхлит бирлик, деб ўрганилган эди. Эндиликда уларнинг ўзлари ташқаридан бўладиган таъсирларга учраган тизим сифатида ўрганила бошланди. Ташқи сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнлари, халқаро муаммолар соҳасидаги элиталар ва ҳукуматларнинг ўзаро ҳаракатларини таҳлил этишга муҳим эътибор қаратила бошланди. Энди асосий диққат-эътибор нодавлат халқаро муносабатлар субъектлари, халқаро ташкилотлар, транснационал корпорациялар кабиларга қаратилди.

Модернист-бихевиористлар вакилларининг бир қисми халқаро муносабатлар умумий назариясининг ўнлаб моделларини, кўплаб хусусий (“орол”) концепцияларини таклиф этди. Уларнинг ичидан “воқелик – ўзаро ҳаракат” (*Ч.Макклелланд*), “рағбатлар – реакция” (*Р.Норт*), “қарор қабул қилиш” (*Р.Снайдер*, *Б.Брак*), “бюрократик келишувлар” (*Г.Аллисон*, *И.Дестлер*, *М.Гальперин*) каби моделларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

“Модернистик” ва “анъаначи” ёндашувлар ўртасидаги фарқлар тўғрисида тасаввурга эга бўлиш учун “сиёсий реализм” мактабининг баъзи бир назарий қоидаларини XX асрнинг 70-80-йилларида урф бўлган “ўзаро боғлиқлик” билан қиёслаш мумкин. Агар “реалистлар” рўйхатидаги давлатлар мақсадларида куч билан кафолатланган хавфсизликка интилиш устуворлик касб этса, “ўзаро боғлиқлик” тарафдорлари тушунчасига кўра хавфсизлик – бу ресурслар тақсимланишидаги назорат механизмлари мажмуасидир<sup>404</sup>.

---

<sup>404</sup> Основы политической науки: Учебное пособие. Под. ред. В. П. Пугачева. Часть II.–Москва: МГУ,1996. –С.219-221.

Ҳозирги давр халқаро муносабатларининг асосий тамойиллари. “Совуқ уруш” сиёсати дунё ва Европа миқёсида ҳарбий урушларсиз барҳам топди. Бу ҳолат дунё жамоатчилигида глобал тамойилларни барқарор характерда бўлишига, дунёдаги турли сиёсий акторлар манфаатларини келиштиришга умид уйғотди. Лекин бугунга келиб шу нарса ойдинлашдики, Шарқ билан Ғарб ўртасидаги қарама-қарши курашнинг тўхташи фақат дунё сиёсатидаги зиддиятларнинг бир қисминигина келиштира олади, холос.

Ҳозирги замон халқаро жараёнларининг баъзи-бирлари халқаро муносабатларнинг биполяр тизими тугатилиши билан боғлиқ бўлиб, улар сиёсий харитадан қатор давлатларнинг йўқолиши, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши ва Варшава шартномаси ташкилотларининг тарқатилиши, янги ташкил топган давлатлар ташқи сиёсий фаолияти йўлларининг ўзгариши, эски давлатлар ташқи сиёсатини қайта кўриб чиқилиши, бегона ҳудудлардан қўшинларни олиб чиқиб кетилиши, шунингдек, Шарқий Европа ва МДҲ давлатларидаги интеграциявий тамойилларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир.

Дунёнинг блокларга бўлиниши ҳарбий-сиёсий иттифоқлар ичида барқарорликни сақлашга доир шарт-шароитлар яратди. Янги пайдо бўлган вазиятлар ихтилофлашувнинг ошишига ва ўнлаб “қайноқ нуқталар”нинг пайдо бўлишига, баъзан ҳарбий кучлар қўллашга (Тоғли Қорабоғ, Осетия, Абхазия, Днестрбўйи, Югославия ва ҳоказо) сабаб бўлди. Клаузевиц формуласи Европада яна реалликка айлана бошлади. Ғарб билан Шарқ ўртасидаги рақобатлашув ер шарининг кўплаб давлатларига нисбатан устмонлик билан муносабатларда бўлиш учун имкониятлар яратди. Ҳаракат майдонларининг қисқариб бориши Шимол билан Жануб ўртасидаги муносабатларда ҳам маълум бир ҳушёрлик уйғотди.

“Совуқ уруш” сиёсатининг тугаши амалда ўзаро қарама-қарши курашаётган томонлардан фақат бирига тааллуқли шарт-шароитларда рўй берди. Бу ҳолат давлатларнинг чекланган гуруҳи (масалан “еттилик”, кейинчалик “саккизлик”) бошчилигида халқаро ривожланишни “бир қутбли дунё” йўналишида мўлжал олиши учун объектив имкониятлар яратди<sup>405</sup>. Агар бу

---

<sup>405</sup>Основы политической науки: Учеб. пособие. Под. ред. В. П. Пугачева. Часть II. —Москва: МГУ, 1996. —С.221-222.

тамойил янгидан бошланса, *Г.Моргентау*нинг XX асрнинг 70-йилларида айтган башорати тўғри чиқади: “Агар устунлик учун интилаётган давлатлар ўзининг техника соҳасидаги устунлигини таъминлай олишга қодир бўлса, ҳозир ҳеч қандай технологик тўсиқлар дунё империяси йўлида туриш бера олмайди”<sup>406</sup>.

Лекин халқаро соҳани мувофиқлаштиришда сиёсий тузилмалар ва механизмларнинг устуворлик қилишига қарамай, жаҳонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг ҳуқуқий ва маънавий жиҳатлари ҳам ривожланмоқда. XX асрнинг 70-йиллари ўртасида Хельсинкида (Финляндия) Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг якуний ҳужжатларида ҳозирги давр халқаро муносабатларининг қуйидаги принциплари қабул қилинди: давлатларнинг суверен тенглигини эътироф этиш; ўрнатилган чегараларнинг бузилмаслиги; халқаро муносабатларда куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик принципи; давлатларнинг ҳудудий яхлитлигини эътироф этиш; тортишувларни тинч йўл билан ҳал этиш; бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик; инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилиш; халқларнинг тенг ҳуқуқли эканлиги ва уларнинг ўз тақдирларини ўзлари идора этиш ҳуқуқи; давлатлараро ҳамкорликнинг зарурият эканлиги ва халқаро ҳуқуққа доир мажбуриятларни ҳалоллик билан бажариш.

Бу принципларнинг амалга оширилиши ва Европа давлатлари томонидан ҳақиқий қўллаб-қувватланиши ўз хавфсизлигини таъминлаш учун интилаётган барча давлатларнинг узоқ муддатли манфаатларига мувофиқ келиши билан боғлиқ эканлиги муҳим аҳамият касб эта бошлади. Хельсинки ҳужжатларини имзолашдан кейинги давр шуни кўрсатдики, бу принципларни Европа ҳамжамияти ҳар томонлама қўллаб-қувватлади ва ҳаётда ҳам уларга амал қила бошлади. Шунга мувофиқ равишда агрессия, ҳудудий экспансия, инсон ҳуқуқлари бузилишига доир этикавий стандартлар ҳам ўзгариб борди<sup>407</sup>.

“Янги дунё тартиботи” халқаро муносабатлар тизими сифатида ҳали оёққа туриш босқичида бўлиб, унинг тузилмалари

---

<sup>406</sup> Morgenthau H. Politics Among Nations.-N.Y.,1972.-P.333.

<sup>407</sup> Международный политический процесс // [http://nicbar.ru/theoria\\_politiki21.htm](http://nicbar.ru/theoria_politiki21.htm).

шаклланиб бормоқда. БМТ фаолияти анча жонланиб, унинг институтлари мақсадга мувофиқ ҳаракат қила бошлади. Хавфсизлик Кенгаши бир неча йиллар нисбатан тўла яқдиллик асосида ишламоқда.

Халқаро ташкилотларнинг кун тартиблари ҳам ўзгариб бормоқда: дунё сиёсати ўқи Шимол-Жануб йўналиши томон силжимоқда. Халқаро хавфсизлик масалаларига янгича ёндашувларсиз ривожланган мамлакатлар билан ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги 30-40 барабар фарққа эга бўлган ҳаёт кечириш даражасини бир-бирига яқинлаштиришнинг қийин кечиши, ҳозирги даврнинг бошқа глобал муаммоларини ҳал этиб бўлмаслиги каби муаммолар ўз ечимини кутмоқда.

Қуролсизланиш масалаларида илгари силжишлар рўй берди – оммавий қиргин қуролларини тарқатмаслик вазифалари ўз аҳамияти жиҳатидан биринчи ўринга чиқди. Германия, Италия ва Японияни ядро қуролига эга бўлмаслиги учун дастлабки мақсадлар – тарқатмаслик режими энди кўпроқ “учинчи дунё” давлатларига нисбатан қўлланмоқда.

Давлатлар қудратини қайта тақсимланишининг глобал жараёнлари давом этмоқда. Германиянинг бирлашувидан кейин (1990 й.) унинг ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати Россиядан ўтиб кетди. Марказий Европада дунё миқёсидаги янги куч марказлари пайдо бўлди. *Маастрихт* шартномаси (1991 й.) асосида Европа ҳамкорлигининг мустаҳкамланиши континентда ривожланган мамлакатларнинг кучли бирлашмасини тузмоқда, кўплаб давлат органлари ваколатлари умумий ташкилотларга берилмоқда. XX асрнинг 90-йилларига келиб Канада - АҚШ - Мексика минтақасида интеграциявий жараёнлар тезлашди. Янги минтақавий таъсир этиш марказлари шаклланимоқда. Бу тамоийилларни давом этаётган иқтисодиётни транснационализациялашуви билан ўзаро таъсири халқаро сиёсий жараёнларни биполяр дунё даврига нисбатан янги минг йилликда янада мураккаб ва қизиқарли бўлишини тақозо этмоқда<sup>408</sup>.

Жаҳон тараққиётига, жумладан халқаро муносабатларга нисбатан турли таъсирларнинг кучайиши оқибатида *глобал му-*

---

<sup>408</sup> Основы политической науки: Учеб. пособие. Под. ред. В. П. Пугачева. Часть II. – Москва: МГУ, 1996. – С. 223-224.



*аммолар* мажмуалари пайдо бўлмоқда. Бу муаммоларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

-ижтимоий-сиёсий характердаги муаммолар: ядро урушини олдини олиш; қуролланиш пойгасини тўхтатиш; минтақавий давлатлараро ихтилофларни бартараф этиш; умумий хавфсизлик тизимини ташкил этиш, халқлар ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлаш воситасида тинчликни қўллаб-қувватлаш;

-ижтимоий-иқтисодий муаммолар: заиф ривожланишга ва у билан боғлиқ бўлган қашшоқлик ва маданий қолоқликка барҳам бериш; жаҳон ялпи маҳсулотини самарали тарзда ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш; энергетика, хом ашё ва озиқ-овқат инқирозларини бартараф этиш йўллари топиш; ривожланаётган мамлакатларда демографик вазиятларни оптималлаштириш; жаҳон океанларини ва қуруқлик атрофидаги кенгликларни ўзлаштириш;

-инсонларнинг яшаш муҳитини ёмонлашувига сабаб бўлаётган ижтимоий-экологик муаммолар: экологик хавфсизликни таъминлаш ресурс- ва энергияни тежаш технологияларини ишлаб чиқишни, чиқиндисиз ишлаб чиқаришни ташкил этишни, ердан оқилона фойдаланишни, ноёб табиий ҳудудларни сақлашни, экологик мониторинг ўтказиб боришни тақозо этади;

-инсон билан боғлиқ муаммолар: ижтимоий, иқтисодий ва индивидуал ҳуқуқ ва эркинликларни сақлаш; очлик ва эпидемик касалликларни тугатиш; инсонни табиат, жамият ва давлатдан ҳамда хусусий фаолияти натижаларидан бегоналигига барҳам бериш<sup>409</sup>.

Албатта, глобал муаммолар фақат тарихда илк бор умуминсоний манфаатлар ва қадриятларнинг устуворлигини, ўзининг инсоний моҳиятини англашни бошлаган барча инсониятни интеллектуал, моддий ва молиявий ресурсларини бирлаштирган ҳолдагина ўз ечимларини топиши мумкин. Бу жараёнлар халқаро муносабатлар, ташқи сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш соҳаларига таъсир кўрсатмоқда. У қадриятларни қайта баҳолаш, ижтимоий тараққиёт мезонлари ва моҳиятини қайта англашлар билан уйғун ҳолда кечмоқда. Инсониятнинг истиқбо-

---

<sup>409</sup>Қаранг: Международный политический процесс// [http://nicbar.ru/theoria\\_politiki21.htm](http://nicbar.ru/theoria_politiki21.htm).

ли жаҳон сиёсати акторларининг хусусий ва умум сайёравий манфаатлар мувозанатларини топишга боғлиқдир.

Шу билан бирга, ҳозирги даврда халқаро муносабатларнинг ижобий ривожланишига доир туб ўзгаришлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. *Халқаро муносабатлар мафкуралашувидан халос бўлиш жараёни.* Жаҳонда биполяр тизимларнинг инқирози билан давлатларни турли гуруҳларга бўлиб турадиган мафкуравий қарама-қаршиликлар барҳам топди. Ҳозирги даврда мафкуравий зиддиятлар ўзининг муросасиз характерини йўқотиб бормоқда, халқаро муносабатлар аста-секинлик билан эски мафкураларнинг босимларидан қутилмоқда. Лекин бу билан сиёсий идеализм ғалабаси ҳақида гапиришга ҳали вақт эрталик қилади. Чунки Чеченистон, Югославия, Ироқ, Афғонистон каби мамлакатлардаги воқеалар янги радикал мафкураларнинг кучайишга мойиллигини кўрсатмоқда.

2. *Қарама-қаршиликдан шерикчилик ва ҳамкорликка ўтиш.* Халқаро муносабатларнинг мафкуралашувдан халос бўлиш жараёнида халқлар ва давлатлар савдо, иқтисодий, ўзаро ёрдам, маданий муносабатлар, илмий алмашувлар каби турли соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишининг мақсадга мувофиқ эканлигини англаб бормоқда.

3. *Ўзаро тийиб туришининг халқаро тизими шаклланиши* жаҳон сиёсатида куч ва турли таъсирларни мақсадга мувофиқ ҳолда жойлаштиришга имкон яратмоқда. Европа мамлакатлари интеграцияси кучли давлатларнинг глобал якка ҳокимлик режаларини тийиб туриш марказларидан бири сифатида мисол бўла олади.

4. *Жаҳон сиёсатининг демократлашуви ва инсонийлашуви.* Жаҳон ҳамжамияти халқаро муносабатларни ҳар бир инсоннинг ҳаёт кечириш, эркинлик, яхши турмуш шароитларига эга бўлиш ҳуқуқлари нуқтаи назаридан баҳоланишининг муҳимлигини англаб ета бошлади.

5. *Халқаро муносабатлар соҳасининг кенгайиши.* Замонавий халқаро муносабатлар соҳаси – иқтисодий, сиёсий ва дипломатик муносабатлардан тортиб то мутахассислар билан ижодий алоқалар ва иштирокчилари давлат мансабдорлари, сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатлар, диний, маданий, спорт ва бошқа ташкилотлар бўлган Интернет орқали кундалик мулоқотлар билан туташиб кетди.

6. *Глобал муаммоларнинг барча инсоният учун умумий эканлигини англати.* Инсоният ўз бошига тушган фалокатлар, табиий характердаги глобал ҳалокатлар оқибатида ўз тақдирларининг умумий эканлигини, бир-бирларига боғлиқ эканлиги ва алоқадорлигини тушуниб етди. Бу ҳолатлар ягона жаҳон ҳамжамияти ёки барча инсоният бирликда ҳаракат қиладиган жаҳон тизими шаклланишига имкониятлар яратмоқда.

7. *Глобаллашув жараёни ва бир хилликка интилиши.* Ҳозирги глобаллашув мафкурачиларининг фикрича, халқларни давлатларга бўлиш шартли характер касб этмоқда, шундай экан, ягона ахборот, таълим ва маданий кенгликлар шаклланишига боғлиқ ҳолда инсонлар ҳаёт тарзида универсаллик кузатилмоқда. Ҳозирги даврда фақат турли давлатлар ва минтақаларнинг жуғрофий алоҳидалиги тўғрисидагина гапириш мумкин. Сайёра турли кенгликлардан иборат бўлишига қарамай, у ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий маънода яхлитлик аломатини намоян қилмоқда<sup>410</sup>. Алоҳида мамлакат ва халқлар ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётининг турли-туман эканлиги ва хусусиятларидан фарқ қиладиган ягона жаҳон ҳамжамияти шаклланимоқда.

## 5. Ўзбекистон Республикаси – халқаро сиёсатнинг фаол субъекти

Ўзбекистонда миллий мустақилликнинг эълон қилиниши натижасида мустақил давлатнинг муҳим атрибути – ташқи сиёсат институтларини шакллантириш ва унинг концепциясини ишлаб чиқиш ислохотлари бошланди. Илгари умуман мустақил равишда ташқи сиёсат олиб боришга йўл қўйилмаган, фақат номигагина ташқи ишлар вазирлигига эга бўлган республика жуда ҳам қисқа вақт ичида мамлакат миллий манфаатларини ифодалашга ва ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий ташқи сиёсат олиб бориш тузилмаларини шакллантирди. Қисқа фурсат ичида Ўзбекистон давлати жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатларнинг фаол иштирокчисига айланди. Давлатнинг ташқи сиёсатга доир

---

<sup>410</sup> Қаранг: Понятие мировой политики и международных отношений// [http://ucheba-legko.ru/lections/viewlection/politologiya/geopolitika/ponyatie\\_mirovoy\\_politiki\\_i\\_mejdunarodnyih\\_otnosheniy](http://ucheba-legko.ru/lections/viewlection/politologiya/geopolitika/ponyatie_mirovoy_politiki_i_mejdunarodnyih_otnosheniy).

концепцияси Президент И.А.Каримовнинг асарларида мужассамлашди. Мазкур концепция учун Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти ва давлатлараро хавфсизлик тизимида муносиб ўринни эгаллаши, мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлаш эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда давлатлараро ташқи сиёсатни ривожлантириш, ташқи сиёсатни мафкурадан халос этиш, давлатни кўшилмаслик ҳаракатига аъзо бўлишига эришиш, барча хорижий давлатлар билан ҳар томонлама ўзаро ҳамкорлик қилиш, миллий манфаатларни ифодалаш ва ҳимоя қилиш каби йўналишлар асос қилиб олинди<sup>411</sup>.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ўз миллий ташқи сиёсатининг тамойиллари асосида амалга оширган фаолияти натижасида қисқа давр ичида деярли барча давлатлар Ўзбекистонни мустақил мамлакат сифатида тан олди, уларнинг кўпчилиги билан расмий дипломатия муносабатлари ўрнатилди.

Президент И.Каримов томонидан ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга доир қуйидаги асосий тамойиллар ишлаб чиқилди:

Биринчидан, ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда давлат миллий манфаатларининг устунлиги;

Иккинчидан, тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;

Учинчидан, мафкуравий қарашлардан қатъи назар ҳамкорлик учун очиқлик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик;

Тўртинчидан, халқаро ҳуқуқ нормаларининг давлат ички нормаларидан устуворлиги;

Бешинчидан, ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш<sup>412</sup>.

Ўзбекистон Республикаси суверен давлат ва халқаро муносабатларнинг субъекти сифатида ўз сиёсатини халқаро ҳуқуқнинг

---

<sup>411</sup> Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. –Б. 63-73.

<sup>412</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1997. –Б. 296-297.

умуминсоний меъёрларини, бошқа давлатлар ички ишларига аралашмасликни, уларнинг мустақиллиги ва суверенитетига ҳурматни ҳисобга олган ҳолда олиб борди. У жаҳонда юз бераётган глобал ва минтақавий жараёнларнинг фаол иштирокчиси, аксарият ҳолатларда эса ташқи сиёсий майдонда уларнинг ташаббускори бўлиб чиқа бошлади. Давлатнинг тинчликсевар ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида”ги (декабрь, 1996 й.) қонунда мустаҳкам белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон давлати миллий мустақилликка эришган пайтдан бошлаб ўзининг миллий ташқи сиёсатини демократик тамойиллар асосида амалга ошира бошлади. Мустақилликнинг дастлабки давридан бошлаб давлат ташқи сиёсий фаолиятининг ҳуқуқий давлатга хос бўлган асосий тамойиллари шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг бош тамойили – мамлакат суверенитетини ҳимоя қилиш ва таъминлашдан иборат, деб белгиланди. Мамлакатда давлат суверенитети – миллий манфаатларни ифодалаган ташқи ва ички сиёсат соҳасининг асосий йўналиши сифатида эътироф этилди. Бинобарин, давлат суверенитети олий қадрият, миллий давлатчиликнинг асоси сифатида либерал-демократик жамият манфаатларидан келиб чиқиб талқин этилади.

Давлат суверенитети устуворлиги тамойили асосан қуйидаги омилларда ўз ифодасини топди: миллий манфаатлар устуворлигига таянган ҳолда халқаро ҳуқуқ меъёрларига амал қилишга масъулият билан ёндашув; жаҳон ҳамжамияти учун очиқлик; бошқа мамлакатлар ички ишларига аралашмаслик; миллий давлатчиликни шакллантириш, ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этишда ўзига хос ва ўзига мос йўлни танлаш ҳуқуқи. Албатта, миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ва ривожланиш йўлидан бораётган давлат учун бу омиллар муҳим аҳамият касб этади.

Давлат суверенитетини мустаҳкамлашнинг асосий таянчи бўлган давлат ташқи сиёсатининг тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддаси ҳамда “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий тамойиллари тўғрисида”ги Қонунда ўз ифодасини топди. Конституцияга биноан, Ўзбекистон Республикасининг “ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қил-

маслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланиши”, шунингдек, “Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин” эканлиги қатъий белгилаб қўйилди<sup>413</sup>.

Конституцияда белгиланган тамойиллар ва меъёрлар ўзида халқаро ҳуқуқнинг асосларини ифодалаб, улар табиатан универсал, умумэътироф этилган ва императив тамойиллардир. Мазкур меъёрлар ва тамойилларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ифодаланиши ички ва ташқи сиёсатнинг мақсад ва вазифалари ҳуқуқий давлат қуришга қаратилганлигини англатади. Шунини таъкидлаш жоизки, мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш йўли авваламбор ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантириш, Ўзбекистон фуқаролари учун муносиб бўлган турмуш даражасини таъминлашга қаратилгандир. Бу жараёнда ташқи сиёсий омиллар мамлакатимизнинг халқаро муносабатларда тўлақонли иштирок этиши, ўзининг суверенитетини янада мустаҳкамлашга қаратилган фаолият ва интилишларида намоён бўлади.

Халқаро тажрибадан маълумки, ҳар бир суверен давлат ўзга давлат юрисдикциясига қарши иммунитетга эгадир. Аниқроғи, давлатларнинг суверен тенглиги бошқа давлатлар эркинлиги билан чекланадиган эркинликни англатади. Ўзбекистон Республикаси ўз ташқи сиёсий фаолиятини халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган ана шу меъёр ва тамойилларига таянган ҳолда амалга оширади.

Маълумки, халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва тамойилларига амал қилиш ҳар қандай мамлакат ташқи сиёсий имкониятларини кучайтиради. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг пишиқ-пухта ўйланган ва изчиллик билан амалга оширилаётган ташқи сиёсати мамлакатимизнинг халқаро муносабатлар тизимига уйғун-

---

<sup>413</sup>Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2012. –Б. 6.

лашиши, жаҳон ҳужалик алоқалари, ялпи хавфсизликнинг глобал ва минтақавий тизимларига интеграциялашувига хизмат қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мамлакат ижтимоий тараққиётининг асосий ички масалаларини ҳал этиш, ташқи сиёсатда миллий манфаатларини ҳимоя қилишга тайёр, очиқ ва тинчликсевар мамлакат тимсолини шакллантиради.

Умуман олганда, Ўзбекистон БМТга аъзо бўлган – 1992 йилнинг 2 мартидан эътиборан БМТ ҳужжатлари, биринчи галда, унинг Низомида акс эттирилган меъёрлар ва тамойиллар Ўзбекистон учун бажарилиши шарт бўлган меъёрий ҳужжатлар сирасига киради. Шунингдек, мамлакат ўз ташқи сиёсатини амалга оширишда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрлари ва тамойиллари ифода этилган халқаро шартномалар ва битимларда акс этган қоидаларга ҳам амал қилади.

Давлат мустақиллиги эълон қилинишидан кейин кўп вақт ўтмасдан Ўзбекистон давлати БМТ ва унинг тузилмалари, ЕХХТ, Европа Иттифоқи, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) каби нуфузли халқаро ташкилотлар ва иттифоқлар билан ҳамкорлик қила бошлади. Ўзбекистон 120 дан ортиқ мамлакатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатди. Тошкентда 42 та хорижий давлатлар элчихоналари, битта бош консуллик, 9 та фахрий консуллар, 10 та халқаро ташкилотлар ваколатхоналари, 5 та халқаро молия ташкилотлари ваколатхоналари, 3 та дипломатик мақомга эга бўлган савдо ваколатхоналари фаолият юрита бошлади. Ўз навбатида, БМТ ва унинг тузилмалари, хорижий давлатларда Ўзбекистоннинг 48 та дипломатик ва консуллик ваколатхоналари ўз фаолиятини бошлади. Ўзбекистон 100 дан ортиқ халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб кирди<sup>414</sup>.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон ташқи сиёсати нафақат халқ фаровонлиги ва унинг турмуш даражасини оширишга, балки халқаро даражада пайдо бўлган муаммоларни бартараф этишда фаол иштирок этишга ҳам қаратилгандир. Бу каби муаммолардан бири - бу халқаро террорчилик ва экстремизмдир. Ўзбекистон давлати антитеррор коалициянинг фаол аъзоси сифатида бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилмоқда.

---

<sup>414</sup> Қаранг: Развитие международных связей//<http://www.gov.uz/ru/business/international/2466>.

Президент И.А.Каримовнинг 1999 йилда Истамбулдаги ЕХХТнинг саммитида илгари сурган ташаббуси билан терроризмга қарши курашнинг халқаро маркази сифатида БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Аксилтеррорчилик қўмитаси тузилган эди. Ўзбекистон мазкур ташкилотнинг энг фаол аъзоларидан бири ҳисобланади.

Марказий Осиёга нисбатан турли террорчилик ва экстремистик ҳуружларнинг кучайганлиги, бу минтақа уруш ўчоқларига яқинлиги сабабли Ўзбекистон давлати бу ҳудудда ядро қуролини тарқатмаслик сиёсатини олиб бормоқда. Президент И.А.Каримов томонидан Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли ҳудудни тузиш ташаббуси халқаро ҳамжамият томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланди.

Шунингдек, Ўзбекистон давлати Фарбий Европада истеъмол қилинаётган героиннинг 80% га яқини Афғонистондан бораётганлиги, уларнинг ярми Марказий Осиё орқали ўтиши, наркотик моддаларни ўтказишда радикал экстремистик гуруҳларнинг фаоллашуви ва уюшган жиноятчиликнинг авж олиши кабиларни эътиборга олиб, БМТнинг наркотиклар ва жиноятчилик бўйича Бошқармаси билан таъсирчан халқаро дастурларни амалга оширишда фаол иштирок эта бошлади. Ана шу ҳамкорлик натижаси ўлароқ, БМТ томонидан Тошкентда чегаралараро жиноятчиликка қарши Минтақавий марказ ташкил этилди.

Ўзбекистон халқаро майдонда экологик офатларни олдини олишда ҳам жаҳон ҳамжамияти ва бошқа давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириб бормоқда. Орол денгизининг қуриб бориши ва унинг йўқолиб кетиш хавфи, Оролбўйи минтақасида туз бўронларининг кучайиб бориши, денгиз атрофи қуриб бориши натижасида иқлим ва ландшафтнинг ўзгариши нафақат Ўзбекистонга, балки бошқа мамлакатлар табиати ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётига таҳдид солмоқда. Умуман, бу экологик хавф-хатарлар 35 миллиондан ортиқ аҳолига тўғридан-тўғри салбий таъсир этмоқда.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон давлати мазкур минтақада экологик ҳолатни яхшилаш учун БМТ тузилмалари, бошқа манфаатдор давлатлар билан алоқаларни ривожлантириб бормоқда. БМТнинг Мингйиллик саммитида Президент И.А.Каримов ЮНЕП ҳомийлигида Орол ва Оролбўйи муаммолари бўйича кенгаш ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. Шунингдек, Ўзбе-



кистон давлати ташаббуси билан ташкил этилган Орол фожиасига барҳам беришга қаратилган халқаро жамғармалар, турли ташкилотлар фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон давлатининг халқаро сиёсатдаги иштирокини миллий манфаатлар ва демократик қадриятлар асосида олиб боришда 2012 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолияти концепцияси” муҳим аҳамият касб этади. У мустақиллик даврида давлатнинг ташқи сиёсат соҳасида амалга оширилган стратегиясининг мантиқий давоми бўлиб, унда ҳозирги даврда замонавий халқаро сиёсатда иштирок этишнинг принциплари, жаҳон ҳамжамияти ва хорижий мамлакатлар билан конструктив муносабатларга киришиш йўллари, мамлакат ташқи сиёсатининг мазмун-моҳияти мужассамлашган. Албатта, мазкур концепция ғояларини амалга ошириш Ўзбекистонни халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлишини, уни жаҳон интеграциясидан ўзига муносиб ўрин эгаллашини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

**Такрорлаш учун саволлар:**

1. «Халқаро сиёсат эволюцияси» жараёни деганда нимани тушунаси?
2. Халқаро сиёсат назарияси қандай олимлар томонидан ривожлантирилди?
3. Ҳозирги даврда қандай геосиёсий ўзгаришлар юз берди?
4. Ҳозирги давр халқаро муносабатларининг ривожланишидаги асосий тамойиллар нималардан иборат?
5. Ўзбекистон давлати ташқи сиёсатининг асосий принциплари ва моҳияти нималардан иборат?
6. Ўзбекистон давлатининг халқаро сиёсатдаги иштироки ва ташаббуслари тўғрисида нималарни биласиз?

## ГЛОССАРИЙ

**Автономия** – юнон. autos+ nomos – ўзи+қонун; 1. Ягона давлат миқёсида ҳудудий-миллий тузилмаларга (вилоят, ўлка) ўзини ўзи бошқариш ваколатларини бериш; 2. Маъмурий-ҳудудий бирлик; 3. Қандайдир органлар (хўжалик, давлат, партия ва бошқалар) фаолиятларидаги ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи.

**Авторитар** – лот. auctoritas – ҳокимият, таъсир; ҳокимиятнинг бир киши ёки бир ҳокимият органи қўлида тўпланиши, диктаторлик услублари билан идора этишга асосланган сиёсий режим.

**Аристократия** – юнон. aristokratia, зодагонлар ҳукмронлиги; бирон-бир ижтимоий қатлам ёки гуруҳнинг имтиёзли қисми.

**Ассоциация** – лот. association – қўшилма; қўшилиш, аралашини; шахслар бирлашмаси ёки фаолият тури бўйича тузилган муассаса.

**Агрегация** – лот. aggregatus – қўшилган, тўпланган; нодавлат ва жамоат ташкилотлари айрим манфаатларни агрегация қилиш, яъни турли мунозаралар ва муҳокамалар воситасида асосий ва муҳим манфаатлар уйғунлаштирилади ва улар ўртасида муайян муносабатлар тизимини шакллантиради.

**Актор** – лот. “actor” – актёр, арбоб; муайян хатти-ҳаракатларни амалга оширувчи индивид, ижтимоий гуруҳ, институт ёки бошқа субъект. зиддиятларда иштирок этувчи томонлар. Сиёсатшуносликда актор ва субъект тушунчалари синоним сифатида ишлатилади.

**Анархизм** – юнон. anarchia – бошлиқсизлик, ҳокимиятсизлик; жамиятни давлатсиз қуриш, ҳар қандай институтлашган ҳокимият шаклини фуқароларнинг эркин ва ихтиёрий уюшмаларига алмаштириш тарафдори бўлган сиёсий оқим.

**Анахронизм** – юнон. ana+chronos–орқага+вақт,замон; янглиш ҳолда бир даврдаги воқеа ёки ҳодисаларни бошқасига алмаштириб қўйиш.

**Апатия** – юнон. apatheia – беҳушлик, эътиборсизлик; бутунлай бифарқлик ҳолати, лоқайдлик.

**Антрепренер** – фр. entrepreneur – тадбиркор, ишбилармон; хусусий, томоша қилиш (театр, цирк ва бошқ.) корхоналари эгаси.

**Атрибут** – лот. attributum – муҳим белги, аниқловчи; бирон-бир предмет ёки ҳодисанинг муҳим ва ажралмас хусусияти, ниманидир таркибий қисми.

**Артикуляция** – лот. articulation – алоҳида-алоҳидага бўлиниш; нодавлат ва жамоат ташкилотлари индивидлар ва ижтимоий гуруҳларнинг тарқоқ қарашлари, ижтимоий руҳий кечинмалари ва умидларини аниқ ва маълум сиёсий мақсадлар ва талабларга айлантириш жараёнини англатади.

**Аскриптив** – ингл. ascription – нисбат бериш; аскриптив мезонлар - индивиднинг келиб чиқиши бўйича қандай тоифа, уруғ, оила кабиларга тегишли эканлигига асосланган мезонлари.

**Биполяр** – ингл. bi+polar – икки+қутбли; икки қутбли.

**Блокада** – ингл. blockade; block – тўсиб қўймоқ, тўсқинлик қилмоқ.

**Вето** – лот. veto – тақиқлайман тақиқ (кўпинча парламент ҳукуматга нисбатан ишончсизлик ветосини билдириш ҳуқуқига эга бўлади).

**Вербал** – лот. verbalis – сўз орқали; оғзаки; бунда сиёсий иштирокни шахснинг субъектив жиҳатига боғлиқ эмаслигига ишора қилинмоқда.

**Вестер** – ингл. west – ғарб; вестернизация–мамлакатлар сиёсий тизими ёки маданиятларини ғарблашув жараёни.

**Волюнтаристик** – лот. voluntas-ирода; бу тушунча субъекти ирода асосида сиёсат юритаётган шахс ёки шахсларни аниқлаш учун ишлатилади.

**Гильдия** – нем. gilde – корпорация; ўрта асрларда савдогарларнинг цех корпорацияларини, кейинчалик савдогарларнинг табақавий бирлашмалари номини англатган тушунча.

**Гипотетик** – юнон. hypothetikos – тахминий; фараз қилинган, тахмин қилинган.

**Девелопемент** – фр. developpement – ривожланиш.

**Девант** – лот. deviatio – четга чиқиш, оғиш.

**Дезинтеграция** – фр. des+лот. integratio бир бутуннинг таркибий қисмларини бўлиниши, парчаланиши, интеграциянинг тескариси.

**Детерминизм** – лот. determinare-аниқлаш, ифодалаш; фалсафада умумий қонуният сифатида тан олинган ҳодисалар, табиат ва жамиятдаги барча ҳодисаларнинг шартланганлик сабаблари.

**Диверсификация** – лот. diversificatio – ўзгариш, турли-туманлик; сиёсий фанларда муаммога турлича ёндашувлар бирлиги ва сиёсий фаолиятнинг турли услубларидан фойдаланиш тушунилади.

**Дискриптив** – ингл. descriptive – тавсиф, тасвирий, кўрсатмали, кўргазмали.

**Дифференциация** – лот. differentia – фарқлаш, ҳар хиллик; тақсимланиш, бирон-бир нарсани алоҳида турли хил унсурларга ажралиши, бўлакларга бўлиниш.

**Дихотомия** – юнон. dicha+tome – икки қисмга+кесилган.

**Дуализм** – лот. dualis – икки тарафламалик; икки тарафламалик (шунингдек, фалсафадаги дунё асосида иккита мустақил бош сабаб – руҳ ва модда, идеаллик ва моддийлик мавжуд деган қарашлар ҳақидаги таълимот).

**Иерархия** – юнон. hierarchia – мансаб поғонаси; мансаб ва унвонларнинг пастдан юқорига ва бўйсунуш тартиби бўйича жойлашиш қатори.

**Инклюзивлик** – ингл. inclusive ўз ичига олмоқ, ичида, ичига кириб бориши.

**Инстанция** – лот. instans – келгусидаги; бир-бирига бўйсунадиган органлар тизимида изчилликдаги ҳар бир поғоналари.

**Иррационал** – лот. irrationalis; билишнинг асосий воситаси сифатида ҳис-туйғу, инстинкт ва эътиқодни тан олувчи фалсафий қараш.

**Квази** – лот. quasi – гўёки, хаёлий; гўёки шундай; мураккаб сўзларда “хаёлий”, “таги-туғи йўқ”, “сунъий”, “қалбаки” маъноларида ишлатилади. Масалан, квазиолим – сохта олим.

**Кибернетика** – юнон. kybernetike – бошқариш санъати; бошқарув жараёнлари ва ташкиллашган тизимлардаги алоқаларнинг умумий қонуниятлари ҳақидаги фан.

**Коммуникация** – лот. communicatio – хабар, алоқа.

**Коммуникатор** – лот. ўзаги “communicatio” – “хабар”; ахборот узатишдаги воситачи.

**Компетент** – лот. competens – лойиқлик, мутаносиблик; ўз билими ёки ваколати билан бирон-бир қарорни қабул қилиш, масалани ечиш ёки улар юзасидан ҳукм чиқариш учун зарур бўлган илмга ёки қобилиятга эга бўлишни англатади.

**Консенсус** – лот. consensus; келишув, ҳамфикрлик, яқдиллик, бирлик, тил бириктириш.

**Конституентлар** – ингл. constituent – сайловчи; бир бутуннинг бир қисми; сиёсатшуносликда етакчи билан фуқаролар ўртасидаги ўзаро бир-бирига боғлиқлик сифатида ишлатилади.

**Континуум** – лот. continuum – узлуксиз, ялли.

**Конфликт** – лот. conflictus – томонлар тўқнашуви; томонлар, фикрлар, манфаатлар тўқнашуви; жиддий ихтилофлар ва зиддиятлар, ўткир тортишув, жанжал.

**Конформизм** – лот. conformus – ўхшаш, монанд; мослашувчанлик, мавжуд тартиботлар ва ҳукмрон фикрларни пассив равишда қабул қилиш.

**Коррелятив** – лот. correlativus – ўзаро нисбат; ўзаро муносабат, муносабатдош, муносабатдорлик.

**Легал** – лот. legalis – қонуний; рухсат берилган, қонун эътироф этган.

**Либертаризм** – ингл. libertarian – ирода эркинлиги тарафдори; жамиятда ошқора ҳокимият соҳасини имкони борича қисқартириш, инсоннинг индивидуал эркинлиги соҳасини кенгайтириш заруратини илгари сурган эътиқод.

**Локал** – лот. localis – маҳаллий; шу жой учун хослик.

**Лояллик** – фр. loyal – ишончли, садоқатли; шахсларни ўзини қонун доирасида тутиши, ҳокимият органлари талаб ва кўрсатмаларига амал қилиши ва ҳоказо.

**Мажоритар** – фран. *majoritaire* – кўпчилик; лот. *maior* – катта, кўп сўзидан олинган; кўпчиликка тааллуқли, тегишли; кўпчиликка асосланган. Баъзан «кўтаринки», «қувноқ кайфият» маъноларини ҳам беради.

**Маргинал** – фр. *marginal* – чеккада турувчи; иккинчи даражали, охирги; сиёсатшуносликда – олдинги ижтимоий алоқаларини йўқотган, янги ҳаёт шарт-шароитларига ҳали мослаша олмаган, қандайдир ижтимоий гуруҳлар орасида ёки энг чеккасида турган ижтимоий одам, жамиятнинг сиртида қолган: люмпен, мискин ва ҳоказо.

**Мессия** – баъзи динларда зулми йўқотиш ва инсониятни қутқариш учун келадиган илоҳий халоскор (“Мусо” ва “Масих” маъноларида ҳам ишлатилади).

**Минимум** – лот. *minimum* – энг кам, энг оз.

**Миноритар** – фран. *mineur* – кичик; партологияда мағлубиятга учраган ёки парламентдан кам депутатлик ўринлари олган партиёга нисбатан қўлланилади; «минор» сўзи «хафа», «ғамгин», «қайғули кайфият» каби маъноларни ҳам беради.

**Модель** – фр. *modele* – намуна, тарҳ, ниманидир тасвири тавсифи.

**Модификация** – фр. *modification* – кўриниш ёки шакл ўзгариши.

**Мухторият** – араб. ўзига мустақиллик; автономия.

**Номинал** – лот. *nominialis* – номига берилган, ёзилган; расмийлашган, ўрнатилган, белгиланган.

**Олигархия** – юнон. *oligos* – озчилик, кичик, катта бўлмаган + *arche* – ҳокимият, ҳукмронлик; сиёсий ҳукмронлик, таъсирли шахсларнинг тор доирасига тегишли бўлган ҳокимиятни идора этиш шакли.

**Охлократия** – юнон. *ochlos* – оломон + *kratos* – ҳокимият; оломон ҳукмронлиги; популистик шиорлар билан жамиятдаги қашшоқ қатламларга суяниб фаолият юритадиган ижтимоий-сиёсий гуруҳлар ҳокимияти.

**Партикуляр** – лот. *particularis* – алоҳида; хусусий ва тор гуруҳий манфаатлар доирасида ўралашиб қолиш.

**Партиципация** – ингл. *participation* – иштирок, ҳамистирик; иштирок этмоқ; фуқаролар томонидан давлат ва жамият ишларини бошқариш жараёнида у ёки бу функцияларни бажаришни шарт қилиб қўядиган демократиянинг моделига доир нисбат.

**Патернализм** – лот. *paternus* – оталарча; давлатнинг жамиятдаги ўрнини кучайтириш, давлатни фуқароларга ҳомийлик қилишини амалга оширишга доир ҳокимият институтларини тузишга мойил давлат доктринаси.

**Пенитенциар** – лот. *penitentiary* – қамоқхона, турма; кўпроқ жиноий ва қамоқхоналар билан боғлиқ жиддий жазолашларга тааллуқлилик.

**Перманент** – лот. *permanens* – доимий, узлуксиз давом этиш.

**Перманетизм** – лот. *permanens* – доимийлик, узлуксиз давом этишга доир қарашлар.

**Плебисцит** – лот. plebiscitum – халқ қарори; халқ қарори, давлатнинг йирик масалаларга доир ўтказадиган умумхалқ сайлови.

**Полиархия** – юнон. “poly”+ “arhe” – кўпчилик+ҳокимияти, бошқаруви; “кўпчилик бошқаруви” маъносини беради.

**Полития** – сиёсий характер касб этувчи ҳокимиятни вакил этишга асосланган жамият; Аристотелга биноан, барчанинг манфаатлари учун кўпчиликнинг бошқаруви.

**Популизм** – лот. populus – халқ; халқ эҳтирослари ва эҳтиёжларидан фойдаланиб, уларни алдаш, ёлғон ваъдалар билан ўз сиёсий мақсадларига эришиш, обрўга эришиш ўйинлари.

**Популярилар** – лот. populares – халқчил; қадимги Римда қишлоқ ва шаҳар аҳолиси манфаатларини ифода этувчи халқ партияси.

**Прагматизм** – pragma – ҳаракат, амалиёт; фалсафадаги оқимлардан бири бўлиб, объектив ҳақиқатни билишни инкор этади, амалий фойдали натижаларни ҳақиқат сифатида тан олади.

**Радикализм** – лот. radicalis – туб; 19 асрда туб (радикал) ислохотлар ва ўзгаришларни талаб қилиб чиққан сиёсий оқим.

**Рационал** – лот. rationalis – оқилона; мақсадга мувофиқ, асосланган, далилланган (энг тўғри йўл маъносида ҳам ишлатилади).

**Рекрут** – нем. rekrut – янги олинган аскар; ёлламоқ; хорижий армия томонидан ўз таркибини тўлдириш учун ёллаш ёки мажбурият асосида аскарликка олиш; сиёсий жараёнда сиёсат субъектларини ўз сафларини ўзи учун зарур бўлган одамлар ҳисобига тўлдириши.

**Рефлекс** – лот. reflectere – ифодалаш, кўзгу, акс, ёритиш; одамнинг турли таъсирларга нерв тизими орқали у ёки бу қарши таъсир кўрсатиш ёки ҳайвон организмга нерв тизими орқали у ёки бу таъсир этишга қарши унда жавоб тариқасида пайдо бўладиган ҳодиса.

**Реставрация** – лот. restauratio; бирон-бир нарсани дастлабки қуришини тиклаш; сиёсий фанларда инқилоб ёки бошқа йўл билан ағдарилган эски тузум ёки династияни тиклаш;

**Реципиент** – лот. recipiens – олувчи; кўпинча ахборот олувчи маъносида ишлатилади.

**Секуляр** – лот. secularis – дунёвий; ниманидир черков ва диний идоралар тасарруфидан олиш, давлатни диндан ажратиш, дунёвий жамият қуриш маъноларида ишлатилади.

**Синдром** – юнон. syndrome – қўшилиш; касалликнинг муайян аломатлари; тўпланиш, нарсаларнинг бирлашуви.

**Социум** – лот. socium – умумий, биргаликда; кишилар ҳаёт фаолияти шарт-шароитларининг умумийлигини тавсифловчи ижтимоий бирлик.

**Страта** – лот. stratum – қатлам.

**Субординация** – лот. sub+ordination – тақсимлаш; тартибга келтириш; хизмат интизоми қоидаларига тегишли ҳолда мартаба даража-

лари бўйича кичик мансабдорларнинг катта мансабдорларга бўйсуншига қатъий амал қилиш.

**Суверенитет** – фран. *souveraineté*; давлатнинг ички ишлар ва ташқи муносабатларда хорижий аралашувларга йўл қўймаган ҳолдаги мустақиллиги ва мухторияти.

**Толерантлик** – лот. *tolerantia* – чидам; бегона фикрлар ва динларга нисбатан чидамли бўлиш.

**Тоталитар** – лот. *totalis* – тўла, бутунлай; жамиятнинг барча соҳаларини назорат қилишга асосланган, демократик ташкилотларни таққиллаш, инсон конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари тугатилган, тараққийпарвар кучларни қувғин қиладиган, милитаристик ижтимоий тузум, давлат, сиёсий режим.

**Транзит** – лот. *transitus* – ўткинчи, ўтиш; сиёсатшуносликда бир тузумдан иккинчисига ўтишдаги оралиқ давр ёки модернизация жараёни назарда тутилади.

**Трансакция** – лот. *transactio* – битим тузиш; турли шакллардаги буюртмаларни электрон шаклда бериш учун касбий фаолият юриштишга лицензия олиш ва ҳужжатлар алмашиш учун солиқ декларациялари кабилардир (масалан, масофали таълим бериш, электрон алоқа билан соғлиққа доир маслаҳатлар бериш ва ҳоказо).

**Трансформация** – лот. *transformatio* – ўзгариш, бошқа нарсага айланиш, шакл ўзгариши); сиёсатшуносликда сиёсий ўзгариш ёки модернизация жараёни натижасида бир ҳолатдан иккинчисига ўтиш маъносида ишлатилади.

**Триггер** – ингл. *trigger* – тепки илмоғи (масалан, милтиқдаги).

**Универсал** – лот. *universalis* – умумий; ҳар томонлама, кенг қамровли, кўплаб мақсадлар учун яроқли, турли вазифаларни ва функцияларни бажара оладиган.

**Урбанизациялашув** – лот. *urbanus* – шаҳарга тааллуқли; саноат ва аҳолини йирик шаҳарларда тўпланиши, жамият ривожланишида шаҳарлар ролининг ортиб бориши.

**Утилитар** – лот. *utilitas* – наф; фойда, амалий фойда олишни назарда тутиш.

**Фанатизм** – лот. *fanaticus* – жазаваси тутган; ўз эътиқодига кучли берилган. бошқача қарашларга тоқатсизлик билан муносабатда бўладиган дунёқараш.

**Федерализм** – фран. *federalism* – иттифоқ; федератив асослардаги давлат тузуми принципи.

**Федерация** – фран. *federation* – иттифоқ, бирлашма; қатор мустақил маъмурий-ҳудудий бирликлар (республикалар, штатлар ва ҳоказо) ягона бир бутун мамлакат ва умумий жамоавий бошқарув органларини ташкил этадиган давлат тузуми шакли.

**Феминизм** – лот. femina – аёл; эркаклар билан аёллар ҳуқуқларини тенглаштириш учун фаолият юритадиган аёллар ҳаракати.

**Феномен** – юнон. phainomenon – ноёб; камдан-кам учрайдиган ва фавқулодда юз берадиган ҳодиса, ноёб, ғаройиб.

**Цикл** – юнон. kyklos – доира; муайян тизимни ташкил этувчи ва ўзаро бир-бирлари билан боғлиқ бўлган ҳодисалар, ишлар, жараёнлар йиғиндиси ёки ривожланишнинг тугалланган доираси.

**Циркуляция** – лот. circulatio – айланма ҳаракат; узлуксиз алмашиш, айланма ҳаракат.

**Эгалитаризм** – фр. egalitarisme – тенглик; умумий барабарлаштиришнинг социумни ташкил этиш принципига асосланувчи ижтимоий фикр йўналишларидан бири.

**Эклектив** – юнон. eklektikos – танловчи; турли-туман, баъзан қарама-қарши принциплар, қарашлар, назариялар ва одатларни механик тарзда қўшиш.

**Экспансия** – лот. expansio – кенгайиш, тарқалиш; давлатларнинг иқтисодий, ҳарбий ва дипломатик усуллар билан ўз ҳукмронлигини бошқа давлатлар ҳисобига кенгайтириш.

**Экстрактив** – лот. extractus – кўчирилган, олинган .

**Экуменизм** – лот. oecumenicus – жаҳон, ер юзи; диний конфессияларнинг бирлаштириш ҳаракати.

**Электорал** – лот. elector – сайловчи; сайланадиган, танланадиган.

**Электорат** – лот. elector – сайловчи; сайловчилар.

**Эмбарго** – испан. embargo – ҳибсага олмоқ, тақиқламоқ.

**Яшиллар** – экологик сиёсатни амалга ошириш тарафдори бўлган, табиий муҳитни соғломлаштириш ва ҳимоялашни асосий мақсад қилиб олган жамоатчилик ҳаракати ёки сиёсий партия.

**Ҳинг** – сиёсий кучлар жойлашувида жамиятнинг ижтимоий-сиёсий тузилиши сақланишини мақсад қилиб олган консерватив сиёсий оқим.



## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.—Тошкент: Ўзбекистон, 2012.
2. Каримов И.А. Асарлар тўплами.1-20-жилдлар.—Тошкент: Ўзбекистон, 1996-2013.
3. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. 6-том.—Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И. А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин.7-том. —Тошкент: Ўзбекистон, 1999.
5. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. 7-том. —Тошкент: Ўзбекистон, 1999.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият—енгилмас куч. —Тошкент: Маънавият. 2008.
7. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. —Тошкент: Ўзбекистон, 2009.
8. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь.—Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
9. Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш — мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. —Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
10. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз — демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир.Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2011 йил 7 декабрь. —Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
11. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. —Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
12. Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2012 йил 7 декабрь. —Тошкент: Ўзбекистон, 2012.
13. Каримов И.А. Бош мақсадимиз — кенг қўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

- Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. 2013 йил 18 январь. –Тошкент: Ўзбекистон, 2013.
14. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1993.
  15. Аристотель. Политика // Аристотель. Соч. в 4 т. –Москва: Мысль, 1983. Т. 4.
  16. Алексеева Т.А. Современные политические теории. –М.: 2000.
  17. Алмонд Г. Политическая наука: история дисциплины // Политические исследования. 1997. № 6.
  18. Алмонд Г., Пауэлл Дж., Стром К., Далтон Р. Сравнительная политология сегодня. Мировой обзор. –Москва: 2002.
  19. Артахаштра (фрагменты) // История политических и правовых учений: Электронная хрестоматия. Составитель: М.Н. Грачев // <http://grachev62.narod.ru/hrest/chapt07.htm>.
  20. Афлотун. Қонунлар. Рус тилидан Урфон Отажон таржимаси. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2002.
  21. Ашин Г.К. Курс истории элитологии: Учеб. пособие / Г.К. Ашин; МГИМО(У) МИД России. –Москва: 2003.
  22. Батлер Л. Конфликт и консенсус. СПб., 1990.
  23. Белов Г.А. О системе политических наук и политологии // Вестник МГУ. Серия 12. 1991. № 1.
  24. Блондель Ж. Политическое лидерство: Путь к всеобъемлющему анализу. – М.: 1992.
  25. Буртовая Е.В. Конфликтология. Учебное пособие. –Москва: 2002.
  26. Бутенко А.К. Политология как наука и как учебная дисциплина в современной России // Социально-политический журнал. 1993. № 9-10.
  27. Васильева Л.Н. Теория элит (синергетический подход) // ОНС. 2005. N4.
  28. Вебер М. Политика как призвание и профессия // Диалог. 1993. № 5, 6.
  29. Винер Н. Кибернетика и общество. –Москва: 1958.
  30. Винер Н. Кибернетика или управление и связь в животном и машине. –Москва: 1983.
  31. Гегель Г.В.Ф. Философия права. –Москва: Мысль, 1990.
  32. Гекторгорн Чарльз Уильям. Тайные общества всех веков и всех стран. –Ташкент: Шарк, 1994.
  33. Глухова А.В. Политические конфликты: основания, типология, динамика (теоретико-методологический анализ) – Москва: Эдиториал УРСС, 2000.
  34. Гоббс Т. Избр. произведения: В 2 т. Т.1. –Москва: 1965.
  35. Гомеров И.Н. Политология как наука и учебная дисциплина. –Новосибирск: 1999.

36. Даль Р. О демократии. Пер. с англ. – Москва: АСПЕКТ ПРЕСС, 2000.
37. Дегтярев А.А. Предмет и структура политической науки // Вестник МГУ. Серия «Политические науки». 1996. № 4.
38. Дегтярев А.А. Методы политологических исследований // Вестник МГУ. Серия «Политические науки». 1996. № 6.
39. Дегтярев А.А. Основы политической теории. – Москва: 2001.
40. де Токвиль А. Демократия в Америке // Антология мировой политической мысли. В 5 т. Т. I. – Москва: Мысль 1997.
41. Диманис М.Д. Политическое Партии ФРГ. // Партии и партийные системы современной Европы: Проблемно-тематич. сб. – М.: ИНИОН РАН, 1994.
42. Дука А. Теоретические проблемы в исследованиях властных элит // Журнал социологии и социальной антропологии. 2008. Том XI, № 1.
43. Жумаев Р.З. ва бошқ. Сиёсий ислохотлар стратегияси. – Тошкент: Академия, 2010.
44. Жўраев Н. Агар огоҳ сен... Портретга чизгилар: Сиёсий эссе. – Тошкент: Шарқ, 1998.
45. Ильин М.В. Идеальная модель политической модернизации и пределы ее применимости. – Москва: 2000.
46. Ильин М.В., Мельвиль А.Ю., Федоров Ю.Е. Основные категории политической науки // Политические исследования. 1996. № 4. С. 157-169.
47. Ирхин Ю.В., Зотов В.Д., Зотова Л.В. Политология: Учебник. – М.: Юристъ, 2002.
48. Истон Д. Новая революция в политической науке // Социально-политический журнал. 1993. № 8.
49. Истон Д. Категории системного анализа политики // Антология мировой политической мысли: В 5 т. – М.: 1997. Т. II. – С. 639-641.
50. История политических и правовых учений. Древний мир. – Москва: Наука, 1985.
51. История политических и правовых учений XVII-XVIII вв. – Москва: Наука, 1989.
52. История политических и правовых учений. – Москва: Издательство НОРМА, 2003.
53. Кант И. Идея всеобщей истории во всемирно-гражданском плане. Соч. в 6-и т. Т. 6. – Москва: 1966.
54. Кинг А., Шнайдер Б. Первая глобальная революция: Доклад Римского клуба. – Москва: 1991.
55. Клементевич Т. Процесс принятия политических решений // Элементы политики. – Ростов-на-Дону: 1991.
56. Козырев Г.И. Об особенностях политического конфликта // Вестник Московского университета. Серия 12. Политические науки. 2007. № 4.

57. Коваленко Б. В., Пирогов А. И., Рыжов О. А. Политическая конфликтология. –М.: 2002.
58. Комаровский В.С. Государственная служба и СМИ.(Курс лекций) . –Воронеж: Изд-во им. Е.А.Болховитинова, 2003.
59. Коэн Л.Ж., Арато Э. Гражданское общество и политическая теория.– Москва: Весь Мир, 2003.
60. История в энциклопедии Дидро и Д Аламбера. –Ленинград: Наука, 1978.
61. Краснов Б.К. Политология как наука и учебная дисциплина // Социально-политический журнал. 1995. № 1.
62. Кондильяк Э. Сочинения: В 3-х т. Т.2/Пер. с франц.; Общ. ред. и примеч. В.М.Богуславского. –Москва: Мысль, 1982.
63. Кошифий Хусайн Воиз. Футувватномаи султоний; Ахлоқий муҳсиний / Кошифий, Хусайн Воиз; нашрга тайёрловчилар: М.Аминов, Ф.Ҳасанов. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2011.
64. Лебедева М.М. Политическое урегулирование конфликтов: Подходы, решения, технологии. 2-е изд. –Москва: НОРМА, 2003.
65. Левитин Л., Карлайл Дональд С. Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти. - Тошкент: Ўзбекистон., 1996.
66. Локк Дж. Два трактата о правлении//Сочинения. В 3 т./пер. С англ. и лат. Т.3./Ред. и сост., авт. примеч. А.Л.Субботин. –Москва: Мысль, 1988.
67. Мазуров В.М. От авторитаризма к демократии (практика Южной Кореи и Филиппин). –Москва: 1996.
68. Макиавелли Н. Государь. –Москва: 1990.
69. Мангейм Дж., Рич Р.К. Политология. Методы исследования. –Москва: 1997.
70. Мангейм К. Идеология и утопия. в кн.: Утопия и утопическое мышление: антология зарубежн. лит-ры. –М.: Прогресс, 1991.
71. Менегетти А. Психология лидера. Пер. с итальянского. –Москва: Славянская Ассоциация Онтопсихологии, 1999.
72. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.–Тошкент: Ўзбекистон, 2001.
73. Монтескье Ш. Избр. произведения.–Москва: 1955.
74. Моска Г. Правящий класс // Социс, 1994, № 10. –С.187-188.
75. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк. –Тошкент: Адолат, 1997.
76. Одилқориев Т., Раззоқов Д. Сиёсатшунослик. Дарслик.–Тошкент: Ўқитувчи, 2011.
77. Основы политической науки. Учебное пособие для вузов. Под. ред. В.П.Пугачева. Часть I. –Москва: 1996.
78. Основы политической науки. Учебное пособие для вузов. Под. ред. В.П.Пугачева. Часть II. –Москва: 1996.

79. Основы государственного и муниципального управления. Учебно-методическое пособие. –Москва: 1997.
80. Острогорский М.Я. Демократия и политические партии. Т.2. –Москва: 1930.
81. Отамуратов С. Миллий ривожланиш фалсафаси. –Тошкент: Академия, 2005.
82. Парламент сайлови: миллий қонунчилик ва хорижий тажриба. Илмий-амалий қўлланма. –Тошкент: 2009.
83. Платон. Государство // Платон. Соч. в 3 т. –Москва: 1971. Т. 3. Ч. 1.
84. Платон. Собр.соч. в 4-х т. Т.1. –Москва: Мысль, 1990.
85. Политическая конфликтология: Учебное пособие/ Под ред. С.Ланцова.-СПб.:Питер, 2008.
86. Политические коммуникации.Учеб.пособие. –Москва: Аспект Пресс, 2004.
87. Политические партии в условиях демократии. Роль и функции в политической системе Федеративной Республики Германии. –Санкт-Аугустин: Фонд Конрада Аденауэра, 1995.
88. Политология. Курс лекций. Под ред.проф.М.А.Марченко.2-е изд., перераб и доп. –Москва: 1997.
89. Политология вчера и сегодня. –М.: 1990.
90. Рассел Б. Власть: очерки современной политической философии Запада. –Москва: 1989.
91. Руссо Ж.Ж. Об общественном договоре. Трактаты.–Москва: «КАНОН-пресс», «Кучково поле», 1998.
92. Саидов А.Х. Избирательное право в Республике Узбекистан. Вопросы реформы законодательство и зарубежный опыт.–Ташкент: Узбекистан, 1993.
93. Симонова Е. Политическое участие: факторы, теории, типы, формы и механизмы реализации //Политический менеджмент.–Москва: 2005.
94. Скирбекк Г., Гилье Н. История философии. Учеб. пособие. Пер.с англ.В.И.Кузнецова; под.ред. С.Б.Крымского.–Москва: Гуманит.изд.-цент ВЛАДОС, 2003.
95. Темур тузуклари /Форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж.; Б.Аҳмедов таҳрири остида. –Тошкент: Ф.Фуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашр.,1996.
96. Технология политической власти/В.И.Иванов, В.Я.Матвиенко, В.И.Патрушев, И.В.Молодых. –Киев: 1994.
97. Тоффлер О. Третья волна. –Москва: 1992.
98. Соловьев А.И.Политология: Политическая теория, политические технологии: Учебник для студентов вузов. –Москва: Аспект Пресс, 2004.

99. Уальке Дж. Гуманитарное воспитание и специализация в области политических наук // Полис. 1996. № 4.
100. Цицерон. Диалоги о государстве, о законах. — Москва: 1966.
101. Челлен Р. О политической науке, ее соотношении с другими отраслями знания и об изучении политического пространства // ПОЛИС. 2005. №2.
102. Хабермас Ю. Философский дискурс о модерне. Пер. с нем. — Москва: Издательство «Весь Мир», 2003.
103. Хантингтон С. Столкновение цивилизаций и переделка мирового порядка. // Pro et Contra, — Москва: 1997.
104. Хантингтон С. Третья волна. Демократизация в конце XX века / Пер. с англ. — Москва: 2003.
105. Хантингтон С. Политический порядок в меняющихся обществах. — Москва: Прогресс-Традиция, 2004.
106. Хейвуд Э. Политология: учебник для студентов вузов / Пер. с англ. под ред. Г.Г. Водозаова, В.Ю. Бельского. — Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2005.
107. Хорос В. Модернизация в России и Японии (цивилизационные аспекты) // Мировая экономика и международные отношения. 1991. № 9. — С. 75-78.
108. Федорова М.М. Модернизм и антимодернизм во французской политической мысли XIX века. — Москва: 1997.
109. Шмиттер Ф. Размышления о гражданском обществе и консолидации демократии. Политические исследования, 1996, № 5.
110. Эргашев И. ва бошқ. Политология. Ўқув қўлланма. — Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002.
111. Ўзбекистон: фуқаролик жамияти сари. — Тошкент: Шарқ, 2003.
112. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, сиёсий мафкуралар, сиёсий маданиятлар. — Тошкент: Шарқ, 1998.
113. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. — Тошкент: Янги аср авлоди, 2006.
114. Қирғизбоев М. Партология. Ўқув қўлланма. — Тошкент: Akademiya, 2007.
115. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. — Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

#### Электрон таълим ресурслари

1. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
2. [www.press.uz](http://www.press.uz)
3. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

*Илмий-услубий нашр*

**МУҚИМЖОН ҚИРҒИЗБОЕВ**

**СИЁСАТШУНОСЛИК**

*Ўқув қўлланма*

Муҳаррир  
Гавҳар МИРЗАЕВА

Бадий муҳаррир  
Уйғун СОЛИҲОВ

Мусаҳҳиҳ  
Нилуфар ЖАББОРОВА

Техник муҳаррир  
Сурайё АҲМЕДОВА

Компьютерда саҳифаловчи  
Феруза БОТИРОВА

Босишга 24.06.2013 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32.  
Босма тобоғи 16,375. Шартли босма тобоғи 27,51.  
Гарнитура «LexTimes Cug+Uzb». Офсет қоғоз.  
Адади 2500 нусха. Буюртма № 183.  
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.  
Лицензия рақами: АІ № 198. 2011 йил 28.08 да берилган.  
«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.  
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

*Мурожаат учун телефонлар:*

Нашр бўлими – 278-36-89; Маркетинг бўлими – 128-78-43  
факс – 273-00-14; web-сайтими: [www.yangiasr.uz](http://www.yangiasr.uz)  
интернет-дўкон: [www.yangidavr.uz](http://www.yangidavr.uz)  
e-mail: [yangiasravlodi@mail.ru](mailto:yangiasravlodi@mail.ru)

МУХИМЖОН  
КИРГИЗБОВ

# СИЁСАТШУНОСЛИК



ISBN 978-9943-27-052-7



9 789943 270527



ЯНГИ АСР АБЛОДИ



и ижтимоий манфаатларни, индивидлар ва турли ижтимоий гуруҳлар хулқи мотивларини, ижтимоий фикрларни, уларни сиёсий муносабатларга таъсирини, сиёсий ҳоқимиятни ижтимоий табиати кабиларни ўрганади, Шунинг учун ҳам тадқиқот объекти нуқтаи назаридан сиёсатшунослик ва сиёсий социология фанлари бир-бирларига жуда ҳам яқин туради. Лекин англаш предмети бўйича улар ўртасида жиддий фарқланишлар ҳам мавжуддир.

Сиёсий тарих жамият сиёсий ташкилоти принципларини, замонавий сиёсий тизимлар ва уларнинг алоҳида тизим ости унсурларини (сиёсий институтлар, сиёсий муносабатлар, сиёсий жараёнлар ва бошқалар) тадқиқ этиш учун зарур бўлган хулосаларга доир материаллар манбаидир. Бу каби материаллар сиёсатшунослик фанини аниқ ва ишончли бўлишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам инглиз тарихчиси Э.Фримэн қуйидаги фикрни билдирганида минг карра ҳақ эди: «Тарих – бу ўтмишдаги сиёсат, сиёсат эса – бу ҳозирги тарихдир»: Испан олими А.Гарсиа Тревихано эса бу ҳақда қуйидаги фикрни билдирган эди: «Тарихчи ўтган даврга тегишли иш билан машғулдир. У ижтимоий формацияларни бошланиши, ривожланиши ва тугашини кузатиши мумкин. Сиёсатшунос эса, аксинча, тарихга спектаклни томоша қилгандай қарайди, уни ҳаракат сифатида қабул қилади. Унинг сиёсий таҳлили тарихчи таҳлилидан фарқ қилиб, у ўзида амалиётга қўлламоқчи бўлган сиёсий лойиҳа нуқтаи назаридан онгли равишдаги қизиқишни ифодалайди. Унинг машаққатларини объектив манбаи шундаки, у сиёсий вазият ҳолатини тарихий шаклга кирмасидан олдин, яъни қайтарилмас ҳолатига айланмай туриб аниқ баҳолаши лозим. Бу жараён машаққатларининг субъектив манбаи аксарият ҳолатларда ўзининг шахсий истакларини воқелик билан қориштириб юборишга ундайди”.

Шунингдек, ҳодисалар ва жараёнларни тадқиқ этишнинг *фалсафа* фани усуллари сиёсатшунослик фанида ҳам қўлланилади. Қадимги даврлардан бошлаб сиёсатшунослик билан фалсафа ўртасида мустаҳкам алоқалар шаклланган. Кейинчалик фалсафани табақалаштириш натижасида бошқа турли фанлар пайдо бўлди. Жумладан, сиёсатшунослик ҳам фалсафадан ажралиб чиққани билан унга методологик асос сифатида қарайди, фалсафа сиёсий ҳодисалар ва жараёнларга доир йўналишларни дунёқарашлар сифатида асослаб беради. Сиёсий фалсафа асосан сиё-

сатнинг фалсафий асосларини таҳлил этади. Маълум бир маънода сиёсий фалсафани сиёсий воқеликнинг таркибий қисми сифатида эътироф этиш мумкин. Зеро, ҳар қандай сиёсий режим ўзини яшашини фалсафий оқлашга зарурат сезади. Бу каби оқлашлар ва тушунтиришларнинг муқобиллари кўп бўлиб, улар турли ғоявий-сиёсий оқимлар – либерализм, консерватизм, социал-демократизм каби мафкураларда намоён бўлади. Улар фалсафадан фарқ қилиб, воқеликлар ва умуман ҳодисалар табиатини англашга ёрдам беради, сиёсий файласуф эса ўз диққат-эътиборини сиёсий олам табиати – эзгулик ва ёвузлик табиатини таҳлил этишга қаратади. Адолатлилик ёки адолатсизлик, такомиллашиш ва такомилга эришмаслик, сақлаш ва ўзгариш, қўллаб-қувватлаш ёки айблаш кабилар эса сиёсий фанлар томонидан ўрганилади. Сиёсий фалсафанинг моҳиятини АҚШнинг дастлабки президентларидан бири А. Линкольннинг қуйидаги пурҳикмат сўзларидан англаш мумкин: “халқ учун ва халқнинг ўзи амалга оширадиган халқни бошқариш учун”.

Сиёсатшунослик *ижтимоий психология* билан ҳам яқин алоқада бўлиб, сиёсий вазиятни таҳлил этишда аҳолининг психологик кайфиятини, алоҳида шахслар ва ижтимоий гуруҳларнинг ҳаракатлари мотивларини эътиборга олади. Сиёсий психология кишилар сиёсий кайфиятидаги идроклаш, мотивациялар, орзумидлар, эътиқодлар, йўналишлар ва йўл-йўриқлар ролини ўрганади. Шунинг учун ҳам сиёсий психология асосчиси Г. Ласуэлл 1930 йилда “Психология ва сиёсат” номли китобини эълон қилган эди.

Шунингдек, сиёсатшунослик *табиий фанлар* тадқиқотлари натижаларидан ҳам фойдаланади. Жумладан, жуғрофия, антропология, демография каби фанлар илмий ютуқлари сиёсатшунослик фанини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Антропологиянинг предмети этник ҳамжамиятларда, айниқса ривожланаётган ва примитив жамиятлардаги бошқарув институтлари ва уларни амалий функциялари ҳисобланади. Шунингдек, унинг қизиқиш майдонларидан бири – бу гуруҳлардаги, жамоалардаги ва ҳамжамиятлардаги нисбатан кенг маданиятга эга аҳоли сиёсий хулқини ўрганишдир. Сиёсий-антропологик тадқиқотлар турли сиёсий тизимларни қиёслаш, кишилар сиёсий хулқидаги этник омилларни аниқлаш учун имкониятлар яратади. Сиёсий жуғрофия эса сиёсий жараёнларни турли маконлардаги ҳолатига боғлиқ эканлигини,

сиёсатнинг иқтисодий-жуғрофий, иқлим ва бошқа табиий омиллар миқёси билан (океанларга яқинлиги, тоғлик ёки текисликка қўйлашганлиги, табиий бойликларга эгаллиги ёки уларнинг мавжуд эмаслиги кабиларга) боғлиқ эканлигини ўрганади.

Шу билан бирга, сиёсатшунослик *кибернетикадан* ҳам кенг фойдаланиб, унинг ёрдамида сиёсий тизимни моделлаштиради, давлат тузумининг нисбатан мақсадга мувофиқ муқобилларини аниқлайди, марказий ва маҳаллий ҳокимиятлар ўзаро нисбатларини ўрганади.

Умуман, хулоса қилиб айтганда, сиёсатшунослик фақат бошқа фанлар билан алоқадорликда ва ҳамкорликдагина давлат сиёсатни ишлаб чиқишга ўзининг самарали ҳиссасини қўша олиши мумкин. Сиёсий фанлар тадқиқотлари асосида сиёсий аҳамият касб этадиган ижтимоий муаммоларни аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилади, давлат сиёсатини ишлаб чиқиш жараёни зарурий ахборотлар билан таъминланади, давлатнинг ижтимоий, миллий ва бошқа сиёсатлари ишлаб чиқилади, ижтимоий ихтилофларнинг олди олинади, уларнинг қутблашган манфаатлари ўзаро келиштирилади.

#### 4. Сиёсатшунослик ўқув фани сифатида

XIX–XX асрлар тарихга ҳозирги замонавий сиёсий қарашларнинг шаклланиш ва ривожланиш даври бўлиб кирди. Замонавий сиёсий қарашлар илк бор АҚШ ва Фарбий Европа мамлакатларида ривожланди. АҚШда сиёсий фанларнинг ривожланиши, сиёсатшунослик фанининг жамият ҳаётидаги ўрнини ошиб бориши бу мамлакатда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятига хос бўлган тарихий тараққиётга боғлиқ ҳолда кечди.

АҚШ сиёсатшунослари Америкада сиёсатшунослик фанини ривожланиш жараёнини тўртта босқичга ажратиб кўрсатади:

1) XIX асрнинг охиридан биринчи жаҳон урушигача бўлган давр;

2) Биринчи ва иккинчи жаҳон уруши ўртасидаги давр;

3) Иккинчи жаҳон урушидан кейинги давр;

4) 1960 йилдан ҳозирги давргача.

Биринчи давр замонавий сиёсатшуносликнинг қарор топган даври сифатида талқин этилади. Бу даврни немис мухожири Ф.Либер (у 1857 йилда Колумбия университетида АҚШда би-